ЭМИЛЬ ЗОЛЯ

ҲАМАЛ

(Жерминаль)

ТОШКЕНТ
ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ АДАБИЁТ ВА САНЪАТ НАШРИЁТИ
1981

www.ziyouz.com kutubxonasi

МАҲМУД ЯҲЁЕВ
таржимаси

Золя Эмиль.
Ҳамал/М. Яҳёев тарж. — Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. — 544б.

Қаҳратон қиш совуғида ҳам, баҳорнинг пилч-пилч палласида ҳам ёғоч бошмоқларини тўқиллатиб, кўмир конларига бориб келаётган заҳматкашлар ҳаёти нақадар аянчли... Қоронғи ер остидаги оғир меҳнат, қашшоқлик, ҳукмрон синфнинг золимлиги шахтёрларда норозиликни кучайтириб, уларни ёруғ келажак учун курашга отлантиради, бироқ уларнинг уюшқоқсизлиги туфайли кураш барбод бўлади, аммо шахтёрлар ёркин келажак учун курашни давом эттириш орзуси билан яшай бошлайдилар.

Бу воқеалар улуғ француз ёзувчиси Эмиль Золянинг «Ҳамал» («Жерминаль») романида кенг ёритилган.

Золя, Эмиль. Жерминаль. Роман.

И (Фр)

70304 — 80
З ——————— 130 — 81 4703000000
М 352 (04) — 81

© Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981 й., (Тарж.)

БИРИНЧИ ҚИСМ

I

Юлдузсиз зим-зиё тун қўйнида, лавлагикорликлар орасидан ўтадиган, Маршьенндан Монсуга тўппа-тўғри олиб чиқадиган ўн километрчалик катта кўчадан ёлғиз йўловчи борарди. У ҳатто йўлни кўрмасди ҳам; бийдай даладан кетаётганини сезарди холос; бу поёнсиз яланглиқда муздек денгиз изғиринларини эслатувчи март шамоли эсиб, тақир ер ва ботқоқликларни шипириб ўтарди. Қоронғи тунда бирон туп дарахт ҳам кўринмайди; тош ётқизилган бу йўл гўё портдаги тўлқинтўсар иҳота сингари ҳеч нима кўринмайдиган тун қаърига сингиб кетгандай эди.

Йўловчи Маршьенндан соат иккиларда чиққанди. У катта-катта қадам ташлаб бораркан, эгнида ип газламадан тикилган эски камзул, чийдухоба шим бўлгани учун изғиринда жунжиб қалтирарди. Катак-катак рўмолчасига ўралган тугунча халақит берар, ҳадеб тугунчани у қўлидан бу қўлига олар, шарқ шамолида совқотиб, қонталаш бўлиб кетган қўлларини чўнтагига тиқиш осон бўлсин учун тугунчани қўлтиғига қисиб олишга ҳаракат қилар эди. Бу беиш, бошпанасиз одам шояд тонг ёриши билан кун исиб кетса, деб умид қиларди. Шу кўйи бир соатдан мўл юрди ва ниҳоят Монсудан икки километр чамаси берида, чап томонда қизил оловни кўриб қолди; гўё осмонда кўмирлари ланғиллаб ёнаётган учта манқал осиб қўйилгандек. Аввалига у чўчиб кетди, бир тўхтаб ҳам олди, бир лаҳза бўлса-да, қўлимни иситиб оларман-ку, деган истиробли истак ғолиб келди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Йўл сойликка тушиб борарди. Бирдан оловлар гойиб бўлди қолди. Ўнг томонда кетганча тахта девор, нарёғидан темир йўл изи ўтади, чап томондаги нишабликни ўт-ўланлар босиб кетган;қуйида томларига черепица ёпилган бир хил пастак-пастак уйлардан иборат қишлоқ — посёлка кўзга элас-элас чалинади. Йўловчи яна икки юз одимча юрди. Муюлишга етиши биланоқ рўпарасида яна оловлар кўринди. Дастлаб у зим-зиё тунда оловларнинг худди туман ўраган ойдек бунчалик баландда қандай ёниб туришига тушуна олмади. Шу чоқ унинг нигоҳи бошқа бир манзарага тушди: пастда ғуж қилиб қурилган аллақандай бинолар нинг қораси кўринди; улар тепасида фабриканинг улкан трубаси қорайиб турарди; хира дераза ларнинг айримларида чироқ милтилларди; ташқаридаги ҳавозаларда беш-олти фонарь ёқиғлиқ бўлиб, улкан маҳлуқларга ўхшаган қора ходалар қатори элас-элас кўринарди. Тутун ва зулмат қўйнидаги бу бесўнақай бинодан фақат биргина товуш-кўринмас буғ машинасининг қудратли, чўзиқ ҳарсиллашигина эшитилиб турарди.

Йўловчи билдики, бу — кўмир кони. Ногаҳон у уялиб, у ёққа бориб нима қиламан, бари бир иш топилмайди-ку, деган андишани хаёлидан ўтказди. У кон бинолари томон юриш ўрнига уч баҳайбат чўян манқалда тошкўмир ловиллаб, иш жойини иситиб ва ёритиб турган тепаликка тирмашиб чиқди. Ишчилар бу ерда ярим тунгача ишлардилар, чунки шахтадан ҳамон кўмир чиқиндиларини олиб чиқишаётгандилар. Шу пайт йўловчи излардан ғилдиратилаётган вагонеткаларнинг тақир-туқирини эшитиб, ҳаракат қилаётган сояларни аниқ кўра бошлади: одамлар вагонеткаларни ўт ёнига олиб келиб, ағдариб кетишарди.

— Салом! — деб қўйди у оловлардан бирининг ёнига келиб.

Бу ерда пуштиранг фуфайка, қуён терисидан тикилган телпак кийган бир аравакаш чол орқасини оловга тутиб, исиниб турган эди. Катта тўриқ от ҳозиргина ўзи судраб келган олти вагонетканинг бўшашини сабр-тоқат билан кутарди. Ориқ, сап-сариқ, паканагина бир одам вагонетка дастагини беихтиёр босиб, аравачаларни бўшатарди. Тепада эса совуқ шамол худди пичан ўраётган чалғининг ширилашига ўхшаб ғувилларди.

— Салом! — жавоб берди чол.

Орага сукунат чўкди. Йўловчи аравакашнинг шубҳали нигоҳини пайқаб, дарров исмини айта қолди:

— Менинг отим Этьен Лантье, механикман... Менга шу ерда иш-пиш топилмасмикан?

Аланга уни ёритиб турарди; йигирма бир ёшларда бўлса керак. Қора соч, чиройли, паканароқ бўлса ҳам жуда бақувват кўринарди.

Аравакаш унинг гапидан кўнгли жойига тушиб, йўқ дегандек бошини қимирлатиб қўйди.

— Механикка ишми? Йўқ, қайда. Кечаям иккитаси иш ахтариб келувди. Иш йўқ.

Шамол ғувиллаб уларнинг гапини бўлди. Кейин Этьен тепа этагида қорайиб кўринаётган биноларга ишора қилиб:

— Анови шахта шекилли, шунақами? — деб сўради.

Чол дарров жавоб беролмади: қаттиқ йўтал тутиб қолди. Ниҳоят оғир бир йўталиб, тупурди; бир парча балғам тушган жой аланганинг қизғиш шуъласида қора доғ бўлиб кўринди.

— Ҳа, Ворё шахтаси шу... Ҳув анави посёлка. Қаранг-а! — деди чол тун қўйнида ётган қишлоққа ишора қилиб; йўловчи бу черепицали томларни боя кўрган эди.

Энди вагонеткаларнинг олтови ҳам бўшатиб бўлинганди; чол чурқ этмай бод касалига чалинган оёқларини зўрға-зўрға босиб, аравачалар орқасидан жимгина кета бошлади. Катта тўриқ от темир йўл излари ўртасидан вазмин қадам ташлаб, вагонеткаларни ўз ҳолича судраб бораркан, шамол бир ғувиллаб, унинг тукларини ҳурпайтириб юборди.

Энди Ворё шахтаси гўё зулмат қўйнидан чиққандек аниқ кўрина бошлади. Эсиз, боя олов яқинига борганда совуқдан ёрилиб, қонталаш бўлиб кетган қўлларини иситиб ҳам олмапти. У шахтадан кўзини узмай, ундаги ҳар бир нарсани аниқ кўра бошлади: ана, томи қора мой билан сувалган саралаш саройи, шахтага тушаверишдаги минора, кўтарма машина учун қурилган катта бино ва ниҳоят сув насослари

www.ziyouz.com kutubxonasi

жойлашган тўртбурчакли минора. Сойликдаги тутун чиқадиган трубалари сўррайиб, баҳайбат шохга ўхшаб турган, ғиштин иморатлари пастак бу шахта Этьен кўзига дунёни ютишга шайланиб, писиб ётган еб тўймас махлуққа ўхшаб кўринди. У ҳар бир нарсани синчковлик билан кузатар экан, ўзини, мана бир ҳафтадан бери иш ахтариб юрганини, дайдилардек кун кечираётганини ўйлади; темир йўл устахонасида ишлаётганида бошлиқнинг юзига шапалоқ тортиб юборганини, Лиллдан ҳайдалиб, кейин ҳамма ёқдан қувилганини эслаб кетди. Шанба куни у Маршьеннга келди; металлургия заводларида иш бор дейишганди; лекин на у ердаги заводлардан, на Сонневиллдан бирор иш тополди; аравасозлик устахонаси омборларида тахлаб қўйилган хода, тахталар орасида биқиниб, якшанбани ўтказишга тўғри келди: лекин кечаси соат иккиларга борганда қоровул кўриб қолиб, ҳайдаб юборди. Энди унинг ҳеч вақоси йўқ: на бир су пули, на бир тишлам нони бор; катта кўчаларда санқиб юришдан не фойда; совуқ шамоллардан қочиб қаерга бекинишини билмаса? Шундай қилиб у тошкўмир конига келиб қолди; яккам-дуккам ўрнатилган фонарлар ёруғи тушиб турган тоғ-тоғ кўмир уюмларини кўрди; эшик очилганда эса буғ қозонлари тагида ловиллаб ёнаётган оловга кўзи тушди. Этьен насосларнинг даҳшатли махлуқнинг бўғиқ хириллашига ўхшаган бетиним, узлуксиз вишиллашини эшитди.

Вагонеткаларни ағдарган ишчи букчайиб турар ва ерга тушган тугунини олиш учун энгашган Этьенга бирор марта ҳам қарамас эди. Шу чоқ қаттиқ йўтал эшитилиб, аравакаш келаётганидан дарак берди. У қоронғилик қўйнидан чиқиб, аста-секин кўрина бошлади, кетидан янгидан тўлатилган олти вагонеткани судраб келаётган тўриқ от кўринди.

— Монсуда фабрикалар борми? — сўради Этьен.

Чол йўталиб, қоп-қора нарса тупурди-да, шамолнинг ҳуштагига жўр бўлиб деди:

— Э, фабрикалар бу ерда кўпликка кўп-а. Буларни уч-тўрт йил бурун кўрганингда эди! Ҳамма трубалардан тутун чиқиб турарди, ишчилар етишмасди, одамлар ҳам роса пул ишлашарди-да, ўша пайтларда... Энди иш яна кетга кетяпти. Билмадик, бу балолар қайдан келди: ишчиларни чўмичда қоқишяпти, бирин-кетин устахоналар ёпиляпти... Императорнинг-ку, айби йўқдир-а, лекин у нима учун Америка билан уруш қилади? Мол-ҳолга ҳам, одамларга ҳам вабо тегиб, қирилаётганини айтмаса ҳам бўлади.

Икковлари у ёқ-бу ёқдан ҳасратлашишга тушиб кетишди. Этьен бир ҳафтадан бери хору сарсон бўлиб юрганини гапирар, наҳотки оч-наҳор ўлиб кетсам, деб зорланарди. Бунақада ҳали замон ҳамма йўлларни гадой босиб кетади-ку. Ҳа, охири бахайр бўлмайди, дерди чол, шунчадан-шунча бандаларини кўчага ҳайдаб қўйиш худога хуш келмас.

— Энди гўштни ҳам аҳён-аҳёнда кўрасан.

— Лоақал нонга тўйсанг ҳам шукр қиласан!

— Рост, ишқилиб нондан қисмасин!

Ўқтин-ўқтин эсган шамолнинг ҳазин ноласи суҳбатга халақит бериб, уларнинг овозини босиб кетарди.

— Бу ёққа қаранг! — қичқирди аравакаш жануб томонга юзланиб.— Монсу ҳув ўша томонда...

У қўлини чўзиб кўрсатаркан, қоронғида кўринмаётган жойларнинг номларини айта бошлади. У ёқда, Монсуда Фовеллнинг қанд заводи ҳозирча гумбурлаб ишлаб турибди, лекин Готон қанд заводи бўлса, ишчилар сонини қисқартиришга ҳам улгурди. Дютийелдаги вальцовкали тегирмон қолди холос, ҳа, яна конлар учун арқон етказиб берадиган Блёздаги арқон фабрикаси ҳам бор. Фақат шулар ишлаб турибди ҳозир. Кейин у шимол томон юзланди-да, уфқнинг роса ярмини англатадиган ишора билан тушунтира кетди: Сонневиллдаги устахоналарга одатдаги буюртмаларнинг учдан бири ҳам тушаётгани йўқ; Маршьенндаги металлургия заводининг учта печидан биттаси ишламайди, ниҳоят Гажбуадаги шиша заводи иш ташлаш олдида турибди, чунки унда иш ҳақи камаярмиш, деган мишмишлар юрибди.

— Биламан, биламан,— дерди йигит ҳар бир гапга жавобан,— ўзим ҳозиргина ўша ёқдан келяпман.

— Биз бир амал-тақал қилиб ишлаб турибмиз,— қўшиб қўйди аравакаш.— Аммо кўмирни илгаригидан кам чиқаряпмиз. Рўпарангиздаги Ғалаба заводига бир қаранг-а, унда иккита кокс печи ишлаяпти холос.

У тупуриб, мудраётган отини бўш вагонеткаларга қўшди-да, яна судралиб, от орқасидан кетди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Энди Этьен бутун бир вилоят ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлди. Ҳаммаёқ аввалгидек зим-зиё, лекин кекса ишчининг қўли имо-ишоралар билан бу қоронғиликни бахтсизликнинг улкан тимсолларига тўлдириб ташлаганди, йигит шу лаҳзада қаерга борса, ҳамма ерда ҳам шу нажотсизликни аниқ ҳис қилгандек бўлди. Гўё бу бийдай далада март шамоли билан бирга очлик ноласи ҳам эсаётган эди. Гоҳ қутурган шамол шиддати меҳнатга қирон келтирса, гоҳ очлик кўплаб одамларни гўрга тиқар, гоҳ бесаранжом нигоҳини ўйнатиб, қоронғилик қаърига киришга ҳаракат қилар эди. Юраги орқасига тортиб кетган Этьен ҳаммаёқни ўз кўзим билан кўрармиканман, деб илҳақ эди. Лекин чор атроф зим-зиё тун пардасига ўралган, фақат узоқ-узоқлардаги домна ва кокс печларининг қорасини зўрбазўр ажратиш мумкин эди.

Диоганал бўйича қурилган иншоотлар узра юксалган сон-саноқсиз трубалар қип-қизил тилларини ўйнатиб, ловиллаб ёнарди; чап томондаги иккита минора кўк олов пуркаб, гўё баҳайбат машъалдек очиқ ҳавода ёниб турарди. Булар даҳшатли шафаққа ўхшарди; тошкўмир ва темир ўлкасининг зиёсиз осмони гумбазида милт этган юлдуз кўринмасди — фақат тунги ўтоловларгина ловиллаб турарди.

— Сиз тасодифан Бельгиядан эмасмисиз? — Этьен орқа томондан эндигина қайтиб келган аравакашнинг овозини эшитди.

Бу сафар у учта вагонетка билан келди. Юкни туширишга шошмаса ҳам бўлади: кўтарма машина кажавасидаги қандайдир гайка синиб, иш роса чорак соат тўхтаган эди. Паст жимжит бўлиб қолди, одатда вагонеткалар бўшатилаётганда тўсинларгача зирилларди, ҳозир эса бу гурс-гурслар йўқ. Шахта қаъридан тунукага урилаётган болғанинг товуши келади холос.

— Йўқ, мен жанубданман,— жавоб берди йигит.

Ишчи вагонеткаларни бўшатиб бўлгач, танаффусдан хурсанд бўлди шекилли: ерга ўтирди. Этьен қовоғини солиб, миқ этмай ўтирар ва бу мунча сергап-а, деб ажабланган дек катта-катта нурсиз кўзларини аравакашга ташлаб қўяр эди. Аслида аравакаш жуда камгап эди. Лекин бу сафар нотаниш йигитнинг турқи таровати унга ёқиб тушганидан тили қичиб, худди ўзи

билан ўзи гаплашадиган чоллардек, гапга тушиб кетди.

— Мен эса, Монсуданман,— гапида давом этди у,— мени Ўлмасвой дейишади.

— Бу лақабингизми?— сўради Этьен ҳайрон бўлиб.

Чол мамнун илжайди.

— Ҳа, ҳа...— деди у Ворё томонни кўрсатиб.— Мени у ёқда уч марта ўлим чангалидан чалажон ҳолда қутқариб қолишган, бир сафар аъзойи баданим куйиб, терим шилиниб тушган; иккинчи дафъа ҳиқилдоғимгача тупроққа кўмилиб қолганман, учинчи сафар сувга чўкиб, қорним қурбақанинг бақбақасидек шишиб кетибди... Ана ўшандан кейин унча-мунчага ўладиган анойи эмаслигимни кўришиб, ҳазиллашиб, мени Ўлмасвой дейишади.

У яна ҳам қувнаб кетди, лекин кулгиси мойланмаган арава ғилдирагининг ғижирлашига ўхшади-ю, охири йўтали қаттиқ тутиб қолди. Манқалдаги олов унинг сочи сийраклашиб қолган каттакон калласини, кўкимтир доғлар босиб кетган рангсиз япалоқ юзини ёритиб турарди. Ғўлабир, гардани ғавс, болдиру товонлари ғудда-ғудда бўлиб ётибди; калта-калта йўғон бармоқли узун қўллари тиззасига тушиб туради. У шамолни писанд қилмай, бир жойда қимир этмай турган оти каби тошдек қотган кўринади; гўё изғиринга ҳам, гирдоб хуружларига ҳам парво қилмасди. Йўтал томоғини қириб, кўкрагини тилка-пора қиларди. Йўтали босилгач, манқал олдига тупурди, балғам тушган ерда яна бир парча қора доғ кўринди.

Этьен аввал чолга, кейин ердаги доғга қаради.

— Конда анчадан бери ишлайсизми?— сўради у.

Ўлмасвой қўлларини кенг ёзди.

— Анча ҳам гапми?! Алмисоқдан бери деяверай. Мен биринчи марта шахтага тушганимда саккиз ёшга ҳам тўлмаган эдим, худди мана шу Ворё шахтасига тушгандим. Мана эллик саккизни ҳам уриб қўйибман. Ўзингиз ҳисоблаб кўринг-а... Аввалига кончининг ёрдамчиси бўлиб ишладим, кейин куч-қувватга тўлиб, вагонетка торта оладиган бўлганимда мени кўмир ташувчи қилиб олишди, сўнг ўн саккиз йил кончи бўлиб ишладим, кейин манави лаънати оёқларим туфайли у ердан бўшатишди, то кон босиб, тупроқ ос-

www.ziyouz.com kutubxonasi

тида қолгунимча темир йўл кўтармаси қуриб, галереяларни маҳкамлаб юрдим; доктор уларга, энди ер остига туширманглар буни, тағин кон ичида қолиб кетмасин, дебди. Мана мени аравакаш қилиб қўйишганига ҳам беш йил бўлди... Хўш, бунга нима дейсиз? Чакки эмас, а? Шахтада эллик йил, шундан қирқ беш йили ер остида ўтибди-я!

Чол гапирар экан, вақти-вақти билан манқалдан парчаланиб тушаётган лаққа тошкўмир чўғларининг яллиғи унинг рангпар юзини қизғиш тусда кўрсатар эди.

— Уларга қолса-ю, мен дам ола қолсам-а,— давом этди чол,— лекин мен истамайман-да, мен улар ўйлаган анойи эмасман!.. Яна бир амаллаб икки йил, олтмишга тўлгунимча ишлайман, сўнг бир юз саксон франкдан нафақа олиб ётаман. Агар мен улар билан ҳозир хайрлашсам, менга бир юз эллик франк пенсия беришади. Жуда айёр-да улар! Бунинг устига ҳали жуда бақувватман, фақат оёқларимни демаса. Оёғимнинг бу дардга чалинишига сабаб терим остида жуда кўп сув йиғилгани: у ёқда, ер тагида устингдан доимо сув қуйилиб туради. Баъзи кунлари панжаларимни қимирлата олмай қоламан, оғриғига чидолмай дод девораман.

Яна йўтали тутиб, гапи бўғзида қолди.

— Йўталингиз шундан экан-да? — сўради Этьен.

Чол йўқ ишорасини қилиб, бошини чайқади. Йўтали босилиб, ўзига келгач, деди:

— Йўқ-йўқ, ўтган ойда шамоллаб қолдим. Илгари йўтал нималигини билмасдим, энди бўлса, бу лаънатидан қутула олмаяпман. Айтишга осон, тинмай йўталганим-йўталган.

Бўғзига балғам тўлиб, яна қора нарса туфлади.

— Қон туфлаяпсизми? — сўрашга журъат этди Этьен.

Чол бамайлихотир қўлининг орқа томони билан оғзини артди.

— Бу кўмир... Бу зормандадан ичимда шунча кўпки, ўлар-ўлгунимча мени иситиб туришга етади. Ер остига тушаганимга мана беш йил бўлиб қолди, лекин кўрганим кўмир омбори бўлиб кетганидан бехабар эканман. Майли, шундан куч оламан-да.

Орага сукунат чўкди. Кон қаъридан бир маромда урилаётган болғанинг товуши қулоққа чалиниб қолади; шамол гўё тун қаъридан келаётган очлик ва ҳорғинлик нидоси каби текислик узра гувиллаб эсарди. Ловиллаётган аланга ёритаётган чол овозини пастлатиб давом этди; ҳа, эсига тушди. Ҳа-а! Ўзи ҳам, хонадони ҳам Монсу ширкатига қарашли тошкўмир конларида кечадан бери ишлаётгани йўқ, балки кон очилган кундан бери ишлашади; бунга жуда кўп йиллар бўлиб кетган,— ўшанга юз йилдан ошибди. Унинг бобоси, Гийом Маэ, ўша йиллари ўн беш ёшли ўспирин бўлиб, Рекийярдаги тошкўмир конини топган эди. Фовелл қанд заводи ёнидаги Ширкатнинг ўша биринчи шахтаси ҳозир ишдан чиққан. Буни ҳамма билади; шахтани бобоси очгани боисидан унинг шарафига «Гийом шахтаси» деб аташган. Ўзи бобосини кўрмаган, лекин унга айтиб беришган: Гийом баланд бўйли, жуда кучли одам бўлган экан, олтмиш ёшида оламдан ўтган экан. Кейин отаси — Малла лақабли Никола Маэ ишлаган; отаси Ворёда туриб қолиб, бор-йўғи қирқ ёшида ҳалок бўлган экан. У замонларда Ворёда ер қазиларди: ўпирилиш рўй бериб, замин бирдан чўкиб кетган; ер унинг қонини ичган, суякларини эса, тошлар мажақ-мажақ қилиб ташлаган. Сўнгра унинг икки тоғаси билан уч укаси ҳам шу ерда вафот этган, аммо булар анча кейинроқ ўтишган. Ўзи, Венсан Маэ, ҳаммасидан омадли чиқди,— оёқлари ҳисоб эмас; уни уддабурон дейишлари ҳам шундан. На чора? Ишлаш керак-да, ахир. Уларнинг оиласида бу удум ҳам бошқа касблар сингари отадан ўғилга ўтиб келаверади. Ҳозир пастда унинг ўғли, Туссен Маэ, набиралари, оиласининг ҳамма аъзолари ишлашади, улар рўпарадаги қишлоқда туришади. Бир авлод кетидан иккинчиси, болалар оталари кетидан,— шу йўсин бир юз олти йилдан бери ўша битта хўжайин учун ишлаб келишади. Хўш, қалай, а? Ўз хонадони шажарасини шунчалик биладиган буржуйлар кўп дейсанми?

— Ўшанда ҳам тирикчилигинг ўтиб турса яхшия,— деди Этьен.

— Мен ҳам шуни айтаман-да: нонга қорнинг тўйиб турибдими, демак, яшаш мумкин.

Ўлмасвой уйларнинг чироқлари ёна бошлаган қишлоқ томон ўгирилиб, жим бўлиб қолди. Монсу қўнғи-

www.ziyouz.com kutubxonasi

роқхонасида тўрт марта занг урилди; совуқ яна кучайди.

— Ширкатларингиз бойми? — сўради Этьен.

Чол елкасини учириб қўйди-да, кейин худди тилла тангалар тагида қолгандек букчайиб деди:

— Э, бўлмаса-чи!.. У қўшнимиз Анзендаги Ширкатчалик бой бўлмаса ҳам, бунинг миллионлари ҳам ҳар қалай кам эмас. Санаб етолмайсан... Ўн тўққиз шахта, шундан ўн учтаси ишлаб турибди: Ворё, Ғалаба, Кручина, Миру, Сен-Тома, Мадлена, Фетри-Кантель ва бошқалар, кейин Рекийярга ўхшаб, ишлатиб бўлинган ёки вентиляция учун очиб қўйилган яна олти кон... Ўн минг ишчи, олтмиш етти коммунадаги концессиялар, худонинг берган куни беш минг тоннадан қазиб чиқариб турибди, ҳамма шахталар орасида темир йўллар, устахона-ю, фабрикаларни айтмайсанми!.. Эҳ-ҳе! Уларнинг пули кўп!

Арава изидан келаётган вагонеткаларнинг тарақ-туруғини эшитган тўрик от сергакланиб қулоғини динг қилди. Кўтарма машинанинг кажаваси тузатилди, қабул қилувчилар яна ишга киришиб кетишди. Отни қайтадан қўшиб, яна йўлга ҳозирланаётган аравакаш эркалаган оҳангда деди:

— Сафсаталарга қулоқ солиш яхши эмас, ярамас дангаса! Вақтингни бунақа бекор ўтказаётганингни жаноб Энбо билиб қолса, нима бўлади?

Этьен қоронғиликка хомуш тикилиб турарди.

— Бундан чиқди, бу шахта жаноб Энбога қарар экан-да? — сўради у.

— Бе, қайда, жаноб Энбо — бош директор холос,— тушунтирди чол.— У ҳам бизга ўхшаб ойликка ишлайди.

Йигит узоқларга ишора қилиб сўради:

— Буларнинг ҳаммаси кимга қарайди бўлмаса?

Лекин Ўлмасвой бир муддат жавоб беролмади: яна йўтали тутиб, шундай бўғдики, нафас ололмай қолди. Ниҳоят балғам тупуриб, лабларидаги қора кўпикни артди. Шамол кучайди.

— Ҳм!.. Буларнинг ҳаммаси кимга қарайди дейсизми? Ҳеч ким билмайди. Одамларга-да.

У шундай деди-ю, қўлини чўзиб, ҳамма Маэлар юз йилдан ортиқ ишлаб келган конлар жойлашган зимистон қўйнидаги узоқ ерларга ишора қилди. Унинг

овозида тақводорларга хос қироат бордек, гўё у ичида хўппасемиз, еб тўймас худо макон қурган қўл етмас ибодатхона ҳақида гапираётгандек бўларди, уларнинг барчаси шу худога жисму жонини қурбонликка олиб келади-ю, лекин бирон марта ўзини кўрмайди.

— Жиллақурса нон бемалол бўлса,— деди Этьен учинчи марта, гарчи гапи ножоизлигини билса ҳам.

— Ҳа, бўлмаса-чи! Қани энди ҳамиша нонга сероб бўлсак, дуруст бўларди-я!

От жилди; кетидан аравакаш ҳам дардчил оёқларини оғир босиб жўнади. Жойида қолган ишчи қимир этмас, иягини тиззалари орасига тиқиб, катта нурсиз кўзларини бўшлиққа тикканча ўтирарди.

Этьен тугунини ердан кўтариб олган бўлса ҳам кетишга шошилмасди. Шамол белини музлатиб юборган, кўкрагини эса ўт қиздирган эди. Балки ҳар эҳтимолга карши бу конларда иш бормикан, деб сўрасамикин? Буни чол билмаслиги ҳам мумкин; ҳар қалай, нима иш бўлса ҳам қилаверишдан бошқа иложи йўқ. Ишсизликдан очлик балосига йўлиққан бу мамлакатда у қаёққа боради-ю, нима юмуш қилади? Дайди итдек девор тагида ўлиб кетса-я? У иккиланиб қолди, бийдай дашт ўртасида тун зулматига бурканиб ётган бу Ворё шахтаси юрагига ваҳима соларди. Шамолнинг шиддати тобора зўрайди; у гўё поёнсиз яланғликдан эсаётгандек эди. Қоп-қоронғи кўк саҳнида милт этган зиё кўринмайди; бу зимистонда домна ва кокс печларигина ҳеч нимани ёритмай, чўғдай қизариб ёниб турарди холос. Фақат Ворё аввалгидек, худди инида тин олаётган ваҳший ҳайвондек пастликда ер бағирлаб ётибди ва инсон наслини ҳазм қилмоқчидек зўр бериб ҳарсиллаб, пишқиряпти.

II

Буғдойзор ва лавлаги экилган далалар ўртасидаги икки юз Зағизғон қишлоғи қора тун оғушида уйқуда эди. Тўрт улкан маҳалланинг тўғри бурчакли шакллари билан казарма ёки касалхона биноларини эслатадиган уйлар тўдасини аранг ажратиб олиш мумкин эди. Улар параллель равишда қатор-қатор қурилган бўлиб, ораларидан ўтган учта кенг йўл қишлоқни бир

www.ziyouz.com kutubxonasi

хилдаги боғ-роғли участкаларга ажратиб турарди. Бийдек далада шамолнинг ҳуштаги-ю, деворга урилаётган синиқ панжаранинг овози ҳукмрон эди.

Иккинчи маҳалланинг ўн олтинчи уйида турадиган Маэлар хонадони жимжит эди. Юқори қаватдаги ягона хона қоп-қоронғи бўлиб, бу зулмат ўз оғирлиги билан ухлаб ётганларни гўё эзаётгандай эди; ҳаммалари ҳориб-чарчаб келишганидан оғизларини очиб, бирга ухлаб қолишганди. Ташқари изғирин бўлишига қарамасдан хона дим ва иссиқ эди,— бундай хоналар нечоғлик озода тутилмасин, кўп одам ётганлиги учун ҳайвонлар ҳароратию инсон ҳидига тўлиб кетганидан ҳавоси оғир бўлади.

Паст қаватдаги хонанинг каккули соати тўртга занг урди, лекин ҳеч ким қимир этмади; фақат хушоҳанг хуррак жўр бўлаётган ҳуштаксимон оғир нафас саслари эшитилиб турарди. Катрина тўсатдан уйғониб кетди ва одатича, пастдаги соат зангини эшитиб, тўртгача санади; аммо у шунчалик қаттиқ чарчаганидан уйқусини бутунлай қочира олмади. Кейин оёғидан кўрпани олиб ташлади, тимирскиланиб гугуртни топди-да, шамни ёқди, лекин туришга ошиқмади; боши шу қадар оғирлашиб кетаётгандики, у мудроғини енга олмай яна ётиб олди.

Ёқилган шам учта каравот қўйилган икки деразали квадрат хонани ёритиб юборган эди. Уйда яна шкаф, стол, ёнғоқдан ясалган иккита стул ҳам бор эди, бу стуллар сап-сариқ девор ёнида қоп-қора доғлари билан ажралиб турарди. Девордаги михга кўйлак осиғлиқ эди, ерда кўза, юз-қўл ювиш вазифасини ўтаётган қизил тоғорача турарди — бошқа ҳеч нима йўқ. Чап томондаги каравотда катта ўғли, йигирма бир ёшли йигит Захария ухлаётипти; ўн бир яшар укаси Жанлен у билан бирга ётибди; иккита кичиги — Ленора билан Анри бир-бирини қучоқлаб ухлашарди, — бирининг ёши олтида, иккинчисиники тўртда; учинчи каравотда Катрина синглиси Альзира билан ётади: агар бу кичкина майибнинг букриси унинг биқинига ботиб турмаганида, балки тўққиз ёшли нимжон қизалоқнинг бор-йўқлигини сезмасди ҳам. Ойнабанд эшик очиқ эди. Зинапоя билан тўртинчи каравот қўйилган торгина йўлак кўриниб турибди; унда ота билан

она ухлашарди, эндигина уч ойлик бўлган қизалоқлари Эстелланинг беланчаги ҳам шу ерга қўйилганди.

Катрина зўр бериб уйқусини ўчиришга уринарди. Керишиб икки қўллаб пешонаси, энсасига тушиб турган сариқ сочларини тузатди. Ўн бешга кирган бўлса ҳам жуссаси ниҳоятда кичик кўринарди, торгина кўйлак этагидан худди кўмир билан чизилгандек моматалоқ бўлиб кетган оёқлари, қора совун билан доимо ювинаверганидан сўлинқираб синиқиб қолган юзидан ўзининг сутдек оппоқлиги билан ажралиб турган новик қўллари кўзга ташланарди. Катрина охирги марта хомуза тортди — оғзи бир оз каттароқ, тишлари чиройли, милклари рангсиз ва қонсиз, уйқуга тўймаган, изтиробли, қайғули кулранг кўзларида ёш пайдо бўлди; унинг яланғоч вужуди бутунлай ҳорғин кўринарди.

Зинадан аллакимнинг тўнғиллагани эшитилди; Маэ жаҳл билан ғўлдиради:

— Жин урсин! Вақт бўпти-ку... Чироқни сен ёқдингми, Катрина?

— Ҳа, дада... Пастда ҳозиргина занг урди.

— Сал чаққонроқ бўлсанг нима қиларкан, ишёқмас! Кеча камроқ ўйин тушганингда, бизларни вақтлироқ уйғотармидинг... Дангаса!

У койишда давом этди; лекин уни яна уйқу босди-ю, сўкишни тўхтатди, яна хуррак овози эшитилди.

Қиз яланг оёқлари билан полни босиб, кўйлакчан хонада у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Анри билан Ленора каравоти олдидан ўтар экан, сирғалиб тушиб кетган кўрпаларини олиб, ёпиб қўйди; улар болаларча маъсумлик билан қимир этмай, мириқиб ухлашарди. Альзира кўзлари очиқ бўлса ҳам чурқ этмай, опасининг иссиқ ўрнига ўтиб ётди.

— Ҳой, Захария! Сен ҳам, эй, Жанлен! Турларинг! — такрорларди Катрина ака-укаларининг каравоти тепасида; улар ёстиққа бошларини буркаб, мук тушиб ётишарди.

У акасини елкасидан ушлаб силкита бошлади,— у сўкди; шунда Катрина улар устидан кўрпани тортиб ташлади. Бу ҳол уни қувонтириб юборди, айниқса, болаларнинг яланғоч оёқларини типирлаётганларини кўриб, кулиб юборди.

— Аҳмоқлик қилма, мени ўз ҳолимга қўйсанг-чи,—

www.ziyouz.com kutubxonasi

тўнғиллаб деди Захария, туриб ўринда ўтирар экан; унинг кайфияти бузуқ эди.— Бунақа қитмирликни ёмон кўраман... Вой худойим-ей, ҳечам тургим келмаяпти-да!

Ориқ, беўхшов, юзи чўзинчоқ, соқоли сийрак, оқиш сочли бу йигит ҳамма оила аъзолари каби камқонли кўринади. У қорнига чиқиб кетган кўйлагини уялганидан эмас, совуқ еганидан тушириб олди.

— Пастда тўртга занг урди,— қайтарди Катрина.— Тезроқ бўла қолинглар, қани! Дадамнинг жаҳли чиқяпти.

Жанлен ғужанак бўлиб олиб:

— Йўқол, мен ухлаяпман!— деди-ю, тағин кўзларини юмди.

Қиз яна шарақлаб кулиб юборди. Жанлен ушоқчина бўлиб, ингичка қўл ва оёқларининг бўғинлари сариқ касалидан шишиб кетган эди. Катрина уни осонгина кўтариб олди; бола типирчилаб, тепкилай бошлади, унинг кўзлари кўк, қулоқлари катта бўлиб, жингалак сочлари ўраб турган маймунникига ўхшаш нурсиз юзи жаҳли чиққанидан оқариб кетди; шу қадар ориқлигидан ўзининг ҳам жони чиқарди. У индамасдан опасининг ўнг кўксини тишлади.

— Ҳаҳ, чаён!— деди Катрина бақиришдан аранг ўзини тийиб, кейин уни ерга туширди.

Альзира ҳам уйғонган бўлса-да, кўрпани иягигача тортиб, индамай ётар, энди ухламас эди. У мажруҳларга хос зийрак кўзлари билан кийинаётган опаси ва ака-укаларини кузатарди. Ювинадиган тоғора тепасида яна жанжал кўтарилди; ака-укалар Катринани итариб, ҳайдаб юборишди, чунки у узоқ ювинди. Улар ҳали уйқусираётган, кўйлакчан, худди бирга ўсган кучукларга ўхшаб, уялмай-нетмай, бемалол ҳожатларини қилардилар. Катрина ҳаммадан олдин кийиниб бўлди. У кўмир қазувчилар шимини, бўз блузка, бошига эса мовий чепчик кийди: ишчилар кийимида у худди ўғил болага — ўспиринга ўхшар, фақат сонларининг хиёл лорсиллашидан қизлиги сезилиб турарди.

— Чол қайтиб келганда ўрин музлаб қолган бўлади,— жаҳл билан пўнғиллади Захария.— Жуда хурсанд бўлади-да... Сен совитиб кетганингни айтаман.

«Чол» бу Ўлмас бобо эди. У кечалари ишлаб, кундузи ухлар, шу сабабдан тўшак асло совимасди: ўринда доимо кимдир хуррак отиб ётарди.

Катрина жавоб бермай кўрпани кўтариб, ўринни йиғиб қўйди. Деворнинг у ёғидан, қўшниникидан шовқин эшитилди. Ширкат ниҳоятда тежамкорлик билан қурган бу ғиштин уйларнинг деворлари шу қадар юпқа эдики, нариги ёғидаги секингина овоз ҳам бемалол эшитиларди. Қишлоқдаги одамлар зич туришарди; уйдаги бирор ишни ҳатто болалардан ҳам пинҳон тутиш мумкин эмасди. Зинадан оғир қадам товушлари, кейин ниманингдир юмшоққина тушгани, сўнг ҳузур қилиб хўрсиниш саси эшитилди.

— Чакки эмас-а!— деди Катрина.— Левак чиқиб кетди, хотинининг олдига эса Бутлу келди.

Жанлен қиқирлаб кулди, ҳатто Альзиранинг ҳам кўзлари ўйнаб кетди. Улар ҳар куни эрталаб бу уч кишилик эр-хотинни мазах қилиб кулишарди: Кончининг уйида ремонтчи ишчи ижарага турарди, шу боисдан хотиннинг эри иккита бўлиб, бири тунги, иккинчиси кундузги эди.

— Филомена йўталаяпти,— деди Катрина.

У Левакнинг катта қизи тўғрисида гапирди. Ўн тўққиз яшар бу қиз Захариянинг ўйнаши бўлиб, ундан иккита боласи ҳам бор эди; у ўпкаси заиф бўлгани учун ер остида ишлай олмай сараловчи бўлиб ишларди.

— Бўлмаган гап,— эътироз билдирди Захария.— Филомена дунёни сув олса, тўпиғига чиқмайди, ухлагани-ухлаган!.. Киши молга ўхшаб соат олтигача ухларканми!

Захария шимини кийди, кейин бир нарсани ўйлагандек, деразани очди. Қишлоқ уйғониб, деразаларда чироқ милтирай бошлаганди. Ака-сингил яна баҳслашди; Захария бошини чиқариб, рўбарўдаги Пьерронлар уйидан катта назоратчи чиқиб қолмасмикан, деб пойлаб турди. Мишмишларга қараганда у Пьерроннинг хотини билан дон олишиб юраркан; Катрина бўлса, Пьеррон кеча юк ортиш бўйича кундузги навбатчиликни бошлади, шунинг учун Дансарт бугун уларникида тунаши мутлақо мумкин эмас, деб ишонтиришга уринарди. Хонага совуқ ҳаво кирди, лекин

www.ziyouz.com kutubxonasi

ака-сингил баҳсга берилиб кетганидан совуқни сезишмади: ҳар бири ўз тахминининг тўғрилигини исботлашга уринарди. Аммо бирдан чинқириқ ва йиғи эшитилди: бу беланчакда совқотган Эстелланинг овози эди.

Маэ шу заҳоти уйғонди. Нега у шунчалик дармонсиз экан, а? Мана у яна учига чиққан бекорчихўжага ўхшаб ухлаб қолди! Кейин у жаҳл билан шундай сўкиндики, болаларнинг нафаси ичига тушиб кетди. Захария билан Жанлен жуда чарчаган одамлардек секин ювиниб бўлишди. Альзира ҳамон кўзларини катта очиб ётарди. Икки кичиги — Ленора билан Анри бир-бирларини қучоқлаб аввалгидек қимир этмай, шовқин-суронга қарамай, осуда нафас олиб ётишарди.

— Катрина, шамни олиб кел!— қичқирди Маэ.

Қиз блузкасини тугмалаб, йўлакка шамни олиб чиқди.

Ака-укалар эшикдан тушиб турган хира ёруғда ҳамон кўйлакларини қидиришарди. Ота сапчиб ўрнидан туриб кетди. Катрина тўхтамасдан пайпасланиб, дағал жундан тўқилган пайпоқда зинадан пастга тушди, пастги хонада бошқа шамни ёқиб, кофе қайнатишга тутинди. Ҳамма оёқ кийимлар буфетнинг тагида эди.

— Ўчир овозингни, ярамас!— деди Маэ ҳали ҳам овунмаган Эстелланинг дод-фарёдидан жони чиқиб.

У ҳам Ўлмас бобо каби ўрта бўйли бўлиб, унга ўхшаб, йўғон, боши катта, оппоқ юзи япалоқ, оқарган сочлари калта қирқтирилган эди. Отаси тепасига келиб, катта, чандир қўлларини силкита бошлагач, бола қўрқиб, баттар бақириб додлади.

— Тинч қўй уни, биласан-ку, бари бир тийилмайди,— деди Маэнинг хотини ўрнида керишиб.

У ҳам ҳозиргина уйғонган бўлиб, мириқиб ухлагани сира қўйишмайди-я, дея зорланиб қўйди. Наҳотки ими-жимида кетиша олмаса-я! У кўрпага шундай ўралиб ётардики, қўполроқ бўлса ҳам гўзаллик излари сақланиб қолган чўзинчоқ юзигина кўриниб турарди: у эндигина ўттиз тўққизга чиққанига қарамай, доимий муҳтожлик ва етти бола туфайли сўлиб қолган эди. У шифтга қараганича секин гапирарди; эри эса кийинарди. Йиғлаб жигар-бағри хун бўлаётган болага на ота, на она парво қиларди.

— Биласанми, бир тийин пулсиз ўтирибман, бугун душанба, ойликка ҳали олти кун бор... Бу ёғига нима қиламиз? Ҳаммаларинг бир бўлишиб, тўққиз франк олиб келасизлар. Қанақа қилиб еткизаман? Ун жон бўлсак, ахир.

— Ҳо! Энди тўққиз франкка тушдими!— хитоб қилди Маэ.— Мен билан Захария уч франкдан оламиз: мана сенга олти франк ...Катрина билан дадам икки франкдан: мана сенга тўрт франк: тўрту олти — ўн... яна Жанлен бир франк олади: мана сенга ўн бир.

— Ўн бирликка ўн бир-а, байрамлар билан прогулларни ҳисобга олмайсанми, айтяпман-ку, ҳечам тўққиздан ошган эмас!

Маэ ердан чарм белбоғини излаш билан овора бўлиб жавоб бермади. Кейин энгашиб, ғўлдираб қўйди.

— Нолишнинг ҳожати йўқ, мен ҳали соғ-саломатман. Қирқ икки ёшдагиларнинг қанчадан-қанчаси ремонт ишларига ўтиб кетади.

— Эҳтимол, балки шунақадир, чол, лекин ундан нонимиз кўпаяётгани йўқ-ку. Нима қилай энди, ўзинг айт инсоф билан? Сенда ҳеч вақо йўқми?

— Икки су бор.

— Майли, ўзингда турсин, бир кружка пиво олиб ичарсан... Вой худойим-ей! Мен нима қиламан энди? Яна олти кун-а — қачон етамизу маошга?! Баққол Меградан ҳам олтмиш франк қарзмиз. Ўтган куни мени ҳайдаб солди, на чора, бугун яна бораман олдига. Борди-ю, яна қайсарлик қилиб, қарзга бермаса...

Хотини бошини бурмай, хира шам нуридан баъзан кўзларини юмиб-очиб, ҳазин товуш билан гапида давом этди. У уйда ҳеч нарса йўқлигини ва болалар нон сўраб безор қилаётганини, кофе йўқлигини, қуруқ сув оч қоринга жиз этиб тегишини, яна бир неча кун оч қоринни қайнатилган карам билан алдашга мажбур эканликларини гапириб ётди. Борган сари қаттиқроқ гапиришга тўғри келарди, чунки Эстелланинг чинқириғидан сўзлар эшитилмаётганди. Чинқириққа чидаш мумкин бўлмай қолди. Гўё Маэ боланинг чинқириғини энди эшитгандай бирдан асабийлашиб, уни беланчакдан шартта олди-да, каравотга, онаси олдига улоқтирди-ю, ғазаб билан деди:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ма, ол бунингни, бўлмаса бир уриб, майиб қилиб қўяман... Бола ҳам шунақа бўладими, ўзинг кечир, худойим! Ҳеч нимага зор бўлмаса, эмиб ётса ҳам ҳаммадан кўпроқ бақиради-я!

Ҳақиқатан ҳам Эстелла шу ондаёқ эмишга тушиб кетди. Кўрпага ўралиб, ўрин иссиқлигидан овунган қизалоқ энди тамшаниб-тамшаниб қўярди.

— Пиоленалик жаноблар сенга, олдимизга кел, деб айтишмадими? — сўради ота бир оз сукутдан сўнг.

Она тараддудланиб, лабларини маъюс қимтиди.

— Ҳа, мен уларни учратдим, улар камбағалларнинг болаларига кийим-кечак олиб келишган экан... Ростданам бугун уларнинг олдига Ленора билан Анрини олиб бораман. Лоақал юз су беришса ҳам ҳарна!

Яна орага сукут чўкди. Маэ кетишга тайёр эди. Бир минутча турди-да, сўнг синиқ овозда деди:

— Нима ҳам қилардинг? Пешонага ёзилгани шу экан-да... Ҳеч бўлмаса суюқ ош қилгин... Ишимга борай энди, қуруқ гап қулоққа ёқмас.

— Тўғри айтдинг,— жавоб берди хотини.— Шамни пуфлаб кет, қоронғида хаёл сурсам ҳам бўлаверади.

Маэ шамни ўчирди. Захария билан Жанлен зинадан пастга тушиб кетишаётган эди, ота улар кетидан юрди; ёғоч зинапоя уларнинг жун пайпоқли оёқлари остида ғижирларди. Зина йўлаги билан хонани яна қоронғилик босди. Болалар ухлашарди, ҳатто Альзира ҳам кўзларини юмди. Фақат она қоронғи уйда кўзларини очиб ётарди. Эстелла мушук боласидай пишиллаб, иштаҳа билан унинг пучайиб қолган сийнасини сўрарди.

Пастда Катрина даставвал ўт ёқди; ўртаси чўян панжара, икки четида печь трубаси ўрнатилган камин да доимо тошкўмир ёниб турарди. Ширкат ҳар бир хонадонга ойига саккиз юз литрдан кўмир берарди. Штольнялардан териб олинган бу кўмир қаттиқ, ёниши қийин бўлгани учун қиз чўғи турсин дея, кечқурун оловни кўмиб қўярди, эрталаб эса чўғларни тўдаларди-да, сараланган майдароқ кўмирдан ташларди. Катрина панжара устига котелокни қўйди-да, буфет ёнига чўнқайди.

Пастки қаватдаги хона анчагина катта эди. Деворлари яшил рангга бўялган, плита ётқизилган пол ювилиб, оқ қум сепилган. Бу ерда фламандча озодалик

ҳукмрон эди. Хонанинг мебели, сирланган қайрағоч буфетдан бўлак, ҳаммаси яна шунақа стол-стуллардан иборат эди. Деворга Ширкат тарқатадиган император ва маликанинг расмлари, солдатларнинг ҳамда авлиёларнинг ёрқин, аммо дағал зарҳалли суратлари ёпиштирилганди. Буларнинг ҳаммаси қуп-қуруқ, ранги очиқ деворда кўзга яққол ташланарди. Бу хонада буфет устида турган пуштиранг картон қутича билан циферблати расво қилиб бўялган соатдан бўлак безак йўқ эди. Соатнинг чиқиллаши баралла эшитилиб турарди. Зина йўлагига очиладиган эшик ёнида эшикча бўлиб, у ертўлага олиб тушар эди. Хона озода бўлишига қарамай кечаги пиёздоғ ҳиди димоққа урилади; бўғиқ, оғир ҳавода доимо тошкўмирнинг аччиқ иси сезилиб туради.

Катрина очиқ буфет олдида чўнқайиб ўтирганича хаёл сурарди. Ноннинг четлари-ю, анчагина пишлоқ бор, лекин мой жуда оз қолган эди; шулардан тўрт кишига бутерброд тайёрлаши керак. Ниҳоят ишга киришиб, нонни юпқа-юпқа қилиб кесди, бири устига пишлоқ қўйди, иккинчи парракка мой суртди, пишлоқ ва мойли паррақларни жуфтлаб чиқди; ишчилар ҳар куни шахтага олиб кетадиган бундай мою пишлоқли бутерброд «чақмоқтош» эди. Тезда ана шундай бутербродлардан тўрттаси тайёрланиб дастурхонга қўйилди. Уларнинг ҳажми ҳар хил. Энг каттаси дадасига, энг кичиги Жанленга эди.

Катрина гўё бутунлай рўзғор ишларига берилиб кетгандай эди; лекин бари бир катта назоратчи билан Пьерроннинг хотини ҳақида боя Захария айтган гаплар хаёлидан кетмасди; эшикни қия очиб, ташқарига қаради. Шамол аввалгидек қутурарди; қишлоқнинг пастак уйларидаги дераза ларнинг кўпида чироқ кўринарди, субҳидам шовқини эшитиларди. Дам-бадам эшиклар очилиб-ёпиларди; ишчилар қаторлашиб, тун қоронғисида олислаб боришарди. Совуқда нима азоб: юкловчи-ку ахир, бемалол ухлайверса бўлади, албатта, ишга соат олтида боради-ку! Шундай бўлса ҳам қиз боғчанинг нариги томонидаги уйга қараб тураверди. Эшик очилди, Катринанинг қизиқиши янада ортди. Йўқ, бу Лидия-ку, Пьерроннинг кичик қизи, ишга кетяпти.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Буғнинг вишиллаши Катринани қайрилиб қарашга мажбур этди. У эшикни шартта ёпиб, ўчоқ бошига чопқиллаб келди: сув қайнаб, олов устига тушибди. Кофе тамом бўлгани учун кечаги шаманинг устига дамлашга мажбур бўлди; чойнакка шакар солди. Шу чоқ отаси билан ака-укаси пастга тушишди.

— Э, жин урсин!— сўкинди Захария кружкасидан ҳўплаб.— Бунақа ювиндидан кейин бошинг ҳам айланмайди!

Маэ итоаткорона елкасини қисди.

— Нима қипти! Иссиқ, шунисига ҳам шукур.

Жанлен нон ушоқларини териб олди-да, ичаётган идишига солди. Катрина ичиб бўлиб, чойнакда қолган кофени тунука флягаларга қуйди. Тўрттовлари тик турганча, ёниб тамом бўлай деган шамнинг хира нурида апил-тапил кофеларини ичиб олишди.

— Бугун бўласанларми ўзи! — хитоб қилди ота.— Сенларни кўрган киши бойвачча, деб ўйлаши мумкин.

Тепадан овоз келди,— зинапоя эшиги очиқ қолган экан. Она қичқириб:

— Нонинг ҳаммасини олинглар, менда болалар учун бир оз вермишель бор,— деди.

— Хўп, хўп!— жавоб берди Катрина.

У оловни кўмди-да, суюқ ош қолган котелокни соат олтида ишдан бобом келса, иссиққина олиб ичар, деб панжара бурчагига қўйди. Улар буфет тагидан ёғоч бошмоқларини топиб кийиб, канопга боғланган флягни елкаларига ташлашди-да, нон бурдаларини белларига, кўйлаклари билан блузкаларининг орасига тиқиб қўйишди. Кейин улар йўлга тушишди: эркаклар олдинда, қиз кейинда; қиз кета туриб, шамни ўчирди ва қулф бурнидаги калитни буради. Уйни яна қоронғилик босди.

— Ҳой, шошманглар! Бирга кетамиз,— деди қўшни уйнинг эшигини қулфлаётган киши.

Бу Левак бўлиб, ёнида ўғли — Жанленнинг қадрдон ўртоғи ўн икки ёшли Бебер ҳам бор эди. Катрина ажабланиб, пиқ этиб қулиб юборишга сал қолди.

— Бу қанақаси бўлди?— деди у Захариянинг қулоғига.— Бутлу Левакнинг кетишини ҳам кутмабди-да!

Энди қишлоқдаги чироқлар ўча бошлади. Сўнгги эшик ҳам тарақлаб ёпилди; ҳаммаёқ яна уйқу оғушига чўмди; бўшаган каравотларга ўтиб ётган хотинлар ва болалар туннинг қолган қисмида ором олиб

ухлардилар. Жимжит бўлиб қолган посёлкадан оғир-оғир пишиллаётган Ворё томонга турнақатор соялар ғизғизон шамолда секин-аста борарди: булар бир-бирларини туртиб ишга боришаётган кўмир қазувчилар эди; улар қўлларини қаерга яширишни билишмай кўкракларига чалиштириб олишганди; ҳар бирининг белида ящириб қўйган бир бурда нони дўппайиб турарди. Юпқа бўз блузка кийганлари учун совуқдан қалтирасалар ҳам, ошиқишмасди; оломон йўлда худди подадек босиб-янчиб, тартибсиз борарди.

III

Этьен ниҳоят тепаликдан пастга тушиб, Ворё томон йўл олди. Иш борми деб сўраган кишилари бошларини сарак-сарак қилишар ва унга бош штейгерни кутинг, дея маслаҳат беришарди. Этьенни ҳеч ким тўхтатмади, шу боисдан равоқлари кўп нимқоронғи бинолар орасида айланиб юрди; кўп қаватли бу бинолар ораси жуда чалкаш эди. У қоронғи, шалағи чиққан зинадан юқорига кўтарилиб, омонат бўлиб қолган кўприкчадан ўтгач, саралаш хонасига келиб қолди; бу ер ниҳоятда қоронғи бўлганидан Этьен бирор нарсага урилиб кетмаслик учун қўлини олдинга чўзиб бораверди. Ногаҳон рўпарасидан, қоронғиликдан лов этиб икки улкан сариқ кўз чиқди. Этьен минора тагига, қабулхонага, шундоққина шахтага тушадиган жойга келиб қолганди.

Штейгерлардан бири, жандармларга ўхшаб кетадиган, оқ мўйловлари тиккайиб турадиган семиз Ришомм амаки шу пайт бу ёққа чиқиб, қабулхонага кетаётганди.

— Бу ерда ишчи керак эмасми, майли, қандай иш бўлса ҳам бари бир?— сўради Этьен.

Ришомм «йўқ» демоқчи эди-ю, лекин бу фикридан қайтиб, нарироққа боргач, бошқалар сингари жавоб қилди:

— Бош штейгер жаноб Дансартни кутинг.

Рефлекторли тўрт фонарь ёниб турибди; уларнинг нурлари шахтага тушиладиган жойга қаратилган; яхши ёритилган темир панжаралар, сигнал аппаратлари ва тормозларнинг дасталари, қалин тахталар орасида

www.ziyouz.com kutubxonasi

бориб келаётган кўтарма машинанинг икки кажаваси кўриниб турарди. Улкан иморатнинг қолган қисми черков ичига ўхшаган бўлиб, ғира-шира эди, у ерда катта соялар ғимирларди. Чуқурликдаги лампахонагина ёруғ бўлиб, қабулхонада эса гўё сўнаётган юлдузга ўхшаб кичик чироқ ёниб турарди. Пастдан кўмир узатиш ҳозиргина бошланганди. Кўмир ортилган вагонеткалар чўян плиталар устидан тарақ-туруқ қилиб юрарди; улар кетидан вагонеткаларни итариб келувчиларнинг букчайган узун қоматлари кўриниб турибди; бу умумий ғовур-ғувурда гумбурлаётган нарсалар ва шакллар тўхтовсиз ҳаракат қиларди.

Этьен бир минутча қимир этмай туриб қолди; бу ғала-ғовур уни гангитиб, кўзини тиндирган эди. У жуда совуқ еди, чунки ҳаммаёқдан муздек ҳаво оқими уриб турарди. Кейин у бир неча қадам босди: Эътиборини пўлат ва мис қисмлари ярақлаб турган машина тортган эди. Машина шахтага тушаверишдан йигирма беш метрча наридаги анча баланд бинода эди. У тўрт юз от кучига тенг бўлган бутун қувватини ишга солиб зўр бериб ишлар, каттакон шатуни бир меъёрда кўтарилиб-тушар эди; машина ғиштин супага шу қадар мустаҳкам ўрнатилган эдики, бино деворларининг зириллаши асло сезилмасди. Машинист регулятор дастасини ушлаб, шахтанинг турли қаватлари кўрсатилган жадвалдан кўзини узмай, сигнал қўнғироқларига қулоқ соларди; жадвални кесиб ўтган тик новдан юқорига кўтарилиб, пастга тушаётган ипга осиғлик соққачалар кўтарма машина кажавасини акс эттирарди. Кажавани жўнатаётган пайтда машина ишга тушиши биланоқ ҳар бирининг радиуси беш метрдан келадиган улкан барабан айлана бошларди; уларнинг ғилдираклари иккита пўлат арқонни бир-бирига қарама-қарши томонга ўраб-бўшатиб турарди; улар шу қадар тез айланардики, худди кулранг чанг устунига ўхшарди.

— Эй, эҳтиёт бўл! — қичқиришди улкан нарвон олиб келаётган уч юккаш.

Этьенни пачақлаб юборишларига оз қолди. Унинг кўзлари қоронғига кўника бошлади; кейин у узунлиги ўттиз метрдан зиёд арқонларнинг пўлат лентадек осмонда сирғалаётганини кўрди; пўлат арқонлар минора

тепасига кўтарилиб, шкивлардан ошиб тушар, кейин эса учига боғлаб қўйилган кўтарма машина кажавалари билан шахтага тушиб кетарди. Шкивлар худди қўнғироқхоналардаги стропилларга ўхшаган темир стропилларга маҳкамланган эди. Арқонлар учаётган қушдек овозсиз ва равон сирғаларди; бу улкан йўғон симнинг шиддатли ҳаракати тинимсиз кўтарилиш ва тушишдан иборат бўлиб, секундига ўн метр тезлик билан ўн икки минг килограмм юкни кўтара оларди.

— Ҳей, ким у? Эҳтиёт бўл! — яна қичқиришди юккашлар; улар нарвонни нариги томонга қўйиб, чап томондаги шкивни текширмоқчи эдилар.

Этьен секин-аста қабулхонага қайтди. У боши узра чарх ураётган бу салобатли парвозлардан ҳанг-манг бўлиб қолганди. У ғуриллаб турган шамол изғиринидан қалтираб, кўтарма машина кажавасининг ҳаракатини томоша қилди; вагонеткаларнинг гумбур-гумбури қулоқларини қоматга келтирди. Шундоққина шахтага тушаверишда сигнал аппарати — дастакли оғир болға ишлаб турибди; пастдан арқон тортилса, болға зангга урилади. Бир зарб — тўхташни, икки зарб — пастга тушишни, уч зарб — кўтаришни билдирарди; бу оғир зарб садолари умумий ғала-ғовурда тинимсиз эшитилиб турарди; ҳар зарбдан кейиноқ қўнғироқчанинг жарангли товуши дарҳол эшитилади. Кўтарма машина ҳаракатини бошқараётган қабул қилувчи карнайдан машинистга ҳар хил топшириқлар бераверіб, шовқинга шовқин қўшарди. Мана шу тўс-тўполонда кажавалар дам кўриниб, дам пастга тушиб кетарди, уларни бўшатишарди, юк ортилган кажавалар яна кўтариларди. Этьен бу мураккаб ишни кузатиб, ақли шошиб қолди.

У фақат бир нарсани тушунди: шахта тинимсиз равишда бирваракайига йигирма-ўттизталаб одамни комига тортарди: бу иш шундай осон кўчардики, бутунлай сезилмасди ҳам. Ишчиларни пастга тушириш соат тўртдан бошланганди. Улар бараклардан яланг-оёқ, лампочкаларини кўтариб келишган, тўпланишиб, одам кўпайиб, кажава тўлишини кутишарди. Кажава худди тунда писиб келадиган ваҳший ҳайвондек билдирмай оҳиста қоронғиликдан чиқиб келар, тормоз бериб, тўхтар эди. Тўрт қаватли кажаванинг ҳар қаватида иккитадан кўмир тўлдирилган вагонетка бор эди. Юккашлар уларни алоҳида кўприкчалар орқали итариб

www.ziyouz.com kutubxonasi

туширишар, бўшлари ёки олдиндан тахта ортиб қўйилганлари билан алмаштириб туришар эди. Бўш вагонеткаларнинг ҳар бирига беш ишчи туриб олади; баъзан агар ҳамма бўш вагонеткалар эгалланса, бир йўла қирқтача одам туширилади. Карнай орқали бақириб берилаётган буйруқ бўғиқ, ноаниқ ғўлдираб эшитиларди; пастга кетган сигнал арқонини тўрт марта тортишди, бу «мол гўшти кетяпти!» дегани бўлиб, одам жўнатилаётгани тўғрисидаги огоҳлантириш эди. Кажава бир силкиниб, чуқурга отилган тошдек пастга товушсиз тушиб кетар, кетидан эса титраб, пастга шувиллаб кетаётган йўғон арқондан бўлак ҳеч нарса кўринмас эди.

— Чуқурми? — сўради Этьен ёнгинасида ўз навбатини кутиб, уйқусираб турган бир шахтёрдан.

— Беш юз эллик тўрт метр,— жавоб берди шахтёр.— Лекин кон тўрт қават, биринчи қавати уч юз йигирма метр чуқурликда жойлашган.

Икковлари ҳам кўтарилаётган арқонга тикилиб, жим қолишди.

— Борди-ю, узилиб кетса, нима бўлади?— сўради Этьен.

— Узилиб кетсами...

Шахтёр гапини имо-ишора билан якунлади. Унинг навбати келган эди; кажава яна енгил ва равон кўтарилди. У бошқа ўртоқлари билан бирга кажавага кирди; кажава пастга шўнғиб кетди, тўрт минут ўтар-ўтмас одамларнинг янги тўпини ютгани яна қайтиб чиқди. Шу йўсинда шахта ярим соатгача гўё бутун бир халқни ҳазм қилмоқчи бўлган еб тўймас махлуқдек баҳайбат ичакларини тўлдириш учун шахтёрлар тушиб ишлайдиган қаватнинг чуқурлигига қараб, гоҳ тез, гоҳ секин, аммо тўхтовсиз одамларни ютиб туради. Кажава кетма-кет тўлиб, тушиб-чиқаверди, коронғилик эса бояги-боягидек зим-зиё эди, кажава бўлса, ер қаъридан ҳеч нима кўрмагандек бешовқин ва очкўзлик билан чиқиб келаверарди.

Вақт ўтиб борарди, Этьен эса боя қиямаликда турганидагидек яна ташвишга тушиб қолди. Нимадан ҳам умид қиларди? Катта штейгер ҳам унга ҳамма айтган гапни қилади-да. Беихтиёр ваҳима босиб, қўққисдан уни қайтиб кетишга мажбур қилди; у қозонхона олдига келгандагина тўхтади. Қозонхона эшиги ланг очиқ, Этьен еттита қозон билан иккита ўтхонани кўрди. Тирқишлардан вишиллаб чиқаётган паға-паға оппоқ буғ орасида ишлаётган гўлах ўчоқлардан бирига кўмир ташлаяпти; иссиқ остонагача гупиллаб уриб турарди. Исиниб олиш мумкинлигидан қувониб кетган Этьен яқинроқ боришга жазм қилувди ҳамки, шахтага йўл олган кўмир қазувчиларнинг янги бир гуруҳини кўриб қолди. Бу Маэлар хонадони билан ота-бола Леваклар эди. Этьен ҳаммадан олдинда келаётган, хушмуомала ўспиринга ўхшаб кўринган Катринага кўзи тушиши билан, қани бир ирим қилиб шундан ҳам охирги марта сўрай-чи, деган фикрга келди.

— Айтинг-чи, ўртоқ, бу ерда бирорта ишчи керак эмасмикин? Қанақа иш бўлса ҳам майли эди.

Қоронғиликда тўсатдан янграган бу овоздан сал чўчиган Катрина ҳайратланиб унга тикилди. Лекин унинг орқасидан келаётган Маэ ҳам бу овозни эшитганди; у жавоб бериб тўхтади-да, Этьен билан гаплашиб қолди. Йўқ, бу ерда ҳеч ким керак эмас. Иш қидириб бир жойдан иккинчи жойга сарсон бўлиб юрган бечора ишчи уни қизиқтириб қолди. Маэ у билан ажралишгач, бошқаларга деди:

— Ҳа! Бу қора кун ҳар кимнинг ҳам бошига тушиши мумкин... Шикоятнинг ҳожати йўқ, қайга қарасанг — ишсизлар, очдан ўлсанг ҳам биров ғам емайди...

Ишчилар барак томон йўл олишди. Бу жуда кенг, наридан-бери сувоқ қилинган бино эди. Деворлар ёнида осма қулф билан беркитилган шкафлар; ўртада қопқоқсиз печкага ўхшаган чўян ўчоқ чўғдек қизиб ётипти: ўчоққа кўмир тўлдириб қаланганидан парчалари чирсиллаб ерга тушиб туради. Барак шу ўчоқдаги олов билан ёритилади; унинг қирмизи шуълалари шкафларнинг яғири чиқиб кетган ёғочларида, шифтгача қоп-қора чанг босиб ётган деворларда титрайди.

Маэ оиласи иссиққина баракка кирганда қаттиқ кулги кўтарилди. Ўттиз чоқли ишчи орқаларини оловга бериб, мириқиб исинишарди. Ер тагига тушишдан олдин ҳамма зах шахтада тетикроқ ишлаш учун яхшилаб исиниб олгани бу ёққа кирар эди. Ўша тонг палласида баракда ҳазил-мазах авжида эди. Ишчилар ўн саккиз ёшли юккаш Мукетта деган қизнинг жиғига тегишарди: Мукеттанинг кўкраги билан сони шу

www.ziyouz.com kutubxonasi

қадар катта эдики, блузаси билан лозими тирсиллаб ёрилиб кетай дерди. У Рекийярда отаси — кекса отбоқар Мук ва юккаш укаси Муке билан турарди; аммо уларнинг иш соатлари турлича бўлганидан шахтага бир ўзи келарди. У худди шу ерда ёзда — жавдарзорга кириб олиб, қишда — бирон тўсиқ орқасига ўтиб, нари-берисини суриштирмай ҳар ҳафтада ўзгариб турадиган навбатдаги маъшуқи билан дон олишиб юрарди. У шахтёрларнинг ҳаммаси билан бўлган; бу чиндан ҳам барчага баробар, қўлдан-қўлга ўтиб юрадиган беминнат ҳожатбарор эди. Бир куни кимдир Мукетта Маршьенн михсозлигидаги бир темирчи билан юрипти, деб таъна қилган эди, балога қолди; кўмир қазувчилардан бўлак бирор йигит билан юрганимни ҳеч ким, ҳеч қачон кўрган эмас, агар шуни биров исбот қилса, майли қўлимни кесишсин, ғинг демайман, деганди.

— Нима, ҳозир найнов Шаваль билан юрмаяпсанми? — сўради шахтёрлардан бири мийиғида кулиб.— Анави бақалоқни илинтирдингми, дейман, а? Унга нарвон қўйиш керак-ку. Икковларингни Рекийярнинг нарёгида кўрувдим; у тош устига чиқаётганди!

— Хўш, кейин нима бўпти?!— соддадиллик билан жавоб берди Мукетта.— Сенга нима-я? Мени чиқариб қўй, деб сени чақирмаган-ку.

Бунақа қўполроқ, беозор ҳазиллар ишчиларнинг қаҳқаҳасига сабаб бўлар, улар оловга тобланган елкаларини силкитиб, мириқиб кулишар эди. Думалоқкина, шишинқираган тўла баданини сириб турган кулгили кийимдаги Мукетта улар орасида уялинқираб, у ёқдан-бу ёққа юраркан, хахолаб куларди.

Лекин Мукетта Маэга энди Флёранса хоним, найнов Флёранса энди келмаслигини айтиши биланоқ ҳазил-мутойиба тақка тўхтади: кеча ўрнидан унинг ўлигини топишипти; баъзилар юраги ёрилиб ўлипти, деса, бировлар қорааарча арағининг бир литрини шартта ичиб ўлипти, дерди. Маэ мушкул аҳволда қолди: яна иш юришмайдиган бўлди — у юккашларнинг биридан айрилган бўлиб, ҳозирнинг ўзида унинг ўрнини босадиган киши йўқ эди. Маэ артелда ишларди, артелда эса тўртта кончи: ўзи, Захария, Левак ва Шаваль бор эди. Агар фақат Катринанинг ўзи юккаш бўлиб қолса, ишга зиён етади. Бирдан у қичқириб юборди:

— Эй, тўхтанглар! Иш қидириб юрган йигит қани?

Барак олдидан Дансарт ўтиб борарди. Маэ унга бўлган воқеани айтиб, шу кишини ишга олиш учун рухсат сўради; у Ширкатнинг ўзи ҳам Анзендагидек юккаш аёлларни эркаклар билан алмаштиришга мойилку, деб туриб олди. Бош штейгер аввалига кулди: хотинларни ишдан бўшатиш ҳақидаги лойиҳа даставвал кўмир қазувчиларнинг ўзлари томонидан зарбага учрарди, улар бўшаган жойга ўз қизларини тиқиш ғамини ердилар; ахлоқ-одоб, озодалик масалалари уларни кам қизиқтирарди.

Ниҳоят, Дансарт бир оз иккиланиб тургач, инженер Негрелнинг қатъий рухсати олинсагина рози эканлигини изҳор қилди.

— Нима фойдаси бор?— деди Захария.— Ҳеч қаердан иш тополмаганидан кейин бирон ёққа жўнаб қолган бўлса керак!

— Йўқ,— эътироз билдирди Катрина,— мен ҳозиргина унинг қозонхона олдида тўхтаганини кўрдим.

— Ундай бўлса, чопиб бориб, айтиб кел, ишёқмас!— қичқирди Маэ.

Қиз чопиб кетди. Бу орада кўмир қазувчилар оқими ўт олдидаги ўрнини бошқаларга бўшатиб, шахтага йўл олди. Жанлен отасини кутиб ўтирмай, семиз, соддагина Бебер деган ўспирин ва ўн ёшли пимжонгина қизча Лидия билан бирга ўз лампочкасини олиб келгани кетди. Мукетта уларнинг олдида борарди; қопқоронғи зинапояга етганда уларни, вой шумлар-эй, деб қойиди-да, агар яна чимчилашадиган бўлсаларинг, қулоқ-чаккаларингга тортиб юбораман, деб пўписа қилди.

Этьен ҳақиқатан ҳам қозонхонада экан; у ўчоққа кўмир ташлаётган гўлах билан гаплашиб турарди. Яна шу қора тунда қаёқларда изғиб юрар эканман, деган фикр унинг аъзойи баданини музлатиб юбораётганди. У энди кетаман деб турган ҳам эдики, елкасига биров қўлини қўйганини сезди.

— Қани, мен билан юринг-чи,— деди Катрина.— У ерда сизбоп бир нарса чиқиб қолди.

Аввалига у тушунмади. Кейин бутун вужуди қувончдан яйраб кетди-ю, қизнинг қўлини маҳкам сиқди.

— Раҳмат, ўртоқ... Ростини айтсам, ўзингиз ҳам ажойиб йигитча экансиз-да!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Катрина ўчоқдаги оловнинг қип-қизил яллиғида унга разм солиб кулиб юборди. Йигит уни ўғил бола деб ўйлагани қизга наша қилди,— қиз жуда ҳам ориқ бўлиб, узун сочларини чепчиги бекитиб турарди. Этьен ҳам шодлигидан кулар, икковлари рўбарў туриб олишиб, қувноқлик билан хахолашарди; икковининг ёноғи ёнар эди.

Шу маҳал баракдаги шкафи олдида чўнқайиб ўтирган Маэ пойабзали билан дағал пайпоқларини ечарди. Этьен келгач, улар икки оғиз сўз билан келишиб олишди: кунига ўттиз су; иш оғир, лекин тезда кўникиб кетади. Кончи Этьенга ковушингизни ечманг, деб маслаҳат берди-да, бошини зарбалардан сақлаш учун чарм қалпоғини узатди; ота-бола бунақа эҳтиёткорликдан ҳазар қилишарди. Кейин шкафчадан асбоблар олинди; Флёрансанинг белкураги ҳам шу ерда экан. Шундан кейин Маэ шкафга пойабзал билан пайпоқларини ва Этьеннинг тугунини солиб, беркитиб қўйди-да, бирдан тутақиб кетди.

— Қаёққа йўқолди шу пайтда бу ярамас кирчанғи Шаваль? Яна тошларнинг устига бирорта қизни бостгандир-да!.. Шундоқ ҳам бугун ярим соат кеч қолдик ўзи.

Захария билан Левак орқаларини бамайлихотир иситишарди. Ниҳоят, биринчиси деди:

— Нима, сен Шавални кутяпсанми?.. У биздан олдин келган, ҳозиргина шахтага тушиб кетди.

— Қанақасига? Шуни билиб туриб, шу чоққача айтмапсан-да менга! Юринглар! Тезроқ!

Қўлини оловда иситаётган Катрина улар билан бирга кетишга мажбур бўлди. Этьен уни олдинга ўтказвориб, ўзи кетидан юрди. У яна қинғир-қийшиқ зиналар ва қоронғи ўтиш жойларига келиб қолди, яланг оёқлари бу ерда тўзиган туфлидагидек юмшоқ босиб борарди. Лампахона ниҳоятда ёруғ; бу ойнабанд хона бўлиб, устунларида кеча текширилиб, тозаланган юзлаб Деви лампочкалари қатор-қатор ёниб турарди; ҳаммаси гўё ярақлаган бутхонадаги шамлардек ловиллайди. Туйнукдан ҳар бир ишчи ўз номери ёзилган лампочкани олади-да, текшириб кўргач, ўзи бекитиб қўяди, стол ёнида ўтирган табелчи эса рўйхат дафтарига шахтага тушиш вақтини қайд қилиб қўяди. Маэ янги юккашига ўзи лампочка топиб беришга мажбур

бўлди. Кейин яна бир расмиятчилик бор эди: ишчилар лампалар яхши бекитилганини текширадиган махсус назоратчи олдидан ўтишарди.

— Вой-вуй!.. Бу ер унча иссиқ эмаскан, — деб бидирлади Катрина совуқдан дағ-дағ титраб.

Этьен фақат бошини қимирлатиб қўйди. Улар шамол ғуриллаётган кенг хона ўртасидаги шахтага тушиладиган ерга келиб қолишди. Этьен ўзини мард одамлардан ҳисоблаб юрарди, лекин шундай бўлса-да, атрофида вагонеткаларнинг гумбур-гумбури, сигнал болғасининг гум-гум урилиши, карнайнинг бўғиқ наъраси яна янграб, кўтарма машина барабанларига тезлик билан ўралиб чуваланаётган пўлат арқонларнинг тинимсиз ғизиллаб ўтиб туришини кўргач, ваҳимага тушиб, юраги қисилди. Кажавалар худди тунда писиб келган йиртқич ҳайвондек товуш чиқармай сирғалиб, кўтарилиб тушар, тўп-тўп одамларни олиб кетарди; гўё шахта уларни ўз комига тортаётгандек эди. Энди навбат унга етди; совуқ суяқ-суягидан ўтиб кетган бўлса-да, тишини тишига қўйиб, чурқ этмасди. Захария билан Левак унинг ҳолидан кулардилар: бу одамнинг ишга олиниши уларга хуш келмаганди, айниқса Левак менинг олдимдан ўтишмадиям, деб ўпкаланар эди. Отаси Этьенга машина қурилишини тушунтиришга киришганини кўриб, Катрина қувониб кетди.

— Мана, қаранг: кажава устига парашют қурилган, агар арқон узилиб кетгудек бўлса, манави темир тишлар ёғоч тўсинга ғарчча ботади. Э, бунақа воқеа ҳар замонда бир бўлади... Шахта қудуғи уч қисмга бўлинган; улар бошдан-оёқ тахта билан ажратилган; ўртада кажава ҳаракат қилади, чап томондан эса зина тушади...

Лекин гап шу ерга келганда, у тушунтиришдан тўхтаб, овозини унча баландлатмай, вайсаб кетди:

— Бу ерда нима қилиб уймалашиб ўтирибмиз, жин урсин! Одамларни бунчалик совуққоттириш инсофдан эмас!

Тўрсиз лампочкани чарм қалпоғига қўндириб олган штейгер Ришомм ҳам шахтага энди тушаман, деб турувди, Маэнинг вайсашини эшитиб қолди.

— Секинроқ! Деворниям қулоғи бор, эҳтиёт бўл!— оталарча меҳрибонлик билан деди у; бу кекса шахтёр штейгер бўлган эса-да, ўз яқинлари учун ҳамон ўртоқ

www.ziyouz.com kutubxonasi

эди...— Ҳаммаси ўз навбати билан боргани маъқул... Мана энди биз ҳам тушсак бўлади; ҳаммаларинг ўтиринглар.

Дарҳақиқат, улар олдига темир қоқилган, ёнларига панжара тутилган кажава келди, кажава тўхтаб уларни кутарди. Маэ, Захария, Левак ва Катрина пастдаги вагонеткалардан бирига чиқишди, унга беш киши жойлашиши лозим бўлганидан Этьен ҳам уларга қўшилди. Бироқ ҳамма яхши жойлар банд бўлганидан у қизнинг олдида туриб қолди, Катринанинг тирсаги йигитнинг қорнига тиралиб борарди. Лампочка унга халақит берарди; кимдир лампочкани блузкасининг тугмасига тиркаб қўйишни маслаҳат берди. У гапни эшитмади, гарчи ноқулай бўлса ҳам лампочкани қўлида ушлаб кетаверди. Юк кўпаяверди, одамларни молдек тиқишарди-ю, лекин кажавани жўнатишмасди. Нима бўлди ўзи? Этьен назарида жуда узоқ кутаётгандек бўлди. Ва ниҳоят кажава силкиниб, ҳаммаёқ қоронғи бўлиб кетди, атрофдаги буюмлар сузиб ўта бошлади, тез тушилаётганидан боши айланиб, кўнгли айниб, қусворай-қусворай дерди. Улар икки қаватли қабулхонадан ўтиб, ёруғ жойдан кетишаётганда ҳам Этьеннинг кўнгли айниб турди, атрофлардаги ҳамма нарса чир айланиб, пўлат арқонлар гўё шувиллаб кетаётгандек эди. Кейин кажава шахтанинг зим-зиё қаърига шўнғиди. Этьен тамомила ўзини йўқотган, қандай ҳис-туйғуларни кечирганини ўзи ҳам билмас эди.

— Мана жўнадик,— деб қўйди бамайлихотирлик билан Маэ.

Ҳамма ўзини ҳеч нима бўлмагандек ҳис этарди. Этьен бўлса баъзан пастга тушишаётганларини ҳам, кўтарилишаётганларини ҳам тушунмасди. Гоҳо қимир этмай туришгандек туюларди; бу ҳол кажава ёнидаги тўсинларга тегмасдан тўғри тушиб бораётганда рўй берарди; кейин эса қаттиқ силкинишлар бошланарди, гўё кажава тахталар орасида лопиллаб ўйнаётгандек бўларди-ю, Этьен ағдарилиб тушишдан қўрқарди. У лампочкаларнинг хира нурида ғуж бўлиб олишган гавдаларнигина зўр-базўр кўра оларди. Фақат қўшни вагонеткадаги штейгернинг ёруғ лампочкасигина машъалдек порлаб турарди.

— Бу ернинг диаметри тўрт метр,— тушунтиришда давом этди Маэ. — Қопламаси анчадан бери ремонтга муҳтож, ҳамма ёғидан сув чиқиб кетяпти... Мана! Биз худди мана шу жойга етдик, эшитяпсизми?

Этьен шу шовқин қаердан келаётганини билолмай гаранг эди,— худди ёмғир шариллаб қуяётганга ўхшарди. Дастлаб гўё жала бошланишидагидек йирик томчилар кажава томига тушди; кейин бу ёмғир тобора кучайиб, чинакам селга айланди. Афтидан кажава томи тешилган бўлса керак, сув шириллаб Этьеннинг елкасига тушиб, кийимларини жиққа ҳўл қилиб юборди. Совуққа чидаш мумкин бўлмай қолди; кажава зах чоҳ қаърига тушиб борарди. Мана, улар кўзи олдидан ногаҳон одамлар ҳаракат қилиб юрган ёп-ёруғ тор чақмоқдек ялт этиб ўтиб, яна ҳаммаёқ қоп-қоронғи бўлиб қолди.

— Бу биринчи қават,— деди Маэ.— Биз уч юзу йигирма метр чуқурликдамиз... тезликни қаранг!

У лампочкасини кўтариб поезд тагидаги изга ўхшаб жуда тез ўтиб кетаётган ён томондаги тўсинлардан бирини ёритди; бундан бошқа аввалгидек ҳеч нима кўринмайди. Ёритилган қаватлардан яна учтаси липпиллаб ўтди. Зулматда ёмғир шариллаб турарди.

— Мунча чуқур! — ғўлдираб қўйди Этьен.

Унга ер остига тушиш гўё бир неча соатга чўзилгандек туюлди. У заррача қимирлай олмаганидан азобланарди, бунинг устига Катринанинг тирсаги тинчлик бермасди. Қиз миқ этмасди. Этьен унинг шундоқ ёнида турганини ҳис қилар, шундан баданига илиқлик югурар эди. Кажава ниҳоят, беш юз эллик тўрт метр чуқурликда тўхтади, пастга тушиш учун роппа-роса бир минут кетганини билган Этьен жуда ҳайратда қолди. У сурма зулфинларининг шарақ-шуриғидан, оёғи қаттиқ ерга текканидан севиниб кетди; шунинг учун у ҳазиллашиб Катринага сансираб гапира бошлади:

— Ваданингда нима бор ўзи, мунча ҳароратинг кўр? Қорнимнинг тирсагинг тегиб турган жойи ҳалиям галати бўлиб турибди.

Қиз ҳам хохолаб кулиб юборди. Вой, мунчаям гўл бўлмаса, ҳалиям мени ўғил бола, деб юрипти-я! Нима бало, кўзи йўқми?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ўзингнинг кўзларинг ғалати экан,— деди қиз кулиб.

Йигит ажабланди-ю, лекин яна ҳеч нарса тушунмади.

Кажава бўшади, ишчилар кўмир ортиладиган хонага ўтишди. Бу қояни ўйиб, ғиштин гумбаз билан мустаҳкамланган каттагина зал бўлиб, эҳтиёт тўри тутилмаган учта катта лампочка ёритиб турарди. Юкловчилар чўян плиталар устидан кўмир уйиб ортилган вагонеткаларни шошa-пиша ғилдиратиб кетишди. Деворлардан ертўла, намхуш селитра иси анқирди; дам-бадам қўшни отхонадан иссиқ ҳаво келади. Бу ердан тўрт томонга кети кўринмас йўлаклар кетганди.

— Бу ёққа келинг,— деди Маэ Этьенга мурожаат қилиб.— Сиз ҳали ўз жойингизда эмассиз, яна икки километрдан зиёдроқ юришимиз керак.

Ишчилар гуруҳларга бўлинишиб, секин-аста қоронғи йўлакларга кириб ғойиб бўлишарди. Ўн беш чоғли киши чап томонга жўнади. Этьен энг кейинда Маэнинг орқасидан борарди; олдинда эса Катрина, Захария, Левак. Бу жуда яхши ер ости йўлаги бўлиб, арава ғилдиратишга қулай эди. Қаттиқ ердан кавланган йўлакнинг баъзи жойларигагина тиргаклар қўйиб мустаҳкамланганди. Улар чурқ этмай бирин-кетин боришарди, лампочкалар йўлни зўр-базўр ёритарди. Йигит ҳар қадамда қоқилиб тушар, рельслар юришга халақит берар эди. У узоқдан келаётган бўрон товушига ўхшаган бўғиқ шовқинга ташвиш билан қулоқ соларди; шовқин тобора зўрайиб, гўё ер қаъридан чиқиб келаётгандек туюларди. Балки бу уларни ёруғ дунёдан ажратиб турган бошлари устидаги қалин қатламни парчалаб юборадиган ўпирилишнинг гумбурлашидир? Мана, қўққисдан ғор ичида нимадир жимирлаб кетди-ю, Этьен ернинг зириллаётганини сезди. Этьен ва унинг ҳамроҳлари девор тагига ўтиб, қатор бўлиб туришди, олдиларидан катта оқ от ўтди; у вагонеткалардан тузилган поездни тортиб борарди. Олдинги вагонеткада жилов тутган Бебер ўтирибди, яланг оёқ Жанлен эса, охирги вагонеткага тирмашиб олиб, чопиб борар эди.

Улар яна юришди. Бир неча муддатдан сўнг, чорраҳа кўринди; ундан икки янги йўлак ажралиб чиқ-

қанди. Ишчилар яна ҳам майдароқ гуруҳларга бўлиниб, шахтанинг иш олиб борилаётган йўлакларига тарқалиб кетишди. Бу ердаги йўлакнинг ҳаммаёғи маҳкамланганди; унинг тахта қоқилган бўш равоғини эман тиргаклари тутиб турарди. Тахталар орасидан слюда ялтираб турган шифер хира, ғадир-будир, оғир қумтош қатламлари кўзга ташланади. Улар олдидан дам юк ортилган, дам бўш вагонеткалар тарақ-туруқ қилиб ўтиб туради, вагонеткалар поезди бир кўринарди-ю, қоронғилик қаърига кириб кетарди; уларни тортиб бораётган отлар худди шарпаларга ўхшарди. Бир ерда йўл иккига бўлинади. Бу ерда тўхтаган поезд худди пинакка кетган қора илондек мудрайди; от пишқиради; қоронғида уни кўриш қийин: унинг гавдаси равоқдан узилиб тушган улкан тошга ўхшайди. Дам-бадам вентиляция эшиклари очилиб, секин ёпилиб турарди. Кўмир қазувчилар олға силжиган сари йўлак тобора торайиб, пастлаб борарди; шифти нотекис бўлганидан доимо эгилиб юришга тўғри келарди.

Этьен бошини қаттиқ уриб олди. Агар чарм қалпоғи бўлмаганида мияси тешилиб кетган бўларди. У олдинда кетаётган Маэнинг ҳар бир ҳаракатини диққат билан кузатиб бора бошлади; унинг хира сурати лампочкаларнинг заиф нурида кўриниб қоларди. Ишчилардан ҳеч ким ўзини уриб олмади,— улар ёғоч тиргакларнинг ҳар бир тўсинини, туртиб чиққан ҳар бир тошни аниқ билишар эди. Оёқ остидаги тупроқнинг сирғанчиқлиги Этьенни қаттиқ қийнарди; юрилган сари лой пилчиллаб борарди. Лекин уни кўпроқ ҳайратга солган нарса ҳароратнинг кескин ўзгариб туриши эди. Шахта чоҳининг тагида ҳаво тоза эди, йўлакда эса ҳаво оқими ўтиб тургани учун шиддатли совуқ шамол тор деворлар орасидан худди бўрондек чинқириб эсарди. Улар вентиляторлардангина озгина ҳаво кираётган бошқа штольняларга ўтиб, пастга тушганлари сари шамол тиниб, иссиқдан бўғилиб лоҳас бўлишарди.

Маэ индамасди. Фақат ўнгга, янги йўлакка қайриларкан, деди:

— Гийом қатлами шу.

Шу қатламда уларнинг шериклари ишларди. Биринчи қатламлариданоқ Этьен боши билан тирсагини

www.ziyouz.com kutubxonasi

уриб олди. Нишаб шифт шу қадар паст эдики, Этьен йигирма-ўттиз метрча масофадан икки букчайиб юришга мажбур бўлди.

Сув тўпиққа чиқади. Улар шу кўйи икки юз метрча юришди ва бирдан гўё рўбарўдан чиққан тор ёриқ ютиб юборгандай Левак, Захария, Катриналар ғойиб бўлиб қолишди.

— У ёққа кўтарилишимиз керак,— деди Маэ.— Лампочкани тугмангизга боғлаб қўйинг-да, ходани ушлаб юқорига чиқинг.

Ўзи ғойиб бўлди. Этьен унинг кетидан бориши лозим эди. Қатламдаги бу ёриқ кўмир қазувчилар учун йўлак хизматини бажарарди; ундан ён томондаги барча штольняларга ўтиш мумкин эди. Ёриқ кўмир қатламининг ўзидан катта бўлмай, зўр-базўр олтмиш сантиметрга борарди. Яхшиямки, Этьен ориққина, шунга қарамай ўрганмагани учун олға силжишда жуда кўп куч сарфлади. У ғужанак бўлиб, елкалари, сонларини деворга уриб олар, ходага ёпишар эди. Улар ўн беш метрча кўтарилишгач, биринчи ёнлама йўлакка етишди; лекин яна юришга тўғри келди: Маэ ва унинг ўртоқлари ишлайдиган жой олтинчи қатламда,— улар тили билан айтганда, нақ жаҳаннамнинг ўзида эди. Штольнялар ҳар ўн беш метр оралиқда биринкетин жойлашган бўлиб, бу чоҳнинг охири кўринмасди. Юқорига кўтарилаверишдан бел билан кўкрак зирқираб оғрир эди. Этьен дармондан кетди, гўё тоғ жинслари бутун оғирлиги билан унинг гавдасини эзиб ётгандай; қўллари мўматалоқ бўлиб кетди, оёқлари зирқирарди, бунинг устига нафаси қайтиб, бошига қон қуйилаётганини сезди. Штольнялардан бирида у букчайиб вагонетка ғилдиратиб кетаётган икки кишини ғира-шира кўриб қолди,— бири ниҳолдек ориқ, иккинчиси семиз: булар ишларини бошлаб юборган Лидия билан Мукетта эди. Этьен эса яна икки қатлам кўтарилиши керак! Тер қуйиб, кўзини очгани қўймасди, у зўр бериб, ҳамроҳларига етиб олишга ҳаракат қиларди, лекин уларнинг эпчил гавдалари қатлам устидан сирғаниб бораётгандек туюларди.

— Мана, етиб ҳам келдик!— Катринанинг овози эшитилди. Лекин у маррага етиб келган ҳам эдики, штольня қаъридан қичқирган бошқа бир овоз эшитилди:

— Нима гап ўзи? Бошқалар ўлиб кетсаям ишларинг йўқ экан-да? Мен Монсудан икки километр наридан келсам ҳам, ҳаммаларингдан олдин иш жойидаман!

Бу қичқирган Шаваль бўлиб, йигирма беш ёшлардаги, ориқ, баланд бўйли, қоқсуяк, чеҳраси жиддий йигит эди. У куттириб қўйишгани учун жаҳли чиққанди.

У Этьенни кўриши биланоқ ҳайрат ва нафрат оҳангида сўради:

— Бу нимаси яна?

Маэ унга бўлган воқеани айтиб бергач, у тишларини ғичирлатиб деди:

— Шундай денг. Демак, энди йигитлар қизларнинг нонини туя қиладиган бўлишибди-да!

Этьен ва Шаваль тўсатдан лов этиб кетган беихтиёр ғазаб билан бир-бирига қарашди. Этьен мулоҳаза қилиб ўтирмай, ўзини ҳақоратланган деб ҳис қилди. Орага жимлик чўкди; кейин ҳамма ишга киришди. Секин-аста йўлаклар тўла бўшлади, одамлар гуруҳ-гуруҳ бўлиб, қатламларда, ҳар бир штольнянинг охирида ишлашарди. Очофат шахта ҳар кунги насибаси— етти юзга яқин ишчини ютганди. Энди уларнинг ҳаммаси бу улкан қумурсқа инида меҳнат қилишар, ҳаммаёққа йўл очишар, қуртлар ғалвирак қилиб ташлаган чирик дарахтдек уни буйдалашарди. Улар юракни сиқувчи сукунатда чуқур қатламларни бурдалардилар. Қўлга қулоқ тутиб, бу ҳашарот — одамларнинг ҳаракатини, пўлат арқон ҳуштагини, кўмир билан чиқиб-тушаётган кажаваларнинг шақирлашини, энг чуқур йўлакларда кўмир қазиётган қуролларнинг овозини эшитиш мумкин эди. Тасодифан орқасига қайрилган Этьен яна Катрина билан рўпарама-рўпара бўлиб қолди. Лекин бу сафар у қизнинг етилиб келаётган сийналарининг дўппайиб турганини пайқади-да, у бадани-га текканда бутун вужудини ловиллатган ҳароратнинг қаердан чиққанлигини дарров тушунди.

Ие, қиз боламидинг?— деди у секингина, ғоят ажабланиб.

Қиз қизармай, қувноқлик билан жавоб берди:

— Бўлмаса-чи!.. Дарров била қолмадинг-а, роса гўл экансан да!

www.ziyouz.com kutubxonasi

IV

Кончилардан тўрт киши бирин-кетин жойлашиб, кўмир қазиладиган жойни тепасигача эгалладилар. Уларни бир-биридан ажратиб турадиган нарса илгакли тахта бўлиб, ушатиб олинган кўмир унга қуйиларди; ҳар бир ишчи узунасига тахминан тўрт метрча жойни эгаллаганди. Кўмир қатлами жуда юпқа бўлиб, мана шу жойда зўрға эллик сантиметрга етарди; кончилар тиззалари, тирсаклари билан силжишар, равоқ ва девор орасига қапишиб, ҳар бир бурилишда елкаларини қаттиқ уриб олардилар. Улар шахтада ишларканлар, ёнбошлаб ётиб бўйниларини чўзишар, қўлларини кўтариб, чўкични ишга солар эдилар.

Захария пастда эди; унинг тепасида Левак билан Шаваль жойлашганди, ва ниҳоят, энг тепада Маэ ишларди. Улар чўкич билан шифер қатламидан марза қилишар, кейин кўмир қатламини икки еридан тик кесишарди-да, юқори қисмини темир курак билан кўчириб олардилар. Кўмир ёғли эди, тоғ жинси уваланиб кетиб, ишчининг қорни ва оёқларига тўкиларди. Бу бўлаклар тахта тутилгани учун уларнинг оёқлари остида уйилиб, кончи худди тор кавакка тиқиб қўйилгандек кўринмай қоларди.

Ҳаммадан ҳам Маэга қийин эди. Тепада ҳарорат ўттиз беш даражага етарди, ҳаво кирмасди, димликка чидаб бўлмасди. Иш жойини ёритиб турсин учун у лампочкасини боши тепасига осиб қўйганди; бу чироқ бошини шу қадар қиздирардики, бор қонни ёндирувчи лавадек аъзойи баданида югурар эди. Лекин намлик ёмон азоб берарди. Худди Маэнинг тепасидан, юзидан бир неча сантиметр нарида ер ости суви сизиб чиқиб, йирик-йирик томчилар қандайдир бир маромда бир жойга тушарди. Бўйнини буриш ҳам, бошини орқага ташлаш ҳам фойда бермасди: сув тинимсиз томиб, юзини юварди. Чорак соатдан кейин у тер ва сувдан шалаббо бўлиб кетди; кийимларидан худди кир ювилаётганда чиқадигандек буғ кўтарилар эди. Ўша тонг палласида чолнинг кўзига бир томчи сув тушгач, у ҳатто сўкиниб ҳам қўйди. Маэ ишни ташлагиси келмай, чўкични шу қадар зарб билан урардики, аъзойи бадани дағ-дағ титрарди. Икки кўмир қатлами орасида ётган Маэ қалин китоб орасига тушиб қолиб, гўё ҳозир эзилиб кетадиган ўсимлик битига ўхшарди.

Ҳеч ким чурқ этмасди. Ҳамма ишларди; атрофда худди узоқдан келаётгандек бетартиб, бўғиқ гурсиллаган овозлар эшитиларди. Товушлар қилт этмай қолган ҳавода акс садо бермай аниқ янграрди. Қоронғилик учиб юрувчи кўмир чанги ва газдан яна ҳам қуюқлашиб, кўзни толдирарди. Сим тўр билан қопланган лампочкалар хирагина қизғиш нур сочарди. Ҳеч нарсани ажратиб бўлмасди; юқорига қараб кетган штольня ясси ва қийшиқ бўлиб, бир неча йилдан бери қалин қурум босган кенг печка трубасига ўхшаб кўриниб турарди. Қоп-қоронғи труба ичида аллақандай гавдалар куйманишарди. Заиф, милтиллаган нур қоронғиликда гоҳ сўлқилдоқ сонга, гоҳ чайир қўлга, гоҳ гўё талонга бораётган ёвуз махлуқники сингари таниб бўлмас даражада суркалиб кетган, ғазабнок башарага тушарди. Баъзан қоронғиликда қўққисдан ёритилган катта кўмир бўлаклари, тахта тўсиқлари, худди кристалл қирраларидек ялтираган кўмирлар кўриниб қоларди. Яна ҳаммаёқни зулмат босарди; фақат чўкичларнинг тўқир-тўқири, шахтёрларнинг чидаб бўлмайдиган димлик ва ер ости сувларидан қийналиб, оғир-оғир нафас олишаётгани-ю, жаврашлари эшитиларди холос.

Якшанбадаги ичкиликбозликдан сўнг латтадай бўшашиб қолган Захария тезда тиргаклар қўйишни баҳона қилиб, ишни тўхтатди; бу эса унга ором олиш имконини берди; у паришонхотирлик билан қоронғиликка тикилганча оҳиста ҳуштак чалиб ўтирди. Кончилар орқасида уч метрча бўм-бўш жой қолганди; шунга қарамай иш вақтини қизғанган ишчилар хавфхатарни унутиб, кавланган жойни мустаҳкамкамлашни ўйламаган эдилар.

— Ҳой, олифта!— қичқирди ёшгина йигит Этьенга.— Қани, тиргакларни бу ёққа келтир!

Белкурак билан ишлашни Катринадан ўрганиб олган Этьен кечадан қолган тахталарни элтиб бера бошлади. Тахталар ҳар бир кўмир қатламининг қалинлигига мослаб кесилган бўлиб, уларни бу ёққа одатда эрталаб туширишарди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Тезроқ қимирласанг-чи, ҳе жин ургур, дангаса!— деб қичқирди Захария, янги юккашинг кўмир уюмлари орасидан тўртта чорқирра эманни кўтариб шалвиллаб келаётганини кўриб.

Кончи чўкич билан равоқ ва деворни ўйди, кейин улкан тошни ушлаб турадиган чорқирра тиргакларни икки томондан қўйиб қўйди. Тушликдан кейин ремонтчи ишчилар йўлакларни тозалаб, қазиб олинган қатлам ўрнини ёғочлар билан тўлдириб, арава ғилдиратиш учун юқориги ва пастки йўлакларнигина қолдириб кетишарди.

Маэ вайсашдан тўхтади. У ниҳоят улкан бир тош-кўмирни кўчириб олди. У қуйиб келаётган терини енги билан артди-да, орқасидаги Захария нима қилаётганини билиш учун қайрилиб қаради.

— Қўй,— деди у. — Нонуштадан кейин қараб қўямиз. Ишнинг пайидан бўлайлик, бўлмаса, мўлжалдаги вагонеткаларни тўлдира олмай қоламиз.

— Гап шундаки,— ғўлдиради йигит,— бу ер чўкаётганга ўхшайди. Қара, ёрилибди ҳам. Босиб тушмасайди деб қўрқаман.

Аммо отаси елкасини қисиб қўя қолди. Арзимас иш-ку! Босиб қолмайди! Қолаверса, улар бунақа ҳодисани биринчи марта кўришлари эмас-ку, бир иложи қилинар. Ниҳоят, жаҳли чиқиб кетди-да, ўғлини штольнянинг ичкарисига юборди. Лекин бошқалар ҳам ишни тўхтатишган эди. Чалқанчасига ётган Левак тош тушиб, қонатиб юборган чап қўлининг бармоғига қараб сўкинарди. Шаваль шамол тегсин деб, жон-жаҳди билан кўйлагини ечди-да, белигача яланғоч бўлиб олди. Ҳаммалари кўмир чангидан қоп-қора бўлиб кетишганди; кўмир гарди тер билан қоришиб, юзларидан қорайиб сизиб оқарди. Биринчи бўлиб ишга Маэ киришди. Унинг боши қазилаётган тоғ жинслари билан баробар бўлиб қолганди: сув пешонасига чакиллаб томиб, ахири бошини тешадигандек туюларди.

— Уларга эътибор қилиш керак эмас,— деди Катрина Этьенга.— Улар доим ғижиллашгани-ғижиллашган.

Қиз яна илтифот билан ўргатишга киришди. Тепада пайдо бўладиган ҳар бир вагонетка махсус жетон билан белгиланган бўлиб қабул қилувчи шунга қараб

уни артель ҳисобига ёзиб қўярди; шунинг учун ҳам ҳар бир вагонеткани синчиклаб тоза кўмир билан тўлдириш керак, акс ҳолда вагонеткаларни қабул қилмасликлари мумкин.

Қоронғиликка кўзлари ўрганиб бораётган йигит қизнинг оппоқ, қонсиз юзларига тикилди, Этьен унинг ёшини аниқлай олмай гаранг эди; кўринишидан ўн икки ёшда дейиш мумкин,— қиз шу қадар нимжон эди. Шунга қарамай, анча ёшга бориб қолгандек туюлар, ўзини эркаклардек тутар, содда, шарттаки эди; бу эса Этьенни бир оз хижолатга соларди. Унинг болаларникига ўхшаш боши, чепчиги чаккаларига тушиб турган рангсиз бир бурда юзи Этьенга ёқмади. Лекин бу қизнинг кучлилиги, тиришқоқлиги ва чапдастлиги Этьенни ҳайратда қолдирар эди. Қиз унга қараганда курагини бир маромда енгил ишлатиб, вагонеткани тезроқ тўлдирарди; кейин запти билан бир итарарди-ю, аравани қияликкача текис ғилдиратиб борарди, ҳеч қаерга урмасдан пастак равоқлар остидан осонгина ўтарди. Этьен эса, ҳар қадамда қоқилар, вагонеткаси рельсдан чиқиб кетавериб, роса хуноб бўлар эди.

Сирасини айтганда, йўл ноқулай эди. Ўнгирдан қияликкача олтмиш метрча бўлиб, ишчилар ҳали уни кенгайтиришга улгуришмаганди, йўл худди хандақка ўхшаб, равоқлари нотекис, у ер-бу ери дўнглик эди. Юк ортилган вагонетка баъзи жойлардан зўрға ўтар, шунда юккаш бошини уриб олмаслик учун чўккалаб юришга мажбур бўларди. Бунинг устига тиргаклар эгилиб, баъзилари ёрилиб кетган эди. Улар ўртасидан ёрилган бўлиб, баъзи жойда синиқ қўлтиқтаёқдек қўқ қайиб турарди. Бирон ерини тимдалаб кетмаслиги учун ниҳоятда эҳтиёт бўлиб ўтиш керак эди; ўз оғирлиги билан йўғон эман ёғочларини парча-парча қилиб юбориши мумкин бўлган чўккан жинслар остида одамлар доимо ажалим етмаганмикан, дея юракларини ҳовучлаб эмаклаб борардилар.

— Яна!— кулиб деди Катрина.

Этьеннинг вагонеткаси энг қийин жойда издан чиқиб кетди. У нам ерга ботиб кетган рельсдан сира тўғри ғилдиратиб бора олмасди; хуноби ошиб сўкинар, бор кучини сарфлаб, ғилдиракни изга қўяман, деб беҳуда уриниб ҳалак бўлар эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Э, тўхтаб тур,— гапида давом этди қиз.— Хуноб бўлаверсанг, ҳеч нарса қила олмайсан-да.

У лип этиб вагонетка тагига кирди-да, бир зўр бериб, аравани кўтарганча изга қўйди; вагонетка етти юз килограмм эди. Қойил қолган ва уялиб кетган Этьен бир нималар деб кечирим сўради.

Катрина унга йўлакнинг икки томонидаги тирговучларга оёқни қандай тираш кераклигини кўрсатди. Гавда олдинга эгилган, қўл шундай чўзилган бўлиши керакки, вагонеткани қўл ва оёқлар қувватини йиғиб итариш мумкин бўлсин. Ана шундай боришларнинг бирида Этьен унинг кетидан юриб, қизнинг бутун гавдасини букиб, қўлларини паст тушириб кетаётганини кўрди, шу туришида қиз худди циркларда ўйнайдиган митти одамлардек эмаклаб юрганга ўхшарди. Қизнинг юзларидан тер қуйиб, ҳансирар, бўғинлари қирсиллар, лекин у асло зорланмай ишлар, гўё эмаклаб юриб ҳаёт кечириш — биз бахти қароларнинг қисмати, дегандек парво қилмас эди. Этьен эса ишни уддалай олмасди. Бошмоқлари қисар, бошини эгиб, букчайиб юришга мажбур бўлганидан аъзойи бадани зирқирар эди. Бир неча минутдан кейин бу аҳвол чинакам азобга, чидаб бўлмас қийноққа айланди; шунда у бир лаҳза бўлса ҳам ором олгани, белининг чигалини ёзгани тиз чўкиб ўтирди.

Ёнлама штольняда Этьенни янги иш кутарди: Катрина вагонеткаларни бир-бирига қандай улашни ўргата бошлади. Қияламикнинг пастида ҳам, юқорисида ҳам штольнядаги ҳамма қатламларга хизмат қилувчи биттадан ёрдамчи ишчи турарди,— биттаси вагонеткани тепадан туширар, иккинчиси уни пастдан кутиб олар эди. Бу ўн икки ва ўн беш ёшли жулдирвоқи ўспиринларнинг оғзидан боди кириб, шоди чиқарди; уларни огоҳлантириш учун батарроқ сўкиниб, бақириш керак эди. Пастда бўш вагонетка пайдо бўлиши биланоқ қабул қилувчи дарҳол сигнал берар, юккаш аёл тўла вагонеткани иларди, қабул қилувчи дастакни босарди, шундан кейин тўла вагонетка ўз оғирлиги билан бошқасини — бўшини юқорига кўтариб, ўзи пастга тушар эди. Пастки йўлакларда юк ортилган вагонеткалар поезд бўлиб кетарди; уларни отлар кўтарма машина ёнига тортиб келишарди.

— Эй, шайтонлар!— қичқирди Катрина тўсинлар билан мустаҳкамланган узунлиги юз метрча келадиган йўлакни бошига кўтариб, унинг ҳар бир сўзи гўё улкан карнайда айтилаётгандек қаттиқ-қаттиқ эшитиларди.

Афтидан, ёрдамчи ишчилар дам олишаётган бўлса керак — ҳеч ким жавоб бермади. Ҳамма қатламларда юк ташиш тўхтаган. Ёш боланинг ингичка овози эшитилди:

— Ростини айтсам, ҳаммаси Мукетта билан ўйнашяпти.

Ҳаммаёқдан гулдурос қаҳқаҳа эшитилди, бутун шахтадаги юккаш аёллар биқинларини ушлаб, қотиб-қотиб кулишарди.

— Ким у? — сўради Этьен Катринадан.

Катрина бу Лидия, ҳар балони кўрган қиз, деб жавоб берди; қўллари қўғирчоқникидек нозик бўлса ҳам вагонеткаларни ғилдиратишда катта хотинлардан қолишмайди. Мукетта бўлса, бир йўла бир неча йигит билан юриши мумкин.

Мана, қабул қилувчининг овози яна янгради; у вагонеткани илиб юборинглар, дея қичқирди. Пастдан штейгер ўтганга ўхшайди. Тўққиз қатламнинг ҳаммасида иш қизиб кетди: фақат ёрдамчи ишчиларнинг бир хилдаги жавоблари-ю, юккаш аёлларнинг пишиллашлари эшитилади холос; ниҳоятда оғир ишдан тинкалари қуриган бу аёллар бияларга ўхшаб кўпикка ботиб, йўлакка етиб келишди. Уларнинг шу туриш-турмушида ҳайвоний бир нима бор эди; эркакча шимда сонлари тирсиллаб, орқалари семиз отнинг сағрисидай дўппайиб, эмаклаб ишлаётган қизларни кўрган шахтёрларнинг дафъатан эркакликлари қўзиб кетар эди.

Этьен ҳар қайтганида ўнгирнинг дим ҳавосидан лоҳас бўларди, чўкичларнинг тинимсиз бўғиқ тўқ-тўқини, ишдан силласи қуриган кончиларнинг чуқур ва оғир ҳансирашларини эшитарди. Тўртови ҳам ечинишиб олган, қоп-қора лойга айланган кўмирга бошидан-товонигача буланган эди. Юк босиб қолган Маэни бир марта қутқариб олишди; тахтани кўтариб, кўмирни тушириб юборишди. Захария билан Левак тобора қаттиқлашиб, ишни кундан-кунга оғирлаштириб юбораётган кўмир қатламини сўкишарди. Шаваль бўл-

www.ziyouz.com kutubxonasi

са баъзан қайрилиб қарар, чалқанча ётиб олиб, Этьенни сўкиб кетарди, уни кўрди дегунча жини қўзирди.

— Сувилоннинг ўзи!.. Оддий бир қизчалик ҳам кучи йўқ!.. Вагонеткамни шундоқ тўлдириб юбораверамаи, деяпсанми? А? Сен қўлингни аяяпсан... Менинг гапим эсингда турсин! Агар сенинг шарофатинг билан бирорта вагонетка қабул қилинмай қолгундай бўлса, сендан ўн суни чегириб оламан!

Йигит бир оғиз ҳам жавоб қайтармас, жилла қурмаса мана шу оғир ишни топганидан суюниб юккаш билан кекса ишчининг қўпол сўкишларига тишини тишига қўйиб чидарди. Лекин энди қимирлашга унинг ҳоли йўқ эди: оёқлари шилиниб, қонаб кетган, аъзойи бадани дағ-дағ титрар, гавдасини аллақандай темир камар қисаётгандек эди. Унинг бахтига соат ўн бўлиб кончилар овқатланишга қарор қилиб қолишди.

Маэнинг соати бўлса ҳам унга қарамас эди. У зимзиё қоронғиликда ҳеч қачон, ҳатто беш минутга ҳам янглишмасди: ҳамма кўйлак билан блузкаларини кийиб олди. Улар штольнядан тушиб, тирсакларини тиззаларига тираб, тагларига тош ёки хода қўймасдан шахтёрчасига чўнқайиб ўтиришди. Кейин ҳар бири ўзича катта бурда нондан секин тишлаб, попушта қила бошлади; аҳён-аҳёнда кўмир қазувчилар бир-икки оғиз сўз ташлаб, эрталабки иш ҳақида гаплашиб қўйишарди. Катрина тик турганича кавшанарди; бирпасдан кейин нарироқда, рельслар орасидаги тиргакка суяниб ётган Этьеннинг олдига келди. Бу ер деярли қуруқ эди.

— Сен ҳеч нима емаяпсанми?— сўради қиз оғзи тўлалигидан зўрға гапириб, унинг қўлида бир бурда нон бор эди.

Бирдан унинг эсига Этьеннинг тун бўйи бир тийинсиз ва балки бир бурда нонсиз юриб келганлиги тушиб кетди.

— Хоҳласанг, борини баҳам кўрамиз?

Этьен очликдан товуши титраб ҳеч нима егим келмаяпти, дея уни ишонтиришга уринди. Шунда Катрина қувноқлик билан деди:

— Э, агар ҳазар қилаётган бўлсанг... Шошмай тур! Мен фақат бир томонидан тишладим, сенга бўлса, бу ёғидан ушатиб бераман.

У нонни ўртасидан бўлди. Йигит ўз улушини олди, лекин ҳаммасини оғзига тиқиб, бирданига ютиб қўйишдан ўзини зўр-базўр тийди; у қалтираётганимни қиз билиб қолмасин, дея қўлини ёнига қилиб турарди. Катрина яхши ўртоқдек хотиржамлик билан қорнини ерга қилиб, йигитнинг ёнига чўзилди-да, бир қўлини иягига тиради, иккинчи қўлида эса бутерброд бўлиб, дам-бадам тишлаб ерди. Ораларидаги лампочка уларни ёритиб турарди.

Катрина индамай Этьенга разм солди. Афтидан, унга йигитнинг қора мўйловли нафис, нозик юзи ёқар эди.

Қиз жилмайиб қўйди.

— Шундай қилиб, механикман, дегин, темир йўлдан ҳайдаб юборишибди-да. Нима учун?

— Бошлиқнинг юзига тарсаки тортиб юборганим учун.

Бундай жавобдан Катрина ҳанг-манг бўлиб қолди: у итоат этишни ва сўзсиз қулоқ солишни мерос қилиб олган эди.

— Очиғини айтсам, мен ўшанда маст эдим,— давом этди Этьен,— кўп ичганимда эса қутуриб, ўзимни ҳам, бошқаларни ҳам еб қўйсам дейман... Ҳа, икки рюмка ичсам, бас, одамни ғажигим келаверади... Кейин икки кунгача касал бўлиб юраман.

— Ичиш керак эмас,— деди қиз жиддий.

— Хотиржам бўл, мен энди ўзимни биламан!

Этьен бошини чайқаб қўйди. У ароқни ўлгудек ёмон кўрар эди, аъзойи бадани ичимлик билан оғуланган бутун бир алкашлар авлодининг ёш вакили қалбида қайнаган нафрат бор эди унда; ҳар бир томчи ароқ унинг учун заҳарга айланарди.

— Фақат ойимни ўйлаб, кўчага ҳайдалганимга ачинаман-да,— деди у оғзидаги нонни ютиб.— Онамнинг тирикчилиги оғир, мен нима бўлса ҳам аҳён-аҳёнда оз-моз пул юбориб турардим.

— Ойинг қаерда туради?

— Парижда... Гут-д Ор кўчасида. Кир ювади.

Орага сукунат чўкди. Этьен онасини эслаб, шундай фалокатга йўлиқишга ўзим сабабчи бўлдим-а, энди ҳолим нима кечаркин, деб ўйлаган сари уни ғамғусса босарди-ю, қора кўзлари ёшга тўларди. У бир лаҳза кўзларини, қоронғи штольня қаърига тикди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мана энди шу ерда, мана шу чоҳ тубида, ер оғирлигини солиб турган шу дим жойда унинг кўзи олдидан ёшликда кўрганлари ўта бошлади: отаси ташлаб кетган онаси ёш, чиройли эди, онаси бошқа эрга теккандан кейин отаси яна онаси олдига қайтиб келганди; икки эркак орасидаги турмуш онасини абгор қилди; бечора она улар билан ичишавериб, тобора расволик ботқоғига ботиб борарди. Этьен ўзлари яшайдиган кўчани ва ҳамма тафсилотларни: кирхонадаги ифлос кийимлар, сурункали мастлик, ёноқ суякларини қарсиллатувчи шапалоқларни эслади.

— Энди,— деди у оҳиста,— ўттиз судан орттириб, қандай ҳам ёрдам қилардим. Оч қолиб, ўлиб кетса керак.

У умидсизликка тушиб, елкасини қисиб қўйди-да, яна нонидан тишлади.

— Ичасанми?— сўради Катрина фляганинг қопқоғини очар экан.— Бунда кофе бор, сенга зиён қилмайди. Қуруқ нонинг ўзини есанг, томоғинг қақраб қолади.

Лекин Этьен кўнмади; нонинг ярмини олганим ҳам бўлар, деб ўйлади. Катрина қистайверди ва ниҳоят одатдаги қувноқлиги билан деди:

— Яхши, шунчалик сертакаллуф бўлсанг, майли аввал ўзим ичаман... Аммо энди қўлимни қайтаролмайсан, агар қайтарсанг, ношукурлик бўлади.

Кейин Катрина чўккалаб туриб, унга флягани узатди. Шунда Этьен икки лампочка ёритиб турган бу қизни жуда ҳам яқиндан кўрди. Нима учун илгари уни хунук деб ўйлаган экан? Энди бутун юзини қора кўмир гарди қоплаган пайтда қиз унинг кўзига айниқса жозибадор бўлиб кўринди. Гўштдор лаблари ним очиқ; оппоқ тишлари чўзинчоқроқ қора юзини бўрттириб, ярақлаб турарди; йирик кўзлари мушуқники сингари кўкиш ёнарди, чепчигидан чиқиб турган бир тутам малла сочи қулоқларини қитиқларди шекилли, қиз қиқирлаб куларди. Энди у сира ёш қизчага ўхшамас, бемалол ўн тўрт ёшда дейиш мумкин эди.

— Шу билан кўнглинг тўладиган бўлса майли,— деди у бир-икки ҳўплаб, флягани Катринага қайтариб бераркан.

Қиз бир ҳўплади-да, уни ҳам шундай қилишга

мажбур этди, иккимизга ҳам баб-баравар тегсин, деди; фляганинг мўъжазгина оғзи лабдан лабга бориб келиши уларни қизиқтириб қолди. Бирдан унинг миясига қизни бағрига тортиб, ўпиб олиш фикри келди. Қизнинг кўмирдан қорайган қонсиз-қизғиш дўрдоқ лаблари йигитни гижгижларди. Лекин у ҳайиқиб, журъат қилолмади. Этьен Лиллда фоҳишалар билан, бунинг устига энг расво аёллар билан муносабатда бўлган эди, шу боисдан ишчи билан, бунинг устига ота-она бағридан чиқмаган қиз билан қандай муносабатда бўлишни билмасди.

— Ўн тўртларда бўлсанг керак-а?— сўради Этьен яна нондан тишларкан.

Қиз хафа бўлишига оз қолди. Йигитнинг бу гапи қизни ажаблантирди.

— Нега ўн тўрт бўларкан энди! Ўн бешга тўлдим!.. Тўғри, бўйим паст, биз томоннинг қизлари ўзи шунақа, жуда секин ўсишади.

Йигит сўрайверди, қиз бўлса, мақтанчоқлик ва андишанинг юзига бормай айтиб бераверди. Афтидан, қиз эркаклар билан хотинлар ўртасидаги алоқалардан яхши хабардор бўлса керак, лекин айни чоқда Этьен қизнинг бокиралигини, у ҳали маъсума бўлиб, носоғлом шароитда яшаётгани учун ўсмай қолганини сезди. Этьен Катринани уялтириш мақсадида яна Мукетта ҳақида гап очган эди, қиз унга оҳиста, очилибсочилиб жуда ҳам антиқа воқеаларни гапириб берди. Ҳа! Мукетта бунақа ишларга устаси фаранг! Йигит ундан ўзингнинг ҳам маъшуқанг бордир, деб сўраганида эса, Катрина ҳазил қилиб, ойимларни хафа қилгим келмайди, лекин бир кун эмас бир кун бу савдо менинг ҳам бошимга албатта тушади, дея жавоб берди. У тердан ҳўл бўлган кўйлаги этини жунжитганидан букчайиб олди ва шароитга, одамларга бўйсинишга тайёрман дегандек итоаткорона, мулойим нигоҳ ташлади.

— Ҳамма билан бирга турганингдан кейин ўзингга маъшуқ топиб олиш осон, а, шундай эмасми?

— Албатта.

— Қолаверса, буни ҳеч кимга зиёни ҳам тегмайди. Бу ҳақда руҳонийга ҳам гапириб ўтирмайсан.

— Руҳонийга бало борми, тупурдим мен унга!.. Лекин бу ерда ўзимизнинг Қоравойимиз бор.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Қоравойинг ким бўлди яна?

— Битта кекса шахтёр-да, у шахтага келади-да, адашган қизларнинг адабини беради.

Этьен мени мазах қиляпсанми, дегандек қизга қаради.

— Сен ҳам шунақа бемаъни гапларга ишонаверасанми? Демак, сен ҳали ҳеч нимани билмас экансан-ку!

— Нега энди, мен ўқишни ҳам, ёзишни ҳам биламан. Бу бизга фойдали; лекин дадам билан ойимларни ёшликларида ўқитишмаган.

Очиғини айтганда, қиз жуда дилбар эди. Этьен қиз бутербродини еб бўлиши биланоқ уни қучоқлаб, қип-қизил, қалин лабларидан ўпиб олишга жазм этди. Лекин у ҳайиқди, зўрлик қилиш ҳақидаги фикр унинг томоғини бўғарди. Бу бокира қиз устидаги эркакча костюм, куртка ва чолвор Этьеннинг ҳисларини қўзғар ва хижолат қилар эди. У охирги тишламни ютди. Флягадаги кофедан ҳўплади-да, уни ичиб қўй дегандек қилиб, қизга узатди. Энди ҳал қилувчи лаҳза келди; Этьен ўтирган кўмир қазувчиларга хавотирланиб, кўз қирини ташлаб чиқаётган ҳам эдики, қўққисдан чоҳ ичида аллакимнинг қораси кўринди-да, йўлакни тўсиб қўйди.

Шаваль бир неча минутдан бери уларни кузатаётган эди. У яқинлашиб келди-да, Маэ кўрмаётганига ишонч ҳосил қилгач, ерда ўтирган Катрина олдига борди, қизнинг елкасидан тутиб, бошини орқасига энгаштирди-да, қўполлик билан ўпиб, қизнинг оғзини ёпди. Шаваль ўзини гўё Этьенни пайқамаганликка солиб, бу ишни жуда бамайлихотир қилди. Унинг бўса олишида хусусий мулк эгасининг туйғуси, рашкдан туғёнга келган қатъият бор эди. Қиз ғазабланди.

— Қўйвор мени, қўйвор, деяпман!

Шаваль қизнинг бошини ушлаб тураркан, унинг кўзларига тикилди. Сариқ мурти билан даккам-дуккам соқоли унинг танқайган катта бурни қўнқайиб турган қора юзида сузиб юргандек туюлди. Ниҳоят, у қизни қўйиб юборди-да, индамай нари кетди.

Этьеннинг аъзойи бадани жимирлаб кетди. Нимани-дир кутиб жуда аҳмоқлик қилди-да. Турган гапки, у энди қизни ўпмайди: Катрина яна Шаваль сени жи-

ғингга тегиш учун мени ўпди, деб юрмасин тағин. Иззат-нафси оғриган Этьен аламига чидолмай тўлғанарди.

— Нега ёлғон гапирдинг?— сўради Этьен оҳиста,— ошиғинг шуми?

— Йўғ-е, худо урсин!— деди қиз хитоб қилиб.— Орамизда ҳеч қандай гап йўқ. Бир кулги бўлсин деб шундай қилди-да... У ҳатто ўзи бу ерлик ҳам эмас, Па-де-Каледан келганига ярим йилча бўлди холос.

Яна ишга киришиш керак эди; иккови ҳам ўрнидан турди. Катрина унинг тумтайганини кўриб, хафа бўлгандай бўлди. Қиз, шубҳасиз, Этьенни Шавалдан чиройлироқ, деб билар, балки ундан афзал ҳам кўрар эди. Эркаловчи бирор сўз айтиб, уни овутиш иштиёқи Катринага тинчлик бермасди; у йигитнинг кенг оқиш нарса ичида кўкиш ёнаётган лампочкасига тажжубланиб қараб турганини кўриб лоақал унинг кўнглини кўтариб қўймоқчи бўлди.

— Юр, мен сенга бир нарса кўрсатаман,— дўстона оҳангда деди қиз.

Қиз йигитни ўнгирнинг энг ичкари жойига олиб борди-да, унга кўмир қатламидаги ёриқни кўрсатди. У ерда нимадир тақилларди, қушларнинг чуғур-чуғурига ўхшаган заиф товуш эшитилиб турарди.

— Қўлингни тут, шабадани сезяпсанми?.. Бу — кон гази.

Этьен ҳанг-манг бўлиб қолди. Э, ҳамма нарсани қўпориб, кўкка совурадиган даҳшатли нарса бу ёқда экан-да! Қиз бу сафар газнинг кўплигини, лампочкаларнинг мовий рангда ёниши ҳам шунданлигини кулиб-кулиб гапириб берди.

— Жим бўласанларми-йўқми, ишёқмаслар!— ўшқирди Маэ.

Катрина билан Этьен шоша-пиша вагонеткаларини тўлдириб, энгашганларича штольнянинг қинғир-қийшиқ устунлари орасидан эмаклаб, араваларни қиялик томонга итариб кетишди. Икки марта бориб-келганларидан кейин улар қора терга ботиб, яна суяклари қирсиллай бошлади.

Шахтада кончилар ишни бошлаб юборишди. Улар шамоллаб қолмаслик учун кўпинча нонуштани чўзиб ўтиришмасди; қуёш нури тушмайдиган жойда ейилган бутербродлар ошқозонга тошдек ботарди. Енбошлаб

www.ziyouz.com kutubxonasi

олган ишчилар иложи борича вагонеткалардан кўпроқ тўлдириш иштиёқида ёниб, тобора шиддат билан кўмир қатламларини кесардилар. Шундай оғир меҳнат туфайли кўпроқ пул топиш иштиёқи қаршисида бошқа ҳамма нарса уч пул эди. Кўмир қазувчилар қўл-оёқларини шиширириб юборадиган сув оқиб тушаётганини ҳам пайқамас, ноқулай ҳолатда туриб ишлашдан баданлари уюшиб қолаётганини, дим қоронгиликдан ер остидаги ўсимлик каби сўлиб бораётганликларини ҳам сезишмас эдилар. Лекин вақт ўтган сари ҳаво лампочкаларнинг исидан, баданлардан чиқаётган буғдан, газдан кўпроқ заҳарланиб борарди, худди ўргимчак уясидек кўзни тўсарди,— бу ҳавони фақат кечаси вентиляторгина тозалай оларди. Кўмирчилар эса торгина инларида ётиб олганларича, ер оғирлиги остида эзилиб, ичлари ёниб-куйиб, ҳамон қазиганлари-қазиган эди.

V

Маэ соатини блузасининг чўнтагида қолдириб келгани учун тусмоллаб деди:

— Соат бир бўлиб қолди... Бўлдингми, Захария?

Йигит тиргакларни маҳкамлашга ҳозиргина киришган эди. Ишнинг энг қизғин пайтида у чалқанча ётганича у ёқ-бу ёққа қараб, кеча қандай соққа ўйнаганини эслаётган эди. У ҳушёр тортиб жавоб берди.

— Ҳа, бугунга етар, эртага яна кўрамиз.

Кейин у ўзининг ўнгирдаги жойига қайтди. Левак билан Шаваль ҳам чўкичларини ташлашди. Танаффус бошланди. Ҳаммалари яланг қўллари билан юзларини сидириб артишди-да, қатлам-қатлам бўлиб осилиб турган тошкўмир қоясига қарашди. Ҳамма фақат ўз ишини гапирарди.

— Бахтимизни қара-я,— деди Шаваль,— нақ қулаб тушай деб турган қатламга дуч келибмиз-а!.. Пудратга олаётганимизда буни ҳисобга олмабмиз ҳам.

— Муттаҳамлар!— вайсади Левак.— Доим бизга фириб беришни ўйлашади.

Захария кулиб юборди. У на ишни ва на бошқа нарсани ўйларди, аммо Ширкатни сўка бошлашса, ҳамиша ҳузур қиларди. Маэ тоғ жинсларининг сифати ҳар йигирма метрда ўзгариб туришини бамайлихотирлик билан тушунтирди. Одилона айтиш керакки, олдиндан ҳеч нарсани кўриш мумкин эмас. Лекин анави иккови бошлиқларни сўкаётганлигидан хавотирланиб, у ёқ-бу ёққа қараб олди-да, деди:

— Секин, ҳей! Бўлди!

— Тўғри айтасан,— деди Левак ҳам овозини пасайтириб,— бу хавфли.

Гўё акционерларга қарайдиган бу кўмир қатламларининг ҳам қулоғи бордек, улар шу ерда, шу чоҳ тубида ҳам чақимчилардан безиллашарди.

— Нима бўлса, бўлсин,— деди баланд овозда Шаваль хезланиб,— агар шу чўчқа Дансарт яна менга анави сафардагидек муомала қилгундай бўлса, қорнига ғишт билан тушираман... Ахир мен у топган пулини нозикбадан хонимчаларга сарфлашига халақит бермаяпман-ку?!

Бу сафар ҳам Захария ичаги узилгундек бўлиб кулди. Бутун шахта бош назоратчи билан Пьерроннинг хотини орасидаги ишқий ҳангомаларни гап-сўз қилиб юрар эди. Ҳатто штольня тубида белкурагига суяниб турган Катрина ҳам кулавериб, биқинини ушлаб қолганди; у Этьенга гап нимадалигини икки оғиз сўз билан тушунтирди. Бу гаплардан қўрқиб кетган Маэ дарғазаб бўлиб қичқирди:

— Ўчир овозингни!.. Шошмай тур, ҳали қўлимга тушиб қоларсан!

У гапини тугатмасиданоқ юқориги штольнядан қадам товуши эшитилди. Шу ондаёқ конларнинг мудири инженер Негрель,— уни ишчилар ўзаро кичкинтой Негрель дейишарди,— бош штейгер Дансарт билан бирга келиб қолди.

— Мен нима дедим сенларга?— пичирлади Маэ.— Худди ер остидан лоп этиб чиққандек пайдо бўлишади-я!

Поль Негрель жаноб Энбонинг жияни бўлиб, йигирма олти ёшларда, ориқдан келган, жингала соч, қора мўйловли, чиройликкина йигит эди. Қирра бурни билан ўйноқи кўзлари уни сассиқкузанга ўхшатса, мулойимлиги ва бир оз шубҳачилиги эса ишчилар билан гаплашганида уни қатъий ва такаббур қилиб кўрсатарди. У ҳам ишчиларга ўхшаб кийинган, ўшалар сингари кўмирга беланган эди. Одамлар орасида ҳурмат қозониш учун Негрель ҳайратомуз жасорат кўр-

www.ziyouz.com kutubxonasi

сатишга ҳаракат қилар — энг хавфли жойларга борар, шахтанинг босиб қолиши-ю, кон газининг портлашидан тап тортмас эди.

— Шу ерда, а, тўғрими, Дансарт?— деб сўради у.

Юзи лўппи, бурни гўштдор, белгиялик катта штейгер сезгир одам бўлиб, ўта хушомадгўйлик билан жавоб берди:

— Ҳа, жаноби Негрель... Ҳув ана, бугун эрталаб ишга олган одамимиз.

Иккови штольня ўртасига тушди. Этьенга яқинроқ келишни буюришди. Инженер ўзининг лампочкасини кўтариб, унинг юзига тикилди, аммо ҳеч нима сўрамади.

— Яхши,— деди у ниҳоят.— Кўчада юрган нотаниш кишиларни ишга олишса, жоним халқумимга келади... Марҳамат қилиб, бундан кейин бунақа иш бўлмасин.

Негрель ишнинг характери, юккаш аёлларни эркаклар билан алмаштириш зарурияти ҳақидаги гапларга қулоқ ҳам солмади. Кончилар яна чўкичларига ёпишишди, Негрель эса штольня равоғини кўздан кечира бошлади. Бирдан у қичқириб қолди:

— Э, Маэ, менга қаранг, нима, жонларингдан тўйганмисизлар, дейман? Ахир ҳаммаларинг шу ерда кўмилиб қоласизлар-ку, жин ургурлар!

— Ҳечқиси йўқ, босиб қолмайди,— хотиржам жавоб берди ишчи.

— Қанақасига босиб қолмайди? Қатлам чўкаяптику, сизлар эса тиргакларни икки метрдан ортиқ масофага қўяяпсизлар, ўшанда ҳам истар-истамас. Ҳаммангиз ҳам бир гўрсиз — мия пачоқ бўлса, бўлсин, аммо бир минутга ҳам қазишни тўхтатиб, равоқни мустаҳкамлайлик, демайсизлар. Дарҳол ҳаммаёғига тиргак қўйилсин! Тиргаклар икки ҳисса кўпайтирилсин, эшитяпсанларми?

Кўмир қазувчиларнинг, ҳаётимизга ўзимиз хўжайинмиз, дея қилган эътирозлари инженерни қутуртириб юборди.

— Шундайми ҳали! Бошларингдан айилгудек бўлсаларинг, оқибатига ҳам жавоб берасизларми? Албатта, йўқ! Бунинг учун Ширкат чув тушади, ўзларингни ёки хотинларингни боқиб ётади... Яна қайтараман,

мен сенларни яхши биламан: бир кунда ортиқча икки вагонетка кўмир қазийман, деб жонларингдан кечишдан ҳам тоймайсизлар.

Маэ ғазаби қайнаб кетишига қарамай, секин деди:

— Бизга етарли ҳақ тўлаганларида эди, биз ҳам тиргакларни яхшироқ қўядиган бўлармидик.

Инженер индамай елкасини қисди. У штольнянинг охиригача борди-да, пастдан қичқирди:

— Бир соат вақтларинг қолибди, ҳаммаларинг ишга тушинглар; огоҳлантириб қўяйки, артелларингиз уч франк жарима тўлайди.

Инженернинг бу сўзларига жавобан ишчилар ҳасрат-надомат билан тўнғиллаб қўйишди. Шахтёрларни фақат интизом — ҳаммани, ёрдамчи ишчидан тортиб, бош назоратчигача бир-бирига итоат этишга мажбур қиладиган ҳарбий интизомгина тутиб турарди. Шунга қарамай, Шаваль қаҳру ғазабини яшира олмади; Маэ ўқрайиб, уларни босишга ҳаракат қиларди, Захария бўлса, масхарабозлик билан елкасини учириб қўйди. Бу жаҳаннамга тушганидан бери унда пинҳоний ғазаб уйғонган эди. У итоатгўй, мункайиб турган Катринага қараб қўйди. Бу қандай бедодликки, мангу қоронғилик қўйнида жонингни жабборга бериб ишласангу ҳатто нонга етадиган чақа ҳам тополмасанг?

Бу орада Негрель нуқул бошини ирғитиб, маъқул ишорасини қилаётган Дансарт билан анча жойга бориб қолган эди. Кўп ўтмай яна уларнинг овози эшитилди; улар шахтёрлар ишлатаётган жойдан ўн метр пастда тўхташиб, тирговичларни кўздан кечира бошлашди.

— Айтяпман-ку сизга, оламни сув олиб кетса, тўпиғига чиқмайди буларнинг!— қичқирди инженер.— Ўзингиз ҳам жуда яхши-да, жин урсин сизни! Демак, ҳеч нимага қарамас экансиз-да, а?

— Нега энди, нега қарамас эканман,— ғўлдираб қолди бош штейгер,— доим қараб юраман. Битта гапни уларга минг марта айтишга тўғри келади.

Негрель қаттиқ бақирди:

— Маэ, Маэ!

Ҳамма пастга тушди. Инженер давом этди:

— Бу ёққа қаранглар. Шу тутиб турарканми?.. Қўл учида қилинган! Бу тиргович ҳеч нимага ярамай-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ди: шошмашошарлик билан қўйилгани кўриниб турибди. Ремонт бизга нега қимматга тушишини мана энди тушундим. Мендан кетгунча, эгасига етгунча қабилида иш тутасизлар! Кейин ҳаммаси қулаб тушади-ю, Ширкат бир гала ремонтчи ишчиларни сақлашга мажбур бўлади... Мана бу ёққа қаранглар! Ахир бу ўлимнинг нақ ўзи-ку!

Шаваль бир нима демоқчи эди, лекин Негрель унинг оғзига урди.

— Қўйинг, нима демоқчи бўлганингизни биламан. Сизларга кўпроқ пул тўлашсин, а, шундоқми? Хўп майли, фақат огоҳлантириб қўяйки, сизлар Правлениени тиргак қўйганликларинг учун алоҳида ҳақ тўлашга мажбур этсаларинг, у ҳам шунга мутаносиб равишда ҳар бир вагонеткага тўланадиган пулни камайтиради. Кўрамиз, бу иш сизларга манфаатли бўлармикин... Аммо ҳозирча ҳаммасини дарҳол қайтадан қўйиб чиқинглар. Мен эртага келиб кўраман.

У дўқ-пўписа қилиб, ҳамманинг юрагига ғулғула солиб кетди. Унинг олдида хушомадгўйлик қилган Дансарт бир неча лаҳза тўхтаб, қўрслик билан ишчиларга деди:

— Мана, сенлардан келадиган иш шу-да, мени шарманда қилдинглар... Мендан уч франк жарима билан қутулиб бўпсанлар! Энди эҳтиёт бўлинглар!

У кетиши билан Маэ ҳам ўз навбатида заҳрини сочди:

— Ҳа, ноинсоф, адолатсизлик ҳам йўли билан-да, худо бехабар! Мен ётиғи билан гаплашишни яхши кўраман, фақат шу йўл билан келишиб олиш мумкин; бунақада одамни қонига ташна қилиб юборади-ку... Эшитдиларингми? Вагонеткаларга тўлашни камайтириб, тиргак қўйишга алоҳида берар эмиш! Пулимиздан шилиб қолишнинг янги усули бу!.. Эҳ, инсофсиз шайтонлар!

У кимдан аламини олишни билмай алангланди-ю, бирдан бекор турган Катрина билан Этьенга кўзи тушиб қолди.

— Сенлар менга тахта олиб берасанларми ё йўқми? Еки бу гаплар сенларга тегишли эмасми? Қараб турингланлар ҳали, сенларни шундай ўйнатайки!

Этьен бу қўрсликка асло хафа бўлмасдан тўсин олиб келгани кетди, фақат бошлиқларнинг гапларидан

дарғазаб бўлиб, шахтёрларнинг мўмин-қобиллигига ҳайрон қолди.

Левак билан Шаваль сўкина-сўкина жим бўлишди. Ҳамма, ҳатто Захария ҳам жон-жаҳди билан штольняни маҳкамлашга киришди. Ярим соат давомида фақат тўқир-тўқир зарбалару ёғочларнинг ёрилгани эшитилиб турди холос. Улар чурқ этишмас, фақат оғир-оғир нафас олишарди: улкан кўмир қояси уларнинг жиғига тегар, агар иложини топишса, уни ағдариб, яна елка билан бир туртиб, жойига қўндиришни истар эдилар.

— Бўлди-е,— деди ниҳоят ғазаби қайнаб, чарчаб абжағи чиққан Маэ.— Бир ярим соат-а... Қанақа кун бўлди ўзи? Биз эллик су ҳам ололмаймиз!.. Мен кетаман, ҳаммаси жонимга тегди.

Иш тугашига ҳали ярим соат қолган бўлса ҳам Маэ кийина бошлади. Бошқалар ҳам унга эргашишди. Штольняни кўришнинг ўзиёқ уларнинг жинини қўзғарди. Юккаш аёл яна ишга киришган эди, уни чақиришди; аёлнинг зўр бериб ишлаши уларнинг жаҳлини чиқарди: кўмирнинг оёғи бўлса, ўзи чиқиб келарди-я. Шундан кейин олтовлари асбобларини қўлтиқларига қисиб, аввалги йўлдан кўтарма машина томон юра бошладилар; у ергача икки километрча юриш керак эди.

Штольнянинг тор йўлагига етганда Катрина билан Этьен тўхташиб, пастга тушиб кетаётган кончилардан орқада қолишди. Улар кичкина Лидияни учратишди; қиз йўлнинг ўртасида тўхтаб, уларга йўл бўшатди-да, Мукеттанинг ғойиб бўлганини айтди; боя бурнидан қон келибди, қон жуда кўп оққанидан латта ҳўллаб босгани чопиб кетибди — шундан бери мана бир соат ўтибди, ундан дарак йўқ эмиш, қаёққа ғойиб бўлганини билмасмиш. Улар ўтиб кетишган, ҳаммаёғи булғанган қиз чиллакдек оёқ-қўлларига зўр бериб, кучаниб аравани итаришда давом этди; у шу топда кучи етмайдиган нарсага ёпишган қора чумолига ўхшарди. Этьен билан Катрина эса пешоналарини чақа қилишдан чўчиб, елкаларини букчайтирганларича чалқанчасига сирпаниб тушишарди; улар шахтёрларнинг баданлари силлиқ қилиб юборган қоядан ғизиллаб тушар эканлар, кончилар айтганларидек, орқалари ёниб кет-

www.ziyouz.com kutubxonasi

маслиги учун вақт-вақти билан ёғочлар олдида тўхташарди.

Пастда ҳеч ким йўқ эди. Узоқда қизғиш чироқлар милтиллаб, йўлак муюлишида кўздан ғойиб бўлади. Қиз-йигитнинг қувончидан асар қолмади, шу боисдан улар оғир ва хорғин одим ташлаб боришарди,— Катрина олдинда, йигит кейинда. Лампочкалар тутарди. Этьен ғира-ширада Катринани зўрға кўрарди. Бу ҳали қиз бола, деган фикр унга нохуш туюларди; мен аҳмоқ, ўзим ўпмасдан, бировга ўптириб ўтирибман-а, деб хуноб бўларди. Шубҳасиз, Катрина уни алдаган: ҳалиги йигит унинг ўйнаши, у хилват жойларда йигит билан дон олишган; қадам олишининг ўзи ножўя. Этьен гўё қиз алдагандек ундан ўпкаланарди. Лекин шунга қарамай қиз минут сайин қайрилиб қараб, хавфли жойларни айтиб турар, гўё хушмуомалада бўлишга даъват этар эди.

Атрофда жон зоти йўқ,— айни ўйнаб-куладиган пайт-да! Ниҳоят улар йўлакнинг темир из ётқизилган жойига чиқишганда Этьен аллақандай азобдан қутулгандай хўрсиниб қўйди; қиз бўлса, унга охирги марта маъюс нигоҳ ташлади, унинг бу нигоҳида афсус, бахтдан бенасибмиз, деган ўкинч бор эди.

Уларнинг теграсида ер ости ҳаёти жўш урарди, штейгерлар у ёқдан-бу ёққа елиб-югуришарди, от қўшилган поездлар орқага-олдинга бориб-келарди. Зимистон ичра ҳарён лампочкалар милтиллайди. Минут сайин штольня деворига суяниб, одам ва отларга йўл бўшатишга тўғри келади, уларнинг иссиқ нафаси юзларга урилади. Ўз поезди орқасидан оёқ яланг чопиб бораётган Жанлен қичқириб, улар шаънига алланима деб сўкинди, лекин ғилдиракларнинг тақир-туқуридан ҳеч нима эшитмадилар. Улар ҳамон йўлда давом этардилар. Қиз чурқ этмасди; Этьен эса эрталаб ўтган йўлларнинг эгри-бугри жойларини ҳам, йўлакларни ҳам танимасди, назарида Катрина уни ер остига борган сари чуқурроқ олиб тушаётгандек эди. У ҳаммадан ҳам совуқдан азият чекар, юқорига чиққан сари суяк-суякдан ўтиб борар эди. Этьен шахта қудуғига яқинлашган сари қаттиқроқ қалтирай бошлади. Тор тош йўлакларда яна шамолнинг ҳуштаки ва увиллаши эшитилди. Йигит тоқати тоқ бўлиб, ёруғ дунёни кўриш

йўқ экан-да, деб турган ҳам эдики, мутлақо кутилмаганда кўтарма машина ёнига келиб қолишди.

Шаваль оғзини шубҳали қийшайтириб, Этьен билан Катринага кўз қирини ташлади. Бошқалар ҳам шу ерда эди; ҳаммалари терга ботган, Этьенга ўхшаб қаҳру ғазабга тўлганча совуқ елвизакда индамай турардилар: улар жуда вақтли келишганди, ярим соатдан кейингина кўтаришлари мумкин, бунинг устига худди шу чоқда отни туширишга тайёргарлик кўрилаётганди. Юк ортувчилар вагонеткаларни созлашарди; темирнинг қулоқни қоматга келтирувчи шарақ-шуруғи эшитилдида, кажавалар ёмғир шариллаб уриб турган қора тешикдан юқорига ғизиллаб кўтарилди. Пастда чуқурлиги ўн метр келадиган оқова тўпланадиган ўра бўлиб, бу ўра тўла эди; ундан ҳам нохуш ҳовур кўтарилиб турарди. Одамлар шахта қудуғи ёнида уймалашиб, тинмай сигнал арқонини тортишар, дасталарни босишарди; уларга сув зарралари сачраб, кийимларини шалаббо қилар эди. Иҳота тўрлари тутилмаган учта лампочкадан тушиб турган қизғиш нур узун-узун қимирловчи соялар ташлаб, бу зиндонни ёнида тоғ шалоласи шариллаб турган қароқчилар ини, йўлтўсарлар қароргоҳига ўхшатар эди.

Маэ охирги чорани қўллашга мажбур бўлди. У кечки сменага ишга келган Пьеррон ёнига яқинлашди.

— Ҳой, менга қара, бизни кўтаришни буюрсанг нима қилади, сенга мумкин-ку.

Лекин чиройли, миқтидан келган хушфеъл юкчи йигит қўрқиб, рад этди.

— Мумкин эмас, штейгердан илтимос қилинглар... Менга жарима солишади...

Ғазабни ичга ютиб, жим бўлишга тўғри келди. Катрина энгашиб, Этьеннинг қулоғига шивирлади:

— Юр, отхонани кўрамиз. Жуда ажойиб жой-да!

Улар ҳеч кимга сездирмай отхонага лип этиб ўтишди, чунки у ёққа кириш тақиқланган эди. Отхона чап томонда, калта йўлакнинг охирида эди. Бу қоядан ўйиб, равоғи ғишт билан мустаҳкамланган, узунлиги йигирма беш, баландлиги тўрт метр келадиган ғор бўлиб, унга йигирма от сиғиши мумкин эди. Ҳақиқатан ҳам бу ер яхши эди: ҳавоси ҳайвонлар ҳарорати билан исиган, остларидаги тўшамаси тоза. Ягона лам-

www.ziyouz.com kutubxonasi

почка худди тунги ёритгичдек хира нур сочиб турарди. Дам олаётган отлар бошларини буриб, болаларники сингари маъсум, катта кўзлари билан қарашди-да, кейин яна сулини еяверишди,— ҳамма севган соғлом бу ҳайвонлар худди тўқдек емларини секин чайнар эдилар.

Катрина рух тахтачаларга ёзилган, охурлар тепасига қоқилган отларнинг номларини ўқиди; бироқ қўққисдан вой деб юборди: оғилхона тўрида аллақандай бир гавда кўтарилди,— бу Мукетта эди, у пичан уюми ичида ётган бўлиб, жойидан чўчиб чиқиб келаётган эди. Душанба кунлари якшанбадаги маишатбозликлардан ҳориган Мукетга бурнидан қон келиши учун одатда пешонасига қаттиқ урарди, кейин худди сувга кетгандай штольнядан жўнаб қоларди; аслида эса отхонага кириб олиб, отлар орасидаги иссиққина тўшамада ётарди. Отаси уни яхши кўрганидан, гарчи бир балога йўлиқишини билса ҳам индамасди.

Шу чоқ кекса Мук кириб қолди; у ёши элликларга борган, калта оёқ, кал, семиз бўлиб, бунақа семиз унинг ёшидаги шахтёрлар орасида кам учрарди, у жуда ҳорғин эди. Отхонага ўтказишганидан бери у тамаки чайнашга шундай ружу қилдики, милклари қорайиб, қонайдиган бўлиб қолди. У қизи билан яна икки кишини кўриб аччиғланди.

— Бу ерда нима қилиб санқиб юрибсизлар? Ҳой, айёрлар, нега эркак кишини бошлаб келдиларинг?.. Ярамас ишларингни менинг похолим устида қилганими, а?

Бу гап Мукеттага жуда кулгили туюлди шекилли, қорнини ушлаб хахолаб кулди. Этьен эса уялиб нари кетди. Катрина унга қараб жилмайди. Учови қабул хонасига қайтиб келганида вагонеткалар поездида Бебер билан Жанлен ҳам келишганди. Вагонеткалар кўтарма машинага маҳтал бўлиб қолди. Қиз отларнинг ёнига келиб, уларни силаб эркаларкан, ҳамроҳига мақтади. Бу шахтанинг энг кекса Ўктам лақабли оти эди; бу оқ отнинг ер остига тушганига ўн йил бўлганди. Отнинг шу чоҳда, бир оғилда яшаб қоронғи ерости йўлакларида доимо битта ишни қилаётганига ўн йил бўлибди, шундан бери у ёруғ дунёни кўрмабди. Семириб кетган, силлиқ юнглари ялтиллаб турган, кўзлари беозор Ўктам ер юзидаги ғаму ташвишлардан йироқда, авлиёлардек осойишта кун кечирарди. Сирасини айтганда, қоронғиликда узоқ қолиб кетган бу от жуда фаросатли эди. У юрадиган йўлларни жуда яхши биларди, вентиляция эшикларини боши билан ўзи очарди, у у ер-бу ерини уриб олмаслик учун паст жойлар келганда эгилиб ўтарди. У ҳам, неча марта бориб-келганини ҳисобга олиб қўярди албатта; у неча марта лозим бўлса, шунча марта бориб-келгандан кейин юрмай туриб оларди, уни оғилхонага олиб боришга тўғри келарди. Энди қариб бораётган отнинг мушукникига ўхшаган кўзларини ғам пардаси дам-бадам тўсиб турарди. Балки у ана шу зимистон қўйнида тушларида Скарп дарёси бўйидаги ватани Маршьеннни, ям-яшил либосга бурканган, шабадада тебраниб турадиган тегирмонни кўраётгандир. Осмонда алланарса — улкан машъала ёняпти — бунинг нималиги отнинг хотиридан фаромуш бўлган эди. У бошини қуйи солганича, қариликдан титраётган оёқларининг дам унисини, дам бунисини кўтариб босиб, қуёшни эслашга беҳуда уринар эди.

Бу орада кўтарма машина олдида иш давом этарди; сигнал болғаси тўрт марта урилди,— отни тушира бошлашди. Бу ҳамиша ташвишли бўлади, чунки жуда қўрқиб кетган от пастга тушгунча ўлиб қоларди. Юқорида тўрга ўралашган от тайсаллаб, ўзини ҳарёнга урарди, лекин оёқлари остидаги замин кетишини сезиши биланоқ гўё тинчиб, қотиб қолди; эти қимир этмас, чақчайган кўзлари бақрайиб турарди. Бу галги от жуда катта бўлиб, кўтарма машина кажавасига сиғмасди; унинг бошини ёпиб, ётқизиб, кажава устига жойлаштиришга тўғри келди. Эҳтиёти шарт деб, секинаста туширишди; бу иш уч минут давом этди.

Пастдагиларнинг хавотирлиги тобора ортди. Нима гап ўзи? Наҳотки бечора от қоп-қоронғи чоҳда осилиб тураверса? Ниҳоят тошдек қотган от кўринди; қўрқанидан отнинг кўзлари бақрайиб қолганди. Бу уч ёшга бориб қолган Карнай лақабли тўриқ бия эди.

— Эҳтиёт қилинглар!— қичқирди Мук бобо. Отни қабул қилиб олиш унга топширилганди.— Авайлаб туширинглару, лекин ҳозирча ечманглар.

Кўп ўтмай Карнайни худди нимталанган гўштдек

www.ziyouz.com kutubxonasi

кўтариб, чўян плита устига олиб қўйишди. От қимир этмай ётар, бу қоронғи, тубсиз чоҳ дахшатларидан, кенг-мўл қабул қилиш хонасидаги ғала-ғовур ва тарақ-туруқлардан ҳамон ўзига келолмасди, чоғи. Уни еча бошлаганларида бояқишнинг олдига ҳозиргина аравадан чиқарилган Ўктам келди; у бўйнини чўзиб, ер устидан шахтага туширилган янги шеригини ҳидлай бошлади. Ишчилар четга чиқишиб, ҳазиллашди: «Хўш, қалай? ҳушбўй эканми?» Лекин Ўктам гўё бу ҳазил-мазахларни эшитмас эди. У безовта бўлиб қолди. Ўктам ажойиб мусаффо ҳаво, қуёш ва ўтларнинг эсдан чиққан ҳидларини искаб, бирдан қаттиқ кишнаб юборди,— лекин унинг бу кишнашида илтижо, нола оҳанги бор эди. Афтидан, янги келган жонивор унга салом олиб келгандай эди; бу аввалги ҳаёт қувончларининг шабадаси, ер юзига фақат ўлиги чиқишга маҳкум этилган зиндон отининг ғамгин ҳасрати ҳам эди.

— Оббо ярамас, Ўктам-ей!— қичқиришди ишчилар севимли отларининг қилиқларидан завқланиб.— Янги шериги билан гаплашишини қаранглар-а.

Аммо Карнай ечиб қўйилганига қарамасдан ҳамон қимир этмасди. У қўрқувдан ғужанак бўлиб, ёнбошлаб ётар, гўё ўзини ҳамон тўр ичида ҳис қиларди. Ниҳоят гангиб, дағ-дағ титраётган этни қамчилаб турғизишди. Мук бобо иноқлашиб қолган иккала отни етаклаб кетди.

— Хўш, бизга ҳам навбат келадими ўзи?— сўради Маэ.

Кажаваларни бўшатиш керак, бундан ташқари иш тугашига ўн минут бор эди ҳали. Ўнгирлар секин-аста бўшаб қолди, ҳамма штольнялардан кўмир қазувчилар қайтишаётган эди. Элликка яқин киши йиғилиб қолди. Ҳаммалари ивиб шалаббо бўлишган, зотилжам бўлиб қолмасак, деган доимий қўрқув билан совуқда дағ-даг қалтирашарди. Сиртидан бинойидек кўринган Пьеррон штольнядан барвақтроқ кетгани учун қизини бир шапалоқ туширди. Захария бўлса, исиниш учун билдирмасдан Мукеттани чимчилаб оларди. Бу орада норозилик кучайиб кетди. Шаваль билан Левак инженернинг ҳар бир вагонетка учун бериладиган ҳақни камайтириб, тиргаклар учун алоҳида пул тайинлайман, деб қўрқитганини гапириб беришди. Бу режага қарши

одамлар шовқин-сурон кўтаришди; торгина чоҳ тубида, ер юзидан олти юз метр чуқурликда одамлар қаҳр-ғазабга тўлиб-тошаётганди. Энди сўзловчилар тортиниб ўтиришмади; ҳаммаёқлари кўмир бўлиб кетган, кута-кута тоқатлари тоқ бўлган шахтёрлар Ширкатни ўз ишчиларининг ярмини ер остида ҳалок қилади, қолган ярмини эса очдан ўлдиради, дея айблардилар. Бу гапларни эшитаётган Этьен дағ-дағ титрарди.

— Тезроқ-тезроқ,— деди штейгер Ришомм юкловчиларга қараб.

У ҳа, кўтар, дея шошилтирар, жиддий чоралар кўришни хоҳламай, ўзини ҳеч нарса эшитмаётганга соларди.

Аммо ғала-ғовур шу қадар кучайиб кетдики, у аралашишга мажбур бўлди.

Орқа томондагилар, бу аҳвол мангу давом этиши мумкин эмас, бир кун эмас, бир кун бу дўкон куни паякун бўлиб кетади, деб бақиришарди.

— Сен дид-фаросатли одамсан,— деди у Маэга мурожаат қилиб.— Уларнинг овозини ўчир. Ҳаммадан кучли бўлолмаганингга яраша жилла қурса, ҳаммадан ақлли бўл.

Эндигина тинчиган Маэ яна ташвишлана бошлади; лекин унинг аралашувига ҳожат бўлмади. Ҳамма жим бўлиб қолди: йўлакдан бирига кираверишда Негрель билан Дансарт кўринди, улар штольняларни айланиб келишаётган, бошқалар каби қора терга ботишган эди. Интизомга ўрганиб қолган ишчилар четга чиқиб туришди, инженер улар ёнидан ўтаркан, бир калима ҳам сўз демади. У бир вагонеткага, катта штейгер бошқасига ўтирди; сигнал арқони беш марта тортилди — бу — «пўшт, семиз гўшт келяпти!» деганлари бўлиб, бошлиқларга ишора эди, — кажава ҳазин сукунат қўйнида юқорига кўтарила бошлади.

VI

Тўрт шахтёр билан бирга кажавада кўтарилаётган Этьен яна оч-наҳор йўлларда сарсон бўлишни маъқул кўрди. Бари бир эмасми: ҳаром ўлиш ё бўлмаса ҳар куни бу жаҳаннамга тушиш, ўшанда ҳам ейдиган нонингга лойиқ пул ишлай олмасанг? Катрина юқорироқдан жой олганди. У энди Этьеннинг пинжига су-

www.ziyouz.com kutubxonasi

қулмас, шунинг учун Этьен қизнинг элитувчи ҳароратини ҳис қилмас эди. Этьен майда-чуйдалар ҳақида ўйлаб ўтирмасдан бошқа ёққа жўнашни аъло кўрди. Этьен нисбатан зукко одам бўлганлигидан бу оломондек тақдирга тан бериб юравермайди; бир кун эмас, бир кун бошлиқлардан битта-яримтасини бўғиб ўлдириб қўяди.

Бирдан кўзлари қамашиб кетди. Кўтарилиш шу қадар тез бўлдики, кундузги нурни унутаёзган Этьен ер юзига чиқиши биланоқ ҳанг-манг бўлиб қолди; у беихтиёр кўзларини қисди, қабул қилувчилардан бири эшикни очгач, енгил тортди: ишчилар вагонеткалардан отилиб чиқишди.

— Менга қара, Муке,— Захария қабул қилувчининг қулоғига шивирлади.— Бугун кечқурун «Вулқон»га борамиз, а?

Монсудаги кафешантанни* «Вулқон» деб аташарди. Муке чап кўзини қисиб, оғзини катта очиб ишшайди. Бу йигит отасига ўхшаб паст бўйли, йўғондан келган, сурбет эди; унинг ҳамма нарсага тайёрлиги ва эртанинг ғамини емаслиги кўриниб турибди. Улар билан бирга Мукетта ҳам тушди, акалик меҳри жўшиб турган Муке унинг елкасига шап этиб уриб қўйди.

Этьен эрталаб фонарларнинг хира нурида кўзига қоп-қора бўлиб кўринган баланд қабулхонани зўрға таниди. Бу оддий, қип-ялангоч, ифлос хона экан. Чанг босган дераза лардан қовоғи солиқ кун кўриниб турарди. Фақат машинанинг мис қисмлари ялтираб кўринади; қуюқ мойланган пўлат арқонлар худди сиёҳга ботириб олинган ленталардек чўзилиб кетган; тепадаги шкив ва панжаралар, кажавалар, вагонеткалар, вақт ўтиши билан қорайиб кетган бошқа кўплаб металл қисмлар хонани ивирситиб юборганди. Ғилдираклар гумбурлаб чўян плиталар устидан тўхтовсиз ўтиб турарди; вагонеткаларда олиб келинаётган кўмирдан кўтарилаётган гард қора парда бўлиб полга, деворларга минора пештоқидаги тўсинларга инарди.

Шаваль қабул қилиш идорасининг ойнабанд хонасига осиб қўйилган табелга қаради-ю, жон-пони чиқиб кетди. Уларнинг иккита вагонеткаларини қабул қилишмапти: биттасидаги кўмир белгиланган миқдордан кам, иккинчисидаги кўмир эса унча тоза эмас экан.

— Тозаям кунимиз туғди-ку!— Хитоб қилди у.— Яна йигирма су пулдан айрилдик! Қўли косовга ўхшаган ишёқмасларни олмаслик керак эди.

У гўё сўзларига илова қилгандек Этьенга ҳўмрайиб қаради. Этьен унга яхшилаб мушт туширгиси келди. Лекин у, бари бир кетаману нима кераги бор, дея бу фикридан қайтди.

— Биринчи кунданоқ ҳамма ишни дўндириш мумкин эмас-ку,— муросасозлик билан эътироз билдирди Маэ.— Эртага яхшироқ ишлайди.

Ҳамманинг ҳам жаҳли чиқиб, жанжалга баҳона тополмай турган экан. Левак лампочкани топшираркан, яхши артилмапти, деб лампочкачи билан уришиб олди. Улар доимо печь бозиллаб турган баракка кирганларидагина бир оз ҳовурдан тушишарди. Кўмирни жуда кўп солишганга ўхшайди: ўтхона қип-қизил чўғ бўлиб, деразаси йўқ катта хона аланга ичида қолганга ўхшарди; деворларда қирмизи шуълалар ўйнайди. Ҳамма оловга орқасини ўгириб, хушчақчақлик билан вайсаша-вайсаша исинишга тутинди. Баданларидан гўё қайноқ шўрвадан кўтарилаётгандай буғ чиқарди; белдан иссиқ ўтгач, қоринларини ўтга тута бошладилар. Мукетта кўйлагини қуритиш учун ҳеч кимдан тап тортмай иштонини туширди. Йигитлар аския қилиб кетишди, ҳамма хахолаб кулди, чунки Мукетта бирдан уларга орқасини кўрсатганди; у ниҳоятда жаҳли чиққанда нафратини шундай изҳор қиларди.

— Мен кетаман,— деди Шаваль асбобларни шкафчага солиб бекитаркан.

Ҳеч ким жойидан қўзғалмади. Фақат Мукеттагина икковлари Монсуга боришларини баҳона қилиб, унинг кетидан шошилиб чиқди. Лекин бу ҳол яна пичингларга сабаб бўлди холос: Шавалнинг ундан кўнгли совиганини ҳамма биларди.

Бу орада Катрина нимадандир хавотир олиб, отасининг олдига келди-да, пичирлаб, унга бир нималар деди. Маэ аввалига ҳайрон бўлди, кейин маъқуллаб бошини қимирлатди; у Этьенни ёнига чақирди-да, қўлига тугунни бериб, деди:

— Менга қаранг, агар пулингиз бўлмаса, ойнинг

* Қаҳвахона.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўн бешинчисигача очдан ўласиз... Хоҳласангиз, бирор ердан қарз топиб бераман, майлими?

Йигит аввалига хижолат тортди. У ҳозиргина бугун ишлаган ўттиз су пулини олиб, кетмоқчи эди. Лекин бундай қилгани қиздан уялди. Қиз унга тик боқиб турарди; қиз уни ишдан қўрқяпти, деб ўйласа-я?

— Албатта топиб бераман, деб ваъда қилолмайман,— давом этди Маэ.— Эҳтимол, бизга беришмас ҳам.

Этьен розилик беришга қарор қилди. Балки қарз беришмас. Сирасини айтганда, ундан нима кетди,— бир оз пул олиб, хоҳлаган пайтида кетиши мумкин. Лекин кейин рад этмаганига пушаймон қилди: Катринанинг суюнганини айтмайсизми, қиз йигитга дўстона тикилиб, шундай назокат билан табассум қилдики, асти қўясиз, Этьенга кўмаклашганидан ғоят бахтиёр эди. Лекин бунинг боиси нима экан?

Кўмир қазувчилар исиниб бўлиб, пойабзалларини олиб, шкафчаларини қулфлаб, баракдан чиқа бошладилар; энг кейин Маэларнинг ҳаммаси чиқишди. Этьен уларнинг кетидан юрди; Левак ўғли билан уларга қўшилди. Улар саралаш хонаси ёнидан ўтишаётганда, шиддатли сўкишишни эшитиб тўхташди.

Кўмирни саралайдиган бўлим катта саройга жойлашган бўлиб, унинг тўсинлари кўмир кукунидай қорайиб кетган, катта-катта дераза ларига темир панжара тутилган, хонада доимо елвизак ғизиллаб турарди. Кўмир ортилган вагонеткалар қабулхонадан тўппа-тўғри шу ерга келтириларди; уларни узун темир тарновларга ағдаришарди, тарновнинг икки томонидаги пиллапояларда турган сараловчи аёллар белкурак ва хаскаш билан тошларини ажратиб олиб, кўмирни тозалар эдилар; сараланган кўмир воронка орқали рельс билан тўппа-тўғри шийпон тагига келтирилган темир йўл вагонларига тушарди.

Сараловчилар орасида нозик, рангсиз, кўзлари ито-аткорона боқувчи қиз Филомена Левак ишларди; у қон тупурарди. Бошини зангори жун лахтак билан танғиб олган, қоп-қора қўллари тирсагигача очиқ. У билан ёнма-ён Пьерроннинг қайнонаси. Ашаддий лақабли албасти кампир ишларди. Бу жуда даҳшатли хотин бўлиб, кўзлари уккиникига ўхшарди; лаблари эса хасиснинг ҳамёнидек маҳкам юмилган. Жанжаллашаётганлар шулар эди: ёш жувон кўмирларимнинг сарасини

териб олянсан, бунақада ен ўн минутда ҳам саватимни тўлдира олмайман, деб кампирни айблар эди. Уларга сараланган кўмир саватига қараб ҳақ тўлардилар; шунинг учун доимо жанжал чиқарди. Икковларининг ҳам сочлари тўзғиган, қизариб кетган юзларида панжаларнинг қоп-қора изи бор эди.

— Ур, боплаб лунжига тушир!— қичқирди Захария маъшуқасига тепадан туриб.

Барча сараловчи аёллар хахолаб кулиб юборишди. Дарғазаб бўлган Ашаддий энди ёш йигитга ёпишиб кетди:

— Ҳе, яшшамагур! Ундан кўра туғдириб қўйган болаларингни тан ол аввал!.. Ўн саккиз ёшга бориб қолибди-ю, зўрға юради-я, қилтириқ!

Захарияни тийиш учун Маэнинг аралашишига тўғри келди, бўлмаса у саралаш хонасига тушиб, бу шум кампирнинг (Захария уни шундай деб сўкарди) роса адабини бермоқчи эди. Назоратчи келиши билан хаскашлар яна ишга тушиб, кўмирни саралай бошладилар. Тарновлар ёнида яна аёлларнинг эгилган қомати кўринди, улар жон-жаҳдлари билан бир-бирларининг олдиларидаги сархил кўмирларни тортиб олишарди.

Шамол тинган, ҳаво булутли, совуқ ёмғир шивалаб турипти. Кўмирчилар қоматларини ростлаб, қўлларини кўкракларига чалиштириб, чайқалиб, ҳар қайсиси ўзича боришарди; чурук сурп остидаги кураклари билиниб турарди. Кундузги ёруғда улар негрларга ўхшарди. Баъзилари ейилмаган нонушталарини қайтиб олиб кетишяпти; кўйлак билан блуза орасига тиқиб қўйилган бир парча нон ўркачдек дўппайиб турарди.

— Қаранглар! Ана, Бутлу келяпти,— масхарабозлик билан деди Захария.

Левак тўхтамай, уйида ижара турган сочи тимқора, ўттиз беш ёшлардаги новча, очиқ, хушрўй йигит билан гаплашди.

— Хўш, Луи, овқат борми?

— Бўлса керак?

— Демак, хотиним ийиб кетибди-да, а?

— Назаримда ийиб кетди.

Бошқа шахтёрлар — ремонт ишчилари — тўда-тўда бўлиб келишиб, секин-аста ер тубига кетишарди. Кундузги сменада ишловчилар соат учдан бошлаб пастга туша бошлардилар; шахта бу одамларни ҳам комига

www.ziyouz.com kutubxonasi

тортарди, улар ҳам тўда-тўда бўлишиб, ҳозиргина кончилар ишлаган штольняларга бўлиниб кетишарди. Шахта ҳеч қачон бўш қолмасди, одамлар лавлаги экилган далалар тагида, олти юз метр чуқурликда кечасию кундузи чумолидек ер қазиб, меҳнат қилишарди.

Ешлар олдинда боришарди. Жанлен Беберга тўрт сулик тамакини қандай қилиб қарзга олишнинг мураккаб режасини тушунтиради. Улардан анча орқада Лидия, кейинроқда Катрина Захария ва Этьен билан келарди.

Ҳаммалари жим келишарди.

«Авантаж» қовоқхонаси олдига келганларида Маэ билан Левак уларга етиб олди.

— Мана, етиб ҳам келдик,— деди Маэ Этьенга мурожаат қилиб: — Биз билан кирмайсизми?

Этьен Катрина билан хайрлашди. Қиз тўхтаб, булоқ сувидек шаффоф ва йирик-йирик ферузаранг кўзларини сўнгги бор йигитга тикди: бу кўзлар унинг қорайган юзида яна ҳам қаърига тортгандай кўринарди. Кейин у жилмайиб қўйди-да, бошқалар билан бирга қишлоққа олиб борадиган йўлдан узоқлашиб кетди.

Қовоқхона қишлоқ билан кон оралиғидаги икки йўл чорраҳасида эди. Бу икки қаватли ғиштин бино бўлиб, оҳак билан оқланган, кенг ҳаворанг ҳошияли деразалари катта-катта эди. Эшик тепасига сариқ ҳарфлар билан: *АВАНТАЖ — РАСНЁР*нинг *ИЧИМЛИКЛАР ДЎКОНИ* деб ёзилган тўртбурчакли лавҳа қоқиб қўйилганди. Уй орқасида буталар билан иҳота қилинган кегельбан кўриниб турарди. Ширкат ўзининг кенгмўл мулки ўртасига суқулиб кириб қолган ана шу бир парча ерни қўлга киритиш учун нималар қилмади, лекин уддалай олмади; далалар ўртасида қаққайиб турган қовоқхона Ворёга кириш биланоқ кўзга ташланиши ширкатчи корчалонларнинг жиғига тегарди.

— Киринг,— такрорлади Маэ Этьенга мурожаат қилиб.

Мўъжазгина ёп-ёруғ залдаги ҳамма нарса-оппоқ деворлар, учта стол атрофидаги бир дўжна стулдан тортиб, идиш-товоқ қўйиладиган ошхона шкафидек келадиган қарағай пештахтагача тозалигидан ярақлайди. Пештахта устида ўнтача кружка, уч шиша ликёр,

графин ва усти рухланган, қалайи жўмракли пиво бочкаси турарди; булардан ташқари залда ҳеч нима— суратлар ҳам, токчалар ҳам, қимор ўйнайдиган стол ҳам йўқ эди. Сирланган ва ялтираб турган чўян ўчоқда тошкўмир ланғиллаб, бир маромда ёниб турибди. Полга ҳўл тупроқнинг намини шимиб оладиган оқ қум юпқа қилиб сепилганди.

— Бир кружка пиво,— буюрди Маэ семиз, малла қизга: бу баъзан келиб залда хизмат қиладиган қўшни хотиннинг қизи эди.— Раснёр шу ердами?

Қиз пиво қуйиш учун жўмракни буради-да, хўжайин ҳозир келиб қоладилар, деди. Кўмир қазувчи томоғига ўтирган чангни кетказиш учун секин симириб, кружкани яримлатди. У ҳамроҳини меҳмон ҳам қилмади. Залда улардан бошқа яна битта одам бўлиб, у ҳам ҳаммаёғи ҳўл, ифлос кўмир қазувчи эди; у четроқдаги столча ёнида чурқ этмай, чуқур хаёлларга чўмганича, пиво ичиб ўтирарди. Кейин яна бир ишчи кирди, имо қилиб, бир кружка пиво буюрди-да, ичиб, пулини тўлади-ю, ҳеч нима демасдан чиқиб кетди.

Мана, ўттиз саккиз ёшлардаги тўладан келган, силлиқ қиринган юзи юмалоқ, хуштабассум киши кўринди. Раснёр шу эди; илгари у кончи бўлиб ишлаганди, лекин уч йил бурун, бир ишташлашдан сўнг Ширкат уни бўшатиб юборганди. У жуда яхши ишчи бўлиб, сўзамоллиги билан ажралиб турар ва ҳар сафар ишчилар талабини баён этувчи вакилларга бош бўлиб, бошлиқлар олдига борарди; шу йўсинда у норозиларнинг бошлиғига айланиб қолди. Унинг хотини илгари ҳам бошқа кўпгина шахтёрларнинг аёллари сингари дўконча очиб, баққолчилик қиларди, Раснёр ишдан қувилгач, майфурушлик қилишга аҳд этди, бир оз пул топиб, Ширкатдан аламини олиш учун нақ Ворё рўпарасида қовоқхона очди. Унинг ишлари юришиб кетди; «Авантаж» қовоқхонаси кўмир қазувчиларнинг севимли жойига айланди; Раснёр пулни сузаркан, секинаста собиқ ўртоқлари қалбидаги норозилик оловини пуфлайверди.

— Манави азаматни бугун эрталаб ишга олдим,— дарҳол унга маълум қилди Маэ.— Сенда бўш хона йўқми? Кейин у мояна олгунча қарз бериб тура олмайсанми?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Раснёрнинг юмалоқ юзи дарҳол ўзгарди. У Этьенга шубҳаланиб разм солди, кейин, лоақал ачинаётганини айтишни лозим топмай, деди:

— Иккала хонам ҳам банд. Мумкин эмас.

Йигит шундай рад жавоби олишни кутган бўлса ҳам, лекин тўсатдан бу ердан кетишга мажбур бўлаётганига афсусланди. Ҳа, нима ҳам қилсин, ўттиз су пулини олиши биланоқ кетади.

Елғиз ўзи пиво ичган кўмир қазувчи кетди. Бошқа пивохўрлар ҳам киришарди-ю, томоқларини чайқашиб, бўшашганларича чиқиб кетишарди. На хурсандчилик, на мириқиб кайф қилиш бор,— фақат томоқ чайиш холос, оддий эҳтиёжни қондиришдан ўзга ҳеч гап йўқ.

— Демак, ҳеч гап йўқ, дегин?— аллақандай бир оҳангда сўради Раснёр пивони майдалаб ичаётган Маэга мурожаат қилиб.

Маэ хонага назар ташлаб, Этьендан бўлак ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, деди:

— Йўқ, анча тўполон қилишди... Ҳамма гап ўнгирларга тиргович қўйиш хусусидан чиқди.

Маэ нима бўлганини гапириб берди. Майхоначи ҳаяжондан қизариб кетди: ёноқлари ловиллаб, кўзлари ёнарди.

— Шунақа! — деди у ниҳоят.— Фақат шунақа аблаҳларгина маошни камайтириш ҳақида ўйлаши мумкин.

Афтидан, у Этьендан ҳайиқди, шекилли, лекин шунга қарамай, кўз қирини ташлаб, гапида давом этди. Раснёр имо-ишора, чала-чулпа гаплар билан чекланди. У директор Энбо, унинг хотини, жияни — тирранча Негрель ҳақида, бирортасининг ҳам номиқ айтмай гапирди; у такрорлаб, бу аҳвол узоққа чўзилмаса керак, яна бир неча кундан кейин жиддий тўполон кўтарилиши керак, деди. Муҳтожлик ҳаддан ташқари кучайди. Раснёр қанча фабрика ва заводлар ёпилгани, қанчадан-қанча ишчилар кўчага ҳайдалганини санаб кетди. У мана бир ойдирки, ҳеч вақоси йўқларга ҳар куни олти қадоқдан нон улашиб келади. У кеча қўшни шахтанинг эгаси Денелен кризиснинг олдини қандай оламан, деганини эшитди. Бундан ташқари Лиллдан олган хатида кўпгина ваҳимали гаплар ёзилганди.

— Биласанми,— деди у пичирлаб,— бу гапларни

менга бир куни кечқурун сен шу ерда кўрган одам ёзиб юборипти.

Залга кириб келган Раснёрнинг баланд бўйли, озғин, бурни узун, ёноқларида қизғиш доғи бор шаддод хотини гапга аралашди. У сиёсатда эрига қараганда анча кескин фикр юритар эди.

— Плюшарнинг хати-чи?— деди у.— Агар унинг ўзи шу ерда бўлиб, ишга раҳбарлик қилганида, ҳаммаси жойида бўларди!

Бу гапларга қулоқ солиб турган Этьен ҳаммасига тушунди; муҳтожлик ва интиқом ҳақидаги фикрлар уни ҳаяжонга солган эди. Бехосдан айтилган ном уни сескантириб юборди. Кейин у беихтиёр айтиб юборгандай эшиттириб:

— Плюшарни мен биламан,— деди.

Ҳамма унга тикилиб қолгач, Этьен тушунтира бошлади:

— Гап шундаки, мен механик, у эса менинг Лилл-даги энг яқин бошлиғим эди... Жуда қобилиятли киши, мен у билан жуда кўп суҳбатлашганман.

Раснёр Этьенга яна разм солди; унинг чеҳраси дарров бошқа қиёфага кирди, юзида тўсатдан меҳр-шафқат акс этди.

Ниҳоят у хотинига деди:

— Бу йигитни Маэ бошлаб келди, унда юккаш бўлиб ишлар экан. Юқорида бўш хона йўқмикин, маош олгунча қарз бериб турмасмикансизлар, деб сўраяпти.

Иш осон битди. Тепада бўш хона бор экан: у ерда турган одам эрталаб кетибди. Майхоначи тобора ҳаяжонланаркан, ҳаммага эшиттириб, мен бошқаларга ўхшаб хўжайинлардан эришиш қийин бўлган нарсани сўраётганим йўқ, фақат иложи бор нарсаларнигина талаб этаман, деб гапира бошлади. Хотини елкасини қисиб, ўз ҳақ-ҳуқуқларингизни қаттиқ туриб ҳимоя қилишларинг керак, деб қўйди.

— Соғ бўлинглар,— уларнинг гапини бўлиб деди Маэ.— Бу тадбирларинг бари бир одамларнинг шахтага аввалгидек тушиб ишлашларига тўсқинлик қилмайди; модомики одамлар шахтада ишлар эканлар, уларнинг қийналиб ўлишдан бошқа иложлари йўқ... Ўзингга бир қара, шахтадан кетиб, уч йилда ўзингга келиб, бинойидек одам бўлиб қолдинг.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ҳа, анча семирдим,— ўзидан-ўзи мағрурланиб тасдиқлади Раснёр.

Этьен кўмир қазувчини эшиккача кузатиб, саъйи ҳаракатлари учун унга миннатдорчилик билдирди; лекин Маэ бошини ирғатди-да, ҳеч нима демади. Йигит остонада туриб, Маэнинг посёлка йўлидан битта-битта қадам ташлаб кетаётганини кузатди. Раснёрнинг хотини мижозлар билан банд бўлгани учун, бир оз кутиб туринг, хонага ўзим олиб кириб қўяман, деди. Шу ерда қолса бўлармикин? У яна шубҳага тушиб қолди. У дайдилардек эркин ҳаёт кечиришдан маҳрум бўлаётганига ачинди; ўзингга ўзинг хўжайин бўлсанг, очлик ҳам қўрқинчли эмас. Этьенга чиқитлар уюми устига чиққан ўша гавжум тундан то ер остида, қоронғи йўлакларда эмаклаб юриб ўтказган вақтидан бери орадан бир неча йил ўтгандек туюлди. Яна шу ҳаётни бошдан бошлашни ўйласа, энсаси қотарди. Бу адолатсизлик ва шафқатсизлик ахир, ҳайвон қаторида кўзини боғлаб, ўзини молдек ишлатишларини ўйлаши билан инсонлик орияти қўзиб, туғён ураради.

Шундай фикрлардан ўртанаркан, Этьен ўйноқи кўзларини бепоён текисликка югуртирди; секин-аста ундаги ҳамма нарсани кўриб, билиб олди. Қизиқ: Ўлмасвой зим-зиё тунда кўрсатганида унинг бунақалигини тасаввур ҳам қилмаган экан. Шундоқ рўбарўсида, торгина сойликка жойлашган, иморатлари ёғоч ва ғиштдан қурилган Ворё шахтаси: смола сурилган саралаш саройи, томига тоштахта ёпилган минора, машина бўлими ва баланд қизғиш труба кўриниб турибди. Буларнинг ҳаммаси ғуж бўлиб турганидан хунук кўринарди. Аммо ана шу иморатлар атрофида қора кўлга ўхшаган катта бўшлиқ ястаниб ётгани хаёлига ҳам келмаган эди, ҳаммаёқда салга уваланиб кетадиган тошкўмир уйилиб ётарди. Улар орасидан баланд темир йўл кўприклари ўтганди, майдоннинг бир бурчагини қурилиш материаллари омбори эгаллаганди — гўё бу ерда ёғоч-тахта кесишгандек эди. Ўнг томонини улкан баррикадани эслатадиган чиқитлар уюми тўсиб турарди. Аввал ҳосил бўлган чиқитлар уюмини ўт-ўланлар босиб ётипти, бошқа томони эса қип-яланғоч; ҳаммасини бир йилча давом этган ер ости ёнғини ямлаган; шу кулранг шифер ва қумтош қатламларини зангла-

тиб, ер бетига қуюқ тутун ёйиларди. Ундан у ёғига буғдой ва лавлаги экиладиган поёнсиз далалар ёстаниб ётарди, бу далалар ҳозир ширяланғоч; қамиш босган ботқоқликнинг у ер-бу ерида нимжон толлар ўсганди; узоқда — қатор-қатор ингичка тераклар билан ажратилган яйловлар. Уларнинг нарёғида эса шаҳарлар оқариб кўринади: шимол томонда Маршьенн, жанубда Монсу; шарқ томонда эса, Вандам ўрмонларининг баргсиз дарахтлари бинафшаранг чизиқ бўлиб уфққа туташиб кетган. Қиш шомининг ғира-ширасида гўё бутун Ворёнинг қора қурумлари, учиб юрувчи кўмир гарди текислик узра ёпирилиб, дарахтларга инган, йўлларни босган, экинзорларни қоплагангa ўхшарди.

Этьен ҳамон қараб турарди. Унинг эътиборини ҳамма нарсадан ҳам кўпроқ анави канал тортган эди, уни кечаси пайқамаган экан,— бу каналга айлантирилган Скарп дарёси эди. Канал узунлиги икки лье келадиган хира кумуш лентадек Ворёдан Маршьеннгача чўзилиб, гўё хиёбондек дарахтлар ҳайқириб ётган кўм-кўк соҳиллар орасидан олисларга кетарди. Сузиб бораётган баржаларнинг акси бўзарган сувда кўринади; уларнинг қуйруғи қизилга бўялган. Шахтадан сал нарида пристань бор эди; унинг ёнгинасида тўхтаган кемаларга тўппа-тўғри кўприкчалардан келадиган вагонеткалардаги кўмир юкланарди. Кейин канал бурилиб, ботқоқликни қиясига кесиб ўтарди. Кенг текислик оралаб ўтган шу сув гўё воҳанинг жони бўлиб, кўмир ва темир ташилаётган катта йўлга ўхшарди.

Этьен нигоҳини каналдан узиб, посёлкага қаради: тепалик орқасидаги посёлка иморатларининг қизил черепицали томларигина кўриниб турарди. Кейин у яна Ворё томонга қаради. У тупроқ тепа этакларида шу ерда тайёрланиб, шу ерда пиширилган ғиштларнинг катта-катта уюмларини пайқади. Деворнинг нарёғидан, Ширкат томонидан конларга хизмат қилиш учун солинган темир йўл изи ўтганди. Ҳозир ремонтчи ишчиларнинг охиргилари ҳам пастга тушиб кетган бўлишса керак. Одамлар вагонлардан бирини итаришган эди, у қаттиқ ғижирлаб кетди. Сирли зулмат, мавҳум гумбурлаш, аллақандай чироқлар энди маълум бир маъно касб этган эди. Узоқдаги баланд-баланд

www.ziyouz.com kutubxonasi

домна ва кокс печлари кун ёруғида хиралашиб кетганди. Фақат ҳаво насосигина гувиллаб турарди; у тўхтовсиз ишлар, боягидек оғир ва чуқур нафас олиб, еб тўймас бу баҳайбат маҳлуқ комидан кулранг буғ пуркар эди.

Шундан кейингина Этьен қолишга қатъий қарор қилди. Балки у посёлкага кетган Катринанинг кўзларини эслагандир; балки бунга Ворёда туғёнга келаётган ғазаб сабаб бўлгандир. Буни унинг ўзи ҳам билмасди — у шунчаки изтироб чекиш, курашиш учун яна шахтага тушишни ихтиёр этди; у Ўлмасвой айтган кишилар ҳақида, борлигини билдирмай минглаб очнаҳорларни комига тортиб турган мечкай махлуқ тўғрисида ўйлаб кетди.

ИККИНЧИ ҚИСМ

I

Грегуарларнинг Пиоленадаги қўрғони Монсунинг шарқ томонида икки километр нарида бўлиб, Жуазелга борадиган йўл бўйида эди. Бу ўтган аср бошларида бирор услубга риоя қилинмасдан қурилган каттагина тўртбурчакли иморат эди. Бир вақтлар кенг-мўл бўлган бу мулкдан эндиликда девор билан ўралган ўттиз гектарлик ер қолганди холос. Бу ерда хўжалик ишларини олиб бориш қулай эди. Айниқса боғ билан полизнинг донғи кетганди; бу ерда унган мевалар, сабзавотлар бутун округда энг яхши ҳисобланарди. Қўрғон олдидаги дарахтзор парк вазифасини ўтар эди. Уч юз метрча жойда капа бўлиб турган қари арғувонлар хиёбони девордан зинагача чўзилган бўлиб, бу қипяланғоч текисликнинг файзи, кўрки ҳисобланарди, чунки Маршьенндан Боньигача бўлган ерлардаги катта дарахтлар саноқли эди.

Ўша куни Грегуарлар эрталаб соат саккизда уйғонишди. Одатда улар бир соат кечроқ туришарди, чунки мириқиб ухлашни яхши кўришарди; лекин кечаси билан қутуриб чиққан бўрон уларга халақит берди. Жаноб Грегуар довул зиён қилмадимикан, дея хабар олгани шу захоти боғ айланиб кетди. Бу орада яктакнусха фланель куйлакдаги Грегуар хоним туфлисини кийиб, ошхонага ўтди. Ўрта бўйли, тўладан келган, эллик саккиз ёшдаги бу аёлнинг оппоқ сочлари тушиб турган юзида болаларга хос ҳайрат аломати бор эди.

— Мелани,— деди у ошпаз аёлга қараб,— хамир

www.ziyouz.com kutubxonasi

етилипти, ёғли булка қилиб, дарров печкага қўйсангиз бўларди. Бекача ярим соатлардан кейин туради, шоколад билан ейди. Унга ажойиб совға бўлади!

Грегуарларга ўттиз йил хизмат қилган ориққина ошпаз кампир кулиб юборди:

— Рост, жуда зўр совға бўлади!.. Печкага ўт қўйганман, духовка ҳам қизиб қолгандир. Онорина менга қарашворади.

Болалигидан Грегуарлар қўлида тарбияланган Онорина ҳозир уларга оқсочлик қиларди. Бу икки аёлдан ташқари яна Франсис деган кучер ҳам бўлиб, ҳамма икир-чикир ишларни ўша бажарарди. Боғбон билан унинг хотини экин-тикинга, гулзорга қарашар, қушларни боқишар эди. Хизматкор хотин узоқ замонлардан бери шу ерда яшарди; хуллас, бу гўшада тотувлик ва осойишталик ҳукмрон эди.

Грегуар хоним ҳали ўрнидан турмасданоқ қизимни бир ёғли булка билан хурсанд қилай, деб ўйлаб қўйганидан хамирни печкага қандай қўйишларини кузатиш учун ошхонага чиққан эди. Ошхона жуда кенг эди, ундаги орасталик, саранжом-саришталик, ҳар хил кастрюлкалар, идиш-товоқлар ва бошқа асбоб-анжомларнинг тартиб билан териб қўйилганлигидан ҳам унинг хонадон ҳаётида қандай ўрин тутишини билиб олиш мумкин. Бу ердаги барча нарса хонадон аҳлининг яхши еб-ичишидан далолат берарди. Сандиқлару шкафлар озиқ-овқат масаллиқлари билан тўла эди.

— Энг муҳими, ҳушёр бўлиб туринг, булочка яхши қизарсин,— тайинлади Грегуар хоним емакхонага чиқар экан.

Хона қизиган ҳаво билан иситилишига қарамасдан, каминдаги кўмир чарсиллаб, гур-гур ёнарди. Лекин умуман емакхонада ортиқча зеб-зийнат йўқ эди: катта стол, стуллар, қизил ёғоч буфет; фақат иккита чуқур кресло бу уйдагиларнинг саранжом-саришталикни, узоқ ўтириб, ҳузур қилиб таомни сингдиришни яхши кўришларини билдириб турарди. Овқатдан кейин ҳеч ким меҳмонхонага ўтмасди; хонадондагиларнинг ҳаммаси емакхонада узоқ ўтириб қоларди.

Қалин пахмоқдан тикилган калта камзул кийган жаноб Грегуар — олтмиш ёшли, кенг юзи қип-қизил, тетик, хотини сингари сипо, хушфеъл, жингалак соч-лари оппоқ чол емакхонага хотини билан бир вақтда

кириб келди. У боғбонни ҳам, кучерни ҳам кўриб қайтганди: хайрият, бўрон унча зиён келтирмапти, печканинг трубаси қулабди холос. Жаноб Грегуар барвақт туриб, Пиоленани айланиб келишни севарди: унинг мулки хўжалик ташвишларини орттирадиган даражада катта бўлмаса-да, ҳар қалай помешчиклик ҳаётининг нашъу намосидан баҳраманд бўлиш учун ҳамма имконият мавжуд эди.

— Сесиль қани? — сўради у. — Бугун турармикан ўрнидан?

— Тушунмадим, нима гап ўзи?— жавоб берди хотини.— Назаримда унинг уйидан аллақандай шовқин эшитгандай бўлдим.

Дастурхон тузоқлик эди; оппоқ дастурхон устида учта идиш турарди. Онориндни бекача тезроқ келармикан, деб билиб келгани юборишди. Шу ондаёқ қайтиб келган қиз кулгисини зўр-базўр босиб, гўё тепада, Сесиль хонасида тургандек овозини пасайтириб деди:

— Вой, қани энди сизлар ҳам бекачанинг ётганларини бир кўрсаларинг эди!.. Ухлаб ётибди... Худди чақалоқ ухлаяпти дейсиз... Буни тасаввур ҳам қилиш қийин. Томоша қилиб тўймайсиз.

Ота билан она ийиб, бир-бирларига қараб олишдида, Грегуар жаноблари табассум билан хотинидан сўради:

— Сен бориб қараб келасанми?

— Ўзимнинг қизалоққинам!— деди она.— Албатта бораман-да.

Улар биргаликда тепага кўтарилишди. Қизларининг хонаси бу бинодаги энг ораста хона эди. Эрка қизнинг раъйига қараб, деворларга зангори парда тортилганди, оқ-мовий йўл-йўл, сирланган мебель билан жиҳозланганди. Дарпардалари туширилган нимқоронғи хонада қиз яланғоч билагини ёноғи остига қўйиб, қордек оппоқ ўринда ухлаб ётарди. Бу соғлом, дуркун қиз ўн саккиз ёшига нисбатан эрта етилганди. Ҳусни унча бўлмаса ҳам бадани гўзал, силлиқ ва оппоқ, сочи қўнғир, юзи думалоқ, бурни чимчиб олгандек, ёноқлари лўппи эди. Устидаги кўрпа сирғалиб тушиб кетибди; қиз шу қадар оҳиста нафас олардики, унинг дуркун кўкраги қимир этмаётгандек туюларди.

— Лаънати шамол кечаси билан уйқу бермаганга ўхшайди,— пичирлаб деди она.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ота ишора қилиб хотинини жим бўлишга мажбур этди. Иккови ҳам каравот устига энгашиб, қизлик латофатини кўз-кўз қилиб ётган фарзандига меҳр-муҳаббат билан тикилиб қолди; улар қиз кўришни жуда исташганди, қиз эса жуда кеч, улар умидларини узган пайтларида туғилди. Грегуарлар назарида бу қиз мукаммаллик тимсоли эди: улар қизларининг сўмириб кетаётганини сезишмас,— боёқиш тўлишиб кетмаяптида, деб ўйлашарди. Сесиль ота-онаси бошига келиб, уни томоша қилаётганини сезмай ҳамон ухларди. Лекин шу пайт унинг ҳаракатсиз юзи хиёл лип этиб қўйди. Ота-она қизимиз уйғониб кетмасин, деб оёқ учида юриб хонадан чиқишди.

— Секинроқ!— шивирлади жаноб Грегуар эшикни ёпар экан.— Кечаси билан ухламаган бўлса, майли, уйқуга тўйиб олсин.

— Ором олиб ухласин қизалоққинам,— таъкидлади Грегуар хоним.— Биз кутиб турамиз.

Улар емакхонага тушиб, креслоларга ўтиришди. Хизматкор хотин ойимқизнинг уйқучилигидан кулдида, ади-бади қилмай плитада иссиққина турсин, деб шоколадни олиб чиқиб кетди. Грегуар жаноблари газетани қўлига олди, хотини эса катта жун адёлни тўқишга тутинди. Уй жуда иссиқ эди; тиқ этган товуш эшитилмасди.

Грегуарларга ҳар йили қирқ мингга яқин франк даромад келтирадиган мулк Монсудаги тошкўмир конининг битта акцияси эди. Улар Ширкат бунёдга келган даврдан бошланадиган бу акция тарихини ифтихор билан сўзлаб беришни яхши кўришарди.

Ўтган асрнинг бошларида Лиллдан тортиб Валансьенгача бутун областни бирдан тошкўмир васвасаси босган эди. Кейинроқ Анзен Ширкатини таъсис этишган концессионерларнинг муваффақияти ҳамманинг бошини айлантириб қўйганди. Ҳар бир коммунада тупроқ текширилар, бир кечада ширкатлар тузилар, концессиялар вужудга келар эди. Ўша пайтдаги тиришқоқ, ишбилармонлар орасида айниқса ўз билимлари ва қаҳрамонона фидойилиги билан барон Дерюмо ажралиб турарди. У доимий тўсиқларга қарамай, қирқ йил тинмай кураш олиб борди. Унинг дастлабки изланишлари муваффақиятсизликка учради, янги очилган конларни ойлаб ишлатиб, ташлаб кетишга тўғри

келарди: ё шахта босиб қолар, ё қўққисдан юз берган тошқин туфайли ишчилар ҳалок бўлар, юз минглаб франк пул елга совуриларди. Бунинг устига маъмурият ва ваҳимага тушган акционерлар билан бўладиган муомала қийинчиликлари, қирол концессияларини тан олишни истамай, корхона эгаларидан олдинроқ биз билан шартнома тузинглар, деб талаб қилувчи ер эгаларига қарши кураш тинкани қуритар эди. Ниҳоят Монсудаги тошкўмир қатламларини қазиб оладиган «Дерюмо, Фокенуа ва К° жамияти»ни ташкил қилди. У очган конлар унча-мунча даромад бера бошлади. Лекин қўшни шахталар: граф Куньига қарашли Куньи шахталари билан «Корниль ва Женар жамияти»га қарашли Жуазель конлари кескин рақобат қилиб, бутун ишни барбод этишига оз қолди. Ҳаммаларининг бахтларига 1760 йилнинг 25 августида учала кон эгалари келишиб, мулкларини бирлаштиришди-да, «Монсудаги тошкўмир конлари Ширкати»ни туздилар. Ҳали-ҳали ана шу Ширкат ишлаб турибди. Мол-мулкни бўлиб олишни осонлаштириш учун унинг қиймати ўша пайтдаги пулга чақилиб, йигирма тўрт пайга ёки ўша давр тили билан айтганда, йигирма тўрт «су»га баҳоланди. Ҳар бир «су» ўн икки «денье»га бўлиниб, жами икки юз саксон саккиз «денье»ни ташкил қиларди; ҳар бир «денье» қиймати эса ўн минг франк, деб белгиланганди. Шундай қилиб, Ширкатнинг жами маблағи уч миллион франкка боради. Дармонсизланган бўлса ҳам, ғолиб келган Дерюмо тақсимотда олти «су» ва уч «денье» олди.

Ўша йиллари барон Пиоленани қўлга киритди; унда уч юз гектар ер бор эди. Барон Леон Грегуарнинг бобокалони пикардиялик Оноре Грегуарни бошқарувчи қилиб хизматга олганди. Монсуда шартнома имзоланиши биланоқ қисиб-қимтиб, эллик минг франк пул тўплаган, уддабуроликни хўжайинидан ўрганган Оноре ундан қолишмасликка аҳд қилди. У пулларини жарангли тангага айлантириб, бир «денье»ни қўлга киритар экан, болаларимнинг ҳақига зомин бўлиб қолмасмиканман, дея капалаги учиб кетганди. Унинг ўғли Эжен ҳақиқатан ҳам жуда оз дивиденд* оларди; бу-

* Фойда ҳиссаси.

www.ziyouz.com kutubxonasi

нинг устига ғарра-шарра яшашни ният қилгани учун бир қалтис ишдан панд еб, отасининг қолган қирқ мингини бой бериб қўйиб, фақирона ҳаёт кечиришга мажбур бўлиб қолганди. Лекин унинг «денье»сига келадиган даромад секин-аста кўпая борди ва Фелисьен бобоси, яъни мулкнинг собиқ бошқарувчиси қилиб юрган эзгу орзуни рўёбга чиқариш имконига эга бўлиб қолди: у, нафсиламрини айтганда, кепак баҳосига миллий мулк сифатида қирқиб берилган Пиоленани қўлга киритди. Кейин оғир йиллар бошланди, инқилоб зилзилалари оқибатини кутишга тўғри келди, сўнг Наполеоннинг қонли заволи рўй берди. Фақат бир вақтлар бобокалони қўрқа-писа акционерлар жамиятига қўшган маблағнинг ниҳоятда тез суръатлар билан ўсиб бораётган фойдасини Леон Грегуаргина ола бошлади. Ана шу арзимас ўн минг франкнинг даромади Ширкат фаолияти кенгайган сари ўсиб, кўпайиб бораверди. 1820 йилдан бошлаб бу пул юзга юз, яъни ўн минг франкдан фойда бераверди. 1844 йилдан эса йигирма минг франкдан даромад келтирди; 1850 йилда — қирқ минг. Ниҳоят, икки марта бу маблағдан келадиган дивиденд жуда катта суммани,— йилига эллик минг франкни ташкил этди! Лиллдаги биржа муомаласида ҳар бир «денье»нинг қиймати бир миллион франкка чиқди: юз йил мобайнида юз баробар ошди!

«Денье»нинг қиймати миллионга чиққанида Грегуарга, улушингни сот, деб маслаҳат беришди; лекин у мулойимлик билан жилмайиб, қатъиян рад этди. Ярим йил ўтгач, саноат кризиси бошланди-ю, «денье»нинг қиймати олти юз минг франкка тушди. Грегуар аввалгидек жилмайиб юраверди, ҳеч нимага афсусланмади ҳам: эндиликда бари Грегуарларнинг эътиқоди конга баланд эди. Оллонинг ҳақлиги қанчалик бешак бўлса, баҳонинг кўтарилиши ҳам шунчалик шубҳасиз! Бу эътиқодга бутун бир аср мобайнида ҳеч қандай меҳнатсиз катта хонадонни боқиб келаётган хазинадан чуқур миннатдорлик ҳисси ҳам қўшилган эди. Бу уларнинг худбинлиги чинакам саждани эслатувчи қандайдир бир илоҳий нарса — ялқовлик учун кенг шароит яратган, лаззатли неъматлардан баҳраманд қилиб турувчи хонадоннинг маишат париси эди. Бу удум отадан болага ўтиб келди; тақдирни синаб кўриш, ундан шубҳаланишнинг нима кераги бор? Оилавий

анъаналарга бўлган бу садоқатда озгина хурофий қўрқув ҳам бор: улар акцияларни сотиб, «денье»га олинган миллионларни сандиққа солишимиз билан бу пуллар йўқ бўлиб кетади, деб қўрқардилар. Уларнинг назарида, бу пуллар ерда — кўмир қазувчилар — ҳолдан тойган кишиларнинг бутун бир авлоди ҳар куни уларнинг эҳтиёжларига қараб баҳоли қудрат оз-оздан чиқараётган ерда узоқроқ сақланиб қоларди.

Бахт бу хонадонни ўз эҳсонларига кўмиб ташлаганди. Жаноб Грегуар йигитчалик пайтидаёқ Маршьенн аптекачисининг уч пуллик сепи йўқ, хунуккина қизига уйланганди; йигит хотинини иззат-ҳурмат қиларди, хотин ҳам эрининг ўтидан кириб кулидан чиқарди. Грегуар хоним бутунлай хўжалик ишларига берилиб кетганди, эридан мамнун эди; унинг гапи хотин учун қонун эди. Эр-хотиннинг дид-таъблари ҳам бир хил эди; эзгу ниятлари — осуда турмуш; улар шу кўйи бир-бирига меҳрибонлик билан, арзимаган нарсада ҳам бир-бирига ғамхўрлик қилиб, қирқ йил умр кечиришди. Бу бир меъёрда ҳаёт кечириш эди; қирқ минг франк қати бузилмай жойида тураверди, бошқа жамғармалар кейинроқ туғилиб, уларнинг ҳисоб-китобларини ағдар-тўнтар қилиб юборган Сесилга сарфланди. Лекин энди улар эрка қизнинг барча истагини бажо келтирардилар: иккинчи от, иккита экипаж сотиб олдилар. Париждан кийим-кечаклар, пардоз-андоз буюмлари олдириб келишди — буларнинг ҳаммаси уларга олам-олам қувонч бағишларди; улар яна қизларининг кўнглини қандай олишни билмасдилар. Бироқ ўзлари ёшликларида расм бўлган либосларда юришарди — ясан-тусанни, олифталикни ёқтиришмасди. Ўзини оқламаган сарфу харажат уларнинг наздида камоли нодонлик ҳисобланарди.

Бирдан эшик очилиб, қаттиқ қичқириқ эшитилди:

— Вой, бу қанақаси? Менсиз нонушта қилдингларми?

Бу Сесиль эди; у ҳозиргина ўрнидан турган, уйқудан кўзлари шишган эди. У сочларини наридан-бери тўғрилади-да, оқ жун халатини кийиб олди.

— Йўқ, йўқ,— жавоб берди она.— Кўриб турибсанку, биз сени кутиб ўтирибмиз. Қуриб кетгур шамол сенга уйқу бермадими, тилла қизим?

Қиз ажабсиниб онасига тикилди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Шамол бўлдими?.. Ҳеч нимани билмабман, кечаси сираям уйғонмабман.

Ҳамма хахолаб юборди; нонушта олиб келишаётган пазанда хотин билан оқсоч ҳам кулиб қўйишди: бекачанинг ўн икки соат миқ этмай ухлагани ҳақидаги фикр ҳамманинг кулгисини қистатганди. Ёғли булкани кўриб, ҳамманинг чеҳраси гул-гул очилиб кетди.

— Буни қачон ёпа қолдинглар?— сўради Сесиль.— Зўр совға тайёрлабсизлар!.. Қойил! Иссиққина булочка шоколад билан жуда маза бўлади-да!

Ҳамма стол теграсига ўтирди; чинни идишлардаги шоколаднинг ҳовури кўтарилиб турибди; анчагача гап фақат тотли булочка устида борди. Мелани билан Онорина емакхонада қолишиб, пиширик тайёрлашнинг ҳар хил икир-чикирлари ҳақида сўзлашар, ота-она билан қизнинг лабларини мойга булаб, оғзиларини тўлдириб, нонни туширишаётганларини кузатишар эди. Оқсоч ёғли булка ёпиб бериб, хўжайинларнинг ишта-ҳа билан ейишини кўрсанг, жуда ҳузур қиласан, дерди.

Ҳовлидаги итлар қаттиқ вовиллашди; ҳамма душанба ва жума кунлари Маршьенндан келиб, дарс бериб кетадиган музика муаллимаси бўлса керак, деб ўйлади. Ундан бўлак яна тил муаллими ҳам келиб турарди. Пиоленада тўкин-сочин ҳаёт кечираётган эрка қиз китоб жонига тегиши биланоқ уни ойнадан улоқтириб юборадиган бола сингари маълумот оларди.

— Денелен жаноблари,— маълум қилди Онорина хонага қайтиб кираркан.

Унинг кетидан жаноб Грегуарнинг амакиваччаси жаноб Денелен ҳам кирди. У эски суворилар офицерига хос қадам ташлаб, лапанглаб, қаттиқ гапириб, имо-ишоралар қилиб кириб келди. Гарчи ёши элликлардан ошган бўлса ҳам, калта қилиб олинган сочи билан шоп мўйлови қоп-қора эди.

— Ҳа, бу мен, салом... Баҳузур, безовта бўлманглар!

У шундай деб стол ёнига ўтирди. Уни хитоблар билан кутиб олган оила яна шоколад ейишга тушди.

— Бирон маслаҳатли гапинг борми менда?— сўради Грегуар.

— Йўқ, ҳеч гап йўқ,— шошиб жавоб берди Денелен.— Отда бир оз шамоллаб келай деб чиқувдим, ўтиб кетаётиб сизларни бир кўрай дедим.

Сесиль унинг қизлари Жанна билан Люсини сўради. Денеленнинг гапига қараганда, иккови ҳам соғ-саломат, ўйнаб-кулиб юришибди: биттаси расм солиш билан машғул, опаси эса эрталабдан кечгача фортепьяно чалиб, қўшиқ айтишни машқ қиларкан. У гўё ясама қувноқлик билан ташвишини яширмоқчи бўлгандек овози сал титраб гапирарди.

— Конларингдаги ишлар қалай?— сўради жаноб Грегуар.

— Эҳ, бу лаънати кризис мени ҳам, бошқаларни ҳам қийнаяпти... Ҳа, яхши кунларнинг қадрига етмаган эканмиз, энди адабимизни еяпмиз! Беҳисоб пул топамиз, деб заводларни қураверибмиз, темир йўлларни чўзаверибмиз, сармояни тўкаверибмиз. Мана оқибати, пуллар қулоғини ушлаб кетди, қолгани бу корхоналарни ишга солишга ҳам етмайди... Ҳайрият, аҳволимиз унчалик ночор эмас; ҳар қалай, мен-ку бир амаллаб ўнгланиб оларман-а.

Денелен ҳам амакиваччасига ўхшаб Монсудаги тошкўмир кони «деньe»сидан бир акция мерос олганди. Ишбилармон инженер бўлгани учун катта бойлик орттириш иштиёқида куйиб-ёнган Денелен «деньe»нинг курси миллионга чиққанда улушини шартта сотиб юборганди. У анчадан бери бир режани пишитиб юрарди. Унинг хотини тоғасидан Вандам яқинида очилган бор-йўғи иккита шахта — Жан-Барт билан Гастон-Марини ишлатиш ҳуқуқини олганди. Бу шахталар шу қадар хароб ва ёмон жиҳозланган эдики, уларни эксплуатация қилиш харажатларни аранг қопларди. Шу боисдан Денелен Жан-Барт шахтасини тиклаш иштиёқида ёнади, кўпроқ одам ишласин учун янги машина ўрнатади, штольняларни кенгайтиради. Гастон-Мари шахтасини эса резервда ушлаб туради. Ўшанда, дерди у, олтинни белкурак билан олса бўлади. Бу фикр тўғри эди. Лекин миллион сарфланиб кетган, лаънати саноат кризиси ҳам келиб-келиб катта харажатни мўмайгина даромадлар ҳисобига қоплаш керак бўлган бир пайтда юз бериб турибди. Бунинг устига Денелен ноқобил маъмур бўлиб, ишчиларни бир хилда кўрмасди, айниқса хотини вафотидан кейин дуч келганга

www.ziyouz.com kutubxonasi

бойлигини талатаверди; бунинг устига қизларини ҳам ҳаддан ташқари талтайтириб юборди; катта қизи фақат саҳнани ўйласа, кичиги ҳатто учта расмини Салонга ўтказа олмаса ҳам, ўзини рассом деб билади... Оталари синиб, хонавайрон бўлишига қарамай, иккови ҳам ҳаралла-ю тараллани тарк этмасди, аммо муҳтожлик хавфи икковини ҳам ҳар бир тийинни тежаб-тергаб сарфлашга мажбур этган эди.

— Мана, кўрдингми, Леон,— давом этди Денелен дудмол қилиб,— сен мен билан бирга ўз улушингни сотмасдан чув тушдинг. Энди ҳаммаси борбод бўлади, ҳалиям чакки қиляпсан... Агар пулингни менга бериб турганингда борми, Вандамдаги конларимиздан нималар қилиш мумкинлигини сенга кўрсатардим!

Грегуар қолган шоколадни ҳўпларкан, вазминлик билан жавоб берди:

— Мутлақо!.. Савдогарчилик қилишни хоҳламаслигимни ўзинг ҳам яхши биласан-ку. Тинч-осойишта яшаяпман; бошимга бўлмағур ташвишу ғалваларни сотиб олиш камоли нодонлик бўлур эди. Монсу масаласига келганда шуни айтишим керакки, сармоянинг курси қанча тушса, тушаверсин,— тирикчилигимизга етади. Лекин жудаям зиқна бўлиш керак эмас. Кези келганда шуни айтиб қўяйки, бир кун эмас, бир кун мен эмас, сен бармоғингни тишлаб қоласан — Монсу тез орада яна қаддини ростлайди, ҳатто Сесилнинг набиралари ҳам ундан тушадиган пулга оқ нон еб ётишади, мен бунга аминман.

Денелен бу гапларни зўраки табассум билан эшитиб ўтирди.

— Бундан чиқдики,— деди у,— мен сенга бошлаган ишимга юз минг франк қўшгин, деб таклиф қилсам, рози бўлмас экансан-да?

У Грегуарларнинг ташвишли юзларини кўриб, шошмашошарлик қилганига афсусланди; у аҳвол жуда танг бўлиб қолган тақдирдагина қарз олиш хусусида гап очишга жазм этди.

— О! Мен ҳали у даражага бориб етганим йўқ! Ҳазиллашувдим... Лекин балки сен ҳақдирсан: одам кўпроқ бировлар топиб берадиган пулни еб ётаверса семиради.

Гап бошқа мавзуга кўчди. Сесиль яна тоғаваччалари ҳақида гап очди, тоғаваччаларининг дид-таъблари

уни қизиқтирарди ва айни чоқда хижолат ҳам қиларди. Грегуар хоним офтоб чарақлаган куниёқ қизини дўндиқчаларнинг олдига олиб боришга ваъда берди. Фақат хаёли қочиб ўтирган жаноб Грегуаргина суҳбатга қўшилмасди. Ниҳоят у баланд овоз билан деди:

— Мен сенинг ўрнингда бўлганимда, оёғимни тираб ўтирмай, Монсу Ширкати билан музокара олиб борган бўлардим... Улар шуни жуда хоҳлашади, сен эса пулингни қайтариб олган бўлардинг.

У Монсу Ширкати билан Вандам шахталари эгалари ўртасидаги эски адоватга шама қилди. Вандам шахталари Монсу олдида аҳамиятсиз бўлишига қарамасдан, унинг олтмиш етти коммуна ерларини эксплуатация қилиб ётган қудратли қўшниси Монсу Ширкати ўз ерларига суқулиб кириб қолган бу бегона бир парча участкадан ғазабланарди. Вандам шахтасини йўқотиш учун ҳамма чораларни қўллаб, бирор натижа чиқаролмаган Ширкат Денелен корхонаси синиши биланоқ арзимаган пулга сотиб олишни орзу қиларди. Икки орада тўхтовсиз жанг борарди; ҳар қанча фойдаланилганда ҳам мухолифларнинг ер ости йўлаклари бир-биридан икки юз метр масофада тўхташлари керак эди. Гарчи директорлар ва инженерлар орасида назокатли хушмуомала сақланса-да, бу кураш сўнгги томчи қон қолгунча олиб бориладиган кураш эди.

Денеленнинг кўзлари ёниб кетди.

— Асло!— хитоб қилди у ўз навбатида.— Мен тирик эканман, Монсу Вандамни олиб бўпти... Пайшанба куни Энбоникида тушлик қилдим. Энбонинг пинжимга кириб, парвона бўлганини сездим. Ўтган йил кузида бу корчалонлар Бошқармага йиғилишганда мени ҳар кўйга солиб, роса мазах қилишди-да... Ҳа, ҳа, биламан мен уларнинг ҳаммасини, бу маркизу герцогларни, генералу министрларни! Қароқчининг ўзи булар, худо кўрсатмасин, ўрмонда бунақаларнинг қўлига тушиб қолсанг борми, шўрим қуриди деявер, кўйлак-иштонинггача шилиб олади!

Энди уни юпатишнинг иложи йўқ эди. Жаноб Грегуар, сирасини айтганда, Монсу конлари бошқармасини ёқламасди; 1760 йилдан бошлаб унинг олти директордан иборат правлениеси бутун Ширкатга шафқатсизлик билан ҳукмронлик қиларди; ҳар сафар улар-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дан бири ўлганда қолган бештаси энг бой ва нуфузли акционерлардан янги аъзо сайларди. Пиоленанинг хўжайини ўз хоҳишларини тизгинлай оладиган одам бўлганлигидан бу корчалонлар бойлик кетидан қувиб, кўпинча ҳаддан ошиб кетишади, деб ҳисобларди.

Мелани дастурхонни йиғиштиргани келди. Ҳовлида яна итлар вовиллади. Онорина эшик томон юрган эди, димиқиб, қорни тўйиб кетганидан ҳарсиллаётган Сесиль ўрнидан турди.

— Керак эмас, бормай қўя қол,— деди у Оноринага қараб.— Балки, муаллима келгандир.

Жаноб Денелен ҳам ўрнидан турди. У кетаётган қизнинг орқасидан қараб туриб, илжайиб сўради:

— Хўш, Негрелнинг ўғли уйланмоқчийди, нима бўлди?

— Ҳали ҳеч нима маълум эмас,— жавоб берди Грегуар хоним,— ҳамон осмонда юрипти... Ўйлаб кўриш керак.

— Э, бўлмасам-чи,— давом этди у айёрона илжайиб.—Менимча, бу жиян билан холаси тушмагур... Айниқса Энбо хонимнинг Сесилга осилиб олгани мени ҳайрон қолдиради.

Лекин жаноб Грегуар тутақиб кетди. Шундай мўътабар хоним-а, яна ўзидан ўн тўрт ёш кичик йигит билан донлашиб юрса-я! Даҳшат-ку бу! Грегуар бунақа гапларни ҳазил қилиб ҳам гапиришларини ёқтирмас эди. Денелен тиржайганча, унинг қўлини қисиб, узоқлашди.

— Буям муаллима эмаскан,— деди Сесиль қайтиб келиб.— Анави икки болали хотин-чи, ойи, эсингдами, биз учратган шахтёрнинг хотини, ўша келибди... Бу ёққа чақириб келайми?

Грегуарлар иккиланиб қолишди. Ҳамма ёқни из қилиб ташлашмасмикин? Йўқ, унчалик кир эмас кийимлари, ёғоч бошмоқларини зинапояга ечиб келишар. Ота билан она нонушта яхши ҳазм бўлсин учун катта креслоларга ясланиб олишганди; уларнинг ўринларидан қимирлагилари келмасди.

— Бу ёққа олиб киринг уларни, Онорина.

Емакхонага Маэ хоним болалари билан кириб келди; совуқ ўтиб, очликдан силласи қуриган бу бечоралар иссиққина, ёғли нон ҳиди гупиллаб турган хонада чўчинқираб турардилар.

II

Ҳаммаёғи ёпиқ хонанинг панжарасимон дераза қопқоқлари тирқишларидан тушган кундузги кулранг нур йўл-йўл бўлиб, елпиғичдек шифтга таралган эди. Хонанинг дим, бузуқ ҳавосида нафас олиш қийин бўлишига қарамасдан, ҳамма миқ этмай ухларди. Ленора билан Анри қучоқлашиб ётишар, Альзира бошини елкасидаги букрисига ташлаб олган, Ўлмас бобо бўлса, Захария билан Жанлендан бўшаган ўринда бир ўзи ётиб, оғзини очганча хуррак отарди. Йўлакдаги майдончага қўйилган эр-хотин каравотидан ҳеч қандай сас эшитилмасди. Маэ Эстеллани эмизиб бўлгач, ёнбошига ағдарилиб, болани қорнига кўндаланг қилиб ётқизганди-ю, шу кўйи пинакка кетганди, қизалоқ қорни тўйгач, онасининг юмшоқ сийнасига юзини қўйганича ухлаб қолганди.

Пастдаги ку-кулайдиган соат олтига занг урди. Посёлкада кўча эшикларнинг тақ-туқ очилиб ёпилиши, ёғоч бошмоқларнинг тротуар плиталарида тўқиллаши эшитила бошлади: булар сараловчилар бўлиб, ишга кетишаётганди. Кейин соат еттигача яна сукунат чўкди. Еттида дераза қопқалари очилди, юпқа деворлардан қаттиқ ҳомуза тортишлар, йўталишлар эшитила бошлади. Яқин орадаги қаҳвахона тегирмони аллақачондан бери ғижирларди, бироқ Маэ уйидагиларининг биттаси ҳам ҳали уйғонмаганди.

Бирдан қаттиқ қичқириқлар, шапалоқ товушлари эшитилди. Шовқин Альзирани уйғотиб юборди; у ухлаб қолишганини фаҳмлаб, ўрнидан дик этиб турди-ю, оёқ яланг югуриб бориб, онасини уйғота бошлади:

— Ойи, ойи, тез тур! Сен у ёққа боришинг керак... Эҳтиёт бўл. Эстеллани босиб олма тағин.

У шундай деди-ю, онанинг улкан кўкраклари оғирлигидан бўғилаёзган қизалоқни кўтариб олди.

— Вой худо-ей!— деди Маэ аранг кўзларини ишқаларкан.— Шундай чарчабманки, қўйиб берса, кечгача қимирламай ухлардим. Ленора билан Анрини кийинтир, бирга олиб кетаман; сен Эстеллага қараб турасан, бунақа расво ҳавода уни обормай қўя қолай, касал пасал бўлиб қолмасин тағин.

Маэ апил-тапил ювинди, эски кўк юбкасини, яқин-

www.ziyouz.com kutubxonasi

да иккита ямоқ солган, ювиб озода қилиб қўйган кулранг жун кофтасини кийди.

— Тушликни ҳам жаббор чалибди-ку!— яна ғўлдиради Маэ. У зинадан тушаркан, ҳадеб у-бу нарсаларга қоқилар эди.

Бу орада Альзира қайтиб, яна чинқириб йиғлаётган Эстеллани хонага олиб келди. Ушоқ, букри Альзира қизалоқнинг йиғисига ўрганиб қолган, саккиз ёшда бўлишига қарамасдан катта хотинлардек болани овутишга уста эди, — у қизалоқни ҳали совимаган ўрнига оҳиста ётқизди-да, оғзига бармоғини тиқиб сўрдириб, аллалай бошлади. Яхшиям чақалоқни ухлатиб олипти: ниҳоят уйғонишган Ленора билан Анрининг жанжалини босиб, ажратиб қўйишга тўғри келди. Болалар асло тотув юришмасди, фақат уйқуга кетганларидагина бир-бирларини қаттиқ қучоқлаб олишарди. Олти яшар қиз уйғониши биланоқ ўзидан икки яшар кичик укасига ташланар, бола эса муштларга жавоб қайтармай чидар эди. Икковининг ҳам боши худди пуфлаб шиширилгандек катта-катта бўлиб, малларанг сочлари тўзиб кетганди. Альзира синглисини оёғидан судраб ажратди-да, ўлгудек савалайман, деб пўписа қилди. Кейин болаларни ювинтириш, кийинтириш бошланди; улар сўз бермай, оёқларини типиллатиб, қийнашарди. Бобони уйғотиб юбормаслик учун дарчаларни очишмади. Чол болалар кўтарган шовқинсуронга парво қилмай хуррак отиб ётарди.

— Мен тайёрман! Ҳой, тепадагилар, бўлдиларингми?— чақирди она.

Маэ пастдаги хонанинг дарчасини очди, оловини титди-да, кўмир ташлади. У зора-мора чол суюқ ошдан қолдирган бўлса, деб умид қилганди. Лекин котелокни ялаб, чиннидек қилиб қўйипти; уч кундан бери асраб келаётган бир сиқим вермишелни қайнатишга тўғри келди. Болалар ёғсиз ҳам ейишаверади,— бари бир кечагидан ҳеч вақо қолмаганди; лекин у Катринанинг бутербродлардан ёнғоқдек ёғни қолдирганини кўриб, ниҳоятда ажабланди. Бу сафар буфет ҳам шипшийдам: на бир тишлам нон, на бирон овқат қолдиғи бор, мужишга ярайдиган суяк ҳам йўқ. Агар Мегра озиқ-овқатни қарзга бермаса, Пиоленодаги жаноблар юз су бермаса, уларнинг ҳоли нима кечади? Эркаклар билан қизи шахтадан қайтишса, албатта овқат егилари келади; афсуски, одамлар ҳали овқат емасдан кун кўриш йўлини топишмаган.

— Кела қолсаларинг-чи!— қичқирди Маэ жаҳли чиқиб.— Кечга қоляпман.

Альзира билан болалар пастга тушишганда она учта кичкина ликопчага вермишель қуйиб берди. Ўзи эса ичким келмаяпти, деб ишонтирмоқчи бўларди. Гарчи Катрина кеча кофе қуйқасига сув қўшган бўлса ҳам, Маэ яна сув солиб, икки марта катта кружкада ичди: унинг туси кофедан кўра кўпроқ занглаган сувга ўхшарди. Ҳар қалай мадор бўлади-ку.

— Менга қара,— деди Маэ Альзирага қараб,— бувангни уйғотма, Эстеллага қараб тур, йиқилиб, майиб бўлиб ўтирмасин, мабодо уйғониб, жуда йиғлайдиган бўлса, манави бир бўлак қандни сувда эритгин-да, қошиқча билан ичиргин. Биламан, сен ақлли қизсан, буни ўзинг еб қўймайсан.

— Мактабим нима бўлади, ойи?

— Мактаб! Мактабга янаги сафар борасан... Сен менга уйда кераксан.

— Тушлик нима бўлади? Хўп десанг, овқатни мен қила қолай, балки кеч келарсан?

— Тушлик... Тушки овқат... Йўқ, кутиб тур, ўзим келиб қиламан.

Альзира кўпчилик дардчил болалар каби муштдек бошидан бало эди. Овқат пиширишга ҳам уста эди, лекин у гапнинг тагини тушунди-ю, индамай қўя қолди. Бутун посёлка уйғонди, болалар тўда-тўда бўлишиб, пойабзаллари билан тротуарни дўқиллатишиб, мактабга кетардилар. Соат саккизга занг урди; чап томондан, Леваклар уйидан ғўнғир-ғўнғир гаплар тобора қаттиқроқ эшитила бошлади. Хотинлар куни бошланди,— аёллар кофедан ҳўплаб, чакакларига зўр беришар — гўё тилларини тегирмон тошидек тинмай ғалдиратар эдилар. Дераза ойнасига лаби гўштдор, бурни пучуқ, сўлгин юз ёпишди-да, шундай деди:

— Зўр янгилик бор, эшиттингларми?

— Йўқ, йўқ, кейин!— жавоб берди Маэ.— Мен кетишим керак.

Маэ, кириб қайноқ кофе ич, деган таклифга хўп деб ўтириб қолишдан қўрқди-да, наридан-бери Ленора билан Анрини овқатлантириб, уларни етаклаб хонадан

www.ziyouz.com kutubxonasi

чиқди. Тепада бутун уйни бир маромдаги хурраги билан аллалаб Ўлмас бобо ҳамон ухлаб ётарди.

Маэ шамол тинганини пайқаб ҳайрон қолди. Қўқисдан ҳаво исиб кетди; осмон ер рангида эди, намиқиб кетган деворлари яшил тус олганди, йўллар лой. Бу тошкўмир чиқадиган жойларга хос алоҳида лой бўлиб, худди суюлтирилган қурумдек қоп-қора, шунчалик қуюқ, ёпишқоқки, пойабзалингни олиб қоламан дейди. Шу заҳоти Ленорани бир тарсаки уришга тўғри келди: у худди белкурак билан олгандек бошмоғига қалин лойни илаштириб олиб ўйнаётганди. Маэ посёлкадан чиқиб чиқитлар уюми ёнидан ўтгач, каналга олиб борадиган йўл билан юрди; йўлни қисқартириш учун мох босган тўсиқ билан ўралган майдонни чўрт кесиб ўтди. Саройлар узун завод корпуслари билан алмашинар, узун-узун трубалар қоп-қора дуд пуркаб, фабрика посёлкасига айланиб қолган бу қишлоқни булғар эди. Бир тўп тераклар орқасида минораси бузилиб, фақат бақувват пойдевори қолган эски Рекийяр шахтаси кўринди. Ўнгга бурилган Маэ ниҳоят катта йўлга чиқиб олди.

— Тўхта-тўхта, итвачча! Ҳозир адабингни бераман сени!

Бу сафар Анри қўлга тушган эди: у бир қисм лойни олиб мижиғлаётганди. Маэ суриштириб ўтирмай болаларнинг икковига ҳам шапалоқ тортиб юборди; улар жим бўлишиб, ўзларининг йўлдаги кичкина-кичкина изларига кўз қирларини ташлашди. Улар ҳорибчарчаб, лой кечиб, аранг боришарди, чунки ҳар қадам босгандан кейин оёқни зўр-базўр суғуриб олишга тўғри келарди.

Маршьенндан кейин икки милча йўлга тош ётқизилганди; бу йўл қизғиш далалар ўртасидан гўё қорамойга беланган тўғри лентадек ўтарди. Ундан у ёғига ингичка шнурдек қия бўлиб тушиб кетган текисликдаги Монсуни кесиб ўтарди. Шимолдаги йўллар худди тизимчадек саноат шаҳарчалари аро чўзилиб кетарди; баъзан сал буриларди-да, сезилар-сезилмас баланд-пастликлардан ўтарди, улар атрофида секингаста бинолар қурилиб, бутун округни ишчилар посёлкасига айлантириб юборганди. Қиялик этагигача ўнг ва чап томонда ғиштин уйлар тизилиб кетганди. Атроф-теваракдаги бефайз жойни бирон нима билан бўлса ҳам жонлантириш учун уйларнинг баъзиларини сариқ, айримларини зангори рангга, кўпларини эса қорага бўягандилар; бари бир охири ҳаммаси қорайиб кетади-ку, деган мулоҳаза билан қорага бўяган бўлсалар керак. Завод бошлиқлари учун қурилган бир неча катта икки қаватли уйлар кўримсиз уйчалар сафини бузиб турарди. Черков ҳам ғиштин бўлиб, кўмир чангидан қорайиб кетган қўнғироқхонаси билан домна печининг янги моделини эслатарди. Бу ерлардаги қанд заводлари, арқон фабрикалари, тегирмонлар билан бирга танца қиладиган заллар, қаҳвахоналар, пивохоналар ҳам асосий ўринни эгалларди; мингта иморатдан беш юзтаси ана шунақа эди.

Мана Ширкатга қарашли завод корпуслари,— омбор ва устахоналарнинг узун қатори бошланди. Маэ Анри билан Леноранинг қўлларидан ушлаб олди. Директор Энбонинг швейцарияликларнинг тоғ чайласига ўхшатиб солинган ва йўлдан панжара билан ажратилган уйи иморатларнинг орқасида эди. Панжаранинг нарёғида дарахтлари нимжон боғ кўриниб турарди. Дарвоза олдига экипаж келиб тўхтади; ундан орден таққан жаноб билан мўйнали манто кийган хоним тушди — афтидан булар парижлик меҳмонлар бўлиб, Маршьенн вокзалидан келишганга ўхшайди. Нимёруғ вестибюлда Энбо хоним кўринди; у ҳайрат ва қувонч билан меҳмонларни қутлаб, уларга пешвоз чиқди.

— Нимага анграясанлар, юринглар, ишёқмаслар!— вайсади Маэ лойга ботган болаларининг қўлларидан тортиб.

Маэ қаттиқ ҳаяжонланиб, Мегранинг дўконига яқинлашди. Баққол директор билан ёнма-ён турарди: унинг уйи билан ҳашаматли иморатни фақат девор ажратиб турарди. Моллар сақланадиган омбор ҳам шу ерда бўлиб, узун бинога жойлашганди; кўчага қараган баққоллик дўкони ҳам шу ерда эди. Бу ерда ҳамма нарса: баққолчилик буюмлари, колбаса, тар мевалар, нон, пиво, кастрюлкагача сотиларди. Мегра илгари Ворёда назоратчи бўлиб ишларди, сўнг фаолиятини кичкина қовоқхона очишдан бошлади, кейин бошлиқларнинг ҳомийлигида савдо-сотиқни кенгайтириб юборди; секин аста у Монсудаги майда-чуйда дўкондорларни хонавайрон қилди. У ҳамма нарса билан савдо қиларди,

www.ziyouz.com kutubxonasi

завод посёлкаларидаги харидорларнинг кўплиги эса нарсаларни бошқаларга қараганда арзонроқ сотишга, кўпроқ қарз-насияга нарса тарқатишга имкон берар эди. Мегра кейинчалик ҳам Ширкат ёрдамидан баҳраманд бўлиб турди, Ширкат унга уйча билан омбор қуриб берди.

— Мен яна келдим, Мегра жаноблари,— деди Маэ эшик олдида турган дўкондорни кўриб.

Мегра унга индамай қараб қўйди. Бу семиз одам ҳаммага сиполик билан хушмуомалада бўларди; у қарорини ҳеч қачон ўзгартирмаслиги билан фахрланар эди.

— Арзимни тингланг, барака топкур, кечагидек мени ҳайдаб юбормассиз, а? Бир амаллаб шанбагача етиб олсак бас. Тўғри, икки йилдан бери сиздан олтмиш франк қарздормиз...

У арз-додини не машаққатлар билан қисқа ибораларда изҳор қиларди. Ҳалиги олтмиш франк эски қарз бўлиб, охирги иш ташлаш давридан қолганди. Маэлар неча марта шу қарздан қутулайлик, деб жазм қилишарди-ю, аммо уддасидан чиқиша олмасди, чунки маошларидан жилла қурса қирқ су ҳам орттиришолмасди. Бунинг устига ўтган куни бошларига яна бир фалокат тушди — қарзни тўламасаларинг судга бераман, деб қўрқитган этикдўзга йигирма франкни беришга мажбур бўлишди... Мана энди бир тийинга зор бўлиб ўтиришибди. Бўлмаса бошқа ўртоқларга ўхшаб шанбагача чўзиб туришарди-я.

Мегра қорнини дўппайтириб, қўлларини кўкрагига чалиштирганча Маэнинг ҳар бир илтижосига бошини сарак-сарак қилиб, рад жавоб берарди.

— Иккита нон беринг, кўп эмас, Мегра жаноблари. Андишали хотинман, мен сизга кофе беринг, деяётганим йўқ... Фақат уч қадоқли нондан кунига иккита бериб турсангиз бўлгани!

— Йўқ!— ўшқирди ниҳоят Мегра жон-жаҳди билан.

Бир минут ҳам ҳисоб-китоб дафтарларидан бош кўтармайдиган касалманд аёл — Мегранинг хотини кўринди. У бечора хотиннинг илтижо билан боқишини пайқаган заҳоти қўрқиб, кўздан ғойиб бўлди. Одамларнинг айтишларича, юккаш аёллар харид қилгани келишганда, бу аёл ўз ётоғини бўшатиб берар экан.

Бу нарса ҳаммага маълум: агар кўмир қазувчи қарз тўлаш муддатини чўзмоқчи бўлса, дўконга қизи ёки хотинини юбориши лозим — чиройликми, хунукми, бари бир, фақат кўнгли бўш бўлса бас.

Маэ илтижо билан Меграга қараб тураркан, бирдан ўзини ноқулай сезди. У Мегранинг хира кўзлари ҳирс билан тикилиб турганини пайқаб қолди. Бу ҳол унинг жонини чиқариб юборди: етти боласи бўлмаса, ўзи ёш бўлганда ҳам майли эди! Маэ ариқдан оқиб келаётган ёнғоқ пўчоқларини тутиб, қарашаётган Ленора билан Анрининг қўлларидан силтаб, жўнаб қолди.

— Бу ишингиз сизга бахт келтирмайди, жаноб Мегра, мени айтди дерсиз бир кун.

Энди унинг умиди фақат пиоленалик жаноблардан эди. Агар улар ҳам юз су қарз беришмаса — унда очдан ўлишдан ўзга чора қолмайди. У йўл юриб, чапга, Жуазель томонга бурилди. Йўллар туташиб, бурчак ҳосил қилган жойда Правлениенинг ғиштин биноси қад кўтариб турарди. Бу ҳашаматли саройда ҳар кузда парижлик донгдор жаноблар, князлар, генераллар, амалдорлар асъаса-дабдаба билан зиёфат беришарди. Маэ бораркан, оладиган юз суни хаёлан сарфлаб ҳам бўлди: даставвал нон, кейин кофе, сўнг чоракталикда ёғ олади, эрталабки суюқ ошга ва кечки овқатга бир челак картошка ва ниҳоят озгина студень* ҳам сотиб олади, чунки эри гўштлик таом емаса бўлмайди.

Монсулик руҳоний, аббат Жуар ридосининг этагини кўтариб, худди терисини булғашдан қўрққан семиз мушукка ўхшаб оҳиста қадам босиб ўтиб кетди. Бу беозор қобил киши ишчиларни ҳам, хўжайинларни ҳам ўзига қарши қилиб қўймаслик учун ҳеч кимнинг ишига аралашмасликка ҳаракат қиларди.

— Салом, кюри жаноблари.

Маэ умуман тақводор бўлмаса ҳам, бирдан назарида руҳоний бир илож қилиб ёрдам берадигандек туюлди. Жуар тўхтамасдан болаларга илжайиб қўйди-да, йўл ўртасида қоққан қозиқдек туриб қолган хотин ёнидан ўтиб кетди.

Шундан кейин хотин яна ёпишқоқ қоп-қора лойдан юриб кетди. Яна икки километр йўл бор; энди болаларни ҳам судраб бориши керак; болалар ўлгудек

* Гўшт ёки балиқни қайнатиб тайёрланган яхна овқат.

www.ziyouz.com kutubxonasi

чарчашганди, улар энди ҳеч нимага қизиқмай ҳам қўйишганди. Ўнг ва сўл томонда ҳамон ўша мох босган панжара билан иҳота қилинган майдонлар кўринарди, ис босган баланд-баланд трубали фабрика корпуслари тизилиб кетганди. У ёғида далалар — бепоён, кўз илғамас қўнғир тупроқли ерлар ёстаниб ётарди; атрофда уфққа қадар, Вандам ўрмонлари бинафшаранг товланиб турган жойгача бирон туп дарахт кўринмасди.

— Мани кўтариб ол, ойи.

Маэ навбатма-навбат болаларни кўтариб оларди. Тош йўлда одим жойда кўлмак бўлгани учун Маэ хўжайинлар олдига лой бўлиб бормай, деб юбкасини липпасига қистириб олганди. Уч марта йиқилиб тушишига оз қолди,— лаънати йўл шу қадар сирғанчиқ эди. Улар ниҳоят уйга яқинлашганларида иккита ит шу қадар вовиллаб уларга ташландики, болалар қўрқиб, қичқириб юборишди. Кучер қамчинни ишга солишга мажбур бўлди.

— Бошмоқларингни ечиб киравериглар, — деди Онорина.

Она-болалар емакхонага киришди-ю, қаққайиб туриб қолишди; уйнинг иссиғи дарҳол уларни гангитиб, креслога ясланиб, диққат билан разм солиб ўтирган кекса жаноб билан анча ёшга бориб қолган хоним-нинг савлати қаттиқ хижолат қилиб қўйган эди.

— Қани, қизалоғим,— деди хоним,— арзимас бурчингни адо эт.

Грегуарлар қизлари зиммасига камбағалларга ёрдам бериш вазифасини юклагандилар. Уларнинг назарида бу иш яхши тарбия ҳисобланарди. Раҳму шафқатли бўлиш керак, чунки бизнинг уй худонинг уйи, дейишарди улар. Шуниси ҳам борки, улар яқин кишиларга оқилона ёрдам бераётганларига ишонишар, доимо алданишдан қўрқишар, ножоиз хайр қилиб, гуноҳга ботишдан ҳайиқишарди. Шу сабабли улар ҳеч қачон, асло пул беришмасди! Ўн су у ёқда турсин, икки суни айтинг,— ахир гадойга икки су тегдими, бас, дарров бориб ичиши аниқ. Шунинг учун ҳам улар ҳамма вақт хайру садақага пул эмас, кўпинча қишда йўқларнинг болаларига иссиқ кийим-кечак беришарди.

— Вой бечора болалар-ей!— хитоб қилди Сесиль.— Совуқ еб кўкариб кетишибди-ю! Онорина, шкафдаги тугунни олиб чиқ.

Оқсоч ҳам бечораларнинг ҳолига юраги ачиб, анграйиб қолган эди: бироқ бу ачиниш — ўз қорни ғамини емайдиган аёлнинг изтироби эди. Оқсоч нарсаларни олиб келгани тепага чиқиб кетгач, ошпаз хотин қолган бурда-сурда нонларни йиғиштирмоқчи бўлди-ю, лекин уларни яна стол устига қўйди-да, қўлларини қовуштириб, емакхонада ўтираверди.

— Менда худди мўлжалдагидек иккита жун кўйлак билан иссиқ рўмол бор эди,— Сесиль давом этди гапида.— Мана кўрасиз, иссиққина, болаларингизнинг жони киради!

Бу орада бир оз ўзига келган Маэ қўрқа-писа деди:

— Сизга катта раҳмат, бекача... Қўлингиз очиқ экан...

Маэнинг кўзларига ёш келди. Унга юз су нақддек туюлди ва у жанобларнинг ўзлари таклиф этишмаса, нима деб айтишни, қандай ундиришни ўйлади. Оқсоч ҳадеганда келавермади; орага ноҳуш сукунат чўкди. Болалар онанинг юбкасига ёпишиб, булкага суқлик билан қарашарди.

— Болаларингизнинг бори шу иккитами?— сўради Грегуар хоним сукунатни бузиб.

— Йўқ, хоним, етти болам бор.

Яна газета ўқишга тутинган жаноб Грегуар жаҳли чиққанидан ҳатто ўрнидан сал туриб ўтириб, деди:

— Етти бола, вой худойим-ей! Нега мунча кўп?

— Бу ақлдан эмас,— ғўлдиради кекса хоним.

Маэ гўё кечирим сўргандек мужмал имо-ишора қилди. Нима ҳам қилардинг? Бу ҳақда ўйламайсан ҳам, ўз-ўзидан бўлиб қолаверади-да. Аммо кейин болалар ўсиб катта бўлишгач, ишлаб, оилага ёрдам беришади. Сирасини айтганда, улар ҳозир ҳам, агар жуда қариб қолган бобо бўлмаганида, болалар ҳам сал каттароқ бўлишганда-ку, зориқиш нималигини билишмасди-я; икки ўғли билан бир қизи конда ишлашга рухсат этиладиган ёшга энди етишди. Ҳар қалай кичкиналарни ҳам боқиш керак,— ахир улар ҳемири ҳам ишламайди-ку.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Демак, сиз бу конларда анчадан бери ишлар экансиз-да?— сўради Грегуар хоним.

Маэнинг қонсиз чеҳраси унсиз табассум билан ёришди.

— Э, нимасини айтасиз! Ҳа... йигирмага киргунимча ишладим. Лекин иккинчи марта туққанимда, доктор агар ишни давом эттираверсанг, ўша ерда ўласан, деди; суякларимга бир бало бўлибди шекилли. Бунинг устига ўша пайтларда эрга теккандим, уйда ҳам ишларим кўпайиб қолувди... Лекин эримнинг авлод-аждоди узоқ замонлардан бери шахталарда ишлаб келишади. Эримнинг бувакалони бошлаб берганми-ей,— хуллас, ҳеч ким билмайди қачон бошлашганини,— Рекийярдан кон топишган вақтларда бўлиши керак.

Жаноб Грегуар хаёл суриб, хотинга, унинг нимжон болаларига, уларнинг заъфарондек юзларига, оқимтир сочларига разм солди. У уларнинг бўйлари пастлиги, юзларининг қонсизлиги, фақирона яшашларини кўриб, бу туғма нуқсонлар аломати эканини пайқади! Яна сукунат чўкди, фақат каминдаги кўмирнинг чирсиллаши эшитиларди. Иссиқ емакхонанинг дим, оғир ҳавосидан тўқ, фаровон ҳаёт ҳиди келарди; маъмурчилик ҳавоси бу бадавлат, хирсдай тўқ хонадоннинг ҳар бир бурчагини тўлдирган эди.

— Мунча имилламаса-я?— қичқирди Сесиль токати тоқ бўлиб.— Мелани, чиқиб айт, тугун шкафнинг пастида, чап томонида турибди.

Шу пайт бу бечораларнинг афт-башарасини кўриб хаёлга чўмган жаноб Грегуар мушоҳадаларини овоз чиқариб якунлади:

— Дунёда қайғу-ғам кўп, бу ҳақ гап; лекин азизам, ўзингиз ҳам тан беринг, ишчиларнинг ўзлари ҳамиша ҳам оқилона иш тутмайдилар. Деҳқонларга ўхшаб бир кунимга яраб қолар, деб оз-оздан пул йиғиб юриш ўрнига, кўмир қазувчиларимиз ичкиликка зўр берадилар, қарзга ботадилар, пировардида оилани тебратишга қурбилари етмай қолади.

— Гапингиз тўғри,— деди Маэ вазминлик билан.— Ишчиларимиз кўрпаларига қараб оёқ узатмайдилар. Улар шикоят қилишганда минг марта айтаман бу ишёқмасларга... Тағинам омадим бор экан: эрим ичмайди. Ҳа энди, якшанба кунлари сайил қилиб бир оз ичади, лекин анавиларга ўхшаб кўп эмас. Унинг

шуниси яхшики, турмуш қургунимизча роса ичган, молдек ичарди ўзиям. Аммо ўзини тийгани билан ишимиз юришмаяпти-да. Мисол учун мана шу бугунги кунни олайлик, уйни ағдар-тўнтар қилиб юборсангиз ҳам, бир тийин тополмайсиз.

Маэ, менга юз су керак бўлиб қолди, деб шама қилиб ўтмоқчи бўлиб чайналар, маъшум қарз домига қандай илиниб қолишганини тушунтирмоқчи бўларди; дастлаб арзимаган пул экан, лекин вақт ўтиши билан кўпайиб, жами жамғармаларни ҳўплаб кетибди. Улар қарзни ҳар моянадан канда қилмай тўлаб боришаркан. Лекин бир сафар тўлашнинг иложи бўлмаган экан — тамом— ўшандан бери пул тўплашолмасмиш. Рўзғор эмас — гор деганлари тўғри экан, отинг ўчкур бу тешикни ҳеч тўлдириб бўлмайди-я; шундан кейин: бу нима, итдек ишлайсан, ишлайсану ҳатто қарзингдан ҳам қутулолмайсан, деб ўкинасан. Ҳе, қуриб кетсин ҳаммаси! Ўлиб қутулмасанг, тиригингда қутулиш йўқ бу ташвишлардан. Бунинг устига кўмир қазувчи учун бир-икки кружка пиво ичиб туриш фойдали эканлигини ҳам айтиш керак, кўмир чангларини ютавергандан кейин оғизни чайқаш ҳам керак-да. Ичкилик ана шундай бошланади, кейин, бирон кўнгилсизлик юз бериб қолса, қовоқхонадан чиқмайди қўяди. Маэ ҳеч кимни айбламайди, бу фалокатларнинг боиси унинг фикрича, ишчиларнинг кам ҳақ олишида бўлса керак.

— Ширкат сизларга тураржой, ёқилғи беради, шекилли,— гап қистирди Грегуар хоним.

Маэ каминда ловиллаб ёнаётган кўмирга кўз қирини ташлаб деди:

— Ҳа, ҳа, бизга кўмир беришади: унча яхши бўлмаса ҳам, ростини айтганда, ҳар қалай ёнади... Жой масаласига келсак: уй учун ойига бор-йўғи олти франк — арзимаган пул тўлаш керак, лекин кўпинча шуниям орттиролмай қоламиз... Мана бугун мени сўйиб, минг бўлакка бўлингки, икки су ҳам топа олмайсиз. Тагида бўлмагандан кейин, минг қидир, тополмайсан-да!

Хўжайин билан хоним креслоларда таманно билан жим ўтиришарди, улар бундай муҳтожликни кўриш ва эшитишдан алланечук бўлиб, зерикишди. Маэ уларнинг иззат-нафсига тегиб қўймадиммикин, деб қўрқиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

кетди; тадбирли аёл бўлгани учун вазминлик билан қатъий оҳангда деди:

— Э, мен бу гапларни арз-дод маъносида айтаётганим йўқ. Пешонамизда бори шу бўлгандан кейин, на чора, кўнамиз-да; ўзингни минг у ёқдан бу ёққа урганинг билан бари бир ҳеч нима ўзгармайди. Менимча, энг муҳими, тақсир, худонинг берганига қаноат қилиб яшашу ўз ишингни виждонан бажарганинг яхши.

Жаноб Грегуар Маэнинг гапларини жудаям маъқуллади.

— Бундай эътиқодли киши, азизам, ҳеч қачон хор бўлмайди.

Онорина билан Мелани ниҳоят тугунни олиб келишди. Уни Сесилнинг ўзи ечди-да, иккита кўйлакчани олди. Кейин уларга биттадан рўмол, ҳатто пайпоқ билан қўлқоп ҳам қўшди; у болажонлар жони кириб кийишади, деб ишонтирди, чўри хотинга эса ажратилган нарсаларни ўраб беришни буюрди. Сесиль шошиб қолди: ниҳоят музика ўқитувчиси келиб қолганди, шунинг учун ҳам она-болаларни тезроқ уйдан жўнатишга ошиқди.

— Пулимиз қолмади ҳечам, — қўрқа-писа деди Маэ,— агар бизда лоақал юз су пулимиз бўлгандаям...

Унинг сўзлари бўғзида қолди, чунки Маэлар ориятли бўлишиб, ҳалигача бировдан хайру садақа сўрашмаганди. Сесиль нима қиламиз дегандек отасига қаради, лекин у гўё эзгу бурчни адо этаётгандек ўшшайиб қатъиян рад этди.

— Йўқ, пул бериш бизнинг удумда йўқ. Биз беролмаймиз.

Шунда она чеҳрасида зоҳир бўлган ғам-андуҳдан таъсирланган Сесиль болаларга бирор нарса беришга қарор қилди; улар келганларидан бери булкадан кўзларини олишмас эди; Сесиль икки бўлак нон кесиб, уларга узатди.

— Мана! Бу сизларга.

Лекин кейин Сесиль уларни қайтариб олди-да, эски газета беришларини буюрди.

— Шошмай туринглар, ҳали опа-сингилларинг билан бўлиб ейсизлар.

Сесиль меҳмонларни эшикка чиқариб қўйди, ота-она эса қизларининг бу ишларига завқ билан қараб

туришарди. Анчадан бери нон тишламаган бечора болалар совуқ қотган мурғак қўлларида икки бўлак ёғли булкани ардоқлаб тутиб борардилар.

Маэ катта тош йўлдан болаларнинг қўлларини тутиб судраб борарди: у бийдай далаларни ҳам, қора лойни ҳам, қовоғи солиқ осмонни ҳам кўрмасди: кўз олдида олам чир-чир айланарди. Яна Монсу орқали ўта туриб, Маэ дадил қадам билан Мегранинг олдига кирди-да, ялиниб-ёлвориб, ниҳоят, икки буханка нон, кофе ва ёғдан ташқари ҳатто муддаоси юз сулик тангани ҳам олди: айтганча Мегра судхўрлик билан ҳам шуғулланарди. Унга Маэ эмас, Катрина керак эди. Маэ хоним бу нарсани Мегра, озиқ-овқатни олиб кетгани қизингни юбор, деганида фаҳмлади. Майли, кўрамиз. Агар у қўлига эрк берса, Катрина унинг юзига тарсаки тортиб юбориши турган гап.

III

Аббат Жуар якшанба кунлари имомлик қиладиган Икки юз зағизғон посёлкасидаги ғиштин черковнинг қўнғироқлари ўн бир марта занг урди. Черков ёнида мактаб бўлиб, унинг биноси ҳам ғиштин эди. Совуқ бўлгани учун деразалар зич ёпилганига қарамасдан болаларнинг чўзиқ товушлари эшитилиб турарди. Тўртта катта маҳалла уйларига туташиб кетадиган хиёбонга ёнма-ён тушган кенг кўчада жон зоти кўринмайди. Дарахтлар ҳали қишдагидек яп-яланғоч; тошлоқ ерлар чопилиб, ариқчалар олинган, кечки сабзавотлар тўда-тўда бўлиб ивирсиб ётибди. Ошхоналарда овқат қилинарди. Мўрконлардан дуд чиқиб турибти. Аҳён-аҳёнда уйлардан хотин киши чиқиб, эшик очилар, яна ғойиб бўларди. Емғир тинган бўлса ҳам, аммо осмон кулранг эди, шунчалик ҳаво нам эдики, тош ётқизилган тротуарга қўйилган бочкаларга тарновлардан ҳамон сув чакиллаб томарди. Кенг, ясси тепаликка қурилган қора йўллар гўё мотам ҳошиясидек ўраб олган бу бефайз посёлкага ёмғир тинмай ювaётган қизил черепицали томларнинг тўғри қаторларигина жон киритиб турарди.

Маэ қайтишида бир кўчага бурилди-да, назоратчининг хотинидан картошка сотиб олмоқчи бўлди. Бу хотинда ўтган йилги картошкадан қолган эди. Бу ёқ-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ларнинг ягона дарахти — нимжон тераклар орқасидан бир хил иморатлар тўдаси кўринади: уйлар тўрттатўртта қилиб бирлаштирилган, атрофлари боғ эди. Ширкат бу участкани штейгер ва назоратчилар учун сақларди. Кўмир қазувчилар уни «Ипак пайпоқ» посёлкаси дейишар, ўз районларига эса, ўта муҳтожликка заҳарханда қилиб, «Қарзни тўла» деб от қўйгандилар.

— Уф! Етиб келдиг-ей, ўлсин,— деди пакетларни кўтариб олган Маэ хоним оёқлари лойга ботган, совуқ қотган Ленора билан Анрини ичкарига киргизаркан.

Ўт ёнида Альзира қўлида биғиллаётган Эстелла билан ўтирар, қизалоқни овутишга уринади. Қанд қолмаганди; чақалоқни қандай қилиб тинчитишини билмаган Альзира ўз кўкрагини тутиб Эстеллани алдамоқчи бўлди. У кўпинча шундай қилиб овутарди. Лекин ҳозир бундан ҳам иш чиқмади: қиз қўйлагининг тугмасини ечиб, ўзининг ориқ, ҳали бўртмаган сийнасини чақалоқ оғзига ҳар қанча тутмасин, бари бир чақалоқ тинчимас, ҳеч нима эмолмай унинг кўкрагини тишлаб олар эди.

— Болани менга бер!— Қичқирди она пакетларни қўйгач.— Гапни гапга қовуштирмайди у!

Маэ корсажидан тирсиллаб турган саночдек оғир сийнасини бўшатди. Сийнага оғзи теккан йиғлоқи шу заҳоти овунди қолди. Энди гаплашса бўлади. Уй саранжом-сариштa; кичкина бека олов ёққан, супуриб-сидирган, емакхонагача, ҳаммаёқни ораста қилиб қўйган эди. Сукунат чўкди; тепада бобо ҳамон аввалгидек бир маромда ҳуррагини отиб ётарди.

— Мунча кўп яхши нарсалар олиб келибсан!— деди Альзира жилмайиб, емишларни кўздан кечираркан.— Агар хўп десанг, ойи, овқат қиламан.

Стол усти тўлиб кетган бўлиб, унда кийим-кечак ўралган тугун, иккита булка нон, картошка, ёғ, кофе, сачратқи талхаси, ярим қадоқ студень ётарди.

— Ҳа, суюқ ош қил! — хаста товуш билан деди Маэ.— Бориб шовул билан кўк пиёз териб келиш керак... Йўқ, эркакларга кейин ўзим қиламан овқатни... Картошкадан қайнат, сарёғ билан еймиз... Ҳа, яна кофе бор, кофе қайнатиш эсингдан чиқмасин.

Маэнинг эсига бирдан ёғли булка тушиб қолди-да,

дам олиб, ерда ўйнашиб ўтирган Ленора билан Анрига қаради. Наҳотки бу очопатлар икки бўлак булкани йўлда билдирмай еб қўйишган бўлса? Маэ уларнинг гарданига муштлади. Котелокни ўтга қўйиб келган Альзира онани юпатди:

— Қўй уларни, ойи, урма. Агар бу нон менга бўлса, ўзинг биласан-ку, менга бари бир, улар жуда узоқ йўл юриб, роса очиқишган.

Пешин бўлди. Кўчада мактабдан қайтаётган болаларнинг оёқ товуши эшитилди. Картошка қайнаб пишди, ярмига талхак солиб қайнатилган кофе ҳам бисқирлаб, тайёр бўлди, унинг йирик томчилари плита устига сачраб жизиллай бошлади. Столнинг бир четини тозалашди; лекин стулда фақат онанинг ўзи ўтирарди, болалар бўлса тиз чўкиб олишганди. Мечкайлиги билан ажралиб турадиган Анри ғоят ҳаяжонлантираётган ёғли қоғозга ўралган студенга индамай қараб-қараб қўярди.

Маэ исиниш учун стаканни икки қўллаб ушлаб, кофедан майдалаб ҳўплаб ўтираркан, тепадан Ўлмас бобо тушиб келди. Одатда у кечроқ уйғонар, нонуштаси эса плита устида турар эди. Лекин бу сафар у суюқ ош йўқлигидан нолиб вайсади. Келини, ҳамишаям хоҳлаган нарсангиз бўлавермайди-да, дегандан кейин чол жим бўлиб, картошка ейишга тушди. У вақт-вақти билан ўрнидан туриб, полни ифлос қилмаслик учун кул уюмига туфларди-да, яна курсисига ўтирар, бошини қуйи солар, шуурсиз боқиб, овқатини чайнар эди.

— Вой, ойи, эсимдан чиқипти!— хитоб қилди Альзира.— Қўшни хотин чиқувди...

Она унинг гапини бўлди:

— Жудаям жонимга тегди-да, ўша хотин!

У қўшниси Левакнинг хотини кеча қарз сўраб қолмасин, деб ўзининг қашшоқлигидан нолиганини эслаб, ичида хафа бўлди. Чунки Маэ шу кунларда униг ҳеч нимага зориқмаслигини, уларникида ижарага турадиган Бутлунинг пулни икки ҳафта олдин бериб қўйганини жуда яхши биларди. Сирасини айтганда, посёлкадаги одамларнинг биттаси ҳам бир-бирига қарз бермасди.

— Тўхта! Яхши эсимга солдинг,— деди Маэ.— Қо-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ғозга кофедан бир сиқим ўра... Пьерроннинг хотинига олиб бориб бераман, қарз олганимга уч кун бўлди.

Қизи пакетчани тайёрлаб бўлгач, онаси, ҳозир қайтиб келаману эркакларга овқат қиламан, деди. Кейин у Эстеллани кўтариб чиқиб кетди. Ўлмас бобо ҳамон картошкани чайнар, Ленора билан Анри бўлса топиб олиб ейишаётган пўстлоқни талашиб уришишарди.

Маэ айланиб келиш ўрнига Левакнинг хотини чақириб қолишидан қўрқиб, боғ оралаб тўппа-тўғри юрди. Маэлар участкаси Пьерронларнинг боғига туташган бўлиб, панжарасимон тўсиқда бир одам бемалол сиғадиган дарча қолдирилганидан қўшнилар бир-бирларинникига бемалол кириб-чиқишарди.

Шу ернинг ўзида қудуқ бўлиб, ундан тўрт хонадон фойдаланарди. Ён томонда, сўлиган сирень бута-лари орқасида қақир-қуқурлар билан тўла пастаккина кичик сарой бор; шу ерда қуён боқишади; қуёнларни семиртириб, байрамларда сўйиб ейишарди. Соат бирга занг урди. Бу вақтда ҳамма кофе ичиш билан машғул бўлганидан эшиклар олдида ҳам, деразалар олдида ҳам ҳеч ким кўринмасди. Фақат битта ремонтчи ишчи шахтага кетишидан олдин бошини кўтармай участкасида сабзавот эккани ариқ оларди. Рўбарўдаги уй олдига келган Маэ черков олдида бир жаноб билан икки хонимни кўриб ҳайрон қолди. У тўхтаб, уларни дарров таниди: бу Энбо хоним бўлиб, меҳмонларига — орденли жаноб билан мўйнали манто кийган аёлга посёлкани кўрсатаётган эди.

— Э, нега овора бўлиб юрибсан?! — хитоб қилди Пьерроннинг хотини Маэ унга кофени бергач.— Шошилмасанг ҳам бўларди.

Йигирма саккиз ёшдаги бу жувон посёлкада хушрўйлиги билан шуҳрат қозонганди. Қорамағиздан келган, пешонаси паст, кўзлари шаҳло, оғзи ўймоқчадай бу жувон жуда танноз, озода эди. Бола кўрмагани учун кўкраклари диркиллаб турарди. Унинг Ашаддий лақабини олган онаси шахтада ҳалок бўлган бир кўмир қазувчининг беваси бўлиб, қизини фабрикага ишга юборган ва ҳеч қачон қизимни кончига бермайман, деб қасам ичган эди. У ўтириб қолган қизи хотини ўлиб, саккиз яшар қизчаси билан қолган тул Пьерон га текканини кўриб, бениҳоя ғазабланди. Гарчи эри-

нинг серандишалиги ва рафиқасининг ўйнашлари борлиги ҳақида бўлмағур латифалар, фисқу фасодлар кўп бўлса ҳам, эр-хотин жуда бахтиёр ҳаёт кечиришарди. Пьерронлар ҳеч кимдан қарз олишмасди, ҳафтада икки марта гўштли овқат ейишарди; уй шу даражада озода тутилардики, қайси кастрюлкага қарасанг, аксинг кўринади. Бу оилавий масрурлик устига хўжайинларнинг лутфу карами билан Пьерроннинг хотинига ўзи тайёрлаган конфет ва печеньеларини сотиш рухсат этилганди, аёл бу нарсаларни шиша вазаларга солиб, деразага ўрнатилган иккита токчага қўярди. Бу иш кунига олти-етти су, баъзан якшанба кунлари ўн икки су даромад берарди. Уларнинг осуда ҳаётларида фақат қари исёнчидек ғазабланиб, эрининг ўлими учун хўжайинлардан ўч оламан, деб доимо қарғаб-қақшаб юрувчи Ашаддий билан оиланинг ҳамма аъзолари кучларини аямай савалайдиган кичкина Лидия кўзга тушган хасга ўхшаб турарди.

— Кап-катта бўлиб қолибди-ю, қизинг,— деди Пьерроннинг хотини Эстеллани эркалатаркан.

— Э, шўримни қуритяпти бу, қўй, гапирма!—эътироз билдириб деди Маэ.— Қандай бахтлисан, чурвақаларинг йўқ. Ҳеч бўлмаса уйинг озода туради-ку.

Маэнинг уйи ҳам озода, режали, ҳар ҳафта поли ювилиб турса ҳам, у ёп-ёруғ, кўзни қамаштирадиган даражада тоза ва ҳатто буфетдаги зарҳалли вазалар, тошойна, рамкага солинган учта гравюра билан зийнатланган хонага бекаларга хос суқланиб қаради.

Еш жувон энди кофе ичаман, деб турувди; оила аъзоларининг ҳаммаси шахтада бўлгани учун кофени ёлғиз ўзи ичишга мажбур бўларди.

— Мен билан бирга бир стакан ичгин,— таклиф қилди жувон.

— Йўқ, раҳмат, ҳозиргина уйда ичиб келдим.

— Хўш, ичсанг, нима бўпти?

Аслини олганда бунинг сира аҳамияти йўқ эди. Иккала хотин бамайлихотир кофе ича бошладилар. Деразадан, печенье ва конфетлар солинган шиша вазалар орасидан рўбарўдаги қатор уйларнинг дарпардалари кўзга ташланади. Бу дарпардаларнинг ранги уй бекаларининг қай даража озодалигидан далолат берарди. Левакларнинг дарпардалари ниҳоятда кир

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлиб, гўё улар ҳозиргина кастрюлканинг туби артилган латтага ўхшарди.

— Одамларга ҳайронман, шунчалик кирга ботиб, ғашлари келмагани!— ғўлдиради Пьерроннинг хотини.

Маэ худди шуни кутиб турган экан шекилли, гапга тушиб кетди. Агар унинг уйида Бутлуга ўхшаган ижарачи бўлгандами, уй тутиш қандай бўлишини кўрсатиб қўярди-я! Агар билиб иш тутса, ижарачи сақлаш фойдали жуда. Лекин у билан дон олишиб юришнинг ҳожати йўқ. Шунинг учун ҳам эри ўлгудек ичади, хотинини дўппослайди, Монсудаги яллачиларнинг олдига югуради.

Пьерроннинг хотини жирканиб, афтини буриштирди. Ҳе, ўша яллачиларни худо олсин! Ҳамма касаллик ўшалардан тарқайди. Жуазелда битта хотин бутун шахтадагиларга касал юқтирди.

— Ўғлинг Левакнинг қизи билан юрганига сенинг лом-мим демаслигинг мени ҳайрон қолдиряпти!

— Ўзинг нима қилардинг менинг ўрнимда бўлганингда, қани айт, эшитай-чи?.. Уларнинг боғи билан бизники ёнма-ён. Езда Захария қачон қарасанг, Филомена билан сирень тагида тургани турган. Бундоқ одамлардан андиша ҳам қилишмайди, жилла қурса саройнинг ичига ҳам ўтишмайди, қачон қудуққа сув олгани борсанг, икковининг гаплашиб тургани устидан чиқасан.

Посёлкадаги барча ошиқ-маъшуқларнинг оддий тарихи мана шундай эди. Йигит ва қизлар бир-бирларини бузишади; оқшомлари улар ўз таъбирлари билан айтганда, саройнинг пастак, нишоб томида ўйнашганлари ўйнашган. Юккаш қизлар бўлса, баъзилари биринчи боласини сарой ичида туғиб қўярди; баъзилари эса туғиш учун Рекийярга ёки жавдар орасига жўнаб қолардилар. Одатда бу ишларнинг оқибати енгил кўчарди; йигит-қизлар уйланишиб олишарди, фақат барвақт уйланган йигитларнинг оналари, ўғлим уйга ҳеч нима олиб келмайди, деб жаҳли чиқарди.

— Сенинг ўрнингда бўлсам, мен ортиқча қаршилик кўрсатиб ўтирмасдим,— деб давом этди мулоҳаза билан жувон.— Қиз Захариянгдан иккита болали бўлди, энди улар сира ҳам бир-биридан ажрамайди... Энди ишлайдиган пулидан умид қилмасаларинг ҳам бўлади.

Маэ ғазабланиб, қўлларини ишқалади:

— Ҳа, агар улар тониб кетадиган бўлишса, қарғишимга қолишади. Нима Захария бизни ҳурмат қилмаслиги керакми? Уни суягини қотиргунча озмунча заҳмат чекдикми? Тўғрими? Шунинг учун аввало ота-онасидан қарзини узсин, кейин хотин олсин... Муштдек бошидан болаларимиз бировлар учун ишлай бошласа, бу ёғи нима бўлади? Унда очимиздан ўлишдан бошқа иложимиз қолмайди!

Ҳар қалай кўп ўтмай Маэ ҳовуридан тушди.

— Мен бу гапларни шунчаки айтяпман-да, у ёғини кейин кўрамиз. Кофени аччиқ дамлабсан, керагича солгансан-да.

Яна чорак соатча гап сотиб ўтирган Маэ, эркакларга овқат қилиши кераклиги эсига тушиб, ўрнидан турди. Болалар мактабларидан қайтиб келишарди. Баъзи эшикларда хотинлар кўриниб, меҳмонларига посёлканинг жойлашишини тушунтириб ўтиб келаётган Энбо хонимга қизиқиб қараб туришарди. Бу ташриф посёлка аҳлини қизиқтира бошлади. Ишчи ҳатто жўяк олишни ҳам тўхтатди, қаердадир боғда иккита товуқ қўрқиб қақиллади.

Маэ уйига қайтар экан, конда ишлайдиган доктор Вандерхаген ўтиб кетмасин, деб пойлаб туриш учун кўчага чиққан Левакнинг хотинига дуч келиб қолди. Бу паст бўйли киши иши кўп бўлиб, доимо шошиб юрарди: юрган йўлида ишчиларга маслаҳат берарди.

— Доктор жаноблари,—мурожаат этди унга Левакнинг хотини,— ҳечам ухлай олмаяпман, ҳаммаёгим оғрийди... Сиз билан маслаҳатлашиб олсам девдим.

Ҳаммани сенсирайдиган доктор тўхтамасдан жавоб берди:

— Мени тинч қўй! Кофени жуда кўп ичасан.

— Ҳа, менинг эримни ҳам,— деди ўз навбатида Маэ,— уйга кириб, уни бир кўриб қўярмидингиз... Доим оёқлари оғригани оғриган.

— Уни тентиратиб қўйган ўзинг-ку. Қоч, йўқол!

Иккала хотин қочиб кетаётган докторнинг орқасидан қараб қолишди, бир минутча туришгандан кейин:

— Уйга кир!— деди Левак умидсизлик билан елкасини қисиб.— Биласанми, янгилик бор... Ҳа, айтганча, кофе ичасан. Ҳозир қайнатдим.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Маэ йўқ демоқчи эди-ю, лекин азмойиш олиш иштиёқи ғолиб келди. Мезбонни ранжитмаслик учун бир қултум ичсам, ичиб кета қолай, деган қарорга келди.

Уй шунақанги ифлоски, бош суқиб бўлмайди: ердаям, девордаям ёғ доғлари, буфет билан столни мой босиб кетган; ҳамма ифлос уйларда бўладиган қўланса ҳид димоқни ёради. Печка олдидаги столга тирсакларини қўйганча тарелкага тумшуғи теккудек бўлиб Бутлу ўтирибди. Бу дуркун, яғриндор, кўринишидан жуда ёввош йигит ўттиз бешларда бўлиб, анча ёшга ўхшарди. У бир бўлак қайнатилган гўштни бамайлихотир еб бўлай деганди. Рўпарасида Филоменанинг тўнғичи, икки ёшдан ошиб қолган кичкинагина Ахилл ўтирибди; у худди очопат бўри боласидек Бутлуга илтижо билан индамай қараб ўтирарди. Тўқсариқ қалин соқоли ўсиб кетган сахий қўноқ вақт-вақти билан боланинг оғзига мол гўштидан солиб қўярди.

— Тўхтаб тур, шакар солай,— деди Левак кофейникка шакар солар экан.

Кўкраклари каби қорни ҳам шалвираб осилиб тушган, юзи япасқи, оқ оралаган сочлари доим тўзиб юрадиган, дабдаласи чиққан бу бадбашара хотин Бутлудан олти ёш катта эди. Афтидан, Бутлу бу хотиннинг бўлган-тургани шу, деб ҳисоблар, ошига тушган сочларга ёки уч ойлаб алмаштирилмайдиган тўшак, чойшабларга эътибор бермагандек, унинг камчиликларига ҳам парво қилмасди. Хотин Бутлуга насиб этган қулайликлар сирасига кирарди, унинг эри бўлса, ҳисобли дўст айрилмас, дейишни яхши кўрарди.

— Мен сенга бир нарсани айтмоқчиман,— давом этди Левак.— Кеча кечқурун Пьерроннинг хотинини «Ипак пайпоқ» атрофида санқиб юрганини кўришганмиш. Сенга маълум ўша жаноб уни Раснёр яқинида кутиб турган экан, кейин улар биргалашиб канал ёқалаб сайр қилишибди... Қалай? Бошида эри туриб қилаётган ишини қара-я!

— Нима қипти,— деди Маэ,— Пьеррон уйлангунча штейгерни қуёнчалар билан меҳмон қилиб турарди, энди бўлса ўзининг хотини билан сийлайди, арзонга тушади-да.

Бутлу хахолаб кулди-да, бир бўлак нонни шўрвага ботириб, Ахиллнинг оғзига тиқди. Иккала хотин

бир-бирига гал бермай, Пьерроннинг хотинини чалпиб кетишди: умуман унинг бировлардан ортиқ жойи йўқ, шунчаки уччига чиққан танноз, эрталабдан-кечгача қиладиган иши — ўзини ойнага солади, ювиниб-тараниб, ўзига оро беради. Э, бизга нима, бу эрининг иши, шунақа юриши унга ёқса, билганини қилмайдими. Ахир бошқаларнинг товонини ялайдиган шунақа шуҳратпараст одамлар бўлади-ку, фақат бунинг учун раҳмат дейишса бўлгани уларга. Қўшни хотин кириши билан ғийбат тўхтади. Хотиннинг қўлида Филоменанинг иккинчи боласи — тўққиз ойлик қизалоқ Дезира бор эди. Филоменанинг ўзи саралаш жойида овқатлангани учун болани эмиздиргани ўша ёққа олиб бориб туришини келишиб олганди; у ўша ерда кўмир уюми устига чўнқайиб эмизиб берарди.

— Мен бўлсам, боламдан бир лаҳза ҳам нари кетолмайман, ойи, деб ариллагани ариллаган,— деди Маэ қўлида ухлаб қолган Эстеллага қараб.

Лекин у Левакнинг кўзларидан билиниб турган саволга чап беришнинг иложини қила олмади.

— Менга қара, шуни бир амаллаб бир ёқлик қилиш керак-ку ахир.

Олдинлари иккала она никоҳ қилишнинг ҳожати йўқ деган фикрда эдилар. Маэ ўғлининг маошидан кўпроқ фойдаланишни хоҳларди, Филоменанинг онаси ҳам, қизининг моянасидан айилиб қолишни ўйлаши биланоқ жони ҳиқилдоғига келарди. Шошишнинг нима кераги бор, шу боисдан Левак ҳозирча қизининг боласи битта бўлгани, ҳатто чақалоқни ўзи боқа туришни афзал кўрарди; лекин бола улғайиб, битта нонхўр кўпайди, бу орада иккинчиси ҳам туғилди. Бу нарсани ортиқча чиқим деб билган она ўз зиёнига юришни истамай, зўр бериб тўйни тезлатиш пайига тушди.

— Захария толеини синаб кўрди, чекига тушгани шу,— давом этди у,— энди ҳеч қанақа тўсиқ йўқ... Тўйни қачон қиламиз-а?

Бир оз сабр қилайлик-чи, сал орқа-ўнгимизни йиғиштириб олайлик,— хижолат тортиб жавоб берди Маэ. — Жудаям уят ишлар-да!.. Худди то никоҳ қилгунча чидаб туриша олмагандай!.. Ўлай агар, менинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

Катринам ҳам шунақа аҳмоқлик қилганини билсам, бўғиб ўлдириб қўйсам керак!

Левак елкасини қисиб қўйди.

— Қўй-э, вақти келса, у ҳам бошқалар қилган ишни қилади-да!

Бутлу худди ўз уйидагидек вазминлик билан буфет ёнига келди-да, нон излай бошлади. Суюқ ош учун сабзавотлар, ярми арчилган картошка, пиёз столнинг бир четида турарди; бека ўн мартача уларни артишга тутинди-ю, лекин ҳар сафар гапга қизиқиб, қўйиб қўярди. Ниҳоят у астойдил картошка арчишга киришди-ю, лекин шу заҳоти яна ишни ташлаб, дераза ёнига келди.

— Бу қанақаси бўлди? Буни қара-я! Энбо хоним аллақандай жаноблар билан юрипти. Ҳув ана улар, Пьерронларникига қараб кетишди.

Шундан кейин икковлари яна Пьерронларнинг гўрига ғишт қалай кетишди. Посёлкани у ёқ бу ёқдан келганларга кўрсатишганда Пьеррон хонимни сира унутишмайди, тўппа-тўғри ўшаникига бошлашади, чунки унинг уйи озода-да. Албатта, меҳмонларга хонимнинг штейгер билан дон олишиб юргани ҳақида чурқ этишмайди. Ойига уч минг франк топадиган, бунинг устига совға-саломларини ҳисобламаганда ҳам тураржой, ёқилғи оладиган ўйнашинг бўлса, уйни озода тутиш қийин бўптими? Сирти тоза бўлгани билан ичи ифлос. Рўбарўдаги уйга кирган меҳмонлар то чиққунча иккала хотин тозаям Пьеррон хонимнинг ғийбатини қилишди.

— Чиқишяпти,— деди ниҳоят Левак.— Бурилишди... Қара-чи, жоним, сеникига келишмаётганмикинлар?

Маэ ташвишга тушди. Альзира стол устини йиғиштириб бўлганмикин? Овқат ҳам тайёр эмас! У «хайр» деб минғирлади-да, шошиб, ҳеч ёққа қарамай уйига чопди.

Лекин уйи озода, ёғ тушса ялагудай эди. Онаси ҳадеганда келавермагач, Альзира пешбанд тутиб, жиддий қиёфада овқат қилишга киришди. У жўяклардан қолган-қутган пиёзни суғуриб келди-да, шовул териб, сабзавот арта бошлади. Бу орада оловга қўйилган катта қозонда сув исиётганди: эркаклар шахтадан келиб

ювинишади. Анри билан Ленора одатдаги жанжалларини қўйиб, жимгина эски календарни ўйнашар, унинг варақларини йиртиб ўтиришарди. Ўлмас бобо бўлса индамай тамакисини чекарди.

Ҳаллослаб югуриб келган Маэ уйига кирар-кирмас Энбо хоним эшикни тақиллатди.

— Уйингизга кирсак майлими, жоним?

Баланд бўйли, оқ пўст, сал семира бошлаган қирқ ёшлардаги хотин тавозе билан илжайди, унинг бу табассумидан қора духоба манто ичидан кийган бугдойранг шоҳи кўйлагини кир қилиб қўйишдан қўрқаётгани сезилаб турарди.

— Киринглар, кираверинглар,— таклиф этди у меҳмонларини.— Бемалол ўз уйимиздек... Қаранглар, озода, саранжом-сариштa, тўғрими? Бу аёлнинг еттита боласи бор! Ҳамма уйларимиз ҳам шунақа... Мен сизларга айтдим-ку, Ширкат шу уйлар учун ойига атиги олти франк ижара ҳақи олади. Пастда катта хона, юқорида яна икки хона, ертўла, боғ.

Эрталабки поезд билан Париждан келган, орденлар таққан жаноб билан мўйнали манто кийган хоним уларга кўрсатилаётган бу жойлардан ҳайратланиб кўзларини бақрайтириб боқардилар.

— Боғ ҳам борми?— такрорлади хоним.— Худди жаннатда яшагандек туришаркан-да. Жуда зўр-ку!

— Уларга етиб-ортадиган даражада кўмир берамиз,— давом этди Энбо хоним.— Доктор ҳафтада икки марта келиб, кўриб кетади, кексайишганда, гарчи ойликларидан нафақа кассасига ҳеч нима ушлаб қолинмаса ҳам, пенсия олишади.

— Оромбахш диёр экан-да! Чинакам жаннат-ку бу! — завқланиб деди жаноб.

Маэ илтифот билан стулларга ўтиришни таклиф этди. Хонимлар ўтиришмади. Елғизликдан зерикиб юрган Энбо хоним аввалига қизиқиб ажойиб хоналарни томоша қилдирди-ю, кейин ҳамроҳларни бошлаб юриш жонига тега бошлади; гарчи у энг озода уйларга кирган бўлса ҳам, қашшоқликнинг қўланса ҳидига тоқат қилолмай қолди. Бунинг устига у қулоғига чалинган узуқ-юлуқ жумлаларни такрорлар ва шундоқ ёнгинасида не азоб-уқубатларда меҳнат қилаётганлар ҳаёти билан яхшироқ танишишга ҳафсала ҳам қилмас эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Мунчаям яхши болалар экан булар,— деди хоним ич-ичидан улардан жирканиб: уларнинг бошлари ҳаддан ташқари катта бўлиб, тутам-тутам сочлари сомонранг эди. Уларнинг ёшлари нечадалигини Маэ айтишга мажбур бўлди. Кўнгил учун Эстелла тўғрисида ҳам сўрашди. Ўлмас бобо меҳмонларга ҳурмат юзасидан оғзидан трубкасини олди. Ер остида қирқ йил меҳнат қилиб эзилган, оёқлари шишган, аъзолари емирилаётган, заҳил юзли бу одамга ҳамманинг раҳми келарди. Йўтал бўғиб келганда қора тупугим меҳмонларга нохуш туюлмасин, деб у хонадан ташқарига чиқди.

Альзира ҳамманинг таҳсинига сазовор бўлди. Пешбанд тутган бу беканинг кўҳликлигини қаранг! Меҳмонлар онани бунчалик фаросатли қизча билан табриклашди. Унинг букриси ҳақида ҳеч ким чурқ этмади. Аллақандай ноқулайлик акс этган изтиробли кўзлар дам-бадам ғариб ва мажруҳ вужудга тикиларди.

— Энди,— деди пировардида Энбо хоним,— Парижда биров сизлардан посёлкамиз ҳақида сўрашса, кўп нарсаларни гапириб беришларингиз мумкин. Бу ер ҳамиша бугунгидек сокин, урф-одатлари ҳам эскича; мана кўрдингиз, ҳаммалари бахтиёр, соғ-саломат. Умуман бу ер асли сизлар келиб, ажойиб ҳавосидан нафас олиб, оромбахш жимжитлик қўйнида роҳат қилиб кетадиган сўлим жой-да!

— Жуда ажойиб! Ажойиб!— шавқ-завққа тўлиб такрорлади жаноб.

Улар гўё ажойибхонани томоша қилган кишилардек ҳайратланиб чиқишди. Уларни кузатиб чиққан Маэ остонада тўхтаб, баланд овоз билан гаплашиб кетаётган меҳмонларга тикилиб қолди. Кўчалар жонланди, меҳмонлар учратган тўп-тўп хотин-халажлар парижликлар келганини билиб, бу хабарни уйдан-уйга етказишганди.

Левакнинг хотини томоша қилиш учун кўчага югуриб чиққан Пьеррон хонимни эшиги олдида тўхтатди. Иккови ҳам алланечук бўлиб қолганди. Нима гап ўзи? Нима, бу меҳмонлар Маэникида тунаб қолишмоқчими? Бу улар учун асло кулгили эмасди.

— Қанчалик ишлашмасин, доим бир пулга зор бўлиб юришади! Маълум, бунақа одамлар ўзи шунақа бўлиши ҳам керак-да!

— Мен бугун эрталаб Маэнинг Пиоленадаги хўжайинларникига тиланиб борганини билиб қолдим. Мегра аввалига нон бермаган экан, кейин унга унчамунча озиқ-овқат берибди қарзга... Бу ёғи — Меградан қарзларини қандай узишлари маълум нарса.

— Уни нима ҳам қиларди... Йўқ! Унга ҳафсаласи ҳам келмаса керак... Унинг қарзини Катрина узиб юборади.

— Ҳа-я! Беҳаёни қара, агар Катрина шу ишни қилгудек бўлса, бўғиб ўлдираман, дейди-я! Анов найнов Шаваль қачонлардан бери қизга ўралишиб юрганини гўё биз билмаймиз!

— Жим!.. Келишяпти.

Иккала хотин — Левак билан Пьеррон ҳаёсизлик билан қизиқаётганларини сездирмай, уйдан чиқаётган меҳмонларга хотиржамлик билан зимдан қараб-қараб қўярдилар. Кейин улар қўлида Эстеллани кўтариб эшикка чиққан Маэни имлаб чақиришди. Учала хотин турган жойларида қимир этмай, башанг Энбо хоним билан унинг меҳмонлари кетидан узоқ қараб қолишди. Улар ўттиз қадамча нари кетишгач, хотинлар аввалигидан ҳам жўшиб, яна ичвони бошлашди.

— Эгниларидаги либослари озмунча турмаса керак; ҳар қалай ўзларидан ҳам қиммат турар-ов!

— Ундан ҳам ортиқ бўлса керак!!! Анависини билмадиму манави ўзимизникини бундан семиз бўлганда ҳам бир суга олмасдим. У ҳақида кўп яхши гаплар айтишади...

— Ростданми? Нима дейишади?

— Ҳа, шунчаки нечта эркак билан борди-келдисини айтишади-да... Биринчидан, инженер...

— Анави қилтириқми?.. Жуда зиғирттак-ку у, кўрпанинг ичида йўқ бўлиб кетади-ку.

— Аҳамияти йўқ, ўзига ёққандан кейин бўлди-да... Шу десанг, менга ҳеч ким ёқмайди дегандек афтини буриштирган сатангларни кўрсам, қилиқлари менга доимо шубҳали туюлади. Орқасини лорсиллатиб кетишини қара, худди бизлардан жирканаётгандек. Сенга маъқулми шу иши?

Меҳмонлар гаплашиб, шошилмай қадам ташлаб олислаб боришарди; мана, йўлда, черков рўбарўсида бир коляска тўхтади; ундан қирқ саккиз ёшлардаги,

www.ziyouz.com kutubxonasi

қора сюртук кийган, қорачадан келган, баджаҳл чеҳраси хушбичимгина жаноб тушди.

— Эри!— деди Левак пичирлаб, гўё унинг товушини ҳалиги жаноб эшитиб қоладигандек; директорнинг турқ-тароватидан ҳамма ишчиларга зуғумини ўтказиши билиниб турарди.— Ҳар қалай унга ҳам хиёнат қилишди!

Энди бутун посёлка кўчага чиққанди. Хотин-халажларнинг қизиқиши тобора ортди, тўдалар бирлашиб, оломонга айланарди, кир-чир болалар анграйишиб, тротуарларда бир-бирини итариб-туртишарди. Мактаб ҳовлисини ўраган тўсиқ ортидан ўқитувчининг қонсиз юзи бирров кўринди. Боғда ишлаётган ишчи жўяк олишдан тўхтаб, бир оёғини белкуракка қўйганча бақрайиб қолди. Эшитилар-эшитилмас пичир-пичирлар секин-аста қуруқ баргларнинг шамолда шалдирашига ўхшаган қаттиқ вағир-вуғурга айланди.

Ҳаммадан ҳам Леваклар уйи олдида одам кўп тўпланди. Аввалига иккита хотин келувди, ундан кейин ўнта бўлишди, сўнг йигирмата. Пьеррон хоним оқилалик қилиб чурқ этмади,— қулоғини динг қилиб юрувчилар жуда кўп эди. Доимо мулоҳаза билан иш тутадиган Маэ ҳам кузатиш билан кифояланди. Эстелла уйғониб, чинқира бошлади, Маэ чақалоқни овунтириш учун осилиб тушган сийнасини — бақувват эмизикли хотинга хос тўлиб, гўё тўхтовсиз сут келишидан чўзилиб кетган сийнасини ҳамманинг кўзи олдида хотиржамлик билан чиқарди. Жаноб Энбо хонимларни экипажга ўтқазиб, уларни Маршьенн томон жўнатгач, вайсақиларнинг шанғиллаган товушлари эшитилди; аёллар худди инига чўп тиқилган чумолилардек ҳаммаси бирдан ҳовлиқиб, қўлларини силтаб гапиришарди.

Соат учга занг урди. Бутлу билан бошқа ремонтчи ишчилар ишга кетишди. Қўққисдан черковнинг муюлишида шахтадан қайтаётган кўмир қазувчилар кўринди. Юзлари қоп-қора, уст-бошлари шалаббо; улар букилишиб, қўлларини кўкракларида чалиштириб келишарди. Хотинлар орасида қий-чув кўтарилди. Ҳамма жонҳолатда уй-уйига чопарди: ҳадеб кофе ичавериб, гапни гапга улайвериб, уй ишларини унутиб қўйишганди. Ҳаммаёқдан жанжалдан дарак берувчи ташвишли қичқириқлар эшитиларди:

— Вой худойим, тушлик нима бўлади? Тушлик тайёр эмасди-ку!

IV

Маэ Этьенни Раснёрникида қолдириб, уйга келганида, Захария билан Жанлен стол атрофида ўтириб, овқатларини ичиб бўлай дейишганди. Кўмир қазувчилар шахтадан қайтишганда шундай очиққандиларки, ҳўл кийимларини ечмай, юзларини ҳам ювмай дастурхон атрофига ўтирдилар. Ҳеч ким қолганларни кутмасди,— шунинг учун дастурхон эртадан-кечгача тузоқлиқ турарди,— доим атрофида кимдир ўтириб, иш вақтига қараб, ўз улушини ерди.

Маэ уйга кирар-кирмас озиқ-овқатларга кўзи тушди. У миқ этмади, лекин қайғули чеҳраси ёришди. Эрталабдан бери штольняда бўғилиб ишларкан, буфет бўм-бўш, уйда на кофе, на ёғ бор, деган фикрдан эзиларди. Хотини нима қиларкин? Ҳеч нима тополмай, қуруқ қайтиб келса нима бўлади? Шукр, ҳамма нарсалари бор экан. Кейин хотини қандай иложини топганини сўзлаб берди. У қувониб жилмайди.

Катрина билан Жанлен дастурхондан туришиб, тик турганларича, кофе ичишарди. Суюқ ошга тўймаган Захария каттароқ бурда нон кесиб олиб, сарёғ сурди. У ликопчадаги студенни кўрди-ю, унга тегмади: гўштлик овқатни, агар бир кишилик бўлса, ҳамиша дадасига олиб қўйишарди. Суюқ ошдан кейин ҳамма бир стакандан совуқ сув ичарди; бу ажойиб ичимлик ҳамиша маош олиниши яқинлашган кунлари ичиларди.

— Пивом йўқ,— деди Маэ эри дастурхон ёнига келиб ўтиргач...— Пулнинг ҳаммасини сарфлаб ўтирмадим... Агар хоҳласанг, Альзира югуриб чиқиб пинту опкела қолсин.

Эр хотинига тикилди-да, чеҳраси яшнаб кетди. Ие! Пули ҳам борми ҳали унинг?

— Йўқ, йўқ,— жавоб берди у.— Бир кружка ичувдим боя, менга бўлади.

Маэ нон, картошка, пиёз ва шовулдан қилинган, ликопча ўрнида ишлатиладиган товоққа тўлдириб сузилган ёвғонни қошиқ билан шошмай тушира бошлади. Хотини Эстеллани қўлидан қўймай, дастурхон ту-

www.ziyouz.com kutubxonasi

заётган Альзирага кўмаклаша бошлади: эрига ёғ билан студенни узатди, иссиқроқ бўлсин деб кофени плитага қўйди.

Шу чоғ печка ёнида бочкани ўртасидан арралаб қилинган қўлбола тосда ювиниш бошланганди. Катрина биринчи бўлиб чўмилди; у тосга илиқ сув солди, шошилмай ечинди, чепчигини, блузкасини, иштонини — ич кўйлагидан бошқа ҳамма нарсасини ечди. Қиз бунга саккиз яшарлигидан ўрганган бўлиб, бунинг ҳеч бир айби йўқ, деган тушунчада ўсган эди; у қорнини оловга қаратди-да, зўр бериб қора совунни сураверди. Ҳеч ким унга қарамади, ҳатто Ленора билан Анри ҳам унинг бадани қанақалигига қизиқишмади. Катрина ювиниб бўлгач, ҳўл кўйлаги билан бошқа кийимларини ерда қолдириб, қип-яланғочлигича нарвондан юқорига кўтарилди. Шу чоқ ака-ука жанжали бошланди. Жанлен, ҳали Захария овқатланиб бўлгани йўқ, деган баҳона билан олдин чўмилмоқчи бўлди; Захария эса, уни итариб ташлаб, навбат меники, дея исбот қила бошлади. Катринага биринчи бўлиб ювинишга рухсат этган бўлса, бундан ўғил бола чўмилган сувда ювинаман, деб кўзи учиб тургани йўқ, албатта, бунинг устига Жанлен чўмилган сувни мактабдаги сиёҳдонларга қуйиб қўйишга ярайди холос. Ниҳоят улар бирга чўмила бошлашди, ўтга ўгирилиб, бир-бирларини ишқалашди. Кейин улар ҳам Катринадек, қип-яланғоч ҳолда тепага чиқиб кетишди.

— Ҳаммаёқни ифлос қилишганини-я! — вайсади Маэ ердаги кўйлакни қуритиш учун оларкан,— Альзира, артиб қўй.

Девор ортидаги қўшнисиникидан чиққан жанжал уни жим бўлишга мажбур этди. Сўкиш, хотин кишининг йиғиси эшитилди — бу чинакам уриш эди, гўё ичи бўш қовоқни муштлаётгандек бўғиқ гурсиллаган овоз эшитиларди.

— Левакнинг хотини насибасини еяпти,— вазминлик билан деди Маэ қошиғи билан товоғининг тагини қиртиллатиб. — Ажаб, Бутлу, овқат тайёр, девди-ку ахир.

— Қаёқда тайёр бўлади!— деди Маэнинг хотини.— Картошка, пиёзлари стол устида турганини ўзим кўрдиму, артилмагандиям.

Қий-чув авжга чиқди; бировнинг зўр куч билан итариб юборгани эшитилди, девор зириллаб кетди, кейин жимжит бўлиб қолди. Шундан кейин шахтёр овқатининг сўнгги қошиғини ютиб, босиқ, насиҳатомуз гапириб, жанжалга якун ясагандек бўлди:

— Овқати тайёр бўлмаган бўлса, тушунарли,— у шундай деди-ю, бир стакан сувни симириб, студенни ейишга тутинди: кичкина-кичкина тўртбурчак қилиб кесиб чиқди-да, пичоқ учи билан нон устига олиб қўйиб вилкасиз тушираверди.

Ота овқатланаётганда ҳеч ким чурқ этмасди. Маэ очиққанидан индамай овқатланарди; чўчқа гўшти одатдаги Меграникидан бўлакчароқ эди,— афтидан бу таом бошқа жойдан олинган бўлса керак. Лекин у хотинидан суриштириб ўтирмади, фақат чолнинг уйда-уйдамаслигини, ухлаётган-ухламаётганлигини сўраб билди. Йўқ, чол одатича сайр қилгани чиқиб кетган экан. Яна сукунат чўкди.

Ерга тўкилган сув жилғаларини ўйнашаётган Ленора билан Анрининг димоғига гўшт ҳиди кирди. Улар оталари олдига келишди-да, кичиги олдинроққа ўтиб турди. Улар ҳар бир бўлак гўштни кузатишар, ота ликопчадан олганида умидвор бўлишар, бўлак оғизда ғойиб бўлганини кўриб, маъюсланишарди. Ота ниҳоят болаларининг унга қанчалик суқланиб тикилиб турганликларини пайқади,— ҳатто ранглари қум ўчиб, оғизларидан сўлаклари оқмоқда эди.

— Болаларга берувдингларми?— сўради у.

Хотини жавоб беролмаганидан кейин қўшиб қўйди:

— Ўзинг биласан-ку, мен адолатсизликни ёқтирмайман. Улар қаршимга келиб, бир бўлак беринг, дегандек кўзларини лўқ қилиб турганларини кўрсам, иштаҳам ғип бўғилади қўяди.

— Уларга берганман! — жаҳл билан қичқирди Маэ.— Уларнинг гапига кирадиган бўлсанг, сенинг улушингни ҳам, бошқаларнинг улушини ҳам бериш керак, улар бўлса, қоринлари ёрилгунча еяверишади... Тўғрими, Альзира, ахир ҳаммамиз студень едик-а?

— Ҳа, албатта, ойи,— дея жавоб берди митти букри. Бунақа пайтларда у худди катталардек ёлғонни дўндириб қўярди, Ленора билан Анри бунақа ёлғондан ғазабланиб, гангиб қолди,— ахир улар ёлғон га-

www.ziyouz.com kutubxonasi

пиришса, доимо уларни калтаклашарди-ку. Уларнинг мургак қалбларида ғазаб жўш урди; бошқалар студень ейишаётганда биз уйда эмасдик, деб эътироз билдиргилари келди.

— Йўқолларинг-е!— қичқирди она болаларини уйнинг нариги бурчагига ҳайдаркан.— Отанг овқат еяётганда тепасида қаққайиб неча бўлак еяр экан, деб санаб тургани уялмайсанларми? Студенни битта отангга берсам нима бўпти? Ишлайдиган ким? Ишлайдиган отанг, сен дангасалар эса ейишдан бошқани билмайсанлар, керагиданам ортиқ ейсанлар!

Ота болаларини ёнига чақирди, Ленорани чап тиззасига, Анрини ўнг тиззасига ўтқизди-да, қолган студенни бирга ея бошлади. Студенни майда-майда бўлакларга кесиб, икковига бера бошлади. Болалар хурсанд бўлишиб, овқатни апир-шапир ютишарди.

Маэ овқатланиб бўлиб, хотинига деди:

— Йўқ, менга кофе қуйма. Аввал ювиниб олмоқчиман... Манави ифлос сувни тўкишга қарашворсанг бўлгани.

Эр-хотин тосни қулоқларидан кўтаришиб, ташқарига олиб чиқишди-да, ариқчага тўкишди. Шу чоқ қуруқ кийим — жун шим билан блузка кийган Жанлен тепадан тушиб келди; кўйлак-шими ҳалпираб турарди, чунки улар акасига тор келиб, энди бунга ўтганди. Жанленнинг очиқ эшикдан лип этиб чиқиб кетмоқчилигини билиб онаси чақириб қолди:

— Сан қаёққа?

— Анов ёққа.

— Анов ёғинг қаёқ?.. Бор, кечқурунга шакаробга қоқи ўтдан териб кел. Эшитдингми? Агар олиб келмасанг, мендан кўрасан кўрадиганингни!

— Хўп, хўп!

Жанлен қўлларини чўнтагига тиқиб, ёғоч бошмоғини судраб чиқиб кетди; ўн ёшли бола мажруҳ қоматини кекса шахтёрларга тақлидан ўйнатиб борарди. Унинг кетидан Захария ҳам тушиб келди. У анча башанг кийинган — эгнигори йўл йўл фуфайка танасига ёпишиб турарди. Отаси, жуда кечга қолма, дея бақириб қолди; у оғзига трубкасини қистириб олганча бошини қимирлатиб қўйди-да, индамай чиқиб кетди. Тосни яна илиқ сувга тўлатишди. Маэ шошилмай блу-

засини ечди. Альзира шартта Ленора билан Анрини кўчага олиб чиқиб кетди. Ота посёлкадаги кўп хонадонларда қилишганидек одамлар олдида ювинишни ёмон кўрарди. Сирасини айтганда бировга дашном бермасди, фақат болаларгина бирга чўмилиши мумкин, дерди.

— Нима қиляпсан тепада?— қичқирди Маэ нарвоннинг ёнига келиб.

— Кўйлагимни тикяпман, кеча йиртворувдим,— жавоб берди Катрина.

— Бу ёққа тушма, отанг ювиняпти.

Эр-хотин ёлғиз қолишди. Хотин ниҳоят Эстеллани стул устига қўйди. Чақалоқ печка ёнида иссиқда ётаркан, аллақандай бир мўъжиза билан қичқирмас, ушоқ, онгсиз бир вужуднинг кўзлари билан уларга боқарди. Эр тос олдига чўнқайди-да, қора совунни суриб, бошини сувга тиқди; қора совун сурилаверганидан ишчиларнинг сочлари рангсизланиб, сарғайиб кетарди. Кейин у сув ичига тушди-да, кўкраги, қорни, қўллари, сонига совун суриб, иккала қўлини чалиштириб, кучи борича ишқалана бошлади. Хотини ёнида унга қараб турарди.

— Биласанми,— дея гап бошлади у,— келганингда сенга разм солдим... Жудаям эзилиб кетгандинг-а, тўғрими? Озиқ-овқатни кўриб, чиройинг бир оз ёришди, а... Биласанми, пиолеталик жаноблар бир су ҳам беришмади менга. Улар яхшигина илтифот кўрсатишди, болаларга биттадан кўйлак совға қилишди, кейин улардан пул тилагани юзим чидамади; одамлардан бирор нарса сўрасам, алланечук бўлиб кетаман.

У бир минут жим бўлиб қолди-да, Эстелла йиқилиб кетмасин деб тагига бир нарса қўйиш учун стул олдига келди. Маэ хотинига савол бермасдан ювинишда давом этарди; озиқ-овқатларнинг қаердан пайдо бўлганини жуда ҳам билгиси келарди-ю, лекин хотинининг ўзи гапириб беришини сабр билан кутарди.

— Мегра қарз беришдан қатъий бош тортиб, мени итдек ҳайдаб юборишига оз қолди, шуни билиб қўй... Менинг қай аҳволга тушганимни тасаввур қилсанг эди! Манави жун кийимлар иситади-ю... лекин қорин ўлгур бўшлигича қолаверади-да, тўғрими?

У бир оғиз ҳам гапирмай бошини кўтарди. Пиоле-

www.ziyouz.com kutubxonasi

надан ҳеч нима, Меградан ҳеч нима олмаган бўлса, бу овқатлар қаёқдан келиб қолипти? Хотини унинг орқасини ишқалаб қўйиш учун одатича енгини шимарди. Хотинининг ишқалаб, эринмай ювинтириб қўйишини Маэ яхши кўрарди. Хотини совунни олиб, унинг елкаларига сура бошлади, эри бўлса, маҳкам туриш учун оёқларини кериб олди.

— Кейин яна Мегранинг олдига бордим, унга айтдимки... Ишқилиб айтмаган гапим қолмади: зиғирча ҳам раҳм-шафқатинг йўқ экан ҳам дедим, дунёда адолат деган нарса бор бўлса, бирор балога йўлиқиши муқаррарлигини ҳам айтдим. Роса жонига тегдим ўзиниям, тескари қараб олди, қарасам, жўнаб қолмоқчи...

Маэ эрининг кураклари ни ювиб, унинг баданини бирон буришини ҳам қолдирмай шундай ҳафсала билан артишга тушдики, бадани худди шанба куни ювиб-артилган кастрюлкадек йилтиллаб кетди. Ўзиям қора терга тушиб, ишнинг зўридан пишиллаб, зўрға га пирарди.

— У пировардида мени қари сурбет деб ҳақорат ҳам қилди... Нонимиз шанбагача етади, лекин ҳаммасидан ҳам яхшиси шуки, у менга яна юз су қарз ҳам берди... Мен ёғ, кофе, қанд олдим, ҳатто чўчқа гўшти билан картошка ҳам оламан, деб турувдим, у жавраб берди... Студенга етти су, картошкага ўн саккиз су тўладим, қўлимда яна уч франку қирқ беш сантим қолди, суяк-саёқ билан суюқ ошлик учун... Хўш, қалай, менимча эрталаб овора бўлиб борганим беҳуда кетмади.

Маэ эрининг бадани қуригунча латта билан арта бошлади. Маэ янги қарз ҳақида ўйламай, кайфи чоғ бўлиб, кулди-да, иккала қўли билан хотинини маҳкам қучоқлаб олди.

— Қўйвор, тентак! Ҳўлсан, мени шалаббо қилиб юборасан... Мен фақат шунисидан қўрқаманки, Мегра тағин...

У Катрина ҳақидаги ташвишларини гапирмоқчийди, лекин индамай қўя қолди. Эрини элдан бурун ташвишлантириб нима қилади? Кейин гап-сўздан қутулолмайсан.

— Нега тағин деяпсан?— сўради у.

— Биздан роса фойда кўрмасин, деяпман-да. Катринага айтиш керак, ёзув-чизувларни яхшилаб бир текшириб чиқсин.

У хотинини яна қучоқлади-ю, қайтиб қўйиб юбормади. Одатда чўмилиш шу билан тугарди. Хотини баданини қаттиқ ишқалаганида Маэ доим жонланиб кетарди, кейин тоза ич кийим кийгизганда қўл, кўкракларидаги жунлари қитиғини келтирар эди. Дарвоқе, посёлкадаги ҳамма хонадонда ҳам шунақа бўларди: бу чоғ ҳузур-ҳаловат дамлари бўлиб, бундан сўнг хотинлар истакларидан эртароқ ҳомиладор бўлиб қолардилар. Кечаси оиланинг ҳамма аъзолари уйда бўлиб, бир иш қилиб бўлмасди. Маэ шўхлиги қўзиб, бир кечакундузда насиб этадиган ягона хайрли соатда ҳузур қилиб қолмоқчи бўлган чапани эркакдек хотинини стол томон итарди; у бу ишни лаззатли дақиқаларим, бунинг устига текин деб биларди. Хотини тўла қоматини сал букиб, тирсиллаб турган кўкрагини олдинга чиқариб, ҳазил учун қаршилик кўрсатган бўлди.

— Жуда ҳам эсинг йўқ-да!.. Бунинг устига Эстелла кўзини бақрайтириб бизга қараб ётипти-я! Тўхта, жилла қурса нарёққа ўгириб қўяй.

— Бу гапинг нимаси энди! Уч ойлик бола нимани биларди?

Ниҳоят Маэ қуруқ шимини кийди. У чўмилиб, хотини билан ўйнашиб, кўйлакчан ўтиришни ёқтирар, ҳузур қиларди. Унинг қони кам қизларники каби оппоқ баданида шахтада тушиб кетган кўмирлар тилиб, кесиб кетган жароҳатларнинг изи кўриниб турарди,— шахтёрлар буларни «эсдаликлар» дейишарди,— у катта мускулдор қўлларини чўзиб, кўк йўл-йўл мармардек оппоқ, кенг тўшини кериб, ана шу «эсдаликлари» билан фахрланарди. Ёзда ҳамма шахтёрлар шу ҳолатда кўчага чиқиб, эшиклари олдида туришарди. Маэ ҳам ҳаво намлигига қарамай ташқарига чиқди ва боғнинг нариги томонида ярим яланғоч турган ўртоқларидан бирига нордонгина бир сўзни айтиб қичқирди. Уйлари олдида бошқа кўмир қазувчилар ҳам кўринди. Йўлкада санқиб юрган болакайлар ишда ўлгудек чарчаган бу кишиларнинг қувноқлигидан ҳайратланиб, бошларини кўтариб кулишарди; энди уларнинг баданлари очиқ ҳавода дам оларди.

Маэ ҳамон кўйлагини киймай, кофе ича бошлади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

У инженернинг йўлаклар яхши маҳкамланмаганлигидан ғазабланганини хотинига гапириб берди. У ҳовуридан тушиб, бунақа ишларда балога ақли етадиган хотинининг доно маслаҳатларига қулоқ соларкан, маъқуллаб бошини силкитарди. У ҳамиша бошлиқларга қарши иш тутиб, ҳеч нима ютмайсизлар, деган фикрни эрининг қулоғига қуярди. Кейин у Маэга Энбо хонимнинг келганини айтди. Улар бу ҳақда ҳеч нима дейишмади, лекин иккаласи ҳам фахрланарди.

— Энди тушсам майлими?— сўради Катрина нарвоннинг юқори босқичида туриб.

— Ҳа, ҳа, отанг баданини қуритяпти.

Қиз ўзининг кишилик кийимини — тўқ-зангори поплиндан тикилган эски кўйлагини кийди; унинг ранглари кетиб, чоклари сўкила бошлаганди. Бошида қора тўрдан одми чепчик..

— Мунча ясаниб олмасанг, ҳа, қаёққа?

— Монсуга, чепчигимга лента сотиб олиб келаман... Эскисини олиб ташладим: жудаям кир бўлиб кетипти.

— Пулинг борми ўзи?

— Йўқ. Мукетта менга ўн су бериб тураман, деб ваъда қилувди.

Онаси бориб келишга рухсат берди. Лекин Катрина эшикни очган ҳам эдики, қизини чақирди:

— Менга қара, лента оламан деб Мегранинг олдига борма... Бирни учга сотади у ноинсоф, ҳам буларнинг пули росаям кўп экан, деб ўйлайди.

Ўт қаршисида чўнқайиб, гардани билан қўлтиқларини қуритаётган отаси қўшиб қўйди:

— Яна кечаси кўчаларда дайдиб юрмагин.

Маэ тушдан кейин одатда боғида ишларди. У картошка, лўя, нўхат экканди. Кеча карам билан салат ўтказишни мўлжаллаганидан ҳозир ишга киришди. Боғнинг бу бурчаги картошкадан бошқа ҳамма нарса билан оилани таъминларди: уйда доим картошка етишмасди. Маэ боғдорчиликни яхши билганидан ҳатто артишок резаворидан ҳам етиштирарди. Қўшнилар буни мақтанчоқликка йўйишганди. У жўяк олаётган пайтда Левак ҳам трубкасини чеккани ва эрталаб Бутлу экkан ромен салатидан хабар олгани боғига чиқди: агар жўякларни ҳафсала билан олган мана шу ижарачи Бутлу бўлмаганда уларнинг ерида қичитқондан

бошқа нарса ўсмасди. Қўшнилар девор оша гаплаша бошлашди. Яқиндагина хотини билан бўлиб ўтган жанжалдан сўнг ҳали ўзига келмаган Левак Маэни мен билан Раснёрникига юр, деб уни кўндиришга уринди. Бир кружка пиво ортиқ ичса нима қипти? Наҳотки у шундан қўрқса? Ўртоқлар билан бир қўл кегли ўйнашади, дилкашлик қилиб, кечки овқатга қайтиб келишади. Шахтадаги ишдан кейинги умр шу тахлит ўтиб борарди. Албатта, бунинг ҳеч ёмон жойи йўқ-а. Лекин Маэ қайсарлик қилиб, асло кўнмасди: агар салатни бугун экиб қўймаса, эртагача сўлиб қолади. Аслини олганда бир андишани қилиб, боришга кўнмасди: у хотинида қолган пулдан олишга кўзи қиймасди.

Соат бешга занг урди. Уларнинг олдига Пьеррон хоним келиб, менинг Лидиям қаёққа кетдийкин — Жанлен билан кетмадимикин?— деб сўради. Левак шунақа бўлса керак, деб жавоб берди; Бебер ҳам қаёқдадир ғойиб бўлди, бу болалар ҳаммаси бирга санқиб юришади. Маэ уни юпатиб, Жанленга шакароб учун қоқи ўт териб келиш буюрилган, шунинг учун улар узоққа кетмаган бўлишлари керак, деди. Кейин Левак билан Маэ андишасизларча ёш жувоннинг жиғига тега бошладилар. У жаҳли чиқса ҳам кетмади, чунки бу қўпол ҳазиллардан ич-ичидан хурсанд бўлиб, қотиб-қотиб кулар эди. Бу гаплар устига келиб қолган озғингина хотин унинг жонига ора кирди; унинг жоҳиллик билан вайсаши товуқнинг қақоғлашини эслатарди. Бошқа хотинлар ўз эшиклари олдида туриб, Пьеррон хонимнинг ўзига бунчалик бино қўйганлигидан ғазабга келгандилар.

Мактабда дарслар тамом бўлиб, болалар уй-уйларига тарқалишди-да, болакайларнинг чуғур-чуғури, қичқириғи, олишуви ва уриш-жанжали эшитила бошлади. Пивохонага бормаган шахтёрлар уч-тўрттадан бўлиб олишиб, у ер-бу ерда иҳоталар тагида худди шахтадагидек чўнқайишиб, трубка тутатишар, аҳён-аҳёнда гап отиб қўйишарди. Левак сонини чимчилаб моқчи бўлгани учун Пьеррон хоним жон-пони чиқди-ю, жўнаб қолди. Левак Раснёр дўконига бир ўзи жўнади, Маэ бўлса, боғида қолиб, ишини давом эттирди.

Тез орада қош қорайиб қолди. Маэнинг хотини қи-

www.ziyouz.com kutubxonasi

зи билан ўғиллари келишавермаганидан жиғибийрон бўлиб, чироқни ёқди. Унинг кўнглига келган нарса бўлмай қолмайди: суткада бир мартагина ҳамма дастурхон атрофига тўпланиши мумкин бўлса-ю,— бунга ҳечам муяссар бўлиша олишмаса! Бунинг устига шакаробга солиш учун Жанлен олиб келиши лозим бўлган қоқи ўтни ҳам кутарди. Шу қоронғида қоқини қаёқдан тераркан, ярамас бола! У ҳозиргина ўтга қўйган картошка, барги сербар пиёз, шовул ва пиёздоғлик қовурдоққа шакароб жуда кетади-да! Бутун уйни пиёздоғ ҳиди тутиб кетди; унинг иси тез тарқалди,— бутун посёлкадан пиёздоғ ҳиди анқийди, далаларда ҳам олисдан туриб, ғариб ошхонадан таралаётган бу ҳидни сезиб, хонадон яқинлигини билиш мумкин эди.

Қоронғи тушгач, Маэ боғдан қайтди-да, стулга ўтириб, бошини деворга суяди-ю, шу заҳоти пинакка кетди. Оқшом тушди дегунча у стулга ўтириши билан ухлаб қоларди. Каккули соат еттига занг урди. Дастурхон тузатаётган Альзирага ёрдам бермоқчи бўлган Анри билан Ленора битта ликопчани синдиришди. Бобо биринчи бўлиб қайтди — у яна ишга борадиган бўлгани учун овқатланишга шошилиб турарди. Маэ эрини уйғотди.

— Ўзимиз овқатланаверамиз, келмаганлар ўзларидан кўришсин... Ахир кичкина эмас-ку, уйга қачон келишини билишлари керак-да. Фақат алам қиладиган жойи — овқатни шакаробсиз ейдиган бўлдик-да!

V

Этьен Раснёрникида тамадди қилиб олгач, ўзига ажратилган, деразаси Ворё томонга қараган, нақ томнинг таккинасидаги ҳужрага кўтарилди-да, чарчаб, шалақ-шалақ бўлиб кетаётгани учун ечинмай ҳам ўзини каравотга ташлади. У икки кун бадалида тўрт соатдан ортиқ ухламаганди. У тонг қоронғисида уйғониб, тезда ўзига кела қолмади, қаерда ётганини ҳам билолмади; кайфияти ёмон эди, боши шу қадар оғирлашиб кетгандики, ўрнидан зўр-базўр турди; у овқатдан олдин бир оз тоза ҳаво олиб келиб, кейин ётиб ухлайман, деган қарорга келди.

Кун илиди, қоп-қора осмон мис тусига кирди; бетиним ёмғир бошланди; шимолда ҳамиша ёмғирдан олдин юмшоқ нам ҳаво бўлади. Қалин туман паға-паға бўлиб, ҳаммаёқни буркаб кела бошлади. Осмон паст тушиб, гўё сарғимтил пасттекислик денгизига қоп-қора чанг сепарди; нохуш қоронғилик кафандек ер юзини ўраб олган, ғир этган шабада ҳам йўқ.

Этьен баданини ёзиб келиш учун таваккал қилиб кетаверди. Йигит пастқамликка жойлашган, бирорта ҳам фонари ёнмаётган Ворё шахтаси олдидан ўтаркан, кундузги сменадагиларнинг чиқишини кўриш учун бир лаҳза тўхтади.

Афтидан соат олтига занг урган бўлса керак, чунки қабул қилувчилар, юкчилар, отбоқарлар, ғира-ширада, кулгили башараларини зўр-базўр ажратиш мумкин бўлган кўмир сараловчи қизлар билан гуруҳ-гуруҳ бўлиб чиқиб келишарди.

Ҳаммадан олдинда Ашаддий кампир билан унинг куёви Пьеррон борарди. Кампир сортга ажратилган кўмир миқдори хусусида назоратчи билан бўлган можарода мени ёқламадинг, деб куёвини яниб келарди.

— Бизни зулукдек сўриб ётган газандаларга икки букилиб, латтадек бўшашиб юриш мумкинми, ахир!

Пьеррон унинг орқасидан чурқ этмай бамайлихотир борарди. Ниҳоят у деди:

— Балки бошлиқни дўппослаб кетсам бўлармиди-а? Раҳмат-э, кейин бир умр ташвишдан қутулмасдим-да!

— Бўлмаса, думингни қисиб, тиз чўкиб тур унинг олдида!— Қичқирди кампир.— Мени худо ургани шуда! Қизим ҳам гапимга кира қолмади! Эримни жувонмарг қилганлари етмаганидек, яна уларга қуллуқ қилишим қолувди энди! Йўқ, билиб қўй, мен ҳали уларга кўрсатиб қўяман!

Овозлар узоқлашиб сўнди. Этьен қирғийбурун, оппоқ сочлари тўзиган, орик, узун қўлларини ғазаб билан ўйнатиб бораётган кампирнинг орқасидан қараб қолди. Лекин шу чоқ унинг эътиборини икки ёшнинг гап-сўзи жалб этди-ю, у қулоқ сола бошлади. У Захариянинг овозини таниди; кончи олдига келаётган Мукени кутиб турарди.

— Борасанми?— сўради униси.— Ул-бул еб оламизда, «Вулқон»га борамиз.

— Тўхта ҳали, менинг ишим бор.

— Қанақа иш?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қабул қилувчи қайрилиб қараб, саралаш хонасидан чиқиб келаётган Филоменани кўриб қолди.

— Э, ҳа, майли... бўлмаса, мен кетаверараман.

— Боравер, мен етиб оламан.

Муке йўлда қари отаси Мукни учратди; у ҳам Ворёдан ишдан қайтаётганди; улар оддийгина хайр-хўшлашиб, бир-бирларига хайрли тун тилашди, ўғил катта йўлдан жўнади, ота эса канал бўйлаб бедана юриш қилиб кетди.

Захария қизнинг қаршилигига қарамай, Филоменани ўша ёлғиз йўлакка судради. Қиз шошилиб турганидан бошқа сафар бўлар, деди; шундан кейин улар кўпдан бери бирга турадиган эр-хотиндек ғижиллашиб қолишди. Кўчаларда бунақа учрашувдан фойда йўқ, айниқса қиш, нам, бунинг устига пана қиладиган жавдарзор ҳам йўқ.

— Йўқ, гап ундамас,— сабрсизлик билан деди Захария,— сенга баъзи гапларни айтмоқчиман.

У қизнинг белидан қучоқлаб, уни оҳиста олиб кетди. Улар кўмир уюмидан ўтишгач, Захария ундан пулинг борми, деб сўради.

— Пулни нима қиласан?— қизиқиб сўради Филомена.

У икки фунт қарз бўлиб қолганини, бунинг учун уйдагиларнинг жаҳли чиқишини пойинтар-сойинтар қилиб гапирди.

— Қўй-е!.. Мукени ўзим кўрдим, сен яна ўша «Вулқон»га борасан, ўша манжалақи яллачилар билан кайфу сафо қиласан.

У йўқ деб, кўкракларига муштлади, худони ўртага солиб, қасам ичди. Қиз унга жавобан елкасини қисиб қўйгач, у қўққисдан таклиф этди:

— Хоҳласанг, биз билан бирга юрақол... Бизга асло халақит бермайсан. Яллачиларни бошимга ураманми!.. Қани, кетдикми?

— Чақалоқни нима қиламиз?— жавоб берди у.— Шу бақироқ билан бориб бўлармиди у ерга?.. Қўйвор, яхшиси уйга борай, роса жанжаллашиб ўтиришгандир ҳали, бунга ишончим комил.

Лекин Захария уни қўйиб юбормай, ялиниб пул сўрайверди. Мукега ваъда бергандан кейин унинг олдига қуруқ борадими? Нима, эркак киши уйда товуққа ўхшаб тухум босиб ётаверадими? Ниҳоят у Филоменани кўндирди, шундан сўнг жувон кофтасининг этагини қайириб, бармоғи билан астарини сўкди-да, ўн су чиқариб берди. У шахтада ишдан ташқари пайтларда ишлаб топган пулини онасидан бекитиб, шу ерда сақларди.

— Мана кўрдингми, ўзи бор-йўғи бешта, учтасини сенга бераман... Лекин бизни никоҳлаб қўйишга онамни кўндираман, деб қасам ич. Кўча-кўйдаги бу турмуш жонга тегди-ку! Ойим ҳам ҳар куни менга таъна қилгани қилган... Қасам ич, сўз бер аввал.

Филомена ҳорғин, эҳтироссиз, кўраётган кунидан адою тамом бўлган киши сингари хаста товуш билан гапирарди. Йигит қасам ичди, энди ҳаммаси узилкесил ҳал бўлди, деб бақирди; уч тангани олгач эса, у билан ўйнашди, кулдирди, қишда ётди-турди вақтида ётоқ вазифасини бажарувчи агдарманинг ўзида муродини ҳосил қилмоқчи эдиям-ку, лекин Филомена асло кўнмади,— бундан у ҳеч қанақа баҳра олмасди. Филомена посёлкага битта ўзи қайтди, йигит эса ўртоғига етиб олиш учун даладан югуриб кетди.

Этьен узоқдан беихтиёр кузатиб тураркан, нималар бўлаётганига тушунмай, буни оддий бир учрашув бўлса керак, деб ўйларди.

Шахтадаги қизлар тез етилади; у Лиллдаги фабрика қизларини эслади, уларни фабрика орқасида кутиб турарди; бу қизлар қашшоқлик ва қаровсизлик натижасида ўн тўрт ёшданоқ бузилиб кетишарди. Иккинчи бир учрашув Этьенни яна ҳам кўпроқ ҳайратда қолдирди. У тўхтади.

Агдарма пастида, чуқурликдаги тошлар орасида ёш Жанлен бири ўнг қўлида, бири чап томонида ўтирган Лидия билан Беберни қаттиқ койир эди.

— Хўш, қани? Яна гапириб кўринглар-чи! Яна ғинг дейдиган бўлсаларинг, қулоқларинг тагида шавла қайнатаман... Буларни ким ўйлаб топдийкин, а?

Ҳақиқатан ҳам учовлари канал бўйидаги ўтлоқдан қоқи теришаркан, Жанлен йиғилган ўтга қараб, барибир уйда шунчани ейишмайди, посёлкага элтишдан кўра, Монсуда пуллаш яхшироқ бўлса керак, деган фикрга келди; Беберни қоровул бўлиб туришга мажбур этди, Лидияни бўлса, хонадонларга қўнғироқ қилиб,

www.ziyouz.com kutubxonasi

қоқиларни сотиб келишга буюрди, чунки у ўз тажрибасидан одамлар қизалоқ қўлидан қоқини жон деб сотиб олишларини биларди. Болалар савдога берилиб кетишиб, ҳамма қоқини сотиб қўйишди. Қиз ўн бир су ишлади. Энди учаласи ўлжани бўлишарди.

— Бу инсофдан эмас, баравар бўлиш керак!— деди Бебер.— Борди-ю, сен етти суни олиб қўйсанг, бизга фақат икки судан тегади.

— Нимаси инсофдан бўлмайди?— деди жиғибийрони чиқиб Жанлен.— Аввалambор, ўтнинг кўпини мен тердим!

Одатда ўртоғи индамай кўниб, ҳамиша Жанленга қойил қолганидан панд ерди. Гарчи у Жанлендан катта ва кучли бўлса-да, дўстининг шапалоғини ҳам еб кетаверади. Лекин бу сафар шунча пул унинг норозилигини қўзғади.

— Тўғрими, Лидия? Бизни чўмичда қоқмоқчи... Агар пулни баравар бўлиб бермаса, ойисига айтамиз, а...

Жанлен унинг тумшуғига муштини олиб келди.

— Қани, яна битта айт-чи! Мана мен ўзим бориб, сенлар ойингларнинг ўтини сотганларингни айтиб бераман... Кейин, ўзинг қанақа аҳмоқсан, ўн бирни учга қанақа бўламан? Уста бўлсанг, ўзинг бўлиб кўр-чи... Мана икки судан олинглар-да, тезроқ уйларингга жўнаб қолинглар, бўлмаса, униям чўнтагимга ураман.

Бебер кўниб, икки суни олди. Титраб-қақшаётган Лидия ҳеч нима демади, чунки Жанлендан қўрқар, калтак еган кичик хотиндек унга меҳр билан мўлтирар эди. Жанлен унга икки су берганда у итоаткорона табассум билан қўлини чўзди. Лекин у бирдан фикридан қайтди:

— Пулни нима қиласан ўзи?.. Агар яхшилаб бекитиб қўймасанг, ойинг албатта топиб олиб қўяди... Яхшиси ўзим сен учун бекитиб қўяман. Қачон пул керак бўлса мендан сўраб оларсан.

Шундай қилиб, тўққиз су ғойиб бўлди. Унинг оғзини маҳкамлаш учун кулиб, қучоқлаб олди-да, ағдармада сирпана бошлади. Лидия унинг кичкинагина хотини бўлиб, улар хилват жойларда гўё ошиқ-маъшуқ бўлиб, уйларида тўсиқ оша ёки эшик тирқишидан кўрганларини эрмак қилишарди. Уларга ҳамма нарса

маълум бўлиб, худди кучук болаларидек соатлаб ярамас ўйин билан машғул бўлардилар. Бола бу ўйинни «Ота-она ўйини» деб атарди; Жанлен етаклаганда Лидия инстинктив равишда ёқимли ҳаяжонланарди-ю, унинг кетидан югуриб кетарди, кўпинча араз қилар, лекин сира рўёбга чиқмайдиган бир нарсанинг илинжида индамай қўяқоларди.

Бунақа эрмакларда Бебер қатнашмасди, Лидияга қўл теккизиши биланоқ мушт ерди; икковлари бу борида ҳам уялмай ўз ўйинларини давом эттираверишганда бола алланечук бўлиб, ўзини ноқулай сезар ва хуноби ошарди. Шунинг учун ҳам у:

— А-ҳа, қўлга тушдиларинг-ку, битта одам қараб турипти!— дея қичқириб, ўйинларига халақит бериб, қўрқитишдан мириқиб роҳатланарди.

Бу сафар у алдамади, Этьен ниҳоят йўлида давом этишга қарор қилди. Болалар сапчиб туриб, ура қочишди, Этьен бўлса, бу жулдурвоқиларнинг қўрқиб кетганидан кула-кула, ағдармани айланиб ўтди-да, канал бўйлаб кета бошлади. Албатта бунақа ишлар учун ҳали ёш эдилар; лекин улар шунчалик кўп нарсани эшитиб, шунча кўп нарса кўришганки, бундай гуноҳдан тийиш учун уларни бойлаб қўйиш керак. Аслида эса Этьеннинг таъби жуда хира эди.

У юз қадамча юриб, яна вақтини чоғ қилиб юрган бир жуфтга дуч келди. У ерда, Рекийярдаги хароба шахта атрофида Монсунинг ҳамма қизлари яхши кўрганлари билан санқиб юришарди. Бу ер севишганлар дийдор кўришадиган жой эди; юккашлар тўнғичларини уйларидаги саройда туғишга журъат этолмасалар, шу ерда, шу хилват гўшада кўз ёрардилар. Синиқ тўсиқ орқасидаги плита қолдиқлари, бузилган икки сарой харобалари, туби билан қўпорилган устунлар, ивирсиб ётган майдон олисларга чўзилиб кетганди. Фойдаланишга ярамайдиган вагонеткалар, қариб-чуриган дарахтлар ҳам шу ерда уюм-уюм бўлиб ётарди: бу ерларни қалин, бўлиқ ўт-ўланлар, ҳатто бақувват ниҳоллар босиб кетганди. Шунинг учун ҳам ҳар қандай қиз бу ердан хилват жой топиб, севиклиси билан хоҳлаган устун тагида, йиқилган дарахт орқасида, вагонеткаларда учрашарди. Уларнинг ҳаммаси ёнмаён жойлашиб олишарди-ю, лекин қўшниси билан сира

www.ziyouz.com kutubxonasi

иши бўлмасди. Гўё кўмир бераверіб чарчаган, ташландиқ шахта атрофида худди ўчакишгандай янги авлод дунёга келиб, эркин севги барқ ураётган эди; барвақт ҳомиладор бўлиб қолган қизлар она бўлар-бўлмас бехтиёр шу ёққа интилардилар.

Шу ерларнинг қоровули кекса Мук сал нарида яшарди: Ширкат унга минора тагидаги ярим хароба, йиқилиб кетай деб турган уйлардан иккита хона ажратиб берганди,—ҳатто бир уйнинг шипи ўпирилиб тушмаслиги учун тиргак қўйишга тўғри келганди. Чол унда оиласи билан яшарди; у ўғли билан—битта хона, Мукетта бошқа хонада турарди. Барча деразаларнинг ойналари синганидан, чол уларнинг кўзига тахта қоқиб қўйган эди. Хоналар қоронғи бўлса ҳам, аммо иссиқ эди. Сирасини айтганда, бу ерда қоровул қўриқлайдиган ҳеч вақо йўқ эди; фақат отларга қарагани Ворёга бориб-келарди, фақат қўшни шахта учун вентиляция вазифасини бажараётган стволигина сақланиб қолган кўҳна Рекийяр шахтасига бутунлай қарамасди.

Шундай қилиб, Мук бобо ёш шахтёрларнинг ишқий саргузаштларини кўра-кўра қариди. Мукетта ўн яшарлигидаёқ йўлдан озганди; лекин у нимжон, қўрқоқ Лидияга ўхшамасди, балки тўладан келган, дуркунгина қиз бўлиб, соқолли йигитлар билан дон олишиб юрарди. Отаси унга ҳеч нима демасди, чунки унинг ҳурматини жойига қўяр ва ҳеч қачон уйга жазманларини олиб келмасди. Бунинг устига чол бунақа воқеаларга кўникиб қолган эди. У қачон Ворёга бормасин ёки у ёқдан қайтиб келмасин, ишқилиб, қачон инидан чиқмасин, ҳамиша бирор жуфтга дуч келарди: лекин энг хунуги ошхонага ўтин ёки қуёнга ўт олиб келиш учун тўсиқнинг нариги четига бориш эди: бундай пайтларда монсулик ҳамма шўх қизлар биринсирин бошларини чиқариб мўралашаётганларини кўрар ва сўқмоқларга чиқиб турган оёқларни айланиб ўтишга ҳаракат қилар эди. Аслини олганда, бу учрашувлар ҳеч кимга — қоқилиб кетмаслик ташвишида келаётган чолга ҳам, ўз ишлари билан шуғулланишларига йўл қўйиб қўйган қизларга ҳам халақит бермасди; у табиат қонунига заррача эътироз қилмай майда қадам ташлаб, кўрмагандай ўтиб кетарди. Лекин қизлар келган кимса Муклигини билганларидек,

чол ҳам бора-бора уларни ҳам таниб оларди: боққа ёпирилган ва нок дарахтларига қўнган зағизғонларни ҳам шу хилда билиб олишади. Эҳ, ёшлик, ҳарис ёшлик! Чол баъзи вақтларда қоронғиликда қаттиқ хўрсинаётган қақилдоқ қизлардан юз ўгириб, афсусланганича индамай бошини сарак-сарак қилиб қўярди. Лекин бир нарса унинг хунобини ошириб юборарди: қандайдир йигит билан қиз ёмон одат чиқарди, нақ дераза си тагига келиб ўпишишарди. Тўғри, чолнинг уйқусига халал беришмасди, бироқ уй орқасида ғимиллаб юришганидан деворлар йиқилиб кетай-йиқилиб кетай дерди.

Ҳар оқшом Мук бобо олдига кечки овқатдан олдин одатда сайр қиладиган дўсти Ўлмас бобо келарди. Чоллар ярим соат бирга бўлишарди-ю, суҳбатлашиб ўтирмай, уч-тўрт оғиз гаплашишарди холос. Лекин икковлари бирга бўлишганда қувонишиб, эски воқеаларни эслашарди, бунинг учун гап-сўзга ҳам ҳожат йўқ эди. Улар битта-яримта тўсин бўлагига ёнма-ён ўтириб олиб, аҳён-аҳёнда битта-яримта гап ташлаб, ерга тикилганларича орзу-хаёлларга чўмардилар. Эҳтимол, ёшликларини эслашар. Атрофларида шивир-шивирлар, аҳён-аҳёнда ўпишлар эшитилиб турарди, босилган ўтлардан қизларнинг тафти келарди. Қирқ уч йил бурун Ўлмас бобо ўзининг хотини, нимжон юккаш билан учрашганди, ўшанда қонгунча бўсалар олиш учун уни вагонеткага ўтқазиб оларди. Э, у кунларнинг садағаси кетсанг арзийди! Шуларни эслаб чоллар бошларини сарак-сарак қилганча тарқалишар, кўпинча ҳатто хайр-маъзурни ҳам нася қилишарди.

Лекин бу оқшом улар ёнидан Этьен ўтганда, Ўлмас бобо посёлкага қайтиш учун ўрнидан тураркан, Мукка деди:

— Тунинг хайрли бўлсин, қария!.. Айт-чи, сен сариқ хотинни билармидинг?

Мук чурқ этмади, елкасини қисиб қўйди-да, кейин уйга кираётиб деди:

— Хайр, тунинг хайрли бўлсин, қария!

Этьен ҳам ғўлага ўтирди. Нима учундир унинг ғуссаси ортаверди. Узоқлашиб бораётган чолнинг орқасидан қараркан, эрталаб Ворёга борганида бу камсухан чол оғзидан қутурган шамол туфайли отилиб чиққан

www.ziyouz.com kutubxonasi

гапларни эслади. Қашшоқлик ҳам шунчалик бўладими! Бунинг устига ишда силласи қуриган қизларнинг яна кечқурунлари учрашувга шошилиб, янги вужудларга, азоб-уқубатлардан эзилиб кетадиган бўлажак бахтсиз заҳматкашларга жон бағишлашга ошиқишларини айтмайсанми! Агар улар бадбахтларни туғиб ташлайверсалар, бу ишга барҳам берилиши амри маҳол. Улар ўзларини тийсалар, муқаррар ҳалокатнинг олдини олиш учун ҳадеб қоринларини қаппайтиравермасалар бўларди. Балки ёлғиз бўлгани ва атрофида эса бошқаларнинг жуфт бўлиб, ўпишиб юрганлари учун миясига шундай даҳшатли фикрлар келиб, ичэтини кемираётгандир. У юмшоқ нам ҳаводан сал нафаси қайтди, сийрак ёмғир томчилари жонсараклик билан сиқилган қўлларига тушди. Ҳа, қизларнинг ҳаммаси шу синоатни бошидан кечириши керак, бу — ақлу заковатдан кучли.

Худди Этьен қоронғуликда қимир этмай ўтирган пайтда унинг ёнидан сал бўлмаса тегиб кетай деб бир жуфт ўтиб кетди, улар Монсудан Рекийяр майдонига тушиб келишаётганди. Шубҳасизки, қиз ҳали иффати кетмаганидан кўнмас, қаршилик кўрсатар, паст товуш билан ўз ҳолимга қўй деб ёлборар эди; йигит эса, индамай саройнинг моғор босиб кетган арқонлар уюлиб ётган қоронғи бурчагига қизни итариб-сурарди. Булар Катрина билан Шаваль эди. Лекин Этьен уларни танимади, нима бўларкин, дея қараб турди; бу учрашув унинг ҳиссиётини туғёнга келтирди ва фикрларини ағдар-тўнтар қилиб юборди. Ҳалақит беришнинг нима кераги бор? Қиз бола «йўқ» дедими, бас, зўрлик билан билганингни қил, дегани бўлади.

Катрина Икки юз зағизғон посёлкасидан чиқиб, кўча ўртасидан Монсу тарафга йўл олди. Қиз ўн ёшидан, яъни ўзи шахтада ишлаб тирикчилик учун пул топа бошлаганидан бери шахтёрлар удумига кўра, қаерда бўлса ҳам бир ўзи юрар эди; шу пайтгача бирор эркак унга теголмаганига сабаб унинг жисмонан кеч етилгани, ҳамон камолга етмагани эди холос. Катрина Ширкат участкасига етганда, кўчани кесиб ўтди-да, доим шу ердаги хотинлар билан кечалари-ю, кундузлари кофехўрлик қилиб қолиб кетадиган Мукеттани албатта учратаман, деган умидда кирчи аёлникига

кирди. Лекин аксига олиб шу куни Мукетта дугоналарини меҳмон қилаётгани учун ваъда этган ўн су пули қолмаган экан. Ҳаммалари жилла қурса, бир стакан кофе ичиб кет, деб зўрлашса ҳам қиз унамади, ҳатто дугонаси бошқа хотинлардан пул қарз олиб бераман, деса ҳам, олишни хоҳламади. Бирдан миясига тежамлироқ бўлиш керак, деган фикр келди, бунинг устига энди лента сотиб олсам, бирор бахтсизлик рўй беради, деган хурофий бир андиша, ишонч ҳам уни тўхтатди.

У посёлкага қайтишга шошилди, Монсудаги охирги уйга етган ҳам эдики, «Майхона» эшигида турган бир киши уни чақирди.

— Эй, Катрина, қаёққа шошяпсан?

Бу найнов Шаваль экан. Бу учрашувдан у хурсанд бўлмади, бунинг боиси Шавални ёқтирмагани эмас, балки таъби хира бўлгани ва кулишга иштиёқи асло йўқлиги эди.

— Бу ёққа кир, бир нима ич... Бир рюмка ширинидан ичасанми?

Катрина ёқимли табассум билан, йўқ, қоронғи тушиб қолди, уйдагилар кутишяпти, деди. Йигит унинг ёнига келди-да, кўча ўртасида туриб олиб қистайверди. Шаваль анчадан бери уни «Майхона» тепасидаги хонасига олиб кирмоқчи бўлиб юрарди. Иккинчи қаватдаги бу яхшигина хонада икки кишилик катта каравот бор эди. Қиз ҳамиша рад қиляптими, демак, ундан қўрқади. Қиз мулойимлик билан кулиб, унга пайшанба куни ёмғир тингандан кейин келаман, дея жавоб берди. Кейин гапдан гап чиқиб, зангори лента сотиб ололмаганини айтиб қўйганини ўзи ҳам сезмай қолди.

— Э, ўзим олиб бераман!— хитоб қилди у.

Қиз ундан воз кечиши лозимлигини жуда яхши сезиб турса ҳам айни чоқда ленталик бўлиб қолишга ичида жон-жон деб турарди. У яна ахир Шавалдан озгина пул қарз сўраш мумкину, деб ўйлади-да, қилган харажатларининг ҳаммасини кейин қайтариш шарти билан рози бўлди. Улар яна ҳазил-мутойиба қилишиб, охири агар қиз унинг маҳбубаси бўлиб қолмаса, пулни қайтарадиган бўлди. Лекин йигит Мегранинг олдига боришни таклиф этганда, яна бир тўсиқ пайдо бўлди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Йўқ, фақат Мегранинг олдига бормаймиз, ойим борма, деб тақиқлаган.

— Э, қўйсанг-чи, қаерга борганингни айтишинг шартми... Монсудаги энг яхши ленталар ўшанда-да.

Мегра дўконга кириб келаётган Шаваль билан Катринани кўрганида, назарида булар тўй сарполари харид қилгани келган ошиқ-маъшуқларга ўхшади; қискичбақадек қизариб кетган Мегра мазах қилинган одамдек қаҳр-ғазаб билан зангори ленталарни кўрсата бошлади. Ёшлар лента сотиб олиб кетишди, Мегра эса дўкон остонасида туриб, уларнинг ғира-ширада узоқлашиб кетаётганликларини кузатди. Хотини қўрқаписа бир нима сўровди, жеркиб, сўкинди-да, бир кун келиб, бу ярамас нобакорлар пушаймон бўлишади, менинг оёғимни ўпса ҳам бўларди, деб бақира бошлади.

Найнов Шаваль Катринани кузатгани бирга кетди. У қиз ёнида қўлларини ўйнатиб, сездирмасдан уни ўзи хоҳлаган томонга бошлар эди. Бирдан қиз йўлдан бурилиб, тор сўқмоқдан Рекийярга кетишаётганини билиб қолди. Катрина ҳатто ғазабланишга ҳам улгуролмай қолди; у қизнинг белидан қучиб, ширин сўзлар билан унинг бошини айлантириб юборди. Вой, аҳмоқ экан-ку, нимасидан қўрқади? Наҳотки у еб қўяй деб тургани шундоқ маъсума, ипакдек майин, нозик қизга ёмонлик қилса-я. Йигит бу сўзларнинг ҳаммасини қизнинг қулоғига шивирларкан, лабларини бўйнига теккизганда қизнинг аъзойи бадани жимирлашиб кетарди. Қиз энтикиб, бирор жавоб айтолмасди. Ҳақиқатан ҳам йигит уни яхши кўради шекилли. Ўтган шанба куни қиз шамни ўчириб, ўрнига кирди-да, ишимни тўғрилаб қўйса, нима қиламан-а, деб ўйлаб ётиб, ухлаб қолди-ю туш кўрди, тушида унга розилик берганмишу қимир этмай роҳатланиб ётганмиш. Нега энди у ҳозир ундан ҳазар қилади, нимагадир юраги ачишади? Унинг мўйлаби бўйнини ёқимли қитиқларкан, ҳатто кўзларини юмиб олди, кўз олдидан бошқа бировнинг, эрталаб бирга бўлган йигитнинг сурати ўтгандек бўлди.

Қўққисдан Катрина ён-верига қаради, Шаваль уни Рекийярдаги шахта харобасига олиб келиб қўйипти,

қиз қоронғи, вайрона саройни кўриб, ўзини орқага ташлади.

— Йўқ, йўқ, керак эмас, қўйвор мени!— пичирлади қиз.

Қизни қўрқув босди, лекин бу қизнинг ўзи шу ишни хоҳлаб, ғолиб йигитнинг яқинлашувини сезаётганда қаршилик кўрсатиш учун барча мускулларни беихтиёр таранглаштириб юборадиган қўрқув эди. Кўпни кўрган, лекин ҳали бокира қиз — Катрина қўрқиб кетди: гўё унга даҳшатли бир нарса хавф солаётгандек, худди унга жароҳат етказаётгандек эди, шу боисдан у номаълум бир оғриқ азобидан қўрқиб кетди.

— Керак эмас, керак эмас, хоҳламайман! Мен ҳали жуда ёшман, деяпман сенга... Ҳа, лоақал сал каттароқ бўлгунимча кут...

— Вой, жинни-ей, унда қўрқишнинг ҳам ҳожати йўқ...— пичирлади Шаваль бўғиқ товуш билан.— Нима керак ўзи сенга яна?

У ортиқ бир сўз айтмади. У қизни маҳкам қучоқлаб олди-да, бостирма тагига улоқтирди. Қиз эски арқонлар устига бориб тушди-да, қаршилик қилишни тўхтатди ва замондош қизларни сал бўлмаса болаликданоқ эркаклар қучоғига отадиган удум — катта бибиларидан мерос бўлиб қолган итоаткорлик билан эркак иродасига бўйсунди. Қўрқув билан айтилган гаплар тинди, фақат эркакнинг қизишиб ҳансираши эшитиларди.

Этьен жойидан қимир этмай, ҳаммасини эшитиб ўтирарди. Мана, яна биттасининг шўри қуриди! Энди, бу ҳангомани охиригача томоша қилгач, ҳасад ва ғазабга тўла ноҳуш ҳис билан ўрнидан турди. У андишани йиғиштириб қўйди-да, ходадан-ходага сакраб, узоқлаша бошлади, ахир бу иккови ўзи билан овора, бу билан нима ишлари бор. Лекин у юз қадамча юриб, қайрилиб қараган эди, иккови ҳам ўрнидан туриб, унга ўхшаб посёлка томон келаётганини кўриб ҳайрон бўлди. Эркак яна қизнинг белидан қучиб олган, миннатдорлик билан бағрига тортиб, бир нималар деб шивирларди; қиз бўлса, шунчаки кеч қолганидан хафа бўлиб, уйига ошиқаётгандек кўринарди.

Бирдан Этьен уларнинг юзини жудаям кўргиси келиб кетди. Бу бемаънилик эди, у васвасага берилмас-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лик учун қадамини тезлатди. Лекин оёқлари ўз-ўзидан секинлашиб, Этьен ўзини биринчи дуч келган фонарнинг соясига олди. У Катрина билан Шавални таниган заҳотиёқ ҳайратдан тахта бўлиб қолди. Аввалига Этьен иккиланди — наҳотки тўқ зангори кўйлакли, чепчикли бу қиз ҳақиқатан ҳам Катрина бўлса? Наҳотки бу ўша иштон кийган ва каноп чепчикли ўша бола бўлса? Шу иштони туфайли ҳатто унга тегиб кетган бўлса-да, унинг қиз бола эканини ажрата олмаган эди. Бироқ энди у ортиқ шубҳаланмади, унинг кўкимтир, қаърига тортган, шаффоф, булоқ сувидек тиниқ кўзларини яхшилаб кўриб олди. Қойил-е, фоҳиша! У ўзидан-ўзи ғазабланиб, қиздан ўч олиш пайига тушди: у қиздан жирканди. Бунинг устига эгнидаги хотинлар кўйлаги бир ярашмаган, рўдапога ўхшайди.

Катрина билан Шаваль аста-секин ўтиб кетишди. Улар биров кузатаётганини хаёлларига ҳам келтиришмасди. Шаваль Катринанинг қулоғи тагидан ўпиш учун тўхтатди, қиз ҳам кулиб, унинг эркалашидан ийиб тўхтади. Орқада қолган Этьен, ҳар қалай, уларнинг кетидан юришга мажбур бўлди, улар йўлини тўсаётганлари учун жаҳли чиқарди; у чор-ночор ҳаммасини кўриб борар, бундан баттар қутурар эди. Демак, эрталаб ҳали менга ҳеч ким текканмас, дея қасам ичгани рост экан-да, хуштори йўқлиги ҳам тўғри: Этьен бўлса қизнинг гапига ишонмай, биров қилган ишни ўзи қилмай, ундан айрилиб ўтирибди-я! Мана энди оғзидаги ошини олдириб ўтирибди, яна аҳмоқ бўлиб кетларида қараб келяпти! Этьен ақлдан озай деди, у муштларини тугиб, манави кишига ташланишга ҳам тайёр: у қаҳру ғазабдан ҳеч нимага ақли етмай, одам ўлдиришни қўмсаб, жазавага тушди.

Сайрга чиққанига ярим соат бўлганди. Катрина билан Шаваль қишлоққа етишганда қадамини секинлатишди, канал бўйида — икки марта, уюм ёнидан ўтганда — уч марта тўхташди, энди улар шоду хандон, йўл-йўлакай бир-бирларига эркаланишарди. Билиб қолишмасин дея қўрққан Этьен ҳам тўхтаб-тўхтаб юрди. У шунчаки таъбим хира-да, деб ўзини ўзи ишонтиришга ҳаракат қиларди: аммо бундай лалайиш, қизларга раҳм қилиш ярамас экан, бу бир сабоқ бўлсин. Этьен Ворёдан ўтгач, овқатланиш учун бемалол Раснёрникига жўнаши ҳам мумкин эди, лекин у севишганларни посёлкагача кузатиб қўйди-да, бир чеккада биқиниб, Шавалнинг Катринани ниҳоят уйига қўйворишини ярим соатча кутди. Этьен уларнинг тамомила айрилишганига қаноат ҳосил қилгач, яна санқиб, Маршьенн йўлида анча олислаб кетди: у ҳеч нимани ўйламай қадам ташлаб бораркан, юраги ғаш бўлиб, нимадир бўғар, хонасига қайтишни хоҳламас эди.

Этьен бир соатдан кейин, тўққизларга яқин, эрталаб соат тўртда туришни хоҳласанг, у-бу еб олиб, ухлашинг керак-ку, деган қарорга келди-да, посёлкани кесиб ўтди. Қоронғиликка чўмган посёлка уйқуда эди. Уйларнинг ёпиқ дераза қопқоқларидан заррача ҳам зиё тушмас, уларнинг олд томонлари тўғрига чўзилиб кетган, ҳамма қаттиқ уйқуда бўлганидан казармага қамалиб олган кишиларнинг хуррақларигина эшитиларди. Бўм-бўш боғдан битта мушук ўтди холос. Кун тугади, эзилган, чарчоқдан сулайган ишчилар қоринларини бир амаллаб тўйдиришди-да, дастурхон устидан туриб, ўзларини ўринларига ташлашди.

Раснёрникидаги каттакон ёруғ залда аллақандай механик билан икки ишчи пивохўрлик қилиб ўтиришарди. Этьен залга киришдан олдин тўхтади-да, қоронғиликка сўнгги бор нигоҳ ташлади. Эрталаб шу ерга келганидагидек, далада шамол ўйнаб, кўзи ўнгида кенг зим-зиё яланглик ёстаниб ётарди. Олдинда, бир неча фонарнинг хира ёғдусида аранг кўринадиган Ворё қутурган ҳайвон каби биқиниб турарди. Ағдарма тепа олдидаги учта гулхан гўё осмонда осилиб турган қирмизи ойдек ланғиллаб ёнарди; аҳён-аҳёнда гулханлар шуъласида Ўлмас бобо билан оқ отнинг баҳайбат гавдаси кўриниб қоларди. Нарироқда эса ҳамма нарса — Монсу, Маршьенн, Вандам ўрмони, кўз илғамас лавлаги экилган далалар билан буғдойзорлар зим-зиё тун қўйнида ётарди; фабриканинг баланд трубалари кўк чироққа, кокс печлари эса қизил чироққа ўхшаб милтиллаб кўринарди. Секин-аста қоронғиликда ҳамма нарса қўшилиб кетди, тўхтовсиз севалаб ёғаётган ёмғир чор атрофни қамраб олди, тун сукунатида биттагина товуш — кечаю кундуз канда қилмай сув чиқариб ташловчи насоснинг кучли, чўзиқ нафас олишигина эшитиларди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

УЧИНЧИ ҚИСМ

1

Этьен эртасига ҳам, кейинги кунлари ҳам шахтадаги ишга бораверди. У шу ҳаётга ўргана бошлади, аввалига юрагини сиқадиган янги шароитларга кўникиб қолди. Кейинги икки ҳафта бир хилда ўтаётган тирикчилигини битта воқеа — қаттиқ безгак тутиб қолишигина бузди; безгак уни икки кунгача ўринга ётқизиб қўйди. Оёқ-қўллари зирқираб оғрир, боши ловиллаб ёнар, алаҳсирар эди; алаҳсираганда вагонеткани ўзи ҳам сиғмайдиган тор штольняга итариб кирғизмоққа уринаётгандек бўларди. Бу шунчаки ниҳоятда чарчаганлик натижаси бўлиб, иш ўрганиш жараёни билан боғлиқ эди, шу боисдан Этьен тезда тузалиб кетди.

Кунлар кетидан кунлар, ҳафталар кетидан ҳафталар, ойлар ўтди. Этьен ўртоқлари каби эрталаб соат учда турар, кофе ичар, нонуштага кечқурун Раснёр хоним тайёрлаб қўйган бутербродни олиб кетарди. У эрталаблари шахтага йўл оларкан, ҳар куни уйига ухлаш учун қайтаётган Ўлмас бобони учратарди; кечқурунлари эса ишдан қайтаётганида кечки сменага кетаётган Бутлуга дуч келарди. Бутлу ҳамманикига ўхшаш шапкача, чолвор билан бўз кўйлак кийган эди: у ҳам бошқаларга ўхшаб совуқ қотиб қалтирар, баракдаги ўтга орқасини тутиб исинарди. Кейин шамол қаттиқ ғўриллаётган қабулхонада яланг оёқ кутиб туришга тўғри келарди. Энди Этьенни мис қисмлари ялтираб турган, силлиқ қилиб жило берилган машина ҳам, тунги қушларнинг қора, унсиз қанотларига ўхшаб сирпаниб бориб-келаётган арқонлар ҳам, сигнал қўнғироқлари овозига қараб ҳар минутда пайдо бўлиб, яна ғойиб бўлиб кетаётган кўтарма машина кажавалари ҳам, бақириб берилган командалар, рельслар устида тарақ-туруқ қилиб юрадиган вагонеткалар ҳам қизиқтирмасди. Унинг лампаси жуда хира ёнарди: лаънати лампачи уни яхши тозаламагани аниқ. Лекин Этьен Муке бобо ҳаммани зўрлаб чиқараётганда, ҳазиллашиб, қизларни шапиллатиб уриб ҳайдаганида кўнгли бир оз ёзиларди. Кажава қўзғалиб, тубсиз чоҳ тагига тошдек тушиб кетаётганда Этьен кундузги нурнинг ғойиб бўлишини кўриш учун ўгирилиб қарашга ҳам улгурмасди. У ҳатто кажава узилиб кетиши мумкин, деб ўйламаган одатдаги муҳит қўйнига, жала қуйиб турган зулмат қаърига тушиб борарди. Пастда, қабулхонада Пьеррон энсани қотирадиган мунофиқона қиёфада уларни тушираркан, шахтёрлар тўда бўлиб, шалвираб штольняларга бўлиниб кетишарди. Этьен энди шахтанинг ҳамма йўлакларини Монсу кўчаларидан ҳам яхши билар, қаерда бурилишни, қаерда пастроқ энгашиб юришни, кўлмаклардан қандай айланиб ўтишни яхши билиб олганди. Йигит ер остидаги шу икки километрлик йўлни шунчалик яхши билардики, ҳатто лампасиз ҳам икки қўлини чўнтагига тиқиб юра оларди. Унга бирдек ўша кишилар дуч келишади: мана, ишчиларнинг юзини ёритиб штейгер ўтиб кетяпти, мана Мук бобо отни стаклаб боряпти, мана, Бебер пишқираётган от — Ўктам билан ўтяпти. Жанлен бўлса вентиляция эшикларини ёпиб, поезд кетидан чопяпти, семиз Мукетта билан орик Лидия эса вагонеткаларни ғилдиратиб келишарди.

Этьен ўнгирлардаги намлик билан димликдан энди камроқ озор чекадиган бўлиб қолди. Тор штольнялар ўтишга осон бўлиб қолгандек эди. У шунчалар ориқлаб кетгандики, илгарилари қўлини суқишга ҳам журъат эта олмайдиган тирқишларгаям сиғиб кетарди. У кўмир чангига ўрганиб қолди, қоронғиликда ҳам бемалол кўрадиган бўлди, қора терга ботса ҳам парво қилмас, эрталабдан кечгача шалаббо кийимда юришга одатланди. Бунинг устига Этьен кучини ҳуда-беҳудага сарф қилавермас, эпчиллиги ва ишга чечанлиги билан ўнгирдаги ўртоқларини ҳайратда қолдирар эди. Уч

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳафтадан кейин шахтанинг энг яхши юккаши деб ном чиқарди: ҳеч ким вагонеткани битта итарганда тепаликка Этьендек олиб чиқа олмас, ҳеч ким вагонеткани арқонга унчалик эпчиллик билан илолмасди. Бўйи паст бўлгани учун у ҳамма жойдан ўта олар, қўллари хотинларникидек нозик ва оппоқ териси юмшоқ бўлишига қарамасдан, чайир, жуда ҳам бақувват эди. У ғуруридан бўлса керак, чарчаб силласи қуриса ҳам ҳеч қачон шикоят қилмасди. Фақат ҳазилни билмайди, биров гап отиб қўйса, жаҳли чиқади, деб ундан гина қилишарди холос. Шахтёрлар уни ўз сафларига қўшиб олиб, чинакам кўмир қазувчи дейишарди; у кун сайин ишнинг ҳадисини олиб, машинага айланиб борарди.

Этьенга айниқса Маэ дўстона муносабатда бўларди, чунки у ҳамиша астойдил қилинган ишни ёқтирарди. Бундан ташқари у ҳам бошқалар қатори юккашни ақлу заковатда ўзидан юқори қўярди. У Этьеннинг ўқиб-ёзаётганини, планлар чизаётганини кўрган эди. Шунингдек, у Этьеннинг мавжуд нарсалар ҳақидаги суҳбатларини эшитганди, бу нарсалар Маэга янгилик эди. Бу ҳол Маэни асло ажаблантирмасди: шахтёрлар содда бўлишади, уларнинг бошлари ҳам механиклар-никидек зўр бўлади, лекин у очликдан ўлмаслик учун кўмир қазувчилик касбини астойдил эгаллашга тиришган бу йигитнинг матонатига қойил қоларди. У шахтани бунчалик тез ўзлаштириб олган бошқа ишчини эслай олмайди. Шунинг учун ҳам штольняни тезлик билан мустаҳкамлаш керак бўлиб қолса, Маэ кончиларни ишдан қолдиришни хоҳламай, тиргаклар қўйишни йигитга буюрарди, унинг ишни пухта ва маҳкам қилишига ишонарди. Бошлиқлар бу лаънати тиргакларни деб унга тинчлик беришмас, у минут сайин инженер Негрелнинг Дансарт билан яна бошлашиб келиб қолишидан қўрқарди; яна бақириб-чақиришига, ўзиникини маъқуллаб, ҳамма тиргакларни бошқатдан ўрнатишга мажбур этишига тоби йўқ эди. Маэ бу корчалонлар гарчи ҳамиша ҳеч нарсадан кўнгиллари тўлмагандек бўлиб кўринишга уриниб, бир кун эмас, бир кун Ширкат жиддий чора кўради, деб дўқ уришни қўймасалар ҳам, юккашнинг ишидан қониққанларини сезиб юрарди. Вақт ўтган сари шахтада зимдан

норозилик кучайиб борарди, ҳатто Маэнинг ўзи ҳам, шунчалик вазмин бўлишига қарамай, баъзан ғазабланиб, муштини тугарди.

Биринчи кунларданоқ Захария билан Этьен орасида адоват пайдо бўлди. Бир оқшом ёқалашиб кетишларига оз қолди. Лекин ўз маишатидан бошқа нарсани билмайдиган кўнгилчан Захария Этьен унга бир кружка пиво ичишни дўстона таклиф этиши билан жим бўлди қолди. Кўп ўтмай у ҳам янги ишчининг устунлигини тан олди. Левак ҳам у билан дўстона муносабатда бўла бошлади, у билан сиёсат ҳақида тез-тез суҳбатлашар, бу масалаларда Этьеннинг ўз фикри бор, дерди. Артелдагилардан фақат битта найнов Шавалгина юккашга қандайдир адоват билан қарар — бунинг сабаби бир-бирларига ҳўмрайиб юришларидагина эмасди, аксинча, улар ҳатто иноқлашиб ҳам кетишди. Бироқ ўзаро ҳазил-мутойибада худди бир-бирини еб қўймоқчидек ўқрайиб қарашарди. Катрина ишда аввалгидек ҳорғин, итоаткор қиздек кўринар, аввалгидек, қаддини букиб, вагонеткани итарар, Этьенга ҳам меҳрибонлик билан муносабатда бўларди, йигит ҳам ўз навбатида унга ёрдам берар эди. Иккинчи томондан, Катрина маъшуқининг ҳамма инжиқликларига кўниб, эркалаган пайтларида жон-жон дер эди. Уларнинг алоқасини посёлкадагиларнинг ҳаммаси биларди, ҳатто Катриналарнинг оиласи ҳам уларнинг муносабатига панжа орасидан қарашарди. Шу боисдан Шаваль ҳар оқшом юккаш қиз билан уюм орқасига ўтиб кетар, кейин уни ота-онаси эшигигача кузатиб келиб, шу ернинг ўзида бутун посёлкадагиларнинг кўзи олдида қизни сўнгги бор ўпарди. Этьен ўзини бу ишларга ҳеч алоқаси йўқдек қилиб кўрсатарди, кўпинча уларнинг бирга юришларини масхаралаб, шундай қаттиқ гаплар айтардики, бундай гапларни қиз-йигитлар фақат шахтанинг ичидагина айтишлари мумкин эди. Катрина ҳам бўш келмас, йигити унинг учун нималар қилганини мақтаниб гапирар, лекин кўзлари Этьеннинг кўзларига тушганида, ҳар сафар хижолат бўлиб, ранги оқариб кетарди. Икковлари ҳам тескари қараб олиб, баъзан соатлаб гаплашишмасди. Гўё икковлари ҳам қалбларида жувонмарг бўлган ўша туйғу учун

www.ziyouz.com kutubxonasi

бир-бирини ёмон кўрарди, бу ҳақда ҳеч қачон сўз очишмас эди.

Баҳор келди. Бир куни Этьен шахтадан чиқар экан, апрелнинг илиқ нафаси юзларига урилганини, пўрсиллаб турган ер, мурғак кўкатлар, мусаффо ҳаво ҳидини сезди. Мана энди у ҳар сафар уйига қайтар экан, назарида ҳаво тобора хушбўй бўлиб, ёз нафаси сира уфурмайдиган зимистон ва зах зиндонда ўн соат ишлаб келаётган кишига қуёшнинг ҳарорати ошиб бораётгандек туюларди. Кунлар узайиб боргани учун май ойида Этьен шахтага қуёш чиқар пайтда, қирмизи осмон Ворёни шафақ билан нурафшон этиб, эрталабки енгил туман эса пушти рангга кирганда тушадиган бўлиб қолди. Энди ҳеч ким совуқдан дилдирамасди, узоқ далалардан илиқ шамол эсарди, осмонда эса тўрғайлар овозларини янгратиб сайрардилар. Соат учда эса у кўзни қамаштириб ёнаётган қуёшни кўрди,— қуёш уфқни ловиллатиб, кўмирдан ифлосланган ғиштин биноларга қизғиш шуъла сочарди. Июнда жавдар баланд ўсган бўлиб, унинг кўкимтир пояси лавлагининг қорамтир баргларига қуюқ соя ташлаб турарди. Бу — салгина шамолга ҳам мавжланадиган бепоён денгиз бўлиб, кун сайин кенгайиб борарди. Этьен кўпинча уларнинг кечқурун эрталабкидан ҳам кўкроқ эканлигини кўриб, ҳайрати ортарди. Зовур бўйидаги тераклар барглар билан безанди. Кўмир уюмини ўт-ўлан босиб, ўтлоқлар гулга бурканди, ҳаммаёқдан янги ҳаёт чечак отар, бу ҳаёт Этьенга азоб ва ҳорғинлик келтирадиган ер остидан булоқдек қайнаб чиқар эди, Этьен эса ана шу ер остида азоб-уқубат чекиб, силласи қурирди.

Энди Этьен кечқурунлари сайрга чиқаркан, укм орқасида ошиқ-маъшуқларни учратмасди. Йигит уларнинг изидан жавдарзор оралаб бораверарди. Сарғая бошлаган бошоқлар билан катта-катта қизил лолаларнинг силкинишини кўриб, уларнинг ўз эҳтиросларини қондириш учун топган хилват жойларини билиб оларди. Захария билан Филомена эски одатларига кўра, шу ёққа кетишарди. Доимо Лидияни излаб юрадиган Ашаддий кампир Жанлен билан қизини қарғагани қарғаган эди: болалар жавдари ичига кириб кетишганидан, уларни қўрқитиш учун оёқларига тегиш керак эди. Мукетта эса, бошқа гап: унинг бормаган ери йўқ эди, даладан ўтаётганда албатта унинг боши бирон жойдан кўриниб қоларди; у бегонани кўриши билан дарров яшириниб, ётиб олганидан оёқларигина чиқиб турарди. Ахир ёшлар эркин-ку, шу боисдан Этьен уларнинг бу ишларини айбга буюрмасди. У фақат Катрина билан Шавални учратган оқшомларигина хуноб бўларди. Этьен яқинлашиб келиши билан уларнинг бекинишганини, тепаларидаги кўк поялларнинг бирлашиб, қимир этмаётганини икки марта сезиб қолди. Бошқа бир сафар Этьен торгина сўқмоқдан бораркан, Катринанинг парпираган кўзлари бирров кўриниб, шу ондаёқ жавдарлар ичида ғойиб бўлди. Ўшанда кўз илғамас текислик назарида жудаям торайиб кетгандек бўлди-ю, Этьен шу оқшомни Раснёрникида, унинг «Авантаж» майхонасида ўтказишни афзал кўрди.

— Раснёр хоним, менга бир кружка беринг... Йўқ, мен бу оқшом сайр қилгани бормайман, жуда чарчадим, оёқларимда оёқ қолмади.

Сўнг у хонанинг нариги томонида, девор олдидаги стол ёнида ўтирган ўртоғига мурожаат қилиб сўради:

— Суварин, сен ҳам ичасанми?

— Йўқ, раҳмат, ҳеч нима истамайман.

Этьен шундоққина қўшни бўлиб турганида Суварин билан танишганди. Суварин Ворёда машинист бўлиб ишларди, тепадаги хонада Этьен билан ёнма-ён турарди. Кўринишдан ўттиз ёшлар чамасидаги озғин, оқиш, нозик юзини узун-узун туклар билан сийрак соқол қоплаганди; ўткир, оппоқ тишлари, ўймоқдай оғзи билан бурни, ёноқларининг қизғишлиги уни қизларга ўхшатарди; у ювош кўринса ҳам, айни чоқда юз ифодалари қайсарлигидан далолат берарди, кўкимтир-кулранг кўзларида баъзан ғазаб учқунланарди. Бу қашшоқ ишчининг кулбасида китоблар билан қоғозлар солиб қўйилган катта яшикдан бўлак ҳеч нима йўқ эди. Суварин миллати рус бўлиб, ўзи ҳақида ҳеч нима демас, одамлар бўлса, у ҳақда бўлмағур гапларни бичиб-тўқишарди. Ажнабийларга ишончсизлик билан муносабатда бўлувчи кўмир қазувчилар Суварининг қўллари кичкиналигидан унинг бошқа табақага мансублигини пайқашиб, аввалига бу бир иш қилиб,

www.ziyouz.com kutubxonasi

балки одам ўлдириб, жазодан қочиб юрибди, деб ўйладилар. Лекин Суварин ўзига заррача ҳам бино қўймай, уларга бирдарона муносабатда бўлар, ёнидаги чақаларини ишчиларнинг болаларига улашиб юрарди, шу боисдан кўмир қазувчилар охири уни тан олишди. Улар бу — сиёсий муҳожир, деган фикрга келиб, хотиржам бўлишди. Бундай таъбир қанчалик ноаниқ бўлса ҳам бу, Суварин гарчи жиноят қилган бўлганида ҳам кўмирчилар наздида уни оқлар эди. Кўмир қазувчилар бу ҳам ўзимизга ўхшаган бир бадбахт ўртоқ-да, деб қарардилар.

Дастлабки ҳафталарда у Этьенга хафақон ва одамови бўлиб кўринди. Этьен унинг саргузаштини кейинроқ билиб олди. Суварин Тула губернасидаги бир дворяннинг кенжа ўғли эди. У Петербургда медицинадан таҳсил олди. Шу ерда у ўша замондаги Россиянинг ҳамма ёшлари фикру зикрини чулғаб олган социализм ғоялари билан шуғулланди. У халқ орасига кириш, уни яқиндан ўрганиш ва унга бирдарона ёрдам бериш ниятида бирор ҳунар ўрганишга қарор қилиб, механик касбини танлади. Мана энди императорга суиқасд муваффақиятсиз чиққач, у Россиядан қочиб келиб, шу касби билан тирикчилик қилиб юрибди: аввалига роса бир ойгача сабзавот дўконининг ертўласида биқиниб, кўчанинг тагидан тешиб чиқадиган лаҳм кавлади, ҳар лаҳза уй-пуй билан бирга портлаб кетиш хавфидан қўрқмай бомба ясади. Оиласи ундан юз ўгирди. Бу жосус бўлса керак, дея гумон қилиниб, франдуз устахоналарининг қора тахтасига ёзиб қўйилган Суварин то Монсудаги Ширкат ишчи кучи етишмагани учун уни ёллагунча бир чақага зор бўлиб, очдан ўлаёзди. Бу ерда у бир йилдан бери ишлаяпти — бир ҳафта кундузи, бир ҳафта кечаси ишлайди, доимо тиришиб, ичмасдан, юмушларни пухта, жо-бажо қилиб, камсуқум бўлиб юрганидан бошлиқлар уни бошқаларга ибрат қилиб кўрсатишарди.

— Наҳотки сираям ичинг келмаса?— кулиб сўради ундан Этьен.

У бўлса оҳиста, деярли акцентсиз жавоб берди:

— Фақат овқат маҳали ичгим келади.

Этьен Суваринниинг ишқий саргузаштларини айтиб ҳазиллашди, сени «Ипак пайпоқ» посёлкаси яқинидаги жавдарзорда юккаш қиз билан кўрдим, деб қасам ичди. Суварин ўта хотиржамлик, лоқайдлик билан елкасини қисиб қўя қолди. Юккаш нима қилади? Агар хотин киши эркаклардек мард бўлиб, ўртоқларча муносабатда бўлса, у ҳам ўртоқларча муносабатда бўларди. Йўқса бунақа разиллик қилишнинг нима кераги бор? Унга ҳеч ким — на хотин, на дўст керак эди, бирор киши билан муносабатда бўлишни ҳам истамасди. У эркин қуш бўлиб, бирон яқин кишиси йўқ эди.

Ҳар оқшом соат тўққизларга яқин қовоқхонадан одамларнинг оёғи узилгач, Этьен қолиб, Суварин билан суҳбатлашарди. У пивони майдалаб ҳўплар, машинист эса папирос кетидан папирос чекарди; тамаки тутунидан унинг ингичка бармоқлари сарғайиб кетганди. У худди туш кўраётгандек, бесаранжомлик билан ҳалқа-ҳалқа бўлиб чиқаётган тутунни кузатарди. У талвасага тушиб, чап қўли билан бўшликда алланимани изларди: кейин уйда эркин юрадиган оғиргина, қўлга ўрганган, семиз, ургочи қуённи тиззасига оларди. Ўзи «Польша» деб от қўйган бу мода қуён уни жуда яхши кўрар, шимларини искаб чиқар, рўпарасида чўнқайиб, худди ёш боладек тиззага олмагунча тимдалайверарди. Шундагина унга суйканиб, қулоқларини тушираради-да, кўзларини юмарди; Суварин бўлса, шуурсиз бир меҳр билан унинг ипакдек кулранг юнгини силайверарди. Бу иссиқ жонивор унга таскин берарди.

— Биласизми,— деди бир кун кечқурун Этьен,— мен Плюшардан хат олдим.

Хонада Раснёрдан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Сўнгги майхўр ҳам ҳамма бир уйқуни олган посёлкага жўнаганди.

— А!— хитоб қилди майхоначи мижозларига яқин келиб.— Ишлари қанақа экан?

Ўзининг Монсуда ишга кирганини хабар қилган Этьен икки ойдан бери Плюшар билан хат олиб, хат бериб турарди. Кўмир қазувчилар орасида тарғибот ишлари олиб бориш имконияти туғилгани ҳақидаги фикрга ёпишиб олган Плюшар Этьенга шу хусусда турли топшириқлар бериб турарди.

— Сиз билган Ўртоқликнинг ишлари яхши кетяп-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ти; афтидан унга ҳамма тарафдан одамлар қўшилаётганга ўхшайди.

— Уларнинг жамияти ҳақида сен қандай фикрдасан?— сўради Раснёр Суварингa мурожаат қилиб.

Суварин «Польша»нинг бошини оҳиста силаркан оғзидан паға-паға тутун чиқариб, жавоб берди:

— Бўлмаган савдо!

Лекин Этьен руҳланиб кетганди. Ундаги норозилик кучайиб меҳнатнинг капитал билан курашини орзу қиларди. У тажрибасиз бўлганидан ҳар нарсага жуда қизиқарди. Гап халқаро ишчилар ўртоқлиги, яқиндагина Лондонда тузилган машҳур Интернационал ҳақида борарди. Пировардида адолатнинг тантана қилишига олиб келадиган ўша шонли курашнинг дебочаси шу эмасми? Барча тўсиқлар бузиб ташланади. Ишчи ўз меҳнати билан топадиган бир бурда нонига ўзи эга бўлиши учун бутун дунё меҳнаткашлари қўзғолиб, бирлашадилар. Шундай содда, шундай буюк ташкилот бу: аввалига мазкур жамоани ифодаловчи секция тузилади; сўнгра ўша вилоятдаги секцияларни бирлаштирувчи федерация вужудга келади, кейин миллат туғилади ва ниҳоят, буларнинг ҳаммаси тепасида турадиган бош кенгашда ўз аксини топган инсоният барпо этилади, бу кенгашда ҳар бир миллатнинг мухбир секретари бўлади. Ярим йилга қолмай жаҳонни забт этиш ва агар корхона эгалари қайсарлик қилаверишса, уларни қонунларни бажаришга мажбур этиш мумкин бўлади.

— Сафсата! — деди такроран Суварин. — Сизларнинг Карл Марксларингиз табиий кучларни ишга солишни истайди. Сиёсат — фитна-да, суиқасд ҳам йўқ, шундайми? Ҳамма нарса рўйрост, ягона бир иш учун— иш ҳақини ошириш учун олиб борилиши керак... Ҳе, ўша эволюцияларингдан ўргилдим-е! Шаҳарларни ёндиринг, бутун-бутун халқларни қиринг, йўлингиздаги ҳамма нарсани супуриб ташланг, бу чириган дунёдан ҳеч нима қолмаган тақдирдагина яхшироқ дунёни қуриш мумкин бўлар.

Этьен кулиб юборди. У ўртоғининг фикрига ҳамиша қўшилавермасди: умумий емирилиш назарияси унга оддий бир олифтагарчиликдек туюларди. Раснёр анча тажрибали, тўғри фикр юритувчи, нуфузли киши

бўлганидан бу гапларга хафа бўлмади. У фақат масалани ойдинлаштириб олмоқчи бўлди.

— Хўш, нима қилмоқчисан? Монсуда секция ташкил этмоқчимисан?

Шимолий федерациянинг секретари Плюшар худди шундай қилмоқчийди. У айниқса, кўмир қазувчилар забастовка қилгундай бўлсалар, Ўртоқлик жамиятининг ёрдам беришига ишора қиларди. Этьен стачка бўлиши муқаррарлигини олдиндан биларди: тиргович-лар масаласи ёмон оқибатга олиб келиши турган гап; Ширкат яна битта талаб қўйса бас, ҳамма конларда дув қўзғолон кўтарилади.

— Лекин энг ишкали — бадал пули тўлаш,— комил ишонч билан деди Раснёр.— Умумий фондга эллик сантим, яна секцияга икки франк — арзимаган пул бўлса ҳам, гаров бойлашаман, кўплари тўлашдан қочади.

— Шундай бўлгач,— илова қилди Этьен, — даставвал бу ерда ўзаро ёрдам кассаси ташкил этиш керак; агар лозим бўлиб қолса, уни стачка фондига айлантириб юборардик... Ҳар қалай, бу ҳақда ўйлаш вақти етди. Агар бошқалар хўп дейишса, мен бунга тайёрман.

Сукунат чўкди. Пештахтадаги керосин лампа тутаб ёнарди. Ланг очиқ эшикдан белкуракнинг тарақ-туруғи эшитилиб турарди: Ворёдаги гўлах машина печкаларидан бирига кўмир ташлаяпти.

— Ҳамма нарса қимматлашиб кетди-я! — деб қўйди хонага кириб, боядан бери гапларини маъюс эшитиб турган Раснёр хоним; у эгнидаги доимий қора қўйлагида жуда новча кўринарди. — Буни қаранг-а, тухумга йигирма икки су тўлабман-а... Бир кун эмас, бир кун ҳаммаёқ остин-устун бўлиб кетади.

Эркаклар ҳам шу фикрда эдилар. Шикоятлар ёғилиб кетди, улар бирин-кетин оғир-оғир хўрсиниб гапиришарди. Ишчиларнинг бундай ҳаётга чидаши қийин. Революция ишчини баттар қашшоқ қилиб қўйди. 89-йил революциясидан сўнг буржуйларгина бойиб, семириб кетди, меҳнаткаш инсонга сарқитларини ҳам раво кўришмайди. Қани, инсоф билан айтишсин-чи, шу юз йил ичида йиғилган нозу неъмат, молу дунёдан ишчилар жилла қурмаса озгина баҳраманд бўлдими? Уларни озод дея эълон қилишиб, устига чиқиб тепиш-

www.ziyouz.com kutubxonasi

япти холос; ҳа, улар очликдан ўлсин, деб эркинлик беришди, лекин улар илгари ҳам бундай ҳуқуқдан маҳрум эмасдилар. Ўзларини ўтган йили ёққан қорчалик эсга олмайдиган аллақандай очопат муттаҳамларга овоз берганлари билан битта ноплари иккита бўлиб қолмайди. Йўқ, қандай қилиб бўлса ҳам бу аҳволни тугатиш керак — буни хоҳ қонуний йўл билан, хоҳ тартиб доирасида ўзаро келишиб, амалга ошириш, ё бўлмаса зўравонлик йўли билан, ҳаммаёқни ёндириб, бир-бирини сўйиб, амалга ошириш керак. Биз кўрмасак ҳам, балки болаларимиз кўришар буларни, чунки бу аср бошқа революция билан, бу гал ишчилар революцияси билан якунланиши керак. Ана шу жамият ўрнида адолат ва ҳалолликка асосланган янги жамият барпо этиш учун эски жамиятни ҳамма табақалари билан бирга кунпаякун қиладиган талатўп бўлади.

— Бир кун эмас, бир кун буларнинг ҳаммаси остинустун бўлиши турган гап,— қатъий такрорлади Раснёр хоним.

— Ҳа, ҳа, ҳаммаси кунпаякун бўлади!— тасдиқлашди эркаклар.

Суварин «Польша»нинг қулоқларини силаркан, қуён хуш ёққанидан бурунларини буриштирарди. У шуурсизлик билан бўшлиққа боқаркан, ўзи билан ўзи гаплашгандек минғирлади:

— Иш ҳақини ошириш мумкинми? Темир қонунга кўра, маош ишчи қоқ нон ейиши-ю, болаларни кўпайтиришга етадиган даражада жуда оз ошади... Агар у ҳаддан ташқари камайиб кетса, ишчилар очдан ўла бошлайди; янги ишчи кучига эҳтиёж туғилади, кейин яна маош ошади. Борди-ю, у ҳаддан ташқари ошиб кетса, ишчиларнинг келиши кўпаяди, маош яна камаяди. Бу ишчини доимий очликка маҳкум этувчи бўш жиғилдон мувозанатидир.

Суварин жазавага тушиб, билимдон социалистлардек фикрларини ривожлантириб баён қилганида, Этьен билан Раснёр эшитиб ташвишга тушарди: унинг ваҳимали хулосаларидан довдираб, эътироз билдиришга сўз тополмасдилар.

— Эшитяпсизларми,— давом этди у, одатдаги хотиржам товуш билан уларнинг юзларига боқаркан,— ҳаммасини йўқотишимиз керак, бўлмаса яна оч қоламиз. Ҳа, ҳа! Анархия — бошқа нарса керакмас! Ер қон билан ювилиб, олов билан покланиши керак!.. У ёғи кейин маълум бўлади.

— Суварин жаноблари мутлақо ҳақлар,— деди Раснёр хоним.

Бу аёл исёнкорлардек шарттаки бўлса-да, ғоят назокатлилиги билан ажралиб турарди. Ҳеч нарсадан хабарсизлиги учун ўкинган Этьен ортиқ мунозарада қатнашишни истамади. У ўрнидан турди-да, деди:

— Бориб ухлаймиз. Нима бўлсаям эрталаб соат учда туриш керак.

Суварин қўлидан тушмайдиган папиросини ўчириб, семиз қуённи оҳиста қорнидан кўтариб, ерга қўйди. Раснёр кўча эшикни ёпди. Ҳамма чурқ этмай тарқалди. Ҳаммасининг қулоғи шанғилларди, бошлари эса муҳим, ҳаяжонли муаммолардан шишиб кетгандай эди.

Улар ҳар куни бўш залда Этьен бир соатча чўзиб ичадиган бир кружка пивони олдиларига қўйволиб, нуқул шу гапларни гапиришарди. Шу чоққача Этьеннинг миясида мудраб ётган мубҳам фикрлар уйғониб, ҳаётнинг паст-баландини кўпроқ тушуна бошлади. Этьен билимга ғоят ташналигини ҳис қилиб, анча вақтгача қўшнисидан китоб сўрашга ботина олмади; аксига олиб, унда фақат немис ва рус тилларидаги китоблар бор эди. Ниҳоят у қаердандир Ўртоқлик кооперативлари ҳақидаги французча китобни топиб олди. Суваринниинг гапига қараганда, бу китоб ҳам бир пулга қиммат эди. Бундан ташқари Этьен анархистларнинг Женевада нашр этилаётган «Кураш» деган варақасини мунтазам ўқиб борарди; Суварин уни олиб турарди. Ҳар қалай, улар ҳар куни суҳбатлашиб туришларига қарамай, машинист ўша-ўша одамовилигича қолаверди: афтидан, у ўз ҳаёт йўлини орзу-ҳавассиз, ишқ-муҳаббатсиз, роҳат-фароғатсиз босиб ўтаётгандек эди.

Июлнинг бошида Этьеннинг аҳволи яхшиланди. Қўқисдан юз берган воқеа шахтада муттасил бир хилда кечадиган ҳаёт маромини бузиб юборди: ишчилар бирдан Гийом қатламларида жинсларнинг аралашиб кетганини, кўмир қатламлари алмашаётганини пайқаб қолишди. Бу—шубҳасиз дарз кетиш белгиси эди. Ҳа-

www.ziyouz.com kutubxonasi

қиқатан ҳам тезда ёриқни топишди, ёриқ борлиги ҳатто ер қатламларини жуда яхши билган инженерларнинг ҳам хаёлларига келмаганди. Бу воқеа бутун шахтани ташвишга солиб қўйди: ҳамма, афтидан, аралаш қатлам ёриқнинг нариги томонига ҳам ўтиб, анча пастга тушиб кетгани ҳақида гапирарди. Кекса кўмир қазувчилар худди кўмир излаб топиш учун юборилган итлардек ҳаммаёқни қидириб кетдилар. Лекин ҳозирча ишчилар қўл қовуштириб ўтиролмасдилар, шунинг учун ҳам Ширкат янги жойларда кўмир қазиб олишни кўзлаб, ким ошди савдосини белгилади.

Бир куни Маэ Этьен билан шахтадан қайтар экан, унга бошқа артелга ўтиб кетган Левакнинг ўрнига бизга ишга ўт, дея таклиф қилиб қолди. Маэ бош штейгер ва инженер билан келишиб қўйганди; улар йигитдан ғоят мамнун эдилар. Этьен бундай кўтарилиш ҳақидаги таклифни қабул қилишга рози бўлди,— у Маэнинг бу ишончидан бахтиёр эди.

Кечқурун улар эълонлар билан танишгани шахтага равона бўлишди. Ким ошди савдосидан кейин ижарага олиниб, ишга туширилган янги участкалар Ворёнинг шимолий йўлагидаги Филоньер қатламида эди. Бунда ишлашнинг унчалик фойдаси йўқ эди. Этьен шарт-шароитларни ўқиб бераркан, шахтёр бошини сарак-сарак қиларди. Ҳақиқатан ҳам эртасига улар кўмир қазиладиган жойга боришганда, Маэ Этьеннинг эътиборини участканинг қия штрекдан узоқлигига, тупроқнинг бўшлигига, кўмир қатламининг юпқалиги ва унинг қаттиқлигига жалб этди. Лекин ишламасанг тишламайсан. Шунинг учун ҳам келаётган якшанбадаёқ ким ошди савдоси бўлаётган баракка боришди: шахта инженери билан бош штейгер раислигида савдо авжида эди: аммо округ инспектори эса йўқ эди.

Бурчакдаги кичкинагина очиқ саҳнада беш-олти юз кўмир қазувчи уймалашарди. Савдо шу қадар авжида эдики, фақат бўғиқ товуш эшитилиб қоларди: қичқириб рақамларни бирин-кетин маълум қилишар, шу ондаёқ яна янги рақамларни айтишарди. Бир лаҳза Маэ Ширкат таклиф этган участкадан биттасига ҳам илина олмаймизмикин, дея қўрқиб турди. Рақиблар кризис ва иш тўхташи ҳақидаги шов-шувлардан васвасага тушиб, баҳони камайтиришарди. Инженер

Негрель бозори чаққон бўлишига қарамасдан шошилмас, баҳони жудаям паст нуқтасига тушириб юборишга ҳаракат қилар, хушомадгўй Дансарт эса, ижарага берилаётган участкаларни мақтаб, сурбетларча ёлғон гапирарди. Маэ эллик метрлик участкани олмоқчи бўлди, лекин уни қўлдан чиқаргиси келмаган ўртоғи билан рақобат қилишга мажбур бўлди. Улар навбатма-навбат ҳар вагонеткасига бир сантимдан тушиб боришди. Маэ ғолиб чиқди-ю, лекин тўловни шу қадар камайтириб юбордики, ҳатто орқасида турган штейгер Ришомм уни туртиб қўйди, у тишларини ғижирлатиб, Маэ бунақа нархда бари бир ҳеч вақо ишлай олмайди, деб қўйди ичида.

Улар тўпдан чиқишаркан, Катрина билан далаларни сайр қилиб қайтаётган Шавални кўриб, Этьен аламига чидолмай, сўкинди: чол шундай жиддий иш билан юрса-ю, булар тентирашини қўймаса!

— Жин урсин!— хитоб қилди Этьен.— Одамларнинг нах гирибонидан олишади-я!.. Энди улар ишчилар бир-бирларини ғажиб, йўқ қилиб ташлашини хоҳлайдилар шекилли!

Шаваль ғазабланиб, мен бўлсам нархни асло камайтирмасдим, деди. Томоша қилиш учун келган Захария бўлса, бу ҳолни бориб турган бемаънилик, деди. Лекин Этьен жаҳл билан бақириб, уларни жим бўлишга мажбур этди:

— Бу расвогарчиликларга барҳам берилади! Биз ҳам хўжайин бўладиган кун келади!

Савдо тугагандан бери чурқ этмай келаётган Маэ худди уйқудан уйғонгандек ғўлдираб қўйди:

— Хўжайин бўлармиш-а! Эҳ, пешонамиз қурсин! Қани энди тезроқ келақолса!

II

Июль ойининг охирги якшанба куни Монсуда маҳаллий байрам ҳисобланарди. Шанба куни кечқурун бутун посёлкадаги бекалар челак-челак сув сепиб, полу деворларни ювишди, оқ қум сепилган бўлса-да, пол эрталабгача ҳам қуримади,— бунақа ҳашам камбағалларга ҳамиша ҳам насиб бўлавермайди. Кун жуда иссиқ бўладиганга ўхшайди,— бу шимол осмонида мо-

www.ziyouz.com kutubxonasi

мақалдироқлар авжга чиқадиган, бепоён тақир текисликлар жазирама иссиқдан ҳансирайдиган ёз кунларининг бири эди.

Шанба куни Маэ оиласидагиларнинг ҳаммаси ҳар хил вақтда уйғонишарди. Ота соат бешдан буён ўрнида у ёқдан-бу ёққа ағдарила-ағдарила охири ўрнидан туриб кийинди, болалар бўлса, тўққизгача мириқиб ётишди. Бу сафар Маэ чекиш учун боққа чиқди, қайтиб уйга кирди, бошқаларнинг туришини кутаркан, ёлғиз ўзи ёғ билан бир бурда нон еди. У нима қилишни билмай шу алпозда тонгни оттирди; оқадиган бўлиб қолган тоғоранинг тешигини ямади, болаларга армуғон қилинган валиаҳд шаҳзоданинг суратини соат тагига ёпиштириб қўйди. Ниҳоят тепадан бирин-кетин хонадоннинг бошқа аъзолари ҳам тушиб келишди: Ўлмас бобо офтобда ўтириш учун стулини олиб тушди; она билан Альзира дарҳол нонушта тайёрлашга киришиб кетишди; Катрина бўлса Ленора билан Анрини кийинтириб, олиб тушди. Соат ўн бирга занг урди. Қайнатилаётган қуён гўшти билан картошканинг ҳиди уйни тутиб кетди. Ниҳоят уйқудан қовоқлари шишиб кетган Захария билан Жанлен эснай-эснай кириб келди.

Байрам муносабати билан бутун қишлоқ кўчага кўчиб чиққанди, ҳамма бугун барвақтроқ пишадиган тушки овқатни кутарди: овқатланиб, тезроқ Монсуга жўнашлари керак. Болалар ғужғон ўйнашарди, блузасиз, кўйлакчан, шиппак кийган одамлар дам олиш куни сайр қилаётган кишилардек эринчоқлик билан саланглаб юришарди. Ҳаво яхши бўлганидан ҳамма деразалар билан эшиклар ланг очиқ эди. Хоналардан ғовур-ғувур гаплар, қичқириқлар билан қадам товушлари эшитиларди. Ҳамма уйдан қайнатилган қуён гўштининг хушбўй ҳиди келар ва бу ёқимли ис ўрнашиб қолган пиёз доғининг нохуш исини бир кунга бўлса ҳам босиб кетарди.

Маэ хонадони қоқ пешинда овқатланишди. Уйлари анча осуда эди; аммо атрофлардаги ғовур-ғувурдан қулоқ қоматга келарди. Қўшнилар тинмай эшикдан-эшикка ўтиб гаплашишар, хотин-халажлар тўп-тўп бўлишиб, гап сотишар, бир-бирларидан ҳар хил рўзғор буюмлари сўрашар, болаларни хонадан қувиб чиқаришар, ё бўлмаса аксинча, тарс-турс уриб, уйга судраб киришарди. Маэ хонадони Захария билан Филомена туфайли уч ҳафтадан бери қўшнилари Левакслар билан муросалари келишмай қолган эди. Эркаклар бир-бирлари билан гаплашсалар-да, хотинлар худди етти ёт бегонадек эдилар. Бу можаро Маэларнинг Пьеррон хоним билан муносабатини яхшилаб қўйди. Бироқ шу куни Пьеррон хоним эри билан Лидияни онасига ташлаб, азонда Маршьенндаги опасиникига жўнаб қолганди; шу боисдан энди уни ғийбат қилишга тушишганди: опаси қанақалиги ҳаммага аён! Опасининг мўйлови бор, Ворёда бош штейгер вазифасида ишлайди. Маэнинг хотини, байрам куниям оиласини ташлаб кетадими, яхшимас, деди.

Маэлар хонадонида тушлик қилиш учун саройда бир ойдан бери боқиб семиртирилган қуён гўшти билан картошкадан ташқари гўштлик суюқош билан пишган мол гўшти ҳам бор эди. Икки ҳафталик маошни нақ кеча, шанба куни олишганди. Улар бунақа зиёфатни узоқ вақтлардан бери кўришмаганди. Ҳатто улар шахтёрлар уч кун ишламайдиган байрам — авлиё Варвара ҳайитида ҳам бунчалик маза қилишмаганди,— қуён гўшти бугунгичалик семиз ва юмшоқ эмасди. Энди тишлари чиқаётган жажжигина Эстелладан тортиб то сўнгги тишларидан ҳам айилай деб турган Ўлмас бобогача ўн жуфт жағ шундай зўр бериб ишлардики, ҳатто суякларгача ҳам қолмасди. Гўшт яхши бўлишига қарамасдан кўмир қазувчиларнинг ошқозони уни яхши ҳазм қилолмасди, чунки гўштлик таомни кам кўрардилар. Ҳаммасини пок-покиза туширишди; фақат кечки овқатга бир бўлак қайнатилган мол гўшти қолди холос. Бирортаси очиқиб келса нон билан ер.

Биринчи бўлиб Жанлен ғойиб бўлди. Бебер уни мактаб олдида кутиб турганди. Улар то Лидияни тузоққа илинтиргунларича узоқ саланглаб юришди; Ашаддий кампир ўзи ҳам эшикка чиқмай, қизни ҳам бир қадам ёнидан жилдирмай ўтирганди. Қизи қочиб кетганини билиб қолган кампир қоқсуяк қўлларини силкитиб, қарғай бошлади. Бу ишлар жонига теккан Пьеррон айланиб келиш учун чиқиб кетди. Унинг кўриниши-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дан хотиним ҳам вақтини ўзича чоғ қилиб юрипти-ку, дея хотиржамлик билан айшини сураётган эр эканлиги билиниб турарди.

Кейин Ўлмас бобо кетди. Маэ ҳам аввал хотинидан мен билан айланиб келмайсанми, деб сўради-да, тоза ҳаво олиб келгани отланди; лекин хотини: жоннинг эгови бу болалардан ортиб, қаёққа ҳам борардим; балки кейинроқ, қўлим бўшаса, сени ўзим топиб оларман, деди. Маэ уйдан чиқиб, эшик олдида хаёл суриб турди-да, кейин Левак тайёр бўлдимикан-йўқмикан, дея қўшнисиникига йўл олди. Маэ у ерда Филоменани кутиб турган Захарияга дуч келди. Левакнинг хотини шу заҳоти одатдагидек тўй ҳақида гапга тушиб кетди, ахир бу қанақа хўрлик, мен ўзим хотинингиз билан очиққасига гаплашиб қўяман, деб айюҳаннос солди. Қандоқ кунларга қолдим — қизимнинг отасиз болаларини боқсам, қизим бўлса топишгани билан ўйнашиб юраверса? Филомена парво ҳам қилмай чепчигини кийди, Захария бўлса, ойим рози бўлса, ҳозироқ уйланаман, деб қизни олиб чиқиб кетди. Левакнинг ўзи уйда бўлмагани учун Маэ кампирга хотиним билан гаплашиб кўринг, дея маслаҳат берди-ю, шошиб чиқиб кетди. Бутлу тирсакларини столга қўйганча пишлоқни еб бўлаёзганди. У худди намунали эрлардек Маэнинг мен билан юр, бир кружкадан пиво ичиб келамиз, деган таклифини рад этди.

Секин-аста посёлка бўшаб қолди; эркаклар биринсирин кетишди, остоналарида йигитларини кутаётган қизлар эса улар келиши билан қўлтиқлашиб, қарамақарши томонга жўнашди. Маэ черков муюлишига бурилганида Шавални узоқдан кўриб турган Катрина бирга Монсуга бориш учун у томон ошиқди. Она қийчув кўтарган болалари билан ёлғиз қолди; жойидан туришга ҳафсаласи келмай, яна бир стакан кофе қуйди-да, оз-оздан ҳўплаб ича бошлади. Посёлкада хотинхалажларгина қолишди; улар бир-бирларини меҳмонга чақиришиб, тушликдан сўнг ҳали йиғиштириб олинмаган, доғ-дуғ дастурхон устида кофехўрликни давом эттиришарди.

Левакнинг «Авантаж»га кетганига ишонган Маэ шошилмай Раснёрникига йўл олди. Ҳақиқатан ҳам Левак майхона ёнидаги атрофи иҳоталанган богчада

ўртоқлари билан кегли ўйнаётган экан. Ўлмас бобо билан Мук бобо ҳам шу ерда туришарди; улар шарларни шу қадар диққат билан кузатишардики, ҳатто бир-бирларини туртиб қўйишни ҳам унутишганди. Офтоб куйдирарди, уй ёнидагина ингичка соя қолганди. Этьен столча олдида ўтириб, пиво симирарди, ҳозиргина ўз хонасига кўтарилган Суваринниng ташлаб кетганидан хафа эди. Машинист қарийб ҳар якшанба куни уйини бекитиб олиб ёзар ёхуд ўқир эди.

— Ўйнайсанми? — сўради Левак Маэдан.

Аммо Маэ йўқ, деди. У иссиқлаб кетган, ўлгудек ташна эди.

— Раснёр! — чақирди Этьен.— Яна бир кружка олиб кел.

Кейин Этьен Маэга мурожаат қилиб, қўшиб қўйди:

— Мен меҳмон қиламан.

Энди уларнинг ҳаммаси «сенга» ўтганди. Раснёр шошмасди, уч марта чақиришга тўғри келди. Ниҳоят, Раснёр хоним илиб қолган пиво олиб келди. Йигит овозини пасайтириб майхона эгаларидан шикоят қила бошлади: шубҳасиз, ўзлари яхши одамлар, эътиқодлари ҳам чакки эмас, аммо пиволари бир чақага ҳам арзиймайди, овқатларияm маза-матрасиз! Агар Монсугача йўли узоқлик қилмаганда аллақачон уйни ҳам ўзгартирган бўларди. Лекин бари бир, эртами-кечми посёлкадан бир хонасини бериб, ўзига нонхўр қилиб оладиган бирон хонадон топиш керак.

— Унақаси албатта дуруст,— ҳар қачонгидек шошилмасдан деди Маэ,— хонадонда турсанг, ўзингга яхши бўлади.

Бирдан қийқириқ кўтарилди: Левак бир зарб билан ҳамма кеглиларни йиқитган эди. Қийқириқ кўтараётганлар орасида Мук бобо билан Ўлмас бобогина бошларини қуйи солганича индамай маъқуллаб туришарди. Моҳирона зарб ҳазил-мутойибаларга сабаб бўлди, айниқса иҳота орқасида Мукеттанинг қувноқ юзи кўриниши билан кулги-қийқириқлар авжга чиқди. Мукетта шу атрофда бир соатдан бери изғиб юрган эди, ниҳоят у кулги ва қийқириқларни эшитгич, журъат қилиб, жуда яқин келди.

— Бу қанақаси! Бир ўзингмисан?! — хитоб қилди Левак, — Жазманларинг қани?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Жазманларимни ҳайдаб юбордим, — Мукетта қувноқлик билан жавоб берди. — Янгисини қидириб юрибман.

Ҳамма бири олиб, бири қўйиб, хизматга тайёрлигини айтар, қочириқ қилар эди. У бўлса гўё одобли қиздек уялинқираб, бошини сарак-сарак қиларди. Бу гапларни уриб йиқитилаётган кеглилардан кўзини узмаётган отаси ҳам эшитиб турарди.

— Э-ҳа!— деди Левак Этьен томонга нигоҳ ташлаб.— Кимни нишонга олаётганингни биламиз, қизалоғим!.. Лекин уни осонликча қўлга ололмайсан.

Этьеннинг кайфи чоғ бўлиб кетди. Ҳақиқатан ҳам Мукетта Этьенга разм солиб юрар, бу нарса Этьенга хуш ёқса ҳам, йигит унга илашишни асло хоҳламасди. Мукетта йирик кўзларини диққат билан унга тикиб, яна бир неча минут иҳота олдида турди-да, кейин секин нари кетди, бирдан худди жазирамада ҳолдан тойгандек қовоғи солинди.

Этьен яна пичирлаб Маэни гапга тутди; у Монсу кўмир қазувчилари ўзаро ёрдам кассаси таъсис қилишлари лозимлигини муфассал тушунтира бошлади.

— Ширкат бизга тўла эркинлик ваъда қилгандан кейин нимадан қўрқамиз?— деди у.— Ширкат бизга ўзи хоҳлаганча нафақа беради, чунки маошимиздан ҳечам чегириб қолмаяпти. Шу боисдан ҳам Ширкатнинг мурувватига муъте бўлиб қолмаслик учун зориқиб қолганимизда ҳожатимизни чиқарадиган ўзаро ёрдам ўртоқлик кассаси ташкил этишимиз керак.

Кейин Этьен касса ташкил қилишнинг ипидан-игнасигача тушунтириб, бутун ишни ўз гарданига олишга ваъда берди.

— Мен-ку, қарши эмасман-а,— деди ниҳоят Маэ унинг далилларига ишонч ҳосил қилиб...— Лекин бошқалар нима деркин... Бошқаларни ишонтиришга уриниб кўр.

Левак ўйинни ютди; ўйинчилар пиво ичиш учун кеглини қўйишди. Маэ иккинчи кружкани ичмади: кейинроқ бир гап бўлар, ҳали кун узун-ку. Унинг ёдига Пьеррон тушди: у қаердайкин ҳозир? Ланфаннинг олдида, қаҳвахонада ўтирган бўлса керак. Маэ Этьен билан Левакни бирга Монсуга боришга кўндирди; шу заҳотиёқ «Авантаж» кегельбанини янги ўйинчилар эгаллади.

Улар йўл-йўлакай аввал тошкўча бўйидаги Казимир қовоқхонасига, кейин «Тараққиёт» қаҳвахонасига киришди. Ланг очиқ эшиклар олдида турган кўмир қазувчилар уларни ўз ёнларига таклиф қилишарди, рад этишнинг иложи йўқ эди, албатта. Ҳар сафар бир кружкадан, баъзан эса икки кружкадан пиво ичишга тўғри келарди, чунки ўз навбатингда ўртоғингни ҳам меҳмон қилишинг керак эди. Улар бир-икки ҳазилмутойиба қилишиб, ўн минутча туришарди-да, чиқиб кетишарди, чунки улар булоқ сувидек тиниқ бу пивони ичиб тўймасликларини, оқибатда бари бир югуртириб оёқдан қолдиришини ўз тажрибаларидан билишарди. Дарҳақиқат улар Ланфан қаҳвахонасида энди иккинчи кружкани ичиб тугатган Пьерронни учратишда. Пьеррон улар билан учинчи кружкани ҳам ичди. Улар ҳам, турган гап, бир кружкадан ичишди. Энди улар улфати чор бўлишиб, Захария бормикин, дея «Ўчоқ» қаҳвахонасига йўл олишди. Залда ҳеч ким йўқ эди, улар бир кружкадан пиво буюриб, кутишга қарор қилдилар. Кейин яна «Авлиё Элоа» қаҳвахонаси борлиги эсларига тушиб қолди. У ерда штейгер Ришомм уларни меҳмон қилди, у ердан чиқишгач, ҳеч қандай баҳона қидирмай ягона мақсад — сайр қилиш ниятида майхонадан майхонага ўтиб юришди.

— «Вулқон»га бориш керак!— таклиф қилди қўқисдан кайфи ошиб қолган Левак.

Бошқалар қаҳқаҳ уриб юборишди, аммо кейин, бир пас хаёл суриб туришгач, ўртоқларига ҳамроҳ бўлишга қарор қилиб, сершовқин, шодон халойиқ орасидан ўта бошладилар. «Вулқон»нинг тор ва узун зали тўрида тахтадан қилинган эстрада бўлиб, унда Лиллдаги шилта фоҳишалар орасидан олиб келинган, кўйлаклари ёқаси чуқур ўйилган бешта сатанг ашулачи жонжаҳдлари билан қўлларини ўйнатиб қўшиқ айтарди. Агар мижоз улардан бири билан тахта девор орқасига ўтишни хоҳласа, ўн су тўлар эди. Бу ерда асосан юккашлар, қабул қилувчилар, ўн тўрт ёшгача бўлган болалар,— хуллас, шахтанинг ҳамма ёшлари бўларди; пиводан кўра кўпроқ қорарча арағини ичишарди. Аҳён-аҳёнда бу ерга айрим кекса шахтёрлар — оила-

www.ziyouz.com kutubxonasi

вий ҳаёт жонига теккан, зиногар эркаклар ҳам келиб қоларди.

Янги улфатлар стол атрофига ўтириб олишгандан кейин Этьен Левакнинг бошини қотириб, унга ўзаро ёрдам кассасининг тузилиши ҳақидаги фикрини тутунтира бошлади. У гўё ўзининг эзгу вазифасидек ана шу янги нарсани зўр бериб тарғиб қиларди.

— Кассанинг ҳар бир аъзоси ойига йигирма судан тўлаб туради. Тўрт-беш йилдан кейин қарабсанки, мўмайгина пул йиғилиб қолади. Пул эса ҳар қандай шароитда ҳам қувват бўлади... Хўш, қалай? Сен нима дейсан?

— Мен қарши эмасман,— паришонхотир жавоб берди Левак.— Маслаҳатлашиб кўриш керак.

Узун бўйли малласоч хотин унинг эътиборини жалб этган эди, Маэ билан Пьеррон бир кружкадан пиво ичишиб, кейинги номерни ҳам кутмасдан кетмоқчи бўлишди, лекин Левак нима бўлса ҳам қолишга қарор қилди.

Ўртоқлари билан бирга чиққан Этьен худди уни кузатиб юргандек эргашиб келган Мукеттага рўбарў бўлди. У қаерга бормасин, Мукетта рўбарўсидан чиқар, йирик кўзларини тикиб жилмаярди-да, «Хоҳлайсанми?» деяётгандек бўларди. Йигит бўлса ҳазиллашиб, елкасини қисиб қўярди. Шунда Мукетта жаҳли чиқиб, қўл силтарди-да, оломон ичига кириб кетарди.

— Шаваль қани?— сўради Пьеррон.

— Ҳа-я,— деди Маэ,— «Пикетт» қаҳвахонасида бўлса керак. Қани кетдик «Пикетт»га.

Учови қаҳвахонага яқин келишаркан, шовқин-суронни эшитишди. Захария эшик олдида туриб олиб, валлонлик михчи, чорпаҳил, тепса тебранмас йигитга муштини ўқталарди. Шаваль бўлса, қўлларини чўнтагига тиқиб, уларга қараб турарди.

— Мана Шаваль ҳам шу ерда экан!— хотиржамлик билан деди Маэ.— Катрина билан бирга келган.

Юккаш қиз билан унинг жазмани беш соатдан бери Монсу йўли бўйида чўзилиб кетган ярмаркада роса ўйнаб юришди. Кўча кенг бўлиб, икки қатор пастак, олақуроқ бўялган уйлар тизилиб кетганди; қуёш нурлари ёндираётган кўчада оломон худди тақир текисликда ўрмалаб юрганлар тўпидек у ёқдан-бу ёққа бо-

риб-келарди. Доимо қорайиб ётган лой қора чангга айланиб, даҳшатли булутдек кўтариларди. Кўчанинг иккала томонидаги қовоқхоналар одамлар билан гавжум, улар йўлгача қўйилган ҳамма стулларни банд қилиб ўтиришарди. Тротуардаги эшикларда ўтирган баққоллар қизларга — пешонабоғ билан ойна, эркакларга — пичоқ билан фуражка, шунингдек, қанд-қурс, конфет ва печенье олинглар, деб таклиф этишарди. Черков ёнига камондан ўқ отадиган тир қурилганди. Омборларнинг шундоққина рўпарасида шар ўйнашарди. Кўчанинг Жуазелга буриладиган жойида, Правление жойлашган уй ёнида, тахта девор орқасида хўроз уришгириларди. Иккита катта қизил хўроз жанг қиларди; уларнинг пихлари темирдек қаттиқ эди; дабдаласи чиққан томоқларидан қон оқарди. Нарирокда, Мегранинг дўкони ёнида бильярд ўйнашарди; ғолиблар совриң сифатида иштон олишарди. Вақт-вақти билан ҳаммаёқ сув қуйгандек жимжит бўлиб қоларди; ҳамма чурқ этмай еб ичиш билан овора бўларди. Дим ҳаводан пиво билан қовурилган картошка ҳиди келарди; шундоққина очиқ ерга қўйилган ўчоқларда овқат пиширилаётганидан иссиққа чидаб бўлмасди.

Шаваль Катринага ўн тўққиз суга ойна билан уч франкка косинка олиб берди. Улар дам-бадам Мук билан Ўлмас бобога дуч келиб қолишарди; чоллар ҳам ҳайитга келишган бўлиб, оғир оёқларини судраб, хаёл сурганларича у ёқдан-бу ёққа секин бориб-келишарди. Лекин бошқа бир учрашув уларнинг ғазабини қўзғатиб юборди: улар Бебер билан Лидияни майдон четидаги ичимлик сотиладиган дўкончадан бир шиша қорарча арағини ўғирлашга кўндирган Жанленга дуч келиб қолдилар. Катрина укасининг гарданига бир мушт туширишгагина улгурди; қизча эса қўлидаги шиша билан қочиб кетди. Бу зумрашалар бир кун эмас, бир кун турмага тушади-да!

Улар «Довюрак» майхонаси ёнидан ўтишаётганда Шаваль маъшуқаси билан сайроқи қизилтўшларнинг мусобақасини кўриш учун қовоқхонага киришга қарор қилди; эшикларга ёпиштириб ташланган афишалар бир ҳафтадан бери одамларни бу мусобақаларга чорлар эди. Маршьеннлик ўн беш михчининг ҳар бири бир дўжнадан қафас олиб келганди: парда ўралган кич-

www.ziyouz.com kutubxonasi

кинагина қафасларнинг ҳар бирида биттадан қизилтўш бўлиб, қафаслар майхона ҳовлисида деворга осиб қўйилганди. Бир соат давомида ўз навосини энг кўп марта такрорлаган қушча ғолиб ҳисобланарди. Ҳар бир қушчи ўзининг қафаси ёнида туриб, қуши неча марта сайраганини қўлидаги тоштахтага чизар, айни чоқда қўшнисиникини ҳам кузатарди, улар ҳам буникини текшириб борарди. Қизилтўшлар сайраша бошлади. Баъзилари паст товуш билан сайрашар, бунақаларини «қулоғи оғир» дейишади, «чинқироқ» лақабли бошқалари эса чирқираб сайрарди; аввалига ҳамма қуш аста, қўрқа-писа, тўхтаб-тўхтаб сайрай бошлади, кейин бир-бирига қизиқиб, тез-тез сайрашди, ниҳоят шу даражага етишдики, айримлари ўзини таппа ташлаб ўлиб қолаверди. Михчилар бўлса, ўзларининг валлонча лаҳжаларида уларни тезлатиб, алланималар дейишар, яна, яна, яна бир озгина сайрашни буюрмшарди. Қарийб юзга яқин томошабин чурқ этмай завқ билан бу қиёмат навони, бир юз саксонта қизилтўшнинг бири олиб, бири қўйиб сайрашини тингларди. Биринчи соврин — тунука чойнакни «чинқироқ»лардан бири олди.

Захария билан Филомена киришганда, Катрина билан Шаваль ўша ерда эдилар. Икки жуфт ошиқ-маъшуқлар бир-бирларининг қўлларини сиқишиб, ёнмаён туришди. Ўртоқлари билан қушлар мусобақасини кўриш учун келган михчилардан бири Катринанинг сонини чимчилай бошлаганини кўриб, Захариянинг жони чиқиб кетди. Қип-қизариб кетган Катрина жанжал чиқиб, Шаваль унга ён босгудек бўлса, ҳамма михчилар унга ташланади, деб қўрқиб, акасидан индамасликни илтимос қилди. Бир эркакнинг хиралик қилаётганини сезса ҳам андиша қилиб чурқ этмай тураверди. Унинг бахтига жазмани кулиб қўя қолди, шундан кейин тўртов кўчага чиқди,— шу билан жанжал тугайдигандек эди. Бироқ улар пиво ичиш учун «Пикетт» қаҳвахонасига киришганда, изма-из ўша хира михчи ҳам кириб, беҳаёларча ҳуштак чалиб, уларни мазах қила бошлади. Синглиси учун орияти келган Захария сурбетга ташланди. — Бу менинг синглим бўлади, ярамас тўнғиз!.. Шошмай тур ҳали! Шундай адабингни берайки, қадамингни ўйлаб босасан!

Ҳамма уларни ажратиб қўйишга тушди. Битта Шавалгина хотиржамлик билан дерди:

— Қўйсанг-чи, сени ишинг бўлмасин... Айтяпманку сенга, тупурдим унга деб!

Шу пайт ҳамроҳлари билан чиқиб қолган Маэ йиглай деб турган Катрина билан Филоменани овутди. Ҳамма қаҳ-қаҳ уриб юборди, михчи бўлса жуфтагини ростлаб қолди. «Пикетт» қаҳвахонасини ўз уйи деб биладиган Шаваль бу можарони эсдан чиқариш учун бир кружкадан пиво ичишни таклиф қилди. Этьенга Катрина билан қадаҳ уриштиришга тўғри келди; ҳамма — ота, қиз билан жазмани, ўғли билан севгилиси биргаликда «Садоқатли улфатлар соғлиғи учун!» деб ичди. Кейин Пьеррон ҳам ҳаммани меҳмон қиламан, деб қолди. Захария ўртоғи Мукени кўриб қолиб, яна ғазаби тошгунига қадар ҳамма ўзини жуда яхши ҳис этаётган эди. У Мукени гўё михчидан ўч олиш учун чақирган эди.

— Бориб уни бир савалайман!.. Менга қара, Шаваль, Филомена билан Катринани сенга топшираман. Мен тез қайтаман.

Маэ ҳам ўз навбатида бир кружкадан ичишни таклиф этди. Модомики йигит синглисининг ёнини олмоқчи бўлибдими, бунинг ёмон томони йўқ. Лекин Филомена Мукени кўриб, кўнгли жойига тушди-ю, фақат бошини чайқаб қўйди. Йигитлар шунчаки «Вулқон»га кетишган бўлса керак-да.

Байрам кунлари одатда «Қувноқ» томошахонасидаги танца оқшоми билан якунланарди. Танцаларни эллик ёшли Дезир деган бева хотин уюштирарди. Бочкадек дум-думалоқ бу хотин ҳали шунчалик шўх, сатанг эдики, ҳафтанинг ҳар бир кунига биттадан ўйнаши бўлиб, ўзининг айтишича, якшанбада олтови ҳам ёнида бўларди. У ўттиз йилдан бери ичган пиволари учун миннатдорчилик юзасидан кўмирчиларни болаларим, деб атарди; у бironта ҳам юккаш менинг майхонамда танца тушмасдан туриб қорнини қаппайтирмаган, дея мақтанарди. «Қувноқ» майхонаси икки хонадан иборат бўлиб, стол билан пештахталар турган биринчиси — ичкиликхона, унга туташган, ёлғиз кенг пешток билан ажратилгани эса — базмхона вазифасини ўтар эди. Бу катта хонанинг ўртасигина тахта пол

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилинган бўлиб, атрофига эса плита ётқизилган эди. Шифтдаги бир-бирига кўндаланг қўйилган, ўртаси худди шунақа ясама гулдаста билан маҳкамланган икки даста қоғоз гул хонани безаб турарди: деворларга авлиёларнинг номлари ёзилган зарҳал тахталар қоқилган: темирчилар пири — авлиё Элоа, этикдўзлар пири — авлиё Криспина, кўмирчилар пири — авлиё Варвара — ҳаммаси майда авлиёлар. Шифт ниҳоятда паст бўлганидан шакли ва катталиги черковдаги минбарга ўхшаган супадаги уч чолғучининг боши унга тегиб турарди. Кечалари танца вақтида зални бурчакларга осиб қўйилган тўрт керосин лампа ёритарди.

Ўша якшанба куни танцалар соат бешдан, кун ботмасдан анча илгари бошланганди. Соат еттига бориб, иккала хона ҳам одамга лиқ тўлди. Ташқарида кучли шамол кўтарган қора чанг тўзони кўз очиргани қўймас, ошпазларнинг товасига ёпирилар эди. Маэ, Этьен ва Пьеррон залга киришгач, Катрина билан танца қилаётган Шавални кўришди. Филомена бир ўзи уларга қараб турарди. Левак ҳам, Захария ҳам қайтиб келмади. Залда скамейка бўлмаганидан Катрина ҳар бир танцадан кейин дам олгани отаси ўтирган стол ёнига келарди. Улар Филоменани ёнларига чақиришди, лекин қиз тик туришни афзал кўрди. Қоронғи тушиб қолди. Уч чолғучи жазавага тушиб чаларди: залда умумий тўс-тўполон авжга чиққан — сонлар, кўкраклар, чирмашиб кетган қўллар қимирларди. Мана, ҳамманинг кучли қийқириғи жўрлигида тўрттала лампа ёқилди: ҳаммаёқ ёришиб, қип-қизил чеҳралар, тўзғиб кетган, баданга ёпишган сочлар, залга қўланса тер ҳидини таратиб учаётган юбкалар яққол кўринди. Маэ Этьенга Мукеттани кўрсатди: худди бир парча ёгдек дум-думалоқ ва семиз қиз баланд бўйли, ориққина ишчи билан зўр бериб рақс тушарди; ўз жуфтини топиб, кўнгли тинчигандек эди. Ниҳоят соат саккизларда Эстеллани кўтариб олган Маэнинг хотини пайдо бўлди: унинг орқасидан болаларининг ҳаммаси — Альзира, Анри ва Ленора ҳам келишганди. Маэ хоним эрини шу ердан топишига ишониб тўғри бу ёққа келганди. Кейинроқ овқатланишса ҳам бўлади, ҳозир ҳаммаси пиво билан кофе ичган, тўқ. Бошқа кўмир қазувчиларнинг хотинлари ҳам келишди. Маэнинг хотини кетидан Филоменанинг болалари Ахилл билан Дезирани етаклаб олган Бутлу ҳамроҳлигида Левакнинг хотини кириб келиши билан ҳамма шивир-шивирга тушди. Иккала қўшни хотин бир-бири билан яхши муносабатда бўлишса керак: ҳадеб бир-бирларига мурожаат қилиб, гап қотишарди. Йўлда улар яхшилаб гаплашиб олишганди: Маэнинг хотини Захариянинг маошидан айлиш қанчалик оғир бўлса ҳам унинг Филоменага уйланишига розилик берди, бари бир энди мен бу ойликка эгалик қилиш ҳуқуқига эга эмасман, деди. Энди Маэ хоним қувноқ кўринишга уринса ҳам ичини ит тирнарди, ҳамённинг мазаси кетгач, рўзғоримга пулни қандай етказаман, деб ўз-ўзидан сўрарди.

— Қўшни, бу ёққа ўтир,— деди Маэ хоним эри Этьен ва Пьеррон билан пиво ичиб ўтирган столга ишора қилиб.

— Меники бу ерда кўринмайдими-а?— сўради Левакнинг хотини.

Ўртоқлари Левак ҳозир келиб қолади, дейишди. Бутлу, болалар, ҳамма эркаклар икки столни бир қилиб сиқилишиб ўтиришди. Пиво сўрашди. Онасини, икки боласини кўрган Филомена ҳам келиб ўтиришга қарор қилди. Филомена ўзига таклиф этилган стулга ўтирди, афтидан тўйи ҳақидаги масала ниҳоят ҳал қилинганини билиб, жуда хурсанд эди. Кейин Захарияни излаб қолишганда Филомена майин товуш билан деди:

— Мен уни кутяпман, у анави ёқда.

Маэ билан хотини бир-бирларига қараб қўйишди. Демак, хотини рози бўлибди-да? У қовоғини уйиб, чурқ этмай чекишга тутинди. У ҳам эртанги кунни, болалари ота-оналарини муҳтож қилиб қўйиб, бирин-кетин уйланиб, эрга тегиб кетишларини ўйлаб, уларнинг беозибатликларидан ранжиди.

Танца давом этаётганди. Кадриль рақси оёқлаб қолган, бутун зални саргиш чанг тутиб кетган эди; деворлар зириллар, корнет-а-пистондан худди ташвишли паровоз ҳуштагига ўхшаш шиддатли, чинқирган товуш чиқарди. Рақс тушувчилар тўхташганда, улардан югуриб келган отники сингари буғ кўтариларди.

— Эсингдами,— деди Левакнинг хотини қўшниси-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нинг қулоғига,— агар Катрина бемаънилик қиладиган бўлса, бўғиб ўлдираман, дегандинг-а?

Шаваль Катринани уларнинг оиласи ўтирган стол ёнига олиб келди-да, икковлари ота ўтирган стул орқасида тик туриб, кружкаларидаги пиволарини ичиб тугатишга киришдилар.

— Э, шунчаки айтдим қўйдим-да!..— жавоб берди Маэ хоним бўшашибгина.— Лекин кўнглим унинг туғишига сира ишонмайди. Мен бунга аминман!.. Худо кўрсатмасин, туғиб қўйса-ю, кейин эрга берсам-а! Унда нима қилардик?

Корнет-а-пистон «Полька»ни чалди. Яна аввалгидек шовқин-сурон бошлангач, Маэ дилидаги биттаю битта гапини хотинига айтди: бир ижарахўр олсак нима бўларкин-а? Лоақал Этьенни олсак? У ҳозир қараб турадиган одами бор уй қидириб юрипти. Жой топилади,— ахир тез орада Захария биздан кетади; биз маҳрум бўладиган пулнинг ўрни қисман бошқа йўл билан тўларди. Маэ хонимнинг чеҳраси ёришиб кетди: ҳа-я, яхши фикр, шунақа қилиш керак.

Маэ хонимнинг назарида улар очлик ўлимидан яна қутулиб қолишгандек эди; яна унинг кайфи чоғ бўлиб кетди, у ҳамма учун тағин пиво буюрди.

Бу орада Этьен Пьерронга ўзаро ёрдам кассаси тузилиши ҳақидаги ўз лойиҳасини батафсил тушунтираётган эди. У Пьерронни қўшилишга тамомила ишонтириб қўйган ҳам эди-ку, бироқ эҳтиётсизлик қилиб, кассанинг чинакам вазифасини айтиб қўйди.

— Биласанми, забастовка қилгудек бўлса, касса қандай ёрдам беради? Ўшанда Ширкат-пиркатинг керак бўлмайди. Курашда қоқилмаслик учун касса дастлаб пул бериб туради... Хўш, розимисан?

Пьеррон оқариб кетди, кўзларини ерга тикди.

— Ўйлаб кўраман,— ғўлдиради у.— Яхши хулқ— энг яхши касса.

Бу пайт Маэ гапни айлантирмай, Этьенни уйига ижарага қўймоқчи эканлигини шартта айтди. Йигит шу ондаёқ рози бўлди: у посёлкада яшашни ва ўртоқлари билан яқиндан алоқада бўлишни жуда-жуда истар эди. Икки оғиз сўз билан иш пишди қўйди. Маэнинг хотини то Захариянинг тўйи ўтгунча Этьеннинг кўчмай туришини айтди.

Шу чоқ ниҳоят Захария ҳам Мук ва Левак билан қайтиб келиб қолди. Улар ўзлари билан бирга «Вулқон»нинг ҳидини — қорарча ароғи, фоҳиша хотинлар нопок баданларига сурган ўткир атир исини ҳам олиб келишганди. Эркаклар бутунлай маст бўлиб, қилмишларидан оғизлари қулоқларига етиб, бир-бирларини тирсаклари билан туртишар, ҳиринг-ҳиринг кулишар эди. Захария ниҳоят уйлантиришмоқчи бўлишганларини эшитиб, шунчалик хурсанд бўлиб кетдики, ҳатто кулгидан нафаси тиқилиб қолди. Филомена босиқ товуш билан ўзим йиғлаб юрганимдан кўра, унинг кулганини кўриш менга ёқимлироқ, деди. Бўш стул бўлмагани учун Бутлу сиқилиб, жойининг ярмини Левакка берди. Левак оила аъзоларининг барчаси жам бўлганидан қувониб кетиб, ҳаммага яна бир кружкадан пиво буюрди.

— Бунақа шодиёна жуда кам бўлади, жин урсин!— деди у бақириб.

Ҳамма соат ўнгача қовоқхонадан чиқмади. Дамбадам эрларини уйга олиб кетиш учун қидириб келган хотинлар кўриниб қоларди, оналари кетидан болалари ҳам эргашиб келарди. Оналар уялмай сули солинган қопга ўхшаб шалвираб қолган оппоқ сийналарини чиқаришарди: чақалоқларнинг лўппи юзларига сут суйкаларди; йўлга кирган, пиво ичирилган болалар эса стол тагида эмаклаб, уялмай-нетмай, бемаза ишларини қилишарди. Бева Дезирнинг бочкасидан қуйилаётган пиво денгизи қоринларни шишириб, бурундан, кўзлардан, ҳаммаёқдан оқар эди. Тиқилинч бўлганидан ҳамма бир-бирининг елкасига, тиззасига суянганди, ана шу тирбандликнинг ўзи уларга завқ бағишларди. Тўхтовсиз кулги эшитилар, оғизлар қулоқларга етган эди. Хона хумдондек қизиб, тер қуйилаётганидан одамлар тугмаларини ечиб ташлашганди, яланғоч бадан қуюқ тамаки тутунида гўё зарҳал сурилгандек кўринарди, лекин ўриндан туриш одобсизлик саналарди. Вақт-вақти билан қизлардан биттаси ташқарига чиқар, қудуқ олдига бориб, юбкасини кўтарарди-да, яна қайтиб залга кирарди. Ёшлар азбаройи терлаб кетганларидан деярли бир-бирларини кўрмай, ранго-ранг қоғоз гул даста лари остида рақс тушишарди. Шўх болалар фурсатдан фойдаланиб, юккаш қизларни чалиб йиқити-

www.ziyouz.com kutubxonasi

шарди. Борди-ю, бирон қиз йигитини ҳам судраб йиқилса, корнет-а-пистон бу йиқилишни чинқириб табрикларди, раққослар уларни босиб ўтишарди; гўё уларнинг устига бутун зал босиб тушаётгандек бўларди.

Аллаким Пьерронга, қизинг Лидия эшик тагида тротуарда ухлаб ётибди, деб қолди. Қиз ўғирлаган шишадаги қорарча арағидан улушига текканини ичиб, шу қадар маст бўлибдики, отаси кўтариб олиб кетишга мажбур бўлди. Жанлен билан Бебер анча тетик эди, улар ўз саргузаштларидан завқланиб, ундан бир неча одим орқада боришарди. Уларнинг кетиши уйга жўнаш учун сигнал бўлди: одамлар «Қувноқ»-ни тарк эта бошлашди. Маэ билан Левак посёлкага қайтиш вақти етди, деб ўринларидан туришди. Шу пайт Ўлмас бобо билан Мук чол ҳам Монсудан чиқиб кетишаётганди: улар жимгина хотиротларга берилиб, худди тушдагидек каловланиб боришарди. Ҳамма бирга қайтар экан, сўнгги марта ярмаркадан ўтишди. Таом пишириладиган товалар совиган, қолган пиво қовоқхоналардан йўлга жилға бўлиб оқар эди. Осмондан боягидек момақалдироқ иси келади, чироқли уйлар ортда қолди, зим-зиё далада қаҳқаҳалар янграрди. Ҳосили пишиб қолган ғаллазордан иссиқ ҳаво уфуради: бошланган кўпгина ишлар бундай кечада ниҳоясига етиши керак. Посёлкага ҳамма айрим-айрим, тўп-тўп бўлиб етиб келди. Леваклар ҳам, Маэлар ҳам овқат қилиб ўтиришмади; мудраб-мудраб тушликдан қолган гўштни ейишди.

Этьен яна пиво ичиш учун Шавални Раснёрникига судраб кирди.

— Ҳа, майли! — деди Шаваль ўртоғи ўзаро ёрдам кассасининг тузилиши ва вазифасини тушунтириб бергач.— Бўпти, қандингни ур, яхши йигит экансан!

Этьеннинг кайфи оша бошлади, у кўзлари чақнаб, хитоб қилди:

— Ҳа, биргалашиб ҳаракат қиламиз... Кўрдингми, ҳақ иш учун ҳеч нарсани аямайман — ичкилик ҳам олиб бераман, қизларниям. Буржуаларни ер юзидан супуриб ташлаймиз, деган фикрнинг ўзидан енгил тортаман.

III

Этьен августнинг ўрталарида Маэларникига кўчиб ўтди. Захария уйланиб, посёлкадаги бўш уйлардан бирига Филомена ва икки боласи билан кўчиб борди. Аввалига Этьен Катринани кўрганда, ноқулай аҳволга тушиб юрди.

Йигит доимо қизнинг яқинигинасида истиқомат қилар, унинг акаси ўрнида Жанлен билан бир каравотда ётар эди. Унинг каравоти Катринанинг каравотига рўбарў эди. Этьен ётаётганида ва ўрнидан тураётганида Катринанинг олдида ечиниб, кийинарди, ўз навбатида қизнинг ҳам ечиниб, кийинганини кўрарди. Қизнинг ички юбкаси тушганида, Катринанинг ҳамма камқон малла аёлларникидек тиниқ ва қордек оппоқ баданига кўзи тушарди: юзининг ранги аввалгидек тиниқ эмасди, қўллари ҳам дағаллашганди, аммо бутун танаси товонидан бўйнигача сутдек оппоқ бўлиб, офтобда қорайган жойлари худди маржондек яққол ажралиб турарди. Этьен ҳар сафар унга қараганда ҳаяжонланарди. У ҳар гал тескари қараб олгандек кўринишга уринса-да, ҳар қалай унинг баданидан кўрмаган жойи қолмади: Этьен ерга қараганида аввал, унинг оёқларига кўзи тушарди, кейин қиз адёлга ўралиб олаётганда тиззаларини, сўнг, эрталаблари тоғорага энгашиб ювинаётганида кичик диркиллама кўкракларини кўриб оларди. Қиз унга қарамасди: у жуда шошарди, бир неча секунд ичида ечиниб, худди илондек шип этиб, кўрпа ичига кириб кетарди-да, Альзиранинг ёнига ётиб оларди; орқасини ўгириб ётгани учун Этьен ўрилган қуюқ сочларининг тугунинигина кўрарди. Бу вақт ичида Этьен ечинишга зўр-базўр улгурарди.

Аслини олганда, Катринанинг ундан нолийдиган жойи йўқ эди. Этьен баъзан тийиқсиз ҳирс васвасасига берилиб, беихтиёр қизнинг ётиш онини кутарди. Лекин у бирор ҳазил-мутойиба ё бўлмаса бирон ножоиз ҳаракат қилишдан ўзини тиярди. Ота-онаси шундоқ ёнларида; бундан ташқари Этьеннинг қизга нисбатан муносабатларида дўстлик ва пинхона алам туйғулари омихта бўлиб кетганди: улар шу қадар тиқилинчда истиқомат қилишларига, бир дастурхондан овқатланиб, шахтада бирга ишлаганлари учун энг нозик сиру

www.ziyouz.com kutubxonasi

асрорларидан воқиф бўлишларига қарамай, йигит ҳирсини қондириш ҳақида ўйламасди. Оилада пайдо бўлган ягона истиҳола шу эдики, энди ҳар куни эркаклар пастда, қиз тепадаги хонада ювинадиган бўлди.

Биринчи ойнинг охирига бориб, Этьен билан Катрина гўё бир-бирларидан зиғирча ҳам уялмайдиган бўлишди. Кечқурунлари иккаласи ҳам шамларни ўчирмай ечиниб, хонада у ёқдан-бу ёққа юраверишарди. Энди Катрина шошилиб ўринга кириб кетмас, эски одатига кўра қўлларини кўтариб, ётиш олдидан соч ўримларини тузатиб ўтирарди: бундай пайтларда унинг кўйлаги кўтарилиб, сонлари очилиб кетарди. Шимини ечган Этьен эса кўпинча ерга тушиб кетган қадагичларни қидириб, унга ёрдамлашарди. Одат шарму ҳаёни йўққа чиқарганди: улар уятли бирор иш қилмаганларидан бу ҳолни мутлақо табиий деб билишарди, ахир шунча одамнинг битта хонада ётиб-туришга мажбур бўлганликларига улар айбдор эмас-ку. Шундай бўлса-да, баъзан,— уят ишни хаёлларига келтирмаган лаҳзаларда, — иккови ҳам негадир хижолат бўларди. Этьен бир неча кечагача қизнинг вужудини илғамай юрди, кейин бирдан Катринанинг қип-яланғоч, оппоқ баданига кўзи тушди-ю, титраб кетди ва чидолмасдан унга ёпишиб қолишдан қўрқиб, ўгирилиб олди. Баъзи оқшомлари қиз ҳеч қандай сабабсиз уялиб кетиб, худди йигитнинг қўллари уни ушлаб олаётгандек шоша-пиша кўрпа ичига кириб кетарди. Шам ўчирилганда эса чарчаган бўлишларига қарамай ухлолмасдан беихтиёр бир-бирларини ўйлаб ётганларини сезишарди. Эртасига Этьен билан Катрина худди бир-бирлари билан уришгандек, бесаранжом юришарди. Улар ҳеч ким безовта қилмайдиган шундай оқшомларда шунчаки бир-бирига ўртоқ бўлиб қолишни афзал кўришарди.

Этьен жуда бесаранжом ётадиган Жанлендангина хафа бўлиши мумкин эди. Альзира зўр-базўр нафас олар, Ленора билан Анри бўлса, кечқурун қандай ётишган бўлишса, эрталаб ҳам шундай ачомлашиб ухлашарди. Зим-зиё уйда эр-хотин Маэларнинг темирчилар босқонининг пишиллашига ўхшаш бир маромдаги хурраги эшитилиб турарди. Умуман олганда, Этьен бу ерда Раснёрларникидагига нисбатан анча яхши турарди: кўрпа-тўшаги ёмон эмас, чойшаб ойда бир марта алмаштириларди, овқатлари ҳам жойида, фақат гўштли овқат аҳён-аҳёнда бўлади. Бироқ ҳамманинг ҳам емиши шу, ойида тўлайдиган қирқ беш франки учун ҳар куни гўшт қовурма қилиб берасан, деб талаб қилиши ҳам инсофдан эмас-да, ахир. Қирқ беш франк хонадонга анча дармон бўлди. Ниҳоят, учини учига етказиб, рўзғорни тебрата бошладилар, арзимаган қарзларгина қолди. Маэ хонадонидагилар ижарачидан мамнун эдилар: кийимлари ҳамиша ювилган-таралган, ямалган-ясқалган, тугмалари тақилган, буюмлари саранжом-саришта эди; ниҳоят Этьен аёл меҳрибонлиги туфайли озода яшайдиган бўлди.

Ўша пайтларда Этьен миясида ғужғон ўйнаётган фикрларнинг мағзини энди чақа бошлаганди. Шу чоққача унда ўртоқларида бўғиқ жўш ураётган исёнкорлик кайфиятлари туфайли пайдо бўлган табиий ғазабгина бор эди. Олдида талайгина мавҳум муаммолар кўндаланг бўла бошлади. Нега бировлар қашшоқликда, бошқалар эса фаровонликда яшайди? Нима учун бировлар бошқаларнинг оёқлари остида азоб чекади, бу боёнларнинг ўрнини эгаллашга кўзи етмайди? Этьен дастлабки қадамлариданоқ ўзининг нодонлигини тушунди. Шу пайтдан бошлаб бир андиша, бир дард унинг ичини тирнай бошлади; у ўзини шунчалик тўлқинлантираётган нарсалар ернинг нозу неъматларини баравар тақсимлашни талаб этаётган кишиларнинг тенглиги, адолат ҳақида ҳеч нима билмас, гапиришга ҳам журъат қилолмас эди. Шунинг учун ҳам Этьен билимга ташна соддадил кишилардек зўр иштиёқ билан, гарчи системасиз бўлса ҳам, ўқиш-ўрганишга киришди. У энди социалистик ҳаракат масалаларида ўзидан анчагина саводли ва тажрибали бўлган Плюшар билан мунтазам равишда ёзишиб турди. Йигит китоблар ёздириб олиб ўқий бошлади, лекин яхши ўзлаштира олмасди; аммо жудаям берилиб ўқирди. Этьенни айниқса «Кўмир қазувчилар гигиенаси» деган тиббий китоб ҳайратга солганди; муаллиф, бельгиялик врач унда тошкўмир конларидаги халқни қираётган ҳамма касалликларни келтирганди. Кейин Этьен қуруқ, техника тилида ёзилгани учун тушунилиши қийин бўлган жуда кўп сиёсий иқтисод китобларини, ўзини йўл-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дан урган анархистларнинг рисолаларини, битта-яримта билан тортишиб қолса, рад қилиб бўлмайдиган далилларга эга бўлиш учун сақлаб юрган эски газеталарни ўқир эди. Суварин ҳам уни китоблар билан таъминларди. Этьен кооператив жамиятлар ҳақидаги китобларни ўқиб, пуллар бекор қилиниб, бутун ижтимоий тузум меҳнатга асосланган жаҳон айрибошлаш уюшмаси тўғрисида бир ойгача хаёл суриб юрди. Этьен ўзининг нодонлигидан уялмай қўйди; энди, у фикрлашга ўргангач, унда ифтихор ҳисси пайдо бўлди.

Дастлабки ойларда Этьен янги мазҳабни қабул қилган йигитдек керилиб юрди. Унинг қалби золимларга қарши олижаноб нафрат билан лиммо-лим эди, у келгусида эзилганлар тўла ғалаба қилади, деган умид билан яшарди. Ўқишида бирор тартиб бўлмагандан кейин, албатта, унда аниқ дунёқарашнинг шаклланиши ҳақида гап бўлиши мумкин эмасди. Унинг миясида Раснёрнинг амалий талаблари билан Суварин тарғиб қилаётган зўравонлик ва йўқотиш ғоялари аралашиб кетганди. Улар ҳар куни йиғилишиб олиб Ширкатни сўкадиган «Авантаж» майхонасидан чиқаркан, Этьен худди туш кўраётгандек келарди: назарида халқлар кўз олдида емирилишларсиз, қон тўкишларсиз тубдан қайта туғилаётгандек бўларди. Лекин бу нарса қандай воситалар орқали амалга ошишини тушуна олмасди. Ҳамма иш сип-силлиқ, яхши боришига ишонгиси келар, аммо жамиятни қайта қуриш режасини тузишни ўйлай бошлаши биланоқ ҳар сафар довдираб қоларди. У ҳатто мўътадил ва ноизчил фикрларни айтар, баъзан ижтимоий масалаларни ҳал қилишда сиёсатни мутлақо аралаштирмаслик керак, дер эди. Бу жумлани у қаердадир ўқиган ва доимо лоқайд кўмир қазувчилар билан суҳбатда уни такрорлашни яхши кўрарди.

Энди Маэлар ҳар оқшом одатдагидан ярим соат кеч ётадиган бўлишди. Этьен яна ўша гапни бошлаган эди. Этьен ўсган сари посёлкада ҳукм суриб келаётган ёши ва жинсидан қатъий назар тартибсиз яқинлик ҳақорат бўлиб туюла бошлади. Нима, улар молмидиларки, даланинг ўртасидаги қўшоққа қўшиб қўйишипти, қўшнингга орқангни кўрсатмай кўйлагингни ҳам кия олмайсан! Тиқилинчда қизлар билан йигитларнинг тез бузилиб кетишлари, ахир бу — соғлиққа зиён-ку!

— Ҳа, ҳақ гап! — жавоб берди Маэ. — Пул кўп бўлганда-ку яхши яшардик-а... Ҳа энди, албатта, одамларнинг тиқилиб яшашлари кимга ҳам хуш келарди, бу гапинг рост. Эркакларнинг ичкиликбозлик қилишлари, қизларнинг эса ҳомиладор бўлиб қолишлари шундан.

Суҳбатда хонадоннинг ҳамма аъзоси қатнашар, ҳар ким ўз гапини қистириб қоларди. Керосин чироқ пиёздоғ ҳиди тутиб кетган уй ҳавосини заҳарлар эди. Йўқ, нимасини ҳам айтасиз, кун кўриш қийин бўлиб қолди. Эшакдек ишлайсан, ҳам илгарилари оғир жазо олган каторгачилар бажарадиган ишни қиласан; тириклайин терингни шилиб олишади-ю, яна қозонинг гўшт кўрмайди. Тўғри, очдан ўлмайсан, лекин шунчаки очдан ўлмайдиган даражада ейсан — кўп ҳам эмас, оз ҳам эмас; қарзга ботиб кетасан, гўё ўз нонингни ўзинг ўғирлагандек, сени таъқиб қилиб юришади. Якшанба бўлса, азбаройи чарчаганингдан ўриндан туролмайсан. Бирдан-бир дилхушлигинг — ё ўлгудек ичиб маст бўлиш, ё бўлмаса, хотининг билан ётиб, яна битта бола орттириш. Иннанкейин пиво ҳам қорнингни шишириб юборади, болалар катта бўлса, башарангга тупуради. Йўқ, йўқ, кўрган кунинг ғам-ғурбат!

Шунда Маэнинг хотини гапга аралашди:

— Ҳаммадан ёмони шуки, юз ўйлаганинг билан ҳеч нимани ўзгартиролмайсан. Ёшлигингда ахир бир кун бахт кулиб боқар, деб хаёл қиласан, нимагадир умид боғлайсан; кейин кўрасанки, муҳтожликдан бошинг чиқмайди, ундан қутулишнинг иложи йўқ... Мен бировга ёмонликни раво кўрмайман-у, лекин бу адолатсизликлар мени ҳам тўйдириб юборади.

Орага сукунат чўкди. Ҳамма бу қашшоқликдан қутулиш йўли йўқлигини ҳис қилиб, аламдан зардоб ютарди. Елғиз Ўлмас бобогина уйда бўлса, ҳаммага ҳайрон бўлиб қарарди, чунки унинг замонида бунақа тортишувлар бўлмасди. Одамлар кўмир ичида туғилиб, кўмир қатламларини қўпориб, ҳеч нарса талаб қилмай ўтиб кетаверишарди; энди бўлса кўмир қазувчиларга жасорат бахш этувчи шамоллар эсиб қолибди.

— Э, ҳаммасига тупурдим,— минғиллаб қўярди у,— бир кружка яхши пиво яхшилигича қолаверади... Бошлиқларнинг бари ҳам аблаҳ албатта, аммо бошлиқ

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳамиша бўлади-ку, шундай эмасми? Бошларингни қотириб ўтирманглар.

Этьен шу заҳоти қизишиб кетди. Бу қанақаси! Ишчи мулоҳаза юритмасинми? Йўқ, буларнинг ҳаммаси ҳадемай ўзгаради, — ишчи энди баъзи нарсаларни тушуна бошлади. Эски замонларда шахтёр умр бўйи ер остида, конда молдек яшаб, кўмир қазийдиган машинадек ишлаган, атрофда нималар бўлаётганини кўрмаган, эшитмаган. Шунинг учун ҳам корчалон бойлар кўнгилларига келганини қилишган, ишчини сотишган ҳам, сотиб олишган ҳам, кейин унинг терисини шилишган,— ишчининг ўзи эса нима қилишаётганини билмаган ҳам. Энди эса ўша кўмир қазувчи ер остида уйғоняпти, уруғдек туп қўйиб, ниш уряпти; бир куни келиб у ер юзига ёриб чиқади! Ҳа, адолат ўрнатадиган одамлар, талай лашкарлар етилиб келяпти. Ахир революциядан кейин одамларнинг ҳаммаси баробар бўлиб қолишмадими? Ҳамма сайловда тенг ҳуқуқли бўлганидан кейин нега энди ишчи пул тўлайдиган хўжайинига қул бўлиб қолиши керак? Йирик жамиятлар ўз машиналари билан ҳаммани эзиб ётибти, илгарилари бир касбдаги кишилар цех бўлиб бирлашиб ўзларини қандай ҳимоя қилишни биларди, ҳозир эса бундай қилишлар ҳам йўқ. Мана шу туфайли ҳам, эҳ, жин урсин, яна бошқа важлар туфайли ҳам, ҳаммаси қулаб тушади, бу эса ишчилар саводли бўлгандан кейин рўй беради. Масалан, шу посёлкани олайлик: боболаримиз отларини ёзишни ҳам билишмасди, оталаримиз бўлса имзо чекадиган бўлишди, уларнинг фарзандлари ўқиш-ёзишда олимлардан қолишмайди. Ҳа, ҳаммаси ўсяпти, секин-аста камол топиб боряпти; одамлар қуёшда бўлиқ экиндек етиляпти! Умрбод боғланиб қолган жойларидан озод бўлганлари ҳамон агар истасалар, қўшниларининг ўрнини эгаллашга кўзлари етса, уларда кучли бўлиш учун нега муштумларини ишга солиш истаги туғилмасин?

Бунақа гаплардан таъсирланган Маэ ҳар қалай иккиланарди.

— Сал қимирладингми, бўлди, паттангни қўлингга тутқазишади,— деди у.— Чол ҳақ: кўмир қазувчилар умрбод қийналиб ўтадилар, бунинг эвазига ҳатто тўйиб овқат ея олмайдилар.

Унинг хотини чурқ этмасди. Энди у гўё уйқудан тургандек эди.

— Агар попларнинг гапи рост бўлса, қашшоқлар нариги дунёда бой бўлишармиш!

Қаттиқ қаҳқаҳа унинг гапини бўлиб юборди; болалар ҳам елкаларини қисиб қўйишди. Ишончсизлик кайфияти ҳаммага таъсир қилганди; тўғри, ичларида улар шахтадаги арвоҳлардан қўрқишса ҳам ҳеч нарсаси бўлмаган осмонни эрмак қилишарди.

— Эҳ, поплари тушмагур-ей!— хитоб қилди Маэ.— Агар шу гапларига ўзлари ҳам ишонишганда эди, осмондан яхшироқ жой олиш учун оз еб, кўпроқ ишлар эдилар... Йўқ, пешонангга нима ёзилган бўлса, шу бўлади.

Хотини оғир хўрсиниб қўйди.

— Э, худойим-эй, худойим-эй!

У қўлларини тиззасига ташлади-да, жуда маъюсланиб, қўшиб қўйди:

— Демак, ҳаммамизнинг қолимизга войлиги рост экан-да.

Ҳамма бир-бирига қараб қўйди. Ўлмас бобо дастрўмолига туфлади. Маэнинг ўчиб қолган трубкаси оғзида эди. Альзира столга суяниб ухлаб қолган Ленора билан Анри орасида ўтириб, бу гапларга қулоқ солади. Катрина бўлса, иягини қўлига қўйганча бўлажак ижтимоий жаннатнинг ғаройиб оламини завқланиб, комил ишонч билан унга очиб бераётган Этьендан йирик кўкиш кўзларини узмас эди. Посёлкада ҳамма уйқуга кетган.Фақат баъзи жойлардан боланинг йиғиси ёки кечикиб қолган мастнинг сўкиши эшитиларди. Хонадаги соат шошилмай вақт ўтаётганини билдириб турарди. Уй дим бўлишига қарамасдан қум сепилган ердан ёқимли нам ҳовур кўтариларди.

— Ўтакетган бемаънилик бу!— давом этди йигит.— Бахтли бўлишларинг учун шу жаннат билан худо албатта керакми? Нима, бу дунёдаги бахтларингни ўзларинг ярата олмайсизларми?

У жўшқин, узоқ гапирди. Унинг гаплари нажотсизлик доирасини ёриб, бу камбағалларнинг зим-зиё ҳаётига нур сочгандек бўлди. Аввал терисини шилиб, кейин ўлдириладиган мол қисматидан баттар мангу

www.ziyouz.com kutubxonasi

қашшоқлик, қулларникидек оғир меҳнат — ҳамма фалокат гўё қуёшнинг ёндирувчи нурларида куйиб, қаёққадир ғойиб бўлганди; адолат сеҳрли ёғду бўлиб кўкдан тушгандек эди. Худо йўқ бўлгандан кейин, одамларга бахт-саодатни адолат беради, ер юзида тенглик ва биродарлик барқарор бўлади. Кўз юмиб очгунча янги жамият бунёд этилди, худди тушдагидек ҳар бир одам ўз меҳнати билан яшайдиган, умумий шодликда ўз ҳиссаси бор, таърифга сиғмайдиган, ажойиб бир гўзал шаҳар қад кўтаргандек бўлди. Эски, чиркин дунё кунпаякун бўлиб, унинг ўрнига жиноятлардан холи бўлган ягона ишчи халқидан ташкил топган ҳар кимнинг хизматига яраша, хизмати эса меҳнати билан белгиланади, деган шиор билан чиққан ёш инсоният пайдо бўлди. Бу орзу кун сайин кучайиб, имконият доирасидан чиққан сари гўзаллашиб, қизиқарли бўлиб борарди.

Маэнинг хотини аввалига бу гаплардан капалаги учиб, эшитишни ҳам хоҳламади. Йўқ, йўқ, бу орзулар жудаям яхши, лекин бунақа фикрларга берилиш керак эмас: кейин шу куниинг ҳам шундай ёмон кўриниб қоладики, бахтли бўлишинг учун ҳамма нарсадан воз кечасан. Эрининг кўзлари чақнаб, бу гапларга ишониб, ҳаяжонланаётганини кўрган Маэ хоним ташвишга тушиб, шанғиллаб, Этьеннинг гапини бўла бошлади:

— Унинг гапига кирма, чол! Буларнинг ҳаммаси чўпчаклигини билмаяпсанми?.. Наҳотки буржуалар ҳам бир кун эмас, бир кун бизга ўхшаб ишлашга кўнса?

Лекин секин-аста у ҳам Этьен гапларининг сеҳрига берилди. Ниҳоят у жилмайиб, ширин хаёлларга чўмди-да, ўзини ажиб орзу-умидлар оламида кўрди. Бу қайғули ҳаётни бир соат бўлса ҳам унутиш қанчалик нашъали! Шуларга ўхшаб чўчқадек тумшуғинг билан ер ковлаб ҳаёт кечириб юрганингда ўзинг умрбод эришса олмайдиган нарсаларни орзу қилиб, бир лаҳза бўлса ҳам ором олиш керак-да. Ҳаммасидан кўпроқ уни адолат ҳақидаги фикр қизиқтириб қолганди, бу масалада у йигитнинг гапларига тамомила қўшиларди.

— Ҳа, рост-да!— хитоб қилди у.— Адолат учун мен ҳеч нарсадан қайтмайман... Тўғрисини айтганда,

бизлар ҳам бундоқ бошқаларга ўхшаб яшасак бўларди энди.

Бу гаплардан кейин Маэ жўшиб кетди.

— Жин урсин! Бой бўлмасам ҳам шундай кунга етиш учун жон-жон деб юз су берардим!.. Роса ағдартўнтар бўлади-да, а! Тезроқ бўлармикин, қандай бўларкин?

Этьен яна гапга тушиб кетди. Эски жамиятнинг путури кетди: нариси билан икки-уч ойга боради, ортиқ эмас, деб ишонтирарди Этьен. Лекин буни амалга ошириш йўллари ҳақида дудмал қилиб гапирарди. Ўқиганлари бошини говлатиб юборган, гарчи ўзи яхши англаб олмаган бўлса ҳам бу гумроҳларга ақл ўргатишдан қўрқмас эди. У, агар баъзи каллаварам хўжайинлар билан буржуаларни ҳисобга олмаса, синфий зиддиятларга барҳам берадиган оламшумул тўфоннинг тезда ғалаба қозонишига хизмат қиладиган ҳамма системаларни маъқуллаб, бирма-бир баён қилиб берди. Эҳтимол, куч билан бу хўжайин ва буржуаларнинг эсини киритишга тўғри келар. Маэ назарида булар шундай ажиб бир тарзда ҳал бўлишини ҳамма тушунаётгандай, маъқуллаётгандек бўлар, ҳамма шундай деб ўйлаётгандек туюларди. Одамлар христианликнинг биринчи асрида қадимги дунё харобалари ўрнида дарҳол янги ва мукаммал тузум пайдо бўлиб қолишини қандай кутишган бўлса, булар ҳам шу гапларга худди янги мазҳабни қабул қилган кишилар каби кўр-кўрона ихлос билан ишонардилар. Кичкинагина Альзира ҳам луқма ташлаб, умумий суҳбатга аралашарди; унинг тасаввурида бахт деган нарса болалар хоҳлаганча еб-ичиб, ўйнаб-куладиган иссиққина уй шаклида намоён бўларди. Катрина ҳамон қўлини иягига тираб, Этьендан кўзини узмасдан қимир этмай ўтирарди. Йигит гапдан тўхташи билан қизнинг ранги ўчиб, худди совуқ егандек сал титради.

Шу чоғ Маэнинг хотини соатга қараб деди:

— Росаям ўтирибмиз-ку, соат ўн бўляпти! Бундай ўтираверсак, эрталаб сираям тура олмай қоламиз.

Ҳаммалари диллари ғаш бўлиб, умидсизликка тушиб, ўрниларидан туришди. Назарларида улар ҳозиргина бой-бадавлат бўлиб, бирданига яна қашшоқлашиб қолгандек эдилар. Ўлмас бобо шахтага йўл оларкан,

www.ziyouz.com kutubxonasi

бу сафсаталар ошингга маза киритармиди, дея вайсар эди, бошқалар эса зах деворларга қараб, қўланса, нохуш ҳавони ичларига ютиб, ғоз юриш билан юқорига чиқиб кетишди. Юқори хонадагилар қаттиқ уйқуга кетганида, Этьен қулоқ солди: Катрина энг кейин ётди; қиз шамни ўчиргач, у ёқдан-бу ёққа ағдарилиб аллавақтгача ухлолмади.

Бунақа суҳбатларга баъзан қўшнилар ҳам чиқишарди. Мол-мулк бўлинишини эшитган Левак жонланиб кетар, Пьеррон бўлса, Ширкатга ҳужум бошланиши билан, андиша қилиб ухлагани кетарди. Баъзан Захария ҳам кириб, бир-икки минут ўтирарди; лекин сиёсат жонига тегиб, «Авантаж»га бориб бир кружка пиво ичганим яхши, дея жўнаб қоларди. Шавалга келганда эса, у қуруқланиб, ҳаммадан ошиб тушар, барчасини қириб ташлашни талаб этар эди. У қарийб ҳар оқшом бир соатча вақтини Маэларникида ўтказарди: унинг қадам канда қилмаслигидан ичида қизғанаётгани, Катринани битта-яримтаси илиб кетмасин, деб қўрқаётгани сезилиб турарди. Шавалнинг кўнглига сал-пал урган қиз энди, хоҳлаган пайтида бир нарса қилиши мумкин бўлган эркак билан бир хонада ёта бошлагандан бери унга азиз бўлиб қолганди.

Этьеннинг таъсири кучайиб бораверди. У секин-аста бутун посёлкада кураш руҳини уйғотди. Этьеннинг ҳурмат-эътибори одамлар ичида кун сайин ортаётганлиги бу пинҳона тарғиботнинг муваффақиятли олиб борилишига сабаб бўлаётган эди. Умуман одамларга ишонмайдиган Маэ хоним, эҳтиёткор бека, ижара ҳақини ўз вақтида тўлаб келаётган бу йигитни ҳурмат қиларди. У ичкилик ичмасди, карта ўйнамасди, ҳамиша китоб ўқиб ўтиради. Маэ хоним саводли йигит, дея бутун округга унинг донғини чиқарганди. Қўшни хотинлар бундан фойдаланиб, тез-тез ундан мактуб ёзиб беришни илтимос қилишарди. Этьен уларнинг ишончли кишиси бўлиб қолди; турли хатлар ёзиб бериш унинг бўйнида эди, нозик оилавий масалаларда ҳам у билан маслаҳатлашишарди. Ниҳоят, сентябрь ойига келиб у талай гапга сабаб бўлган ўзаро ёрдам кассасини таъсис қилишга муваффақ бўлди. Ҳозирча касса унча бақувват эмасди — унга фақат посёлка аҳолисигина

аъзо эди; лекин Этьен ҳозирча ўзини четга тортиб турган Ширкат агар кейинчалик халақит бермайдиган бўлса, ҳамма конларнинг кўмир қазувчиларини ҳам жалб қилмоқчи эди. Уни союзнинг секретари қилиб сайлашди ва ҳатто ёзув-чизув ишларини бажаргани учун бир оз маош ҳам тайинлашди. Этьен ўзини бой бўлиб қолгандек ҳис қиларди. Бола-чақали кўмир қазувчи учини-учига етказиши қийин, лекин бўйдоқ, камтар, ҳеч қандай ташвиши бўлмаган йигит бир оз маблағ жамғариши ҳам мумкин эди.

Шу орада Этьен анча ўзгарди. Энди қашшоқлик йилларида бўғилиб ётган олифтагарчилик, бойликка ҳирс майллари уйғонди. У мовут костюм сотиб олди, юпқа чармдан ботинка буюрди ва шу тариқа бутун посёлка атрофига тўпланадиган бошлиққа айланди. Унинг иззат-нафси қониққанди. У машҳурликнинг дастлабки қувончларидан маст эди: кечагина юккаш бўлган ёшгина йигит бугун шахтёрлар бошлиғи бўлса, уларга амр-фармон қилиб турса! Бу нарса унинг ғурурига ғурур қўшар, ўзи муҳим роль ўйнайдиган бўлажак инқилоб ҳақида янада жўшқинроқ хаёл суришга ундар эди. Ҳатто унинг чеҳраси ҳам ўзгарди; у анча виқорли, ўз нутқидан ўзи маст бўладиган бўлиб қолди; унда пайдо бўлган шуҳратпарастлик ёндириб, уни курашиш фикрига солиб қўйди.

Бу орада куз яқинлашди: октябрь совуқлари посёлкадаги боғчаларга сарғайган барглар тўшади. Энди ўспиринлар юккаш аёллар билан яккам-дуккам сирень буталари орқасига уриб кетишмасди; жўякларда кечки экинлар — қиров босган карам, порей* ва салат** ларгина қолганди: яна жала ёғиб, қизил черепицали томларни тақирлатарди, тарновлардан шариллаб оқиб, ёғоч бочкаларга тушарди. Уйлардаги тўлатилган кўмир печкалар бурқсиб ёниб, ҳаммаёғи ёпиқ хоналарнинг ҳавосини заҳарларди. Қаттиқ муҳтожлик кунлари етиб келди.

Октябрнинг дастлабки аёзли кечаларидан бирида суҳбатдан қизишиб кетган Этьен аллавақтгача ухлай олмай ётди. У Катринанинг кўрпа орасига сирғаниб

* сербар баргли бир хил пиёз.
* овқат юзига солинадиган кўкат.

www.ziyouz.com kutubxonasi

кириб, шамни пуфлаб ўчирганини кўрди. Афтидан қиз ҳам ҳаяжонланган эди: баъзан у ҳам шарм-ҳаё босганидан апил-тапил ечинарди-ю, билмай қолиб ҳаммаёғи бадтар очилиб кетарди. Қоронғиликда қиз мурдадек ётарди, лекин Этьен унинг ухламаётганини сезарди, ўзи қизни ўйлаганидек у ҳам буни ўйлаётганига ишонарди: дилдаги бу яқинлик уларни шу чоқ қача бунчалик ҳаяжонлантирмаганди. Минутлар кетидан минутлар ўтиб борар — аммо на у, на бу қимир этарди; ўзларини ҳар қанча босишга қарамай бир-бирларидан қисиниб нафас олаётганликлари эшитилиб турарди. Этьен икки марта ўрнидан туриб, қизни қучоқлаб олишига сал қолди. Иккови бир-бирига шунчалик талпиниб турса-ю, эҳтиросларини қондира олмаса, бундан ортиқ бемаънилик ҳам борми?! Истак билан курашишнинг нима кераги бор? Болалар ухлашяпти, қиз ҳам, албатта, уни орзиқиб, нафасини ичига ютиб кутяпти, мана у ҳозир тишларини қисиб, индамай қучоқлаб олади. Орадан бир соатча вақт ўтди. Этьен унинг олдига бормади. Катрина уни чақиришдан қўрқиб, ўгирилмади ҳам. Улар қанчалик кўп ёнма-ён яшасалар, орадаги шарм-ҳаё, адоват, дўстона тортинчоқлик тўсиғи тобора баланд кўтариларди,— буни уларнинг ўзлари ҳам тушунтириб беролмасдилар.

IV

— Менга қара,— мурожаат қилди хотини Маэга,— ойлик олгани Монсуга борадиган бўлсанг, ўшоғдан бир қадоқ кофе билан бир кило қанд олакел.

Маэ бошмоғини ямоқчига бермаслик учун ўзи тикаётган эди.

— Яхши!— деди у ишдан бошини кўтармай.

— Яна қассобга ҳам учрашгин... Бир парча бузоқ гўштидан оласанми, а? Анчадан бери гўшт кўрганимиз йўқ.

Маэ бошни кўтарди.

— Сен бу юзлаб, минглаб олади, деб ўйлайсан, шекилли... Кейинги икки ҳафта ичи ишнинг мазаси бўлмади,— лаънати бекор туриб қолишлар ишнинг белига тепди.

Икковлари жим бўлиб қолишди. Бу гап октябрнинг

охирги шанба кунларидан бирида нонуштадан сўнг бўлиб ўтган эди. Ширкат ишчилардан ўч олиш учун пул қийинчиликларини баҳона қилиб, ўша куни ҳамма шахталарда кўмир қазишни яна тўхтатганди. Яқинлашиб келаётган саноат кризиси вақимасидан талвасага тушган, шундоқ ҳам тўпланиб қолган кўмир запасларини кўпайтиришни хоҳламаган Ширкат ҳар бир имкониятдан фойдаланиб, ўн минг кишилик кўмир қазувчилар армиясини яна бир кун бекор юришга мажбур қилар эди.

— Биласанми, Этьен сени Раснёрникида кутиб турипти,— давом этди Маэ хоним.— Уни бирга олиб кетақол. Ишлаган вақтларимизга ҳақ ёзмаган бўлишса, у бир иложини қилади.

Маэ маъқуллаб бошини қимирлатиб қўйди.

— Айтгандай, ўша хўжайинлар билан чол масаласини гаплаш. Врачнинг ҳам маъмурият билан тили бир... Тўғрими, отажон, доктор янглишиши мумкин, сиз ҳали ишлай оласиз, а?

Ўлмас бобо ўн кундан бери стулга михлаб қўйилгандек, ўз ибораси билан айтганда, «панжалари увишиб» қолган эди. Маэ хоним саволини қайтарди, шундагина чол тўнғиллаб қўйди:

— Ўз-ўзидан маълум, ишлайман, албатта. Одамнинг оёғи оғриса, ҳаммаси тамом бўлди дегани эмаску, ахир. Менга бир юз саксон франк пенсия тайин қилишдан қочиб, ҳар қандай бўлмағур гапларни бичиб-тўқишади-да.

Маэ хоним, эҳтимол, чол олиб келиб берадиган қирқ судан энди бутунлай маҳрум бўлишини ўйлаб, зорланиб деди:

— Вой худойим-ей! Иш шу алпозда кетадиган бўлса, ҳадемай ҳаммамиз ўламиз-ку.

— Ўлганингда овқат ҳам егинг келмайди,— деди Маэ.

У бошмоғига яна бир неча мих қоқди-да, кетди. Икки юз зағизғон посёлкаси ойликни соат тўртларда олиши керак эди. Шунинг учун ишчилар шошмай, ҳар ерда тўхтаб-тўхтаб бирин-кетин боришарди. Хотинлари улар кетидан, тезда уйга қайт, дея ёлвориб боришарди. Кўплари эрим қовоқхонада ўтириб қолмасин, дея ҳар нарсани тайинлаб юборишди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Этьен Раснёрникида талайгина янгилик эшитди. Ваҳимали мишмишлар юрипти: айтишларича, Ширкат борган сари тирговичлар қўйилишидан норози бўлаётган эмиш. Ишчиларга жарима солишди, тўқнашув муқаррар бўлиб қолди. Аслини олганда, бу бир баҳона эди, бунинг замирида талай сирли ва муҳим сабаблар яшириниб ётарди.

Этьен қовоқхонага кирганида, пиво ичиб ўтирган ўртоқларидан бири, ҳозиргина Монсуда бўлганини, кассирнинг тепасига бир эълон осиб қўйилганини, аммо унда нима ёзилганини яхши англаб етолмаганини айтди. Кейин иккинчи, учинчи ўртоқ кирди: ҳар ким бирор янгилик айтарди. Аммо бир нарса равшан эди: афтидан, Ширкат қандайдир қарорга келганга ўхшарди.

— Хўш, сен нима дейсан? — сўради Этьен, олдида бир қути тамакидан бошқа ҳеч нимаси йўқ Суварин столига ўтиб ўтираркан.

Машинист шошмай тамаки ўрарди.

— Ростини айтсам, шундай бўлишини олдиндан билиш мумкин эди. Улар сизларни ҳақларингга таянтиради.

Булар ичида фақат Суваринниггина юз берган вазиятга ақли етарди. У одатдагидек хотиржамлик билан аҳволни тушунтира бошлади. Кризисга учраган Ширкат беихтиёр чиқимларни қисқартириши керак, бўлмаса хонавайрон бўлади. Бунинг жабрини ишчилар тортади, албатта. Ширкат маошни камайтириш учун турли-туман найранглар ўйлаб чиқаради. Мана икки ойдан бери кўмир шахта омборларида қимирламай турибди, қарийб ҳамма заводлар ишни тўхтатган. Лекин Ширкат конлар ишдан чиқиши мумкинлигидан ҳадиксираб, кўмир қазишни тўхтатишга журъат қилолмайди; у бошқа воситаларни ўйлаяпти,— эҳтимол, ҳатто забастовкалардан ҳам фойдаланса ажаб эмас: бу ҳол кўмир қазувчиларнинг попугини пасайтириб, уларни оз ҳақ олиб ишлашга мажбур қилади. Ниҳоят, Ширкат янги ўзаро ёрдам кассасидан ташвишга тушиб қолди; касса келажакда Ширкатни таҳликага солади,— забастовка эса кассани қуритиб, унинг тагига сув қуяди, чунки ҳали кассанинг пули кам.

Раснёр Этьеннинг ёнига ўтирди. Иккови ташвишланиб, Суваринниинг гапларини эшитарди. Қовоқхонада пештахтанинг у томонида ғимирлаб юрган Раснёр хонимдан бошқа ҳеч ким бўлмагани учун баралла гапириш мумкин эди.

— Бу қанақа гап бўлди! — деди қовоқхоначи, — Нима кераги бор бунинг? Ширкат забастовкадан умуман манфаатдор эмас, ишчиларга ҳам керак эмас. Келишилгани яхши.

Мана бу оқилона фикр эди. Раснёр ҳамиша оқилона талаблар тарафдори эди. Собиқ ижарачиси тез орада машҳур бўлиб кетганини кўрган Раснёр секин-аста тараққий этиш ғоясини тарғиб қилишга зўр берди: ҳаммасини бирданига олишмоқчи бўлганлар одатда ҳеч нимага эга бўла олмайдилар, дерди у. Ичи пивога тўлган бу семиз, хушмуомала бўлишига қарамай, дўкони кўпинча ҳувиллаб туришидан, Ворё ишчиларининг пиво ичиш ва унинг гапларини эшитиш учун кам келишаётганидан ичида зил кетар эди; шу боисдан баъзан ишдан ҳайдалган шахтёр сифатида Ширкатга нисбатан қалбида яшириниб ётган эски адоватини унутиб, уни ёқлаб ҳам қўярди.

— Бундан чиқдики, сен забастовкага қарши экансан-да? — қичқирди Раснёр хоним пештахтанинг нарёғидан.

Раснёр қатъий қилиб «ҳа», деди. Шунда хотини эрига ёпишиб кетди:

— Эҳ! Сенда юрак деган нарса йўқ ўзи. Манави жанобларнинг гапларига қулоқ сол.

Олдига қўйилган кружкадаги пивога тикилганича хаёл суриб ўтирган Этьен ниҳоят бошини кўтарди.

— Ўртоғимиз айтган гапларининг ҳаммаси бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Бизни мажбур қилгудек бўлсалар, забастовкадан бошқа иложимиз йўқ... Плюшар ҳам менга худди шу ҳақда ёзади, жуда тўғри айтади. У ҳам забастовкага қарши: ундан хўжайинлар билан бирга ишчиларнинг ўзлари ҳам азият чекишади-ю, аммо ҳеч вақога эга бўлишмайди. Лекин Плюшарнинг фикрича, забастовка одамларимизни катта ташкилотга киришга ишонтирувчи энг яхши воситадир... Ҳа, мана унинг хати.

Ҳақиқатан ҳам Монсу шахтёрларининг Интернационалга ишонмаганликларидан ранжиган Плюшар

www.ziyouz.com kutubxonasi

улар бирор можаро бўлиб, Ширкатга қарши кураш бошласалар, ҳаммалари Интернационалга дарҳол аъзо бўлиб киradилар, деган умидда эди. Этьен ҳарчанд уринса ҳам Интернационалга ҳеч кимни торта олмади; дарвоқе, бунинг сабаби ишчилар жон деб кира бошлашган ўзаро ёрдам кассасини яхши йўлга қўйиш учун бутун таъсирини ўтказишга ҳаракат қилганида бўлса керак. Лекин касса шу қадар қашшоқ эдики, Суваринниng фикрича, унинг маблағи тезда тамом бўлиши керак; ана ундан кейин ишчилар ўз биродарлари — бутун дунё ишчиларидан ёрдам олиш учун ишчилар Ўртоқлиги ташкилотига ёпишишлари муқаррар.

— Кассаларингда қанча пул бор?— сўради Раснёр.

— Уч минг франкка яқин,— жавоб берди Этьен.— Биласизларми, учинчи куни маъмурият мени чақирди. Улар ниҳоятда тавозе билан кутиб олишиб, менга, ишчиларнинг омонат фонди тузишларига қаршилик қилмаймиз, дейишди. Лекин улар бу фондни назорат қилиб туриш ниятида эканликларини билиб турибман... Нима бўлганда ҳам биз ҳужумга бардош беришимиз керак.

Қовоқхоначи жирканчли ҳуштак чалиб, у бурчакдан-бу бурчакка юра бошлади. Уч минг франк! Шу пул билан узоққа бориб бўларканми? Ноннинг ўзига бир ҳафтагаям етмайди-ку! Хорижийларга — Англияда яповчиларга ишонилса, ҳозирдан ўлдим деявер. Йўқ, энди забастовка қилиш ғирт аҳмоқлик бўлади!

Шундан кейин бу икки одам биринчи марта аччиқлашиб қолишди. Илгари улар баҳслардан кейин ҳамиша муросага келишарди, чунки икковлари ҳам капитални ёмон кўришарди.

— Хўш, сен нима дейсан бунга?— деди Этьен Суваринга мурожаат қилиб.

У бўлса одатдагидек бурнини жийириб жавоб берди:

— Забастовками? Бемаънилик!

Орага ноқулай жимлик чўкди. Суварин юмшоқлик билан илова қилди:

— Лекин сизлар шуни хоҳласаларинг, мен зинҳор қарши эмасман: бировлар хонавайрон бўлади, баъзиларнинг шўри қурийди, аммо умуман олганда, жилла бўлса ҳам ишни силжитади... Фақат кейинчалик ҳам

ишлар шундай кетадиган бўлса, дунёни янгилаш учун камида минг йил керак бўлади. Аввалига ўзларингиз ҳалок бўладиган турмани портлатиб кўринглар-чи!

У пнгичка қўли билан ланг очиқ эшикдан иморатлари кўриниб турган Ворё томонни кўрсатди. Лекин шу пайт кутилмаган бир ҳодиса унинг гапини бўлди: семиз, ўргатилган қуён — «Польша» кўчага чиқмоқчи эди, лекин шумтака болалар отган тошдан қўрқиб, сакраб орқасига қайтди; қўрқиб кетган қуён қулоқларини қисиб, думини кўтариб, ўзини Суварин оёқлари остига отди-да, уни таталаб, мени қўлингга ол, дегандек ёлворди. Қуён унинг тиззасига ўтириши билан у икки қўллаб уни ушлади-да, юмшоқ ва илиқ жуни хуш ёқиб, мудрай бошлади.

Шу он Маэ кириб келди. Раснёр хоним гўё меҳмон қилаётгандек лутфан пиво ичинг, дея қистаганига қарамай, у ҳеч нима ичмоқчи эмасди. Этьен шу заҳоти ўрнидан турди, кейин иккови бирга Монсу томон кетди.

Кўмир қазувчилар маош олишганда Монсу худди якшанбадаги ярмаркадек яшнаб кетарди. Ҳамма посёлкалардан шахтёрлар тўда-тўда бўлиб келишарди. Касса жойлашган бино тор бўлгани учун ишчилар эшикда кутишни афзал кўришарди. Улар йўл устида тўда-тўда бўлишиб, кўчани тўсиб олишар, бу жонли девор тобора узайиб борар эди. Сотувчилар фурсатдан фойдаланиб, аравачаларини шу ерга келтириб, жойлашиб олишарди; улар ҳар хил нарса, идиш-товоқдан тортиб колбасагача сотишарди. Лекин бунақа кунларда қаҳвахона билан қовоқхона эгалари роса ишлаб олишарди: шахтёрлар маош олишдан олдин пештахта олдида тоқат қилиб туриш учун, кейин эса чўнтагида пул билан яна моянани ювгани киришарди. Улар кунни «Вулқон»да ўтказиб юбормаганларига ҳам шукр қиларди.

Маэ билан Этьен бу тиқилинчдан олдинга сурилганлари сари ишчиларнинг ғазаби қайнаётганини тобора аниқ сезиб борардилар. Шу куни кўмир қазувчилар пулни қовоқхоналарда совуриб юрадиган одатдаги беғамлик йўқ эди. Муштлар тугилган, қаҳр-ғазабли сўзлар оғиздан-оғизга кўчиб юрарди.

— Наҳотки шу рост бўлса?— сўради Маэ «Пикетт» қаҳвахонаси остонасида Шавални кўриб қолиб.—Бари бир шу қабиҳликни қилишибди-да, а?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шаваль жавобан Этьенга кўз қирини ташлаб, жаҳл билан бир нима деб тўнғиллади. Артель янги участкани қазишга олгандан бери Шаваль бошқа тўпда ишларди. У янги келган, ўзини бошлиқлардек тутадиган ўртоққа ҳасад қилиб, ич-этини ерди: Шаваль бутун посёлкадагилар унинг товонини ялаяпти, дерди. Бу муносабатларнинг ҳаммаси севги можаролари билан янаям мураккаблашиб кетганди. Ҳар сафар Шаваль Катрина билан Рекийярга борганида ёки уюм орқасига ўтганида у қизни, ижарачиларинг билан ётасан, дея сира куракда турмайдиган сўзлар билан таҳқирларди: кейин эса эҳтироси жўшиб, қизни ардоқлаб қийнарди.

Маэ Шавалга бошқа савол билан мурожаат қилди:

— Ворёга ҳам навбат келдими?

Шаваль бу саволга ҳа, дегандай бош ирғади-да, орқасини ўгириб олди. Этьен билан Маэ бино ичига кирмоқчи бўлишди. Касса ўртасидан панжара билан ажратилган чоғроқ тўртбурчакли хонага жойлашган эди. Девор тагига қўйилган скамейкада беш-олти шахтёр навбатини кутиб ўтирарди. Идора хизматчиси ёрдам бераётган кассир дарча олдида фуражкасини ушлаб турган шахтёрга мояна берарди. Чапдаги скамейка тепасига кулранг дуд босган шувоқда кўзга яққол ташланаётган сариқ қоғозга ёзилган эълон осиб қўйилганди. Эрталабдан бери шу эълон олдидан одамларнинг оёғи узилмасди. Улар иккитадан, учтадан бўлиб киришарди-да, эълон олдида қоққан қозиқдек тўхтаб қолишар, кейин бутунлай гангиб, чурқ этмай, фақат елкаларини қисиб, чиқиб кетишар эди.

Этьен билан Маэ киришганда эълон олдида икки кўмир қазувчи турарди: биттаси ёш, япалоқ юзи баджаҳл, иккинчиси — афтидан, кексайиб, меровсираб қолган ориққина чол эди. На униси, на буниси ўқишни биларди: ёши лабларини қимирлатиб, ёзувни ҳижжалаб ўқишга ҳаракат қилди, чол бўлса, эълонга беҳуда тикилиб турарди. Кўпчилик гарчи ҳеч нима тушунмаса ҳам бир қараб кетиш учун кирарди.

— Қани, бизга ўқиб бер-чи,— деди Маэ саводи унча яхши бўлмаган ҳамроҳига.

Этьен эълонни ўқий бошлади. Бу Ширкатнинг барча конлардаги шахтёрларга мурожаати эди. Ширкат уларга шахталарни яхши мустаҳкамламаганликлари учун бефойда жарималар солиш ўрнига қазиб чиқариладиган кўмирга янгича ҳақ тўлаш жорий этилишини маълум қилган эди. Бундан буён Ширкат шахтани мустаҳкамлаш учун алоҳида ҳақ тўлайди, шахтага туширилган ва яхши иш учун фойдаланилган ҳар бир куб метр ёғочни ҳисоблаб пул тўланади. Табиийки, чиқарилган ҳар бир вагонетка кўмир учун тўланадиган ҳақ, албатта, кўмирнинг сифати, қазилган жойининг узоқ-яқинлиги ҳисобга олинган ҳолда, мутаносиб равишда эллик сантимдан қирқ сантимга пасайтирилади. Кейин жуда чигал ҳисоб-китоб ҳақида гап бориб, гўё ҳар вагонетка кўмирга тўланадиган ҳақнинг ўн сантим камайиши шахтани мустаҳкамлашга кетадиган пул билан қопланишини исботлашга зўр берилган эди. Пировардида Ширкат янги усулнинг афзалликларига ҳар бир ишчининг ишонишига имкон бериш истагида уни биринчи декабрь, душанба кунидан жорий қилишга қарор берганлиги айтилган эди.

— Ҳей, секинроқ ўқисаларинг бўлмайдими!—қичқирди кассир.— Ҳеч нима эшитилмаяпти.

Этьен кассирнинг танбеҳига парво қилмай, охиригача ўқиб чиқди. Унинг овози титрарди, у ўқиб бўлганидан кейин ҳам ҳамма эълонга диққат билан тикилиб тураверди. Кўмир қазувчиларнинг иккови: кексаси ҳам, ёши ҳам яна ниманидир кутиб туришдитуришди-да, кейин бошларини қуйи солиб чиқиб кетишди.

— Хўп қизиқ бўлди-ку!— ғўлдираб қўйди Маэ.

У ўтирди, ҳамроҳи ҳам. Улар хаёлларини бир ерга тўплаб, бошларини қуйи солганича нималарнидир ҳисоблашишарди, сариқ эълон олдига келувчиларнинг эса кети узилмасди. Нима, уларни калака қилишяптими? Улар ҳар бир вагонеткадан уриб қоладиган ўша ўн сантимни шахтани мустаҳкамлашга ишлатиб бўпти. Бу иш учун энг кўп деганда саккиз сантим олиш мумкин, ширкат бу оғир ишга кетадиган вақтни ҳисобга олмай, улардан икки сантимни уриб қолади. Уларнинг найрангларини қаранг-а, сездирмасдан иш ҳақини камайтириш экан-да ниятлари! Ширкат кўмир қазувчилар ҳисобига иқтисод қилишга ўтипти-да.

— Жин урсин! Вой, худо ургур-ей!— такрорлади

www.ziyouz.com kutubxonasi

Маэ бошини кўтариб... — Агар биз шунга кўнсак, қип-қизил аҳмоқ бўлиб қолаверамиз!

Лекин бу чоқ касса дарчаси олдида ҳеч ким қолмагани учун у ойлигини олгани борди. Вақтни ўтказмаслик учун пулни артелнинг каттасига беришарди, бошлиқ эса ўзи бўлиб берарди.

— Маэ билан ўртоқлари,— деди идора хизматчиси,— Филоньер қатлами, еттинчи ўнгир.

У ведомостдан Маэнинг фамилиясини излади. Бу ведомость назоратчилар ҳисоб дафтарларидан йиртиб олиб, ҳар бир артелнинг ҳар куни қазиб чиқарган вагонеткаси қайд этилган варақлар асосида тузиларди. Кейин такрорлади:

— Маэ билан ўртоқлари, Филоньер қатлами, еттинчи ўнгир. ... Бир юз ўттиз беш франк.

Кассир пулни санаб узатди.

— Кечирасиз, тақсир!— деб ғўлдиради ҳаяжонланган кончи.— Шу тўғрими? Янглишмадингизмикин?

Маэ аъзойи бадани билинар-билинмас титраб, чўғи кам пулга қараганича уни олишга журъат этолмай турарди. Сирасини айтганда, у катта маош олишни кутмаган эди, лекин анави ҳисобда янглишмаган бўлса, бунчалик кам бўлишини тасаввур ҳам қилмаганди. У шу пулдан Захарияга, Этьенга ва Шаваль ўрнига ишлаган ўртоққа тегишларини берса, ўзига, отасига, Катринага ва Жанленга жуда кўп деганда эллик франк қолади.

— Йўқ, йўқ, мен янглишмадим,— деди идора ходими.— Икки якшанба билан бекор туриб қолинган тўрт кунни чегириб ташланса, ҳаммаси бўлиб тўққиз иш куни қолади.

Маэ пичирлаб қўшиб, олиб, ҳисоблаб чиқди; тўққиз иш куни учун ўзи ўттиз франкка яқин, Катрина ўн саккиз, Жанлен тўққиз франк олиши керак эди. Ўлмас бобо эса уч кунга ҳақ олиши керак. Бари бир ана шуларга Захария билан қолган икки ишчи оладиган тўқсон франкни қўшганда, умумий сумма кўп бўлиши керак эди.

— Жаримани ҳам унутманглар,— қўшиб қўйди идора хизматчиси.— Шахтани яхши мустаҳкамламаганларинг учун йигирма франк.

Кончи ғазаб билан чапак чалиб юборди. Йигирма

франк жарима, тўрт кун бекор қолиш! Ундоқ бўлса, ҳисоб тўғри, албатта! Буни қара-я, Ўлмас бобо ишлаб юрганида ва Захария уйланмасдан олдин ҳар икки ҳафтада уйига юз эллик франкдан олиб келарди-ку!

— Хўш, пулларингизни оласизми-йўқми?— қичқирди тоқати тоқ бўлган кассир.— Кўрмаяпсизми, орқангизда одамлар туришибди, кутишяпти... Олишни истамасангиз, ариза беринг.

Аммо шу пайт, Маэ пулни олиш учун титраётган катта қўлини узатган ҳам эди, идора хизматчиси деди:

— Тўхтанг-чи, мен сизнинг отингизни ёзиб қўювдим. Туссен Маэ, шундайми?.. Катта котиб сиз билан гаплашмоқчи эди. Кабинетига киринг, олдида ҳозир ҳеч ким йўқ.

Ҳангу манг бўлиб қолган ишчи қизил ёғочдан ишланиб, ранги ўчган яшил мато сирилган мебель билан жиҳозланган кабинетга кирди. У беш минутча қоғозлар қалашиб ётган стол ёнида ўтирган баланд бўйли, ранги мурданикига ўхшаган киши — секретарнинг гапларини эшитди. Лекин Маэнинг қулоқлари ғувиллаётганидан яхши эшитмасди. У гап отаси ҳақида кетаётганлигини зўр-базўр тушунди; унинг ёши ва қирқ йиллик хизмати ҳисобга олиниб, бир юз эллик франк пенсия билан истеъфога чиқаришга қарор қилинибди. Кейин Маэга котиб қўрсроқ гапиргандек бўлди. Бу энди ҳайфсан эди, унинг сиёсат билан шуғулланиши қораланиб, ижарачиси билан ўзаро ёрдам кассасига ишора қилиб ўтилди. Пировардида бундай бемаъниликлар билан шуғулланиб, ўзингни бадном қилиб қўйма, чунки сен шахтадаги энг яхши ишчилардан саналасан, дея маслаҳат берилди. Маэ эътироз билдирмоқчи бўлди, лекин гаплари пойинтар-сойинтар чиқди, у титроқ бармоқлари билан фуражкасини асабий ғижимлаб чиқиб кетаркан, ғўлдиради:

— Албатта, котиб жаноблари... Сизни ишонтириб айтаманки, тақсир...

Этьен уни кўчада кутарди. Уни кўргач, Маэ қайнаб кетди:

— Ғирт аҳмоқ эканман, ахир унга жавоб беришим керак эди-ку!.. Ейишга ҳеч вақомиз йўқ-ку, улар бўлса қаёқдаги бемаъни гаплар билан мияни ачитишади. У тишини сенга қайраб юрибди; у менга бутун посёл-

www.ziyouz.com kutubxonasi

каларинг исёнкорлик ғоялари билан заҳарланган, деб айтди... Жин урсин, энди нима қилдик, а? Икки букилиб, раҳмат айтсакмикин, а? У ҳақ, энг оқилона иш ана шу.

Ғазабланган, айни пайтда қўрқиб кетган Маэ жим бўлиб қолди.

Этьен қайғули ўйларга ботди. Улар яна бутун кўчани тўсиб қўйган ишчилар ёнидан ўтишди. Қаҳр-ғазаб кучайиб бораётганлиги сезилиб турарди,— бу одатда хотиржам ва вазмин кишиларнинг қаҳру ғазаби эди; шовқин-сурон эшитиларди, бу — қимир этмай турган оломон тепасидаги момақалдироқнинг гумбурлашига ўхшарди. Шу ондаёқ ҳар бир тирговичдан икки су уриб қолган Ширкатнинг қанча фойда кўришини ҳисоблаб чиқувчилар ҳам топилиб қолди. Бу рақамлар оғиздан оғизга ўтиб, унча-мунчани писанд қилмайдиганларнинг ҳам ғазабини қайнатди, ҳамманинг ғазабини кўпроқ келтирган нарса маошнинг камлиги эди. Бу — ишда бекор туриб қолиш ва жарималарга қарши очлар исёни эди. Ҳозирнинг ўзида ейишга ҳеч вақолари йўқ-ку, маошни яна камайтирсалар, ҳоллари нима кечади? Қовоқхонадагилар бўлса, бундан ҳам баттар бақиришиб, томоқлари шунчалик қақраб кетдики, олган ўша озгина маошларини ҳам пештахта устида қолдиришди.

Монсудан посёлкага боргунларича йўлда Этьен билан Маэ бир-бирига оғиз очмади. Маэ уйга кириши биланоқ болалари билан қолган хотини унинг қуп-қуруқ қайтганини пайқади.

— Ана холос!— деди хотини.— Кофе, қанд, гўшт қани? Бир бўлак бузоқ гўшти сотиб олсанг, бир нима бўлармидинг.

Маэ жавоб бермади: у ҳаяжондан бўғилиб кетаётганди, шу боисдан у ўзини босишга ҳаракат қилди. Кўмир қазувчининг ер ости ишларида тобланган ғамгин юзида ғам-алам акс этарди, кўзларида пайдо бўлган йирик-йирик ёш томчилари қиздириб оқиб тушарди. У стулга ўзини ташлади-да, эллик франкни столга улоқтириб, ёш боладек ҳўнг-ҳўнг йиғлай бошлади.

— Мана!— деди у зўрға.— Сенга олиб келган пулнинг ҳаммаси шу... Ҳаммамизнинг ишлаб топганимиз мана шу!

Маэ хоним Этьенга қаради. Этьен гангиб қолганидан ҳеч нима демади. Шундан кейин Маэ хоним ҳам йиғлаб юборди. Эллик франк билан тўққиз киши икки ҳафта қандай кун кўради? Катта ўғиллари бўлак бўлиб чиқиб кетди, чолнинг бўлса оёқлари ишламай қолди, ётиб бандаликни бажо келтирса ҳам бўлади. Онасининг йиғлаётганини кўрган Альзира ваҳимага тушиб, унинг бўйнига осилиб олди, Эстелла чирилларди, Ленора билан Анри эса пиқ-пиқ йиғлашарди. Кўп ўтмай қашшоқлик фарёди бутун посёлкани тутиб кетди. Эркаклар қайтиб келишгач, ҳар бир хонадонда жуда оз пул олиб келишгани учун аламли оҳ-воҳлар эшитиларди. Эшиклар қарсиллаб очилиб, хотин-халажлар гўё уйларнинг шифтлари уларнинг фарёдига дош беролмайдигандек кўчага отилиб чиқишди. Ёмғир шивалаб ёғаётганини улар сезишмас ҳам эди. Улар тротуарда туриб бир-бирини чақиришар ва кафтларидаги озгина пулни кўрсатишар эди.

— Эримга беришган пулни кўринг-а! Ахир бу одамни хўрлаш эмасми?

— Меники-чи? Нонга икки ҳафтага зўрға етади!

— Меники-чи? Санаб кўринг бир! Яна кўйлагимни сотишга мажбурман.

Маэ хоним бошқалар каби кўчага чиқди. Ҳаммадан кўпроқ бақираётган Левакнинг хотини атофига бир гуруҳ аёллар тўпланганди; алкаш эрим ҳатто уйга ҳам келмади, энди олган моянаси қанча бўлса ҳам ҳаммасини «Вулқон»да йўқ қилиб келади, дерди. Филомена Захария пулни олиб қўймасин, деб Маэдан бохабар бўлиб турарди. Ёлғиз Пьерроннинг хотинигина жуда хотиржам кўринарди. Бу риёкор Пьеррон доимо бир йўлини қиларди-ю, штейгерлик ҳисоб дафтарчасида ўртоқлариникига нисбатан кўп соат ёзилган бўларди. Лекин Ашаддий кампир куёвим нотўғри иш қиляпти, дея бутунлай ғазабланганлар томонида эди; унинг тик ва ориқ гавдаси хотинлар орасида ажралиб турарди: у Монсу томонга муштларини ўқталиб ўдағайлар эди.

— Инсофсизларни қаранг-а,— қичқирди у Энбонинг номини тилга олмасдан,— уларнинг чўриси бугун эрталаб фойтунда сайр қилиб юрганини ўз кўзим билан кўрдим!.. Ҳа, ҳа, ошпаз хотин қўш от қўшилган фойтунда Маршьеннга, балиққа кетди шекилли!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Яна дод-фарёд кўтарилиб, қарғишлар эшитилди. Оқ пешбандли ошпаз хотиннинг хўжайин фойтунида қўшни бозорга бориб келиши ҳамманинг ғазабини қўзғаган эди. Ишчилар очдан ўляпти-ю, булар тирик балиқни тусаб қолишипти-я! Балки уларнинг балиқ ейишлари узоққа бормас: камбағалларнинг ҳам елкасига офтоб тегиб қолар. Этьен ташлаган уруғлар униб чиқди: Этьеннинг бутун фикрлари бу ғазабли ҳайқириқларда ифода этилмоқда. Бу ваъда қилинган олтин даврни тоқатсизлик билан кутиш нидоси, тезроқ ўз бахтига муяссар бўлиш, қашшоқлик балосидан қутулиш истаги эди. Адолатсизлик ҳаддан ошиб кетди: бунинг оқибатида кўмир қазувчилар оғзиларидаги нонни тортиб олаётганларга ўз ҳуқуқларини кўрсатиб қўядилар. Айниқса хотин-халаж ҳаяжонланган эди, улар бир ҳамла билан бахтсизлар бўлмайдиган ажойиб равнақ салтанатини дарҳол қўлга олишни истардилар. Деярли қоронғилик тушганди, ёмғир борган сари кучаярди, хотинлар бўлса бутун посёлкани бошларига кўтариб фарёд қилардилар. Улар атрофида эса болалар қий-чув қилишарди.

Кечқурун «Авантаж» қаҳвахонасида забастовка бошлашга қарор қилинди. Энди Раснёр эътироз билдирмади, Суварин эса, биринчи қадам бўлади бу, деган ниятда рози бўлди. Этьен аҳволни икки оғиз сўз билан таърифлаб берди: агар Ширкат қандай қилиб бўлса ҳам забастовка чиқармоқчи экан, демак, забастовка бўлади!

V

Бир ҳафта ўтди. Иш ўз йўлида бораверди, лекин шахтёрларнинг қовоғидан қор ёғарди, гумонлари ошиб, минут сайин тўқнашув бўлишини кутишарди.

Маэнинг маоши ўтган галгисидан ҳам кам бўлиши керак эди. Унинг хотини оғир-вазмин, андишали бўлса ҳам сержаҳл бўлиб қолди. Ахир илгарилари Катрина бирор жойда ётиб қолармиди? Эртасига азонда қиз ҳолдан тойиб, тунги сайрлардан чарчаб, ҳатто шахтага ҳам боролмайдиган бўлиб қайтди. У кўзига ёш олиб, айбсизлигини исботлашга уринар: Шаваль қўйиб юбормаганини, ташлаб кетсанг, уриб ўлдираман, дея дўқ қилганини айтар эди. У рашкдан қутуриб

уйга, Этьен ётган хонага боришимни тақиқлади, унинг гапини қаранг, мен сизларнинг розиликларинг билан кечалари Этьен қўйнида ётармишман. Ғазабланган Маэ хоним қизига шу ҳайвон билан учрашмагин, агар айтганимни қилмасанг, ўзим Монсуга бориб, юзларига тарсаки тортиб юбораман, деб қўрқитди. Бари бир иш куни кетди, қиз эса ўзи илаштириб олган жазманини ташламоқчи эмасди.

Икки кун ўтгач, янги бир воқеа рўй берди. Душанба билан сешанба кунлари Жанлен Ворё шахтасига ишга келиш ўрнига Бебер ва Лидия билан ботқоққа ҳамда Вандам ўрмонига қочиб кетди. Жуда эрта етилган бу шумлар у ерларда нима номаъқулчиликлар қилишганини, учовлари қандай бўлмағур ўйинлар билан машғул бўлишганини ҳеч ким билмасди. Жанленнинг роса адабини беришди: онаси уни посёлканинг капалаги учиб кетган болалари кўзи олдида, кўчада ўлгудек урди. Ҳеч шунақа бўлганми ўзи? Бола-чақам деб жонини жабборга берса-ю, энди ўзимиз пул топадиган бўлдик, деб кўнглига келганини қиладиган бўлиб қолипти, яшамагурлар! Унинг бу фарёди ўзининг оғир ёшлигидан нолишини ҳам ифодаларди, ночор қашшоқлик уни ҳар бир янги фарзандга бўлажак ишчи кучи деб қарашга мажбур этарди.

Эртасига эрталаб эркаклар билан қизи шахтага кетишганда, Маэ хоним ўрнидан туриб, Жанленга деди:

— Сен ярамас яна қочиб кетадиган бўлсанг, терингни шилиб оламан, билиб қўй!

Маэлар ишлайдиган янги участкада иш оғир эди. Шу жойдаги Филоньер қатлами жуда юпқа бўлганидан равоқ билан девор орасида сиқилиб ишлаётган кончилар тирсакларини шилиб олишарди. Бундан ташқари ер тобора захлашиб борар, соат сайин сув ўпириб, даҳшатли оқим жинслар билан одамларни ювиб кетаётгандек бўларди. Этьен кеча зўр бериб чўкич ураётганида ерости чашмасининг суви юзига сачраб кетган эди. Лекин бу сафар ташвишлари беҳуда бўлиб чиқди; ўнгир фақат янада захлашиб, чиринди ҳиди тутиб кетди. Дарвоқе, Этьен юз бериши мумкин бўлган тасодифлар ҳақида асло ўйламас, ҳеч нарсадан қўрқмайдиган ўртоқлари билан ишни давом эттираверарди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Улар руда гази ичида ишлашар, ҳатто қовоқлари оғирлашиб, кўзлари олдини ўргимчак тўри тутиб олаётганини ҳам сезишмасди. Фақат аҳён-аҳёнда, лампанинг алангаси жудаям оқариб ёки зангори тусга кирганидагина газ борлиги эсларига тушиб қоларди. Кўмир қазувчилардан битта-яримтаси қулоғини кўмир қатламига тутиб, ҳар бир ёриқ ичида ҳаво пуфакчаларидек биқирлаётган газнинг заиф шовқинига қулоқ соларди. Бундан ташқари доимо ўпирилиб тушиш хавфи бор эди; ёмон, ҳафсаласизлик билан қўйилган тиргаклар борлигига қарамай, ювилган тупроқ чўка бошлаганди.

Ўша куни Маэ тиргакларни уч марта тўғрилаб қўйди. Соат тўртга яқинлашиб, ишчилар кетишга тайёрланишарди. Этьен ёнбошлаганича сўнгги кўмир бўлагини уриб, ағдарган ҳам эдики, узоқдан келган гумбурлаш бутун шахтани ларзага солди.

— Нима бу?— қичқирди у чўкични улоқтириб, қулоқ соларкан.

Унга худди орқасидаги бутун йўлак ўпирилиб тушгандек бўлди.

Лекин Маэ ўнгир нишаблигидан сирғалиб тушаркан:

— Ўпирилди... Тез! Тез қоч! — дея бақирарди.

Ҳамма ўртоқларидан хавотирланиб, жонҳолатда пастга отилди. Ҳаммаёқ жимжит. Уларнинг қўлларидаги лампочкалар ликилларди; худди эмаклагудек бўлиб энгашиб, йўлаклардан олдинма-кетин қочишарди: қочиб боришар экан, қисқа-қисқа: «Қаер ўпирилди? Балки ўнгирлардадир?»— «Йўқ, пастда! Йўлаклардан бирида бўлиши керак!» дейишарди. Кўмир қазувчилар шахта қудуғи олдига келишлари билан майиб бўлишларига ҳам эътибор бермай, бир-бирларининг устларига ўзларини отиб, тушиб кета бошладилар.

Кечаги калтакдан бадани моматалоқ бўлиб кетган Жанлен шу куни шахтадан қочмади. У ялангоёқ бўлиб, вентиляция эшикларини ёпиб, ўз поезди кетидан лўкиллаб борарди. Баъзи вақтларда бола штейгер кўриб қолишидан ҳам қўрқмай сўнгги вагонеткага чиқиб оларди: бундай қилиш қаттиқ тақиқланган эди — вагонеткага чиққан кишининг ухлаб қолишидан қўрқишарди. Қаршидан келаётган вагонеткаларни ўтказвориш учун поезд тўхтаганида, у лип этиб олдинга

ўтди-да, отни бошқариб бораётган Беберннинг ёнига борди. Бу Жанленнинг энг севимли эрмаги эди. Малласоч, шалпанг қулоқ, маймунникига ўхшаган тумшуғи ориқкина, кўк кўзлари қоронғида ялтиллаб турган бола лампочкасиз писиб келиб, ўртоғини қаттиқ чимчиб оларди-да, ҳар хил бўлмағур қалтис ҳазиллар қиларди. Кўзи жуда эрта очилган бу шумтака чала болаларга хос аллақандай топқир, тегирмонга тушса бутун чиқадиган ибтидоий бир махлуққа ўхшар эди.

Тушликдан кейин Мук бобо болаларнинг олдига Ўктам лақабли отни етаклаб келди, чунки энди ишлаш бу отнинг гали эди. От эҳтиёт йўлда туриб олиб хириллай бошлади. Жанлен Бебер ёнига югуриб келиб, ундан сўради:

— Бу қари қирчанғига нима бўлди? Нега тўхтаб қолди?.. Бунақада оёғимни синдиради-ку.

Бебер жавоб бера олмади, жиловни қаттиқроқ тортди холос, чунки қарши томондан поезд келаётганини сезган от сергакланиб қолганди. От узоқдан Қувур лақабли дугонаси яқинлашиб келаётганини пайқаганди: Ўктам бу отни шахтага туширишган биринчи кунданоқ ёқтириб, у билан иноқлашиб қолганди. Бу иноқлик ёш дўстига қобиллик ва сабр-қаноатдан сабоқ бериб, уни овутишни истаётган кекса донишманднинг сидқидилдан ачинишини эслатарди. Ҳалигача кўникиб кетмаган, доимо қуёшни қўмсайвериб, шабкўр бўлиб қолган Қувур бошини қуйи солганича вагонеткаларни лоқайдлик билан тортиб бораверар эди. Шунинг учун ҳам ҳар сафар Ўктам уни кўрганида бошини чўзиб пишқирар, эркалатмоқчи ва далда бермоқчи бўлаётгандек яларди.

— Вой қурғурлар-ей!— сўкиниб деди Бебер.— Буларни қаранглар-а, бир-бирларини ялаб-юлқишяпти-я!

Қувур ўтиб кетгандан кейин Бебер деди:

— Оббо қари қирчанғи-ей, хўб қилиқларинг бор-да!. Бирон нохушликни — тош ёки ўрани сездими доимо тўхтайди: босиб қолмасин, деб эҳтиётини қилади... Бугун эшик орқасида нима бор экан, билмадим. Эшикни оёги билан итаради-ю, ўзи жойидан жилмайди... Сен бирон нарса сезмадингми?

— Йўқ,— жавоб берди Жанлен.— Лекин у ерда сув тиззага чиқади.

Поезд яна қўзғалди. Ўктам сал юриб, боши билан

www.ziyouz.com kutubxonasi

вентиляция дарчасини очди-да, яна таққа тўхтаб, бутун танасини силкитиб кишнади. Ниҳоят у бор кучи билан слиб кетди.

Эшикни ёпаётган Жанлен орқада қолди. У эгилиб, ўзи тушиб кетган балчиққа қаради, кейин лампочкани кўтариб қараган эди, силқиб чиққан сув таъсирида тиргаклар жуда қийшайиб кетганини кўрди. Шу пайт Берлок деган бир кончи (уни Шико ҳам дейишади) келиб қолди. У хотинининг ой-куни яқинлашиб қолганидан хавотирланиб, шошилиб уйига кетаётган эди. У ҳам тўхтаб, тирговичларни синчиклаб кўздан кечира бошлади. Қўққисдан, бола поезд кетидан энди югураман, деб турган пайтда даҳшатли қасир-қусур овози эшитилди-ю, иккови — ишчи ҳам, бола ҳам кўчки остида қолди.

Оғир жимлик чўкди. Кўчки ҳавони шу қадар ларзага солган эдики, йўлакни оғир чанг босиб кетди. Ҳар томондан, энг олис участкалардан кўзлари ҳеч нимани кўрмаётган кўмир қазувчилар ҳаллослаб чопиб келишарди. Қўлларидаги лампочкалар лип-лип ўйнаб, бу кўрсичқон инининг энг чуқур жойларида югуриб бораётган кишиларни зўрға ёритарди. Ўпирилган ерга биринчи бўлиб келган ишчилар ўртоқларини ёрдамга чақириб, қичқира бошладилар. Ўнгирнинг нариги, чуқур томонидаги ишчилар ўша ёқда қолиб кетишди, босиб тушган тупроқ у ёққа ўтиш йўлини тўсиб қўйганди. Шу ондаёқ ўн метрча жойнинг шифти ёрилгани аниқланди. Шикаст унча катта эмасди. Бирдан ҳамманинг юраги муз бўлиб кетди: кўчки остидан жон бераётган кишининг хириллаши эшитилди.

Бебер поездини ташлаб югураркан:

— У ерда Жанлен бор! Жанлен бор!— дея бақирарди.

Шу чоқ ён йўлакдан Маэ югуриб чиқди, унинг ёнида Захария билан Этьен ҳам бор эди. Тутақиб кетган Маэ оғзига келганини қайтармай сўкинарди:

— Эҳ, жин ургур! Жин ургур! Жин ургур!

Елиб келишган Катрина, Лидия ва Мукетта умумий саросималик ва қоронғиликда қўрқиб кетиб додлашарди. Уларни юпатмоқчи бўлишарди, лекин улар, бутунлай ақлдан озиб, ҳар инграш овози эшитилганда яна қаттиқроқ йиғлардилар.

Штейгер Ришомм чопиб келди. У шахтада инженер Негрель ҳам, Дансарт ҳам йўқлигини билиб фиғони ошди. У каттакон тошга қулоғини тутиб, эшитди: йўқ, бу инграш боланики эмас, у ерда, шубҳасиз, катта одам бор. Маэ «Жанлен»! деб бақиришини қўймасди. Жавобан бирон овоз эшитилмасди. Афтидан, бола кўчки остида қолиб ўлган бўлса керак.

Лекин бир маромдаги инграш тинмасди. Ўлаётган кишини гапга солиб кўрмоқчи бўлишди, отини сўрашди. Хириллашдан бошқа жавоб эшитилмади.

— Тез бўлинглар!— деб қистади кўмилиб қолганларни қазиб чиқаришни буюрган Ришомм.— Кейин гаплашасизлар.

Кўмирчилар икки қарама-қарши томондан чўкич ва белкуракларда билан кавлашиб, кўчкини тозалай бошлашди. Шаваль чурқ этмай Маэ ва Этьен билан бирга ишларди: Захария бўлса тупроқни тортаётганларга уни қил, буни қил, деб турарди. Иш тугайдиган вақт бўлган, ҳеч ким ҳали ҳеч нима емаганди: ўртоқлари ўлай деб тургани учун кўмирчилар уйга кетишни ўйлашмасди ҳам. Ҳеч ким ишдан қайтмаётганини кўриб, посёлкадагилар хавотир олишлари мумкин эди. Посёлкага хотинларни юбормоқчи бўлишди. Бироқ Катрина ҳам, Мукетта ҳам, ҳатто Лидия ҳам ҳамма нарсани билиб олмагунча бормаймиз, деб туриб олишди. Бундан ташқари улар тозалаш ишларига ёрдамлашишди. Шунда Левакка юқорига кўтарилиб, ўпирилиш бўлганини, сал-пал шикаст кўрилганини, аммо тузатилаётганини айт, деб топширишди. Соат тўртга яқинлашиб қолди, ишчилар эса салкам бир соат ичида қарийб бир кунлик ишни қилиб қўйишди; ҳисобларга кўра, агар пештоқ яна чўкмаган бўлса, тупроқнинг ярми олинган эди. Маэ жонини жабборга бериб ишлар, жазаваси тутиб, тупроқ отар, биров ўрнингга мен ишлай, деса, жаҳл билан қўл силтар эди.

— Эҳтиёт бўлинглар!— деди ниҳоят Ришомм.— Яқинлашяпмиз. Уларга тегиб кетманглар ишқилиб.

Ҳақиқатан ҳам хириллаш тобора аниқ эшитила бошлади: бу ишловчилар анчадан бери эшитаётган ўша узлуксиз хириллаш эди. Энди бу овоз нақ чўкичлар остидан келаётгандек эди. Бирдан овоз жим бўлиб қолди.

Ҳамма титраб-қақшаб, бу зимистон ичида ўлимнинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

совуқ нафасини туюб, чурқ этмай бир-бирига қарашди. Қора терга ботган кўмирчилар сўнгги кучларини тўплаб, қазишда давом этардилар. Ниҳоят оёқ кўринди: шунда улар тупроқни қўллари билан тортиб, кўмилиб қолган кишининг гавдасини секин-аста чиқариб олдилар. Бошига шикаст етмабди. Лампочка унинг юзини ёритганда, ҳамма бирдан: «Шико», деб юборди. У ҳали иссиққина эди. Кўчки умуртқасини синдирибди.

— Ўраб-чирмаб, вагонеткага қўйинглар, — буюрди штейгер,— қани энди кичкинтойни қидирамиз. Тезроқ!

Маэ сўнгги бор чўкич уриб, тупроқни нариги томондан қазиб келаётганлар билан алоқа қилса бўладиган тешик очди. Улар: Жанленни беҳуш топдик, оёқлари синган бўлса ҳам, ҳали тирик, деб бақиришди. Отаси болани кўтариб олиб кетди. У тишларини ғижирлатиб, лаънатлар ёғдиришда давом этарди. Катрина ва бошқа хотинлар яна дод-фарёдни бошлашди.

Болани тезда жўнатиш тадоригини кўришди. Бебер Ўктамни етаклаб олиб келди, отни иккита вагонеткага қўшишди: биринчисига Шиконинг жасадини қўйишди, уни Этьен ушлаб кетди, иккинчисига Жанленни тиззасига олиб олган Маэ ўтирди. Бола ҳушига келмади, вентиляция эшигидан юлқиб олинган бир парча жун матони унинг устига ташлаб қўйишди. Йўлга тушишди. Ҳар бир вагонеткадаги лампочка қизил юлдузга ўхшаб ёниб турарди. Вагонеткалар кетидан худди соялар тизмасига ўхшаб эллик чоғли кўмир қазувчи бирин-кетин борарди. Улар ниҳоятда чарчашганини энди сезишди, оёқларини зўрға босишар, худди ўлат теккан подадек ғамгин ва маъюс ҳолда лойда сирғаниб, каловланиб боришарди. Қабулхонага етиш учун ярим соатча юришди. Одамлар қоронғиликда секин борардилар, қинғир-қийшиқ йўлаклару ўтиш жойларининг охири йўқдек туюларди.

Биринчи бўлиб қабулхонага келган Ришомм юқорига кўтарадиган битта кажавани бўш қолдиришни буюрди. Пьеррон шу ондаёқ иккала вагонеткани унга ортди. Биттасига дабдала бўлган ўғлини кўтариб олган Маэ ўтирди, иккинчисига эса Шиконинг жасади тушиб кетмасин, деб Этьен жойлашди. Ишчилар кўтарма машинанинг бошқа қаватларига чиқиб олишлари билан

кажава кўтарила бошлади. Кўтарилиш икки минут давом этди. Трубалардан совуқ ёмғир қуярди: ишчилар яна ёруғ оламни кўриш мақсадида ҳадеб юқорига қарардилар.

Хайриятки, доктор Вандерхагенга юборилган шогирд бола уни уйидан топиб, бошлаб келди. Жанлен билан ўликни қишин-ёзин каминдан ўт аримайдиган назоратчилар хонасига олиб киришди. Бу ерда оёқларни ювиш учун иссиқ сувли челаклар тайёр турарди. Уйнинг тош полига иккита матрац тўшалган бўлиб, унга ишчи билан болани ётқизишди. Хонага фақат Маэ билан Этьен кирди. Қолганлар эса, юккашлар, кўмир қазувчилар, ҳар томондан чопиб келишган шогирдлар эшик олдида уймалашиб, шивир-шивир қилиб туришарди.

Доктор Шикога бир қаради-да, ғўлдираб деди:

— Бунисн тайёр!.. Уни ювавереаларинг ҳам бўлади.

Икки назоратчи ўликни ечинтириб, кўмирдан қорайиб, тердан кир бўлиб кетган жасадни булут билан ювa бошладилар.

— Боши шикастланмапти,— яна гапга тушди Жанлен ётган матрац ёнига чўккалаган доктор.— Кўкраги ҳам... Ҳаммадан кўп оёқлари ёмон бўпти.

Ўзи болани ечинтирди, бошидаги чепчигини олди, энагалардек эпчиллик билан курткасини, шимини ва кўйлагини ечди. Боланинг ҳашаротга ўхшаш кичик, озғин, яланғоч вужуди қонталаш, чақа бўлиб кетганди. Қоп-қора гард ва лойдан кир бўлиб кетган боланинг танасида ҳеч нимани кўриб бўлмасди, уни ҳам ювинтиришга тўғри келди. Булут теккан сари Жанлен янада ориқлаб кетаётгандек бўларди: қонсиз, оппоқ баданидан суяклари чиқиб кетаётгандек эди. Бахтсиз одамлар авлодининг бу сўнгги фарзандига, бу ночор, ғариб, кўчкида майиб бўлиб, азоб чекаётган мурғак вужудга қараш оғир эди. Болани ювинтиришганда, сонлари лат егани маълум бўлди — қонсиз терисининг икки жойида қизил доғ бор эди. Жанлен ҳушига келиб, ингради. Қўлларини осилтириб, ўғлининг оёқ томонида турган Маэ унга тикилди; кўзларидан йирик ёш томчилари думалади.

— Сен отаси бўлсанг керак, а?— сўради доктор.— Йиғлаб нима қиласан, мана кўриб турипсан-ку, тирик... Ундан кўра менга қарашвор.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Доктор икки жойи синганлигини аниқлади. Лекин ўнг оёғи ташвишлантирарди: балки уни кесиб ташлашга тўғри келармикан.

Шу пайт хонага бу ҳодисадан эндигина хабар топган Негрель ва Дансарт Ришомм билан бирга кириб келишди. Инженер штейгернинг ҳисоботини ғижиниб тинглади. Бирдан у тутақиб: «Доим шу лаънати тирговичлардан панд еймиз!» — деб койиб кетди. Ахир битта-яримтанинг ёстиғи қурийди, деб неча марта айтган эди-ку! Бу ҳайвонлар бўлса, қачон қарама, тирговичларни маҳкамлашга мажбур этсанг, забастовка қиламиз, деб қўрқитишгани қўрқитган! Ҳаммадан ҳам алам қиладиган жойи шуки, бу сарфу харажатларни Ширкат тўлаши керак! Энбо жаноблари тоза хурсанд бўладилар-да!

— Ким бу? — сўради Негрель мурдани чойшабга ўраётганларга қараб турган Дансартдан.

— Шико, энг яхши ишчиларимиздан бири, — жавоб берди бош штейгер... — Учта боласи бор... Бечора!..

Доктор Вандерхаген Жанленни дарҳол ота-онаси олдига жўнатишни талаб қилди. Соат олтига занг урди: қош қорая бошлади. Марҳумни ҳам олиб кетишса дуруст бўларди: инженер соябон аравага от қўшишни ва санитария замбили олиб келишни буюрди. Ярадор болани замбилга солишди, марҳумнинг жасадини эса тўшаги билан аравага олиб чиқишди.

Юккаш хотин-қизлар нима бўлганини билишга келган шахтёрлар билан лақиллашиб ҳамон эшик олдида туришарди. Назоратчилар хонасининг эшиги очилиши билан ҳамма жимиб қолди. Оломон яна йўлга тушди: олдинда соябон арава, ундан кейин замбил кўтарганлар, орқасидан тўда-тўда одамлар боришарди. Оломон шахтадан чиқиб, қияликдан секин-аста посёлка томон кўтарилиб борарди. Ноябрнинг дастлабки совуқлари бепоён текисликни шипшийдам қилиб кетганди; тун кулранг осмондан тушган кафандек аста-секин ерни чулғаб борарди.

Этьен Маэнинг қулоғига шивирлаб, Катринани олдинроқ юборинг, бориб онасини бу мусибатга кўниктириб турсин, деб маслаҳат берди. Қайғу-ғамга ботиб, замбил кетидан бораётган ота чурқ этмай, боши билан ишора қилган эди, қиз чопқиллаб кетди, чунки улар

уйга яқинлашиб қолишганди. Лекин посёлкадагилар соябон аравани, ҳаммага яхши таниш бу мудҳиш яшикни кўриб қолишганди. Ақлдан озган хотинлар кўчага ёпирилишди; улардан уч-тўрттаси юраклари ёрилиб бош яланг олға ташланди. Кўп ўтмай улар ўттизта, кейин элликта бўлди; ҳамманинг жон-пони чиқиб кетганди. Биров ўлиптими? Ким экан? Левакнинг гапларидан анча тинчиганлар энди алаҳсираётгандек, у ерда битта эмас, ўнтадан ҳам кўп одам ўлган, уларни бирин-кетин аравада олиб келишяпти, дейишарди.

Катрина келганда онаси жуда хавотирланиб ўтирганди; бир фалокат бўлишини билгандек Маэ хонимнинг юраги така-пука бўлиб турувди. Қиз оғиз очар-очмас:

— Отанг ўлибди-да! — деб қичқирди.

Лекин қизи: отамга ҳеч нарса бўлгани йўқ, деб Жанлен ҳақида қанча гапирмасин, бари бир бўлмади. Маэ хоним унга қулоқ солмай, уйдан отилиб чиқиб кетди. У черков орқасидан кўринган аравага кўзи тушди-ю, ранги оқариб, хушдан кетиб йиқилди.

Уйлари олдида турган хотинлар бўйинларини чўзиб, даҳшатдан қотиб қолишган эди; баъзилари издиҳом қайси уй олдида тўхтаркин, дея хавотирланиб туришарди.

Соябон арава ўтиб кетди. Маэ хоним арава кетидан замбил ёнида бораётган эрини кўриб қолди. Жанленни уйларининг эшиги тагида туширишаётганда она ўғлининг тирик, аммо оёқлари синганини кўргач, бирдан ўзгариб кетди. У кўз ёши тўкмай, ғазабдан бўғилиб, тутила-тутила гапира бошлади:

— Мана энди! Энди улар болаларимизни майиб қила бошлашипти-да!.. Вой худойим-ей, яна икки оёғия! Энди уни нима қиламан-а?

— Э, овозингни ўчир-е! — деди Жанленнинг шикастланган жойини қайта боғлаш учун келган доктор.— Бола ўша ерда қолиб кетганда сенга осон бўлармиди?

Лекин Маэ хоним Альзира, Ленора ва Анрининг кўз ёшиларини кўриб, фиғони бадтар ошарди. Ярадор болани уйга олиб киришда кўмаклашиб, докторга керакли нарсаларни олиб бераркан, у тақдирини лаънатлар, бу майибларни боқиш учун пулни қаёқдан оламан энди, дея зорланарди. Чолнинг оёқдан қолгани

www.ziyouz.com kutubxonasi

камлик қилиб турувди, энди бола ҳам чўлоқ бўлиб қолди! У тинмай жаврарди. Шу орада қўшни уйдан ҳам юракларни тилка-пора қиладиган қичқириқ ва фарёд эшитилди; Шиконинг хотини билан болалари мурда устида йиғлашаётганди. Тун зулмати босди. Эзилиб ҳолдан тойган кўмир қазувчилар ниҳоят овқатга ўтиришди: посёлка жимжит бўлиб қолди: бу тинчликни қаттиқ дод-фарёдларгина бузиб турарди.

Уч ҳафта ўтди. Боланинг оёғини кесмаслик иложи топилди. Жанленнинг иккала оёғи бутун қолди, бироқ доктор бола оқсоқланиб юради, деди. Ширкат текширишлардан сўнг ниҳоят Маэга эллик франк нафақа беришга қарор қилди. Бундан ташқари болакай тузалиши биланоқ ер устида иш топиб берамиз, деб ваъда қилишди. Лекин бу билан турмушлари яхшиланиб қолмади, чунки бу кўргиликлардан ғам-ғусса чеккан ота қаттиқ иситмалаб қолган эди.

Пайшанбадан Маэ яна ишга бора бошлади, бугун якшанба эди. Кечқурун Этьен яқинлашиб келаётган муддат — 1 декабрь ҳақида сўз очди; У Ширкат дўқпўписасини амалга оширармикин-йўқмикин, деб қизиқсинди. Шу оқшом соат ўнгача ухлагани ётишмади: Шаваль билан санқиб юриб ушланиб қолган Катринани кутишди. Лекин у қайтавермади. Дарғазаб бўлган она чурқ этмай, эшикни қулфлади. Этьен аллавақтгача ухлаёлмади; Альзира озгина жойини олиб ётган катта ўриннинг бўм-бўш туриши унга тинчлик бермасди.

Катрина эртасига эрталаб ҳам қайтмади; кундузи кўмир қазувчилар шахтадан уйларига қайтишгандагина Маэ хонадонидагилар Шаваль Катринани уйида олиб қолганини билишди. Шаваль шунақа бемаза қилиқлар қилдики, Катрина ниҳоят қолиб, у билан яшашдан ўзга чора топмаганди. Шаваль таъна-ташналардан қутулиш учун Ворёдан тезроқ кетишга ошиқиб, жаноби Денеленнинг Жан-Бартдаги шахтасига ёлланди. Катрина ҳам унга эргашиб, ўша ёққа юккаш бўлиб кирди. Лекин келин-куёв аввалгидек Монсуда, Пикеттларникида тураверишди.

Аввалига Маэ Шавални ўлгудек ураман, Катринани бўлса тепиб-тепиб уйга олиб келаман, деб юрди. Кейин тақдирга тан бериб, нима фойдаси бор, дея қўл силтаб қўя қолди. Ҳамиша оқибати шу бўлади,— бирбирини хоҳлаб туришгандан кейин қиз болага яхши кўрганинг билан учрашма, деб бўлармиди. Тўй кунини тинчгина кутиб юрган яхши. Лекин хотини бу ишга бунақа енгил қарай олмасди.

— Шу Шавалга илашиб юрганида мен битта чертдимми?— қичқирди у, мурдадек оқариб индамай қулоқ солиб турган Этьенга. — Жавоб берсангиз-чи, менга! Сиз ақлли кишисиз... Ахир биз унга тўла эркинлик бериб қўювдик-ку. Э, худойим-ей! Ҳамманинг бошида шу савдо бор. Мана, мени ўзимни олинг: отаси менга уйланганида, ўзим ҳомиладор эдим. Лекин мен ота-онамдан қочиб кетмадим, бунақа аблаҳликни асло қилмасдим: муҳтож бўлмаган кишига ишлаб топган пулимни элбурундан бериб қўймасдим. Бу—бориб турган бемаънилик-ку, нимасини айтасиз! Бу ишларнинг оқибати ҳаммани болали бўлишдан бездиради.

Этьен фақат бошини сарак-сарак қилар, она эса гапини маъқуллаб жаврарди:

— Қиз ўлгур ҳар оқшом хоҳлаган ерига кетиб қолаверди! Унда раҳм-шафқат борми ўзи? То қарзҳаволадан қутулиб, ўзим узатгунимча қарашиб турса бўлмасмиди? Қизинг бўлгандан кейин ишлаши керакда,— ҳамиша шундай бўлиб келган... Лекин биз унга жудаям бўш қарадик-да, эркак билан шўхлик қилиб юришга йўл қўймаслигимиз керак эди. Унга бармоғингни тутсанг, бутун қўлингни ютиб юбораман, дейди.

Альзира бу гапларни маъқуллаб, бошини қимирлатарди. Бу жанжалдан қўрқиб кетган Ленора билан Анри дамларини чиқармай йиғлашарди: она бўлса, ҳамма бахтсизликларини санашда давом этарди: аввалига Захария куйдирди — уйлантириб қўйишга тўғри келди; кейин Ўлмас бобо: мана стулда оёқларини йиғиб ўтирипти; сўнг Жанлен,— суяги жуда секин битяпти, камида ўн кунда юра бошласа керак; ва ниҳоят қиз ўлгур Катрина эркак билан қочиб кетди — бу иши ўлганнинг устига чиқиб тепгандек бўлди! Бутун оила парчаланиб кетяпти. Шахтада энди битта отаси ишлайди-да. Эстеллани ҳисобламаганда, отаси олиб келадиган уч франкка етти жон қандай яшайди? Ҳамма бир варакайига ўзини каналга ташлашидан бошқа илож қолмади энди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Минг дод-фарёд қилганинг билан фойдаси йўқ,— деди Маэ бўғиқ товуш билан.— Балки энг ёмон кўргиликлар ҳали олдиндадир.

Этьен ерга тикилганча ўтирарди. Маэнинг охирги сўзларидан кейин у бошини кўтарди: афтидан, у келажак жамолини кўраётгандек эди; у секингина деди:

— Бас, вақт етди!

ТЎРТИНЧИ ҚИСМ

I

Грегуарлар қизлари Сесиль билан душанба куни Энбоникига нонуштага таклиф этилган эдилар. Ҳаммаси олдиндан ҳал қилиб қўйилган: нонуштадан кейин Поль Негрель янгитдан серҳашам қилиб қўйилган шахтани кўргани хонимлар билан жўнайди. Лекин бу яхши бир баҳона эди холос: бу сайрни Сесиль билан Ролнинг тўйини тезлаштириш учун Энбо хоним ўйлаб топган.

Қўққисдан, худди ўша душанба куни эрталаб соат тўртда забастовка бошланиб қолди. Ширкат биринчи декабрдан ҳисоб-китобнинг янги системасини жорий қилганида шахтёрлар бунга парво қилишмади: икки ҳафталик маош оладиган куни ҳам ҳеч ким чурқ этиб эътироз билдирмади. Директордан тортиб кичик назоратчиларгача барча маъмурий ходимлар янги тариф қабул қилинди, дея ишонган эди. Эрталаб уруш эълон қилинганини билган маъмурият ҳанг-манг бўлиб қолди. Ҳаракатларнинг режали бориши, ишчиларнинг якдиллиги улар орасида ғайратли раҳбар борлигидан далолат берарди.

Эрталаб соат бешда Дансарт келиб директор Энбони уйғотди-да, Ворёда ҳеч ким ишга чиқмаганини хабар қилди. У айланиб чиққан Икки юз зағизғон посёлкаси маст уйқуда бўлиб, ҳамманинг эшигу дераза лари ёпиқ эди. Директор уйқудан шишиб кетган кўзларини ишқалаб ўрнидан турмасиданоқ уни ҳар тарафдан ўраб олиша бошлашди: ҳар чорак соатда хат

www.ziyouz.com kutubxonasi

ташувчилар келиб турарди, телеграммалар ёғилиб, ёзув столи устига уйилиб кетди. Аввалига у забастовка тўлқини Ворёнинг ўзи билан чегараланса керак, деб ўйлаганди; бироқ минут сайин бир-биридан ташвишли хабарлар кела бошлади: Миру, Кручина, Мадленада фақат отбоқарларгина ишга чиқипти; интизоми ҳамма ердагидан маҳкамроқ бўлган Ғалаба ва Фетри-Кантель деган жойларда кўмир қазувчиларнинг учдан бир қисмигина ишга келипти; Сен-Томадаги ишчиларгина тўла ишга чиққан — афтидан бу шахта забастовкада қатнашмаган бўлса керак. Энбо соат тўққизгача шошилинч мактублар ёздириб, ҳаммаёққа телеграмма жўнатди: Лилль префектига, Ширкат правлениеси аъзоларига воқеани хабар қилиб, йўл-йўриқ сўради. У Негрелга қўшни шахталарни айланиб чиқиб, у ерлардаги аҳвол ҳақида аниқ маълумот йиғиб келишни буюрди.

Бирдан Энбонинг эсига зиёфат тушиб қолди. У энди сайр бошқа вақтга қолдирилади, дея огоҳлантириш учун Грегуарларга извошчисини юбормоқчи бўлиб турган эди, лекин бир минутча иккиланди-ю, ҳозиргина шошиб-пишиб жангга тайёрланиш ҳақида буйруқлар бергани эсига тушиб, аллақандай иродасизлиги уни бу қароридан қайтарди. У хотини олдига кетди. Хотини ўзининг пардозхонасида бўлиб, оқсоч хотин унинг сочларини тараётган эди.

— Аҳ, ҳали улар забастовка қилишдими! — вазминлик билан деди Энбо хоним маслаҳат сўраган эрига.— Хўш, нима бўпти? Бизга нима? Шу забастовкани деб, зиёфатни қолдира олмаймиз-ку, шундай эмасми?

Хоним айтганида туриб олди. Эри зиёфат кўнгилдагидек бўлмайди, Сен-Томани айланишга боришолмайди, деб неча бор айтса ҳам, бари бир Энбо хоним ҳаммасига жавоб топди. Шунча тайёргарлик кўрилган зиёфат расво бўлсинми? Шахтага боришни эса агар, сайр қилиш ҳақиқатан ҳам номақбул бўлса, уни қолдирса ҳам бўлади.

— Сирасини айтганда,— давом этди у оқсоч хотин чиқиб кетгач,— бугун бу ажойиб кишиларни нима учун уйимда кўришни хоҳлаётганимни ўзингиз биласиз-ку, ахир. Бу никоҳ сизни ишчиларингизнинг қандайдир бемаъни забастовкасидан кўра кўпроқ қизиқтириши керак... Ниҳоят — менинг хоҳишим шу, менга қаршилик қилманг!

Энбо хотинига тикиларкан, баданини титроқ босаётганини ҳис қилди. У ўзини тутишга одатланган бўлса ҳам, изтироб чекаётган қалбидаги қайғу-алам тунд, тошқотган юзида акс этиб турарди. Шарти кетиб парти қолган бўлса ҳам ҳали дўмбоққина, мафтункор бу аёл куз қуёшида Церерадек товланиб, серҳашам хонада яланғоч елкаларини кўз-кўз қилиб, нозиктаъб аёллигини сездириб, мушк-анбар таратиб ўтирарди. Эри бир лаҳза уни қучоқлаб олгиси, кўкракларига бошини қўйгиси келиб кетди; лекин у ўзини тийди: ўн йилдан бери бир ёстиқда ётишмасди.

— Яхши,— деди у кетаркан.— Зиёфатни қолдирмаймиз.

Энбо Арденнда туғилган. Ёшлигини камбағалларга хос қашшоқликда ўтказди, етимликда Париж кўчаларида санқиб юрди. Энбо кончилик институтида курсни қийинчилик билан тамомлаб, йигирма тўрт ёшида Гран-Конбга жўнади ва авлиё Варвара шахтасига инженер бўлиб ишга кирди. Уч йилдан кейин эса у Па-де-Каледаги Марль конларининг округ инспектори бўлиб олди ва Аррасдаги йигирув корхонасининг бадавлат эгаси қизига уйланди. Бу омад кон хизматчиларига насиб бўладиган бахтнинг ногаҳоний армуғонларидан бири эди. Эр-хотин ўша вилоят шаҳарчасида ўн беш йил туришди, уларнинг бир маромда кечаётган ҳаётини бирор муҳим воқеа бузолмади; ҳатто уларнинг болалари ҳам йўқ эди. Бундай ҳаёт пулга ўч бўлиб тарбияланган Энбо хонимнинг жинини борган сари кўпроқ қўзғар эди. У қизлигида орзу қилган ҳашам-ҳушамларни рўёбга чиқаришга имкон бермайдиган даражада оз пулни оғир меҳнат билан топадиган эридан нафратланарди. Ниҳоятда софдил бўлган Энбо пул келадиган бирорта ҳам алдам-қалдам ишда қатнашмас, ўзини худди постда турган солдатдек тутар эди. Эр-хотин ўртасидаги келишмовчиликлар борган сари кучайди. Бунинг устига хотинидаги ҳар қандай эҳтиросли эркакни ҳам совитиб юборадиган ғалати бир одат — жисмоний жирканиш ҳам қўшилиб кетганди. Энбо малласоч, нозик табиатли хотинини яхши кўрарди. Лекин икковлари алоҳида-алоҳида хо-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нада ётишар, икковлари ҳам бир-бирларидан қониқмас, муросалари келишмас эди. Хотинининг ўйнаши бўлиб, буни эр билмасди. Ниҳоят Энбо Па-де-Каледан Парижга кўчиб кетиш йўлини қилди, Ширкат правлениесига ишга кириб олди: бу билан у хотинининг миннатдор бўлишидан умид қилганди. Лекин хотини қизлик чоғларида орзу қилиб юрган Париж уларнинг турмушидаги ноиноқликни янада кучайтириб юборди. Бу ерда у бир ҳафта ичидаёқ андиликнинг изини ҳам қолдирмай, дарҳол башанг хонимга айланди-ю, ўзини жон-жаҳди билан улкан шаҳардаги дабдабали ҳаётнинг телба гирдобига урди. У Парижда ўн йил туриб орттирган суюкли кишиси билан очиқ алоқа қилиб юрди: бу одам уни ташлаб кетгач, сал бўлмаса ўлаёзди. Бу сафар унинг алоқаси эрига ошкор бўлиб қолди, лекин эр буларнинг ҳаммасини олдидан олиб орқасига ташлади, хоҳлаган жойда кўнглини хушлайдиган бу хотиннинг хотиржамлик билан беҳаёлик қилаётганини кўрсатувчи қабиҳ ишларидан ҳанг-манг бўлиб қолаверди. Хуштори билан муносабати узилгандан кейин хоним куйиб касал бўлиб қолди. Шунда Энбо Париждан кетишга қарор қилиб, зора хотиним бийдек кўмир ўлкасида тузалса, деган умидда Монсудаги конлар бош бошқармасига катта бўлиб келди.

Энболар Монсуга кўчиб келишганларидан кейин кунлари яна турмуш қурган дастлабки йилдагидек ғурбатда ўта бошлади. Аввалига Энбо хоним бу осойишталикка кўнгандек кўринарди. У бепоён текисликнинг бир маромдаги осойишталигидан лаззатланар, бу дунёдан умидини узгани учун ўлишга ҳам тайёр эди; у куйиб кул бўлдим, ёруғ жаҳондан айрилдим, дея ўзини ишонтиришга уринар, ҳатто тўлиша бошлаганидан ҳам ташвишланмас эди. Лекин ана шу лоқайдлик замирида умри ўтган сари саросимага тушиб, яшашга интилиши яшириниб ётарди. Энбо хоним ярим йилгача бу иштиёқни ҳатто ўзидан ҳам яшириб, директорнинг мўъжазгина уйини ўз дидига мослаб жиҳозлаш билан шуғулланди. У кўзига бефайз, хунук кўринган бу уйни гиламларга, майда-чуйда безаклару қимматбаҳо зеб-зийнатларга шундай тўлдириб ташладики, бу ҳақдаги гап-сўзлар Лиллгача бориб етди. Бу жойнинг ўзи Энбо хонимнинг жинини

қўзғарди: юракни сиқадиган бийдай далалар, битта ҳам дарахти йўқ, доимо қоп-қора йўл, башарасига қараб бўлмайдиган аҳоли — буларнинг ҳаммаси кўзига ёмон кўринар ва ваҳимага солар эди. У ўз юртимдан қувғун бўлдим, дея тақдиридан нолий бошлади; у рўзғорга зўр-базўр етадиган фақирона маош — қирқ минг франк ойлик учун мени қурбон қилдинг,— дея эрини айблашга тушди. У ҳам бошқаларга ўхшаб иш тутиши керак эди: ўз улушини талаб қилиши, акциялар сотиб олиши,— хуллас, сал кўзга кўринган одам бўлиши керак эди-да; эрига катта бойлик олиб келган бадавлат меросхўр бўлгани учун қаттиқ туриб, шу фикрини эрининг қулоғига қуяверди. Доимо ўзини совуққон тутиб, вазмин бошлиқ ниқобида юрадиган Энбо жаноблари бўлса, қариб бораётган хотиннинг қониқмайдиган истаклари йил сайин катталашиб кетаётганини кўриб, қаттиқ азоб чекарди. У бирон марта ҳам хотинидан ўйнашчалик ҳузур-ҳаловат кўрмаганди, шу боисдан у доимо хотиним бошқа билан дон олишган вақтидагидек менга ҳам бирон марта ўзини бағишлармикин, дея армон қилиб юрди. Энбо ҳар куни эрталаб шу оқшом хотинимнинг қайсарлигини енгаман, дея орзу қиларди; бироқ хотини унга совуқ нигоҳ ташлаганида уни ийдириб бўлмаслигини сезарди-ю, ҳатто қўлига тегиб кетмасликка ҳаракат қиларди. Бу дардга ҳеч қандай даво йўқ эди. Энбо сиртдан сипо кўрингани билан оилавий ҳаётда бахт топмаган нозик табиатли киши сифатида ич-этини еб юрарди. Ярим йилдан кейин уй бутунлай жиҳозлаб бўлинди. Энди Энбо хонимнинг ташвишлари қолмади; энди у юраги сиқилиб, ўзини ўлишига рози бўладиган қувғин қурбони қилиб кўрсатар эди.

Худди шу пайтда Монсуга Поль Негрель келиб қолди. Унинг онаси Авиньонда истиқомат қилган провансальц-капитаннинг беваси бўлиб, озгина рента ҳисобга яшаб, узоқ вақтгача оч-наҳор қолиб бўлса ҳам ўғлининг политехникумда ўқиб олишига имконият яратиб берганди. Поль техникумни битиргач, кичикроқ бир вазифага тайинланди; Энбо жаноблари жиянига шу вазифадан воз кечиб, Ворёда инженер бўлиб ишлашни таклиф қилди. Шундан бери Поль Энболарникига кўчиб келиб, ўз уйидагидек тураверди, унинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

хонаси бўлиб, дастурхони тайин эди, ҳар ойда оладиган уч минг франк маошининг ярмини онасига юбориб турарди. Жаноб Энбо бу хайру саховатни андавалаш мақсадида шахтадаги инженер, хизматчиларга ажратиб бериладиган уйлардан бирида туриб, ўз рўзғорини ўзи қилиши ҳар қандай йигит учун оғир эканлигига Негрелни ишонтирди. Энбо хоним эса шу заҳоти ўзини меҳрибон хола қилиб кўрсатди-да, Полни сенсираб, унга қулай шароит яратиш ғамини еди.

Энбо хоним дастлабки ойларда айниқса онадек меҳрибонлик қилиб, бўлар-бўлмас нарсаларга ҳам маслаҳат бераверди. Лекин ҳар қалай хотинлигига борди-ю, секин-аста шахсан иқрор бўла бошлади. Ёш бўлишига қарамай ўз ишига пишиқ, билағон, ҳар қандай ақидалардан холи, муҳаббатга файласуфона қарайдиган бу йигит қиррабурунли, озғин юзини маълум даражада важоҳатли қилиб кўрсатадиган ўта маъюслиги билан хонимнинг кўнглини ром қилганди. Худди кутилгандек бўлди: бир оқшом Негрель ўзини хонимнинг қучоғида кўрди. Энбо хоним ўзини гўё кўнгли юмшоқлигидан раҳми келиб, унинг раъйини қайтаролмагандай қилиб кўрсатди ва ҳамма нарсадан кўнглим совиб кетган, энди мен ҳеч кимни сева олмайман, фақат дўст бўлиб қолишим мумкин, деб ишонтиришга уринди. Аслини олганда, хоним рашкчи эмасди, у ҳадеб Полга юккаш қизлар билан ўйнашиб юрасан, деб тегишарди; лекин йигит уларнинг ҳаммаси расво-ку, дерди, шу боисдан Энбо хоним айтишга арзийдиган бирон қилиқ қилмагани учун Негрелдан жаҳли чиқарди. Кейин бирдан Энбо хоним Негрелни уйлантириб қўйиш фикрига тушиб, ўзини қурбон қилиб бўлса ҳам уни икки қўллаб бирор бадавлат қизга топширишни орзу қила бошлади. Уларнинг алоқаси давом этаверди. Бу бўш вақтда бир эрмак эди, аммо Энбо хоним бундай пайтда бор ҳафсаласи билан нозу карашма қиларди.

Икки йил ўтди. Бир куни кечаси жаноб Энбо шубҳага тушиб қолди: у эшиги орқасидан бировнинг яланг оёқ лип этиб ўтиб кетганини эшитди. Лекин у уйида бунақа гап — жияни билан хотини ўртасида алоқа бўлишини хаёлига ҳам келтира олмасди, ахир онаси тенги-я! Бунинг устига эртасига эрталаб хотини

Полга қайлиқ топиб қўйдим, яна ким — Сесиль Грегуарни, деб қолди. Хотини бу никоҳни бўлдириш учун шунчалик ҳафсала билан киришдики, Энбо миясига шу қадар бемаъни фикр келганини эслаб, қизариб кетди. У ҳатто жияни келганидан бери уйидаги дилсиёҳликлар камайгани учун ундан миннатдор ҳам бўлиб қўйди.

Пардозхонасидан чиқиб, пастга тушган Энбо жаноблари вестибюлда ҳозиргина келган Негрелни учратди. Чамаси, забастовка воқеалари уни ниҳоятда қизиқтириб қўйган эди.

— Хўш, нима гап? — сўради тоғаси.

— Мен ҳамма посёлкаларни айланиб чиқдим. Афтидан, кўмир қазувчилар оқилона иш қилишаётганга ўхшайди. Улар сенга делегация юборишмоқчи шекилли.

Шу пайт тепадан Энбо хонимнинг овози эшитилди:

— Сенмисан, Поль?.. Менинг олдимга кир, янгиликларни гапириб бер. Бу одамларнинг забастовка қилгани нимаси, аҳмоқлик-ку, ахир яхши яшашади-ку!

Тафсилотларни билиш директорга насиб бўлмади, чунки у билиб келиш учун юборган одамини хотини олиб кетган эди. У яна ёзув столига ўтирди: янги хабарлар уйилиб кетганди.

Соат ўн бирда Грегуарлар келишди. Бундай кутиб олишдан улар ғоят ҳайратда қолишди: эшик ёнида қоровул бўлиб турган малай Ипполит шоша-пиша уларни уйга олиб кирди-да, ташвишланиб, кўчанинг ўнгу сўлига қаради. Меҳмонхонанинг пардалари туширилган, меҳмонларни иш кабинетига олиб киришди: Энбо жаноблари бунақа қабул учун кечирим сўраб, меҳмонхонанинг деразалари кўчага қарагани, одамларнинг ғашига тегмаслик лозимлигини айтди.

— Ие! Сизлар ҳали билмайсизларми? — сўради у уларнинг ҳайратга тушганини кўриб.

Забастовка ҳақиқатан ҳам бошланганини билгач, Грегуар ўзига хос мулойимлик билан елкасини қисиб қўйди. Бунинг сира зиёни йўқ, шахтёрлар инсофли одамлар, улардан ёмонлик чиқмайди. Грегуар хоним кўмир қазувчиларнинг азалдан қобиллигига мен ҳам ишонаман, дегандек бошини қимирлатиб қўйди. Соғлом, дуркун, тўқсариқ кўйлак кийган Сесиль эрталабданоқ димоғи чоғ эди: у забастовка бошланганини

www.ziyouz.com kutubxonasi

эшитиб, жилмайиб қўйди: унинг эсига ишчилар посёлкаларига бориб, хайру эҳсон улашганлари тушиб кетди.

Лекин шу пайт Энбо хоним Негрелни эргаштириб келиб қолди: хонимнинг эгнида қора шойи кўйлак.

— Жуда бемаъни иш бўлди-да, а?!— хитоб қилди у ҳали эшикдан кирмасданоқ.— Бу одамлар гўё кутиб тура олишмагандай-а! Сизларга айтсам, Поль бизларни Сен Томага олиб бормоқчи эмас.

— Биз шу ерда қола қоламиз,— лутфан мулойимлик билан деди Грегуар хоним.— Шу ерда ўтирсак ҳам роҳат қиламиз.

Поль Сесиль ҳамда унинг онасига таъзим қилиш билан кифояланди. Бундай эътиборсизликдан ранжиган холаси кўзлари билан қиз томон ишора қилди, уларнинг чақчақлашиб гаплашаётганини кўриб, иковига оналик меҳри билан қараб қўйди.

Бу вақт жаноб Энбо телеграммаларни ўқиб, жавоблар ёзаётганди. Шундоққина ёнида суҳбат қизиб борарди. Энбо хоним меҳмонларга кабинет жиҳозларига унча эътибор бермаганини сўзларди: ҳақиқатан ҳам кабинетда эски, ранги ўчиб кетган қизил қоғозлар, қизил ёғочдан қилинган қўпол мебеллар қолганди, стол устида эса ҳужжатлар солинган папкалар ётарди. Чоракам бир соат вақт ўтди, меҳмонлар энди дастурхонга ўтиришмоқчи бўлиб туришувди ҳамки, камердинер кириб, Денелен жаноблари келганини хабар қилди. Ниҳоятда ҳаяжонланган Денелен кириб, Энбо хонимга таъзим қилди.

— Э, сиз шу ердамидингиз?— деди у Грегуарларга кўзи тушиб, сўнг дарҳол директорга мурожаат қилди:— Демак, ҳар қалай шу иш бўлибди-да, а? Мен ҳозиргина инженеримдан эшитдим... Сирасини айтганда, барча ишчиларим бугун эрталаб шахтага тушишди, бироқ забастовка бошқа шахталарга тарқалиши мумкин. Мен жуда хавотирдаман... Хўш, сизларда қандоқ бўляпти?

У от чоптириб келганди. Унинг талвасага тушгани бақириб гапиришидан ва қўлларини бесаранжом ўйнатишидан ҳам сезилиб турарди: бу ҳаракатлари уни истеъфога чиққан кавалерия офицерига ўхшатиб юборарди.

Жаноб Энбо ишнинг боришини батафсил гапириб бераётган эди, лекин шу чоқ Ипполит емакхонанинг эшигини ланг очиб юборди. Шунда Энбо ҳикоясини тўхтатди.

— Биз билан нонушта қилиб кетинг,— деди у меҳмонга мурожаат қилиб.— Нонушта пайтида ҳаммасини айтиб бераман.

— **Майли**, ихтиёрингиз,— жавоб берди Денелен таклиф учун раҳмат ҳам айтмаганига хижолат бўлиб.

Лекин у буни ҳурматсизлик деб ўйлади-да, Энбо хонимга мурожаат қилиб, шу заҳоти кечирим сўради. Хоним жуда ийиб кетди. Хоним еттинчи одамга вилка-қошиқ ва ликопча қўйишни буюриб, меҳмонларни жой-жойига ўтқизди: Грегуар хоним билан Сесилни эрининг икки ёнига; Грегуар билан Денеленни ўзининг ўнг ва чап томонига; Полни эса қиз билан унинг отаси ўртасига ўтқизди. У тамадди қиларкан, жилмайиб деди:

— Мени кечирасизлар: сизларни устрица билан меҳмон қилмоқчийдим,— ҳар душанба куни Маршьеннга Остендедан тирик устрица олиб келишади,— ошпаз хотинни олиб келиш учун файтонда юбормоқчи бўлиб турувдим... Лекин у тағин одамлар тош отиб юришмасин, дея қўрқиб бормади...

Ҳамма хахолаб кулиб юборгани учун унинг гапи чала қолди. Бу — ҳаммага жуда қизиқ туюлди.

— Секинроқ, жаноблар!— деди жаноб Энбо кўчага қараган деразага ташвишли назар ташлаб.— Бугун бизникида меҳмонлар борлигини улар билмаслиги керак.

— Бари бир бунақа колбасани улар тушларида ҳам кўришмайди,— деди жаноб Грегуар.

Яна ҳамма кулиб юборди, лекин бу сафар сиполик билан кулишди. Меҳмонлар фламанд обойлари ёпиштирилган, эски эман мебеллар билан жиҳозланган бу хонада яйраб, чақчақлашиб ўтиришарди. Буфетнинг ойнабанд эшигидан кумуш вилка-қошиқлар ярқиллаб кўриниб турарди; қизил мисдан ишланган катта лампа шифтда осилиб турарди; унинг силлиқ сиртида сирланган сопол тувaклардаги хурмо дарахти билан нилуфар гуллари акс этарди. Ташқарида декабрнинг совуқ куни изиллатади, зирқиратувчи шамол изғирини

www.ziyouz.com kutubxonasi

қутуради. Лекин хонага ғир этган шамол кирмасди; худди оранжереядагидек иссиқ, тилим-тилим қилиб кесиб, биллур идишга қўйилган ананаснинг хушбўй ҳиди димоққа урилади.

— Дарпардаларни тушириб қўйсакмикин, а?— таклиф қилди Негрель, у Грегуарларни қўрқитиб, завқланмоқчи эди.

Хизматкорга ёрдам бераётган оқсоч хотин унинг сўзларини буйруқ деб тушуниб, деразаларнинг биридаги дарпардани тушириб қўйди. Шундан кейин ҳазил-мутойибалар бошланиб кетди: ҳамма ўз вилка-қошиқларини ҳар хил мулоҳазаларга бориб, эҳтиёткорона олар, ҳар бир лаганни босиб олинган шаҳардаги талондан омон қолган ўлжадек муборакбод қилишарди. Лекин уларнинг ясама хушчақчақлиги замирида қўрқув бўлиб, ҳамма беихтиёр деразаларга қараб қўярди: худди уларнинг зиёфат дастурхонини ташқаридан оч оломон ўраб олгандай эди.

Шоколадли тухум қуймоқдан сўнг хонбалиқ келтиришди. Гап мавзуи бир ярим йилдан бери етилиб келаётган саноат кризисига кўчди.

— Бу кризиснинг олдини олиб бўлмасди,— деди Денелен.— Кейинги йилларда фаровонлик ҳаддан ошиб кетди, бунинг оқибати эса бундан бошқача бўлиши мумкин эмас... Бир ўйлаб кўринг-а, темир йўллар, портлар, каналлар қуриш учун қанчадан-қанча беҳисоб маблағ кетди, энг бемаъни чайқовчиликка қанча пул соврилди. Ўзимизнинг жойимизни олинг, жилла қурса,— озмунча қанд заводи қурилдими бу ерда: уларга қараб, нима, бу округда лавлагидан йилига уч марта ҳосил олинадими, деб ўйлаб қоласан... Албатта, энди ҳеч кимда пул қолмади-да. Сарфланган миллионларнинг фойда келтиришини кутиш керак; ҳамма ўзи билан ўзи овора бўлиб қолди, ишлар юришмади.

Жаноб Энбо бу гапларга қўшилмаса ҳам, лекин фаровонлик йиллари ишчиларни талтайтириб юборганлигини тан олди.

— Инсофсизларни қаранг-а!— хитоб қилди у.— Бу муттаҳамлар шахталаримизда кунига олти франкдан ишлашарди, ҳозир туширишаётганидан икки ҳисса кўп эди-ку! Яхши туришарди ҳам, зеб-зийнатга

ҳам ҳафсала қиладиган бўлишувди... Энди бўлса улар аввалги фақирона ҳаётга қайтгилари келмай қолди.

— Грегуар жаноблари, хонбалиқдан олинг,— деди Энбо хоним эрининг гапини бўлиб.— Яна олинг, еб ўтиринг... Жуда тотли-да, тўғрими?

— Лекин инсоф билан айтганда, бунда бизнинг нима айбимиз бор?— давом этди директор.— Ўзимиз ҳам қоврилиб ётибмиз-ку ахир... Заводлар бирин-кетин ёпиляпти, йиғилиб қолган кўмирни сотиш ўлимдан ҳам қийин бўляпти. Буюртмалар тобора камайиб бормоқда, шунинг учун ҳам биз беихтиёр кўмир қазиб чиқаришга бўладиган харажатларни камайтиришга мажбурмиз... Ишчилар бўлса, буни тушунишни исташмаяпти.

Орага сукунат чўкди. Малай қовурилган қирғовул олиб келди, оқсоч хотин эса меҳмонларга шамбертен виносидан қуя бошлади.

— Ҳиндистонда очлик бўлди,— давом этди Денелен овозини пастлатиб, гўё ўзи билан ўзи гаплашгандек.— Америкадан темир билан чўянга буюртма келмаяпти, бу эса чўян ва пўлат қуйиш заводларимизга қақшатқич зарба беради. Ҳамма нарса таққа тўхтайди: дунё бир ҳимога мақтал бўлиб турипти, бир туртки бўлса бас, ҳаммаси остин-устин бўлиб кетади... Империя эса бу саноат васвасасидан нақадар фахрланарди!

У қирғовул қанотини ейишга тушди.

— Ҳаммадан ёмони шуки,— гапида давом этди Денелен овозини сал баландлатиб,— кўмир қазиб чиқариш харажатларини қисқартирган ҳолда кўмир қазиб чиқаришни кўпайтириш зарур. Бундай бўлиши мантиқан тўғри, акс ҳолда иш ҳақи камайиб кетиб, ишчилар бировларнинг зиёнларини тўлаб юрипмиз, дейишлари турган гап, бундай дейишга ҳақлари бор.

Бунақа очиқ иқрор мунозарага сабаб бўлди. Хонимлар бунақа гапларга мутлақо қизиқмасди. Бунинг устига ҳамма ҳам иштаҳасини қондириш учун овқат ейиш билан овора эди. Малай яна кириб, бир нима айтмоқчи бўлди-ю, аммо журъат қилолмай туриб қолди.

— Нима гап?— сўради Энбо.— Телеграммаларми?.. Менга беринг-чи. Бир неча жойдан жавоб кутиб турибман.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Йўқ, тақсир, жаноби Дансарт келдилар... Вестибюлда туриптилар... Лекин сизни безовта қилишга қўрқяптилар.

Директор меҳмонлардан кечирим сўраб, катта штейгерни чақириб келишни буюрди. Штейгер кириб, столдан бир неча қадам берида тўхтади; шунда ҳамма ўгирилиб, бу баланд бўйли, ҳансираб турган одамга, қандай янгилик олиб келдийкин, дея қарашди. Посёлка жимжит экан; бироқ директорга делегация юборишга қарор қилишгани аниқ. Делегатлар, эҳтимол, бир неча минутдан кейин келишса ажаб эмас.

— Жуда соз, сизга ташаккур,— деди Энбо.— Менга эрталаб ҳам, кечқурун ҳам хабар қилиб туринг, тушундингизми?

Дансарт кетгач, яна ҳазил-ҳузул гаплар давом этди. Ҳамма агар ейиш керак бўлса, бир лаҳзани ҳам бой бермай уриб қол, қабилида иш тутиб, русча салатга ёпишди. Негрель оқсоч хотиндан нон сўраган эди, аёл: «Хўп бўлади, тақсир», дея жавоб берди. лекин бу гапни у шунчалик секин, чўчиган товуш билан айтдики, гўё орқасидан зўравон ва қотиллар шайкаси қувиб келаётгандек эди. Ҳамма хандон отиб кулиб юборди.

— Сиз хотиржам гапираверинг,— деди далда бериб Энбо хоним.— Улар ҳали бу ерга келишганлари йўқ.

Директорга бир даста хат билан телеграмма беришди; хатларнинг бирини эшиттириб ўқиди. Бу хат Пьерондан бўлиб, у таъналарга қолмаслик учун ўртоқлари билан забастовкада қатнашишга мажбур бўлганини эҳтиром билан хабар қилиб, гарчи ўзи бундай хатти-ҳаракатларни қораласа ҳам делегацияда қатнашишдан воз кеча олмаганини қўшиб қўйган эди.

— Мана озод меҳнат дегани, кўриб қўйинглар!— хитоб қилди Энбо.

Гап яна забастовкага кўчди; бу ҳақда директорнинг фикрини сўрашди.

— Э,— жавоб берди у,— биз бундан бадтар забастовкаларни ҳам кўрганмиз!.. Худди охирги забастовка вақтидагидек, бир ҳафта, нари борса икки ҳафтагача улар ялқовлик қилиб юришади. Қовоқхоналарни изғишади; кейин росаям очиқиб, шахтага қайтишади.

Денелен бошини чайқаб деди:

— Менимча, бу гал сиз ўйлагандек жўн эмас... Бу сафар улар, назаримда, анча уюшқоқлик билан ҳаракат қилишяпти. Ҳатто уларнинг ўзаро ёрдам кассалари ҳам бор.

— Ҳа, лекин унда уч минг франкдан ортиқ пул йўқ; шу пулга қанча яшашлари мумкин? Менинг гумонимча, уларнинг бошлиғи Этьен Лантье деган бир кимса бўлса керак. У яхши ишчи, шунинг учун ҳам мен Ворёни ўз сафсаталари ва пивоси билан заҳарлаётган машҳур Раснёрни ҳайдаб юборганимдек, уни ҳам қувиб юборгим йўқ... Бари бир бир ҳафтадан кейин ишчилар ишга чиқишади, икки ҳафтадан сўнг эса ўн минг ишчининг ҳаммаси шахтада бўлади.

Энбо бунга амин эди. У фақат Правление забастовка учун масъулиятни менга ағдаради-ю, кейин ёмон кўриниб қоламанми, деган андишадан ташвишланаётган эди. Кейинги пайтларда унга бўлган муносабат ёмонлашиб қолганди. У салатли қошиқни қўйди-да, Париждан олинган телеграммаларни қайта-қайта ўқиб, ҳар бир сўзнинг маъносини чақишга уринди. У кечирим сўради. Энди бу нонушта ҳарбийларнинг урушга киришдан олдин жанг майдонидаги овқатланишига ўхшарди.

Хонимлар ҳам суҳбатга аралашишди. Грегуар хоним очликка маҳкум этилганларга қайғурди. Сесиль кўз олдига посёлкаларни айланиб, нон билан гўшт учун талон тарқатиб юришини келтирди. Бироқ Монсудаги кўмир қазувчиларнинг қашшоқлиги ҳақида гап борганида Энбо хоним ниҳоятда ҳайрон бўлиб қолди. Вой, нега унақа дейишади, уларнинг ҳаммаси жудаям бахтли-ку! Ширкат ҳисобига тураржой, ёқилғи, медицина ёрдами олишади-ку! Одамлар оммасига тамомила лоқайд қарайдиган, улар ҳақида бошқалардан эшитганларини ёдлаб олиб, Париждан келувчиларга такрорлайдиган хоним ўзи ҳам бунга ишониб, энди одамларнинг ношукурлигидан ғазабга келган эди.

Негрель эса жаноб Грегуарни қўрқитишини қўймасди. Сесиль унга ёқиб қолди, холасининг кўнглини олиш учун инженер Сесилга уйланишга тайёр эди: лекин қизга нисбатан юраги сира жиз этмади; Негрелнинг гапларига кўра, тажрибали одам бўлгани учун у ўйламай-нетмай сева олмасди. Негрель ўзини рес-

www.ziyouz.com kutubxonasi

публикачи деб ҳисобларди; лекин бу нарса унинг ишчиларга ниҳоятда қаттиққўл ва хонимлар олдида уларни майна қилишига халақит бермас эди.

— Мен тоғамнинг умидбахш гапларига қўшилмайман,— деди у.— Жиддий тартибсизликлар рўй бермаса, деб қўрқаман... Грегуар жаноблари, Пиоленани маҳкамроқ кулфлаб олишингизни маслаҳат бераман. Талончилар шипшийдам қилиб кетиши мумкин.

Негрель бу гапни Грегуарнинг мулойим чеҳраси одатдагидек табассум билан ёришиб, кўмир қазувчиларга оталарча меҳр-мурувват изҳор қилишда хотинидан ўзиб кетишга интилаётган бир пайтда айтди.

— Талаб кетишади? Мени-я?— ҳайратланиб хитоб қилди Грегуар. — Нега энди улар мени талар экан?

— Ие, ҳали сиз Монсудаги тошкўмир конларининг акционери эмасмисиз? Ўзингиз ҳеч нима билан шуғулланмай, бировнинг меҳнати ҳисобига яшайсиз-ку. Ниҳоят, сиз лаънати капиталнинг намояндасисиз, шунинг ўзи кифоя... Менга ишонаверинг, ҳа, мабодо революция ғалаба қилиб қолгудек бўлса, ҳамма топган-тутган бойлигингизни беришга мажбур қилишади сизни, чунки бу пулларнинг ҳаммасини талончилик йўли билан топгансиз.

Грегуарнинг чеҳрасидаги хотиржамлик билан одатдаги осойишталик бир зумда сўнди.

— Менинг бойлигим — талончилик билан топилган пуллар эканми?— ғўлдираб деди у.— Ота-боболарим шу бойликни оғир меҳнати билан топмаган эканми, машаққат билан топганини шу корхонага сарфламаган эканми ҳали? Бор-будимизни сарфлаганимизда таваккал қилмаган эканмизми? Ҳозир ҳам даромадларимни бирор бемаъни ишга сарфлаётибманми?

Она билан қиз қўрқиб, ранглари оқариб кетганини кўриб, ташвишга тушган Энбо хоним дарҳол гапга аралашди:

— Поль ҳазил қиляпти-да, азизим Грегуар.

Лекин Грегуар жанобларининг жаҳли чиққан эди. Малай эринмай териб чиқилган қисқичбақали лаганни меҳмонларга тутаркан, Грегуар шуурсизлик билан учтасини олди-да, қисқичбақа панжасини мужий бошлади.

— Э, баҳслашиб ўтирмайман, акционерлар орасида ўз лавозимини суиистеъмол қилувчилар ҳам бор. Менга, масалан, баъзи министрлар Ширкатга кўрсатган хизматлари учун пора тариқасида акциялар олишганини айтиб беришди. Яна бир шахс бор, номини айтмайман, ўзи герцог, акционерларимизнинг энг бойи! Жуда кўп расвогарчиликлар қилади, хотинбозлик, маишатбозликка, кераксиз зебу зийнатга миллион-миллион франкни совуради... Лекин биз-чи, биз хоксорлик билан ҳалол яшаймиз! Биз чайқовчилик қилмаймиз, борига шукур қилиб яшаймиз, ортса камбағалларга ҳам берамиз!.. Йўқ, йўқ, мутлақо бўлмаган гап бу! Мабодо сизнинг ишчиларингиз бизнинг игнамизни тортиб олишса, унда ўтакетган қароқчи бўлишлари керак!

Грегуарнинг каҳру ғазабини тошириб, томоша қилаётган Негрель энди ўзи уни юпата бошлади. Малай қисқичбақа солинган лаганни айлантириб тутар эди, қисқичбақа пўстининг кусур-кусури эшитиларди. Гап сиёсат масалаларига кўчди. Ҳамон қўрқувдан титроғи босилмаган Грегуар либерал нуқтаи назарларини баён қила бошлади; у афсус-надомат билан Луи-Филиппни эслади. Қаттиққўллик сиёсати тарафдори бўлган Денелен эса, император хавфли келишувчилик йўлига кирди, деб эълон қилди.

— Саксон тўққизинчи йилни эсланг,— деди у.— Бу революция зодагонларнинг фалсафа соҳасидаги янги фикрларга эътиқод қўйишлари туфайли рўй берди... Хўш, нима бўпти! Энди буржуазия ўша бемаъни ўйинни давом эттирмоқда, либерализмга муккасидан кетиб, вайронгарчиликларни қўмсаяпти, халққа тилёғламалик қиляпти... Ҳа, ҳа, бизни ғажиб ташлаши учун ўзларингиз аждаҳонинг тишларини қайраяпсиз, у албатта бизни ғажиб ташлайди, хотирингиз жам бўлсин!

Хонимлар уни жим бўлишга мажбур этишди-да, мавзуни ўзгартириш учун унинг қизларини сўрашди. У Люсининг бир дугонаси билан Маршьеннда ашула айтишни ўрганаётганини, Жанна бўлса бир кекса девона бошининг суратини чизиш билан банд эканлигини гапирди. Бироқ Денелен бу гапларни директордан кўзини узмай паришонхотирлик билан айтди; директор бўлса, меҳмонлар борлигини ҳам унутиб, телеграммаларни ўқишга тушганди. У юпқа қоғозларга

www.ziyouz.com kutubxonasi

қараб, Парижни кўз олдига келтирар, забастовка оқибатини ҳал қилувчи бошлиқларининг фармойишларини илғаб олар эди. Денелен хавотирлигини яшира олмай:

— Хўш, қандай чора кўрмоқчисиз?— деб сўради бирдан.

Энбо чўчиб тушди-да, кейин чалғитиб:

— Кўрамиз,— деб қўйди.

— Албатта, сизнинг мавқенгиз мустаҳкам, сиз кутиб туришингиз мумкин,— деди хаёл суриб Денелен... — Лекин забастовка Вандамга ёйилса борми, мен хонавайрон бўламан. Жан-Барт шахтасини янгитдан ремонт қилиб олган бўлсам ҳам, иш узлуксиз давом этмаса, шу битта шахта билан ҳеч қаёққа боролмай... ҳолимга маймунлар йиғлайди, ҳа, менга ишонаверинг!

Денеленнинг беихтиёр иқрор бўлиши Энбо жанобларини ҳайратга солиб қўйди чоғи. У диққат билан тинглай бошлади, миясида бир режа пишиб етила бошлади. Борди-ю, забастовка хунук тус олса, бу забастовкадан фойдаланиб, қўшни шахта хўжайинининг батамом хонавайрон бўлишига эришиши керак, кейин унинг шахтасини арзон-гаров сотиб олиш лозим. Бу эса бир неча йиллардан бери Вандамни қўлга киритиш орзусида юрган бошлиқларни ийдириш учун энг яхши восита бўлур эди.

— Агар Жан-Барт сизларга шунча ташвиш туғдираётган бўлса,— деди кулиб директор,— нега энди шу шахтани бизга ўтказиб қўя қолмайсизлар?

Лекин Денелен шикоят қилганига энди пушаймон эди.

— Ҳеч қачон сиз айтганча бўлмайди!— хитоб қилди у ғазаб билан.

Унинг тутақиб кетганидан ҳамма кулиб юборди. Ширинлик келиши билан забастовка унутилди. Олмали крем ҳамманинг мақтовига сазовор бўлди. Хонимлар буни қандай тайёрлаш йўлини суриштириб кетишди. Ананас ҳам жуда ажойиб экан. Мевалар — узум билан нок тўкин дастурхонга файз киритиб, ҳаммаанинг димоғини чоғ қилди. Ҳаммалари гангир-гунгур гапга тушиб кетишди: малай эса жуда жўн ҳисобланган шампань ўрнига рейнвейн қуйди.

Шубҳасиз, Поль билан Сесилнинг тўйлари ҳақидаги масала анча сурилди: ширинлик ҳаммани бирбирига ийдириб қўйганди. Хола Негрелга шундай маъноли қарадики, у жуда мулойим бўлиб, талончилик ҳақидаги гаплардан ўтакаси ёрилган Грегуарларни шинавандалик билан яна ўзига оғдириб олди. Хотини билан жиянининг тили бирлигини пайқаган Энбо қалбида яна даҳшатли гумон ғимиллаб қолганини бир лаҳза ҳис қилди: гўё уларнинг кўз уриштиришида сирли бир боғланиш борлигини пайқагандек бўлди. Лекин тўй ҳақидаги фикр унга яна таскин берди: ахир бу тўй шу ерда, унинг кўзи олдида бўляпти-ку.

Ипполит кофе бераётганда қўрқиб кетган оқсоч хотин емакхонага югуриб кириб деди:

— Бегим, бегим, улар келишди!

Келган кишилар делегатлар эди. Эшиклар қарс-қурс этиб, гўё қўшни хонадан даҳшат нафаси келаётгандек бўлди.

— Уларни меҳмонхонага бошлаб киринг,— буюрди Энбо жаноблари.

Дастурхон атрофида ўтирган меҳмонлар бир-бирларига ташвишли нигоҳ ташлаб олишди. Сукунат чўкди. Кейин улар бояги ҳазил-мутойибаларини давом эттиришга ҳаракат қилишди: қолган қанд-қурсни чўнтакларига солиб, дастурхонни йиғиштириб олиш кераклигини айтишди. Лекин директор ҳўмрайиб ўтирганидан кулгилар секин-аста тўхтади: ҳамма шивирлашга ўтди. Бу орада меҳмонхонадан вазмин қадам товушлари эшитилди — делегатлар гиламни босиб кириб келишаётганди.

Энбо хоним эрига мурожаат қиларкан, товушини пасайтириб деди:

— Кофенгизни ичиб қўярсиз, а?

— Албатта,— жавоб берди эри.— Улар кутиб туришади!

У ҳаяжонга тушиб, ҳар бир товушга қулоқ солади-ю, лекин ўзини кофе ичаётгандек қилиб кўрсатарди.

Поль билан Сесиль ўринларидан туришди; йигит қизни қулф тирқишидан қарашга кўндирди.

— Кўряпсизми уларни?

— Ҳа... Бир семиз киши, кетида яна бўйи пастроқ икки киши.

— Қалай? Турқилари жудаям совуқми?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Йўқ, асло, кўринишлари бинойидек.

Жаноб Энбо кофе жудаям иссиқ экан, кейинроқ ичиб қўярман, дея тўсатдан ўрнидан турди. У хонадан чиқаркан, бармоғини лабларига босиб, эҳтиёт бўлинглар, дегандек ишора қилди. Ҳамма яна жойига ўтириб, чурқ этмай, қимирлашга ҳам журъат қилмай, қулоқларини динг қилганларича, эркакларнинг эшик орқасидан келаётган қўпол овозига қулоқ солишди.

II

Кеча Раснёрларникида йиғилиш бўлиб, унда Этьен билан бир неча ўртоқ делегация сайлашди: делегация эртагаёқ директор олдига жўнаши лозим эди. Маэнинг хотини эрининг делегат бўлганини кечқурун эшитиб, жуда хафа бўлди-да, у энди рўзғоримизни бузаркан-да, деди. Маэнинг ўзи ҳам делегация составида қатнашишга истар-истамас рози бўлганди. Икковлари қашшоқлик қисматларининг бутун адолатсизлигини билишса ҳам, ҳаракат қилиш пайти келганида азалий итоаткорликка амал қилишиб, юраклари орқасига тортганича эртанги кунларини ўйлашар ва аввалгидек қаддиларини букиб ишлашни афзал кўришар эди. Маэ турмуш шароитида одатда ҳамиша яхши маслаҳат берадиган хотинининг раъйига қарарди. Бироқ бу сафар у гарчи хотини беҳуда хавотирланмаётганига ичида қўшилса ҳам, жаҳли чиқиб кетди.

— Мени тинч қўй энди, бўлди! — деди у ўрингa ётаркан, хотинига орқасини ўгириб.— Ўртоқларингни қўй эмиш, жуда яхши гап айтдинг-да! Мен бурчимни бажаряпман.

Хотини ҳам ётди. Икковлари чурқ этишмади. Анча вақт ўтди.

— Сен ҳақсан, борақол! — деди ниҳоят хотини.— Лекин бизга жабр бўладиган бўлди, бечора чолгинам, шуни билиб қўй!

Чошгоҳда улар нонушта қилишди, чунки соат бирда «Авантаж»да учрашиб, делегация у ердан дарҳол Энбонинг олдига жўнамоқчи эди. Нонуштага картошка ейишди. Яна бир бўлак ёғ қолди, лекин унга ҳеч ким тегмади: шу ёғ кечқурун нон билан ейишга етиши керак.

— Биласанми, умидимиз сендан, сен гапирасан,— деди Этьен қўққисдан Маэга мурожаат қилиб.

Маэ лол қолиб, ҳаяжонланганидан бир нима деб эътироз билдира олмади.

— Йўқ, бу ҳаддан ташқари энди! — хитоб қилди хотини. — Майли, борса борсин, мен қаршимасман. бироқ сенларга бошлиқ бўлишига йўл қўймайман... Нима учун келиб-келиб, бошқа эмасу бу гапириши керак?

Этьен бутун сўзамоллигини ишга солиб, куйиб-пишиб исботлай кетди. Маэ — шахтадаги энг яхши, энг севикли, энг ҳурматли ишчи; уни ҳамма энг мулоҳазали ишчи деб билади. Шунинг учун ҳам кўмир қазувчиларнинг талаблари унинг оғзидан чиқса, салмоқда бўлади. Аввалига ҳамма сен, Этьен, гапирасан, деган экан. Лекин Этьен ҳали Монсуда жуда кам ишлабди. Шу ерлик кексанинг гапига тезроқ қулоқ солишаркан. Бунинг нимасини тушунтириш керак: ўртоқлар ўз манфаатларини ҳимоя қилишни энг муносиб одамга топширишяпти. Бундан бош тортишга ҳаққи йўқ, уят бўлади.

Хотини умидсизлик билан қўл силтаб қўйди.

— Бор, боравер, эржон, бошқалар учун қурбон бўлавер! Рози бўлмай иложим қанча, бор!

— Бироқ мен гапира олмайман-да,— ғўлдиради Маэ.— Бемаъни гапларни айтиб қўяман-да.

Маэни кўндирганидан севиниб кетган Этьен унинг елкасига қоқиб қўйди.

— Дилингдагини айтавер, ҳаммаси жуда зўр бўлади.

Оёғидаги шиши кичрайиб қолган Ўлмас бобо оғзига сўк солиб олгандек, чурқ этмай, бошини сараксарак қилиб эшитиб ўтирарди. Сукунат чўкди. Картошка қўйишганда болалар миқ этмай жимгина ўтириб ея бошладилар. Чол оғзидаги овқатини ютиб, шивирлаб гапира бошлади:

— Кўнглингга келганини айтавер,— бари бир сен ҳеч нима гапирмагандек бўлиб қолаверасан...Эҳ, умрим да бунақа ишларни кўраверіб-кўраверіб, пишиб кетганман! Қирқ йил бурун дирекция бизни ҳайдаб чиқарган, яна қилич билан ҳайдаб чиқарган! Бу сафар дирекция сизларни қабул қилару, лекин сизларга мана

www.ziyouz.com kutubxonasi

шу деворчалик жавоб берар-да... Ёпирай! Уларнинг пули бор, ҳаммангни бир тийинга ҳам олмайди улар!

Яна орага жимлик чўкди. Маэ билан Этьен дастурхондан туришди; оила аъзолари қовоқларини солишиб, бўш ликопчаларига қараб ўтиришарди. Маэ билан Этьен уйдан чиқиб, Пьеррон билан Левакларникига киришди-да, уларни ҳам олиб, тўртови Раснёрларникига жўнашди. Бу ерга посёлкаларнинг делегатлари гуруҳ-гуруҳ бўлиб келишаётганди. Ниҳоят делегациянинг ҳамма йигирма аъзоси йиғилиб бўлди-да, улар Ширкат олдига қўйиладиган талаб шартларини ишлаб чиқишди. Кейин Монсуга йўл олишди. Тош йўл бўйлаб шимолнинг шиддатли шамоли изғирди. Делегатлар етиб келишганда соат икки бўлиб қолганди.

Аввалига малай, бир оз кутиб туратуринглар, деб улар рўбарўсидаги эшикни тақка ёпиб кириб кетди. Кейин у қайтиб чиқиб ишчиларни меҳмонхонага олиб кириб, дарпардаларни кўтариб қўйди. Хонага тўр пардадан ўтаётган заиф ёруғлик тушиб турарди. Ўзлари қолиб хижолат тортган кўмир қазувчилар ўтиришга журъат этишмади. Улар мовут костюмларини кийиб, соқол-мўйловларини яхшилаб олганлари, малларанг сочларини силлиқ тараганлари, мўйловларини бураб қўйганларидан кўринишлари ниҳоятда озода эди. Улар уй жиҳозларига кўз қирини ташлашиб, қўлларидаги шапкаларини ғижимлардилар. Бу ерда турли-туман услубда ишланган қадимий ноёб буюмлар аралашиб кетганди: Генрих II давридаги креслолар, Людовик XV услубидаги стуллар, XVII асрдаги итальянча шкаф, XV асрга оид баланд ёзув столи; каминга эса нақшли парда ўрнига меҳробга тутиладиган ёпиқ ёзилганди, эшикларнинг қалин пардалари ҳошиясига қадимги черков ёпинчиқларининг попуклари тикилган эди. Кўҳна заррин буюмлар, эски ипакликларнинг нурсиз ранги,— бу зебу зийнатларнинг ҳаммаси худди ибодатхонадагидек ҳурмат-эҳтиром туйғуларини уйғотиб, кишини чўчитар эди. Шарқ гиламларининг ўсиқ жунлари уларнинг юришига монелик қиларди. Айниқса уйнинг хуш ёқадиган бир хилдаги ҳарорати уларни ҳайратга солди: йўлда аччиқ изғиринда уларнинг ёноқлари музлаб қолганди. Беш минутча ўтди. Бу

серҳашам, шинам хона уларни тобора хижолатга соларди.

Ниҳоят, жаноб Энбо кўринди. Унинг сюртугидаги тугмалари ҳарбийчасига қадалган, ёқасида эса ихчамгина орден лентаси савлат тўкиб турарди. У биринчи бўлиб ўзи гапирди.

— Э, ўзларинг келибсизлар-да!.. Исён қиляпсизлар шекилли... — Бирдан ўзига келди-да, совуқ, лекин мулойимлик билан илова қилди: — Ўтиринглар, сизлар билан суҳбатлашишдан хурсандман.

Кўмир қазувчилар, қаерга ўтирсак экан, дея атрофга аланглашди. Баъзилар юрак бетлаб ўтиришса ҳам айримлари шойи ёпиқларга ўтиришдан чўчиб, тик туришни афзал кўришди.

Сукунат чўкди. Жаноб Энбо ўз креслосини камин ёнига суриб, дарров шахтёрларни санаб чиқаркан, уларнинг юзларини эслаб қолишга ҳаракат қилди. У охирги қаторда ўтирган Пьерронни кўрди; кейин рўбарўсида ўтирган Этьенга тикилди.

— Хўш, қани,— деди у,— нима демоқчисизлар?

У, Этьен гапиради, деб ўйлаганди, лекин Маэ гапира бошлагач, шунчалик ҳанг-манг бўлдики, ўзини тийиб туролмай, қичқириб юборди:

— Ие, бу қандоқ бўлди? Монсунинг энг кекса, энг яхши ишчиси, ҳамиша ақл билан иш тутадиган сиздай одамдан шу гап чиқдими? Сизнинг бутун оилангиз шахта очилган кундан бери ишлаб келади-я!.. Эҳ, яхши эмас! Норозиларнинг бошида турганингиз чакки бўлибди, афсус!

Маэ бу гапларни кўзини ерга тикиб туриб эшитди. Кейин у гапира бошлади, овози титраб, аввалига мужмал қилиб ғўлдиради:

— Директор жаноблари, мен босиқ бўлганим, бирор ёмон иш қилмаганим учун ҳам ўртоқларим мени танлашди. Бу шу ишни ҳеч нарсадан тап тортмайдиган, тартибсизлик қилишдан бошқани билмайдиган тўполончилар қилмаётганини сизга исботлаб турипти. Биз фақат адолатни истаймиз; биз энди очдан ўлишга тоқат қилолмаймиз, оладиган маошимиз лоақал тирикчилигимизга етадиган бўлишини келишиб олиш вақти етди. Маэ дадил гапира бошлади. У бошини кўтардида, директорга қараб давом этди:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Сизларнинг янги системаларингизга рози бўлолмаслигимизни ўзингиз биласиз... Бизни тиргакларни омонат қўясизлар, дея айблашади. Тўғри, биз бу ишга керак бўлганича вақт сарфламаймиз. Агар бу ишни кўнгилдагидек қиладиган бўлсак, кунлик оладиган ҳақимиз янаям камайиб кетади. Шундоғам оладиган пулимиз бола-чақани боқишга зўрға етади, сиз айтгандек қиладиган бўлсак, уйимизни тополмай қоламизку, ишчилар хонавайрон бўлади. Бизга кўпроқ ҳақ тўланглар, ана унда тиргакларни яхшилаб қўямиз, қанча вақт керак бўлса, шунча сарфлаймиз, фақат ҳозир бизни боқиб турган ягона иш — кўмир қазиш билан банд бўлиб қолмаймиз. Акс ҳолда ҳеч нарса қилиб бўлмайди: иш бажарилиши учун унга ҳақ тўлаш керак-да... Хўш, сизлар нимани ўйлаб топдиларинг? Шундай ишни ўйлаб топдиларингки, бунга ақлимиз ҳам етмайди! Сизлар ҳар бир вагонеткага тўланадиган ҳақни камайтириб, тиргаклар учун алоҳида тўлаяпмиз-ку, дея бизни юпатмоқчи бўласизлар. Бу иш тўғри бўлганда ҳам, бари бир бизга зиён бўлади: тиргак қўйиб чиқишга қарийб ҳамма вақтимиз кетиб қолади. Лекин бизни ғазабга солган нарса, бу ишларнинг ҳаммаси адолатсизлик билан бўлаётгани. Ширкат илтимосларимизнинг бирортасини ҳам қондирмасдан, ҳар вагонеткадан икки сантимдан уриб қолади, бошқа ҳеч гап йўқ!

— Ҳа, ҳа, жуда тўғри,— дейишди бошқа делегатлар Энбонинг кескин ҳаракат билан Маэни тўхтатмоқчи бўлганини кўришиб.

Бироқ Маэ директорнинг оғзини очирмади. У қизишиб кетиб, сўзлар ўз-ўзидан қуйилиб келаверди. Вақт-вақти билан у ўзининг гапларига ўзи қулоқ соларди — гўё гаплари ўзиники эмас-у, бировникидек эди! Бу гаплар юрагига шунчалик кўп йиғилиб қолган эканки, ичидан қайнаб чиқаётганини ўзи ҳам билмасди. Кекса кончи ҳамманинг ялпи қашшоқлиги тўғрисида, ишнинг оғирлиги, молдан ҳам хор яшаётганликлари-ю, бир парча нонга зор бола-чақалар тўғрисида гапирди. У кейинги вақтларда жуда кам ҳақ олишаётгани, жарима ва бекор туриб қолишлар учун чегириб қолингач, қўлга теккан икки ҳафталик моянанинг кулгили даражада озлиги, оила аъзоларига

тегадиган улушнинг қанча қолгани-ю, уйдагиларнинг кўз ёшлари тўғрисида сўзлади. Наҳотки Ширкат ишчиларни бутунлай хонавайрон қилмоқчи бўлса?

— Мана шунинг учун ҳам жаноби директор,— деди гапини тугатаркан Маэ,— биз сизнинг олдингизга модомики ўладиган бўлсак, ишда силламиз қуриб ҳалок бўлгандан кўра, қирилиб кетишни афзал кўрганимизни айтгани келдик... Биз шахтадан кетдик, Ширкат шартимизга рози бўлмагунча конга қайтиб тушмаймиз. Ширкат ҳар бир вагонеткага тўланадиган ҳақни камайтириб, тиргак қўйиш учун алоҳида пул бермоқчи. Лекин биз ҳаммаси эскича қолишини истаймиз, биз яна ҳар бир вагонетка кўмир учун беш сантим ортиқроқ тўланишини хоҳлаймиз... Адолат ва меҳнат тарафидамисизлар ё йўқми, ўзларингни кўрсатиш навбати энди сизларга.

Шахтёрларнинг овозлари янгради:

— Тўғри... У ҳаммамизнинг дилимиздаги гапларни айтди... Биз инсоф ва адолат билан иш тутилишини истаймиз холос.

Бошқалар бир оғиз ҳам гапирмай, бошларини қимирлатиб маъқуллаб туришди. Улар серҳашам уйда эканликларини ҳам, олтин буюмлар, қимматбаҳо матоларни ҳам, талайгина антиқа кўҳна нарсаларни ҳам унутгандилар; улар ҳатто оғир пойабзаллари билан топташаётган гиламни ҳам сезишмасди.

— Менга ҳам гал беринглар, жавоб берай-да!— жаҳли чиқиб кичқирди ниҳоят Энбо.— Биринчидан, Ширкат ҳар бир вагонеткадан икки сантимдан уриб қоляпти, деган гап ёлғон... Мана ўзларинг ҳисоблаб кўринглар.

Бетартиб муҳокама бошланди. Директор шахтёрлар орасига нифоқ солиш мақсадида Пьерронга мурожаат қилган эди, лекин у ўртоқларининг орасига бекиниб, бир нима деб ғўлдиради. Левак бўлса, аксинча, олдинда бўлиб, энг аҳди қаттиқ одамлар билан бирга эди, у ҳаммасини аралаштириб юбориб, ўзи билмаган нарсаларни гапирарди. Меҳмонхонанинг иссиқ ҳавосига сингиб бораётган қаттиқ ғала-ғовурни қалин парда сирилган девор ташқарига чиқармасди.

— Агар ҳамманглар шунақа баравар гапирадиган

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлсанглар,— деб давом этди Энбо,— биз ҳеч қачон келишиб ололмаймиз.

У ўзини одатдагидек босиб олди, жиддий, лекин қаттиқ-қурум гапирмай, йўл-йўриқ олган мулойим бошлиқ қиёфасига кириб, ўзини буйруқни бажаришга мажбур эта олди. У гапни бошлаши биланоқ Этьендан кўзини узмай, уни гапга аралаштиришга уринди; лекин йигит миқ этмай ўтираверди. Энбо икки сантим ҳақидаги баҳсни тўхтатиб, қўққисдан масалани жуда кенг қилиб қўйди.

— Йўқ, яхшиси, ростини айтақолинглар: сизлар аллақандай ғаламиснинг ноғорасига ўйнаяпсизлар. Бу касаллик ҳамма ишчиларга юқиб, ҳатто энг яхшиларни ҳам иритяпти... Э, қўйинглар, менга иқрор бўлишларингнинг ҳожати йўқ, шундоқ ҳам кўриб турибман, бутунлай ўзгариб қолганга ўхшайсизлар; илгарилари тинчгина яшардиларинг. Сизларга олтин тоғлар ваъда қилишган, сенларнинг ҳам хўжайин бўладиган гапларинг келди, деб қўйниларингни пуч ёнғоққа тўлдиришган, ҳа, хўп деяверинглар... Хуллас, сизларни бу машҳур Интернационалга, фақат жамиятни емиришнигина ўйлайдиган қароқчилар тўдасига ёллашяпти...

Шунда Этьен унинг гапини бўлиб деди:

— Сиз янглишяпсиз, директор жаноблари. Монсунинг битта ҳам шахтёри ҳалигача союзга кирган эмас. Лекин шароит мажбур қилса, ҳамма шахтанинг ишчилари унга киради. Бу тамомила Ширкатнинг ўзига боғлиқ.

Шу минутдан бошлаб гўё бошқа шахтёрлар йўқдек баҳс фақат Энбо билан Этьен ўртасида кетди.

— Ширкат — ишчиларнинг ризқ-рўзи; унга таҳдид қилишга ҳақларинг йўқ. Бу йил Ширкат посёлкалар қуришга уч юз минг франк берди, бу маблағ икки фоиз ҳам наф келтирмайди. Мен ҳали пенсиялар тўлаш, кўмир, дори-дармон бериш... ҳақида гапираётганим йўқ. Менимча, сиз, ақлли одам кўринасиз, бир ойга етар-етмас энг яхши ишчиларимиздан бири бўлиб олдингиз, сиз ҳақиқий аҳволни тўғри идрок қилиш учун ўртоқларнинг кўзини очиб қўйсангиз, бадном бўлган кишиларга қўшилиб ўзингизни жувонмарг қилмасангиз бўларди. Ҳа, ҳа, мен Раснёрни гапиряпман: шахтамизни социализм маразидан халос қилиш учун биз уни ишдан бўшатдик... Сиз доимо уникида бўлармишсиз; турган гапки ўзаро ёрдам кассаси тузишга сизни худди ўша ундаган, лекин у фақат кассанинг ўзи бўлса, гўрга эди-я, биз бир нарса демасдик; бироқ бу кассаларинг бизга қарши қаратилган қурол экан, мабодо уруш бўлиб қолгудек бўлса, резерв фонд экан. Шуни айтиб қўйишим керакки, Ширкат кассаларнинг устидан назорат ўрнатишни хоҳлайди.

Этьен гапни бўлмай, директорга тикилиб тураркан, унинг асабийлашганидан лаблари сал-пал титраётганини сезди. Директорнинг кейинги гапидан кулиб, жавоб берди:

— Демак, бу янги талаб экан-да, шу чоққача директор жаноблари бу назорат ҳақида лом-мим дейишни лозим кўрмаган эканлар-да... Биз бўлсак, афсуски, Ширкат биз тўғримизда куйиб-пишмаса ҳам бўлади, ҳудонинг ёзмиши шу дея сафсата сотгандан кўра, олаётган фойдасига қараб, адолат билан ҳақимизни тўғри бераверсин, деймиз. Ахир ҳар бир кризис чоғида акционерларнинг дивидендларини сақлаб қолиш учун ишчиларни очдан ўлдириш инсофданми?.. Сиз, директор жаноблари, нима десангиз денг-у, аммо янги системаларингиз — иш ҳақини пасайтиришнинг пинҳона усулидан бошқа нарса эмас. Бизни ғазаблантирган нарса — шу. Агар Ширкат фақат ишчилар ҳисобига тежашга мажбур бўлган бўлса, жуда адолатсизлик қилган бўлади.

— Ҳа, мана энди муддаога келдик?— хитоб қилди Энбо.— Ўзим ҳам шундай айб қўйишингизни кутиб тургандим: биз халқни очлик билан қийнаймиз, унинг пешона тери ва қони ҳисобига яшаймиз! Бунақа бемаъни гапларни айтишга тилингиз қандай борди? Индустрияга сарфланган маблағлар, жилла қурса тошкўмир корхоналарига сарфланган маблағлар қанчалик хавф остида қолганлиги сизга аён бўлиши керак-ку! Шахтани тўла-тўкис ускуналаш ҳозирги замонда бир ярим миллиондан икки миллион франкка тушади. Сарфланган маблағдан лоақал ўртача фойда чиқариб олиш нақадар машаққатли эканлигини билсаларинг эди! Барча француз тошкўмир жамиятларининг яр-

www.ziyouz.com kutubxonasi

мига яқини инқирозга учраб, хонавайрон бўлди... Шундай бўлгач, омади келган корхона эгаларини бераҳмликда айблаш аҳмоқлик-ку. Агар ишчилар азият чексалар, Ширкат аъзоларининг ўзларига ҳам қийин бўлади. Ҳозирги кризисдан Ширкат бизга қараганда кам зиён кўради, деб ўйлайсизларми? Иш ҳақи масаласига Ширкатнинг ҳукми ўтмайди, агар у қўллашни истамаса, рақобат талабларига бўйсуниши керак. Фактларга қараб иш тутинглар, бошқа ҳеч нарсанинг кераги йўқ... Лекин сизлар ҳеч нимани эшитишниям, тушунишниям хоҳламайсизлар!

— Аксинча,— эътироз билдириб деди йигит,— агар ишлар ҳозиргидек кетаверадиган бўлса, турмушимиз яхшиланишига умид боғлашдан фойда йўқлигини жуда яхши биламиз. Мана шунинг учун ҳам ишчилар аҳволни ўзгартириш учун эртами-кечми бошқа чоралар кўради.

Сиртдан қараганда босиқлик билан секин айтилган бу сўзлар ниҳоятда ишончли бўлиб, уларда дўқ оҳанги шу қадар кучли эдики, ҳамманинг дами ичига тушиб кетди. Қандайдир хижолатпазлик рўй берди: хонага ваҳимали сукунат чўмди. Қолган делегатлар ўртоқларининг гапларини унчалик тушунишмаган бўлишса-да, улар Этьен ишчиларнинг улушларини талаб қилаётганини билишарди, улар яна қопламаларнинг ранго-ранг гулларига, қулай креслоларга, барча зебу зийнатларга кўз қирларини ташлашди,— бу ердаги арзимаган нарса ҳам уларни бутун бир ой боқадиган пул бўларди.

Энбо жаноблари бир муддат хаёл суриб ўтирдида, ниҳоят, гап тамом, дегандек қилиб ўрнидан турди. Шахтёрлар ҳам туришди. Этьен Маэни тирсаги билан туртганди, у яна палапартиш деди:

— Хўш, демак, директор жаноблари, бизга айтадиган гапингиз бор-йўғи шуми?.. Сиз рад этаётган шартларимизни бошқаларга ҳавола қилишга тўғри келади.

— Менми?— хитоб қилди директор.— Мен, азизим, ҳеч нимани рад этаётганим йўқ!.. Мен ҳам сизларга ўхшаш бир хизматчиман; мен ҳам сизларнинг ёрдамчиларингиздек ўз ихтиёрим билан бирон нарса қилолмайман. Менга кўрсатма беришади, менинг ягона вазифам — шу кўрсатмаларнинг кўнгилдагидек бажарилишини назорат қилишдан иборат холос. Мен сизларга ўз бурчимга доир гапларнигина айтдим, лекин ўзимча бирор қарор қабул қилолмайман... Сизлар менга ўз талабларингни айтдинглар, мен уларни Правлениега хабар қиламан, кейин натижасини айтаман.

У мартабали амалдорларга хос сира асабийлашмай хушмуомалалик билан мулойим оҳангда гапирарди: у ҳокимият қуроли — бошқа нарса эмас. Шахтёрлар ишончсизлик билан унга қарашарди. Улар ўзларидан: бу ким ўзи, ёлғон гапириб, нима фойда топаркин, биз билан чинакам хўжайинлар орасида туриб, қанча ҳақимизни ўғирлаб қолмоқчи?— дея сўрашарди. Балки у қип-қизил алдоқчидир; менга ҳам бир ишчининг маошини тўлашади, дейди-ку, аммо турмушини қаранг, мил-мил!

Этьен яна гапга қўшилди:

— Эҳ, аттанг, жаноби директор, ўз ишларимизни ўзимиз шахсан тушунтириб беролмасаканмиз-да. Ўзимиз талай нарсаларни тушунтириб берган, шундай далилларни келтирган бўлардикки, сиз уларнинг кўпини эсингиздан чиқариб қўясиз... Жилла қурса, кимга мурожаат қилишимиз кераклигини билсак эди.

Жаноб Энбо асло аччиқланмади. У ҳатто кулиб ҳам қўйди.

— О, сизлар модомики менга ишонмас экансизлар, иш мураккаблашади. Сизлар у ёққа мурожаат қилишларинг керак,— деди у қўлини мужмал қимирлатиб, дераза томонга ишора қиларкан.

Делегатлар уни кузатиб туришарди. «У ёққа» дегани қаёққа бўлдийкин? Парижга бўлса керак-да, албатта. Лекин улар бунга ишонишмасди. Кўзлари олдида кишининг капалагини учирадиган аллақандай олис ер, унинг ортида эса номаълум бир тангри меҳробида ўтириб, ҳукмронлик қилаётган, етишиш қийин ва сирли мамлакат намоён бўлди. Улар бу тангрини ҳеч қачон кўра олмайдилар, улар олисдан туриб Монсунинг ўн минг шахтёрини забтига олаётган тангрининг қудратини ҳис қиладилар, холос. Директор гапирганида, ана шу қудратга таянарди, шу қудрат ўз амр-фармонини директорнинг тили билан ифода этарди.

Кўмир қазувчиларнинг тарвузлари қўлтиқларидан

www.ziyouz.com kutubxonasi

тушди; ҳатто Этьен ҳам энди кетишдан ўзга иложимиз йўқ, дегандек қилиб елкасини қисиб қўйди. Шу чоқ Энбо жаноблари Маэнинг елкасига дўстона қоқиб, Жанленнинг соғлиғини сўради.

— Бу фалокат сизларга зўр сабоқ бўлиши керак, сизлар бўлсаларинг яна ярамас тиргакларга ёпишиб оласизлар!.. Дўстларим, яхшилаб ўйлаб кўринглар, а, забастовка — ҳаммага бахтсизлик келтиришини ўзларингиз ҳам тушунасизлар. Бир ҳафта ўтар-ўтмай ҳаммаларинг очликдан қирилиб кетасизлар. Унда нима қиласизлар?.. Бироқ мен сизларнинг оқилона фикр юритиб, узоғи билан душанба кунидан ишга тушишларингга умид қиламан.

Шахтёрлар букчайишиб, бўйсунишга умид боғлаган директорга бир калима сўз ҳам айтмай галалашиб чиқиб кетишди. Энбо уларни кузатиб чиқаркан, музокарадан хулоса чиқаришга қарор қилди: Ширкат билан унинг янги тарифи бир ёқда-ю, ҳар вагонеткага тўланадиган ҳақни беш сантимга оширишни талаб қилаётган ишчилар иккинчи ёқда қолди. Бўлмаган нарсага умид боғлаб юрманглар, дегандек қилиб, Ширкат шартларингга рози бўлмаслиги турган гап, дея огоҳлантиришни лозим топди.

— Обдан ўйланглар, бемаъни иш қилиб қўйманглар тағин,— такрорлади у шахтёрларнинг чурқ этмай чиқиб кетишаётганидан ташвишланиб.

Даҳлизда Пьеррон букилиб таъзим қилди, Левак бўлса, ғўдайиб, картузини қўнқайтириб кийиб олди. Маэ хайрлашишда нима десам экан, дея гаранг бўлиб бораркан, Этьен яна тирсаги билан туртиб қўйди. Улар шу йўсинда чурқ этмай кетишди. Орқаларидан эшикнинг шарақлаб ёпилганигина эшитилди.

Энбо емакхонага қайтиб кирганида меҳмонлари рюмкаларига ликёр қуйиб, қимир этмай ўтиришганини кўрди. У суҳбат мазмунини икки оғиз сўз билан Денеленга етказди: у аввалгисидан ҳам ғуссага ботиб кетди. Энбо совиб қолган кофени ичиб тугатаркан, ҳозир бўлганлар гапни бошқа ёққа буришга ҳаракат қилишди. Бироқ Грегуарларнинг ўзлари яна забастовкадан гап очиб, ишдан кетиб қолишни тақиқловчи қонун йўқлигидан ажабланаётганликларини изҳор қилишди. Поль Сесилни юпатиб, ҳадемай жандармлар келади, деб уни ишонтирди...

Ниҳоят Энбо хоним малайни чақирди-да:

— Ипполит, меҳмонхонанинг деразаларини очиб, яхшилаб шамоллатинг: биз ўша ёққа ўтамиз,— деди.

III

Икки ҳафта ўтди. Лекин маъмуриятга топшириладиган табеллар учинчи ҳафтанинг душанба куни шахтага тушган ишчилар сони яна камайиб кетганидан далолат берарди. Шу тонг иш яна бошланиб кетади, деб ҳисоблашганди, лекин Правление ҳеч қандай ён босмай, кўмир қазувчиларнинг ғазабини оширди холос. Ворё, Кручина, Миру, Мадлена шахталари ишламасди; Ғалаба ва Фетри-Кантель шахталарида эса ишчиларнинг чорагига яқинигина ишга чиққанди, ҳатто Сен-Тома ҳам шу ҳаракат гирдобига тортилганди. Забастовка умумий тус олди.

Ворё участкасида кишини эзадиган жимлик чўкканди; ишлаб чиқариш тўхтаганди, ҳувиллаб қолган ташландиқ устахоналарда иш ўлганди. Хира декабрь осмони, баланддаги кўприкларда унутиб қолдирилган бир неча вагонетка,— ҳаммаси шумшайиб турарди. Пастда, ингичка тиргаклар орасида яна бир уюм кўмир тўплаб қўйилганди; лекин у секин-аста эриб, қора ер кўриниб турарди; омбордаги тахталар билан ходалар шариллаб ёғаётган ёмғирда чириб борарди. Каналнинг лойқа сувида, пристань ёнида ярмигача кўмир ортилган сол худди мудроқ босгандек қимир этмай турарди; жала қуяётганига қарамасдан олтингугурт жинслари буруқсаб турган кимсасиз майдонда шотилари осмонга кўтарилган арава мунғайиб кўринарди. Ҳаммадан ҳам бино: дераза қопқоқлари ёпиқ саралаш саройи, минора, вагонеткалар тарақ-туруғи тинган қабулхона ҳам, улкан трубасидан заиф тутун буралиб чиқаётган совуқ қозонхона ҳам нохуш туюларди. Кўтарма машина устахонасини фақат азондагина ёқишади. Отбоқарлар ем-хашак бериш учун пастга тушишади; пастда яна оддий ишчиларга айланган штейгерларгина ишлашарди. Улар энг муҳим шикастланган жойларни тузатишарди. Тиргакларга ҳеч ким

www.ziyouz.com kutubxonasi

қарамай қўйганидан штольнялар босиб қолиши мумкин эди. Зинапоялар соат тўққиздан бери ишлайди. Бутун бино қора чангга бурканган; тиқ этган товуш эшитилмайдиган жимжитликда шахталардаги ҳаётнинг сўнгги нишонаси — сув чиқариб ташлайдиган насоснинг оғир, чўзиқ ҳансирашигина эшитилиб турарди. Агар насос тўхтаб қолса, сизот сувлар шахталарни вайрон қиларди.

Шахта рўпарасидаги тепага жойлашган Икки юз зағизғон посёлкасида ҳам жон зоти қолмагандек эди. Лиллдан префект келди; жандармлар йўлларни эгаллаб олишганди. Лекин забастовкачиларнинг хотиржамлигини кўрган префект билан жандармлар жўнаб қолишди. Шу чоққача бутун текисликдаги битта ҳам посёлка намуналироқ бўлишга интилмасди. Эркаклар қовоқхонага бормаслик учун кун бўйи ухлашарди; хотинлар ҳам инсофга келиб, кофени камроқ ичиб, камроқ гап сотиб, камроқ қарғашарди. Ҳатто болалар ҳам нима бўлаётганини тушунишгандай эди; болалар жуда қобил бўлиб, яланг оёқ югуришар, уришганларида ҳам товуш чиқаришмас эди. «Оқилона иш тут!» деган шиор оғиздан-оғизга ўтиб юрарди.

Бироқ Маэлар уйи гавжум эди, келди-кетди узилмасди. Этьен котиб сифатида ўзаро ёрдам кассасининг уч минг франклик фондидан муҳтож оилаларга ёрдам пули улашарди. Турли жойлардан обуна ва иона йўли билан йиғилган яна бир неча юз франк келди. Бироқ энди ҳамма маблағ тугаб, забастовкани давом эттириш учун шахтёрларнинг пули қолмаган эди; очлик хавфи туғилди. Аввалига Мегра ярим ой муҳлат билан қарзга нарса беришга ваъда қилган бўлса-да, бир ҳафта ўтар-ўтмас бирдан айнаб қолди-ю, озиқ-овқат бермай қўйди. У одатда маъмуриятдан кўргазма олиб иш тутарди; мазмунидан Ширкат бутун-бутун қишлоқларни очликка гирифтор этиб, масалани бир ёқлик қилиб қўя қолмоқчи бўлган бўлса керак. Аслини олганда Мегра инжиқ золимдан ҳам ўтиб тушди: ота-онаси озиқ-овқат олиб келгани юборган қизнинг ёқиш-ёқмаслигига қараб гоҳ нон берар, гоҳ бермас эди. У Маэнинг хотини келса, нуқул эшикни тарақлатиб ёпиб оларди: Катринадан қуруқ қолгани учун жаҳли чиқиб, бутун аламини Маэ хонимдан олмоқчи

бўларди. Қашшоқлик устига совуқ ҳам зўрайиб кетди, кўмир ҳам тугай деб қолди; хотинлар ҳам агар эркаклар ишга чиқишмаса, шахтада кўмир кўпайиб қолмайди-ку, дея ташвишлана бошлашди. Очдан ўлиш камлик қилганидек яна совуққа қотиш ҳам бор эди.

Маэларнинг ҳеч вақоси қолмади. Леваклар Бутлу қарзга берган ўша йигирма франк билан жон сақлаб туришибди. Пьерронлар эса бошқа гап; ҳар доим уларда пул бўларди; лекин улар ўзларини эл қатори оч қолаётган қилиб кўрсатишарди-ю, битта-яримта қарз сўраб қолмаса эди, деб қўрқишарди. Шунинг учун ҳам улар озиқ-овқатни Меградан қарзга олишарди. Мегра эса, Пьеррон хоним этагини қилпиллатгудек бўлса, бутун дўконини унинг оёғи остига тўкиб солишга тайёр эди. Шанбадан бошлаб талайгина хонадонлар кечки овқатсиз ётадиган бўлди. Даҳшатли кунлар келди, лекин ҳеч ким шикоят қилмасди. Барча хотиржамлик ва мардлик билан қароргa бўйсунарди. Бу мутлоқ ишонч, ҳеч нима буза олмайдиган орзу-умид — эътиқодли халқнинг кўр-кўрона фидойилиги эди: уларга адолат ҳукм сурадиган кунлар келишини ваъда этишди, шу боисдан улар жумла мўминнинг бахт-саодатга эришиши йўлида азоб-уқубат чекишга тайёр эдилар. Очлик одамлар кўзини катта очди. Уларнинг тор дунёқарашлари ҳозиргидек, мана шу муҳтожликнинг ғира-шира кўринишлари пайтидагидек, шунчалик кенгайиб кетмаган эди. Заифликдан кўзларни қоронғилик босарди, лекин улар бундай пайтда орзу-умидларнинг ғаройиб меваси ёғилаётганини кўрардилар; бу орзу-умидлар яқинлашиб, рўёбга чиққандай, унда қардош халқлар яшаётгандай бўларди, бу умумий меҳнат, умумий фаровонликнинг олтин даври эди. Ишчиларнинг охир-оқибатда шундай замонга етишлари ҳақидаги ишончларига ҳеч нима рахна сололмасди. Касса қуриди. Ширкат ён бермади, кундан-кун баттар бўлиб борди, лекин бари бир улар орзу-умидларини ардоқлаб, фактларга нафрат билан кулиб қарашарди. Агар оёқлари остидаги ер ўпирилгудек бўлса мўъжиза уларни сақлаб қолади. Ана шу ишонч нон ўрнини босиб, қоринларини тўйдирарди. Маэлар ҳам, бошқалар ҳам обиравон билан тамадди қилишганидан орадан кўп ўтмай нима еганларини ҳам эс-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лолмасдилар. Шунда улар жазавага тушиб алаҳлашарди-да, ўзларини йиртқичларга емиш учун ташланган шаҳидлар каби нариги дунёда кўришарди.

Шу кундан бошлаб Этьен ҳамма тан олган бошлиқ бўлиб қолди. Оқшом суҳбатларида у келажак ҳақида гапирарди. У китоб ўқиган сари фикри очилиб, ҳамма масалалардан анча хабардор бўлди. У тун бўйи ўқиб чиқар, жуда кўп хат олар эди; у ҳатто Бельгиянинг «Қасоскор» деган социалистик газетасига ҳам ёзилганди. Бу — посёлкага келадиган биринчи газета бўлиб, ўртоқлари наздида Этьеннинг обрўсини ошириб юборган эди. Ёш шахтёр шуҳратининг ошиб бориши кун сайин Этьен ғайратини кўпроқ жўш урдирарди. Этьен турли жойлар билан хат олди-берди қиларди, вилоятнинг барча еридаги вакиллар билан ишчиларнинг қисматини муҳокама қилиб, ворёлик шахтёрларга маслаҳатлар берарди; ана шу нарса ва хусусан, ҳамма нарсага бош-қош бўлиб қолганлигини англаш ҳисси собиқ механик, қўллари доимо кир-чир, қорамойга беланган кончининг кўнглини тоғ қилиб юборганди. У бир поғона кўтарилиб, нафратли буржуазия дунёсига киргач, оқибатини ўйламай туриб, ўзининг ақлий устунлиги, маъмурлигидан хурсанд бўлиб юрди. Этьен фақат ўзининг саводи камлигидан ўксиниб юрарди; шунинг учун ҳам у ҳар сафар сюртук кийган бирор жаноб билан масала талашганда чўчиб, тортинарди. У мутолаани давом эттирди, қўлига тушган ҳамма нарсани ўқийверди; лекин тартиб йўқлиги учун ўқиганларини ўзлаштириб ололмасди, бошида ҳамма нарса аралаш-қуралаш бўлиб кетганди: у ўзи мутлақо тушунмайдиган жуда кўп нарсаларни билиб олди. Эс-ҳушини йиғиштириб олган чоқларда Этьен ўз зиммасидаги бурчни ўйлаб, ташвишга тушарди; у бошқа соҳага қўл урганидан чўчирди. Балки бу ишга гапдон, ҳаракатчан, ўртоқларини доғда қолдирмайдиган олим ёки адвокат керакдир? Лекин у бундай фикрдан ғазабланарди, бу эса унда яна ишонч пайдо қиларди. Йўқ, йўқ, адвокатлар керак эмас! Бу муттаҳамлар ўз билимларидан фойдаланиб, халқ ҳисобига семириб кетишади! Нима бўлса бўлар — ишчиларнинг ўзлари ўз ҳуқуқлари учун курашишлари керак! Яна халқ сардори бўлиш орзуси унинг кўнглини кўтариб

юборди: Монсу унинг оёғи остида, Париж туман босган олисда,— ким билади дейсиз,— бир кун эмас, бир кун у депутат бўлару ҳашаматли залнинг нотиқлар минбарида туриб, буржуазиянинг пўстагини қоқар,— бу ишчининг парламентдаги биринчи нутқи бўлади!

Бир неча кунгача Этьен босар-тусарини билмай юрди. Плюшар хат устига хат ёзиб, забастовкачиларни қитиқлаш учун бир келиб кет, дея таклиф қиларди. Гап маблағ тўплашни ташкил этиш ва йиғинда механикнинг раислик қилиши тўғрисида борарди. Бу лойиҳанинг мақсади ҳамон Интернационалга ишонмай келаётган кўмир қазувчиларни Интернационал сафларига жалб қилишда забастовкадан фойдаланиш эди. Этьен бу нарса жуда катта шов-шувга сабаб бўлади, дея хавотирланарди, лекин Раснёр бу аралашувга тиштирноғи билан қаршилик қилмаганида Плюшарни таклиф этган бўларди. Йигит таъсири катталигига қарамай қовоқхоначининг эски хизматларини инобатга олиб, у билан ҳисоблашишга тўғри келди, бунинг устига мижозлари орасида Раснёрнинг тарафдорлари ҳам бор эди. Шунинг учун ҳам Этьен нима деб жавоб беришни билолмай пайсалга соларди.

Душанба куни, соат тўртларга яқин Лиллдан яна хат келди. Пастдаги хонада Этьен билан Маэ хоним ёлғиз қолишганди. Ишсизликдан зериккан Маэ балиқ овлашга кетган эди: омади келиб каналнинг шлюздан пастроғида дурустроқ балиқ тутиб олса, уни сотиб, нон олиб келиши мумкин эди. Кекса Ўлмас бобо билан ёш Жанлен оёқларининг қувватини синаш учун кўчага чиқишганди. Альзира бўлса, болаларни олиб кетганди — улар уюмга бориб, соатлаб майда кўмир теришарди. Корсажининг тугмаларини ечиб олган Маэ хоним милтиллаб турган ўт қаршисида Эстеллани эмизиб ўтирарди; сийнаси осилиб, қорнигача тушиб турарди.

Этьен хатни букларкан, Маэ хоним ундан сўради:

— Хушхабарми? Бизларга пул юборишарканми?

Этьен йўқ дегандек бошини қимирлатиб қўйгач, Маэ хоним давом этди:

— Бу ҳафта нима қиларканмиз, жуда бошим қотди-да... Лекин ҳарқанча қийин бўлса ҳам чидаш керак. Ҳақиқат сен томонда бўлганини ҳис қилсанг,

www.ziyouz.com kutubxonasi

мард бўлиб кетаркансан. Тўғрими? Пировардида бизлар зўр чиқамиз.

Маэ хоним ҳам ўйлаб-ўйлаб забастовка қилиш керак, деган фикрга келганди. Албатта, ишни тўхтатмай туриб, Ширкатни инсофга келтириш соз бўларди-я. Аммо ишни ташлагандан кейин адолатни тикламай туриб, ишга чиқиб бўлмайди. Маэ хоним шу фикрида қаттиқ турарди. Ҳақиқат ўз томонингда бўлгандан кейин, айбни бўйнингга олгандан кўра, ўлганинг яхши-да!

— Эҳ!— хитоб қилди Этьен,— қани энди бир вабо келса-ю, Ширкатдаги қонхўрларни қириб, бизни улардан халос қилса!

— Йўқ, йўқ,— эътироз билдирди унга Маэ хоним,— ҳеч кимга ўлим тиламаслик керак. Бундан бизга нима фойда, бири ўлса, бошқалари келади ўрнига... Мен фақат уларнинг инсофга келишларини истайман, мен шунга умид қиламан, яхши одамлар ҳамма ерда бор... Ахир сизларнинг сиёсатларингга сира қўшилмаслигимни ўзингиз ҳам биласиз-ку.

Маэ хоним чиндан ҳам исёнкорлик нутқлари учун доимо унга дашном берар, уни жанжалкаш, деб ўйлар эди. Ишга яраша ҳақ талаб қилиш яхши: лекин яна буржуазия, ҳукумат каби ҳар хил бошқа масалалар билан шуғулланишнинг нима кераги бор? Бировларнинг ишларига аралашиб нима қилишади? Бунинг учун фақат дўппослашади. Аммо Маэ хоним Этьенни ичкиликбозлик қилмаслиги, об-овқати ва ётоғи учун ўз вақтида қирқ беш франк тўлаб келаётгани сабабли ҳурмат қиларди. Агар киши ўзини яхши тутиб юрса, унинг ҳамма камчилигини ҳам кечириш мумкин.

Этьен ҳар кимга нон берувчи Республика ҳақида гапириб кетди. Бироқ Маэ хоним бошини сарак-сарак қилиб қўйди: у 48-йилни эслади,— ўша даҳшатли йилда, у турмуш қурган дастлабки пайтларда эри билан ҳеч вақосиз қолишганди. Маэ хоним гапга тушиб, ўшанда бошларидан кечирганларини битта қўймай гапириб берди: овози бўғиқ, кўзлари шуурсизлик билан олазарак бўларди, кўкраги очиқ эди; Эстелла бўлса она тиззасида унинг сийнасига ёпишиб ухлаб қолганди. Этьен ҳам ана шу жабрдийда заъфарон

чеҳрадан оппоқлиги билан кескин ажралиб турган улкан сийнага тикилиб, ўйланиб қолди.

— Бир тийин ҳам пул йўқ,— ғўлдираб дерди у,— ейишга ҳеч нима қолмаган, ҳамма шахталарда иш тўхтаган эди. Э, нимасини айтасиз! Камбағаллар худди ҳозиргидек қириларди!

Шу чоқ эшик очилиб, кутилмаган воқеадан иккови қотиб қолишди: хонага Катрина кириб келганди. У Шавалникига кетиб қолганидан бери посёлкада кўринмасди. Катрина шу қадар саросимага тушгандики, ҳатто эшикни ёпишни ҳам унутган, аъзойи бадани дағ-дағ қалтирар, тили калимага келмас эди. Катрина онамнинг ўзини ёлғиз учратарман, деб ўйлаганди, лекин уйда йигитни кўриб, йўлда ўйлаб қўйганларининг барини унутди.

— Нима керак сенга бу ерда?— қичқирди она, ўрнидан ҳам турмай...— Қайтиб башарангни кўрмай энди, йўқол!

Катрина бир нима демоқчи бўлиб уриниб кўрди.

— Ойи, мана кофе билан қанд... Ҳа, болаларга... Ишдан ташқари вақтда ишлаганимга олдим, сизларни ўйладим...

Катрина чўнтагидан кофе билан қанд солинган бир қадоқли икки пакетни чиқарди-да, ҳайиқиб стол устига қўйди. Ворёдаги забастовка ҳақидаги фикр уни қийнарди: у Жан-Барт шахтасида ишларди, болаларга ғамхўрлик баҳонасида ота-онасига ёрдам беришдан бошқа илож топа олмаганди. Лекин унинг меҳрибонлиги онанинг кўнглини асло юмшатмади.

— Бизга ширинликлар олиб келгунча, уйингда бўлиб, нон топсанг бўлмасмиди,— жавоб берди Маэ хоним.

Она Катринага дашномлар ёғдира кетди: қалбида бир ойдан бери йиғилиб қолган ҳамма гина-кудуратни юзига айтиб солди. Ота-онанг шунчалик қашшоқликда яшаётган бир пайтда, ўн олти яшар қиз бола, наҳотки бир эркакка илашиб кетсанг! Энг ярамас, бориб турган бузуқ қизгина бундай иш қилиши мумкин. Аҳмоқликни кечирса бўлади, аммо она бунақа қилиқни умрбод унутмайди. Уни бойлаб қўйган бўлса ҳам майли эди! Ихтиёри ўзида эди, шамолдек эркин эди, фақат кечаси тунагани уйга келса бас эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Қани, айтгин-чи ўзинг, нима бало бўлди сенга? Ҳозир шундоқ бўлсанг, кейин нима бўласан?

Катрина бошини қуйи солганича стол ёнида қимир этмай тинглаб турарди. Унинг ориққина, нимжон жуссаси қалтирарди; у титроқ, узуқ-юлуқ товуш билан бир нима деб жавоб қилмоқчи бўларди...

— Қани энди, гап битта менинг ўзимда бўлса. Ростини айтганда, бундан ўзим ҳам хурсанд эмасман!.. Ҳаммасини қилган ўша. У хоҳлаб тургандан кейин мен нима қилардим; ахир у мендан кучли-ку... Кети нима бўлишини билиб бўлармиди? Начора, бўлган иш бўлди, нима ҳам қилардим, у бўлмаса бошқаси қиларди шу ишни. Ишқилиб менга уйланса бўлди энди.

Катрина ўзини жуда эрта хотин бўлиб қолган кўпгина қизлардек сира нафратланмай, беихтиёр, аччиқтирсиқсиз ҳимоя қиларди. Ҳамма ҳам шундай. У ҳеч қачон ҳеч нимани ўйламаган ҳам эди. Ўн олти яшар бу қизни уюм орқасига олиб бориб, зўрлик билан бадном қилди; кейин ўйнаши унга уйланган чоғида ҳам эри билан бўладиган турмуши турмуш бўлармиди. Катрина шарм-ҳаёдан қизармади ҳам, қалтқалт титрагани ҳам — бу йигит олдида онасининг унга саёқ қизларга қилгандек муомала қилганидан эди: Этьеннинг шу ердалиги Катринани хижолатга солиб, фиғонини оширарди.

Бу орада Этьен ўрнидан туриб, ўзини гўё милтиллаб турган оловни ковлаштираётган қилиб кўрсатди. У уларнинг гапларига халақит беришни истамади. Бироқ уларнинг нигоҳлари тўқнашиб қолди. Йигит қизнинг ранги қочиб, адойи тамом бўлиб қолганини пайқади: шундай бўлса ҳам Катрина анча дилбар эди — дағаллашган чеҳрадаги кўзлар порлаб турарди; шундан кейин йигит ғалати туйғу туйди: хафалиги ёзилиб, Катринанинг ўзи маъқул кўрган йигит билан бахтли бўлишини истаб қолди. Этьенда Катринага ёқадиган бирор иш қилиш истаги пайдо бўлди — Монсуга бориб, ўша одамни қизга яхши муносабатда бўлишга мажбур этмоқчи бўлди. Бироқ Катрина унинг уззукун меҳрибонлик қилишини раҳмдилликка йўйди. У менга шундай қараяптими, демак, у мендан жирканиши керак! Шу боисдан Катринанинг юраги сиқилиб, овози чиқмай қолди-ю, ўзини оқлаш учун бирор калима сўз тополмади.

— Яхшиси, овозингни ўчир, ҳа! — жавранди қаҳри қаттиқ она. — Қоламан деб келган бўлсанг майли-ю, аммо кетаман десанг, ҳозироқ жўнаб қол, ўрнимдан туролмаганим учун шукур қил, йўқса шундай боплаб тепардимки, учиб кетардинг.

Катрина қўққисдан бу дўқ чинга айланиб, биров кетига қаттиқ тепиб юборгандай бўлди; Катрина бу кутилмаган тепки ва оғриқдан тамомила эсанкираб қолди. Бу — Шаваль эди; у бир сакраб хонага кирди-ю, худди ваҳший ҳайвондек Катринага ташланди. Шаваль бунгача бир муддат остонада туриб, ҳамма гапни эшитганди.

— Ҳа, ярамас! — бўкирди у. — Атайлаб кетингдан пойлаб келдим: у билан ўйнашгани шу ёққа келарсан, деб ўйловдим-а ўзим ҳам! Уни меҳмон ҳам қиласанми ҳали, а? Менинг пулчамга кофе олиб бериб сийламоқчимисан?

Маэ хоним билан Этьен кутилмаган бу воқеадан ҳанг-манг бўлиб қолишди. Шаваль қутуриб Катринани уйдан турткилаб чиқара бошлади.

— Борасанми, йўқми, жин ургур?

Лекин Катрина бурчакка тиқилиб олганди. Шунда Шаваль онасига ёпишиб кетди:

— Жуда яхши иш топибсан-да: қизинг тепада оёқларини кўтариб у билан ётганда сен уй пойлайсан...

Ниҳоят, Шаваль Катринанинг қўлидан маҳкам ушлади-да, уни силкиб-силкиб, судраб кетди. У эшикка етганда яна ўгирилиб, гўё стулга қапишиб кетган Маэ хонимга қаради. У кўксини бекитишни унутганди. Эстелла онасининг юбкасига бурнини тираб, юзтубан ухлаб ётарди; улкан, яланғоч сийна худди тирсиллаб турган сигир елинидек лорсиллаб турарди.

— Қизи бўлмаганда онаси ўрнини босади-да! — шанғиллади Шаваль.— Ҳа, ҳа, шунақа, баданларингни кўрсатиб қўй! Бу мол ижарачинг ҳазар қилмайди!

Этьен дик ўрнидан туриб, бир тарсаки туширмоқчи бўлди. Лекин бу муштлашиш посёлкада дув-дув гап бўлиб юрмасин, деган андишага борди, шунинг учунгина Катринани Шавалнинг қўлидан юлиб олмади. Лекин ҳозир ғазаби қайнаб кетди. Иккови юзма-юз

www.ziyouz.com kutubxonasi

турарди, уларнинг кўзларига қон тўлганди. Бу эски адоват, беҳуда рашк бўлиб, энди сиртга тепкан эди. Худди биттаси нобуд бўлиши керакдек эди.

— Шошмай тур ҳали!— деди Этьен тишларини қисиб.— Тагингга етаман бир кун.

— Етиб кўр, қани!— жавоб берди Шаваль.

Бир неча дақиқа улар бир-бирларига ўқрайиб туришди; улар шу қадар яқин туришардики, бир-бирининг иссиқ нафаси юзларига урилаётганини сезар эдилар. Катрина ўртага тушиб, уларнинг ғўдайиб туришларига барҳам берди; у ялинқираб жазманининг қўлидан олди-да, судраб кетди. Катрина бутун посёлка бўйлаб Шавални судраб бораркан, ҳеч ёққа қарамай чопарди.

— Ҳайвон экан-ку!— ғўлдиради Этьен жаҳл билан эшикни ёпаркан; унинг ғазаби шунчалик қайнаган эдики, оёғида аранг турарди.

Маэ хоним ҳатто қимирламади ҳам. У фақат қўлини силкиб қўйди. Юракни эзадиган жимлик чўкди; юракдаги жуда кўп гаплар айтилмай қолди. Этьен ўчакишгандай унинг сийнасига, оппоқлиги энди уни хижолатга солаётган катта кўкрагига нигоҳ ташлади. Тўғри, Маэ хоним қирқ ёшларда бўлиб, кўп туғаверганидан сўлиб қолганига қарамай, ҳамон кўпларнинг ҳирсини қўзғата оларди. Бу қад-қомати келишган, бақувват хотин бўлиб, чўзинчоқ юзида илгариги ҳуснининг излари сақланиб қолганди. У икки қўли билан шошмай, бамайлихотир сийнасини олиб яширди. Пуштиранг учи кўриниб қолганидан бармоғи билан ичкарига тиқиб қўйди, кейин тугмаларини қадади. Энди Этьеннинг олдида эски қора кофта кийган бўш-баёв хотин ўтирарди.

— У чўчқа-ку,— деди хотин ниҳоят.— Бунақа пасткашлик шунақа ифлос чўчқаларнинг хаёлига келади, холос. Тупурдим унга! Жавоб қайтаришга ҳам арзимайди.

Кейин Маэ хоним йигитдан кўзини узмай очиқчасига қўшиб қўйди:

— Албатта, менинг ҳам ўзимга яраша камчиликларим бору, аммо бунақа номаъқулчилик қилган эмасман... Мен умримда бор-йўғи иккита эркакни кўрдим холос: биттаси бир юккаш эди — бунга анча бўлди,

энди ўн бешга тўлган эди, иккинчиси — Маэ. Маэ ҳам анавидек мени ташлаб кетганида нима бўлишимни ўзим ҳам билмасдим. Мен тўйдан кейин ўзимни яхши тутдим, деб мақтана олмайман: ахир кўпинча имконият бўлмагани учун ҳеч қандай бемаънилик қилолмайсан-да. Лекин мен бор гапни айтяпман; ахир ўзлари ҳақида шунақа гапни айта олмайдиган қўшниларим борлигини биламан-ку, тўғрими?

— Ҳа, рост,— тасдиқлади Этьен ўрнидан тураркан.

Этьен ташқарига чиқди. Маэ ухлаб қолган Эстелланн бир-бирига тақаб қўйилган стулга ётқизиб, олов ёқмоқчи бўлди: борди-ю, эри балиқ тутиб, сотиб келса, лоақал ёвғон шўрва қилади-ку.

Ташқарида қош қорайиб, совуқ тун тушганди. Этьен бошини эгиб борарди; уни ғам-ғусса босганди. Бу ғам-ғусса Шавалдан ғазабланганидан ҳам, камбағал, хўрланган қизга ачинишдан ҳам эмасди. Бу даҳшатли можаро йироқлашиб, кўздан йўқолди; у яна ҳамма аламдийдалар ҳақида, даҳшатли муҳтожлик ҳақида ўйлай бошлади. У ,хаёлан нонсиз қолган посёлкани, кечқурун ейишга ҳеч вақоси йўқ аёллар, болаларни, курашда силласи қуриган оч-наҳор халқни кўз олдига келтирарди. Шу ваҳимали оқшомда унда шубҳа туғилди, бундай шубҳа баъзан унинг вужудини қамраб оларди; бу фикр энди Этьенни ҳар қачонгидан ҳам қаттиқроқ эза бошлади. Қандай даҳшатли масъулият елкасидан оғир тошдек босиб ётибди-я! Пул ҳам, қарз-ҳавола қилиш иложи ҳам қолмаган бир пайтда одамларни мардона бўлишга, таслим бўлмасликка ишонтириб, уларни олға бошлайверса бўлармикин? Бирор жойдан ёрдам келмаса, очлик мардликни енггудек бўлса, бу уринишларнинг оқибати нима бўлади? Бирдан кўз олдида ҳалокат манзараси жонланди: ўлаётган болалар, оналарнинг кўзларида ёш, ранглари оппоқ, силласи қуриган эркаклар эса яна шахтага тушиб кетишяпти. Этьен тошларга қоқилиб, ҳамон йўлда давом этарди; борди-ю, Ширкат зўр чиқса, ўртоқларимнинг бахтига мен зомин бўламан, деган фикрдан унинг аъзойи бадани ўртаниб кетди.

Этьен бошини кўтариб, рўпарасидаги Ворёни кўрди. Қоронғи тушиб қолгани учун нохуш бинолар ғуж

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлиб кўринарди. Иморатларнинг қимир этмайдиган соялари ўраб олган бўш майдон ташландиқ қалъа бурчагига ўхшарди. Кўтарма машина тўхтаганидан буён бу ерда ҳаёт сўнгандек эди. Шу бемаҳалда ҳаёт асари сезилмасди — на фонарь бор, на товуш эшитилади: насоснинг пихиллаши аллақаёқдан келаётган кучсиз хуррак товушига ўхшайди; бутун шахта тақатақ тўхтаган эди.

Этьен конларга қараркан, юраги гупиллаб уриб кетди. Ҳа, ишчилар очликдан азоб чекяпти, лекин Ширкатнинг миллионлари ҳам нест-нобуд бўляпти. Нима учун энди меҳнат билан капиталнинг бу курашида Ширкат ғолиб чиқар экан? Ҳар қалай ғалаба Ширкатга қимматга тушади. Зиёнлар кейин ҳисоблаб чиқилади. Этьенни жонни фидо қилиб бўлса ҳам қашшоқликдан бутунлай қутулиш керак, деган шижоат, жўшқин истак қамраб олди. Бутун посёлка балки бу адолатсизлик ва очликдан битта-битта ўлгандан кўра бирданига ўлиб қўяқолгани яхши. У гарчи яхши ўзлаштириб олмаган бўлса ҳам ўқиганларининг ҳаммасини эслади; душманнинг ҳаракатини тўхтатиш учун халқлар ўз шаҳарларини мардонавор ёндирганликлари ҳақидаги, оналарнинг ўз болаларини қулликдан қутқариш учун уларнинг бошларини кўча тошларига уриб ёрганликлари ҳақидаги, эркакларнинг эса золимлар нонини ейишдан кўра силлалари қуриб ўлишни афзал билганликлари тўғрисидаги ҳикояларни элас-элас эслади. Буларнинг ҳаммаси Этьенни илҳомлантириб юборди, оташин шодлик қайғули ғамғуссаларни енгди, шубҳалар чекинди ва у бирров қўрқувга тушганидан уялиб кетди. У яна ўзини аввалгидек дадил тутди, шу билан бирга унда яна қанот бағишлаган ғурур пайдо бўлди; у ўзининг бошлиқ эканлигидан, ҳамма унга итоат этиб, жон фидо қилиши мумкинлигидан қувониб кетди. У ўзининг қудрати ва оқибатда ғалаба қилажаги ҳақида янада қувнаб хаёл сурарди; хаёлан у буюк ва содда орзулари амалга ошган манзарани кўз олдига келтирди: у ҳукмдор бўлгач, ҳокимиятдан воз кечиб, уни халққа инъом этади.

Этьен ҳушига келиб, сесканиб кетди: у ови бароридан келганини гапираётган Маэнинг товушини эшитганди. Маэнинг омади келиб, ажойиб хонбалиқ тутган ва уни уч франкка пуллаган эди. Энди уйига бирон егулик олиши мумкин. Этьен Маэга, сен посёлкага боравер, мен тез қайтаман, деди-да, ўзи «Авантаж»га жўнади. У қовоқхоначининг мижози кетгунча кутиб турди-да, Раснёрга қатъий қилиб, Плюшарга тезда етиб кел, деган мазмунда хат ёзажагини айтди. У ҳусусий жамғарма тўплашни йўлга қўйишга қатъий қарор қилган эди; у Монсудаги ҳамма кўмир қазувчилар Интернационалга кирсалар, ғалаба қозонишга ишонар эди.

IV

Мажлис бева Дезирнинг «Қувноқ» қовоқхонаси биносида пайшанба куни соат иккига белгиланган эди. Бева кўмирчи-болалари дучор қилинган кулфатлар туфайли бениҳоя дарғазаб эди; айниқса дўкони бўшаб қолганидан бери қаттиқ хафа эди. Бирорта забастовкада ҳам ҳозиргидек кам ичишмаганди; ҳатто энг ашаддий майхўрлар ҳам шартни бузиб қўйишдан қўрқиб, уйларида ўтиришарди. Ярмарка кунлари доимо гавжум бўладиган Монсу ҳам сув сепгандек жимжит эди; чўзилиб кетган кенг кўча файзсиз бўлиб, ҳувиллаб турарди. Пештахтадан ҳам, қоринлардан ҳам пиво тўкилмасди; ариқчалар қовжираб қолганди. Кўчада, «Казимир» қовоқхонаси билан «Прогресс» қаҳвахонаси олдида шу дўконларнинг эгалари туришиб, ранглари ўчганича, йўлга ташвиш билан қарашарди. Монсунинг ўзида «Ланфан» дан тортиб, то «Ўчоқ», «Вино ертўласи» ва «Довюрак» қовоқхоналаригача ҳаммаси ҳувиллаб турарди, фақат одатда штейгерлар йиғилиб турадиган «Авлиё Элоа» қаҳвахонасидагина кунига бир неча кружка ичиларди. Ҳатто «Вулқон» ҳам бўм-бўш бўлганидан қизлар ишсиз ўтиришарди: замон оғир бўлгани учун баҳолари ўн судан беш суга туширилган бўлса-да, жазманлар топилмасди. Бутун ўлка чинакам қайғуга чўмганди.

— Жин урсин! — хитоб қилди бева Дезир сенига шапатилаб.— Ҳаммасига жандармлар айбдор! Агар лозим топишса, майли мени турмага қамашсин, лекин мен ҳам уларнинг таъзирини бераман!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳокимлару хўжайинлар бу хотиннинг кўзига жандармлар бўлиб кўринарди,— у халқ душманларининг ҳаммасини ана шу машъум сўз билан атарди. Шунинг учун ҳам у Этьеннинг илтимосини бажо келтиришга жон-жон деб рози бўлди: унинг уйи кўмир қазувчилар хизматида бўлади, бир франк ҳам олмасдан базмлар залини беради, ўзи эса қонунга мувофиқ таклифномаларни тарқатади. Борди-ю, қаршилик қилишадиган бўлишса—ўзларига қийин! Кекирдакларини чўзиб қўйишади! Эртасига Этьен унга посёлкадаги саводхон қўшнилар кўчириб берган элликка яқин хатни имзо қўйиш учун олиб келиб берди. Хатларга делегатлар, содиқ кишиларнинг номларини ёзиб, шахталарга жўнатишди. Кун тартибини ҳам ишлаб чиқишиб, унга забастовкани давом эттириш масаласини муҳокама қилишни киритишди. Ҳақиқатда эса Плюшарнинг келишини кутишарди, унинг нутқига катта умид боғлашганди. Бунинг натижасида ишчилар оммавий тарзда Интернационалга киришлари керак эди.

Пайшанба куни Этьен эрталабданоқ хавотирлана бошлади. Собиқ бошлиғи Плюшар юборган хабарида чоршанба куни кечқурун етиб бораман, дея ваъда берган бўлса-да, шу чоққача дараги йўқ эди. Нима бўлдийкин? Этьен йиғилиш бошлангунча Плюшар билан маслаҳатлашиб ололмайманми, дея диққати ошарди. Этьен соат тўққиздаёқ Плюшар Ворёда ушланиб қолмай тўппа-тўғри ўша ёққа кетган бўлса керак, деб Монсуга жўнади.

— Йўқ, ошнангизни кўрмадим,— деди Дезирнинг беваси.— Лекин ҳамма нарса тахт, ўзингиз бир кўринг-а.

Хотин Этьенни базмлар залига бошлади. Залнинг безаклари ўша-ўша: ўртаси қоғоз гулдаста билан бежалган шифтдаги нақшлар, деворларда авлиёларнинг номлари ёзилган зарҳалли картон жадвал. Фақат бурчакдаги созандалар ўтирадиган супа ўрнига стол билан учта стул, улардан берига бурчаклатиб скамейкалар қатор-қатор қилиб қўйилганди.

— Жуда яхши,— деди Этьен.

— Шуни ҳам билингки, сиз ўзингизни ўз уйингиздагидек ҳис қилишингиз мумкин,— деб давом этди бева,— истаганча бақириб гапираверинг... Борди-ю,

жандармлар келиб қолишса, жавобини ўзим бераман.

Этьен кўнгли нотинч бўлишига қарамай, кўкраклари қучоққа сиғмайдиган даражадаги бу бақалоқ хотинга қараб кулиб қўйди, шунинг учун ҳам ҳозир олти ўйнашидан ҳар кеча иккитаси келади, дейишади-да.

Шу он Этьен залга кириб келган Раснёр билан Суваринни кўриб, ҳайрон бўлиб қолди. Бева кетиб, каттакон бўм-бўш залда учовлари қолишди.

— Ие! Қачон келдинглар?!— хитоб қилди Этьен.

Машинистлар забастовкада қатнашмаётгани учун Суварин кечаси Ворёда ишлаганди; шунчаки у ўзи қизиқиб келганди. Раснёр бир неча кундан бери таъби хира бўлиб юрарди; унинг лўппи юзидаги мулойим табассум сўнган эди.

— Плюшар келмаяпти, жуда хавотир оляпман,— деди Этьен.

— Ажабланадиган ери йўқ, мен энди уни кутмай қўйдим,— деди қовоқхоначи бошқа томонга қараркан, тишини қисиб.

— Нима учун?

Шунда Раснёр бор гапни айтишга журъат этди. У Этьеннинг кўзларига тик боқди-да, дадил деди:

— Агар билишни истасанг, мен ҳам унга хат ёзиб, келмагин, деб илтимос қилганман... Ҳа, ҳа, менимча, ўз ишларимизни бегоналарга мурожаат қилмасдан ўзимиз йўлга қўйишимиз керак.

Этьеннинг жон-пони чиқиб кетди; у ғазабдан титраб, Раснёрга тикилди-ю, тутила-тутила такрорлади:

— Шундай қилдингми-а? Шундай қилдингми-а?

— Ҳа, шундай қилдим! Плюшарга қанчалик ишонишимни биласан-ку, ўзинг! У ақлли одам, ишончли йигит, унга таянса бўлади. Лекин сизларнинг ғояларингизга тупураман! Сиёсат билан ҳам, ҳукумат билан ҳам ҳеч қанақа ишим йўқ! Мен шахтёрларга яхши муомала қилишларини истайман. Мен ўша ер тагида, пастда йигирма йил ишладим, мана шу давр мобайнида ғам-ғуссани кўравериб, ўзимга ўзим ҳамон ўнгирларда терга ботиб ишлаётган шу камбағалларнинг аҳволини яхшилашга сўз берганман; сизлар бўлсангиз, чўпчакларингиз билан ҳеч нарсага эриша олмайсиз, буни аниқ биламан. Аксинча: сизлар ишчилар ҳаё-

www.ziyouz.com kutubxonasi

тини бундан бадтар қиласизлар... Очлик уларни яна шахтага ҳайдаганида, уларга аввалгисидан ҳам ёмонроқ муомала қилишади. Ширкат уларни уриб-уриб инига киритилган саёқ итдек роса калтаклайди ҳали... Мен худди шундай бўлишига йўл қўймоқчи эмасман, билдингми?

Раснёр йўғон оёқларини маҳкам босганича, қорнини чиқариб, Этьен олдида турар, тобора қаттиқ гапирар эди. Унинг ақлу заковати ва саботи ана шу аниқ, чертиб-чертиб айтган сўзларида ифодаланганди; у заррача ҳам тутилмай гапирарди. Хўш, ахир бу беақллик эмасми? Бир ҳамла билан оламни ўзгартиб, ишчиларни хўжайинлар ўрнига ўтказиб, пулларни худди олмани бўлгандек баравар тақсимлаб бериш мумкин, деган гапга ким ишонади? Буни амалга ошириш учун минглаб йиллар керак бўлади. Бунақа чўпчаклар билан унинг бошини қотириб юришмасин! Бурним пачақ бўлмасин десанг, энг яхшиси — тўғри йўлдан, яъни амалга оширса бўладиган реформалар талаб қилиш йўлидан бориш керак; қисқаси, ишчи халқи аҳволини яхшилаш учун ҳар бир воқеадан фойдаланиш лозим. Ҳозир ҳам энг маъқули — Ширкатни мақбул шартларни қабул қилишга кўндиришга ҳаракат қилиш керак; агар қайсарлик қилинаверса, ҳамма иш расво бўлади, одамлар очликдан ўлади.

Этьен унинг гапини бўлмади. У қаҳр-ғазабдан бир оғиз ҳам сўз айтолмасди.

— Оббо жин ургур-ей!— қичқирди у ниҳоят.— Томирларингдаги қонми ё сувми?

Яна бир минут шу алпозда турса, Этьен Раснёрни уриб юборган бўларди. У уриб юборишдан ўзини тийиш учун залда у ёқ-бу ёққа юра бошлади. Оёғига дуч келган скамейкаларни агдариб, аламини улардан олди.

— Ҳеч бўлмаса эшикни ёпиб қўйинглар,— деди Суварин.— Эшитиб қолишса, яхши бўлмайди.

Суварин ўзи эшикни қарс этиб ёпди-да, кейин стол олдига келиб ўтирди. У тамаки ўраркан, икковига синчковлик билан мулойим боқди; унинг лабларида билинар-билинмас истеҳзоли табассум кезарди.

— Агар жаҳл қиладиган бўлсанг, ҳеч нимага эриша олмайсан,— насиҳатомуз давом этди Раснёр.— Мен аввал сени ақлли йигит, деб ўйлардим. Сен уларга

оғирроқ бўлинглар, уйдан чиқманглар, дея маслаҳат бериб, жуда яхши қилдинг; сен тартибни сақлаш учун ўз таъсирингдан фойдаландинг. Энди бўлса ишнинг пачавасини чиқармоқчисан!

Этьен ҳамон скамейкалар орасида у ёқдан-бу ёққа юрар эди. У ҳар сафар қовоқхоначининг олдига келганида унинг елкасидан ушлаб силкиб, бетига қараб қичқирар эди:

— Ахир мен бундан буёғига ҳам тинчлик бўлсин дейман, жин ургур! Ҳа, мен уларни интизомга бўйсунишга мажбур этдим! Ҳа, мен ҳозир ҳам уларни осойишталикка чақиряпман! Лекин мен бизни аҳмоқ қилишларини истамайман!.. Бунчалик совуққонлигинг — сенинг бахтинг. Мен бўлсам, баъзан бошим айланиб кетади.

Бу Этьеннинг эътироф этиши эди. Йигит янги маслакни қабул қилган кишининг жўшқин тасаввури тасвир этган ҳамма нарсадан, ҳадемай кишилар ўртасида адолат ҳукмрон бўладиган шаҳар ҳақидаги беозор орзулари устидан кулишга тайёр эди. Наҳотки одамлар умрларининг охиригача худди бўрилардек бир-бирларини ғажишса-ю, у қўл қовуштириб тураверса, зап иш бўлади-да! Йўқ! Курашиш керак, бўлмаса, адолатсизлик абадий давом этаверади, бойлар эса камбағалларнинг қонини сўришини қўймайди. Шунинг учун ҳам у бир вақтлар, гўё ижтимоий масалаларни ҳал қилганда сиёсатни бир ёққа йиғиштириб қўйиш керак, деганига ўзини кечира олмасди, шу гапи билан у бемаънилик қилганди. Лекин у чоқларда Этьен ҳали ҳеч нарсани билмасди, шундан бери у жуда кўп ўқиди, кўп нарсани билди. Ақли тўлишиб, ҳатто унинг ўз системаси пайдо бўлди. У фикрларини баён этишни билмасди холос: ҳамма назариялари, ҳатто у рад этган фикрлар билан қоришиб, чалкашчулкаш бўлиб кетарди. Ҳар қалай унда Карл Маркснинг капитал —эксплуатация натижасидир, меҳнат аҳли ўғирлаб тўпланган бойликни тортиб олиши керак ва бунга ҳақлидир, деган ғояси ҳукмрон эди. Дастлабки пайтларда у амалда Прудон кетидан бориб, ўзаро қарз бериш, ҳар қандай воситачиларни тугатадиган улкан айрибошлов банки ҳақидаги ҳавойи фикрларга берилиб, ўзини алдаб юрди. Кейин Лассал-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нинг давлатдан ёрдам олиб ишлашга асосланган кооператив жамиятларидан илҳомланди; бу жамиятлар секин-аста ерни ягона саноат шаҳарчасига айлантириб бориши керак эди; аммо кейинроқ бундай системада назорат қилишнинг қийинчиликларини кўриб, уни рад этди. Кейинги вақтларда у коллективизм ғоясига эътиқод қўйиб, ҳамма ишлаб чиқариш қуроллари коллектив ихтиёрига бериб қўйилиши керак, деб ҳисобларди. Лекин бу янги орзу ҳам ғира-шира эди; бу ғояни қандай рўёбга чиқаришни билмасди, шубҳалари, таъсирчанлиги халақит берарди, ақл-фаросати эса фидойиларнинг кескин талаблар билан чиқишига монелик қиларди. У фақат ҳаммадан олдин ҳокимиятни қўлга олиш керак, у ёғи кейин маълум бўлади, деб таъкидларди.

— Сенга нима бўлди ўзи? Нега сен буржуалар томонига ўтиб олдинг?— ғазаб билан гапини давом эттирди у яна қовоқхоначининг олдида тўхтаб.— Ахир ўзинг бир кун эмас, бир кун буларнинг ҳаммаси асфаласофилинга кетади, дегандинг-ку!

Раснёр бир оз қизарди.

— Ҳа, мен шундай дегандим. Ҳаммаси асфаласофилинга кетганда, менинг қўрқиб ўтирмаганимни кўрардинг... Бироқ мен ўз шахсий мавқеларини мустаҳкамлаб олиш учун бошбошдоқликларни кучайтирувчиларга ҳам қўшила олмайман.

Энди Этьен ҳам қизариб кетди. Энди улар қичқиришмасди; гаплариям аччиқ ва ўйиб оладиган тусга кирди; икковлари ҳам бир-бирига рақиб эканлигини, орага совуқлик тушганини тушунгандилар. Аслини олганда, икковининг икки томондан келишининг боиси ҳам шунда эди: бири революцион жўшқинлик билан ҳаракат қилса, иккинчиси ниҳоятда эҳтиёткорлик билан иш тутарди. Улар ўзлари истамаган ҳолда ўз эътиқодларидан бўйин товлаб, ўз ихтиёрларига қарши бу таҳликали ўйинни бошлашганди. Суварин уларнинг гапларига қулоқ солиб турарди. Унинг заифона чеҳрасида нафрат аломати зоҳир бўлди — бу нафрат жонини беришга тайёр, ҳатто шоҳидлик ҳам тама қилмайдиган хоксор бир кишининг қаттиқ нафрати эди.

— Сен менга нимани шама қиляпсан?— сўради Этьен. — Ҳасад қиляпсанми?

— Нимангга ҳасад қиларканман?— жавоб берди Раснёр.— Мен ўзимни буюк одам қилиб кўрсатаётганим йўқ, Монсуда секция очиб, ўзим секретарь бўламан деб куйиб-пишаётганим ҳам йўқ.

Этьен унинг гапини бўлмоқчи эди, бироқ Раснёр илова қилди:

— Мард бўлиб бўйнингга олақол! Сени Интернационал билан бир пуллик ҳам ишинг йўқ; шунчаки бош-қош бўлиб олиб, ўзингни катта киши қилиб кўрсатишни, машҳур шимолий федераль кенгаш билан ёзишмалар олиб боришни истайсан холос.

Орага жимлик чўкди. Этьен ғазабдан қалтираб, гапира кетди:

— Хўп, яхши... Мен бирон нима деб ўзимдан гина қилолмайман. Мен ҳамиша сен билан маслаҳатлашдим, мен бу ерга келмасимдан анча илгари сен бу ерда кураш олиб бораётганингни билардим. Лекин сен ёнингда бировнинг бўлишига тоқат қилолмайсан. Яхши, бундан буён бир ўзим ҳаракат қиламан... Аммо ҳаммадан аввал сени огоҳлантириб қўяйки, башарти Плюшар келмаган тақдирда ҳам йиғилиш бўлади, гарчи сен қарши бўлсанг ҳам ўртоқлар Интернационалга киришади.

— Хўп, улар Интернационалга кирди ҳам дейлик, бироқ шу билан иш битди деган гап эмас-ку,— деб тўнғиллади қовоқхоначи.— Уларни бадал ҳақи тўлашга мажбур этиш керак ҳали.

— Мутлақо ундай эмас. Интернационал забастовка қилаётган ишчиларга бадал тўлаш муддатини узайтиради. Биз кейин тўлаймиз, ҳозир эса Интернационал бизга ёрдам қилиб туради.

Бирдан Раснёр тутақиб кетди:

— Хўп, майли, кўрамиз... Мен сенинг йиғилишингда қатнашаман, нутқ ҳам сўзлайман... Уларнинг миясини ачитишингга йўл қўймайман, уларнинг ҳақиқий фойдалари қаёқда эканлигини тушунтириб бераман. Шунда улар сен билан боришадими ёки мен билан бўлишадими — кўрамиз. Улар мени бир неча ўн йилдан бери билишади, сени келганингга эса ҳеч қанча вақт бўлгани йўқ, шундоқ бўлсаям ҳаммаёқни остинустин қилиб юбординг... Йўқ, йўқ! Тупурдим сенга! Вақти келди, ким кимни енгаркин — кўрамиз!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Раснёр шу гапдан кейин эшикни қарс этиб ёпиб, чиқиб кетди. Шифтдаги қоғоз нақшин гуллар силкиниб, деворлардаги зарҳал ёзувлар қимирлаб кетди. Кейин катта залга яна оғир жимлик чўкди.

Суварин пинагини бузмай чекиб ўтирарди. Этьен бирпас индамай у ёқдан-бу ёққа бориб-келиб турдида, кейин гапга тушиб кетди: у дилидагини тўкиб солгиси келди. Агар шу семиз бекорчи ёпишаверса, у айбдор эканми? Этьен Раснёрнинг сен шуҳрат кетидан қуваяпсан, дея қўйган айбни ўзидан соқит қилишга айниқса зўр бериб уринарди: у қандай қилиб посёлкадагилар билан дўстлашиб кетганига, кўмир қазувчиларнинг ишончини қандай қозонгани ва улар орасида таъсири қандай ошиб кетганига ўзининг ҳам ақли етмасди. Шуҳратпарастлигинг танг аҳволни баттар ёмонлантиряпти, дея тўнкалган айб Этьеннинг ғазабини қайнатарди; у кўкрагига муштлаб, ҳис-туйғулари биродарона эканлигини таъкидларди.

Бирдан у Суварин қаршисида тўхтаб, хитоб қилди:

— Биласанми, бу ишда ўртоқлардан битта-яримтасининг томчи қони тўкилади дейишганида, мен ўша заҳотиёқ Америкага қочиб кетган бўлардим!

Машинист елкасини қисди; тиржайиб лаблари қийшайиб кетди:

— Қони нимаси?!— деди у пичирлаб.— Бунинг ҳеч аҳамияти йўқ. Ер қонсираб ётипти.

Этьен тинчланди, стулни олди-да, Суваринниинг рўбарўсига ўтиб, столга тирсакларини қўйиб ўтирди. Суваринниинг оқ-сариқ сочлари, афти, гоҳо-гоҳо қаҳр билан чақнайдиган сузик кўзлари — буларнинг ҳаммаси Этьенни ташвишлантириб, унинг иродасига ниҳоятда қаттиқ таъсир қиларди. Суварин чурқ этмасди, лекин унинг индамаслиги ҳам Этьенни ҳайратда қолдирарди — у борган сари машинистга кўпроқ муте бўлиб бораётганини кучлироқ ҳис этарди.

— Қани, ўзинг айт-чи, менинг ўрнимда бўлганингда, сен нима қилардинг?— деб сўради Этьен.— Ҳаракат қилишга даъват этиб, ҳато қилибманми? Энг яхшиси ўртоқликка қўшилиш-ку ахир, тўғри эмасми?

Суварин оғзидаги тутунни секин чиқараркан, унга жавобан ўзининг севимли гапини айтди:

— Сафсата! Лекин дастлабки пайтларда бу ҳам

ҳар қалай керак бўлади... Ростини айтганда, уларнинг Интернационали тез орада ўзини кўрсатади. У шуғулланяпти бу масала билан.

— Ким?

— У!

Суварин шарқ томонга нигоҳ ташларкан, товушини пастлатиб, бу гапни қандайдир эҳтиром билан айтди. У ўз мураббийси, анархист Бакунин ҳақида гапирган эди.

— Қақшатғич зарбани ёлғиз ўшанинг ўзи бериши мумкин,— давом этди Суварин,— эволюция ҳақида сафсата сотаётган ўша олимларингнинг бари қўрқоқ... Уч йил ўтар-ўтмас Интернационал унинг раҳбарлигида эски дунёни яксон қилади.

Этьен диққат билан қулоқ соларди. У билиш иштиёқида ёнарди. Этьен ҳар замонда машинист оғзидан чиқадиган сўзларни уқиб олишга, яксон этиш ғоясининг мағзини чақишга ҳаракат қиларди; бироқ Суваринниинг гаплари мужмал бўлиб, гўё бу сирни фақат ўзи учун сақламоқчи бўлгандек эди.

— Бундоқ тушунтириб берсанг-чи, мақсадларинг нима ўзи?

— Ҳаммасини яксон этиш, миллатлар ҳам, ҳукуматлар ҳам, хусусий мулк ҳам, худо ҳам, сиғиниш ҳам бўлмаслиги керак.

— Тушунаман. Лекин бу нимага олиб келади?

— Ҳеч қандай синфлари бўлмаган ибтидоий жамоага, янги дунёга олиб келади, ҳамма нарса янгитдан бошланади.

— Буни амалга ошириш воситалари қандай? Ишга қандай киришмоқчисизлар ўзи?

— Восита—ўт, оғу, ханжар. Қароқчи,—шу чинакам қаҳрамон, халқ қасоскори, китобий гаплардан холи бўлган амалдаги инқилобчидир. Бир неча қонли суиқасдлар уюштириш керак; бу ишлар мулкдорлар ҳокимиятини чўчитиб, халқни уйғотади.

Суварин бу гапларни айтаркан, башараси қўрқинчли бўлиб кетганди. У жазаваси тутиб, ўрнидан турди, хира кўзларида сирли олов чақнади, худди синдириб юбормоқчи бўлгандек, нозик қўллари билан стол четини қаттиқ ушлади. Этьен капалаги учиб, унга тикилиб қолди; у вақт-вақти билан Суварин ҳи-

www.ziyouz.com kutubxonasi

коя қилиб берган гапларни — шоҳ саройи остига қўйилган бомбаларни, худди тўнғизларга санчилгандек пичоқ урилган жандармларнинг бошлиқларини, Суваринниинг маъшуқасини эслади. Суварин учун азиз бўлган бу ягона аёлни ёмғирли кунларнинг бирида Москвада осишганди. Шунда Суварин оломон орасида туриб, унга сўнгги бор меҳр билан тикилган эди.

— Йўқ, йўқ! — деди Этьен қўлларини силтаб гўё даҳшатли тушни ҳайдамоқчи бўлгандек.— Биз ҳали бу даражага етиб келганимиз йўқ. Қотиллик, ўт қўйишлар — асло бўлмайди! Бу — даҳшат, бу адолатсизлик! Ўртоқларнинг ҳаммаси бир кишидек бунга қарши қўзғалиб, айбдорни тилка-пора қилиб ташлашади!

Этьен буни тушунмасди, у бутун борлиғи билан ана шу ёмон ниятга — чалғи солинган буғдой бошоғидек ағдариладиган дунёнинг яксон бўлишига қарши эди. Хўш, кейин нима бўлади? Халқлар яна бақувват бўлиб кетишлари учун нима қилиш керак? У жавоб истарди.

— Менга ўз программангни тушунтириб бер. Қаергa бораётганимизни билишни истаймиз...

Суварин хира кўзларини қаёққадир тикиб, хотиржамлик билан жавоб берди:

— Келажак ҳақидаги ҳар қандай мушоҳада — жиноий иш: бу мушоҳадалар бутунлай емирилишга тўсқинлик қилади, революциянинг ривожланиш жараёнини секинлатади холос.

Бундай жавобни эшитган Этьеннинг эти увушиб кетган бўлса ҳам, кулгидан ўзини тияолмади. Лекин шунга қарамай, ўзининг соддалиги билан мафтун этувчи бу даҳшатли ғоянинг ўзича яхши томони ҳам бўлгани учун Этьен уни тан олишга тайёр эди. Аммо бундай гапларни шахтёрларга айтиш — Раснёрга каттакон дастак тутқизиш эканлигини тушунарди. Тадбир билан иш тутиш лозим.

Бева Дезир хоним уларга нонушта қилишни таклиф этди. Улар миннатдорлик билдиришиб, қовоқхона жойлашган қўшни бинога ўтишди: бегим кунлари бу хона тўсиқ билан залдан ажратиб қўйиларди. Машинист қуймоқ билан пишлоқни еб бўлгач, кетишга чоғланди. Этьен уни қолишга даъват этди.

— Нима кераги бор?— жавоб берди Суварин.— Сизларни ҳеч натижа чиқмайдиган сафсаталарингни эшитиш учунми?.. Бунақа сафсатабозликларни жуда кўп кўрганман. Хайр!

Суварин папирос тортиб, ҳар қачонгидек вазмин ва жиддий қиёфада чиқиб кетди.

Этьеннинг ташвиши ортди. Соат кундузи бир эди. Афтидан, Плюшар сўзининг устидан чиқа олмаган бўлса керак. Соат бир яримда делегатлар йиғила бошлади. Делегатларни ўзи кутиб олишига тўғри келди,— маъмурият ўз жосусларини киритиб юбормасин, деб қўрққан Этьен эшик олдида ўзи турмоқчи бўлди. Этьен ҳар бир таклифномани текширди, кишиларнинг юзларига диққат билан тикилди; лекин кўпгина киши таклифномасиз келипти. Этьен шахсан таниганларини қаршиликсиз ўтказиб юбораверди. Соат иккига занг урганда Этьен Раснёрни кўриб қолди; у пештахта олдида туриб гап сотар ва бамайлихотир трубкасини тортар эди. Унинг хотиржамлигидан масхара қилаётгани яққол сезилиб тургани Этьенни жуда дарғазаб қилди, бунинг устига Захария, Муке ва бошқа майнабозлар ҳам йиғилишга келишипти. Уларнинг майнабозчилик қилишга келишгани аниқ: уларни стачка кам қизиқтирарди, бир амаллаб вақт ўтказсалар бўлди эди. Улар столга ўтиришгач, қолган-қутган пулларига пиво буюришди ва маслакдош забастовкачиларни мазаҳ қилишиб, ҳиринглашди; забастовкачилар эса аламларидан эснай бошлашди.

Яна чорак соат ўтди. Залдагиларнинг тоқати тоқ бўла бошлади. Этьен жаҳл билан қўлини силкиди-да, мажлисни очишга қарор қилди. У энди залга кирмоқчи бўлиб турувди, бирдан ҳадеганда кўчага қараб турган бева Дезир хоним қичқириб қолди:

— Э, ана, сиз кутаётган ўша одам келди!

Ҳақиқатан ҳам бу Плюшар эди. Ориқ қирчанғи қўшилган аравада келган Плюшар кўчанинг ўртасидаёқ сакраб тушди. Бу ўрта бўйли, олифтанамо, калласи ниҳоятда катта киши эди; у байрамга ясанган, ўзига тўқ кишилардек қора сюртук кийиб олганди. У беш йилдан бери қўлига эгов ушламай, сиртига оро берар, айниқса сочини эринмай тараб, ўзининг нотиқлик маҳорати билан жуда фахрланар эди; бироқ

www.ziyouz.com kutubxonasi

унинг уқувсизлиги касб-коридан далолат бериб турарди; улкан қўлларининг тирноқлари темирга ишқаланавериб, ейилиб кетиб, ўсиб чиқмаганди. Ишчан, шуҳратпараст Плюшар вилоятларни тинимсиз кезар, ўз ғояларини тарғиб қилар эди.

— Кечикканимни айбга буюрмайсизлар-да!— деди у ҳар турли савол ва таъналарнинг олдини олиб.— Кеча эрталаб Прейида йиғилиш, кечқурун Валансейда мажлис ўтказдим. Бугун эрталаб Соланья билан Маршьенда нонушта қилдим... Ниҳоят от ёллашга муваффақ бўлдим. Ғиппа бўғилиб қолдим, эшитяпсизлар-ку овозимни. Лекин ҳечқиси йўқ, мен бари бир сўзга чиқаман. Жин урсин! Аъзолик билетим эсимдан чиқибди! Ўзимиз ҳам жуда бўлганимизча бўлибмиз-да!

Плюшар кучер аравани энди саройга қўяётган ерига борди-да, чамадонидан қора ёғоч қутини олиб,қўлтиғига қисиб келди.

Этьен оғзи қулоғига етиб, унинг кетидан келар, ҳанг-манг бўлиб қолган Раснёр эса кўришишга ҳам журъат этмас эди. Лекин Плюшарнинг ўзи унинг олдига келиб, қўлини қисди-да, хат тўғрисида гап очиб, бу қанақа бемаъни гап, нега йиғилиш ўтказилмас экан, иложи бўлса, доимо мажлис ўтказиш керак, деди. Бева Дезир хоним у-бу еб-ичиб олишни таклиф этди, бироқ Плюшар рад этди. Кераги йўқ, шундоқ ҳам гапираверади. Аммо у жуда шошяпти-да, чунки кечқурун Жуазелда бўлиб, у ерда Легуже билан келишиб олиши лозим. Ҳаммалари гурр этиб залга йўл олишди. Маэ билан Левак кечикишган бўлиб, уларнинг кетидан залга киришди. Ҳеч ким халақит бермасин, деб эшикни ичидан қулфлаб олишди. Майнабозчилар овозларини баралла қўйиб бундан кулишди; Захария ошнаси Мукега қичқириб, мартабали йиғилиш ҳақиқатан ҳам туғиб бермоқчи шекилли, дея сўз қотди.

Скамейкаларга юзга яқин шахтёр жойлашди, ҳамма кутарди; ҳавоси оғир залда сўнгги рақс оқшомининг ҳиди бор эди. Залда шивир-шивир бошланди, янги келганлар бўш жойни топиб ўтиргунларича ҳамма уларга ўгирилиб қараб туришди. Лиллдан келган киши ҳамманинг эътиборини тортди. Унинг эгнидаги қора сюртук ҳамманинг ғашига тегарди.

Шу ондаёқ мажлис бошланди. Этьен президиум

сайлашни таклиф қилди. У номзодларни кўрсатди, қатнашувчилар эса ризоликларини билдиришиб, қўлларини кўтаришди. Президиум раислигига Плюшар, Маэ билан Этьен эса аъзолигига сайланишди. Стуллар сурилиб, президиум аъзолари жойларини эгаллашди; ҳамма раисни қидириб қолди, маълум бўлишича у доимо ёнида олиб юрадиган қутичасини стол тагига қўйиш учун энгашган экан. У қаддини ростлаб, мушти билан столни оҳиста тақиллатди-да, кутиб турди, жимлик чўккач, хирилдоқ товуш билан бошлади:

— Гражданлар...

Шу чоқ ён эшик очилди-да, у гапини тўхтатишга мажбур бўлди: бева Дезир ошхонани айланиб ўтиб, патнисда олти кружка пиво келтирди.

— Давом эттираверинг, марҳамат,— деди у секингина.— Гапираётганингда ҳамиша томоғингни ҳўллаб олгинг келади.

Маэ унинг қўлидан патнисни олди Плюшар давом эттириши мумкин эди. У иззат-икром қилганлари учун Монсу ишчиларига ташаккур айтиб, чарчагани ва бўғилиб қолгани туфайли кечиккани учун узр сўради. Кейин у граждан Раснёр гапиришни сўрагани учун унга сўз берди.

Бу вақт Раснёр стол ёнида, пиволи кружкалар турган патнис олдида турарди. Суянчиғи халойиққа қаратилган стул унга минбар вазифасини бажарарди. Раснёр афтидан ниҳоятда ҳаяжонланаётган эди; у йўталиб олди-да, баланд товуш билан бошлади:

— Ўртоқлар!..

Одатда унинг енгил, бемалол гапириши ишчиларда катта таассурот қолдирарди; у соатлаб гапирса ҳам чеҳрасидан мулойимлик ифодаси аримас ва сира чарчамас эди. Бундай пайтларда у қўлларини ўйнатмай, қоққан қозиқдек туриб, жилмайганича гапираверарди; пайдар-пай сўзлаб, тингловчиларни бутунлай гангитиб ташларди; оқибатда тингловчилар: «Ҳа, ҳа, гапинг тўғри, сен ҳақсан!»— дея қичқиришга тушардилар. Лекин у ҳозир биринчи сўзлариданоқ зимдан бир қаршилик сезди-ю, ҳар бир калимани яхшилаб ўйлай бошлади. У фақат забастовкани чўзиш масаласини тилга олди, бу фикри яққол маъқулланса, Интернационалга ёпишмоқчи эди. Ен бериш, Ширкат-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нинг талабларига бўйсуниш, албатта, мумкин эмас— бу ишчилар шаънига путур етказади; лекин олдинда қанчадан-қанча ғам-ғусса кутиб турибди! Ишчилар яна забастовкани давом эттиргудек бўлишса, ғоят аянчли кунларга қолишлари турган гап! Раснёр забастовкани тугатиш керак, деб очиқ айтмаса ҳам, уларни гангитиб қўймоқчи бўлиб посёлкадаги одамларнинг очдан ўлаётганини тасвирлади ва забастовка тарафдорлари кимнинг ёрдамига орқа қиладилар, деб сўради. Дўстларидан икки-учтаси Раснёрнинг сўзларини маъқулламоқчи бўлганди, бироқ кўпчиликнинг энсаси қотиб, уларнинг гапларини индамай совуқ қарши олди: унга хайрихоҳ эмасликлари аниқ бўлиб қолди. Шундан кейин шахтёрларни гапга кўндиришдан умидини узган Раснёр хуноби ошиб, агар чет кишиларнинг гапига лаққа тушадиган бўлсаларинг, қулоқ эшитмаган балоларга дучор бўласизлар, деб каромат қилди. Ўтирганларнинг учдан икки қисми ўринларидан туришиб, унинг унини ўчирмоқчи бўлишди, чунки Раснёр уларга беақл болалардек муомала қилиб, иззат-нафсларига қаттиқ текканди. У бўлса ҳатто одамлар шовқин солишса ҳам пиводан ҳўплаб-ҳўплаб, нутқини давом эттираверди; бурчимни бажаришимга тўсқинлик қиладиган ким экан, бир кўриб қўяй-чи, дегандек жонжаҳди билан қичқираверди!

Плюшар ўрнидан турди. Қўнғироқча бўлмагани учун столни муштлаб, хириллаган товуш билан:

— Гражданлар... гражданлар...— дея такрорларди.

Ниҳоят у сал жимлик ўрнатишга муваффақ бўлди. Қисқа маслаҳатлашувдан сўнг йиғилиш Раснёрни гапни давом эттириш ҳуқуқидан маҳрум этишга қарор қилди. Шахталарнинг директор билан гаплашиб келган делегатлари очликдан силласи қуриган, янги ғоялардан миялари ғовлаб кетган ишчиларга таъсир қилишди. Ҳаммаси олдиндан ҳал қилиб қўйилганди.

— Сен ҳаммасига тупуриб кетаверасан, чунки кунинг ўтаверади!— ўшқирди Левак Раснёрга мушт ўқталиб.

Этьен раиснинг орқасидан бўйнини чўзиб қаҳвахоначининг мунофиқона нутқидан ғазабланиб қипқизариб кетган Маэни тинчитишга ҳаракат қилди.

— Гражданлар,— деди Плюшар,— гапириш учун менга рухсат беринглар.

У гапини бошлади; ҳамма жим бўлиб қолди. Овози оғир, бўғилиб чиқарди, лекин шунга одатланиб қолганди — ҳамма нутқларини хириллаб ирод қиларди. Секин-аста Плюшар товушини баландлатиб борди, овозида тантанавор оҳанг янграй бошлади. У қулочини кенг ёзиб, сўз оҳангига қараб бутун гавдаси билан чайқаларди. Унинг моҳирона нутқи тиловатга ўхшарди; у нутқини тамомларкан, худди черковдагидек, ҳар сафар овозини пасайтирарди, ана шу бир маромда пичирлаб айтилган сўзлар ишончли ва таъсирли бўларди.

У Интернационалнинг улуғворлиги ва саховати ҳақида гапирди. Плюшар биринчи марта нутқ сўзлайдиган йиғилишларда гапни шундан бошларди. У мазкур ташкилотнинг меҳнаткашларни озод қилишдан иборат мақсадларини туўнтириб берди ва унинг олижаноб тузилишини баён этди; қуйида — жамоа, юқорироқда — округ, яна баландроқда — миллат ва ниҳоят энг чўққида — бутун инсоният туради. Унинг қўли секин-аста кўтарилиб борарди: у гўё қаватмақават иморат қуриб, бўлажак дунёнинг улкан биносини бунёд этаётгандек эди. Сўнг Плюшар ички бошқарув масалаларига ўтди: уставни ўқиб берди, съездлар ҳақида, Ўртоқликнинг аҳамияти ошиб бораётганлиги, программанинг кенгайганлиги тўғрисида сўзлади. Аввалига фақат иш ҳақи масаласинигина кўзда тутган программанинг ҳозирда ижтимоий тузумни тубдан ўзгартириб юборишга жиддий киришганини айтиб, программанинг мақсади — ёлланма меҳнат системасини бекор қилишдан иборат эканлигини таъкидлади. Ҳеч қандай миллий айирмачиликлар бўлмаслиги керак: бутун жаҳон ишчилари адолат учун кураш йўлида бирлашиб, биргаликда чиркин буржуазияни супуриб ташлайди ва ишламаган ҳеч нарса олмайдиган эркин жамиятни барпо этадилар! Унинг овози гумбурлаб юқорига ўрларди, ис босган шифтдаги қоғоз гулларни ҳилпиратарди.

Кўмир қазувчилар жонланиб қолишди. Ҳар томондан:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Тўғри!.. Биз бунга қўшиламиз!— деган садолар эшитилди.

Плюшар гапида давом этди. Уч йил ўтар-ўтмас улар ғалаба қилишади. Нотиқ бу ҳаракатга қўшилган халқларни санаб кетди. Ташкилотга кириш ҳақида илтимос қилиб ёзилган аризалар ҳар тарафдан келяпти. Шу чоққача бирор диний таълимотнинг бунчалик кўп муриди бўлган эмасди. Улар ҳукмрон бўлиб олишгач, ҳўжайинларга ўз ҳукмларини ўтказиб, уларнинг шохларини қайириб қўядилар.

— Ҳа!.. Ҳа!.. Уларнинг ўзлари шахталарга тушиб, ишлашаверишсин!

Плюшар ишора қилиб, ҳаммани жим бўлишга чақирди. Энди у забастовка масаласига ўтди. Сирасини айтганда, у забастовкаларни маъқулламасди: бу жудаям секин таъсир этадиган восита бўлиб, ишчиларнинг азоб-уқубатларини чўзиб юборади холос. Аммо ҳозир забастовка бўлиши муқаррар бўлиб, у бошланган экан, уни жиддий ўтказиш керак; забастовкаларнинг яна бир устунлиги шундаки, улар капиталистларнинг сафларини пароканда қилиб юборади. Бундай пайтда Интернационал забастовкачиларга таянч бўлади. Масалан, Парижда бронзачи-темирчиларнинг забастовкаси юз берди. Хўш, нима бўлди? Интернационал забастовкачиларни қўллаётганмиш, деган гап тарқалиши биланоқ, корхона эгалари шунчалик қўрқиб кетишдики, дарҳол ҳамма масалада ён беришди. Лондонда бутун бир шахта забастовка қилди, унинг хўжайини эса Бельгиядан ишчилар ёллаб, олдириб келди; шунда Интернационал кира ҳақини ёнидан тўлаб, ҳалиги ишчиларни изига қайтариб юборди. Ана шу тадбир туфайли забастовкачи шахтёрларнинг қўли баланд келди. Хўжайинларни саросимага солиб қўйиш учун Интернационалга қўшилишнинг ўзи кифоя: чунки хўжайинлар ишчилар капиталистик тузум қуллари бўлиб ётгандан кўра бир-бирлари учун қурбон бўлишни афзал билиб, меҳнаткашларнинг буюк лашкарлари сафига кираётганликларини яхши тушунадилар.

Қарсаклар янграб, унинг сўзи бўлинди. Плюшар янги дастрўмоли билан пешонасидаги терни артди, Маэ таклиф этган бир кружка пивони ўжарлик билан

рад этди. У гапини бошловди ҳамки, яна қарсаклар янграб, нутқини бўлди.

— Тайёр!— деди Плюшар Этьенга мурожаат қилиб.— Буларга шунинг ўзи ҳам етар... Қани, тезроқ аъзолик билетларини ол!

У стол тагига энгашиб, қора қутичани олди.

— Гражданлар!— қичқирди у шовқинни босишга уриниб.— Мана аъзолик билетлари. Делегатлар стол ёнига келишсин, мен уларга билетларни бераман, улар эса сизларга тарқатишади... Қолганларини кейин расмийлаштирамиз.

Ҳамон норозилик билдиришга уринган Раснёр дик этиб олдинга ўтди. Нутқ сўзлаш ниятида Этьен ҳам ўрнидан турди. Саросима бошланди. Левак муштлашишга тайёрлангандек, қўлларини силкита бошлади. Маэ туриб олиб, алланималар дер, лекин сўзларини тушуниб бўлмасди. Тўс-тўполон кучайди, яқинда бўлиб ўтган базмлардан кейин полга инган чанг кўтарилди: ҳавога қўланса тер ҳиди анқиди.

Қўққисдан ён томондаги эшик очилди-да, бева Дезир кўринди, гавдаси билан эшикни тўсиб, овозини гулдуратиб қичқирди:

— Жим бўлинглар, худо ҳаққи!.. Жандармлар!

Келган киши округ комиссари эди, тўрт жандарм билан келган комиссар протокол тузиб, йиғилишни тақиқламоқчи эди, бироқ кечикканди. Бека ўз уйимда хоҳлаган одамимни қабул қиламан, буни ҳеч ким тақиқлай олмайди, дея уларни беш минутча ичкарига киритмай турди. Лекин зўрлик билан уни ён беришга мажбур қилишгач, у йигитларини огоҳлантиргани югуриб келди.

— Манови эшикдан қочиш керак,— давом этди у.— Ҳовлида ярамас жандарм қоровул бўлиб турибди, лекин ҳечқиси йўқ: ўтинхонадан жинкўчага чиқса бўлади... Қани, тез бўлинглар!

Комиссар бу чоқ эшикни тақиллатарди; эшикни очишмагани учун у синдириб кираман, деб дўқ урарди. Афтидан, бирор жосус йиғилиш бўляпти, дея хабар берганга ўхшайди. Комиссар бу йиғилиш қонунга хилоф, чунки жуда кўп ишчи таклифномасиз келган деб бақирарди.

Бу орада залдаги тўс-тўполон тобора кучайиб бо-

www.ziyouz.com kutubxonasi

рарди. Шу аҳволда кетиш мумкин эмасди: на Ўртоқликка аъзо бўлиш, на забастовкани давом эттириш масаласига овоз беришга улгуришганди. Ҳамма баравар гапирарди. Ниҳоят, раис иккала масалани бир йўла очиқ овозга қўйишга жазм этди. Қўллар кўтарилди; делегатлар шошиб-пишиб, биз бу ерда йўқ ўртоқларимиз учун ҳам овоз беряпмиз, дейишди. Шундай қилиб, Монсунинг ўн минг шахтёри Интернационал аъзоси бўлиб қолди.

Ҳамма апил-тапил тарқала бошлади. Уларнинг чиқиб кетишларига имкон бериш учун бева Дезир жандармлар милтиқ қўндоқлари билан тўқиллатаётган эшикни маҳкам ёпиб турарди. Шахтёрлар скамейкалардан ҳатлаб, бирин-кетин ошхона ва ўтинхона орқали қочишаётганди. Раснёр ҳаммадан аввал ғойиб бўлди, тезгина жаҳлидан тушган Левак унинг кетидан кетди; у фақат ўзимга келиб олиш учун бир кружка пивони қаердан ичсам бўларкин, деб ўйларди. Этьен қутичани олиб, уни қўлидан қўймасди; у Плюшар ва Маэ билан бирга кутиб турарди: улар ҳаммадан кейин кетишни шараф деб билардилар. Улар чиқиб кетишмасданоқ, эшикнинг илгаги чиқиб кетиб, комиссар бекага рўбарў бўлиб қолди: унинг сийнаси ва қорни сўнгги тўсиққа айланди.

— Ҳаммаёқни бузиб-янчиб, шохларинг чиқдими?— деди бева.— Кўряпсизлар-ку, ҳеч ким йўқ!

Тепса тебранмас ва ишни чалкаштириб юришга сира тоқати йўқ комиссар бевага қараб, сени турмага ўтказаман, дея дўқ қилиб қўйди. Кейин у протокол ёзгани жўнади; тўртала жандарм ҳам унинг кетидан юришди. Ўртоқлари ишни боплаб кетишганига қойил қолган Захария билан Муке энди қуролли полициячилардан заррача ҳам чўчимай, уларни мазах қилишарди.

Этьен жинкўчага чиқиб олгач, қутичани қўлтиғига қисганича бошқалар билан бирга қочиб кетаверди. Бирдан Пьерронни эслади-ю: «Нима учун мажлисга келмадийкин?» деб ўйлади. Чопиб бораётган Маэ унинг бетоб бўлиб қолганини, тоби қочгани ҳам чакки бўлмаганини айтди; маъмурият кўзига шумшук кўриниб қолмай, дегандир-да. Плюшарни қолинг, дея қисташди, лекин у тўхтамай, ҳозироқ Жуазелга жўнашим керак,

у ерда Легуже фармойишларимни кутиб турибди, деб жавоб берди. Унга оқ йўл тилаб, кузатиб қолишди. Шахтёрлар қадамларини секинлатмай, тўғри Монсу йўлидан чопиб боришаркан, нафаслари тиқилиб, аҳён-аҳёнда бир-бирларига луқма ташлаб қўйишарди. Этьен билан Маэ хурсанд бўлиб кулишарди. Энди улар ғалабаларига ишончлари комил эди: Интернационал маблағ юбориши биланоқ Ширкатнинг ўзи ишга чиқа қолинглар, деб ялинади. Уларнинг дадиллашиб қолганида, қўпол пойабзалларнинг катта кўча тошларига тегиб тўп-тўп этишида умид туғилишигина эмас, яна бошқачароқ бир нима, қандайдир даҳшатли ва шафқатсиз нарса — ҳамма ишчи посёлкаларига ёйилиб, бутун округни курашга отлантирувчи ғазаб ҳам бор эди.

V

Яна икки ҳафта ўтди. Январнинг бошлари эди. Поёнсиз текислик қаҳратон қиш туманида музлаб ётганди. Аҳвол оғирлашганди, посёлкаларда очлик авжга чиқиб, кун кўриш соат сайин ёмонлашиб борарди. Интернационал Лондондан юборган тўрт минг франк уч кунга зўрға етди. Бошқа ердан ҳеч вақо келмади. Ҳамманинг руҳи тушиб кетганди, катта умидлар рўёбга чиқмаганди. Ҳатто биродарлари ҳам ташлаб кетса, кимдан ҳам умид қилиш мумкин? Улар бутун дунёдан умидларини узиб, энди ўзларини қиш авжга чиққан пайтда ўлиб кетадигандек ҳис этардилар.

Сешанба куни Икки юз зағизғон посёлкасида охирги емишлар ҳам тугади. Этьен билан делегатлар тиниб-тинчишмади: атроф шаҳарларга, ҳатто Парижга хитобнома варақалари юборишди, ионалар йиғишди, мажлислар ўтказишди. Бироқ бу уринишларнинг бари бирор натижа бермади. Аввалига туғёнга келтирган тап-сўзлар забастовка чўзилиб, ҳайратга солувчи ҳеч қандай воқеа юз бермагач, мутлақо тинчиб қолди. Айрим одамлар қилган озгина иона энг муҳтож оилаларгагина аранг етарди. Бошқалар эса кийим-бошларини гаровга қўйиб, секин-аста рўзғор буюмларини сотиб, тирикчилик қилишди. Ҳамма нарса — тўшакларнинг жунлари, рўзғор идишлари, ҳатто мебеллар

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳам эскичиларнинг қўлларига ўтди. Бир умид учқуни ялт этгандай бўлди: Монсудаги Мегра билан рақобатга дош беролмай синган майда чайқовчилар унинг харидорларини оғдириб олиш учун қарз бериб турадиган бўлишди; шундай қилиб, бир ҳафтадирки, Вердонканинг баққолчилик дўкони билан Карубль ва Смельтенларнинг икки нон дўконига одам сиғмай кетди; лекин озиқ-овқат тамом бўлиши билан бу иш ҳам барҳам топди. Суд ижрочиларнинг иши юриб қолди — қарзлар ҳаддан зиёд кўпайди; кўмир қазувчилар энди бу қарзлар жадида ҳам азоб чекишлари аён бўлиб қолди. Энди ҳеч ким қарзга нарса бермасди, сотадиган нарсанинг ўзи йўқ — ҳатто эски кастрюлка ҳам қолмаганди; дайди итдек бир бурчакка бориб, чўзилиб ўлишдан бошқа илож йўқ эди.

Этьен ҳеч қандай қурбондан қўрқмасди. У ойлигидан орттирган нарсаларининг ҳаммасини аллақачон берганди. Маршьенндаги судхўрга мовут сюртугини, яхши шимини топширди ва ўзи туфайли Маэ оиласи ҳали яшаб туриши мумкинлигидан бахтиёр эди. Энди этигигина қолганди, лекин ўзининг таъбири билан айтганда, оёқда маҳкам туриш учун этикни эҳтиёт қиларди. Бироқ уни ҳамма нарсадан ҳам хуноб қилаётган нарса — ўзаро ёрдам кассаси кучайиб олмасдан забастовканинг жуда эрта бошлангани эди. У фалокатнинг ягона сабаби шу деб биларди; ахир ишчилар шу ишсизлик даврига бардош бериш учун етадиган пул жамғариб қўйишганида, шубҳасиз, хўжайинлар устидан ғалаба қилган бўлардилар. Этьен Суварининг: кассани дастлабки кунларидаёқ, ҳали фонд қилиб олмасиданоқ барбод этиш мақсадида Ширкатнинг ўзи ишчиларни забастовка қилишга ундади, деб Ширкатни айблаб гапирганини эслади.

Этьен посёлкада нони ҳам, ёқилғиси ҳам йўқ бахтсиз кишиларни кўрганида юрак-бағри эзилиб кетарди. У посёлкадан чиқиб кетиб, узоқ вақт дарбадарликда кун ўтказишни афзал кўрарди. Бир куни кечқурун уйга қайтаётган Этьен Рекийяр ёнидан ўтаётиб, шундоққина йўлда беҳуш ётган бир кампирни кўриб қолди: у кампирни кўтарди-ю, шу заҳоти иҳотанинг нарёгидаги қандайдир қизга кўзи тушди.

— Э, сенмидинг?— деди у Мукеттани таниб.— Менга ёрдамлашиб юбор-чи. Унга бирор нима бериш керак.

Бундан таъсирланиб, кўзларига ёш келган Мукетта отаси харобалар орасида қўнқайтирган кулбага югуриб кетди. Қиз шу заҳоти қорарча арағи билан бир тишлам нон олиб келди. Арақ кампирни хушига келтирди, у бир оғиз ҳам гапирмай, очкўзлик билан нонга ёпишди. Бу кампир бир кўмир қазувчининг онаси экан: У Кунья ёнидаги посёлкада тураркан, бечора Жуазелда яшайдиган синглисидан жилла қурса ўн су пул қарз олиб келгани борган экан-у, қайтишида ҳушидан кетиб йиқилиб тушибди. Кампир нонни еб бўлгач, гандираклаб йўлига қараб кетди.

Этьен Рекийярнинг бўм-бўш яланглигида қолди: атрофдаги омонат бинолар қалин бутазор ичидан кўриниб турарди.

— Хўш, нима қилиб турибсан, кириб бир стакан ичмайсанми?— сўради Мукетта қувноқлик билан.

Этьен иккиланди.

— Сен ҳалиям мендан қўрқиб юрибсанми?— гапида давом этди Мукетта.

Қизнинг кулгисига маҳлиё бўлган Этьен унинг кетидан кетаверди. Қизнинг сахийлик билан кампирга нон тутиши Этьенни эритиб юборганди. Мукетта меҳмонни отасининг уйида кутишни истамай, ўз бўлмасига олиб кирди-да, дарҳол қорарча арағидан бир стакандан қуйди. Хона ниҳоятда озода, саранжом эди; Этьен Мукеттани мақтади. Афтидан, бу хонадон муҳтожликни билмасди: отаси аввалгидек Ворёда отбоқарлик қиларди, ўзи эса қўл қовуштириб ўтирмай, кир ювишга бориб, кунига ўттиз су ишлаб келарди. У эркаклар билан дон олишиб юрса ҳам, уни сира ҳам бекорчи деб бўлмасди.

— Қани,— деди у пичирлаб, бирдан мулойимлик билан Этьеннинг белидан қучиб.— Қани айт-чи, нега мени севишни хоҳламайсан?

Энди Этьен ҳам кулгидан ўзини тўхтата олмади, унинг саволи шунақаям ёқимли чиқдики, асти қўяверасиз.

— Ие, мен сени жуда севаман,— жавоб берди у.

— Йўқ, йўқ, мен хоҳлагандек севмайсан-да... Сенга етаман деб ўлиб бўлдим-ку. Хўш? Агар севсанг, бошим осмонга етарди!

Унинг гапи тўғри эди — Мукетта ярим йилдан бери унга тинчлик бермасди. Этьен ҳамон унга қараб ту-

www.ziyouz.com kutubxonasi

рарди, Мукетта бўлса унинг пинжига тиқилганча титроқ қўллари билан қучоқлаб, диққат билан унга тикиларди; унинг бу нигоҳида шундай ҳароратли илтижо бор эдики, Этьен ийиб кетди. Унинг тахир кўмир чангидан сарғиш тусга кирган лўппи юзини чиройли деб бўлмасди; лекин кўзлари чақнаб, аъзойи бадани ишқ ва эҳтирос ўтида ёнарди; Мукетта қип-қизариб, гўё ёшариб кетганди. Шу боисдан Этьен Мукеттанинг шунчалар мутелик ва эҳтирос билан тортиқ этган армуғонини қайтара олмади.

— Сен розисан, а?— қувонч билан бидирларди қиз.— Розисан!

Кейин Мукетта худди биринчи марта эркак билан ётгандек, бундан олдин ҳеч кимни кўрмагандек, аллақандай бир довдираш ва бесўнақайлик билан ўзини унинг ихтиёрига топширди. Этьен кетаркан, Мукетта ўз миннатдорчилигини қандай изҳор этишини билмай, унга раҳматлар айтар, қўлларини ўпар эди.

Бу учрашувдан кейин Этьен бир оз уялиб юрди. Мукетта билан ётиш дуруст, лекин буни ғалаба деб бўлмайди-да! У кетаркан, энди унинг олдига қайтмайман, дея қасам ичди. Ҳар қалай, қиз ҳақида Этьенда яхши таассурот қолган эди: ажойиб қиз-да, қурғур!

Этьен посёлкага қайтиб келганида муҳим янгиликларни эшитиб, шу ондаёқ саргузаштларини унутди. Агар делегатлар яна директорга мурожаат қилгудек бўлишса, Ширкат ён берармиш, деган гап тарқалибди. Штейгерларнинг ўзлари шундай дейишаётганмиш. Бир нарса шубҳасиз эди: узоқ давом этган курашдан корхона ҳам кўмир қазувчилардан кам зиён кўрмаганди. Бу қайсарлик ҳар иккала томон учун ҳам ҳалокатли эди: ишчилар очдан ўла бошладилар, капитал эса зиён кўрарди. Забастовканинг ҳар бир куни юз минглаб франкка тушарди. Машина тўхтадими — у ўлик нарса, деявер. Материал билан асбоб-ускуналар ишдан чиқар, корхонага сарф этилган пуллар қумга сингган сувдек йўқоларди. Конларнинг омборларидаги озгина кўмир запаси ҳам тугаб бораётгани учун мижозлар энди кўмирни Бельгиядан оламиз дейишаётганди; бунинг оқибати эса келажакда жуда хавфли эди. Лекин Ширкатни ҳаммадан ҳам кўпроқ қўрқитаётган нарса йўлак ва ўнгирларнинг доимий емирилиб бориши бўлиб, маъмурият бу ташвишни зўр бе-

риб яширишга ҳаракат қиларди. Штейгерлар жуда озчилик бўлишганидан, бузилган жойларни ўзлари ремонт қилиша олишмасди: ҳаммаёқда тўсинлар қулаб, деярли ҳар соатда бирон ер ўпирилиб турарди. Шахтадаги вайронгарчиликлар шу даражага бориб етдики, яна кўмир қазиб олишга киришишдан олдин бир неча ой ремонт қилиш талаб этиларди. Бутун округда Кручинадаги бир йўлакни узунлиги уч юз метр келадиган кўчки босиб, Беш Шар кўмир қатлами йўлини тўсиб қўйибди; Мадленадаги Могрету қатлами босиб қолиб, сув тошиб кетибди, деган гаплар юрарди. Маъмурият буларни инкор қилиб ҳам турган эдики, кетма-кет рўй берган икки ҳодиса уни бу шовшувларда жон бор, дея тан олишга мажбур этди. Бир куни эрталаб Пиоленага яқин жойда тўсатдан ер чўкди, Миру конларининг шимолий штольняси шу жойдаги ер остидан ўтганди; эртасига эса Ворё шахтасида шундай зўр кўчки юз бердики, унинг зарбидан яқиндаги бутун бир маҳалла силкиниб, икки бино эса қулаб тушай деди.

Этьен билан делегатлар Правлениенинг ниятларини билмай туриб, бирор иш қилишга ботина олмасдилар. Дансартдан сўрашганида, у очиқ жавоб беришдан бўйин товлади: албатта, Правление бирор битимга келмаганидан жуда афсусланди; имконияти бўлган ҳамма нарса қилинади. Лекин Дансарт бирор аниқ гап айтмади. Делегатлар ўйлаб-ўйлаб охири Энбо жаноблари ҳузурига бориб, унга ўз даъволарини баён қилишга қарор бердилар: кўмир қазувчилар кейинчалик Ширкат ўз ноҳақлигимизни тушуниб олишимизга қўймади, деб бизни айблаб юрмасин, деган андишага бордилар. Бироқ улар ҳеч қандай ён бермасликка, ўзларининг тамомила адолатли шартларини қаттиқ туриб ҳимоя этишга қасамёд қилдилар.

Учрашув душанба куни эрталаб бўлиб ўтди; шу кунга келиб посёлкадаги муҳтожлик энг охирги нуқтасига етгандай эди. Учрашув биринчи дафъадагига қараганда анча нохушлик билан ўтди. Яна Маэ гапирди; у ўртоқларим менга маъмурият бирор янгилик айта олармикин, шуни билиб келинг, деб топширувди, деди. Аввалига жаноб Энбо ҳайрон қолган киши бўлиб, мен ҳеч қандай кўрсатма олганим йўқ, кўмир қазувчилар ҳамон қайсарлик қилиб, забастовкани да-

www.ziyouz.com kutubxonasi

вом эттираверсалар, аҳвол заррача ҳам ўзгармайди, деди. Унинг бошлиқларга хос совуқ оҳангда гапириши делегатларда ёмон таассурот қолдирди; улар келишиш ниятида келишган бўлишса ҳам, бундай совуқ муомалани кўриб, аҳдларида янада қаттиқроқ туришга жазм этишди. Кейин директор ўзаро битимга келиш йўлларини қидирди: майли, ишчилар маҳкамлашга оид ишлар учун алоҳида ҳақ олиша қолишсин, Ширкат, кўмирчиларнинг фикрича, ўз фойдасига босиб қолаётган ўша икки сантим пулни шу ишлари учун қўшиб бера қолар. Шуни писанда қилиб қўяйки, бу таклиф шахсан ўзимнинг таклифим,— Правление ҳали ҳеч қандай қарор қабул қилгани йўқ, лекин бу таклифга Париждан ижобий жавоб олсам керак, деган умиддаман, деди у давом этиб. Делегатлар буни рад этиб, ўзларининг аввалги талабларини такрорлашди: ишга аввалгисича пул тўлаш сақлангани ҳолда ҳар бир вагонеткага беш сантимдан қўшиб беришларини талаб этишди. Шунда директор у ёки бу қарорни қабул қилишга ваколат олганлигини очиқ айтди-ю, очдан ўлаётган хотин, бола-чақаларингизга раҳм қилинглар, деб уларни ён беришга кўндиришга уринди. Улар ерга қараганларича бошларини сарак-сарак қилишиб, аввалгидек қатъият билан йўқ-йўқ деб такрорлашди. Улар бир-бирларига ҳўмрайишиб тарқалишди. Жаноб Энбо эшикни қарс этиб ёпди. Этьен, Маэ ва бошқалар этиклари билан тош кўчани тўқиллатиб, енгилганлари учун ғазабга тўлиб, чурқ этмай боришарди.

Кундузи соат иккиларда посёлкадаги хотинлар ҳам ўзларича Мегра билан келишишга ҳаракат қилиб кўришди. Бу сўнгги умид эди: бу одамни лоақал яна бир ҳафта қарзга озиқ-овқат бериб туришга кўндирмоқчи эди. Бу фикрни ҳамон одамларнинг саховатига ишончини йўқотмаган Маэ хоним ўртага ташлади. У Ашаддий кампир ва Левакнинг хотинини ўзи билан бирга боришга кўндирди; Пьерроннинг хотини боришдан бош тортди; бетоб эримни бир минут ҳам ташлаб кетолмайман, деб туриб олди. Яна бир неча хотин келиб қўшилди; уларнинг аввалига кичкина бўлган тўпи шундай қилиб, йигирма кишига бориб қолди. Монсу йўлларида уларнинг сўлғин ва ғамгин

юзларини кўрганлар ташвишланиб, бошларини сарак-сарак қилишарди. Ҳамма эшикларини ёпиб оларди; аллақандай битта хоним бўлса кумуш тақинчоқларини яширишга шошилди. Улар биринчи марта ана шундай боришарди, бу яхшилик аломати эмасди: хотин-халаж тўдалашиб йўлга чиқса, одатда бир фалокат бўлмай қолмасди. Мегра дўкони олдида жанжал кўтарилди. Аввалига Мегра булар ҳаммаси тил бириктиришиб, пул тўлагани келишган, дея кулиб, уларни дўконига киритди; тиржайиб, қарзни тўлашга жазм қилишгани мақтовга лойиқ иш, деб мақтади. Маэ хоним гапира бошлагандан кейин эса у ўзини жаҳли чиққан қилиб кўрсатди. Нима, улар калака қилишяптими? Яна уларга қарзга мол берсинми? Нима, улар Меграни хонавайрон қилишмоқчими? Йўқ, йўқ, энди биттаям картошка, бир тишлам нон ҳам бермайди! Кейин Мегра уларга баққол Вердонкага, Карубль билан Смельтеннинг нон дўконларига мурожаат қилишни маслаҳат берди,— ахир ўзлари ҳам кейинги пайтларда ўша дўкондорлардан харид қилишяпти шекилли. Хотинлар Меграни ийдирса бўлармикин, дея унинг кўзларига қараб, ўзларини ниҳоятда паст олиб, қўрққан қилиб кўрсатдилар. У яна хотинларни мазах қилишга ўтди, Ашаддий кампирга, агар менга ўйнаш бўлишга рози бўлсанг, бутун дўконимни берардим, дея тегишди. Улар ниҳоятда қўрқиб кетганларидан кулиб юборишди, Левакнинг хотини бўлса, юзини сидириб ташлаб, сен билан ўйнашишга мана, мен тайёрман, деди. Бироқ Мегра қўполлик қилиб, уларни туртиб чиқара бошлади. Улар ялиниб-ёлборишда давом этишди; шунда Мегра жон-жаҳди билан битта хотинга ташланди. Хотинлар кўчага чиққач, уни пасткаш чайқовчи, дея қарғашга тушишди, алами ва ғазабига чидай олмаган Маэ хоним эса қўлларини кўтариб, унга ўлим тилади, бундай одам нон ейишга лойиқ эмас, дея қичқирди.

Улар посёлкага диллари сиёҳ бўлиб қайтишди. Хотинларнинг уйга қуруқ қайтишганини кўрган эрлари бошларини қуйи солишди. Ҳаммаси тамом: кун кеч бўляпти-ю, бир қошиқ овқатдан дарак йўқ; бундан буёнги кунлар совуқ, зимистон бўлиб, йилт этган умид учқуни кўринмайди! Лекин уларнинг ўзлари шу

www.ziyouz.com kutubxonasi

йўлни танлашгани учун ҳеч ким таслим бўлиш ҳақида оғиз очмади. Қашшоқлик даҳшати уларнинг қайсарлигини оширди холос, улар худди қафасга қамалган ҳайвондек, чурқ этмай ён бергандан кўра ўз инимизда очдан ўлганимиз яхши, деган қарорга келишди. Қани, таслим бўламиз, деган таклифни биринчи бўлиб ким айтади? Улар шахтада ўртоқларидан битта-яримтаси кўчки остида қолганида ҳаммалари бир ёқадан бош чиқарганидек, эндиликда ҳам бир жон-бир тан бўлишга қасам ичишди. Ўзи шундоқ ҳам бўлиши керак-да: у ерда, пастда, ўнгирларда тақдирга тан бериш борасида яхши сабоқ олишган; модомики улар ўн икки ёшлариданоқ сув ва ўтга қарши курашиб келишяптими, яна бир ҳафта очликка чидаш мумкин. Бу аҳду паймонга яна бир туйғу — аскарлик шон-шарафига ўхшаган туйғу қўшилиб, бу ҳар соатда ўз ҳаётини таҳликада қолдиришга, ҳар қандай қурбонликка тайёр туришни ўрганишга мажбур этувчи касб кишисининг ғурури эди.

Маэ хонадонида оқшом ниҳоятда аянчли ўтди. Ҳамма сўнгги чўғлар милтиллаб ўчиб бораётган ўчоқ олдида индамай ўтирарди. Улар тўшак юнгларини озоздан сотиб тамомлашди-ю, кеча кукулайдиган соатни ҳам уч франкка сотишга жазм этишди; энди уйга файз бағишлайдиган чиқ-чиқ ҳам эшитилмасди, хона бўм-бўш, кимсасиздек эди. Буфетда бир вақтлар эри совға қилган картон қутигина қолганди; Маэ хоним буни худди қимматбаҳо нарсадек асраб келарди. Иккала яхши стулни аллақачон сотиб юборишганди; бобо билан болаларнинг ҳаммаси боғдан олиб келишган, замша қопланган шалоқ скамейкада сиқилишиб ўтиришарди. Кўкимтир ғира-шира гўё совуқни кучайтираётгандек эди.

— Нима қиламиз?— деб такрорлади ўчоқ ёнида қунушиб ўтирган Маэ хоним.

Этьен тик турганича, император билан рафиқасининг деворга осиғлик суратларини томоша қиларди. У аллақачон бу суратларни юлқиб олган бўларди-ю, лекин хонадон соҳиблари уларни безак сифатида қадрлашиб, бундай қилишга қўйишмасди...

— Бу малъунларни элтиб сотсанг, икки су ҳам беришмайди; очдан тиришиб ўлишимизни томоша қилишаётгандек, кўзларини лўқ қилиб туришларини-я,— деди ғижиниб Этьен.

Маэ хоним бир оз иккиланиб тургандан кейин:

— Қутини сотсак-чи?— деди-ю, оқариб кетди.

Столда оёғини осилтириб, бошини қуйи солиб ўтирган Маэ хотинининг гапини эшитиб, қаддини ростлади-да:

— Йўқ, мен буни хоҳламайман,— деди.

Маэ хоним зўр қийинчилик билан ўрнидан туриб, хонани айланиб чиқди. Э, худо, шунчалик ҳам қашшоқликка тушиб қолишадими-а! Буфетда ушоқ ҳам йўқ, сотадиган ҳеч вақо қолмаган, нон топишнинг ҳам ҳисоби йўқ! Мана энди ўт ёқишга ҳеч нима қолмади! Маэ хоним Альзирани қарғаб кетди: уни эрталаб уюмлардан бир-икки бўлак кўмир топиб кел, деб юборса, қуруқ қайтиб келди — Ширкат кўмир териб олишни тақиқлаган экан. Ширкат тақиқлайверади-да! Қолган-қутган кўмирни териб келиш ўғирлик эканми? Қиз бечора худонинг зорини қилиб, қандайдир бир одам, агар кўмирдан олсанг, савалайман, дея дўқ қилганини, аммо у калтак еса ҳам эртагаёқ боришини айтди.

— Анови ярамас Жанлен қани?— қичқирди она.— Қаерларда йўқолиб юради у? Мен сизлардан сўраяпман... Салат ўт териб келиши керак эди-ку: ҳеч бўлмаса молга ўхшаб хомлигича чайнаб турардик-ку! Мана кўрасизлар, у келмайди. У кеча ҳам уйга келиб ётмовди. Унинг нима қилиб юрганини билмайман-у, лекин назаримда доимо қорни ёрилгудек бўлиб юради.

— Балки у тиланчилик қилиб юргандир?— деди Этьен.

Маэ хоним ғазабдан қутуриб муштини тугди.

— Тиланчилик қилганини бир билай!.. Менинг болаларим гадойчилик қиладими энди? Ундан кўра болаларимни ҳам, ўзимни ҳам ўлдирарман.

Маэ яна столга ўтирди. Уларнинг овқатлангани ўтиришмаётганларидан ажабланган Ленора билан Анри хархаша қила бошлашди; бобо индамай чинакам донишмандлардек тақдирга тан бериб, очликни алдаш учун оғзида тилини айлантирарди. Ҳеч ким чурқ этмасди; гўё ҳаммалари азоб-уқубат исканжасида тошдек қотганди. Бобо йўталиб, қоп-қора балғам таш-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ларди: унинг яна боди тута бошлаганди — истиқсо касалига айланай деб қолганди; ота зиқнафас касалига мубтало бўлганди, доимо захда юрганидан тизза-ларининг кўзи шишганди; она билан болаларнинг ширинча хасталиги зўрайди, наслдан наслга ўтиб келаётган камқонлик касаллиги ҳам қўзиди. Тўғри, бу иллатларнинг ҳаммаси оғир меҳнат натижаси эди, лекин ҳеч ким зорланмасди,— ҳаммасидан ҳам ёмони — очлик азоби эди: посёлкадаги одамлар пашшадек қирила бошлаганди. Нима қилиб бўлса ҳам емиш топиш керак эди. Нима қилиш керак, қаердан кўмак излаш лозим?

Қош қорайиб, хона янада қоронғироқ, янада қайғулироқ бўлиб кетди. Этьеннинг юраги тарс ёрилгудек бўлди; у бир лаҳза иккиланиб тургандан сўнг бирор фикрга келди шекилли:

— Бир оз сабр қилиб туринглар-чи,— деди. Мен бориб бир уриниб кўрай-чи, зора ейишга бирор нарса топиб келсам.

У чиқиб кетди. У Мукеттани эслаб, ўшаникига боришга қарор қилганди. Мукеттада нон бўлиши керак, унга жон деб беради. Рекийярга қайтиб бориш унга наша қиларди: қиз яна худди ошиқ чўридек қўлларини ўпади-да. Лекин дўстларни кулфатда қолдириб бўлмайди-да, шунинг учун у агар шу зарур бўлса, яна бориб Мукеттани эркалатади-да.

— Мен ҳам бораман,— деди Маэ хоним.— Уйда қўл қовуштириб ўтиришдан ёмони йўқ.

У Этьен кетидан чиқди-да, кучи борича эшикни қарсиллатиб ёпди. Қолганларнинг ҳаммаси Альзира ёққан пиликнинг хирагина ёруғида чурқ этмай, қимирламай ўтирарди. Кўчага чиққан Маэ хоним хаёл суриб тўхтади, кейин Левакларнинг уйини тақиллатди.

— Менга қара, тунов куни мен сенга нон қарз берувдим. Ўшани менга беролмайсанми, а?

Лекин у беихтиёр жим бўлиб қолди: бу ерда кўргани жудаям аянчли эди,— бу уйдаги муҳтожлик ўз уйидагидан ҳам баттар эди.

Левакнинг хотини ўти сўнган ўчоққа меровсираб тикилганча ўтирибди: михсоз оғайнилари оч қорин-га ичирган эри бўлса, стол устида чўзилиб, ухлаб ётарди. Деворга суянган Бутлу елкасини деворга ишқаларди; қўли очиқ кишининг кўриниши паришон эди: Левак оиласи унинг ҳамма жамғармасини ютиб бўлганди, энди ўзим ҳам қорнимни сириб юрарканман-да, дея ҳайрон бўлиб турганга ўхшарди.

— Нон дейсан-а! Эй, дугонажоним-ей!— жавоб берди Левак хоним.— Мен ўзим сендан яна битта нон қарз олсаммикин, деб турувдим.

Левак уйқусида инграб, бир нима деб ғўлдиради; хотини жаҳл билан унинг юзини шалоп этиб столга урди.

— Жим бўл-е, чўчқа! Ичакларинг ачишаётган бўлса, баттар бўл!.. Бировнинг ҳисобига ичгандан кўра, оғайниларингдан йигирма су қарз олсанг бўлмасмиди!

Хотини аламини кимдан олишни билмай қарғашга тушди. Унинг рўзғорида анчадан бери сира ҳузур-ҳаловат қолмаганди, хона шу қадар ифлос бўлиб кетгандики, полдан кўтарилаётган қўланса ҳидга тоқат қилиб бўлмасди. Ҳаммаси сабиллар қолсин, жин урсин! Ўғли, ярамас Бебер ҳам эрталабдан бери келгани йўқ эди, шу боисдан она умуман келмай қўя қолганинг ҳам яхшийди, ташвишим камаярди, деб қичқирарди. Кейин у, энди ётмасам бўлмайди, лоақал исиниб оламан-ку, деди-да, Бутлуни туртди.

— Қани, ҳой, тепага чиқа қолайлик! Олов ўчган, шамни ёқишнинг ҳожати йўқ: бўш ликопчаларга қараб ўтирамизми?.. Қани, борасанми, Луи? Сенга айтяпман, бирга ётамиз; қапишиб олсак — яхши бўлади... Манови, жин ургур алкаш бир ўзи музлаб ётаверсин!

Леваклар уйидан чиққан Маэ хоним шахдам қадамлар билан бог-рогларни кесиб ўтиб, Пьерронларникига равона бўлди. Уларнинг уйидан кулги эшитилди, Маэ хоним тақиллатиши билан, қўққисдан ҳаммаёқ сув қуйгандек жим бўлиб қолди. Анча вақтгача эшикни очишмади.

— Э, сенмидинг!— хитоб қилди Пьеррон хоним таажжубланган-дек.— Мен докторми, деб ўйлабман.

У Маэни эс-ҳушини йиғиб олишига қўймай, ўт гуриллаб турган камин олдида ўтирган эрини кўрсатиб, гапида давом этди:

— Вой, бояқиш ҳалиям касал, ҳанузгача тузал-

www.ziyouz.com kutubxonasi

маяпти. Ранг-рўйига қарасанг — туппа-тузук, лекин қорнида бир касали бор-да. Унга иссиқ керак, шунинг учун каминни ёққанимиз-ёққан, кўмир ўрнига боримизни ёқиб битиряпмиз.

Ҳақиқатан ҳам семиз Пьеррон кўринишдан соппасоғ, оғир-оғир нафас олиб, ўзини касалликка солишга ҳар қанча уринмасин, бари бир милтиқнинг ўқидек эканлиги шундоқ билиниб турарди. Маэ хонага кириши билан қоврилган қуён гўштининг ўткир ҳидини дарров сезди: у келиши билан овқатни олиб қўйишган бўлишса керак. Дастурхон устида нон увоқлари сочилиб ётарди, ўртада эса бир шиша вино кўзга яққол ташланиб турарди, уни олиб қўйишни унутишган шекилли.

— Онам нон-нон олиб келгани Монсуга кетди,— деди гапида давом этиб Пьеррон хоним.— Кўзимиз тўрт бўлиб кутиб ўтирибмиз.

Шу чоқ унинг овози бўшашди: у Маэнинг қаёққа қараётганини пайқади-ю, шишани кўриб қолди, у дарҳол ўзини тутиб олиб, бир воқеани узундан-узоқ гапириб кетди: ҳа, ҳалиги, пиоленалик жаноблар бетоб эрига доктор ичишни буюрган винони олиб келишган эди. Кейин уларни мақтаб кетди... Мунчаям яхши одамлар экан булар! Айниқса қизларини айтинг — шундай хоксор, ишчиларнинг уйларига кириб, нафақаларини ўзи улашиб юрибди-я!

— Э, нимасини айтасиз,— деди Маэ хоним,— мен уларни биламан.

Маэ хоним, доимо ёрдамни асло муҳтож бўлмаганларга беришади, мен эса нуқул қуруқ қоламан, деб ўйлади-ю, юраги сиқилди; Пиоленадан келадиган жаноблар сувни тубсиз бочкага қуйишади. Нега посёлкада уларни кўрмай қолдийкин? Балки у улардан бирор нарса ундириб қолармиди.

— Мен,— деди Маэ хоним ниҳоят журъат этиб,— сизлар ҳам менга ўхшаб қийналяпсизларми, шуни бир билай-чи, деб кирувдим... Сен менга пича вермишель қарз бериб туролмайсанми, а?

Пьеррон хоним шанғиллаб оҳ-воҳ қилишга тушди.

— Ҳеч вақо йўқ, азизим, на унимиз, на донимиз бор!.. Онам ҳанузгача қайтиб келмаяпти, бу эса иши

юришмаганидан далолат беради. Оч ётишга тўғри келади.

Шу чоқ пастдан, ертўладан йиғи овози эшитилди. Пьеррон хоним дарғазаб бўлиб, эшикни муштлади. Бу ярамас қиз Лидия кун бўйи қаерларда санқиб юриб, соат бешгача уйга келмагани учун қамаб қўйишган экан. Сира нафи тегмаётганмиш, борган сари қўлдан чиқиб кетаётганмиш.

Маэ хоним бўлса, ҳамон хонада қаққайиб турар, ўзини уйдан чиқиб кетишга мажбур қилолмасди. Каминдан шундай ёқимли иссиқлик урилардики, бу ҳузур-ҳаловатдан Маэнинг юраги орзиқиб кетди; бу хонадондагиларнинг егани олдида, емагани орқасида, деган фикр хаёлига келиб, очлиги ҳаддан зиёд азоблай бошлади. Пьерронлар қовурдоқни ўзлари мазза қилиб ейиш учун кампирни бир ёққа жўнатиб, қизни қамаб қўйишгани аниқ. Ғарнинг уйи ғарра-шарра, деб бежиз айтмайдилар-да!

— Хайр, яхши ётиб туринглар!— деди тўсатдан Маэ хоним.

Ташқари қоронғи эди; булутлар орасидаги ой ерни хира ёритарди. Маэ хоним яна боғлар оралаб келиш ўрнига, айланма йўлдан юрди, у шундай умидсизликка тушган эдики, уйига қайтиб келишга юраги дов бермасди. Ҳамма уйларнинг одамлари қирилиб кетгандек эди, ҳаммаёқда очлик ҳукм сураради, эшиклар маҳкам тамбаланганди. Эшик қоқиб нима ҳам қиларди? Бу уйда ҳам муҳтожлик, ғам-ғусса. Одамлар ҳафталаб ҳеч нима еганлари йўқ; ҳатто олис далада юрганингда ҳам посёлканинг қаердалигини сездириб турадиган пиёз ҳиди ҳам ариб кетганди; энди бўлса жон зоти қирилиб битган эски ертўла, зах харобаларнинг ҳиди анқирди холос. Ҳаракат бутунлай тўхтаганди, на бўғиқ йиғлашлар, на сўкиш-қарғашлар эшитиларди; сукунат тобора қаттиқроқ эзарди, очлик азобларидан силласи қуриб, адойи тамом бўлган одамларнинг бир амаллаб ўринларига ётиб, оғир уйқуга кетадиган палла яқинлашаётганди.

Маэ хоним черков ёнидан ўтаркан, олдинда бировнинг сояси лип этиб ўтганини пайқаб қолди. Бирдан туғилган умиддан қувонган хотин қадамини тезлатди; бу одам монсулик кюре, аббат Жуар бўлиб, як-

www.ziyouz.com kutubxonasi

шанба кунлари шу посёлкадаги ибодатхонада хизмат қиларди. Афтидан, у черков қазноғидаги баъзи ишларини битириб қайтаётган бўлса керак. У бир оз букчайиб, шошиб келарди; одатдагидек, тўла юзи мулойим эди — ҳамма билан муроса қилиб яшашга интилаётгани сезилиб турарди. У, чамаси, кўмир қазувчилар орасида кўриниб, ёмонотлиқ бўлмаслик учун ишларини бажаргани кечаси борса керак. У кўтарилибди, деган гап тарқалганди. Уни ҳатто ўрнига тайинланган одам билан бирга ҳам кўришибди,— бу кўзларида ўт чақнаб турадиган ориққина кюре эди.

— Жаноби кюре, жаноби кюре,— тутилиб-тутилиб деди Маэ. Бироқ аббат тўхтамай йўлда давом этаркан, ғўлдираб деди:

— Ваалайкум ассалом, ваалайкум ассалом, азизим!

Маэ хоним ўз уйи эшигига келиб туриб қолди. Унинг оёқлари чалишиб кетаётганди; хотин уйига кирди.

Ҳеч ким қимир этмади. Маэ аввалгидек тумшайиб стол четида ўтирарди. Бобо билан болалар жилла қурса бир оз исирмиз, деган ниятда скамейкада бир-бирларининг пинжига тиқилиб ўтиришарди. Ҳеч ким чурқ этмади. Шам ёниб бўлай деб қолганди; ҳадемай улар ёруғликдан ҳам маҳрум бўлишади. Маэ хоним эшикни очганда болалар қайрилиб қарашди; бироқ оналари ҳеч нима олиб келмаганини кўришгач, яна полга тикилиб, сўкиш эшитмайлик, дея кўз ёшларини ғилт-ғилт ютиб ўтиравериишди. Маэ хоним ўчай деб турган ўчоқ ёнидаги ўз жойига оғир ўтирди. Ундан ҳеч нимани сўрашмади; аввалгидек жимлик ҳукм сурарди. Ҳамма нима гаплигини шундоқ ҳам тушуниб турибди-ку, гапириб ўзларини чарчатишнинг ҳожати йўқ. Балки Этьен тасодифан бирор нарса топиб келар? Лекин бу — энг сўнгги умид, унча ишонмаса ҳам бўладиган умид эди; вақт ўтиб бораётгани учун бу ҳақда ўйламай ҳам қўйишди.

Ниҳоят Этьен қайтиб келди; у ўнтача қайнатилган картошкани латтага ўраб олиб келибди; картошка совиб қолганди.

— Мана, топганим шу бўлди,— деди у.

Мукеттада ҳам нон қолмаган экан. Этьен ҳар қанча қаршилик қилса ҳам, қиз тушликка олиб қўйган нарсасининг борини латтага ўраб берди-да, уни чин юракдан ўпди.

— Раҳмат,— деди Этьен Маэ хоним унинг улушини берганида.

Бу ёлғон эди. У ҳўмрайиб, болаларнинг овқатга ташланганликларини кузатиб турарди. Ота билан она ҳам болаларга кўпроқ тегсин, дея ўзлари камроқ олишди; лекин чол борини очкўзлик билан ютарди. Унинг битта картошкасини Альзирага олиб беришга тўғри келди.

Кейин Этьен баъзи янгиликларни айтиб берди; у бу янгиликларни кечқурун эшитиб келганди. Айтишларича, Правление иш ташлаганларнинг қайсарлигидан дарғазаб бўлиб, забастовкани уюштиришга аралашган кўмир қазувчиларни ишдан ҳайдамоқчимиш. Афтидан, Правление очиқ курашишга ўтган кўринади. Яна бир жиддий гап оралаб қолганди: Ширкат гўё ишчиларнинг кўпчилигини шахтага тушишга кўндирдик, дея мақтанганмиш, гўё Ғалаба, Фетри-Кантелдагилар эртагаёқ ҳаммалари тўла-тўкис ишга чиқишармиш ва ҳатто Мадлена билан Мируда ҳам камида учдан бир қисм ишчи ишга тушармиш.

Маэлар тутоқиб кетишди.

— Жин ургурлар!— хитоб қилди ота.— Борди-ю, у ерда хоинлар пайдо бўлса, уларни бир ёқлик қилиш керак!

Маэ дик этиб турди-ю, ғазаб билан қичқирди:

— Эртага кечқурун ўрмонга!.. Агар ишларимизни «Қувноқ»да гаплашиб олишимизга қўймайдиган бўлсалар, ўрмонда ҳеч ким бизга тегмайди.

Бу қичқириқ овқатдан кейин мудрай бошлаган Ўлмас бобони уйғотиб юборди. Бу — бурунгиларнинг йиғинга даъватига ўхшарди: қадим замонларда кўмир қазувчилар шундай чақириқни эшитиб, подшоҳ аскарларига зарба бергани йиғилишарди.

— Ҳа, ҳа, Вандамга! Агар йиғин ўша ерга тайин қилинган бўлса, мен ҳам бораман!

Маэ хоним қатъият билан муштини силкиб қўйди.

— Ҳаммамиз борамиз. Ахир бу адолатсизликлар ва сотқинликларнинг ҳам охири бордир-ку!

Этьен эртага кечқурун катта йиғин бўлади, деб

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳамма посёлкаларга хабар қилишга жазм этди. Бироқ каминдаги олов Левакларникидек сўниб, шам бирдан ўчиб қолди. Энди на кўмир, на керосин қолганди; қоронғида пайпасланиб ётишга тўғри келди; уй ниҳоятда совуқ бўлганидан эт жунжикарди, болалар йиғлашарди.

VI

Жанлен тузалиб, юрадиган бўлиб қолди, лекин суяклари нотўғри битганидан иккала оёғи оқсарди: ўрдакка ўхшаб лапанглаб юрар, лекин аввалгидек ёввойи, ўғри мушукка ўхшаб чаққон югурарди.

Шу куни қош қорайганда Жанлен доимий йўлдошлари Бебер ва Лидия билан Рекийярга борадиган йўлга пистирма қўйди. Улар майдондаги девор орқасига, жинкўча бурчагидаги дўконча рўбарўсига бекиниб олишди; дўкончада кўзлари заиф бир кампир савдо қиларди; унинг чангдан қорайиб кетган уч-тўрт қоп ясмиқ билан нўхати бўлиб, эшиги тепасида эса пашша талаб ётган қоқ балиқ осиғлиқ эди. Ана шу балиқ боланинг ҳавасини келтираётганди, шунинг учун у балиқдан кўзини узмасди. У балиқни ўғирлаб келишга Беберни икки марта юборди. Лекин ҳар сафар муюлишдан катта кишилар чиқиб қолишди. Қаерга борсанг ҳам аҳвол шу, бирор ишингни бемалол қилолмайсан!

Бир сувори кўринди, шу боисдан девор ортидаги болалар дарров ерга ётиб олишди: улар директор Энбони танишди. У забастовка бошланганидан бери кўпинча йўлларни, исёнкор посёлкаларни ёлғиз айланиб юрарди; вазмин ва қаттиққўл бўлган бу одам, ҳар қачонгидек, округдаги аҳволни ўз кўзи билан кўриб, ишонч ҳосил қилишни хоҳларди. Ҳали унинг қулоғи ёнидан битта ҳам тош ғизиллаб ўтмаганди: у фақат ҳўмрайган одамларни учратарди, улар зўрбазўр таъзим қилишарди. Кўпроқ севишган жуфтларга дуч келарди; уларнинг сиёсат билан асло ишлари йўқ эди,— улар хилват жойларда вақтларини хуш ўтказишарди. Энбо ҳеч кимга халақит беришни истамай, отини йўрттириб, улар ёнидан ўтиб кетарди; у ошиқ-маъшуқларнинг сайр этиб юришганини ҳар

кўрганда орзулари ушалмаганини эслаб, юраги гупгуп урарди. У ғуж бўлиб олган болаларни кўрди; ўғил болалар бир қизалоқни тагларига босиб олишганди. Болалар — шулар ҳам нохуш ҳаётларини мароқли ўтказишни ўйлашади-я! Унинг кўзлари намланди; у эгарда қаққайиб ўтирганича ўтиб кетди; у сюртугини ҳарбийчасига кийиб, ҳамма тугмаларини қадаб олганди.

— Вой лаънатилар-ей! — деди Жанлен.— Бу одамларнинг кети узилмайди шекилли. Қани, Бебер, тез бўл! Балиқни думидан тортиб кел-чи!

Лекин йўлда яна иккита ўткинчи кўринди, Жанлен яна сўкинди; у Захариянинг овозини эшитиб қолди. Захария ошнаси Мукега хотини юбкасига тикиб қўйилган қирқ сулик тангани қандай топиб олганини гапириб келарди. Иккови ҳам хурсанд бўлиб, бирбирининг елкасига қоқиб, кулишарди. Муке, эртага мириқиб соққа ўйнайлик, деди; улар иккиларда «Авантаж» қовоқхонасидан чиқиб, Маршьенн яқинидаги Монтуарга жўнашади. Захария рози бўлди. Забастовка билан ишлари нима? Бекор бўлишгандан кейин вақтни кўнгилдагидек ўтказиш керак-да! Икковлари муюлишга бурилишлари билан канал томондан Этьен кўринди; у йигитларни тўхтатиб, гапга тутди.

— Нима бало, шу ерда тунаб қолмоқчими булар ўзи?! — хитоб қилди Жанлен қони қайнаб.— Кечаси бўлиб қолай деяпти, ҳали замон кампир қопларини йиғиштириб олади.

Рекийяр томонга яна бир шахтёр тушиб келарди. Этьен ўша билан бирга кетди. Улар девор ёнидан ўтишаётганларида болалар ўрмонда йиғин бўлиши ҳақида гап бўлаётганини пайқаб қолишди: йиғинни эртага қолдиришга тўғри келибди, бир кунда ҳамма посёлкаларни хабарлашга улгуролмаймиз, деб қўрқишибди.

— Э, гап бу ёқда дегин! Эртага зўр иш бўларканда,— деди секингина Жанлен шерикларига мурожаат қилиб.— Ўша ёққа бориш керак. Эшитяпсизларми? Биз кундузи бориб оламиз.

Ниҳоят йўлда ҳеч ким кўринмай қолди, шунинг учун Жанлен Беберни кампирнинг дўконига юборди:

— Қани, тезроқ бўл! Думидан тортиб келавер!.. Лекин эҳтиёт бўл, кампирнинг супургиси бор-а!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Уларнинг бахтига қоп-қоронғи бўлиб қолганди. Бебер бир сакраб балиққа ёпишган эди, тизимча узилиб кетди. У ўлжасини худди орқасидан ҳавога кўтарилиши лозим бўлган варракдек судраб чопиб кетаверди; қолган иккови ҳам унинг кетидан югуришди. Чайқовчи нима бўлганига ақли етмай, ҳайрон бўлиб дўкончасидан чиқди-ю, қоронғида ғойиб бўлган болаларни кўрмади.

Бу зумрашалар бутун округга даҳшат сола бошлашди. Улар худди чинакам қароқчилар тўдасидек секин-аста босқинчилик ишлари доирасини кенгайтиравердилар. Аввалига улар Ворё территорияси билан кифояланишди, худди ўтиб бўлмайдиган чакалакзордек қалин ходалар орасида бекинмачоқ ўйнашиб, кўмир уюми ёнида ивирсиб, худди негрларга ўхшаб кетишарди. Кейин ўйинларини чиқитлар ағдариб кетиладиган жой — уюмга кўчиришди: ер ости ёнғинларининг тапти кетмаган тақир, илиқ жойларни топиб ўтиришарди-да, худди чана учгандек сирпанишарди ёки уюмнинг эскироқ қисмидаги тиканзорларда эмаклаб юришарди; улар худди шўх сичқон болаларидек жимгина ўйнашарди. Болалар янги-янги жойларни эгаллаб боришарди; гоҳ ғишт уюмлари орасида ҳаммаёқларини қора қонга белаб ёқалашишар, гоҳ ўтлоқларда чопқиллашиб, ширали ўтларнинг пояларини нонсиз ейишар, гоҳ канал бўйида тентираб, балчиқларда балиқ тутишиб, хомлигича ейишарди. Мана энди улар янада узоққа, бир неча километр нарига, ҳатто Вандам ўрмонларигача ҳам боришадиган бўлишди; у ерларда баҳорда ер тути, ёзда ёнғоқ билан черника ейишарди. Тез орада улар улкан текисликни эгаллаб олишди.

Хўш, уларни худди бўри болаларидек Монсу билан Маршьенн ўртасидаги йўлда тинмай елиб-югуришга нима мажбур қилдийкин? Албатта, нафсни қондириш иштиёқи, бу хоҳиш кун сайин кучайиб борарди. Жанлен аввалгидек тўданинг атамани эди; у ўғирликларга бош-қош бўлар, пиёз экилган жўякларни шипшийдам қилиш, узумларни ўғирлаш, дўкон деразасига қўйилган молларни олиб қочишнинг энг яхши йўл-йўриқларини кўрсатиб турарди. Маҳаллий аҳоли

буларнинг ҳаммасига забастовкачи шахтёрлар сабабчи, деб билардилар.

Катта, уюшган бандитлар тўдаси бор, деган мишмиш тарқалганди. Кунларнинг бирида Жанлен Лидияни ҳатто онасининг нарсасини — Пьеррон хоним дераза токчасига қўйган вазалардан биридаги йигирматача обакидандонни ўғирлаб келишга мажбур этди. Қизни бу иши учун ўлардек уришди, лекин Жанленнинг таъсири шунчалик катта, даҳшатли бўлганидан Лидия уни айтиб бермади. Энг ёмони — Жанлен ўлжанинг катта қисмини ўзига олиб қоларди. Бебер ҳам ўз ўлжасини унга келтириб берарди, бунинг устига яна ҳаммасини олган атаман уни калтакламаса, хурсанд ҳам бўларди.

Анчадан бери Жанлен ўз зуғумини ўтказадиган бўлиб қолганди. У Лидияни худди ўзининг қонуний хотинидек калтакларди, Бебернинг лақмалигидан фойдаланиб, энг қалтис ишларни бажаришга уни мажбур қиларди. Ўзини ҳам бир мушт тушириб қулата оладиган бу найнов боланинг ҳамиша аҳмоқ бўлиб қолишидан Жанлен жуда ҳузур қиларди. Жанлен икковини ҳам ўлгудек ёмон кўрарди, уларга худди қулларидек муомала қилар, менинг зўр маъшуқам бор — ўзи малика, сенлар маъшуқамнинг кўзига кўринишга ҳам арзимайсанлар, дер эди. Чиндан ҳам бир воқеа бўлиб, у қўққисдан бир ҳафта қаёққадир йўқолиб кетди; у ҳамроҳларини турли жойларда — бирон кўчанинг охиридами, йўл бурилишидами қолдирарди-да, афтини қийшайтириб хайрлашар ва уларга посёлкага қайтиб кетишни буюрарди. Ғойиб бўлишидан олдин ҳамма ўлжаларини тортиб оларди.

Ўша оқшом ҳам шундай бўлди.

Учови йўлнинг Рекийярга буриладиган жойига етиб, ниҳоят тўхташганида, у балиқни ўртоғининг қўлидан юлқиб оларкан:

Бу ёққа бер!— деб буюрди.

Бебер норози бўлди

Гап шуки ўзимга ҳам керак. Ахир буни мен олиб келдим-ку.

— Бу нима деганинг?— бақирди Жанлен.— Сен ўз улушингни оласан, ўшандаям берсам, аммо бугун эмас; агар қолгудек бўлса, балки эртага оларсан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

У Лидияни итариб, худди машқ қилаётган солдатлардек икковини бир қатор қилди-да, кейин ўзи уларнинг орқасида туриб команда берди:

— Шу ерда ҳеч ёққа қарамай беш минут турингларр!.. Агар у ёқ-бу ёққа қарайдиган бўлсаларинг, йиртқич ҳайвонлар югуриб келишиб сизларни ейди... Кейин тўппа-тўғри уйларингга кетинглар, борди-ю, Бебер йўлда Лидияга тегишадиган бўлса, мен буни билиб оламан, икковингни ҳам таъзирингни бераман.

Кейин у қоронғиликда шундай сездирмай ғойиб бўлдики, ҳатто яланг оёқларининг тўпиллагани ҳам эшитилмади. Болалар кўринмас Жанленнинг тарсакисини ейишдан қўрқиб, беш минутгача ҳеч ёққа алангламасдан қимирламай туришди. Икковининг ҳам қўрқиши уларни сездирмай бир-бирига яқинлаштирди. Бебер фақат кўпинча катталарда кўрганидек, қизни бағрига босиб, маҳкам қучоқлашни ўйларди; қиз ҳам худди шуни истарди: агар уни меҳрибонлик билан эркалатишса, у тамомила бошқача қиз бўлиб қоларди. Бироқ на Бебер, на Лидия буйруқни бузишга журъат этарди. Болалар уйларига қайтишаётганда зим-зиё қоронғи бўлса ҳам, улар бари бир қучоқлашишга журъат этолмай ёнма-ён боришарди; уларнинг юраклари орзиқиб, гупурарди: иккови ҳам бир-бирларига қўл тегизсак, шу заҳоти атаман пайдо бўлиб, яхшигина мушт туширишига ишонарди.

Худди шу дамда Этьен Рекийярга етиб келди. Кеча Мукетта, келгин, деб илтижо қилганди; қизни алдашга уялди-да, уникига йўл олди. Уни сидқидилдан ҳурмат этувчи бу қиз Этьен учун нимаси биландир азиз бўлиб қолганди,— бироқ унинг ўзи бунга иқрор бўлишни хоҳламасди. Шундай бўлса ҳам у, алоқани узаман, деган қатъий ният билан борарди. У бақамти бўлиб, менинг орқамдан югураверма, ўртоқларим олдида яхшимас, деб рўйирост айтади. Ҳозир унақа замонмас: одамлар очликдан ўлаётган бир пайтда ўпишиб-қучоқлашиб юриш уят бўлар. Этьен Мукеттани уйидан топмай, келишини кутишга қарор қилди ва кўчада пайдо бўлган ҳар бир соядан кўз-қулоқ бўлиб турди.

Минора харобалари остида ярми кўмилган шахтага тушиладиган йўл бор эди. Ана шу қора чоҳ

узра томнинг қолдиғи — дорга ўхшаган устун юксалиб турарди; ғиштин девор қулаб тушган жойда икки дарахт — четан билан чинор ўсиб чиққан бўлиб, улар гўё ер қаъридан қад кўтаргандай эди. Бу ер қаровсиз ташландиқ жой бўлиб, шахтага тушаверишда эски ходалар уйилиб ётарди, қалин ўт-ўланлар, олхўрисимон буталар, дўлана туплари босиб кетганди; баҳорда сайроқи қушчалар бу буталарга ин солишарди. Ширкат ремонтга катта сарф-харажат бўлишидан қочиб, ўн йил бурун бу шахтани кўмиб ташлашга қарор қилганди. Ворёга вентилятор қўйилишини кутиб туришарди холос, чунки бир-бири билан боғланган иккала шахтага хизмат қиладиган вентиляция печи Рекийярнинг ўзига жойлашганди; эски штольняларнинг бири мўркон хизматини ўтарди. Кўндалангига тўсин ташлаб, қопламасини бекитган бўлишди; ана шу тўсинлар шахтага тушиш йўлини тўсиб турарди. Юқори йўлакларни бутунлай ўз ҳолига ташлаб қўйиб, фақат вентиляция печи бўлган энг пастки йўлакка қараб туришарди, бу печда тошкўмир уюми гуруллаб турарди; мўркон яхши тортганидан қўшни шахтада қаттиқ шамол ўкираётганга ўхшарди. Запас йўл сифатида Рекийяр шахтаси орқали тушиб-чиқиб туриш учун эҳтиёт юзасидан зинали штольняга қараб туришга буйруқ берилганди. Бироқ ҳеч ким бунинг ғамини емасди, ёғочлари захда чириб, жуда кўп майдончалари босиб тушганди. Тепада катта бир туп маймунжон штольняга тушиладиган йўлни тўсиб турарди, биринчи нарвоннинг бир неча зинаси тушиб кетганди, то таянч нуқтасига етгунча рябина илдизига осилиб, таваккалига қоронғиликка тушиш лозим эди.

Этьен бута орқасига ўтиб, сабот билан кута бошлади; мана у, ниҳоят шох-шаббаларнинг шитирлаганини эшитди, бу шитир-шитир анчагача тинмади. Аввалига у, илонни чўчитиб юбордим шекилли, деб ўйлади; бироқ бирдан гугурт ёқилганини кўриб ҳайрон бўлди; Жанленни танигач, қотиб қолди; бола шамни ёқди-да, ер остига кириб ғойиб бўлди. Этьен қизиқиб, шахтанинг оғзига яқинлашди; бола ғойиб бўлган, афтидан у иккинчи майдончага етганди; пастда ғира-шира нур кўринарди. Этьен бир оз ўйлаб турди-да, кейин илдизга осилиб, сирғалиб пастга тушди; наза-

www.ziyouz.com kutubxonasi

рида худди беш юз йигирма тўрт метрга — шахтанинг тубигача сирпаниб тушгандек бўлди; ниҳоят у оёғи зинага текканини сезиб, эҳтиёткорлик билан туша бошлади. Жанлен ҳеч нимани эшитмаган бўлиши керак. Этьен остидаги чироқни кўрди: ўт тобора пастга, ер қаърига тушиб борарди; боланинг улкан ваҳимали сояси унинг оқсоқланиб юришига мос чайқаларди. Жанлен маймундек чаққонлик билан тирмашарди; зиналар йўқ жойда қўлларини, оёқларини, ҳатто иягини ишга соларди. Ҳар бири етти метрлик нарвон бирин-кетин тушиб кетганди; баъзилари ҳамон мустаҳкам бўлса, бошқалари ағдарилиб тушадигандек қирсиллаб, қимирларди; нарвонлар орасидаги тор майдончалар кўкариб, чириб кетганидан оёқ худди йўсинга теккандек бўларди. Этьен пастга тушган сари ҳарорат худди печдагидек кўтарилаверди, бу иссиқ вентиляция штольнясидан келарди, у ер ҳайриятки забастовка бошлангандан бери тинч эди: иш пайтида печь ҳар куни беш минг килограмм тошкўмирни ютиб турганида-ку, бу ёққа тушиш йўл бўлсин, нақ тириклай кабоб бўлади киши.

— Бақанинг ўзи-я!— тўнғиллади Этьен бўғилиб.— Қаёққа тушиб кетяпти бу жин ургур!

Этьен икки марта йиқилиб кетай деди: ҳўл хода устида оёғи сирғаниб кетди. Жанленникига ўхшаган шами бўлсаям майли эди, узоқда милтиллаб кўринган чироқ кетидан эргашиб бораётгани учун ҳар лаҳза у ер-бу ерини уриб оларди. Бу йигирманчи нарвон бўлса керак, тушиш эса ҳамон давом этарди. Шундан кейин у санай бошлади: йигирма биринчи, йигирма иккинчи, йигирма учинчи... Жанлен бўлса ҳамон пастга тушиб борарди. Этьеннинг боши худди ўтдагидек ёнарди, назарида нақ печ ичига йиқилиб тушаётгандай эди. Ниҳоят у юклаш хонасига етиб келди, қараса, чироқ йўлакнинг энг чуқур ерига қараб кетяпти. Ўттиз нарвон бу — икки юз ўн метр бўлади!

«Мени у яна кўп эргаштириб юрармикин?— ўйлади Этьен.— Чамаси, у отхонага кетяпти».

Лекин чап томондаги, отхонага олиб борадиган йўлак босиб тушганди. Яна янги, янада оғирроқ, хавфлироқ сарсонлик бошланди. Қўрқиб кетган кўршапалаклар ҳар томонга учиб, охири равоқларга осилишди. Чироқни кўздан йўқотиб қўймаслик учун қадамни тезлатишга тўғри келди. Этьен ҳам ўша йўлакдан юрди; лекин бола илондек осонгина ўтган жойлардан ўтаётганида, у албатта у ер-бу ерини қириб оларди. Барча эски штольнялар каби, йўлак ер чўкаверганидан кун сайин торайиб борарди, баъзи жойлари эса ўт ўчириш алангасидек бўлиб қолганди; ҳализамон йўл бекилиб қоладигандек эди. Тупроқ оғирлигидан тирговичлар синар, қирсилларди; юриш хатарли бўла борди: синган ёғочларнинг учлари қиличдек чўччайиб, йўлни тўсиб турарди; минут сайин уларга урилиб, қаттиқ яradор бўлиш мумкин эди. Этьен гоҳ эмаклаб, гоҳ судралиб, эҳтиёткорлик билан силжир, олдинда лип этиб кўриниб қолувчи Жанленнинг соясини йўқотиб қўймасликка ҳаракат қилар эди. Қўққисдан у алланимадан қочаётган бир гала каламуш ҳамма ёғидан югуриб ўтгандек бўлди.

— Етиб қолдикмикин, жин урсин!— пўнғиллади Этьен толиққанидан ҳарсиллаб; унинг аъзойи бадани қақшарди.

Аммо мана, бир километрча узунликдаги йўлак кенгайиб бора бошлади; штольнянинг шу ери ҳайрон қоларли даражада яхши сақланганди. Бу йўлакнинг охири бўлиб, илгари ундан вагонеткаларни ғилдиратиб келишарди; йўлак тош қатламидан кесиб ясалган бўлиб, табиий ғорга ўхшарди. Тўхташга тўғри келди; Этьен олисда туриб, бола икки тош орасига шамни ўрнатиб, кайфи чоғ бўлиб уйига қайтган кишидек қулай ва хотиржам ўрнашиб олганини кўрди. Йўлакнинг бу боши росмана, яхши жиҳозланган тураржойга айланганди. Ерга, бурчакка пичан тўшалган бўлиб, у юмшоқ ўрин вазифасини бажарарди; эски тахталардан столга ўхшаган нарса ясалган бўлиб, унинг устида турли-туман озиқ-овқат: нон, олма, бир шиша қорарча ароғи турарди. Хуллас, чинакам қароқчилар макони эди, бу ерда ҳафталаб олиб келинган ўлжалар, ҳатто бутунлай кераксиз совундан тортиб этик мойигача бор эди, булар чамаси, касбига ихлос қўйгани учун ўғирлаб келтирилганди. Кичкина худбин танҳоликда ана шу ўғирлаб келинган нарсалардан ҳузур қиларди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Бу қанақаси, одамларни калака қиляпсанми,а? — қичқирди Этьен сал нафасини ростлаб олгач.— Сен бу ерга келиб, масза қилиб юргин-да, биз у ёқда, тепада очдан ўлайлик!

Ўлгудек қўрқиб кетган Жанлен даг-даг титрарди. Бироқ у Этьенни таниши биланоқ ўзига келди.

— Мен билан овқатланмайсанми?— таклиф қилди бола.— Бир бўлак қовурилган балиқ бор, а?.. Ҳозир тайёр бўлади.

У ҳалиги балиқни олиб келган экан, энди бўлса янги ажойиб пичоғи билан унинг ифлос устини қира бошлади,— бунақа дандон сопли кичкина ханжар-пичоқларга одатда бирор сўз битилган бўларди. Пичоққа бор-йўғи битта сўз — «Муҳаббат» деб ёзилганди.

— Пичоғинг зўр экан,— деб қўйди Этьен.

— Бу Лидиянинг совғаси,— жавоб берди Жанлен. Аммо у пичоқчани Монсудаги «Довюрак» майхонаси ёнида нарсаларни кўтариб сотиб юрадиган кишидан Жанленнинг буйруғига кўра Лидия ўғирлаб бергани ҳақида лом-мим демади.

У балиқ тозалай туриб, ғурур билан қўшиб қўйди:

— Қалай, жойим чакки эмас, а?.. Тепадагига қараганда иссиқроқ, ҳиди ҳам хушбўй!

Этьен чўнқайди; у Жанленнинг гапларига қизиқиб қолганди. У ғазабидан тушди; уни бу кичкина ярамаснинг номақбул майлларига қарамай шунчалик ботир, шунчалик уддабурро бўлиб кетгани қизиқтириб қолди. Ҳақиқатан ҳам бу ин яхши эди-да: унчалик иссиқмас, йилнинг қайси фасли бўлишидан қатъий назар ҳарорат бир хил — ҳаммомдек иссиқ; тепада бўлса, декабрь совуқлари авжга чиқиб, камбағалларни қақшатарди. Эски йўлакларда зарарли газлар бўлмайди, кон гази чиқиб бўлган, фақат эски ёғочларнинг ҳиди, эфирнинг енгил иси сезилади, унга қалампирмунчоқнинг иси омихта бўлиб кетгандек туюларди. Ходаларнинг кўриниши ҳам ғаройиб; оч-сариқ мармарга ўхшаган бу ёғочларни нафис тўрсимон оқиш хол-хол ўсимлик қоплаганидан марваридли ипак либос кийгандек бўлиб кўринарди; кўпларини қўзиқорин босиб кетганди. Оқ капалаклар билан пашшалар учиб ўтишди, қордек оппоқ ўргимчаклар ўрмалашарди — бу жониворлар қуёшни асло кўришмаганидан тамоман рангсиз эди.

— Сен қўрқмайсанми?— сўради Этьен.

Жанлен ҳайратланиб унга қаради:

— Нимадан қўрқаман? Ахир бу ерда ёлғиз ўзим-ку.

Шу орада балиқ топ-тоза бўлди. Жанлен пайраха териб олов ёқди-да, устига кўмир қалади, сўнг балиқни товлаб пиширди. Кейин у бир бўлак нонни иккига бўлди. Бу, жуда шўрлигига қарамай, соғлом киши учун зўр овқат эди.

Этьен улушини олди.

— Биз ҳаммамиз озиб кетаётган бир чоқда сенинг семириб кетаётганингга энди ажабланмасак ҳам бўлади. Биласанми, ахир бу хилда қорин тўйғазиш ҳайвонлик-ку!.. Нима, сен бошқаларни ўйламайсанми?

— Гапингни қара-ю! Бошқалар нега бунчалик аҳмоқлик қилишади?

— Сирасини айтганда, қочиб юриб, тўғри қиласан; агар отанг ўғирлик қилаётганингни билиб қолса борми, адабингни берарди-я.

— Нима, буржуйлар бизникини ўғирлашмайдими? Сен ўзинг бир неча марта айтгансан-ку. Мен Мегранинг нонини ўмарганимда, албатта, ўзимдан уриб қолганини олдим холос.

Йигит индамади: оғзи овқатга тўла эди, қолаверса, жавоб ҳам топиб беролмасди. Этьен бу разил, оғзи катта, кўккўз, шалпангқулоқ болага индамай қараб турарди. Ёввойи махлуқларга хос онгсизлик ва ҳийлакорлик секин-аста бу болани ибтидоий, ҳайвонсифат қилиб қўйганди. Уни шахта шу кўйга солганди; унинг оёқларини синдириб, хароб қилиб қўйган ҳам шу шахта эди.

— Хўш, Лидия-чи?— сўрашда давом этди Этьен.— Сен уни ҳам баъзан шу ёққа олиб келасанми?

Жанлен заҳархандалик билан кулди.

— Қиз болани-я? Э, йўқ!.. Аёлларнинг ҳаммаси ҳам оғзидан гуллаб қўяди.

У Лидия ва Бебердан беҳад нафратланиб, кулаверди. У умрида бунақа меровларни кўрмаганди. Жанлен хаёлига ҳам меровлар менинг ёлғон гапларимга чиппа-чин ишониб, уйларига қуруқ қайтаверишади, мен бўлсам, иссиқ жойда ўтириб, масалан, мана шу балиқни масза қилиб ейман, деган фикр келиши биланоқ кулгидан ўзини тўхтата олмасди. Пировардида у кичкина файласуфга хос виқор билан деди:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Бир ўзинг бўлганинг яхши-да, жуда бўлмаганда биров билан ғижиллашиб ўтирмайсан-ку.

Этьен нонни еб бўлди, кейин қорааρча орғидан бир қултум ичди. Этьен бир минутча нима қилсам экан, дея ўйланиб турди. Жанленнинг бу меҳмондорчилигига жавобан қулоғингдан чўзиб, ташқарига олиб чиқаман, деб дўқ урсин-у, бундан буён ўғирлик қилма, бўлмаса, ҳаммасини отангга айтаман, дея қўрқитсинми? Лекин Этьен ер қаъридаги бу маконни обдан кўздан кечираркан, миясига: тепада ишларимиз юришмай қолса, бу ғор менга ёки баъзи ўртоқларимга асқатиб қолмасмикин?— деган фикр келди. Этьен Жанлендан энди бу ерда тунаб қолмасликка сўз олди, чунки Жанлен баъзан пичан устида масза қилиб ётгиси келса, шу ерга келарди. Йигит шамнинг қолганини олди-да, болакайни ўз ҳолига қўйиб бир ўзи жўнади.

Бу орада совуқ қаттиқлигига қарамай Мукетта хода устида ўтирганча Этьенни сабр билан кутарди. Қиз уни кўриши билан бўйнига ташланди; йигит бундан буён учрашмайлик деганидан кейин қиз ўзини юрагига ханжар санчилгандек ҳис этди. Вой худойимей, нега энди? Наҳотки уни астойдил севмаган бўлса? Этьеннинг ўзи шайтон васвасасига учиб, уйига кираманми, дея қўрқа бошлади; шунинг учун у қиз билан тош йўл томонга қараб кетди ва имкони борича мулойимлик билан ўртамиздаги алоқа ўртоқларим олдида обрўйимга, қолаверса, сиёсий ишимизга путур етказади, дея тушунтирди. Бунинг сиёсатга нима алоқаси бор экан, дея Мукетта ҳайрон эди. Кейин унинг миясига Этьен мен билан яқинликдан номус қилаётган бўлса керак, деган фикр келди; бунга у хафа ҳам бўлмади, чунки бу одатдаги гап; шунинг учун қиз унга ҳамманинг олдида мени бир шапалоқ ур, шунда одамлар булар ўртасидаги алоқа тамоман узилди, деб ўйлашади, дея маслаҳат берди. Лекин улар оз муддатга бўлса ҳам гоҳо-гоҳо кўришиб турадиган бўлишади. Қиз астойдил ялиниб, ҳеч ким билмайди, ахир сени беш минутдан ортиқ тутмайман-ку, дея қасам ичди. Этьен эриб кетган бўлса ҳам, бари бир кўнмади. Мумкин эмас. Бироқ хайрлашаётганида ҳар қалай уни ўпгиси келди. Улар қучоқлашиб, бир-бир босиб, Монсу четидаги дастлабки уйлар ёнига келиб тўхташди. Тўлин ой уларни ёритиб турарди. Улар олдидан қандайдир бир хотин ўтди; худди тошга қоқилгандек гандираклаб кетди.

— Ким экан бу?— сўради Этьен ташвишланиб.

— Катрина,— жавоб берди Мукетта.— Жан-Бартдан қайтиб келяпти.

Аёл бошини қуйи солганича оёқларини зўрға босиб ўтиб кетди; унинг бутун қиёфасидан адою тамом бўлганлиги билиниб турарди. Йигит унинг орқасидан тикиларкан, жувонга дуч келганидан таъби хира бўлди; қалбини виждон азоби ўртарди; нима учун бунчалик куйинганини ўзи ҳам билмасди. Нима, жувон бошқа билан турмаяптими? Нима, қиз у ерда, Рекийяр йўлида, ўша одам билан дон олишаётганида унга ҳам шундай азоб бермаганмиди? Шунга қарамай Этьен унинг қилмишига яраша иш тутганидан хафа эди.

— Биласанми мен сенга нима демоқчиман?— деб шивирлади Мукетта кўз ёшини оқизидириб, Катрина кетгач.— Сен бошқани севганинг учунгина мени яхши кўрмайсан.

Эртасига ҳаво жуда ажойиб бўлди; музлаган ер оёқ остида биллурдек ғижирлайдиган, совуқ осмон эса тиниқ бўлган ажойиб қиш кунларидан бири эди бу. Жанлен уйидан соат бирларда қочиб кетди; лекин бутхона орқасида Беберни кутишга тўғри келди. Улар иккови Лидиясиз жўнашмоқчи бўлиб туришувди; чунки Лидиянинг онаси яна ертўлага қамаб қўйганди; бироқ шу чоқ қизалоқнинг қўлига корзинка бериб, шакароб учун қоқи ўт териб келмасанг, кечаси билан яна қамаб қўямиз, каламушларга ем бўласан, дея қўрқитиб, уни чиқариб юборишганди. Лидия жудаям қўрқиб кетганидан шу заҳоти қайтиб кетмоқчи бўлди. Лекин Жанлен кейин бир гап бўлар, деб уни йўлдан урди. Кўпдан бери у Раснёрнинг семиз ургочи қуёни — Польшани кўз остига олиб юрарди. Болалар «Авантаж» ёнидан ўтишаётганда, бирдан қуён йўлга чиқиб қолди. Жанлен бир сакраб, унга етиб олди-ю, қулоғидан ушлаб, ўлжани қизнинг корзинкасига тиқди-да, кейин учови ура қочишди. Итни ҳайдагандек уни ўрмонгача ҳайдаб бориш зўр эрмак бўлади-да.

Лекин улар кўп ўтмай, икки ошнаси билан бир

www.ziyouz.com kutubxonasi

кружкадан пиво ичиб, энди соққа ўйнамоқчи бўлиб турган Захария билан Мукенинг ўйинини томоша қилгани тўхташди. Янги фуражка билан қизил ипак рўмол дов тикилганди; бу буюмларни Раснёрга топшириб қўйишди. Тўрт ўйинчи икки кишидан бўлиб, биринчи ганак хусусида гаров ўйнашди: соққани Ворёдан Пайо фермасигача тахминан уч километр жойгача суриб бориш керак эди. Захария етти зарб билан соққани маррага етказаман, деса, Муке саккиз зарб билан деди; шундай қилиб ўйинни Захария бошлаши керак эди. Мана соққани — сирасини айтганда, шамшод ёғочидан қилинган тухумсимон шохсоққани — учини осмонга қаратиб, кўча ўртасига қўйишди. Ҳар бир ўйинчининг қўлида соққани урадиган таёқ бор эди; бу учи қайрилган, устига тунука қопланган, узун дастасига ингичка каноп маҳкам ўралган калтак эди. Соат иккига занг уриши билан ўйин бошланди. Захария биринчи ўйинчи бўлгани учун уч зарб уришга ҳақли эди, у дарҳол маҳорат билан соққани уриб, лавлаги экилган ерлардан тўрт юз метрдан зиёд жойга етказди; посёлкада, йўлларда ўйнаш тақиқланганди, чунки пиёдаларга тегиб, майиб қилиш хавфи бор эди. Муке ҳам моҳир ўйинчи бўлганидан соққани шундай қаттиқ урдики, соққа кетига юз эллик метрча қайтди. Ўйин қизиб кетди; бир жуфт ўйинчи соққани олдинга ҳайдаса, иккинчиси орқага қайтарарди, улар соққани чопиб юриб урганларидан оёқларини шудгорнинг мувлаган кесакларига уриб олардилар.

Ўйинчиларнинг кучли зарбларига қойил қолган Жанлен, Бебер ва Лидия аввалига ўйинчилар кетидан югуришди. Бироқ корзинка ичида типирчилаётган Польша эсларига тушиб, даладаги ўйинчиларни қўйишди-да, қуённи қўйиб юборишди ва тез чопармикин, дея қизиқиб қараб туришди. Қуён сакраб-сакраб қочди, болалар кетидан югуришди; улар бир соатча тинмай уни ҳар томонга қувиб, жинни қилишди; вақт-вақти билан қичқириб, қулочларини кериб, чапак чалиб уни қўрқитишарди. Агар қуён оғир бўлмаганда, болалар унга ета олмасдилар.

Ҳарсиллаб қолган болалар тўхташганида орқаларидан сўкиш эшитишди; бу уларни ўгирилиб қарашга мажбур этди. Улар яна ўйинчиларнинг оёқлари

остида ўралишиб қолишганди, оз бўлмаса Захария укасининг калласини ёриб юборай деди. Тўртинчи ганак бошланганди: ўйинчилар соққани Пайо фермасидан Тўрткўча томон, сўнг Тўрткўчадан Монтуарга ҳайдашди; энди улар олти зарб билан соққани Монтуардан Сигир ўтлоққа етказишлари лозим эди. Бу йўл икки ярим лье бўлиб, бу масофани бир соатда ўтдилар, шу орада яна «Венсан» қовоқхонасида, «Уч донишманд» майхонасида бир кружкадан пиво ҳам ичишди. Энди Муке олдинга чиқиб олганди. Маррага етиш учун икки марта урса бас эди, у ютай деб турганди, ногаҳон ўйнаш навбати келган Захария кулиб, қулочкашлаб чаққонлик билан шундай урдики, соққа чуқур бир ўрага тушиб кетди. Мукенинг шериги соққани у ердан уриб чиқара олмади; оқибатда уларнинг ютқазиб қўйишлари тайин эди. Тўртови қизишиб, қичқиришарди, чунки ҳар икки томоннинг имкониятлари баравар эди; ўйинни янгитдан бошлашга тўғри келди. Сигир ўтлоқдан Енгансойга икки километр ҳам келмасди; демак, беш марта уриш керак. У ерга етгач, Леренар дўконидан тамадди қилиб олиш мумкин.

Шу чоқ Жанленнинг калласига яна бир шумлик келди. Ўйинчилар кўздан йўқолгач, у чўнтагидан чизимча чиқарди-да, уни Польшанинг чап оёғига боғлади. Қуённинг уч золим қўлидан қочиб қутулишга ўлибтирилиб уринганини томоша қилиш жудаям мароқли эди, шўрлик оёғини силкитар, ночор бурар эди; болалар шу чоққача бунақа кулишмаганди. Кейин улар сакраб-сакраб чопсин, деб қуённи бўйнидан боғлашди. Польша чарчагандан кейин болалар уни чинакам кичкина аравадек гоҳ қорни билан, гоҳ чалқанчасига судрашди. Бу эрмак бир соатдан кўпроқ давом этди; қуён хириллай бошлади. Шу пайт Крюшо дарахтзори ёнидан ўйинчиларнинг овозлари эшитила бошлади; болалар яна уларга халақит бермайлик, дея қўрқишиб, қуённи апил-тапил корзинкага солиб олишди.

Энди Захария, Муке ва бошқа икки ўйинчи зўрбазўр нафасларини ростлаб, барча майхоналардан бир кружкадан пиво симириб югуриб боришарди. Улар ҳар бир ганакда майхонага кириб чиқишни мақсад қилиб қўйишганди. Улар Енгансойдан Бюшига, у ердан Тошбутга, кейин эса Шамблега тушишди. Улар

www.ziyouz.com kutubxonasi

соққа кетидан қутуриб, тўхтовсиз югурганларида ер гурсилларди, соққа эса музлаган кўлмакларда сакрарди, ҳаво яхши бўлганидан ҳеч қаерда ботиб қолишмасди, лекин оёқларини синдириб олиш хавфи йўқ эмасди. Қуруқ ҳавода таёқ овози ўқ овозидек эшитиларди. Мускулдор қўллар чизимча ўралган дастани маҳкам сиқиб олганди; ўйинчилар соққани ураётганларида худди бир уриб ҳўкизни қулатадигандек, бутун гавдалари билан олдинга энгашардилар; бу хатти-ҳаракатлар бутун текислик бўйлаб, унинг бир четидан иккинчи четигача, зовур ва иҳоталар, тепалик ва пастак боғ деворлари орасида бир неча соат давом этди. Яхши, енгил темир мускуллар керак эди бу ўйинга. Кончилар шахтадаги ишдан сўнг шу йўл билан баданларининг чигилини ёзишни жуда яхши кўришарди. Баъзи йигирма беш ёшлик азаматлар бу ўйинга берилиб кетиб, ўн льелаб йўл босадилар. Қирқ ёшга борган кўмир қазувчилар қайтиб бу ўйинни ўйнамасдилар, тепаликка югуриб чиқиш оғирлик қиларди.

Соат беш; қош қорайиб қолай деди. Ниҳоят фуражка билан ҳарир рўмол кимга тегишини аниқлаш учун Вандам ўрмонигача яна бир ганак қолганди, шу боисдан сиёсатга мутлақо лоқайд қарайдиган Захария одатича майнабозчилик қилиб, қани энди ўрмонга, ўртоқларимиз тўпига шартта учиб тушсак, деди. Жанлен бўлса, посёлкадан чиқаётгандаёқ сайрни ўрмонда тугатаман, деб кўнглига тугиб қўйган бўлса ҳам, ўзини далада санқиб юргандек кўрсатарди. Виждон азоби ва қўрқувдан эзилиб келаётган Лидия қоқи ўт тергани Ворёга борсам бўларди, деганида Жанлен жаҳл билан унга дўқ қилиб, ахир биз катта йиғинга кетмаяпмизми?— деди. Унинг катталар нима дейишини эшитгиси келаётганмиш. У йўлнинг ўрмон этагигача бўлган қисмини қувноқлик билан ўтиш учун Беберни туртиб, Польшани қўйиб юборамиз, мабодо қочадиган бўлса, тош билан урамиз, деб таклиф қилди. Унинг нияти бошқача эди: қуённи ўлдириб, Рекийярдаги маконига олиб бормоқчи, кейин мазза қилиб емоқчи эди. Қуён қулоқларини қисиб, ерни ҳидлаб-ҳидлаб, чопиб кетди; унга тош-кесаклар отилди — биттаси унинг белини шилиб кетди, иккинчиси думини яралади, борган сари қоронғилик қуюқлашаётганига қарамасдан болалар қуённи ўлдириб қўйишлари ҳеч гап эмасди, лекин улар ўрмон яланглигида Этьен билан Маэни кўриб қолишди. Шунда улар шоша-пиша қуённи тутиб олишди-да, яна корзинкага тиқишди. Деярли шу пайт Захария, Муке ва бошқа ишчилар сўнгги бор соққани отдилар, соққа бориб, яланглиқдан бир неча метр берига тушди. Улар нақ йиғиннинг ичига келиб қолишди.

Қош қорая бошлаши билан узоқдан нопормон рангда кўриниб турган ўрмонга қип-яланғоч кенг яланглиқнинг ҳамма йўл ва сўқмоқларидан кишилар чурқ этмай якка-якка, гала-гала бўлиб кела бошлашди. Посёлкалар бўшаб қолди. Хотинлар билан болалар ҳам очиқ оқшом ҳавосида ўйнаб келишга чиқишганди. Йўллар қоронғи бўлиб қолди; энди шошилмай қадам ташлаб, бир жойга кетаётган оломонни илғаб бўлмасди. Бу оломоннинг фикри битта эканлиги сал-пал сезиларди холос. Буталар ва дарахтлар орасидан енгил шитир-шитир, туннинг тушуниб бўлмайдиган гувиллаши эшитилиб турарди.

Шу соатда Энбо жаноблари уйига қайтаётганди; у ноаниқ шовқинга диққат билан қулоқ соларди. Ажойиб қиш оқшоми бўлганидан жаноб Энбо жуда кўп ошиқ-маъшуқларни, турнақатор бўлиб юрган сайр қилувчиларни кўрди. Ҳузур қилиш учун тўсиқ ортидан хилват жой қидириб, аланглаган ошиқ-маъшуқлар йўлда ўпишиб, олдидан ўтиб кетишарди. Директорга бу учрашувлар одатдаги бир нарса бўлиб кўринди,— қарийб ҳар бир чуқур-чаноқда учрайдиган қашшоқлар ўз вақтларини шу билан чоғ этардилар, бу эса уларга ҳеч гап эмасди. Яна бу аҳмоқлар турмушимиз ёмон деб шикоят қилишади: ахир олло уларга саховат қилиб, бемисл бахтни — севиш ва севилиш бахтини қўшқўллаб бериб қўйибди-ку! Агар бутун вужуди ва қалбини бағишлаган бир хотин билан лоақал йўл четидаги тошлар орасида бўлса ҳам ҳаётини қайта бошлаш иложи бўлганда эди, у ановилар сингари оч қолишга жон-жон дерди. Энбонинг ғам-ғуссаси эса бедаво эди. Шунинг учун бу камбағалларга унинг ҳаваси келарди. У бошини қуйи солганча борарди; от эса битта-битта

www.ziyouz.com kutubxonasi

қадам ташларди; зим-зиё далада йўқолиб кетаётган бу тинимсиз шитир-шитирлар кўнглини ғаш қилаётганди,— бу шитир-шитирлар унга бўса олишдек бўлиб эшитиларди.

VII

Бу воқеа Қиз тақирда бўлаётганди. Ўрмоннинг пастга қиялаб тушган бу сайхонлиги жуда катта бўлиб, атрофини тўғри, текис таналарини моғор босган азамат шамшодлар худди оқ устунлардек ўраб турарди; ўт устида кесилган улкан дарахтлар ётарди, чап томонда эса арраланган ўтинлар чиройли қилиб тахлаб қўйилганди. Қоронғи тушиши билан совуқ кучайиб, музлаган йўсин оёқ остида ғижирларди. Паст томон батамом қоронғи эди, яланғоч шохлар оқиш осмонда чўччайиб кўринарди, уфқда эса юлдузларни хиралаштириб, тўлин ой чиқиб келмоқда эди.

Йиғинга уч мингга яқин шахтёр тўпланди; ҳаммаёқда одамлар уймалашарди, секин-аста бутун яланглик, энг чеккадаги дарахтларнинг тагигача эркак, хотин-халаж, бола-чақа билан тўлиб кетди. Кечикканлар ҳамон келишарди: яқин тўқайлар ва қимир этмай қотиб турган ўрмонда қоронғиликда гавдалар кўриниб қоларди, ғовур-ғувур овозлар бўрон шамолидек тараларди.

Тепароқда, сайхонлик устида Этьен билан Раснёр ва Маэ туришарди. Улар баҳслашаётганлари учун кескин қичқириқлар эшитилиб турарди. Уларнинг атрофига йиғилган эркаклар бўлаётган гап-сўзларга қулоқ солишарди. Левак муштини сиқар, орқасини ўгириб олган Пьеррон ташвишланиб, кўпроқ ўзимни касалга солиб ётмадим-да, дея ўйларди; Ўлмас бобо билан қари Мук ўша ердаги тўнкада оғир хаёлга чўмиб ёнма-ён ўтирарди. Орқароқда, чеккароқда бу ерга эрмак ахтариб келган Захария, Муке ва бошқа майнабозлар жойлашиб олишганди; хотинлар эса аксинча, худди ибодатхонадагидек сипо, жиддий бўлиб, алоҳида тўпланиб туришарди. Маэ хоним бўғиқ овозда қарғанаётган Левак хонимга жавобан индамай бошини сарак-сарак қиларди. Филомена йўталарди,— қишда унинг бронхит касали кучаярди; фақат Мукетагина Ашаддий кампирнинг қарғишларини эшитиб кулиб турарди; кампир беномус қизини койирди, қизи эса қовурилган қуёнга тўйиб олай, деб кампирни уйдан чиқариб юборибди, эрининг разил ишлари туфайли семириб ётибди бу манжалақи. Ҳаммадан баландда, ўтинлар устида Жанлен ўтирарди; у Лидияни ҳам, Беберни ҳам шу ёққа чиқиб олишга мажбур этганди.

Баҳсни қоидага биноан президиум сайламоқчи бўлган Раснёр бошлаганди. У «Қувноқ» қовоқхонасидаги мағлубияти аламига чидай олмасди, шунинг учун ҳам мухолифларидан ўч олишга жазм этган, делегатлар билан эмас, балки шахтёрлар оммаси билан бақамти бўлганимда илгариги обрўйимни тиклаб оларман, деб умид қилган эди. Ғазабланган Этьен мана шу жойда, шу ўрмонда президиум сайлаш ҳақидаги фикрнинг ўзи бемаъни-ку, дер эди. Модомики, уларни бўрилардек гиж-гижлатгандан кейин, улар ҳам кескин, инқилобчасига ҳаракат қилишлари керак-да.

Баҳс чўзилиб кетди; шунда Этьен тўнканинг устига чиқиб: «Ўртоқлар, ўртоқлар!» — дея қичқирди-да, оломонни ўзига оғдириб олди қўйди.

Одамларнинг ғовур-ғувури босилиб, чўзиқ оҳга айланди. Маэ Раснёр билан баҳсини тўхтатди, Этьен бўлса овозини гулдуратиб, гапини давом эттирди:

— Ўртоқлар, модомики, бизнинг оғзимизни юмдирарканлар, модомики худди биз қароқчидек устимизга жандармларни юборар эканлар, демак, биз худди мана шу ерда гапни бир жойга қўйишимиз зарур! Биз бу ерда озодмиз, худди ўз уйимиздагидек; бу ерда қушу ҳайвонларни жим бўлишга мажбур этиб бўлмаганидек, бизни ҳам оғзимизга ура олишмайди.

Оломон гуриллаб жавоб берди, ҳар томондан садолар янгради:

— Ҳа, ҳа, ўрмон ўзимизники, бу ерда гапиришга тўла ҳақимиз бор. Бошла!

Этьен тўнка устида бир минутча қимирламай турди. Уфқда кўтарилиб келаётган ой дарахтларнинг учларинигина ёритарди; қоронғиликдаги оломон секин-аста тинчланиб, кута бошлади. Қоронғиликка бурканган Этьен ҳам оломон узра қора соядек юксалиб турарди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

У қўлини оҳиста кўтариб, гапга тушди. Лекин энди унинг овози гулдурамасди. Этьен шахтёрларнинг халқ олдида ҳисоб бераётган оддий бир вакилидек босиқ гапирарди. У «Қувноқ» қовоқхонасида полиция комиссари халақит бергани учун айтолмай қолган гапларини ниҳоят энди гапириши мумкин эди. Этьен стачканинг боришини наридан-бери, лекин изчиллик билан ҳамма нарсани — фактларни, нуқул фактларни аниқ ифодалашга ҳаракат қилди. Аввалига у забастовкага қарши кескин гапирди — шахтёрлар уни хоҳламагандилар, дирекциянинг ўзи тирговичлар учун янги нарх қўйиб, уларни забастовка қилишга қўзғаб қўйди. Кейин у делегациянинг директорга биринчи бор учрашганини, Ширкатнинг ғирромлик қилганини, кейинроқ эса иккинчи марта муросага келиш учун уриниб кўрилганини — Ширкат ўғирлаб қолмоқчи бўлган икки сантимни қайтиб беришга кўниб, кечикиб ён берганини эслатиб ўтди. Ҳозирги кунга келиб аҳвол қуйидагича: ўзаро ёрдам кассаси қуруқ, Этьен бу гапни рақамлар билан таъкидлади, юборилган ёрдам пулларининг нималарга сарфланганини маълум қилди, шахтёрларга кўпроқ ёрдам бера олмаган Интернационални, Плюшарни ва бошқаларни оқлаш учун бир-икки оғиз сўз айтди, чунки уларнинг халқаро кўламда ишлари кўп эди. Аҳвол кун сайин оғирлашиб бормоқда, маъмурият ҳисоб дафтарларини қайтариб бериб, Бельгиядан ишчилар ёллаймиз, дея дўқ қилмоқда; бунинг устига маъмурият ланжроқ одамларни қўрқитиб, баъзиларини шахтага тушишга кўндирди ҳам. Этьен бу гапларни аҳволнинг ёмонлашганини писанда қилиш учун атайлаб бир оҳангда айтди, очликнинг тантана қилаётганидан, умид учқунлари сўнаётганидан, кураш гоят зўр жасорат талаб қилаётганидан огоҳлантирди. Бирдан товушини баландлатмай, гапининг охирида деди:

— Мана шундай шароитда, ўртоқлар, бугун бир қарорга келишимиз керак. Забастовкани давом эттиришни истайсизларми? Ширкат устидан ғалаба қилиш учун нимага ишонасизлар?

Юлдузлар чарақлаб турган осмон жимжит эди. Этьеннинг гапларидан эзилиб кетган, қоронғиликда кўринмаётган оломон жим эди, дарахтлар тагида умидсизлик нафаси кезарди.

Бироқ Этьен гапини давом эттирар, унинг овози ўзгарган эди. Энди ташкилот секратари эмас, балки омманинг йўлбошчиси, ҳақиқат йўлини кўрсатувчи валий гапираётган эди. Наҳотки ўз сўзига хиёнат қилувчи қўрқоқлар ҳам бўлса орамизда? Қаёқдан чиқди улар? Бутун бир ой азоб-уқубат чекиб, яна бош эгиб, шахтага қайтамизми, яна ўша қашшоқ турмушимизни бошлаймизми? Жонимизни фидо қилиб бўлса ҳам ишчиларни очлик билан ўз амрига бўйсундирадиган капитал зулмини парчалаб ташлаганимиз яхши эмасми? Бу очлик ҳатто энг қўрқоқларни ҳам яна ўз домига тортгунча индамай қараб тураверамизми? Йўқ, бу бемаъни ишга барҳам бериш керак...

Сўнг Этьен эксплуатация қилинаётган шахтёрлар ҳақида, уларнинг кризис оқибатларини елкаларида кўтариб бораётганликлари, рақобат хўжайинларни кўмир таннархини камайтиришга мажбур этганида уларнинг оч қолишга мажбур бўлаётганликлари тўғрисида гапирди. Йўқ, тирговичларга қўйилган янги баҳога кўниб бўлмайди, бунинг замирида ҳар биримизнинг иш кунимиздан бир соатини ўғирлаб қолиш нияти бор. Бу энди ҳаддан ташқари, жони бўғзига келтирилган кафангадоларнинг адолат талаб қиладиган вақти келди.

У қўлини кўтарганча жимиб қолди. «Адолат» сўзини эшитганда оломон чайқалиб, қўлларини силкитишди, бу қуруқ баргларнинг шитирлашини эслатарди.

— Адолат!.. Адолат ўрнатиш вақти аллақачон етган!..— деган садолар эшитилди.

Секин-аста Этьен қизишиб кетди. У Раснёрга ўхшаб осон, силлиқ гапира олмасди. Кўпинча у сўз тополмай қолар, имо-ишоралар билан бир азобда жумла тузар эди. Лекин шу билан бирга бехосдан тингловчиларга ниҳоятда манзур бўладиган зўр образлар топарди; унинг қурилишда ишлаган кишига хос имо-ишоралари, тирсагини баданига босиб туриш одати, сўнг бирдан муштини олдинга ташлаши, худди тишлаб олишга тайёрдек кўринган жағлари ўртоқларида доимо катта таассурот қолдирарди. Ҳамма уни бўйи баланд бўлмаса ҳам лекин одамларни оғзига қарата олади, дерди.

— Елланма меҳнат — қулликнинг янги шакли,—

www.ziyouz.com kutubxonasi

дея давом этди Этьен тўлқинланган товуш билан.— Денгиз балиқчиники, ер эса деҳқонники бўлгани каби шахта ҳам шахтёрники бўлиши керак... Эшитяпсизларми?.. Шахта сизларники, бутун аср мобайнида тер ва қон тўкиб келаётган сизларники, ҳаммангизники!

У баҳсли ҳуқуқ масалаларини дадиллик билан муҳокама қилишга киришди, гарчи ўзи яхши тушунмаса ҳам шахталарга доир махсус қонунлар тўғрисида гапирди. Ер ости бойликлари, ерга ўхшаб бутун халқнинг мулкидир, турли-туман ширкатлар эса қабихона имтиёзлар туфайлигина бу бойликлардан фақат ўзлари фойдаланиб ётишибди; Монсу масаласига келганда шуни айтиш керакки, кўмир қазиб чиқаришга оид шубҳали қонунлар Энодаги қадимги ер эгалари билан тузилган эски шартномалар туфайли қоришиб, чигаллашиб кетган. Бу ўша даврларда одатга кирган эди. Шахтёрлар яна ўз мулкларига эгалик қилишлари керак. Этьен гўё ўрмон ортидаги бутун ўлкани қучоғига оладигандай қўлларини чўзиб қўйди. Шу пайт баланд шохлар ёнидан сузиб чиққан ой ўз нурлари билан Этьенни ёритди. Ҳамон қоронғиликда турган оломон очиқ қўллари билан гўё ҳаёт неъматларини улашаётган Этьеннинг равшан ёритилган қоматини кўргач, яна қўлларини узоқ силкитишиб:

— Тўғри, тўғри айтдинг! У ҳақ! Қойил, яша!— дейишди.

Шу ерга келганда Этьен севимли мавзусига кўчдида, меҳнат қуролларининг коллективга қарашли эканлигини айтиб, асаб торларини ёқимли чертаётган бу иборани ҳузур қилиб такрорларди. У анча билимдон бўлиб қолганди. Ишни биродарликни ялиниб-ёлбориб тарғиб қилиш, меҳнат шаклини ўзгартиришдан бошлаган Этьен ёлланма меҳнатни батамом тугатиш керак, деган сиёсий хулосага келганди. Унинг «Қувноқ» қовоқхонасидаги коллективизмга нисбатан инсоний меҳр билан тўлган, аммо ҳали бирор формулага солинмаган қарашлари энди мураккаб система шаклида кўрина бошлаганди, фиклари қайралиб, ўз ақидаларини илмий тилда баён этарди. Даставвал, деди Этьен, бутун давлат тузуми яксон этилиб, халқ ҳокимиятни ўз қўлига олган тақдирдагина озодликка эришиш мумкин. Ана унда ислоҳотлар бошланади: ибтидоий коммунага қайтилади, ахлоқий жиҳатдан эзилган оила тенг ҳуқуқликка асосланган эркин оилавий муносабатлар билан алмашинади. Гражданлик, сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан тўла тенглик жорий этилади, ишлаб чиқариш қуроллари ва барча меҳнат маҳсулотларидан фойдаланиш туфайли шахсий мустақиллик таъминланади, ниҳоят ҳунар таълими коллектив ҳисобига текин олинади. Бу эса эски, чиркин жамиятни тубдан қайта қуришга олиб келади. Этьен никоҳ, ворислик ҳуқуқига ҳужум қилди, айрим шахсларнинг мол-мулкини аниқлаб чиқди, ўтган асрларнинг машъум ёдгорликларини яксон қилиш керак, деди, у гапираркан, худди етилган экинни ўраётган ўроқчидек бир қўлини кенг ёзиб тушираради, иккинчи қўли билан эса бўлажак инсоният жамиятини қурар, йигирманчи аср бўсағасида қад кўтарадиган ҳақиқат ва адолат биносини бунёд этар эди. Этьен жазавага тушиб гапирганидан, энди мулоҳаза қилиб ўтирмай, фақат бир жоҳилона ғояга ёпишиб олганди. Ҳиссиёт ёки соғлом ақл ишора қиладиган ҳар қандай шубҳалар йўқолди: ана шу янги дунёни қуришдан осон нарса йўқдек эди, гўё ҳаммаси режалаб қўйилган: Этьен худди икки соат ичида йиғиб, юргизиб кетса бўладиган машина ҳақида гапираётгандек эди, гўё унга ўт билан қоннинг аҳамияти йўқ эди.

— Энди навбат бизга келди, — ёниб деди Этьен гапини тугатаркан,— бундан буён ҳокимият ва бойликлар бизники бўлиши лозим.

Ўрмон қаъридан келган қувончли қичқириқлар Этьен қулоғига урилди; энди ой бутун сайхонликни энг узоқдаги ниҳолларигача ёритиб юборган эди, чайқалаётган каллалар билан улкан дарахтларнинг кулранг таналари ойдинда аниқ кўриниб турарди. Совуқ ҳавода очликдан силласи қуриган кишиларнинг кўзлари ялтиллаган, оғизларини катта очган, олға ташланиб, жанг қилиб, ўзларининг тортиб олинган қадимги мол-мулкларини қайтариб олишга шай турган эркаклар, хотин-халажлар, болаларнинг ташвишли чеҳралари кўриниб қоларди. Энди улар Этьеннинг эҳтиросли нут-

www.ziyouz.com kutubxonasi

қидан қизиб кетганликлари учун совуқни сезишмасди. Фидойиларнинг ҳайратли нидолари уларни осмонга чиқариб қўйганди; улар дастлабки христианларга ўхшаб яқин келажакда адолат салтанатининг ўрнатилишини умид, зўр иштиёқ билан кутишарди. Улар кўп нарсани тушунишмас, техник ва мавҳум мушоҳадаларнинг мағзини чақиша олишмас, лекин Этьен сўзларидаги ноаниқлик ва мавҳумликни унинг ваъдалари пардалаб кетарди. Қандай гўзал орзу бу! Ўзингга ўзинг хўжайин бўлсанг, азоб чекмасанг, ҳаётдан лаззатлансанг!..

— Рост, жин урсин!.. Бизнинг навбатимиз келди! Эксплуататорларга ўлим!

Хотинлар алаҳлаётганга ўхшарди; одатда босиқ Маэ хоним безовталаниб қолди, очликдан унинг боши айланарди, Левакнинг хотини инграрди, Ашаддий кампир ғазабланиб, жодугарникидек озғин қўлларини силкитарди, Филомена йўталаверибб, бўғилиб қолди, Мукетта бўлса, жўшиб кетганидан қичқириб, нотиқ шаънига ширин сўзлар айта бошлади. Маэнинг ўзи маҳлиё бўлиб, ғазаб билан бақирарди, Пьеррон қўрққанидан даф-даф титрарди, Левак бўлса, тинмай жаврарди. Захария билан Муке ҳазил-мазах қилишга уринишса ҳам ўзларини қўярга жой топиша олишмасди, шу боисдан оғайнимиз бир қултум ҳам ичмасдан шунча узоқ гапирадими, дея ажабланишарди. Польша солинган корзинкани силкитаётган Жанлен, Лидия ва Бебер ўтин устида ҳаммадан кўп шовқин солишарди.

Яна ғала-ғовур кўтарилди. Этьен муваффақиятдан маст эди. У уч минг кишилик оломонни ўзига қаратиб, бир оғиз сўзи билан уларнинг юрагини ўйнатиб юборганди. Мабодо Суварин лутфан бу ёққа келиб, Этьеннинг нутқини эшитганида, анархистча фикрларни баён қилган ўз шогирдининг ғояларини табриклаб, муваффақиятларидан қувонган бўларди; у фақат маорифга оид моддадан бошқа бутун программани маъқулларди. Суварин буни аҳмоқона кўнгилчанлик сарқити деб биларди, чунки муқаддас нодонлик осий бандаларни гуноҳлардан фориғ этишга хизмат қилиши лозим эди. Раснёр бўлса жирканиб, жаҳл билан елкасини қисарди холос.

— Қўйвор, мен ҳам гапирай!— қичқирди у Этьенга.

Этьен тўнкадан сакраб тушди.

— Хўп, гапир, кўрамиз, сенга қулоқ солишармикин.

Раснёр энди унинг ўрнига туриб олди-да, қўлларини силкитиб, қулоқ солишларини талаб этди. Лекин ғала-ғовур босилмади; Раснёрнинг номи уни билганларнинг олдинги қаторларидан то олисдаги шамшодлар тагидаги қаторларгача бориб етди. Ҳеч ким унинг гапига қулоқ солишни истамасди. Бу энди мағлуб бўлган бошчи эди, шу боисдан башарасининг ўзиёқ собиқ муридларининг ғазабини қўзғарди. Унинг сўзамоллиги, илгарилари ҳаммани мафтун қиладиган меҳр тўла равон нутқи энди қўрқоқларни ухлатадиган илиқкина ичимликка ўхшарди. Раснёр бу ғала-ғовурда гапиришга беҳуда уринарди; у босиқ гапириб, янги қонунлар эълон қилиш билангина ижтимоий тартибни ўзгартириш мумкин эмаслигини, ижтимоий тараққиёт учун вақт кераклигини тушунтирмоқчи бўларди; қийқиришиб уни майна қилишди, «Қувноқ» қовоқхонасида обрўсининг бир пул бўлгани ҳам ҳолва бўлиб қолди. Унга ҳатто музлаб ётган йўсинни кўчириб отишди, аллақандай бир хотин чинқириб:

— Йўқолсин хоин!— деди.

Раснёр тўқиш дастгоҳи тўқувчиники бўла олмаганидек, шахта ҳам шахтёрларники бўлолмаслигини тушунтиришга уринди ва фойдани олишда қатнашишнинг афзаллигини, ишчиларни корхонанинг тенгҳуқуқли пайчилари қилиб, манфаатдор этишнинг яхшилигини таъкидлади.

— Йўқолсин хоин!— дея қичқирди минглаб овозлар ва ҳар томондан Раснёрга ғувиллатиб тошлар отилди.

Унинг ранги қув учиб, хўрлиги келди-ю, кўзларига ёш тўлди. Унинг бутун ҳаёти барбод бўлди, нобакор оломон унинг шуҳратпарастлик умидларига асосланган йигирма йилдан бери қилиб келаётган ошначилик муносабатларини йўққа чиқариб юборди. Дили қаттиқ ранжиган Раснёр бир оғиз ҳам гапиришга мажоли келмай, тўнкадан тушди.

— Ҳа, сенга кулгили,— тўнғиллади Раснёр гердайиб турган Этьенга қараб.— Яхши, сени бошингга ҳам шундай иш тушсин... Шундай бўлади ҳам, эшитдингми?..

www.ziyouz.com kutubxonasi

Келажакда бўладиган бахтсизликларни сезиб турган Раснёр гўё масъулиятни ўз зиммасидан соқит қилмоқчи бўлгандек, қўлини силтади ва жимжит оппоқ даладан танҳо қадам ташлаб узоқлашди.

Кетидан уни роса масхара қилишди, лекин ҳамма тўнка устига чиқиб, шовқинга ҳам қарамай гапирмоқчи бўлиб турган Ўлмас бобони кўрди-ю, ҳайрон қолди, шу чоққача Мук бобо билан бир чеккада турарди, эски одатларига кўра, ўтган кунларини эслашаётгандай кўринишлари ҳам жиддий эди. Афтидан, ўтмиш хотиралари уни жон-ҳолига қўймагану бирдан Ўлмас бобонинг гапиргиси қистаб қолганди, бунақа пайтларда бобо соатлаб гапириб, юрагини бўшатиб оларди. Ҳамма жим бўлиб, чолнинг гапини эшита бошлади; у ойдинда арвоҳдек оппоқ кўринарди. Унинг нутқи йиғилишда айтилган гапларга бевосита алоқадор эмасди, у узундан-узоқ, тушуниб бўлмайдиган, аммо шунга қарамай, ғоят ҳаяжонли воқеаларни ҳикоя қиларди. У ёшлигини эслади, Ворё шахтаси босиб қолиб, икки амакисининг ўлиб кетганини гапирди, кейин хасталиклар ёдига тушиб, зотилжам касали хотинини гўрга тиққанини айтди. Унинг ҳамма гапидан битта маъно чиқарди: ҳамиша ёмон бўлиб келган, ҳеч қачон яхши бўлмайди. Бир куни беш юз киши ўрмонга йиғилишибди, чунки қирол иш соатини қисқартиришни истамаган экан; лекин чол бу ҳақда эзилиб ўтирмай, бошқа стачкани гапириб кетди; э, бунақа ишларнинг озмунчасини кўрдими! Ҳамма воқеалар мана шу дарахтлар остида, мана шу Қизтақирда, анови ерда, Кўмир ўраларида, ёки яна ундан ҳам нарида, Бўрижарда бўлиб ўтганди. Бу йиғинлар баъзан совуқда, баъзан иссиқда бўлган. Бир гал шундай ёмғир ёғибдики, бир оғиз ҳам гаплаша олмай тарқалиб кетишибди. Қирол аскарлари келиб қолиб, иш отишма билан тугабди.

— Биз ҳам қўлларимизни кўтариб, шахтага тушмаймиз, дея қасам ичганмиз... Мен ҳам қасам ичганман, ичганда қандоқ!..

Оломон диққат билан тингларди, одамлар алланечук бўлиб қолишди; лекин шу чоқ воқеаларни кузатиб турган Этьен тўнкага сакраб, чолнинг ёнига чиқди. У биринчи қаторда ўртоқлари билан турган Шавални таниб қолди. Катрина шу ерда, деган фикр Этьеннинг бағрига яна ўт ёқди; у сўзини шахтёрлар маъқуллашганини Катрина кўришини истарди.

— Ўртоқлар, сизлар қариямизнинг гапини эшитинглар, унинг не-не азобларни кўрганини эшитинглар, агар биз ўғри ва жаллодларни тугатмасак, болачақаларимиз ҳам азоб чекаверади.

Этьен қаҳру-ғазабга тўлган, ҳеч қачон бунчалик ёниб гапирмаган эди. У қўли билан Ўлмас бобони тутиб, уни қашшоқлик ва ғам-ғусса байроғи қилиб кўрсатар, қасос олишга чақирар эди. У қисқагина қилиб, Маэ хонадонининг аждодлари ҳақида гапирди, унинг бутун ота-боболари секин-аста Ширкат шахталарида силласи қуриб тамом бўлганини, юз йил ишлаб, тутдек тўкилганини айтди ва оч шахтёрларни пулнинг сассиғига ётолмайдиган қорни катта Правление аъзолари билан қиёслади: бу мечкайлар акционерлар галаси билан оғиз-бурун ўпишиб, юз йилдирки, фоҳишахона сатангларидек айш-ишрат қилиб юришибди. Ахир бу қанақа бедодликки, министрлар порахўрлик қилишлари, бадавлат жаноблар билан буржуйлар зиёфатлар бериб, ҳашаматли иссиқ уйларда семириб ётишлари учун эркакларнинг бутун бир авлоди — отадан тортиб болагача ер тубида — шахтада бўғилиб ётса! У шахтёрларнинг хасталикларини яхши ўрганиб олгани учун камқонлик, ширинча, сил, кишини бўғадиган зиқнафас, одамни фалаж қилиб қўядиган бод касалликларини бутун даҳшатли тафсилотлари билан санаб кетди. Бахтсиз кишилар машиналарга ем бўлишади, уларни мол подасидек посёлкаларга ҳайдайдилар, йирик ширкатлар секин-аста уларни домига тортиб, қулга айлантиришади, бутун бир миллат ишчиларни, миллион-миллион қўлларни кишанга солмоқчи бўладилар — буларнинг ҳаммаси қандайдир мингтача текинхўрни деб қилинади. Лекин шахтёр энди илгаригидек нодон, ер тубида эзилиб ётаверадиган мол эмас. Шахталар қаърида гражданлар армияси, мўл-кўл уруғ уняптики, ажойиб бир кун келиб, ҳаммаси ер юзига ёриб чиқади. Ана ўшанда қирқ йил хизмат қилиб, кўмир кукуни туфлайдиган, кон захидан оёқлари шишиб кетган олтмиш яшар чолга бир юз эллик франк нафақа тайинлашга журъат эта-

www.ziyouz.com kutubxonasi

диган инсофсиз билан гаплашиб қўямиз. Ҳа! Меҳнат капиталдан, номи бору ўзи йўқ худодан, ўзининг арши аълосида ўтириб олиб, камбағаллар қонини сўриб ётган, улар ҳисобига яшаб келаётган махлуқдан ҳисоб беришни талаб этади! Меҳнаткашлар ўша арши аълога боришади, гулхан шуъласи билан унинг афтини ёритадилар, ўша ярамас махлуқни, инсон зот-зурриётини комига тортаётган ўша даҳшатли иблисни ўз қонига ботирадилар!

Этьен жимиб қолди, лекин унинг кўтарилган қўли ҳамон узоқдаги, аллақайдаги, уфқдаги душманга ишора қилиб турарди. Бу сафар оломон унинг гапига шундай ҳайқириб жавоб бердики, ҳатто Монсудагилар ҳам эшитишиб, Вандам томонга олазарак бўлишиб, нима бало, бирон ер катта ўпирилиб кетдими, дея хавотирга тушишди. Тунги қушлар ўрмон узра кўтарилиб, ёруғ, бепоён осмонда тарқалиб кетишди.

Этьен вақтни ўтказмай сўради:

— Ўртоқлар, хўш, нима дейсизлар?.. Стачкани давом эттиришга розимисизлар?

— Ҳа! Ҳа!— деган ғазабнок садолар янгради.

— Қандай чора кўрмоқчисизлар?.. Мабодо эртага қўрқоқлар шахтага тушгудай бўлишса, мағлубиятимиз муқаррар бўлиб қолади.

— Қўрқоқларга ўлим!— деган хитоб довулдек гулдиради.

— Демак, сизлар уларни тартибга чақириб, уларга қасам ичганликларини эслатиб қўясизлар... Мана бундай қилиш мумкин: шахтага бориб, сотқинларга таъсир ўтказишларингиз, Ширкатга ҳаммамизнинг якдиллигимизни, ўлсак ўламиз-у, лекин ён бермаслигимизни исбот қилишларингиз мумкин.

— Тўғри! Қани, шахтага! Шахтага!

Этьен сўз олган замониёқ атрофини ўраб турган, ранглари ўчган, қаттиқ қичқираётган кишилар орасидан Катринани излади. Афтидан у йўқ бўлса керак. У нуқул Шавални кўрарди; ҳасаддан ич-этини еяётган Шаваль елкасини қисарди, афтини бужмайтириб, иржаярди, у мана шундай шуҳрат қозониш учун бор давлатини беришга тайёр эди.

— Ўртоқлар, борди-ю, орамиздан жосуслар чиқиб қолса, эҳтиёт бўлсин, бари бир бизга маълум улар...

Ҳув анави ерда Вандам шахтёрларини кўряпман, улар ҳалиям ишни давом эттиришяпти...

— Сен менга шама қиляпсанми?— сўради Шаваль ғўдайиб.

— Сенгами, бошқагами... Бас, ўзинг сўз очиб қолдингми, қорни тўқнинг қорни оч билан иши йўқ, деган гапни билишинг керак. Сен Жан-Бартда ишлаяпсан-ку...

— Қаёқда ишлайди... Унинг учун хотини ишлайди, гап бу ёқда,— деди кимдир гапни бўлиб пичинг билан.

Шаваль қип-қизариб сўкинди.

— Жин урсин! Демак, ишлаш тақиқланаркан-да?

— Ҳа,— қичқирди Этьен,— ўртоқларинг умум манфаати деб муҳтожлик тортиб турган бир пайтда, фақат ўзингни ўйлашинг ва хўжайинларга қуллуқ қилишинг инсофдан эмас-да. Агар стачкамиз ялписига бўлганда, биз аллақачон ғалаба қилган бўлардик. Монсуда забастовка бўлиб турган бир пайтда Вандам шахтасига бирор одам тушишга журъат этармиди? Ўлканинг ҳамма ерида, бу ердагидек Денеленда ҳам иш тўхташи жуда зарур. Эшитяпсанми? Жан-Барт шахталаридагилар сотқин экан, у ердагиларнинг ҳаммаси сотқин!

Ғазабга тўлган оломон муштини дўлайтириб, Шавални ўраб олди, «Унга ўлим! Ўлим!»— деган садолар янгради. Унинг ранги бўздек оқариб кетди. Этьенни енгиш истаги туфайли унинг миясига бир фикр келди:

— Гапимга қулоқ солинглар! Эртага Жан-Бартга боринглар-да, ишлаш-ишламаслигимни ўзларинг кўринглар!.. Биз улар билан биргамиз, бориб шу гапни айт, деб мени юборишди. Ўтхоналарни ўчириш керак, машинистларни ҳам забастовка қилишга мажбур этиш керак! Майли, насослар ҳам тўхтатиб қўйилсин, қайтага яхши бўлади! Шахталарни сув босиб, ҳаммаси асфаласофилинга кетади.

Шавалнинг гапларига одамлар қўлларини силкитишди, у ҳатто Этьендан ҳам ўтиб кетди. Бирин-кетин тўпкага нотиқлар чиқишиб, ғала-говурда қўллари билан имо-ишоралар қилишар, даҳшатли таклифларни ўртага ташлашар эди. Ҳамма жазавага тушиб, мўъжизадан умидини узиб, уни хаёлларида тасаввур этувчи сектантлардек типирчилаб қолганди. Қизил туман

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Яхш[illegible]ирарди, ёнғин ва қон қўмсаган, умум-
Денелен[illegible]и — буюк тантана ҳақидаги орзулар би-
са ҳам [illegible]ар очликдан айланарди. Сокин ой ҳая-
[illegible]омонга ўз ёғдуларини аямай сочарди, ўрмоннинг жимжит қўйнидан ўлимга чорловчи қичқириқ эшитиларди, фақат оёқ остидаг[illegible]узлаган йўсинларгина ғижирларди; азамат шамо[illegible]лар эса сутдек ойдинда ингичка қора шохларини кўкка чўзиб, остларида ҳаяжонланиб турган камбағалларни пайқамаётгандек, дарду ҳасратларини эшитмаётгандек эди.

Оломон аралашиб кетди; Маэ хоним эрининг ёнига келиб қолди, иккови ҳам ойлаб йиғилиб қолган ғазаб-нафрат таъсирида одатдаги андишани йиғиштириб қўйди-да, ҳаддан ошиб, инженерларнинг бошини олиш керак, дея бақираётган Левакнинг гапини маъқуллайверди. Пьеррон ғойиб бўлиб қолди. Ўлмас бобо билан Мук бараварига қовушмаган ва ғазабли гапларни айтишар, уларнинг гапларига ҳеч ким тушунмас эди. Захария тентаклик қилиб, черковларни бузишни талаб қиларди, Муке бўлса шовқин кучайсин, деб қўлидаги таёқни дўқиллатиб ерга урарди. Хотинлар жиғибийрон эди: Левакнинг хотини икки қўлини белига тираб, нега куласан, дея қизи Филоменани қарғарди. Мукетта бўлса жандармлар бирор ёққа жуфтагини ростлаб қолса бўларди, дея қичқирарди; Ашаддий кампир Лидияни корзинкасиз, салатсиз кўриб, шапалоқ тортиб юборди ва гўё олдида турган хўжайинларни саваламоқчи бўлгандек, қўлларини ҳар томонга силкитаверди. Бебер аллақайси ёрдамчи ишчидан Раснёр хоним болалар Польшани ўғирлаб кетишганини кўрганини билиб олибди, бу хабардан Жанлен бир лаҳза саросимада қолди; шу учун бўлса керак, у қайтишида қуённи секин «Авантаж» эшиги олдида қўйиб юборишга жазм қилди-да, пичоғини кўтариб, ялтироқ тиғини дабдаба билан ўйнатиб бақирди.

— Ўртоқлар! Ўртоқлар! — деди овози бўғилиб қолган Этьен, узил-кесил келишиб олиш учун бир лаҳза жим бўлишга даъват этиб.

Ниҳоят ҳамма унга қулоқ солди.

— Ўртоқлар! Эртага эрталаб Жан-Бартга борамиз, розимисизлар?

БЕШИНЧИ ҚИСМ

[illegible]ларига
[illegible]ққам тути-
[illegible]а талашиб-
[illegible]

I

Эрталаб соат тўртларда ой ботиб, зим-зиё тун пардаси ҳаммаёқни чулғади.

Денеленлар ҳали ухлаб ётишганди. Эшик ва деразалари зич ёпилган кўҳна ғиштин уй қаровсиз улкан боғ этагида жимжит, мунғайиб турарди, унинг орқасида эса Жан-Барт шахтаси бошланарди. Уй орқасидан Вандамга олиб борадиган уч километрлик кам қатнов йўл бошланарди. Бу катта қишлоқ ўрмон орқасида бўлиб, кўринмасди.

Кун бўйи шахтада бўлиб, чарчаган Денелен деворга қараб хуррак отиб ётарди. Ногаҳон уни биров чақиргандек бўлди. У уйғониб, ҳақиқатан ҳам бировнинг овозини эшитди-да, деразани очишга югурди. Рўбарўсидаги боғда штейгерларидан бири турарди.

— Нима гап?— сўради Денелен.

— Шахтамизда исён кўтарилди, тақсир!.. Ишчиларнинг ярми ишламаймиз деяпти, бошқаларни ҳам шахтага туширишмаяпти.

Денелен нима гаплигини дарров пайқаб ололмади; уйқуси бузилганидан боши ғувилларди; худди музхонадан чиқаётгандек деразадан совуқ кириб, юзига урилди.

— Ундай бўлса, ишлашга мажбур қилинглар-да, жин урсин!— деди зарда билан.

— Бир соатдан бери аҳвол шу,— деди штейгер.— Биз сизни чақириб келишга қарор қилдик. Фақат сиз уларни инсофга келтира олсангиз керак.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Яхши, бораман.

Денелен тез кийинди. У тамоман ўзига келган бўлса ҳам, ниҳоятда ҳаяжонланган эди. Уйни кўтариб кетса ҳам бўларди: хизматкорлар ҳам, чўрилар ҳам — ҳеч ким қимир этмасди. Лекин майдоннинг нариги томонидан ҳаяжонли овозлар эшитиларди, Денелен ташқарига чиққанида, эшик ланг очилиб, оппоқ пеньюарларини апил-тапил кийиб олишган иккала қизи кўринди: катта қизи Люси йигирма икки ёшда бўлиб, баланд бўйли, тўлагина, қорачадан келган; энди ўн тўққизга тўлган Жаннанинг эса сочлари сариқ бўлиб, мулойим, истараси иссиққина эди.

— Дада, нима бўлди?

— Айтарлик ҳеч нарса,— жавоб берди Денелен қизларини тинчитиш учун.— У ёқда бебошлар ғалва кўтаришибди шекилли. Бориб кўриб келаман.

Бироқ қизлари унамай, ҳеч бўлмаса иссиқ чой-пой ичиб кетинг, дея қўйишмади: йўқса касал бўлиб қайтасиз, ошқозонингизни чатоқлигини унутманг, дейишди.

Ота тез бормасам бўлмайди, дея кўнмади.

— Менга қаранг,— деди Жанна унинг бўйнига осилиб,— иккита бисквит билан бир рюмка ром ичиб кетасиз, бўлмаса, сиздан қолмайман, мени шу туришимда кўтариб олиб бориб, олиб келасиз.

Денелен, шу бисквитларинг томоғимдан ўтмаса, нима қилай, дея вайсаб, кўнишдан бошқа илож топмади. Лекин қизлари ёқилган шамларни тутиб, унинг олдида зинадан пастга туша бошлашганди. Улар пастда, емакхонада апил-тапил нонушта ҳозирлашга тушиб кетишди: биттаси рюмкага ром қўйса, иккинчиси бисквит олиб келиш учун буфетга югурди.

Оналаридан ёш қолган қизларни ота эркалатиб юборганди, қаровнинг мазаси бўлмаганидан улар анча ёмон тарбияланган эдилар. Катта қизи опера қўшиқчиси бўлишни орзу қилса, кичиги рассомчиликни жондилидан севарди, бунисининг диди ўткир бўлиб, бошқалар орасида ажралиб турарди. Ишлар чаппасига кетиб, уларни рўзғор тутиш йўлини ўзгартиришга мажбур этганида, ҳисоб-китобда қўлдан чиқаётган ҳар бир сантим кўзларини очиб қўйган олифта ойимқизлар жуда уддабурон, тадбирли бекаларга айланишди қўйишди.

Энди улар ўзларининг тамтам санъаткорликларига қарамай, бошқарув жиловини қўлларида маҳкам тутишар, ҳар бир суни тежашар, мижозлар билан талашиб-тортишишар, эски кийимларини қайта-қайта бичиб-тикиб кийшар ва шу йўл билан гарчи муҳтожлик кучайиб бораётган бўлса ҳам, рўзғорнинг саранжом-саришта, тўкин бўлишига эришган эдилар.

— Дада, ҳеч нима емаяпсиз-ку!— дея такрорлади Люси унинг ташвишга тушиб, тунд бўлиб ўтирганини пайқагач; Люси қўрқиб кетди.— Демак, жиддий экан да, а? Кўринишингиз шунчаликки... Бир оғиз айтсангиз бўлди, биз ҳеч қаёққа бормаймиз; ўша меҳмондорчилик бизсиз ҳам ўтар.

Люси эрталаб сайр қилгани боққа боришлари ҳақида гап очди. Энбо хоним извошда аввал Сесилни олгани Грегуарларникига кириб ўтиши, сўнг ҳаммалари биргалашиб, Маршьенндаги пўлат қуйиш заводига жўнаш учун буларникига келиши керак эди. Директорнинг хотини нонуштага таклиф этганди. Устахоналарни, домна ва кокс печларини томоша қилиш учун бу жуда яхши баҳона эди.

— Албатта, қоламиз,— деди Жанна Люсининг гапини маъқуллаб.

Бироқ Денеленнинг жаҳли чиқди.

— Нимага? Сизларга айтяпман-ку, бу арзимаган гап деб... Мени хурсанд қиламан десаларинг, ўринларингга кириб ётинглар-у, яхшилаб ухлаб олинглар, келишиб олинганидек соат ўнга тайёр бўлиб турингглар.

У қизларини қучиб, шошилиб уйдан чиқди. У боғнинг музлаган еридан бораркан, этиги тўқ-тўқ қиларди; кейин қадам товуши узоқлашиб, сўнди.

Жанна ром шишасининг оғзини ҳафсала билан беркитди, Люси бўлса, бисквитларни буфетга қўйиб, эшигини қулфлади. Хонадаги барча нарса гарчи саранжом-саришта бўлса ҳам, онда-сонда овқат ейиладиган емакхоналардагидек хунук кўринарди. Иккала қиз барвақт туришганидан фойдаланиб, кечқурун йиғиштирилмай қолган нарса йўқмикин, дея ҳаммаёқни қараб чиқишди. Мана эсда чиқиб қолган салфетка ивирсиб ётибди; оқсочни койиб қўйиш керак. Ниҳоят керак. Ниҳоят, улар юқорига, ўз хоналарига кўтарилишди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Денелен энг яқин йўлдан, полиздаги тор сўқмоқдан борар эди. У мол-мулки омонат бўлиб қолгани, Монсу акцияларини сотиб юборгани, ўн баробар кўпайтиришни орзу қилиб, ишга туширган бир миллиони, ҳозир бу маблағнинг ишкали чиқиб тургани ҳақида ўйлаб борарди. Ишининг кетма-кет орқага кетиши, кўзда тутилмаган каттакон ремонт, эксплуатация қилишнинг хонавайрон этувчи шарт-шароитлари, корхона энди даромад бера бошлаган бир вақтда рўй берган даҳшатли саноат кризиси... Забастовка ҳам бир бало бўлди. У кичкина эшикчани итарди; тун қоронғисида шахта иморатларининг қорайиб турган тарҳини зўр-базўр ажратиш мумкин эди, узоқда бир неча фонарь милтиллаб кўринарди.

Жан-Бартни кўлами жиҳатидан Ворё шахтасига қиёслаб бўлмаса ҳам, иморатлари янгитдан қилингани учун инженерларнинг таъбирича, «чиройли» бўлиб қолганди. Шахта қудуғини бир ярим метр кенгайтириш, чуқурлигини эса етти юз саккиз метрга етказиш билан кифояланмасдан корхонани янгитдан ускуналашди, ишчилар тушиб-чиқиши учун янги машина, янги кажава ўрнатишди, асбоб-анжомларнинг ҳаммасини техниканинг энг янги ашёлари билан янгилашди. Иморатларда ҳатто баъзи зеб-зийнат ҳам пайдо бўлди: саралаш хонаси ўймакорлик нақшлари билан безатилди, минорага соат ўрнатилди, қабулхона билан машина бўлими худди Уйғониш даври услубидаги капелла сингари меҳробнамо қилиб ишланди. Бино тепасида юксалган улкан труба сирти айланаси қизил ва қора кошинлар билан безатилган эди. Сув насоси фақат сув чиқариб ташлашга мўлжалланган эски Гастон-Мари шахтасига яқин шахтага жойлаштирилганди. Жан-Бартда асосий шахтанинг ўнг чап томонида иккитагина йўл бўлиб, бири вентиляция учун, иккинчиси пастга олиб тушадиган зина учун қилинганди.

Шаваль эрталаб соат учда биринчи бўлиб келди-да, ўртоқларини, келинглар, бизлар ҳам Монсу шахтёрларига ўхшаб, ҳар бир вагонетка учун беш сантимдан қўшиб беришларини талаб қиламиз, дея аврашга тушди. Кўп ўтмай шахтанинг энг тубида ишловчи юз киши қўлларини силкитишиб, бақиришиб, бараклардан кўмир қабул қилинадиган хонага келишди. Ишни давом эттиришни хоҳловчилар эса яланг оёқ бўлиб, қўлтиқларига белкурак ёки чўкич қистириб, қўлларида лампочкаларини ушлаб туришарди; совуқ бўлгани учун бошмоқ ва пальто кийиб олган бошқа кўмирчилар эса шахта йўлини тўсиб олишганди. Штейгерлар бирор тартиб ўрнатиш учун хириллагунча қичқиришарди; улар ишчиларни инсофга чақиришар, жилла қурса ишловчиларга халақит берманглар, дея илтижо қилишарди.

Катринанинг куртка, шим, кўк чепчик кийиб келганини кўрган Шаваль фиғони фалакка чиқиб кетди. Уйдаёқ у Катринага ўрнингдан турма, деб буюрганди. Иш тўхтаб қолишидан ваҳимага тушган Катрина унинг кетидан йўлга тушганди: Шаваль Катринага ҳеч қачон пул бермасди, кўпинча Катрина ўзи ва унинг учун тўлаб юборарди; агар ўзи ишлаб пул топмаса, ҳоли нима кечади? Бир даҳшатли фикр унинг хаёлидан нари кетмасди — бошпанасиз, ейишга нон тополмай қолган юккашларнинг қисматига учраб, Маршьеннидаги фоҳишаҳонага тушиб қолишдан қўрқарди.

— Ҳой, жин ургур!— қичқирди Шаваль.— Бу ёққа нимага келдинг?

Катрина ғўлдираб, рентам йўқ эди, шунинг учун ишламоқчиман, деди.

— Э, сен, ойимча, ҳали менга қарши чиқмоқчимисан? Қани, ҳозироқ жўнаб қол, бўлмаса боплаб кетингга тепаман!..

Қўрқиб кетган Катрина бир четга чиқиб, бу воқеалар нима билан тугашини кўриш ниятида бекиниб турди.

Денелен саралаш хонасига олиб чиқадиган зина томондан борди. Фонарларнинг нури хира бўлишига қарамай, у бир назар ташлашдаёқ бутун манзарани, қоронғиликда тўпланиб турган одамларнинг ҳаммасини кўрди; у ҳар бир кончини, ҳар бир юкчини, қабул қилувчини, ҳар бир юккашни, умуман ҳаммани, ҳатто ёрдамчи ишчиларни юзидан танирди.

Яп-янги, озода бош корпусда тўхтаб қолган иш қачон бошлашларига махтал эди; тўхтатиб қўйилган машинадан майин вишиллаб буғ чиқиб турарди; ишчиларни пастга тушириш учун арқонларга осилган кажавалар қимир этмасди; чўян плиталар усти таш-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лаб кетилган вагонеткалар билан тўлганди. Бор-йўғи саксонта лампа олинганди, қолганлари лампахонада милтиллаб турибди. Лекин ишларнинг юришиб кетиши учун Денеленнинг бир оғиз сўзи кифоя эди.

— Нима бўляпти ўзи бу ерда, йигитлар? — сўради у бақириб.— Нимадан норозисизлар? Менга тушунтириб беринглар-чи, бир муросага келиб қолармиз.

Одатда Денелен ишчилар билан суҳбатлашганида гарчи уларнинг кўп ишлашини талаб қилса-да, оталардек меҳрибон бўлиб кетарди. Шижоатли, дағалроқ бўлса ҳам у аввало ҳарбийлар карнайидек гумбурлайдиган овозини мулойим қилиб, уларни эгиб олишга уринарди. Ишчилар уни севишар, айниқса мардлиги учун ҳурмат қилишарди: Денелен штольняларда ҳамиша улар билан бирга бўлар, бахтсиз ҳодиса туфайли шахтада ваҳима кўтарилган пайтларда хавфли жойларга ўзи биринчи бўлиб борарди. Икки марта,— портлашдан кейин энг дадил кишилар ҳам юрак бетламай турганда,— уни қўлтиқларига арқон боғлаб шахтага туширишганди.

— Хўш, қалай?— деди у.— Сизлар кафил турганим учун пушаймон қилишимга йўл қўймайсизлар-а? Ўзларингиз биласизлар-ку, ахир мен жандармлар муҳофазасидан воз кечганман. Бафуржа гапиринглар! Қулоғим сизларда.

Ҳамма ундан сал ўзини тортиб, қимтиниб, жим бўлиб қолди. Ниҳоят Шаваль гап бошлади:

— Гап бундай, Денелен жаноблари, ҳар бир вагонеткага беш сантимдан қўшиб беришмаса, биз ишни давом эттира олмаймиз.

Денелен ажабланди.

— Нима-нима? Беш сантимдан? Бу талаб қаёқдан чиқди? Тиргакларни яхши қўймаётганларинг учун мен шикоят қилаётганим йўқ-ку!.. Мен Монсу маъмуриятига ўхшаб янги тариф билан сизларни қийнаётганим йўқ-ку!..

— Балки шундайдир, лекин монсулик ўртоқлар ҳақ. Улар ҳақ тўлашнинг янги тарифини қабул қилмаяптилар ва ҳақни беш сантимга оширишни талаб қилаётирлар, чунки ҳозирги шароитларда ҳалол, пок ишлаш мумкин эмас... Шунинг учун биз беш сантим қўшишларингни талаб қиламиз... Ҳой, менга қаранглар, шундайми, ахир?

Тасдиқловчи садолар эшитилди, ғовур-ғувур кучайди; хатти-ҳаракатлар хавфли тус олди. Секин-аста ҳамма жифтлашиб, зич давра олди.

Денеленнинг кўзларида ўт чақнади, унинг мушти — қаттиққўл бўлишни ҳаддан ташқари севадиган кишининг мушти — битта-яримтасини ёқасидан олмаслик учун беихтиёр тугилди. Бироқ у баҳслашишни, инсофга даъват этишни афзал кўрди.

— Сизларга беш сантим керакми? Боринг, иш шунчага арзийди ҳам дейлик. Лекин мен сизларга шунча тўлолмайман-да. Агар мен шунчадан ҳақ берадиган бўлсам, уйимни тополмай қоламан... Тушунсаларингчи, ахир сизларнинг яшашларинг учун мен ҳам яшашим керак... Ортиғига қурбим етмайди: кўмир қазиб олиш таннархини зиғирча ҳам оширсам, хонавайрон бўламан... Икки йил бурун эсинглардами, охирги стачкаларингда мен шартларингга кўнгандим; у пайтда мумкин эди. Лекин ўша ҳақни оширганим мени роса чув туширди, мана ўшандан бери жоним ҳалак... Энди бўлса, бир ойдан кейин сизларга тўлаш учун қаёқдан пул топсам экан, деб бошимни қотириб юргандан кўра ҳозироқ дўконимни ёпиб қўя қолишга ҳам розиман.

Шаваль ўз ишларини шунчалик очиқ-ойдин айтган хўжайинининг афтига қараб, заҳархандалик билан кулиб юборди. Бошқаларнинг димоғи кўтарилди; қайсар, ҳадикчи кишиларга хўжайин ўз ишчилари орқасидан миллион-миллион су ишламаётганини тушунтириб бўлармиди.

Шундан кейин Денелен қаттиқроқ турди. У қоқилиб, ийиғи чиқиб кетгудек бўлса, икки ямлаб ютишни пойлаб ётган Монсу билан доимо курашиб келаётганини тушунтиришга тушди. Бу даҳшатли рақобат уни тежамкор бўлишга мажбур қилади, устига-устак Жан-Барт шахтасининг анча чуқурликда бўлиши кўмир қазиб олиш учун бўладиган сарфларни кўпайтириб юборади; шарт-шароитлар ниҳоятда оғир, яхшиям кўмир қатлами қалинроқ, бўлмаса, расво бўларди-я! Ўша охирги забастовкадан кейин Монсуга эргашиб иш тушиш зарурати бўлмаганида, ишчиларим кетиб қолмасин, деб қўрқмаганида, ўлса ҳам иш ҳақини оширмасди-я. Ҳозир бўлса-чи... эртанги кунларини ўзлари ўй-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лашсин! Хўш, у ҳамма нарсасини сотишга мажбур бўлиб, булар Правление исканжасига тушиб қолишса, нимага эришади? Ахир у арши аълода юргани йўқ-ку. Ахир у ишчиларни шилиш учун бошқарувчи сақлайдиган, бу ишчиларни умрида ўз кўзи билан кўрмайдиган акционерлардан ҳам эмас; у мол-мулкнигина эмас, буд-шудини, ақлу хушини, сиҳат-саломатлигини, ҳатто ҳаётини гаровга тиккан оддий бир хўжайин холос. Ишни тўхтатиш унинг учун ўлим билан баробар, чунки унинг запаслари йўқ, лекин буюртмани бари бир бажариши керак. Асбоб-ускунага сарфланган сармоя бекор туриши мумкинми ахир? Ахир у ўз устига мажбурият олган! Унинг дўстлари ишониб берган пулларни ким тўлайди? Бу синиб, хонавайрон бўлиш деган гап.

— Гап бундай, бўлмаса, дўстларим,— деди Денелен пировардида,— мен сизларни гапимга ишонтирмоқчийдим... Одам ўз оёғига болта урмайди, шундоқ эмасми? Сизларга беш сантимдан қўшиб бериш ёки забастовкаларингга индамай қараб туриш — ўзимни ўзим бўғизлашим билан баробар.

У жим бўлиб қолди. Шивир-шивир бошланди. Кўмир қазувчиларнинг бир қисми иккиланиб қолди. Баъзилар шахта томон юра бошлашди.

— Ҳар қалай,— деди штейгерлардан бири,— ҳамма ўз хоҳишига қараб иш кўриши мумкин. Ишлашни хоҳловчилар борми?

Катрина биринчилардан бири бўлиб келди. Лекин Шаваль қутуриб, уни итариб юборқаркан, бақирди:

— Биз ҳаммамиз яктанмиз. Аблаҳларгина ўртоқларини ташлаб кетади!

Шу дақиқадан бошлаб муросага келиш мумкин эмаслиги аён бўлди. Ғовур-ғувур яна кучайди. Кишиларни шахтадан муштлаб, туртиб чиқаришди, уларнинг оёқ остида қолиб кетишлари ҳеч гап эмасди. Директор жиғибийрон бўлиб, бир ўзи бу оломон билан курашишга, дўқ-пўписа билан эгиб олишга ҳаракат қилди, аммо уринишлари зое кетди ва у чекинишга мажбур бўлди.

Денелен яна бир неча минут қабулхонада қолди, ожизлигидан таассуфланиб, стулга ўтирди, калласига бирор фикр келмай бўғиларди. Ниҳоят у, эс-ҳушини

йиғиб, назоратчилардан биттасига Шавални чақириб келишни буюрди. Шаваль келиб, уни тинглашга рози эканлигини айтгач, хўжайин, бошқаларга чиқиб туринглар, деб ишора қилди.

— Бизни холи қўйинглар.

Денеленнинг миясига бу тирранча нима балони ўйлаб юрибдийкин, бир билай-чи, деган фикр келди. Биринчи сўзлариданоқ Шавалнинг шуҳратпарастлигини, ҳасаддан ич-этини еяётганини сезиб олди. Денелен уни яхши гап билан қўлга олишга жазм этди-да, шундай қобилиятли ишчи ўз келажагини ўзи забун қилаётганига ҳайрон қолди. У анча вақтдан бери кўз остига олиб, уни бирон ишга кўтармоқчи бўлиб юрган экан. Пировардида Денелен уни бир неча муддатдан сўнг штейгер қилиб тайинлашини дангал айтди: Шаваль муштини қисиб, чурқ этмай тингларди, лекин секинаста бармоқлари ёзилди унинг. Мияси ғовлаб кетди: агар у забастовка бўлишига зўр берса, жуда нари борганда Этьеннинг ёрдамчиси бўлади, бу ерда эса мутлақо янги йўл очиляпти: у бошлиқлар қаторига кириб олиши мумкин. У шуҳратпарастлиги васваса қилиб, уни маст этаётганини сезди. Бунинг устига у каллаи саҳардан бери кутаётган забастовкачилар гуруҳи ҳалиям келгани йўқ. Бирор нарса тўсқинлик қилган бўлса керак, балки, жандармлар ушлаб олишгандир; бўйсунадиган пайт келди. Лекин у ҳамон бошини сараксарак қилиб, «йўқ» дейишда давом этар, ғазаб билан кўкрагига муштлаб, ўзини иродали киши қилиб кўрсатишга уринарди. Ниҳоят Шаваль хўжайинига монсулик ўртоқлар билан учрашув ҳақида бир оғиз ҳам гапирмай, ўз одамларини тинчитишга ва шахтага тушишга кўндиришга ваъда берди.

Денелен турқини кўрсатмади, ҳатто штейгерлар ҳам панада туришди. Улар бир соат давомида қабулхонадаги вагонеткага чиқиб олиб, нутқ сўзлаб, баҳслашаётган Шавалнинг гапларини тинглаб туришди. Ишчиларнинг бир қисми унинг гапларига жавобан ҳуштак чалишди, бир юз йигирма киши унинг таклифларини қаттиқ қўллаб, тарқаб кетди. Соат еттидан ошди, очиқ, қувончли, совуқ кун бошланганди. Қўққисдан шахта яна ҳаракатга келди — тўхтаб қолган иш қайтадан бошланди. Бош дастак киргизилган машина валлар-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нинг арқонларини чуватиб, дириллаб кетди. Кейин сигнал қўнғироқлари чалиниб, ишчиларни пастга тушириш бошланди, кажавалар одамга тўлиб, кўздан ғойиб бўлар, яна кўринар эди, шахта ёрдамчи ишчилар, юккашлар ва кончиларнинг янги-янги гуруҳларини комига тортар, қабул қилувчилар эса чўян плита ётқизилган ерда вагонеткаларни гумбурлатиб юргизардилар.

— Э, турқинг қурсин! Шамолда нима қилиб турибсан?— дея қичқирди Шаваль навбати келишини кутиб турган Катринага.— Туш! Дангасалик қиладиган пайт эмас!..

Эрталаб роса соат тўққизда Энбо хоним Сесиль билан извошда етиб келди. Жанна билан Люси кўйлаклари йигирма мартадан қайта тикилган бўлишига қарамай, башанг кийинган эдилар. От миниб, хонимларга ҳамроҳ бўлиб келган Негрелни кўриб, Денелен ҳайрон бўлди. Ие, бундан чиқди, эркаклар ҳам таклиф этилган экан-да? Шунда Энбо хоним ҳомийлик қилаётган киши оҳангида, бу ерларда шубҳали одамлар кўпайиб кетгани ҳақида миш-мишлар тарқалгани учун қўрқиб, соққи олиб олувдим, дея изоҳ берди. Негрель кулиб, хавотир олишнинг ҳожати йўқ, бу шунчаки бақироқларнинг дўқлари, уларнинг биттасиям деразангизга тош отмайди, дея таскин берди. Ҳамон ўз ғалабаси нашъасидан маст Денелен Жан-Бартдаги исённи қандай бостирганини гапириб берди. Энди у хотиржам. Хонимлар Вандам йўлида куннинг ажойиблигидан қувонишиб, извошга ўтиришган бир пайтда, ҳеч ким узоқда, посёлкаларда одамларнинг ташвиши ортиб, халқнинг қўзғалганини хаёлига ҳам келтирмаганди, агар ерга қулоқ тутиб кўрилса, оёқлар дупурини эшитиш мумкин эди.

— Жуда соз! Шундай қиламиз,— такрорлади Энбо хоним.— Кечқурун сиз ойимқизларни олиб келгани борасиз-да, бизникида овқатланасиз. Грегуар хоним ҳам Сесилни олиб келгани бораман, деб ваъда берган.

— Албатта бораман,— деди Денелен.

Извош Вандам томон ғизиллаб кетди. Жанна билан Люси яна бир марта извошдан бошларини чиқариб, йўл четида турган оталарига кулиб боқишди, Негрель бўлса, шундоқ извош ёнида йигитларга хос виқор билан гердайиб борарди.

Ўрмондан ўтиб, Вандамдан Маршьеннга элтадиган йўлга бурилишди. Тартарега яқинлашганда Жанна Энбо хонимдан, Яшил қияликни биласизми, деб сўради, лекин хоним бу ўлкага келганига беш йил бўлганига қарамай, у ерга бир марта ҳам бормаганини тан олди. Шунинг учун айланиб ўтадиган бўлишди. Тартаре ўрмон четида эди. Бу ер экин экилмайдиган, ҳосил битмайдиган, бир вақтларда вулқон отилган жой эди, у ернинг тубида, тупроқ остида кўмир қатламлари кўп асрлардан бери ёниб ётарди. Тартаре ҳақида қадимдан афсоналар тўқилганди; кўмир қазувчилар қизиқ-қизиқ воқеаларни сўзлашарди: юккашлар беҳаёлик билан дон олишиб ётишган пайтда ана шу Содом қаърига осмондан олов тушган экан; улар ҳатто чиқиб олишга ҳам улгуришмабди, ҳозиргача шу жаҳаннамда ёниб ётишганмиш. Қип-қизил чўғдек қоялар сачраган аччиқтошлардан ола-була эди. Ер ёриқларидан худди сариқ гулга ўхшаб олтингугурт кўринарди. Қоронғида ана шу ёриқларга қарашга журъат этган довюраклар қасам ичиб, у ерда гуноҳкорларнинг жони ёниб ётган алангани кўрдик, дейишарди. Ловиллаётган алангалар тили ер юзига чиқарди, иссиқ қўланса буғ паға-паға бўлиб кўтариларди, ифлос, машъум қўрхона эса тинимсиз бурқсиган бурқсиган эди. Худди абадий баҳор мўъжизасидаги каби мана шу машъум Тартаре ўртасидаги Яшил қиялик қад кўтарди — бу ерда ўтлоқ ҳамиша кўм-кўк бўлиб туради — шамшодлар доимо барг ёзиб, далалар йилига уч марта ҳосил беради. Ернинг чуқур қатламларида ёнаётган кўмир алангасидан қизийдиган бу жой табиий иссиқхона эди. Бу ерларда ҳеч қачон қор бўлмасди. Декабрнинг шу кунида қип-яланғоч дарахтлар ёнидаги улкан, ям-яшил куша ҳатто япроқларининг учларига ҳам қиров инмай гуллаб турарди.

Извош текисликдан илдам борарди. Негрель, ривоятдан кулиб, шахта тагидаги олов кўмир кукунларининг бижишидан ҳосил бўлади, деб тушунтирди; уни босиб қўйилмаса, узлуксиз ёнаверади, деди. Сўнг Негрель Бельгиянинг бир шахтасидаги ўтни дарё оқимини ўша ёққа тўғрилаб ўчиришганини айтиб берди. Бирдан у жим бўлиб қолди. Извош бораётган йўлни ҳар минутда кўмирчилар тўда-тўда бўлиб кесиб ўтар-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ди. Улар ўзларини четга олишга мажбур этган бу басавлат кишиларга нигоҳ ташлаб, индамай ўтиб кетардилар. Улар тобора кўпаярди, отлар эса Скарп дарёсининг тор кўпригидан секин юришга мажбур бўлди. Нима бўляпти ўзи? Нега халқ қўққисдан йўлларда изғиб қолди? Хонимлар ваҳимага тушиб қолишди. Негрель бу бесаранжомлик замирида бир нохушлик борлигини сезди. Маршьеннга етишганда ҳамма енгил нафас олди. Домна ва кокс печларининг мўрконлари гўё офтобни тўсмоқчи бўлгандай, осмонга қурум бурқситарди; қурум эса туганмас қора ёмғирдек ёйилиб турарди.

II

Катрина смена алмашинишини кутиб, бир соатдан бери Жан-Бартда вагонеткасини у ёқдан-бу ёққа ғилдиратарди; аъзойи баданидан шариллаб тер қуйилаётганидан у юзини артиш учун бир лаҳза тўхтади.

Штольня тубида ўртоқлари билан қатлам кўчираётган Шаваль ғилдиракларнинг товуши эшитилмаётганига ҳайрон бўлди. Лампалар хира ёритарди, кўмир чангидан бирон нарсани кўриш аримаҳол эди.

— Яна нима гап у ёқда?— қичқирди Шаваль.

Катрина, юрагим ўйнаб, қинидан чиқиб кетай деяпти, сув бўлиб оқадиганга ўхшайман, деган эди, Шаваль ўшқирди:

— Тентак! Бизга ўхшаб кўйлагингни ечиб ташла!..

Бу ҳодиса Дезир тармоғидаги штольнянинг шимолий қисмида, етти юз саккиз метр чуқурликда, кўмир ортиладиган жойдан уч километр нарида содир бўлаётганди. Бу жойнинг номини эшитган кўмирчиларнинг ранги ўчиб, гўё жаҳаннам ҳақида гапираётгандек, овозларини пасайтиришар, кўпинча шахтанинг чўғ бўлиб ётган қаъри ҳақида гапирмаслик учун бошларини сарак-сарак қилиб қўя қолардилар. Шимол томонда, Тартарега яқинлашган сари йўлаклар сиртқи жинсларни кўмирга айлантирган ер ости алангасига кириб борарди. Шу чоғ штольнядаги ҳарорат ўртача қирқ беш даража эди. Ер ёриқларидан олтингугурт буғлари билан аланга тиллари чиқаётган машъум жой худди шу ернинг ўзида эди. Ўткинчилар ана шуни кўрардилар.

Аллақачон курткасини ечиб ташлаган Катрина ўйланиб турди-да, лозимини ҳам ечди; ичкўйлагини блузкага ўхшатиб белига боғлаб олганидан қўлу сонлари очилиб қолди-да, яна вагонеткасини ғилдиратишга тутинди.

— Ҳар қалай енгил бўларкан-а,— деди у бақириб.

Катрина иссиқдангина эмас, балки қўрқувдан ҳам ҳарсилларди. Улар бу ерда беш кундан бери ишлашаётган бўлсалар ҳам, қиз нуқул болалигида эшитган эртакларни ўйларди; бу эртаклар қадим замонлардан буён ўз гуноҳлари учун Тартаре жаҳаннамида жазосини тортиб, ёнаётган юккаш қиз-жувонлар ҳақида бўлиб, бу ҳақда ҳатто гапиришга ҳам қўрқишарди. Албатта, Катрина энди улғайиб, бунақа бемаъни гапларга ишонмайдиган бўлиб қолганди; лекин шундай бўлса ҳам, бирдан девор орасидан кўзлари ёнаётган чалага ўхшаган, чўғ бўлиб кетган печка сингари қип-қизил қиз чиқиб қолса, нима қилади,а? Шу фикр миясига келиши биланоқ аъзойи баданидан тер шариллаб қуйиларди.

Штольнядан саксон метр наридаги бекатда вагонеткани бошқа юккаш қабул қилиб олиб, қия штрекдан яна саксон метрга ғилдиратиб борарди, у ерда қабул қилувчи тепадан тушаётган вагонеткалар билан бирга жўнатиб турарди.

— Боплабсан-ку! Жуда енгил бўлиб олибсан!—деди биргина ичкўйлакдаги Катринани кўрган ўттиз яшар ориққина бева хотин.— Мен бундай қилолмайман, ёрдамчи ишчилар тегишавериб безор қилади.

— Бўлмаса-чи!— жавоб берди қиз.— Эркаклар билан ишим нима!.. Иссиқдан ўзимни қаёққа уришимни билмаяпман-ку.

Катрина бўш вагонеткани келган изига судраб кетди. Ҳаммадан ёмони, Тартаренинг яқинлигидан ташқари, иссиқнинг чидаб бўлмас даражада бўлишига яна битта сабаб бор эди. Иш эски шахтага, жудаям чуқур, ташландиқ Гастон-Мари йўлагига шундоққина яқин келиб қолганди: бунда ўн йил бурун газ портлаб, тармоққа ўт кетганди, ҳалокатнинг йўлини тўсиш учун қилинган лой девор орқасида тармоқ ҳамон ёниб ётарди. Деворни доим тузатиб туриш лозим эди. Ҳаво

www.ziyouz.com kutubxonasi

магани учун ўт ўчиши керак эди, аммо номаълум токлар уни ўчгани қўймай, ўн йилдан бери ёниб турарди, бундан девор шундай қизиб кетгандики, ёнидан ўтаётганларга худди печкадан олов пуркаётгандек бўларди. Худди мана шу девор ёнгинасидан юз метрча жойга олтмиш даража иссиқда аравани ғилдиратиб ўтиш керак эди.

Катрина икки марта бориб-келиб, яна бўғилиб кетди. Унинг бахтига, бу атрофдаги энг қалин қатлами Дезире тармоғининг штольняси кенг ва қулай эди. Қатлам қалинлиги қарийб икки метр бўлгани учун тик туриб ишлаш мумкин эди, лекин кўмир қазувчилар салқинроқ жойдаги энг оғир ишни афзал кўрардилар.

— Эй, менга қара! Ухлаб қолдингми, нима бало!— қўрслик билан қичқирди Шаваль Катринанинг қимирламаётганини сезиб.— Бу қирчанғини менга ким раво кўрдийкин, а? Қани, вагонеткангни тезроқ ҳайда!

Катрина штольнянинг пастида белкуракка суялиб турарди. У ўзини тобора ёмон ҳис қилиб, ҳаммага лоқайдлик билан боқар, ҳеч нимани эшитмас эди. Кўмир қазувчилар лампочкаларнинг қизғиш нурида ҳайвонлардек қип-яланғоч бўлиб олиб ишлашарди. Улар тер ва кўмирдан шунчалик қоп-қора ва ифлос бўлиб кетгандиларки, уларнинг яланғочлиги қизни хижолат қилмасди. Бу оғир меҳнат, маймунникига ўхшаш умуртқаларнинг азоб чекиши, бўғиқ зарбалар, оҳ-воҳлар ичида зирқираб оғриётган, кўмир чангига беланган баданлар киши кўзи олдига дўзахни келтирарди. Ҳайтовур эркаклар Катринани бемалол кўришгани учун чўкич уришдан тўхтадилар; қиз иштонини ечганини аския қилишди.

— Эҳтиёт бўл, шамоллаб қолмагин тағин!

— Оёғи росаям зўр эканми? Ўзинг айта қол, Шаваль, икки кишигаям бўлади-я!

— Хўш, нима қипти! Кўриш керак! Қани, баландроқ кўтар-чи, яна баландроқ!

Шунда Шаваль ҳазил-мазах гаплардан жаҳли чиқмай, Катринага ёпишди:

— Нега қаққайиб қолдинг? Қўзғаласанми, йўқми, жин ургур?.. Ҳеч қандай шармандаликдан тоймайди-я... Қоққан қозиқдек эрталабгача эшитиб тураверади.

Катрина бир азобда вагонеткага кўмир ташлай бошлади; кейин аравани итарди. Деворга суянай деса, йўлак жуда кенг эди; қизнинг яланг оёқлари зўр бериб темир йўл излари орасидан таянадиган жой қидирарди; у энгашиб, қўлларини чўзиб секин-аста олдинга силжирди. Катрина тупроқ девор ёнига келганида яна ўша азобга дучор бўлди; худди жалада қолгандек аъзойи баданидан йирик-йирик тер томчилари қуйилди. У бекатгача бўлган йўлнинг бир қисмини амаллаб босиб ўтгунча шилтаю шалаббо бўлди, сочлари кўзини тўсиб, ҳаммаёғига кўмир қораси чаплашиб кетди. Тор ичкўйлаги худди сиёҳга ботириб олингандек, баданига ёпишди-ю, ҳаракатдан сонигача кўтарилиб қолди. Бу қизни шунчалик қийнаб юбордики, у яна тўхташга мажбур бўлди.

Унга нима бўлдийкин бугун? У худди ичига пахта тиқиб қўйилгандек ўзини сира бунчалик бўшашиб кетганини сезмаганди. Бу зарарли ҳаводан бўлса керак. Бу олис штольняга вентиляция етиб келмаганди. Ҳар хил буғлардан нафас олишга тўғри келади. Бу буғлар жилдираб оқаётган жилғадек майин вишиллаб, кўмир чангидан ажралиб чиқар, кўпинча ҳовур шунчалик кучли бурқсирдики, лампочкалар ўчиб қоларди; кон газига ишчилар эътибор бермай қўйишганди, чунки баъзан ҳафталаб димоғларига уриб турарди. Кўмирчилар «ўлик» ҳаво деб атайдиган бу зарарли газни яхши биларди: пастда оғир бўғувчи газлар, тепада эса ўз-ўзидан аланга олиб, худди яшиндек шахтанинг ерости қурилишларини, юзларча кишиларни яксон қиладиган енгил газ сузиб юрарди. Катрина ёшлигидан шу газларни шунчалик кўп ютган бўлса ҳам, ҳозир нима учун алланечук бўлиб кетаётганига, қулоқлари шанғиллаб, томоғи ачишаётганига тушунмасди.

Бу чинакам азоб эди. Оғриққа чидай олмаган Катрина ичкўйлагини ечиб ташлаш зарурлигини ҳис қилди: ичкўйлакнинг салгина буришган жойи ҳам баданига қаттиқ ботиб, куйдираётган эди. У ҳалиям бўш келмай, вагонеткани нарига ғилдиратишга уринди, лекин қаддини ростлаши зарур эди. Бекатда кийиниб олишга улгураман-ку, дея ўзини юпатиб, шоша-пиша ҳамма нарсасини: белидаги арқонни, ичкўйлагини ечиб ташлади; терисини ҳам шилиб ташлашга тайёр-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дай эди. Энди у қип-яланғоч, ифлос кўчаларда қўлингга қараб мўлтиллаб турган махлуқ ҳолига тушган, худди майиб қирчанғига ўхшаб, қурумдан қорайиб кетган лойқа қорнигача беланиб, эмаклаганча вагонеткани итариб борарди.

Шунда Катрина бутунлай умидсизликка тушди: яланғочлиги ҳам аҳволини енгиллаштирмади. Яна нимасини ечса экан? Қулоғи битиб, гаранг бўлиб қолди; бошини биров исканжа билан қисаётгандек эди. У тиз чўкиб қолди. Назарида вагонеткадаги кўмир бўлаклари орасида турган лампочка ўчиб қолаётгандай эди. Қизнинг хиралашиб қолган ақлига биргина фикр — чироқ пилигини кўтариш фикри келди. Катрина икки марта лампочкани кўздан кечириб қўйишга уринди, лекин ҳар сафар, қиз уни ерга қўйганида лампочка нури худди нафаси етмагандек хиралашиб қолди. Бирдан лампочка бутунлай ўчиб қолди. Шу он ҳаммаёқни қоронғилик босди, боши оғирлашиб ғувилларди, юраги увишиб, уришдан тўхтади, аъзойи баданини қаттиқ ҳорғинлик босиб, мудрата бошлади — Катрина бўғилиб ўлаётганини сезиб, энтикиб, юз тубан йиқилди.

— Аминманки, бу жин ургур бирон ерда салқинлаб ўтирибди!— деди шанғиллаб Шаваль.

У қулоқ солди, бироқ пастдан ғилдиракнинг тиқ этган товуши эшитилмасди.

— Эй! Катрина лаънати каламуш!

Унинг овози бўшликка сингиб кетди, жавобан бирор садо келмади.

— Қараб тур, яна ўзим бориб, танобингни тортиб қўймайин!

Яна ҳеч қандай жавоб йўқ, ҳамон тиқ этган товуш эшитилмасди. У қутуриб, лампочкаси билан пастга шундай югуриб тушдики, йўлда кўндаланг бўлиб ётган юккашга қоқилиб кетишига оз қолди. У ҳайрон бўлиб тўхтади. Бунга нима бўлдийкин? Устомонлик қилаётганга ўхшамайди. Йўқ, ухлаб олишга баҳона эмас бу. У лампочкани тутиб, қизнинг юзини ёритди, лекин у ўча бошлади. Йигит уни кўтариб олди, яна ерга қўйдида, ниҳоят билиб қолди: э, ҳа, газ билан заҳарланибди! У ғазабдан тушди, унда ўртоғи хавф-хатарда қолганини кўрган кўмирчига хос туйғу уйғонди; у энди, менга ичкўйлакни келтириб беринглар, деб қичқирди-да,

қип-яланғоч беҳуш қизни қўлида кўтариб, имкони борича уни баландроқ тутишга ҳаракат қилди. Елкасига кийим ташлаганларидан кейин, бир қўлида қизни, иккинчи қўлида иккала лампочкани ушлаганча чопиб кетди. Олдида чуқур йўлаклар чўзилиб кетар, гоҳ ўнгга, гоҳ чапга бурилиб, ҳаётбахш жойга, вентилятор муздек ҳаво юбориб турган ерга тезроқ етиб олишга ошиқарди. У ниҳоят жинслар орасидан силқиб чиқаётган сувнинг шилдирашини эшитиб тўхтади. Бу ерда бир вақтлар Гастон-Мари тармоғига хизмат қилган катта йўлакнинг чорраҳаси бор эди. Бу жойда вентиляция гувиллаб ишлаётгани учун салқини шунчалик эдики, Шавалнинг эти жунжиб кетди. У маъшуқасини ерга ўтқизди-да, уни тиргакка суяб қўйди; қиз ҳамон ҳушига келмас, кўзи аввалгидек юмуқ эди.

— Катрина! Ҳе, жин урсин, шунақаям бўларканми! Бу қанақа аҳмоқлик!.. Бир оз чидагин, қўйлагингни ҳўллаб олай.

Қизнинг ўзига келмаётгани Шавални қўрқитиб юборди. У мурданинг ўзи эди; ниҳолдек гавдаси, эндигина етила бошлаган ўсмирларникига ўхшаган жуссаси гўё ер бағрига кўмилгандек туюларди. Шундай бўлса ҳам у жилғада ичкўйлакни ҳўллаб, қизнинг юзини артди. Бирдан балоғатга етмай хазон бўлаётган маъсуманинг кўкраги, қорни, сони салгина титрагандек бўлди. Қиз кўзини очиб, шивирлади:

— Совуқ еб кетдим!..

— Э, бормисан! Худога шукур-эй!— енгил тортиб қичқирди Шаваль.

У чаққонлик билан қизнинг устига ичкўйлагини ташлаб кийинтирди, иштонини кийгизаркан, бир оз вайсади, чунки қизнинг ўзи кийиб олишга мутлақо қодир эмасди. Бўлиб ўтган воқеадан гангиб қолган Катрина ҳамон қаердалигини ҳам, нима учун қип-яланғочлигини ҳам тушуна олмасди. Эсига тушгач, қиз уялиб кетди. Ҳамма нарсасини ечиб ташлашга қандай журъат этдийкин-а! Қиз Шавалдан наҳотки мени яланғоч кўришган бўлишса, сонимга рўмол ҳам тутилмаганмиди, дея сўрай бошлади. У ҳар хил бўлмағур гапларни тўқиб, қатор бўлиб турган ўртоқларимнинг кўзи олдидан шундоқ кўтариб ўтдим, ўзинг ҳам жуда яхшисан-да, менинг гапимга кириб, нақ

www.ziyouz.com kutubxonasi

орқангни кўз-кўз қилиб ўтдинг, дея мазах қилди. Кейин Шаваль, худо урсин агар, шундай чопиб ўтдимки, биттасиям орқанг думалоқми, тўртбурчакми, билолмай қолди, дея қасам ичди.

— Э, сени қара-ю! Бу ерда совуқдан ўламан-ку,— деди Шаваль кийинаркан.

Шаваль ҳеч қачон қизга бунчалик илтифот қилмаган эди. Одатда Катрина Шавалнинг бир оғиз ширин сўзи учун бир талай сўкиш эшитарди. Қани энди, аҳил бўлиб яшашса қандай яхши-я! Ҳамон ўзига келолмаган Катрина йигитнинг мулойимликларидан эриб кетиб, жилмайди-да, пичирлаб:

— Мени ўп! — деди.

Шаваль уни ўпиб, ёнига чўзилди-да, қизнинг ўрнидан тура олишини кутди.

— Биласанми,— деди Катрина,— сен у ёқдан менга бекорга бақирдинг-да; тўғриси, ўшанда сира мадорим қолмаганди! Сенлар ишлаётган штольня унчалик иссиқ эмас; лекин у ер паст, дўзахнинг ўзи!..

— Ҳа, албатта-да!— деди у жавобан.— Дарахтлар таги яна ҳам яхши-я... Э, шўрликкинам-ей! Бу ер сенга қанчалик оғир эканини наҳотки билмасам!

Шавалнинг бу гапи уни шунчалик ийдириб юбордики, у анча дадилланиб қолди.

— Бугун мазам бўлмагани учун шундоқ бўлиб қолдим-да, ҳавоси заҳарли экан... Мана, кўрасан ҳали, мен каламуш эмасман! Ишлаш керак бўлганда, ишлайман: тўғри, а? Ишни ташлагандан кўра ўлишни афзал кўраман.

Орага сукунат чўкди. Шаваль бир қўли билан Катринанинг белгидан қучиб, шамоллаб қолмасин, дея кўксига босди. Гарчи Катрина қайтиб ишга боришга кучи етишини сезса ҳам, лекин ҳузур қилиб дам олгиси келди.

— Мен фақат бир нарсани истайман,— оҳистагина деди қиз,— менга меҳрибонроқ бўлсанг бас... Одамлар бир-бирларини салгина бўлса ҳам севишса қандоқ яхши.

Катрина шундай деди-ю, секингина йиғлаб юборди.

— Ахир мен сени севаман-ку!— хитоб қилди Шаваль.— Бўлмаса сени олиб нима қилардим?

Қиз бошини сарак-сарак қиларди холос. Кўпинча

эркаклар фақат ўз ҳирсларини қондириш учунгина хотин оладилар, уларнинг бахти ҳақида жуда кам қайғурадилар. Қани энди бошқа йигитга дуч келиб қолсам-у, у белимдан доимо қучиб юрса, ҳаётим қандай соз бўларди-я, деган фикр миясига келиши билан қайноқ кўз ёшлари шашқатор бўларди. Бошқа йигит? Ўша бошқа ёрнинг хира сиймоси ҳаяжонланган қизнинг хаёлида гавдаланди. Лекин у билан ора очиқ бўлган эди; энди умрининг охиригача манови билан яшаши керак, фақат кўп урмаса бас.

— Лоақал ҳар замонда ҳозирдагидек бўлишга ҳаракат қил!..

Йиғи унинг гапиришига халақит берарди. Шаваль яна уни қучоқлади.

— Вой тентаг-ей!.. Хўп, бўпти, қасам ичиб айтаманки, энди қўполлик қилмайман! Ахир бошқаларга қараганда раҳмдилман-ку!

Катрина кўз ёшларини оқизиб, унга жилмайиб қарарди. Балки у ҳақдир; қани ўша бахтиёр аёллар? Катрина гарчи Шавалнинг қасамларига ишонмаса ҳам, ҳозир унинг шунчалик меҳрибонлигидан шодланарди. Э, худо! Қани энди доимо шунақа бўлса! Улар яна қучоқлашиб, бир-бирининг пинжига кирди, лекин яқинлашиб келаётган оёқ товушлари уларни дик этиб туришга мажбур этди. Шавалнинг Катринани кўтариб чопиб кетганини кўрган уч оғайниси уларга нима бўлганини билиш учун келишди.

Ҳаммалари биргалашиб орқага қайтишди. Эрталаб соат ўнга яқинлашиб қолганди. Яна штольняда тер тўкиш учун салқинроқ жойда нонушта қилишди. Улар кунлик нонларини еб, флягадаги қаҳвадан ичмоқчи бўлиб туришганида, ногаҳон олис йўллардан келган шовқинни эшитиб ташвишга тушиб қолишди. У ерда нима бўлдийкин ўзи? Балки яна бахтсиз ҳодиса юз бергандир? Улар сапчиб туриб, чопиб кетишди. Минут сайин олдиларидан кончилар, юккашлар, ёрдамчи ишчилар тўсиб чиқишаверди: ҳеч ким ҳеч нимани билмасди; ҳамма бақирарди; катта фалокат юз бергани аниқ эди. Секин-аста бутун шахта тўс-тўполон бўлиб кетди. Қоронғуликда аллақандай ҳовлиққан кўланкалар йўлаклардан югуриб чиқишар, лампочкалар ликиллар эди. Нима бўлдийкин? Нега ҳеч ким айтмайди?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ногаҳон штейгерлардан бири:

— Арқонларни кесишяпти! Арқонларни кесишяпти! — деб қичқириб қолди.

Шундай кейин ҳамма чинакам ваҳимага тушди. Одамлар қоп-қоронғи йўлаклардан гуриллаб югура бошлашди. Ҳамма эс-ҳушини йўқотиб қўйганди. Нега арқонларни чопишади? Пастда одамлар бўлса, уларни ким чопади? Бу даҳшатли бир ҳол бўлиб туюлар эди.

Бошқа бир штейгернинг:

— Монсудан келиб, арқонларни кесишяпти! Ҳаммаларинг чиқинглар,— деган овози эшитилди, эшитилди-ю, тинди.

Шаваль нима бўлаётганини пайқаб, дарҳол Катринани тўхтатди. Тепада забастовкачиларга йўлиқаманда, деган фикр миясига келди-ю, оёқлари дармонсизланиб, чалишиб қолди. Демак, бу бебошлар тўдаси етиб келибди-да, Шаваль бўлса, улар жандармлар қўлида, деб ўйловди! У бир лаҳза орқага қайтиб, Гастон-Мари томондан ўтсаммикан, дея ўйлади; бироқ у ерда иш тўхтаганди. У сўкинар, иккиланиб тўхтаб қолар, қўрқувини яширишга уринар, бунақа қочиш бемаънилик-ку, дея ғўлдирар эди. Уларни шахта қаърига ташлаб кетишармикин?..

Яна штейгернинг овози келди, бу сафар яқиндан эшитилди:

— Ҳамма юқорига! Нарвонлардан чиқинглар! Нарвонлардан!

Шавални ўртоқлари эргаштириб кетишди. У Катринани итарар, мунча имиллайсан, дея сўкиннар эди. Бу мегажин шу ерда қолиб, очликдан ўлмоқчи шекилли, а? Ахир монсулик қароқчилар одамларнинг чиқиб олишини кутиб ўтирмай, нарвонларни бузиб ташлашади-ку. Бу жирканч фикр ҳаммани батамом гаранг қилиб қўйди. Васвасага тушган одамлар нарвонга аввалроқ етиб келиш учун бир-бирини итариб-туртиб, жон ҳолатда йўлаклардан югуришарди. Ҳамма нарвон бузилган, ҳеч ким чиқиб кетолмайди, дея қичқирарди. Кўмир қазувчилар капалаклари учиб, юк ортиладиган жойга тўда-тўда бўлиб киришгач, чиндан ҳам бу ер тирбанд бўлиб кетди; улар бир-бирларини босиб-янчиб, ўзларини нарвонга олиб чиқадиган торгина эшикка уришди, отини шошмай оғилга етаклаб кетаётган кекса отбоқар уларга жирканиб қараб-қараб қўярди: шахтада ухлашга ўрганиб қолганидан бари бир мени чиқариб олишади-ку, деб ишонарди.

— Жин ургур! Олдинга юр, деяпман сенга!— деди Шаваль Катринага.— Йиқилсанг, ушлаб қоламан.

Гангиб қолган, уч километр югуриб, қора терга ботган Катрина ҳарсиллаб, оломон ҳаракатига беихтиёр бўйсуниб бораверди. Шунда Шаваль кучи борича уни қўлидан торта бошлади. Қиз аянчли қичқириб юборди, кўзларидан ёш чиқиб кетди: нима, у қасамини унутдими? Йўқ! У ҳеч қачон бахтли бўлмайди.

— Ўт олдинга!— бўкирди Шаваль.

Лекин Катрина ундан жуда қўрқарди. Агар у олдинда борса, Шавал ҳамиша дағдаға қилади. Шунинг учун қиз тихирлик қиларди, бу орада эс-ҳушини йўқотган шахтёрлар оқими эса уларни четга чиқариб қўйди. Сизиб чиқаётган ер ости суви йирик-йирик томчилаб турарди; кўтарма машина хонасининг поли оламон тиғизлигидан эгилиб, чуқурлиги ўн метр келадиган, оқова сувлар тўпланиб, балчиққа айланган ўра устида лопилларди. Худди мана шу ерда, Жан-Бартда икки йил бурун даҳшатли ҳалокат рўй берганди: арқон узилганди, кажава чуқур тубига учиб тушиб, икки киши чўкиб кетганди. Ҳамма шуни эслаб, борди-ю, тахталар дош беролмай синса, шу ерда қолиб кетамизми, деб ўйларди.

— Миясини еган аҳмоқ!— қичқирди Шаваль.—Ўлгинг келса, қолавер шу ерда! Ҳеч бўлмаса, сендан қутуламан-ку!

У олдинга ўтди, Катрина кетидан юрди.

Тепага ҳар бири етти метрча келадиган бир юзу икки нарвон билан чиқиларди; нарвоннинг ҳар бири кенглиги шахта стволи билан баробар торгина майдончага тираб қўйилганди: одамлар тўртбурчакли тешикдан зўрға ўтиб олишарди. Шахта стволи етти юз метрлик баланд ясси мўрконни эслатарди; қудуқ девори билан кўмир қазиб олинадиган бўлма иҳотаси орасида ичакдай чўзилиб кетган йўлка бўлиб, нарвонлар деярли қия қўйилиб, бир-бирига мингашганди. Бундай улкан нарвондан кўтарилиш учун бақувват кишига ҳам йигирма беш минут вақт керак бўларди. Аслини олганда бу, ҳалокат юз бериб қолгудек бўлса, асқотадиган эҳтиёт йўли эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Катрина аввалига далил кўтарила борди. Унинг яланг оёқлари шахтанинг мустаҳкам бўлсин учун тўрт-бурчакли зиналарига тунука қопланган нарвонига ўрганиб қолганди; вагонеткани итараверіб, дағаллашиб кетган қўллари толмасдан йўғон панжарани ушлаб борарди. Кутилмаганда юқорига кўтарилиш ҳатто қизни қизиқтириб қайғули хаёллардан чалғитди. Уч кишидан бўлиб олган одамларнинг иланг-биланг колоннаси узундан-узоқ бўлиб, тўхтовсиз буралиб чиқиб турарди; колоннанинг боши ёруғликка чиққанида думи ҳали пастда, ўра устида эди. Ҳали ким чиқишга улгурмаганди, энг олдиндагилар ҳам энди йўлнинг учдан бирини ўтишганди. Ҳеч ким гапирмасди, фақат қадамларнинг бўғиқ шап-шупи эшитиларди; лампочкалар худди учаётган юлдузлар каби пастдан юқорига тик чизиқ бўйлаб милтиллаб кўринарди.

Катрина орқасидан келаётган ёрдамчи ишчининг нарвонни санаётганини эшитиб қолди. У ҳам санай бошлади. Ўн беш нарвондан кейин кўтарма машина хонасига етишди. Лекин шу пайт қиз Шавалнинг оёғига қоқилиб кетди. У сўкиниб, анқайма, деб ўшқирди. Вақт-вақти билан бутун колонна тўхтаб қоларди. Нима гап? Нима бўлди? Ҳар бирининг товуши сўрашга-ю, қўрқувдан «тавба» дейишгагина ярарди холос. Ваҳима кучайди, айниқса пастдагиларнинг ўтакаси ёрилди; ёруғликка яқинлашилган сари тепада нима бўлаётганлигини билмаслик баттарроқ эзарди. Кимдир, нарвон бузиб ташланибди, яхшиси пастга тушиш керак, деб қолди. Айниқса ҳамма шундан қўрқарди,— улар ора йўлда қолиб кетишлари мумкин эди. Кончилардан биттаси нарвондан сирғаниб кетибди, деган бошқа бир хабар оғиздан-оғизга ўтди. Ҳеч ким ҳеч нимани билмасди: қичқириқлар ғўнғиллаб эшитиларди. Шу ерда тунаб қолмасмиз ахир? Ниҳоят, ҳеч нарсани аниқлаша олмай, яна боягидай секин, оғир қадам ташлаб кўтарилаверишди; қадам товуши эшитилар, лампочкалар ликиллар эди. Афтидан, нарвонлар тепада бузилган бўлса керак.

Ўттиз иккинчи нарвонда, уч ярусни босиб ўтишганда Катрина оёқ-қўллари увушиб қолганини сезди. Аввалига бармоқларининг учлари игна санчилаётгандек жимирлашди, мана энди у қўллари ҳам, оёқлари ҳам

темир билан ёғочни сезмаётганини пайқади. Кейин мускуллари жизиллаб кетди. У ўзидан кетиб қолай дерди; у Ўлмас бобонинг ўн ёшли қизлар четига панжара тутилмаган нарвонлардан кўмир ташиган замонлар ҳақидаги ҳикояларини эслади. Ўшанда қизларнинг битта-яримтаси зинадан қуласа ёки корзинкадан кўмир тушиб кетса, уч-тўрт ўсмир пастга боши билан учиб кетаркан. У аъзойи баданининг қақшаб оғриётганига чидолмай қолди; йўқ, у охиригача ета олмайди.

Ҳар тўхташганида у нафасини ростлаб оларди, бироқ тепадан келаётган ваҳимали гаплар унинг дармонини қуритарди. Катринанинг тепасидагилар ҳам, пастдагилар ҳам оғир-оғир нафас олишарди, ниҳоясиз кўтарилишдан бош айланиш кучаярди, кўпларнинг кўнгли айнир эди. Қоронғиликдан карахт бўлиб, тўсиқлар деворига урилиб, абжағи чиқиб кетишидан қўрққан Катринанинг нафаси қайтиб кетаётганди. Гарчи ҳаммаёғидан йирик-йирик тер чиқаётган бўлса-да, у намликдан дағ-дағ титрарди. Халқ тепага етиб қолаёзди; ёмғир шундай қуярдики, лампочкаларни ўчириб қўяй дерди.

Шаваль икки марта Катринага мурожаат қилди; аммо жавоб бўлмади. Катрина у ерда нима қилаётганийкин? Балки тилдан қолгандир! Чиқяпман, деса бўлади-ку, ахир. Мана, ярим соатдан бери кўтарилишяпти, аммо шунчалик секинки, эллик тўққизинчи нарвонга аранг етишди. Яна қирқ уч нарвон қолди. Ниҳоят Катрина минғиллаб, тузукман, деди. Борди-ю, чарчадим, деб нолиса, Шаваль, судралмай ўл, дея сўкарди. Зиналарнинг тунукаси оёғига шундай ботардики, гўё ҳатто суягини арралаётгандек эди. Қўллари қотиб. ҳаммаёғи моматалоқ бўлиб кетди. Катрина оёқлари, елкалари зил бўлиб кетганидан мана ҳозир қўлларим панжарани ушлашга ярамай қолади, деб қўрқарди. Худди юз тубан йиқилиб тушаётгандек бўлаверди. У, айниқса, тор, деярли тик нарвондан чиқишда жуда қийналарди; зинапояларга қони билан ёпишиб кўтарилишга тўғри келди.

Энди одамларнинг оғир-оғир ҳарсиллашларини оёқларнинг тап-тупи босиб кетди; қудуқ иҳотасига урилиб қайтаётган даҳшатли хириллаш пастдан кўтарилиб, юқорида сўнарди. Инграган овоз эшитилди — аллақай-

www.ziyouz.com kutubxonasi

си ёрдамчи ишчи майдонча қиррасига бошини уриб олиб ёрибди.

Катрина бўлса ҳамон кўтариларди. Яна бир яруслан ўтишди. Емғир тинди. Туман ер ости ҳавосини баттар қуюқлаштирди. Эски темир билан ҳўл ёғоч ҳиди анқиб кетди. Қиз беихтиёр пичирлаб санагани санаган эди: саксон бир, саксон икки, саксон уч... яна ўнтўққизтаси бор. Рақамларни такрорлаши унга мадад берарди. Катрина шуурсиз ҳаракат қиларди. У кўзини очганда олдида лампочкалар ғалати бўлиб айланар эди. Катрина бадани қонга беланиб, ўлиб қолаётгандек бўлаверди; назарида салгина шабада ҳам уни итқитиб юборадигандек эди. Энг ёмони шу эдики, пастдагилар борган сари кучлироқ сиқишарди. Ғазабланган, чарчаган бутун колонна тезроқ қуёшни кўриш иштиёқида ёниб, тепага интиларди. Ниҳоят биринчи бўлиб нарвонга ёпишган ўртоқлар чиқиб олишди: демак, нарвон бузилмаган экан, бироқ бир фикр, бошқалар юқорига чиқиб, тоза ҳаводан нафас олишаётган бир пайтда, ҳар қалай нарвонларни бузиб, пастдагиларнинг чиқиб олишларига халал беришлари мумкин-ку, деган фикр қолганларни ақлдан оздираётган эди. Борди-ю, яна тўхтаб қолгудек бўлсалар, сўкиш бошланарди, ўзларининг чиқиб олишлари учун бир-бирини итариб-суриб, босиб-янчиб, олға интиларди.

Катрина йиқилди. У жонҳолатда қичқириб, Шавални чақирди. У жавоб бермади: шу чоқ Шаваль ўзи тезроқ олдинга ўтиб олиш учун ўртоқларининг бири билан тепишаётганди. Катринани босиб-эзишди. Қиз ҳушини йўқотиб алаҳлай бошлади: хаёлида гўё қадимги замондаги кичкинагина юккашу худди тош тегиб, думалаб тушган чумчуқдек уни ҳам корзинкадан тўкилган бир кўмир ағдариб юборгандай, мана энди пастга, чоҳ тубига шитоб билан учиб бораётгандай эди. Бор-йўғи бешта нарвон қолди. Шуни босиб ўтишга бир соатча кетди. Аллакимларнинг елкалари орасида қисилган, икки ёнидан тор чоҳ деворлари тўсиб турган Катрина қандай қилиб қўққисдан ёруғликка чиқиб қолганини асло тушуна олмасди. Бирдан у ўзини қуёш чарақлаган ерда, ҳазил-мазах билан кутиб-олиб, ҳайқираётган оломон орасида кўрди.

III

Посёлка ишчилари эрта тонгданоқ ғазабдан дағ-дағ титрарди; бу қаҳру ғазаб кучайиб, бутун округ йўлларида борган сари кўпроқ тўлқинланиб борарди. Бироқ келишиб қўйилганидек забастовка амалга ошмайдиган бўлди: миш-мишларга қараганда, текисликда драгунлар билан жандармлар пайдо бўлганмиш. Айтишларича, улар Дуэдан кечаси келишибди. Раснёрни айблашарди: директор Энбони огоҳлантириб, ўртоқларини сотган шу эди. Юккаш аёллардан бири, директорнинг малайи телеграфга шошилинч телеграмма олиб борганини ўз кўзим билан кўрдим, деб қасам ичди. Кўмир қазувчилар муштларини тугиб, сал кўтарилган дарпардалар ортидан тонг ғира-ширасида ўтаётган солдатларга қараб туришарди.

Эрталаб соат етти яримда, қуёш чиққанда, энг бесабрларни ҳам дадиллантирадиган бошқа миш-миш тарқалди. Одамларнинг ташвиши беҳуда экан: генерал забастовка бошланиши Лилль префектининг қистовига кўра, одатдаги ҳарбий машқ-сайр уюштирибди. Забастовкачилар орага тушиб, сизларни Ширкат билан яраштириб қўяман, деб алдаган бу амалдорни ёмон кўришарди. У яраштириш ўрнига ишчиларни қўрқитиб қўйиш учун ҳафтада бир марта Монсуга қўшин юбориб турарди. Шундай қилиб, драгунлар билан жандармлар музлаган ерда от туёқларининг дукури ишчиларнинг эсини чиқариб юборди, деб хурсанд бўлиб, Маршьенн йўлига бурилишганда, кўмир қазувчилар жиддий иш энди бошланганда содда префект ва унинг бу ердан кетиб қолган солдатлари устидан мириқиб кулишди.

Улар уйларидан чиқмай, узоқлашиб кетаётган сўнгги жандармларнинг орқасидан қараб, соат тўққизларгача ҳузур қилишди. Бу вақтда Монсу буржуйлари болишларга кўмилиб, ўринларида тинчгина ухлашарди. Правлениедагилар Энбо хоним извошга тушиб жўнаб кетганини кўришди, эри уйда қолиб, ўз ишлари билан шуғулланди; қулфлоғлик уй сув қуйгандек жимжит эди. Шундай хавфли фурсатда бироита ҳам шахтада ҳарбий соқчи йўқ-а; бу деярли доимо ҳалокатли воқеалар юз берадиган пайтларда йўл қўйилган

www.ziyouz.com kutubxonasi

қалтис, аммо табиий нуқсон эди. Фактларни таҳлил қилиш лозим бўлганда ҳар сафар ҳукумат йўл қўйиб келган ўша хатолар яна такрорланганди. Соат тўққизга занг урди ва ниҳоят кўмир қазувчилар Вандам йўли билан ўрмонга жўнашди. Кеча шу ерга тўпланишга қарор қилинганди.

Этьен катта умид боғлаган ўша уч минг киши Жан-Бартга келмайди, деб ўйлаганди. Кўплар, намойиш қолдирилди, деб ўйлашганди, энг ёмони шу эдики, йўлда келаётган икки ёки уч гуруҳ кишилар, агар Этьен уларни учратиб, бошлаб келмаганида, ишни печава қилишлари мумкин эди. Саҳарда кетганлар, — юзга яқин киши, — шамшодзорга бекиниб, бошқаларни кутиши керак эди. Этьен маслаҳат сўраб, Суварин олдига кирганида, у елкасини қисиб қўя қолди. Унинг фикрича, ўнта ўктам йигит бирталай одамдан анча кўп иш қилади. У олдида турган китобни ўқишга тушиб кетди ва бу ишга қатнашишдан бутунлай бош тортди. Бу иш Монсуга ўт қўйиб юбориш зарур бўлиб турган бир пайтда яна одамларнинг ҳистуйғусига боғлиқ бўлиб қолганди. Этьен уйдан чиқаётганида чўян печка ёнида ўтирган Раснёрга кўзи тушиб қолди. Раснёрнинг ранги бўздек оқариб кетганди. Доимо қора кийиб юрадиган хотинининг бўйи шу куни яна ҳам чўзилгандек эди; у ўткир, лекин мулойим гаплар билан эрини ўйиб олаётганди.

Маэ, сўзнинг устидан чиқиш керак, деб ҳисобларди. Бундай йиғин муқаддасдир. Лекин шу кеча, ҳатто энг ашаддий забастовкачилар ҳам ҳовурдан тушиб қолишди; бироқ у хавф борлигини пайқаса-да, ҳамма ўша ёқда бўлиши керак, ўртоқларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш лозим, бурч шуни тоқазо этади, деб тушунтирарди. Маэнинг хотини тасдиқлаб бош чайқарди. Этьен бировнинг ҳаётига қасд қилмасдан революционачасига ҳаракат қилиш лозимлигини ҳадеб таъкидларди. У уйдан чиқиб кетаркан, кеча беришган бир шиша қора арча ароғи билан бир парча нонни емайман, деди; аммо совуқ еб қолмай, деб кетма-кет уч стакан ароқ ичди; у ҳатто ялоқ идишни ароққа тўлдириб ҳам олди. Альзира уйда болаларга қараб қолди. Ўлмас бобо бўлса, кеча кўп йўл юрганида оёқлари оғриб қолиб, ўрнига ётишга мажбур бўлди.

Эҳтиёткорлик юзасидан бирга эмас, битта-битта тарқалишди. Жанлен аллақачон ғойиб бўлганди. Маэ хотини билан Монсу томон юрди, Этьен бўлса, ўртоқларига қўшилиб олиш учун ўрмонга жўнади. Йўлда у бир тўп хотинга етиб олди; улар орасидаги Ашаддий кампир билан Левакнинг хотинини дарров таниди; улар Мукетта олиб келиб берган каштанни ейишарди, қорнимиз қаппайсин, деб пўчоқ-мўчоғи билан ютишарди. Лекин ўрмонда ҳеч ким йўқ эди. Забастовкачилар Жан-Бартга ўтиб кетишганди. Этьен шошилиб, Левак ва бошқа юз чоқли шахтёр ҳовлига энди киришаётганда етиб келди. Кўмир қазувчилар ҳаммаёқдан келишаверди; Маэлар катта йўлдан, хотинлар даладан кетаётганди; ҳамма худди қирғоқлардан тошиб, нишабликларда ёйилиб оқаётган дарёдек, раҳнамосиз, қуролсиз жўшиб борарди. Этьен кўприк панжарасига миниб олган Жанленни кўриб қолди, болакай худди томошага келгандай ўтириб олганди. Этьен тезроқ юриб, олдин келган ўртоқлари билан бирга ичкарига кирди. Ҳаммалари кўпи билан уч юз кишига борарди.

Қабулхонага олиб чиқадиган нарвонда Денеленни кўриб, ҳанг-манг бўлиб қолишди.

— Нима истайсизлар?— сўради у баланд товуш билан.

У қизлари жилмайиб ўтирган извош кетидан қараб турарди-да, юраги ғаш бўлиб шахтага қайтди. У ерда ҳамма нарса жойидагидек туюларди: ишчилар конга тушиб бўлишган, кўмир қазиш давом этяпти. У хотиржам бўлиб, энди штейгер билан гаплашиб турувди ҳамки, бирдан забастовкачилар яқинлашиб келишаётганини айтиб қолишди. Денелен саралаш хонаси деразасига югуриб, ташқарига қаради-ю, тобора кўпайиб, ҳовлини тўлдириб юборган бу одамлар оқими олдига ўзининг ожизлигини тушунди. Ҳамма томони очиқ қурилишни қандай ҳимоя қилади? У атрофига зўрбазўр йигирматача ишчини йиға оларди холос. Ҳаммаси тамом бўлди.

— Нима демоқчисизлар ўзи?— такрорлади у қаҳру ғазабдан оқариб, юз берай деб турган фалокатни мардона қаршилаш учун бор кучини йиғиб.

Оломон шивир-шивирга тушиб қолди, аллақандай ҳаракатлар сезилди. Этьен олдинга чиқди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Денелен жаноблари, биз сизга бирон ёмонлик қилмаймиз, лекин иш ҳаммаёқда тўхтатилиши керак.

Денелен, эсингиз йўқ экан, деб унга эътироз билдирди.

— Наҳотки сизлар конимдаги ишни тўхтатиб, сизга яхшилик қиляпмиз, деб ўйласаларинг? Ахир бу мени орқамдан отиш билан баробар-ку... Ҳа! Менинг ишчиларим шахтада, улар у ердан чиқишмайди ёки аввал мени ўлдирасизлар!

Жаҳл билан айтилган бу сўзлар ҳаммани дарғазаб қилди. Маэ муштларини дўлайтириб, олдинга интилаётган Левакни босиб турди. Этьен революцион ҳаракатларнинг қонунийлигига Денеленни ишонтиришга уринарди. Лекин Денелен, яна меҳнат қилиш ҳуқуқи ҳам бор, дея эътироз билдирарди. Сирасини олганда, у бунақа икир-чикирларни муҳокама қилиб ўтиришга тоби йўқ, ўз конининг хўжайини бўлишни хоҳлайди, вассалом! У фақат бу ғаламислар тўдасини тарқатиб юбориш учун уч-тўрт жандарм йўқлигига афсусланарди холос.

— Менинг хатом худди мана шунда, бу кўргиликка ўзим сабабчиман. Сиздақа безорилар билан фақат куч ишлатиб гаплашиш керак. Ҳукумат эса ён бериб, сизларни сотиб олиш мумкин, деб ўйлаяпти. Сизларни қуроллантириш биланоқ ундай ҳукуматнинг ўзини ҳам ағдариб ташлайсизлар.

Даг-даг қалтираётган Этьен ўзини зўр-базўр босиб турарди. У овозини пастлатиб деди:

— Сиздан илтимос, жаноби Денелен, ишчиларни юқорига олиб чиқиш ҳақида фармойиш берсангиз. Мен ўртоқларни тўхтатиб қолишга кафил бўлолмайман. Бахтсизликнинг олдини олиш учун вақт бор ҳали.

— Мени тинч қўйинглар. Мен сизни танимайман! Сизлар менинг шахтамда ишламайсизлар, сизлар билан гаплашадиган гапим ҳам йўқ. Фақат қароқчиларгина уйларни уриб кетиш учун қишлоқма-қишлоқ мана шунақа санқиб юришади.

Ғазабли қичқириқлар унинг овозини босиб кетди, айниқса хотинлар қаттиқроқ қарғашди. Лекин Денелен бўш келмади, амр этишга ўрганиб қолган бу одам қалбида йиғилиб қолган барча дард-аламларини очиқ-ойдин тўкиб солиб, қандайдир енгил тортгандек бўлди.

Модомики ҳар томонлама хонавайрон бўлар экан, бефойда қабиҳлик қилиш қўрқоқлик бўлади. Оломон эса ҳамон кўпайиб борар, дарвозага тиқилиб келаётганлар беш юздан ортиқ эди. Денеленни бурда-бурда қилиб ташлашлари мумкин. Катта штейгер уни зўрлаб, орқага судради.

— Раҳм-шафқат қилинг, жаноб! Хунрезликнинг ҳиди келяпти. Арзимаган нарсаларни деб одамларни ўлдиришнинг нима кераги бор?

У қаршилик қиларди, эътироз билдирарди ва ниҳоят оломонга қараб дилидаги гапни қичқириб айтди:

— Газандалар тўдаси! Биз зўр чиққанимизда кўрамиз, ўшанда нима дер экансизлар!

Уни олиб кетишди. Сур-сурда оломоннинг олдинги қаторлари зинага ёпирилиб, панжарани букиб ташлади. Ҳаммадан кўп хотинлар вайсаб, эркакларни гижгижлардилар. Эшик қулфланмасдан фақат зулфини суриб қўйилгани учун шу заҳоти очилиб кетди. Лекин зина жуда ҳам тор эди. Ёпирилган оломон зинага сиғмасди, кетинда турган забастовкачилар бошқа йўллардан кириш керак, деган фикрга келишди. Шунда улар ҳамма томондан: бараклардан, саралаш хонасидан, қозонхонадан ёпирилиб кира бошлашди. Беш минутга ҳам бормай улар шахтани эгаллашди; улар қаҳру ғазаб билан қичқиришиб, учала қаватда югуриб юришар, қаршилик кўрсатган хўжайин устидан қозонган ғалабаларини тантана қилишарди.

Маэ биринчилар қатори отилиб кирди. У қўрқиб кетганидан Этьенга деди:

— Уни ўлдирмаслик керак!

Этьен унинг кетидан югурди, аммо Денеленнинг штейгерлар хонасига кириб, бекиниб олганини фаҳмлади-да, деди:

— Борди-ю, ўлдирилса-чи? Бунга биз айбдормиз? Ахир у бутунлай жинни бўлиб қолибди-ку.

Шунга қарамай Этьен ниҳоятда ҳаяжонланиб кетган, лекин ўзини вазмин тутиб, жўш ураётган ғазабини босарди. У омма мендек раҳнамога бўйсунмай, бебошлик қилади, халқ иродасини совуққонлик билан амалга оширмайди, дея кўнгли огриб, эзиларди. У шундай бўлишини билганди. У осойишталикка даъват этар, бефойда вайронгарчилик фақат душманларимизга қўл келади, деб беҳуда бақирар эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Қозонхонага!— шанғиллади Ашаддий кампир.— Оловларни ўчирамиз!

Левак топиб олган эговини ханжардек ўйнатди-да, даҳшатли товуши билан шовқинни босиб қичқирди:

— Арқонларни қирқамиз! Арқонларни қирқамиз!

Бу хитобни ҳамма такрорлади. Фақат гангиб қолган Этьен билан Маэ эътироз билдирарди, бироқ оломон шовқин-суронида уларнинг гапини ҳеч ким эшитмасди. Ниҳоят у:

— Ўртоқлар, ахир пастда одамлар қолган-ку,— дея олди.

Шовқин кучайди, ҳар томондан овозлар янгради:

— Баттар бўлишсин! Тушмасликлари керак эди!.. Улар хоин! Ҳа, ҳа, ўша ерда қолаверишсин!.. Бунинг устига уларнинг нарвонлари ҳам бор!

Нарвонлар ҳақидаги фикр уларнинг ўжарлигини баттар ошириб юборди. Этьен ён бериш кераклигини тушунди. Катта вайронгарчилик бўлишидан ҳадиксираб, жиллақурса кажавани кўтариб қолиш ниятида кўтарма машинага ёпишди,— ахир юқоридан арқонни эговлаб юборишса, пўлат арқонлар бутун оғирлиги билан тушиб, кажаваларни бир уюм пайрахага айлантиради-я! Машинист бир неча навбатчи ёрдамчилари билан ғойиб бўлганди. Этьен машина дастасини ушлаб, айлантира бошлади, Левак билан бошқа икки кўмир қазувчи эса шу чоқ ғилдиракка осилган арқонга чиқиб олишганди. Кажаваларнинг зулфинларини суриб, энди маҳкамлашган эди ҳамки, пўлатни арралаётган эговнинг хунук товуши эшитилди. Чуқур сукунат чўкди; бу товуш шахтани тутиб кетгандек бўлди; саросимага тушган одамлар бошларини кўтариб, қулоқ солиб қараб туришарди. Биринчи қаторда турган Маэ гўё лаънати чоҳнинг пўлат арқонини ғажиётган арра сингари, энди бу ғурбатхонага ҳеч ким тушмайди, ҳамма умрбод умумий бахтсизликдан халос бўлади, дегандай, сиполик билан тишининг оқини кўрсатиб турарди.

Ашаддий кампир шанғиллаганча барак зинасида кўздан ғойиб бўлди.

— Қозонлар ёнига юринглар. Қозонлар ёнига! Ўтни ўчиринглар!

Бошқа хотинлар унга эргашишди. Маэнинг хотини қозонхонани бузиб ташлашларига йўл қўймаслик учун

улар кетидан югурди; эри ҳам ўртоқларини ҳовурдан туширишга ҳаракат қилди. Маэ хоним бошқа аёлларга нисбатан ўзини вазмин тутди. Ўз ҳуқуқингга эга бўлиш учун кураш, майли, лекин вайрон қилишнинг нима кераги бор? У қозонхонага кирганида хотинлар икки гўлахни ҳайдаб чиқаришганди, Ашаддий кампир эса чўнқайиб, катта белкурак билан жонҳолатда ёниб бўлмаган кўмирларни сидириб, ердаги плиталар устига сочарди. Чала ёнган кўмирлар тутаб ётарди. Бу ерда беш генератор учун ўнта ўчоқ бор эди. Хотин-халаж жазаваси жўшиб, ўчоқларга ёпирилди. Левакнинг хотини белкуракни икки қўллаб ушлаб ишларди. Мукетта куймасин, деб юбкасини сонигача кўтариб қўйганди; терга ботган, жинлар базмидаги алвастилардай сочлари тўзиган хотинлар аланга шуъласида қонга белангандек кўринишарди. Кўмир уюлаверди, катта бинонинг шифти ўтнинг зўридан ёрила бошлади.

— Бўлди, бас!— қичқирди Маэ хоним.— Омборхонага ўт кетди.

— Яна яхши,— жавоб берди Ашаддий кампир.— Қиладиганимизни қилдик-ку... Ҳа, яшамагурлар! Эримни ўлдирганларинг учун хун тўлайсан, деб бекорга айтмовдим!

Шу он Жанленнинг чинқирган овози эшитилди:

— Тўхтанглар! Мен ҳозир ўчираман, буғини ўзим чиқараман!

Бола ана шу тўс-тўполондан завқланиб кетиб, яна бирор ҳунар кўрсатишни ўйлади-да, оломон орасидан биринчилар қатори олдинга ўтиб олди. Унинг калласига кранларни бураб, ҳамма буғни чиқарсам, зўр бўлади, деган фикр келди. Буғ ҳалқаланиб, худди тўпдан отилган ўқдек чиқиб кетди; бешала қозон бир зумда бўрон нафасидек бўшаб қолди, унинг чинқиригидан қулоқлар қонаб кетди. Ҳаммаёқни буғ босиб, кўмир оқ тусга кирди, хотинлар бўлса, қимирлаётган қинғир-қийшиқ сояларга ўхшарди. Фақат йўлак тепасидаги димоғи чоғ бола кўринарди; мен турғизган довулни кўриб қўйларинг, дегандек оғзи қулоғида эди!

Бу ҳол чорак соатча давом этди. Кўмир уюмига бир неча челак сув сепишди, ёнғин хавфи бартараф бўлди,— лекин оломон ғазаби босилмади; аксинча, янада авжга чиқди: эркаклар болға топишди, хотинлар те-

www.ziyouz.com kutubxonasi

мир-терсаклар билан қуролланишди; генераторни дабдала қилиш, машиналарни пачақлаш ва бутун шахтани вайрон этиш керак, деган қичқириқлар янгради.

Бу гаплардан хабар топган Этьен Маэ билан югуриб келди. Унинг ўзи ҳам қасос олиш иштиёқидан маст эди. Бироқ у ҳамон курашар, ҳаммани осойишталикка чақирарди. Ахир энди, пўлат арқонлар кесиб ташланган, оловлар ўчирилган ва қозонлар бўшаб қолган бир пайтда ҳеч қандай иш қилиб бўлмайди-ку. Унга ҳеч ким қулоқ солмасди,— ҳамма нарса унинг ихтиёридан ташқари бўлаётганди; лекин қўққисдан, ташқаридан қудуқдаги нарвонларга олиб тушадиган пастаккина эшик томондан дағдағали қичқириқлар эшитилди:

— Йўқолсин сотқинлар! Ҳа, қўрқоқлар, туркларинг қурсин, ярамаслар! Йўқолинглар! Йўқолинглар!

Ишчиларнинг шахтадан чиқиши бошланди. Биринчи бўлиб ташқарига чиққанлар кун нуридан қамашган кўзларини пирпиратиб туришди-да, кейин йўлга чиқиб олиб, қочиб кетиш пайидан бўлишди.

— Пасткашлар йўқолсин! Алдоқчилар йўқолсин! Йўқолсин!

Забастовка қилган оломоннинг ҳаммаси югуриб келди. Уч минут ҳам ўтмай биноларда битта ҳам одам қолмади; монсулик беш юз ишчи шахтага тушишга журъат этган вандамлик сотқинларни саф орасидан ўтишга мажбур қилиш учун икки қатор бўлиб тизилди. Улар қудуқдан тўзиб, қоп-қорайиб, исқирт бўлиб чиқаётган ҳар бир кўмирчини ҳуштак чалиб: «Оббо сен-ей! Кимга тўю кимга аза экан-да! «Вулқон»ни гуллатадиган манови ойимқизнинг бурнини еб қўйишибди-ку! Ановинисига қаранглар-а. Кўзидан оқаётган мум ўнта черковга етади! Анови тарашадай найновни қаранглар, арвоҳнинг ўзи-я!» — каби қалтис пичинглар билан кутиб олишарди. Гавдали, кўкраклари осилиб тушган, қорни катта, орқаси беҳад зўр юккаш кўринди; уни кўриб ҳамма хахолаб юборди. Ҳамма уни ушлаб кўргиси келарди; майнабозчиликлар авжга чиқиб, қаҳр-ғазабга айланди; яна бир лаҳзадан кейин калтак ейишлари турган гап эди, бадбахт, қалт-қалт титраётган, индамай ҳақоратга тоқат қилаётган, ҳашпаш дегунча дўппослаб қолишларини кутиб келаётган бечораларнинг кети узилмасди. Улар учун йўлга чиқиб олиб, қочиб кетишдан зўр бахт йўқ эди!

— Улар неча киши ўзи?— сўради Этьен.

Этьен уларнинг ҳамон чиқиб келишаётганидан ҳайрон эди. Штейгерлар қўрқитиб қўйган, очликдан бош эгишга мажбур бўлган ишчиларнинг бунчалик кўплиги Этьеннинг хунобини оширди. Демак, ўрмонда унга ёлғон гапиришган экан-да? Жан-Барт шахтасининг қарийб ҳаммаси ишга чиққан эди. У остонада Шавални кўриб қолиб олдинга интилди:

— Ҳа, иблис! Сен бизни шунақа йиғинга чақирган экансан-да, а?

Қарғишу сўкишлар ёғилиб кетди. Оломон сотқинга ташланишга тайёр эди. Бўлмаса-чи?! Ахир у кеча сизлар билан бирга бўламан, деб қасам ичиб, бугун ўзининг дили бир улфатлари билан бу ёқда юрибди-я! Бу — ўртоқларнинг юзига тупуриш-ку!

— Қудуққа! Қудуққа судранг уни!

Қўрқувдан сурати қолган Шаваль бир нима деб ғўлдиради, тушунтирмоқчи бўлди. Қутурган оломоннинг таъсири урган Этьен дарғазаб бўлиб, унинг сўзини бўлди:

— Биз билан бўлмоқчи эдинг, бирга бўласан, исқирт!

Одамларнинг шовқин-сурони унинг овозини босиб кетди. Катрина кўринди. Қуёш нуридан кўзлари қамашиб кетган қиз қаҳр-ғазабга тўлган ана шу одамлар ичида йиқилиб тушишдан қўрқарди. Бир юзу икки нарвондан кўтарилгани учун оёқлари майишиб кетарди, кафтлари қонаган, ўзи ҳарсилларди. Маэ хоним уни кўриши билан муштини дўлайтириб, унга қараб югурди.

— Ҳа, шарманда, сен ҳам ўшоғда экансан-да!.. Онанг очидан тиришиб ўлай деса-ю, сен ўша аблаҳингни деб ундан юз ўгирсанг!

Маэ хотинининг қўлидан тутиб қолди, шапалоқ туширишига йўл қўймади. Лекин у ҳам хотини сингари қизининг хулқидан ғазабланиб, Катринани силкиб ташлади. Ота-она жиғибийрон бўлиб, бири олиб, бири қўйиб таъна қилишар, ҳаммадан кўпроқ бақиришар эди.

Этьен Катринани кўриб, фиғони фалакка чиқди. У бетўхтов такрорларди:

— Олға! Бошқа шахталарга! Сен ҳам биз билан борасан, мочағар!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шаваль баракдан ёғоч бошмоғини олиб, қўлда тўқилган курткасини совуқ қотган елкасига ташлашга аранг улгурди. Уни судраб кетишди, ҳамма билан бирга югуришга тўғри келди. Гангиб қолган Катрина ҳам ёғоч бошмоғини оёғига илиб, совуқда киядиган эски мардона куртканинг ёқа тугмаларини қадади-да, жазманининг кетидан югурди, у Шавални ўлдиришларига бутунлай ишониб, ундан қолишни истамади.

Икки-уч минут ичидаёқ Жан-Барт бўшади қолди. Жанлен аллақайдан карнайча топиб олди-да, гўё буқаларни чорлаётгандай, уни пуфлаб бўғиқ ватиллатаверди. Хотинлар — Ашаддий кампир, Левакнинг хотини, Мукетта — юбкаларини кўтариб чопишарди; Левак худди дўмбирачи чўпини ўйнатгандек болтани силкитарди. Уларга бошқа ўртоқлар ҳам қўшилиб, мингга етиб қолди, улар қирғоғидан тошган дарёдек далаларда ёйилиб, тартибсиз боришарди. Тўғри йўл жуда тор бўлганидан иҳоталарни бузиб-янчишга тўғри келарди.

— Шахталарга! Йўқолсин сотқинлар! Ишни тўхтатинглар!

Тўсатдан Жан-Барт сув қуйгандек бўлиб қолди. На жон зоти кўринарди, на товуш эшитиларди. Денелен штейгерлар хонасидан чиқиб, менга ҳамроҳ бўлманглар, дегандек ишора қилди-да, шахтага бир ўзи кетди. У ранги қув ўчган ва ниҳоятда хотиржам эди. У қудуқ олдида тўхтади, бошини кўтариб, кесилган пўлат арқонларга қаради; қирқилган пўлат арқонлар биланглаб осилиб турарди; арра тишлари теккан жойлар гўё янги ярадек қора мой орасидан йилтираб кўринарди. Кейин у машинага кўтарилди, шол бўлиб қолган аллақандай улкан гавданинг учига ўхшаш ҳаракатсиз дастакка қаради, совиб қолган металлни ушлаб кўрди-ю, худди муздек мурдага тегиб кетгандек сесканди; кейин қозонхонага тушди, ўти сўнган, дарз кетган, сув қуйилган ўчоқлар ёнидан шошмай ўтди, генераторларни тепган эди, жангиллаб кетди. Ҳа! Демак, тамом, бутунлай хонавайрон бўлибди! Борди-ю, арқонларни улатиб, ўт ёққанида ҳам қаёқдан одам топади? Забастовка яна икки ҳафта давом этса, бўлди, у бутунлай синади. Ҳар қалай, Денелен ўзининг шўри қуриб қолганлигини равшан англаса ҳам, монсулик қароқчилардан сира нафратланмасди: у бундай бўлишига ҳамманинг

жавобгарлигини, ўзи гуноҳкорлигини, умумий, асрий иллат сабаблигини ҳис қилди. Шубҳасиз, қўпол ва онгсиз одамлар; очликдан қирилиб кетишади бари бир.

IV

Оломон қировдан оқарган, қуёш хира ёритаётган яланг текисликдан ҳайқириб, бутун йўлни тўлдириб, лавлаги экилган далаларни тик кесиб, ёпирилиб борарди.

Ҳўкиз мўғиз деган жойдан ўтишгандан кейин Этьен ўзи йўл бошлади. У йўл-йўлакай фармойишлар берар, колоннани текислаб борарди. Олдинда Жанлен дик-дик сакраб, карнайини ғалати ғатиллатиб, югуриб борарди. Олдинги сафларда хотинлар боришарди, баъзилари калтак олиб олишганди; улар орасида гўё жаннатсимон адолат диёри рўпарасида аниқ кўринаётгандек кўзлари тиниб кетаётган Маэ хоним ҳам бор эди. Ашаддий кампир, Левакнинг хотини, Мукетта худди урушга кетаётган солдатлардек қадам ташлаб, жулдур кийимларини ҳилпиратиб боришарди. Нохуш учрашув юз бергудек бўлса, жандармлар хотинларга қараб ўқ узишга ботиниш-ботинмаслиги маълум бўлади. Тартибсиз оломон кетидан эркаклар келишяпти; кети тўзиб кетган колонна охирида узун-узун темирлар кўринади, Левак қўлидаги ягона болта қуёш нурида ялтиллайди. Ўртада Этьен борарди; у олдига Шавални солиб олиб, уни назардан қочирмасликка ҳаракат қиларди; ҳаммадан кейинда Маэ боряпти, у ўз жазманига яқинроқ бўлиш учун тихирлик қилиб эркаклар қаторига кириб олган Катринага хўмрайиб-хўмрайиб қараб қўярди. Катрина ишқилиб Шавални бир бало қилишмасайди, деб чўчирди. Бошлар яланг бўлганидан сочлар тутам-тутам бўлиб осилиб турарди. Жанлен карнайининг қулоқни қоматга келтирувчи садолари ичидан қўрадан чиқарилган поданинг тўп-тўпини эслатувчи ёғоч бошмоқларнинг тўқиллаши эшитиларди.

Яна қичқириқ эшитилди:

— Нон! Нон! Нон!

Туш бўлиб қолганди. Олти ҳафталик забастовкадан кейин очлик ўз кароматини кўрсатиб, очиқ далада

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳаллослаб боришдан баттар қийнаб, ошқозонларни кемираётган эди. Мукетта эрталаб еган бир бурда нон билан бир неча каштан аллақачон эсдан чиқиб кетганди; очлик азоби оломонни сотқинларга нисбатан бадтар қутуртириб юборганди.

— Шахтага! Ишни тўхтатиш керак! Нон!

Посёлкада ўз улушини ейишдан воз кечган Этьен кўкраклари қапишиб кетаётганини ҳис қилди. У нолимасди, лекин совуқдан титраб, аҳён-аҳёнда беихтиёр флягасини оларди-да, уни оғзига тутарди; у шу қорааарча ароғи бўлмаса, конга етиб бора олмаслигини сезаётган эди. Унинг ёноқлари қизариб, кўзларида ўт чақнади. Лекин эс-ҳушини йўқотмай, ҳамон кераксиз вайронгарчиликларга йўл қўймасликка ҳаракат қиларди.

Жуазель йўлига чиқишганда хўжайинидан ўч олиш ниятида забастовкачиларга қўшилган кончилардан бири ўртоқларини ўнгга бошлаб, қичқирди:

— Гастон-Марига борамиз! Сув чиқариб ташлайдиган насосни ёпамиз! Сув Жан-Бартни босиб кетсин!

Унинг гапига кирган оломон Этьеннинг насосни ўз ҳолига қўйинглар, деб илтижо қилишига қарамай, ўша ёққа қайилди. Йўлакларни бузишнинг нима кераги бор? У ғазабланганига қарамай, бу унинг жаҳлини, ишчининг жаҳлини чиқарган эди. Маэ ҳам қаҳру ғазабни машиналарга сочишни адолатсизлик деб биларди. Бироқ кончи бўш келмади, шунинг учун Этьен ундан ошириб, бақирди:

— Миругa! У ерда ҳали ҳам сотқинлар бор! Миругa! Миругa!

У ишора қилиб оломонни чапга буриб юборди. Жанлен колоннанинг олдига ўтиб олди-да, карнайчасини янада қаттиқроқ ғатиллатиб кетаверди. Бу сафар Гастон-Мари шахтаси сақлаб қолинди.

Забастовкачиларни Мирудан ажратиб турган тўрт километрлик масофа бепоён текисликдан ярим соатда қарийб чопиб ўтилди. Музлаган канал текисликнинг шу томонини узун ях лентадек кесиб ўтганди. Канал бўйидаги қип-яланғоч дарахтлар қиров босганидан улкан шамдонга ўхшаб, уфқда осмон билан туташиб кетадиган денгиз каби текис водийнинг бир хил манзарасини бузиб турарди. Тепаликлар ортидан Маршьенн билан Монсу кўзга кўринмасди, атрофда бепоён яланглик ёстаниб ётарди. Забастовкачилар уларни саралаш хонасида кутиб турган штейгерни кўриб қолишди. Монсулик кекса штейгер, рангсиз, соч-соқоли оппоқ, Кандье бобони ҳамма жуда яхши биларди; у етмишга борган бўлса-да, ниҳоятда соғлом эди,— шахтёрлар орасида бунақаси жуда кам бўлади.

— Сизларга нима керак бу ерда, жин ургур, беҳаёлар!— қичқирди у.

Забастовкачилар тўхташди. Бу хўжайин эмас, балки ўртоқ бўлиб, кекса ишчига бўлган ҳурмат беихтиёр уларнинг шаштини қайтарди.

— Шахтада ишчилар бор экан, уларни чиқишга мажбур эт,— деди Этьен.

— Ҳа, у ерда одамлар бор,— жавоб берди Кандье,— олтмишга яқин киши, қолганлари сизлардан, сиз ишёқмаслардан қўрқди. Огоҳлантириб қўяйки, у ердан биттаси ҳам чиқмайди, нима гапларинг бўлса, мана мен билан гаплашинглар!

Шовқин-сурон кўтарилди, эркаклар бир-бирларини итаришиб, олдинга интилишди, хотин-халаж қисиб келаверди. Кўприкчадан лип этиб тушган штейгер эшикни тўсди.

Шунда Маэ гап бошлади.

— Менга қара, ҳей чол, бу ахир бизнинг ҳуқуқимиз-ку! Ўртоқларни бизга қўшилишга мажбур этолмасак, қанақасига умумий забастовка қиламиз?

Чол бир минутча жим қолди. Афтидан, у ҳам кончига ўхшаб бирдамликни яхши тушунмаса керак. Ниҳоят у жавоб берди:

— Ҳа, бу сизларнинг ҳуқуқларинг, бир нарса деб бўлмайди. Лекин менга буйруқ беришган, мен уни бажаришим керак-да. Мен бу ерда ёлғизман. Шахтёрлар шахтада соат учгача ишлашади, бинобарин улар учгача ўша ерда бўлишади.

Унинг сўнгги сўзларини ҳуштаклар босиб кетди. Кекса штейгерга мушт ўқталиб дўқ қилишди, хотинлар шанғиллаб, қулоғини қоматга келтиришди, уларнинг иссиқ нафаслари унинг юзига урилди. Лекин у қордек оппоқ бошини баланд кўтариб, кумушранг соқолини тикрайтириб қимирламай тураверди; дадиллиги кучига куч қўшди, шу боисдан шунчалик шовқин-сурон бўлишига қарамай, унинг овози баралла эшитилди:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Жин ургурлар! Ўтиб бўпсанлар!.. Қуёшнинг чарақлаши қанчалик аниқ бўлса, бу гап шунчалик равшан. Ўлсам ўламанки, биттангни ҳам пўлат арқонларга йўлатмайман. Итаришиб-суқилавермаларинг, бўлмаса нақ кўзларинг олдида ўзимни шахтага ташлайман!

Оломон сесканиб, тисарилди. Чол гапида давом этди:

— Тушунмаслик учун ҳайвон бўлиш керак... Мен ҳам сизларга ўхшаган бир ишчиман. Мени қоровулликка қўйишган, шунинг учун қўриқлаб турибман.

Бошқа яна бирон нима дейишга Кандье бобонинг ақли етмади; узоқни ўйламайдиган, ярим аср қоронғи шахтада ишлаб, кўзлари хиралашиб, киртайиб қолган штейгер бурчимни бажаришим керак, вассалом, деб туриб олди. Ҳамкасблари кекса шахтёрга хавотирланиб тикилиб қолишди, унинг сўзлари ишчилар қалби қаърида хавфли лаҳзаларда уйғонадиган солдатларга хос итоаткорлик, бирodарликка ва тақдирга тан бериш туйғусини қўзғатиб юборганди. Кандье забастовкачилар ҳамон иккиланиб туришибди, деб ўйлаб, яна такрорлади:

— Кўзларинг олдида ўзимни пастга ташлайман!

Худди оломонни қуюн кўтаргандек, забастовкачилар орқаларига бурилиб, яна тўғри йўлдан, бепоён далалардан йўртиб кетишди. Яна:

— Мадленага юр! Кручинага юр! Иш тўхтатилсин! Нон! Нон!— деган хитоблар эшитилди.

Колонна ўртасида қандайдир саросималик юз берди. Вақтдан фойдаланиб, Шаваль жуфтакни уриб қолмоқчи бўлган экан. Этьен уни қўлидан ушлаб олиб, агар яна бирор хоинликни ўйлаган бўлсанг, жиғингни эзиб қўяман, деб пўписа қиларди. У бўлса, жонжаҳди билан ўзини ҳар қаёққа ташлаб:

— Нима кераги бор бу гапларнинг? Ахир ҳар ким хоҳлаганини қилолмайдими?.. Бир соатдан бери музлаб юрибман, ювиниб олишим керак. Қўйвор мени!— деди.

Ҳақиқатан ҳам кўмир чанги терга қоришиб, баданига ёпишганди, фуфайкаси иситмасди.

— Биз билан бирга югур, бўлмаса, ўзимиз ювинтириб қўямиз,— жавоб берди Этьен.— Мақтанишни, қон талаб қилишни сенга ким қўйибди.

Забастовкачилар тўхтамай чопишарди; Этьен ўзини яхши тутиб келаётган Катринага ўгирилди. Катринанинг шу ердалиги, анови билан ёнма-ёнлиги, эски эркакча куртка, жулдур шимда совуқ еб, аянчли бир ҳолда юришидан Этьеннинг жаҳли чиқарди. Афтидан, қиз ўлгудек чарчагану, лекин ҳар қалай чопишда давом этарди.

— Кетишинг мумкин,— деди у ниҳоят.

Катрина эшитмади шекилли. Унинг кўзи Этьеннинг кўзига тушганида қиз нигоҳида гина ифодаси бор эди. Шу боисдан Катрина тўхтамай чопарди. Нега Этьен эримни ташлаб кетишимни истайди? Шаваль, албатта, унга ёмон муносабатда бўлади, ҳатто уради ҳам. Лекин нима бўлса ҳам у эрим, қизлигимни олган ҳам ўша-да; минглаб одамларнинг битта ўшани ёмон кўриши Катринанинг жаҳлини чиқарарди. У ҳатто севмаса ҳам лоақал нафсонийят учун уни ҳимоя қиларди.

— Йўқол!— ғазаб билан такрорлади Маэ.

Отанинг ўшқириши бир лаҳза қизни шаштидан қайтарди. У қалтирарди, кўзларига ёш келди. Кейин қўрққанига қарамасдан, чопиб жойига келди, шундан сўнг уни ўз ҳолига қўйишди.

Забастовкачилар Жуазель йўлидан ўтишди, Крон томон юришди, сўнг Куньига кўтарилишди. Шу ёқдан текис уфқда завод трубалари кўриниб турарди, йўл бўйлаб ёғоч бостирмалар, кенг деразаларини чанг босган ғиштин устахоналар чўзилиб кетганди. Биринкетин икки посёлкадан ўтишди, уйлари пастак-пастак Юз саксон ва Етмиш олти посёлкалари ортда қолди; ҳар сафар карнайча ғат-ғатлаганда, даъват овозлари янграганда, бутун-бутун оилалар — эркаклар, хотинлар, ҳатто болалар уйларидан югуриб чиқишиб, ўртоқларга қўшилишарди. Мадленага яқинлашганларида забастовкачиларнинг сони бир ярим мингга етганди. Йўл шахтага нишаб бўлиб тушарди, забастовкачилар оқими шахта ҳовлисига ёйилишдан олдин кўмир уюмини айланиб ўтиши лозим эди.

Соат ҳали икки бўлмаганди. Бироқ огоҳлантирилган штейгерлар одамларни юқорига чиқариш учун шошилишди; забастовкачилар етиб келишганда, ишчилар кетиб бўлишган, пастда йигирма чоқли одам қолган-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ди, — улар ҳам апил-тапил кажавалардан тушиб, қочиб кетишди; орқаларидан тош отилди. Иккитасини роса дўппослашди, учинчисининг курткаси енгини узиб олишди. Улар одамларга ёпишганларидан асбоб-ускуналар омон қолди, ҳеч ким пўлат арқонларга ҳам, қозонларга ҳам тегмади. Оқим энди ундан нарига, қўшни шахтага ошиққанди.

Кручина Мадленадан беш юз метр нарида эди. Забастовкачилар бу ерга ҳам шахтёрлар тарқалишаётганда етиб келишди. Хотинлар лозими бутунлай дабдала бўлган юккаш аёллардан бирини тутиб олишиб, ҳахолашаётган эркаклар кўзи олдида уриб кетишди. Ёрдамчи ишчиларга шапалоқ тортишди; ҳаммаёқлари мўматалоқ бўлиб кетган, бурунлари қонга бўялган кончилар қочиб қутулишди. Бостириб келганларнинг ғазаби жўшди, уларнинг яллиғланган миялариии кўпдан бери интиқом олиш фикри ловиллатарди, шунинг учун хоинларга ўлим тилашар, кам ҳақ тўланадиган ишни ўлгудек ёмон кўришар, уларнинг оч қоринлари нон талаб қилар эди; мана, қутурган кишилар бақириб-чақириб, пўлат арқонларни кесиб ташлашга ёпишди; бироқ эгов ўтмасди, кўп овора бўлишга тўғри келганидан ҳозир оломон жонҳолатда олға, нуқул олға қараб чопарди. Улар қозонлардан бирининг кранини синдиришди; ўчоққа сув тошиб кетгани учун чўян панжара ёрилиб кетди.

Ҳовлида Сен-Тома шахтасини ҳужум билан ишғол қилиш тўғрисида маслаҳатлашишди. У ерда қаттиқ интизом ўрнатилган бўлиб, бу шахта забастовка нималигини билмасди. Бу ерда етти юз киши ишларди,— бу ҳол айниқса забастовкачиларнинг жаҳлини чиқарарди: иш ташлаганлар сафларини жуфтлаб боришади, ана ўшанда ким зўрлиги маълум бўлади. Лекин Сен-Томада жандармлар бор эмиш, деган хабар тарқалди. Эрталаб ана шу жандармлар устидан кулишганди. Бу миш-мишни ким тарқатгани маълум эмас, лекин бари бир эмасми? Ҳамма ваҳимага тушди, шунинг учун улар Фетри-Кантель томон йўл олишга қарор қилишди. Яна забастовкачиларнинг жазавалари тутиб қолди, шундан кейин ҳамма ёғоч бошмоқларини дўқиллатиб йўлга чиқишди ва: «Фетри-Кантелга, Фетри-Кантелга! У ерда ҳам қўрқоқлардан тўрт юзтача чиқади, роса қиёмат бўлади-да!» — дея қичқиришиб равона бўлишди.

Шахта Скарп тепалиги ортида, уч километрча нарида эди. Забастовкачилар колоннаси Боньи йўлини айланиб ўтиб, Платриер тепалигига чиқишган эди ҳамки, аллаким, эҳтимол, у ерда, Фетри-Кантель шахтасида драгунлар бордир, деб қолди. Шундан кейин ҳамма драгунлар худди ўша ерда, дея такрорлайверди. Забастовкачилар иккиланиб, қадамларини секинлатишди; ана шу ишчи халқи асрлар мобайнида меҳнат қилиб келган, забастовка туфайли сув қуйгандек бўлиб қолган бу ўлкани секин-аста ваҳима боса бошлади. Нима учун улар шу чоққача солдатларга дуч келишмади? Айниқса уларни жазога йўлиқмай бемалол юришлари хижолат қилаётган эди, ахир жазога гирифтор бўлишлари муқаррар-ку.

Қаёқдан чиққани маълум бўлмаган буйруқ оломонни бошқа шахтага бошлади:

— Ғалаба шахтасига! Ғалаба шахтасига!

Демак, Ғалаба шахтасида драгунлар ҳам, жандармлар ҳам йўқ экан-да? Ҳеч ким ҳеч нимани билмасди. Забастовкачилар гўё тинчигандек эди. Улар орқага қайтиб, Бомонга борадиган йўлни қўйишди-да, далаларни кесиб, Жуазель томон юришди. Йўлни темир йўл полотноси тўсиб турарди, улар тўсиқдан ўтаётиб, айриларни ағдариб ташлашди-да, ундан у ёғига кетишди.

Энди улар Монсуга яқинлашиб қолишди; ўнқир-чўнқир ерлар пастга қараб кета бошлади, лавлаги экиладиган далалар денгизи кенгайиб, узоқларга, Маршьеннинг қорайиб кўринаётган уйларига қараб кетган эди.

Ғалаба шахтасигача беш километрча бўлиб, жўшиб кетган забастовкачилар оёқлари қонаб, дабдала бўлганига қарамай, шу масофани тез босиб ўтишди-ю, ҳатто чарчаганларини ҳам сезишмади. Колонна тобора кўпаяверди, йўл-йўлакай посёлкалардан ўртоқлар қўшилаверди. Каналнинг Магаш кўпригидан ўтиб, шахтага яқинлашишганда камида икки мингтача киши бор эди. Лекин соат уч бўлгани учун Ғалаба шахтёрлари битта ҳам қолмай тарқаб кетишганди. Ҳафсаласи пир бўлган оломон аламини сўкишдан олди, аммо ўз сменасига қайтиб келган ер қазувчилар балога қолишди,

www.ziyouz.com kutubxonasi

забастовкачилар уларни ғишт парчаларини отиб, кутиб олишди. Ер қазувчилар оёқларини қўлларига олиб қочиб қолишди. Ўбўм-бўш шахта забастовкачилар қўлига ўтди, улар бироита ҳам хоиннинг тумшуғига туширa олмаганликларидан хуноб эдилар. Шундан кейин улар асбоб-ускуналарга ташланишди. Қаҳру ғазаб чипқони секин-аста пишиб, ниҳоят ёрилиши керак эди; ҳисобсиз очлик йиллари уларда калтаклаш ва вайрон қилиб хумордан чиқиш истагини туғдирган эди.

Этьен бостирма остида икки ғилдиракли аравага кўмир ортаётган юкчиларни кўриб қолди.

— Қани, бу ердан жўнаб қолинглар-чи! — қичқирди у.— Бир бўлак ҳам кўмирни олиб кетишларингга йўл қўймаймиз!

Унинг ҳайқириғига юзлаб забастовкачилар югуриб келишди, юкловчилар зўрға қочиб қолишди. Баъзилари отни аравадан чиқариб, қамчи уришди, чўчиган отлар ҳар томонга қочиб кетди, бошқалари бўлса аравани ағдаришиб, шотини синдиришди.

Левак болтани гупиллатиб уриб, кўприкни бузиш учун эшакларни чопа бошлади, аммо эшаклар чопилавермағач, темир изларни олиб ташлаб, темир йўл полотносини бузишга киришди. Кўп ўтмай бошқа забастовкачилар ҳам ишга тушиб кетишди. Қўлидаги чорқирра темир таёқни дастак қилиб ишлатиб келаётган Маэ чўян болишларни кўчира бошлади. Шу чоқ Ашаддий кампир лампахонага хотинларни бошлаб кирди, шу заҳоти ҳаммаёқ шиша синиқлари билан тўлди. Маэ хоним ҳам Левакнинг хотинидан қолишмай, жон-жаҳди билан синдирарди. Ҳаммаёққа лампа мой тўкилиб кетди. Мукетта қўлини юбкасига артди, шунчалик мойга беланганига кулгиси қистарди. Жанлен қизиқчилик қилиб, лампадаги мойни унинг бўйнидан ичига қуйиб юборди.

Лекин жонсиз нарсалардан ўч олингани ҳеч кимни тўйдирмади, бўш қоринлар эса бадтарроқ қулдурарди, яна қаттиқ фарёд кўтарилди:

— Нон! Нон! Нон!

Собиқ штейгерлардан бири Ғалаба шахтасида озиқ-овқат дўкончаси очганди. Афтидан, у қўрқиб дўконини ташлаб қочган эди. Хотинлар лампахонадан келишиб, эркаклар темир йўл полотносини дабдала қилиб

қайтганларидан кейин ҳамма дўконга ёпишди-да, бирпасда дераза ва эшик қопқоқларини бузишди. У ерда нон йўқ экан, икки бўлак хом гўшт билан бир қоп картошка бор экан холос. Кейин кўмиб қўйилган эллик шишача қорарча арағини топиб олишди, бу ўлжа қумга сингган бир томчи сувдек ғойиб бўлди.

Этьен флягасидаги ароқни ичди-да, уни яна тўлдириб олди. Секин-аста у маст бўлиб қолди, оч қорингa ичилган ароқ уни ёмон қилди, кўзларига қон тўлди, қонсиз милкларини очиб, тишларини ғижирлата бошлади. Бирдан у Шавалнинг ғойиб бўлганини сезиб қолди. Этьен сўкинди, ўртоқлар югуриб келишиб, тўстўполонда Катрина билан тахланган ўтин орқасига бекинган Шаваль устига ёпирилишди.

— Сен сотқинсан! Ёмонотлиқ бўлиб қоламан, деб қўрқяпсанми?— бақирди Этьен. — Ўрмонда механиклар забастовка қилсин, сув чиқариб ташлайдиган насосларни тўхтатиш керак, деб жар солган сен эмасмидинг, энди бизга ёмонлик қилмоқчи экансан-да!.. Оббо жин ургур-ей! Биз Гастон-Мари шахтасига қайтиб борамиз-да, насосни бузишга ўзингни мажбур қиламиз. Ҳа, жин ургур! Насосни сен бузасан!

Этьен маст эди, у бир неча соат бурун ўртоқларини қайтарган бўлса, энди уларни насосни бузишга ўзи гижгижларди.

— Гастон-Марига юринглар! Гастон-Марига!

Ҳамма бақириб-чақириб, олға ташланди, Шавални эса елкасидан ушлаб судрашар ва кучлари борича турткилашар эди. Шаваль бўлса, ювиниб олишимга имкон беринглар, дея илтижо қилар эди.

Катрина ҳам ҳамма қатори чопиб бораётганди. Отаси Маэ унга қараб ўшқирди:

— Йўқол бу ердан!

Лекин қиз тўхтамади ҳам, кўзларини чақнатиб, отасига қаради-ю, чопиб кетаверди.

Оломон яна узун, тўғри йўллардан, кўз илғамас далалар ўртасидан юриб, текисликда из қолдириб борарди. Соат тўрт эди, қуёш уфққа ёнбошлаганди, қўлларини ғазаб билан ўйнатиб бораётган кишиларнинг узун-узун соялари яхлаган ерга тушиб турарди.

Забастовкачилар Монсудан чиқиб қолмаслик учун Жуазель йўлига бурилишди, Ҳўкиз мўгизни айланиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўтмаслик учун Пиолена ёнидан кетишди. Худди шу пайт Грегуарлар чорбоғларидан чиқиб қолишди — улар Энболарникида Сесиль билан учрашмоқчи эди, шу боисдан у ерга зиёфатга боришдан олдин нотариусга кириб ўтишлари керак эди. Чорбоғда гўё ҳаёт асари сезилмасди — қишда шилшийдам бўлиб қолган жўка хиёбони ҳам, полиз ҳам, мевазор боғ ҳам ҳувиллаб турарди. Уйда ҳеч нима қимир этмасди, хона иссиқлигидан ёпиқ деразалар терлаб кетганди; сув қуйгандек жимжитликда ҳузур-ҳаловат ва маъмурчилик сезиларди, яхши еб, ширин ухлашни хуш кўрадиган боқи бегамларнинг патриархал турмуши, ўзидан кетиб қолмаслик мана ман деб турарди.

Забастовкачилар тўхтамасдан панжараларга ўқрайиб қарашди, устига ойна синиқлари териб қўйилган ва уйни бостириб киришдан сақлаб турган деворга разм солишди. Яна қичқириқлар янгради:

— Нон! Нон! Нон!

Бу нидоларга жавобан фақат иккита баҳайбат сариқ дания ити жағларини очиб, сакраб, жон-жаҳдлари билан вовиллашди, қичқириқларни эшитган хизматкорлар — ошпаз Мелани билан чўри Онорина ёпиқ эшик қопқоқлари орқасига бекиниб олишганди; улар забастовкачиларни кўришлари биланоқ қўрқувдан ранглари оқариб, қора терга ботиб кетганди. Икковлари ёнларидаги деразага битта тош тегиб ойнани синдиргандаёқ чўккалаб, қўрқувдан жонлари чиқиб кетишига сал қолди. Бу Жанленнинг ҳазили эди: у арқондан сопқон қилиб, Грегуарларникига тош отди ва шу заҳоти яна сурнайини ғатиллатаверди; оломон аллақачон узоқлашиб кетган бўлиб, «Нон!» Нон! Нон!» деган хитоблар ҳам эшитилмай қолганди.

Гастон-Марига боргунча йўл-йўлакай одамлар қўшилиб, шахтага келганда улар икки ярим мингга етганди; қаҳру ғазабга тўлган бу оломон ҳайқирган оқимдек йўлида учраган нарсани супуриб борарди. Бу ерга бир соатча илгари етиб келган жандармлар деҳқонлар сўзига алданиб, эҳтиёт юзасидан шахтада лоақал бир неча соқчи қолдиришни унутиб, шоша-пиша Сен-Тома томонга жўнашганди. Чорак соат ўтар-ўтмас ўчоқлар вайрон қилинди, қозонлар қуритилди, қурилишлар бузиб ташланди. Бироқ одамлар ҳамма аламини сув чиқариб ташлайдиган машиналардан олмоқчи эди: улар машинани тўхтатиш, сўнгги буғни чиқариб юбориш билан кифояланишмай, худди тирик одамни жонидан жудо қилишмоқчидек унга ташланишди.

— Биринчи бўлиб сен бузасан!— такрорлади Этьен Шавалнинг қўлига болға бераркан.— Хўш, қани! Ахир сен бошқалар қатори қасам ичгансан-ку!

Шаваль аъзойи бадани дағ-дағ титраб, тисарилди; тиқилинчда қўлидаги болға тушиб кетди, лекин бу чоқ бошқалар кутиб ўтирмасдан чорқирра темир таёқлар, ғиштлар, қўлларига тушган нарсалар билан насосни дабдала қила бошлашди. Баъзиларининг қўлларидаги таёқлар машинага тегиб синарди. Гайкалар учиб кетар, пўлат ва мис қисмларнинг шалағи чиқиб, осилиб ликиллаб турарди. Кимдир қулочкашлаб чўкич билан туширган эди, чўян корпус ёрилди-да, билқиллаб сув оқиб кетди; бу товуш жон чиқар пайтдаги ҳиқичоқни эслатарди.

Сув чиқариб ташлайдиган насосни саранжомлашди; жазаваси тутган оломон Шавални ушлаб турган Этьен кетида тиқилиб турарди.

— Хоинларга ўлим! Чоҳга ташланглар уни! Чоҳга!

Бўздек оқариб кетган ярамас Шаваль тихирлик қилиб, ювиниб олишим керак, дейишини қўймасди.

— Тўхта,— деди Левак,— жудаям зарур бўлса, бу ёққа кел, мана сенга ванна!

Шу ерда насосдан сизган сув кўлмак ҳосил қилиб, юзини қалин муз қоплаганди; Шавални итариб юборишди, музни ёриб, унинг бошини совуқ сувга тиқишди.

— Шўнғи! — такрорларди Ашаддий кампир. — Шўнғи, яшамагур, бўлмаса, чўктириб юборамиз... Ана энди ич! Ҳа, ҳа, худди тумшуғини тоғорага тиққан молга ўхшаб ич!

Шаваль чўккалаб, қўлини тиради-да, кўлмак сувдан ичди. Ҳамма қаҳқаҳа урди, бу кулги замирида хусумат бор эди. Хотинлардан биттаси Шавалнинг қулоғидан юлқиди, бошқаси башарасига янги тезакни отди. Эгнидаги эски трико сирғалиб тушиб, парчапарча бўлиб осилиб турарди. У кўзларини аланг-жаланг қилиб, жуфтак уриб қолиш учун қолган-қутган кучини тўпларди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Маэ Шавални итариб юборди, унинг хотини айниқса қаттиқ ҳужум қилаётган аёллар орасида эди,— иккови ҳам бу одамдан эски аламларини олаётган эди; ҳатто собиқ жазманларидан дўстлигини узмайдиган Мукетта ҳам уни ғажиб ташлагундай бўлиб, ярамас, дея ҳақорат қилар, қани бир кўрайлик-чи, эркакмикин ўзи, дея қичқирар эди.

Этьен пўписа қилиб уни тўхтатди:

— Бўлди! Ҳамманг бирдан ёпишаверма... Ҳей, менга қара, яккама-якка гаплашамиз.

У муштларини тугди, кўзлари қотил кўзларидек ёнди, бадмаслик унда одам ўлдириш истагини туғдирди.

— Қани, тайёрмисан? Бу жойда биттамиз қолишимиз керак... Унга пичоқ беринглар. Менда ўзимники бор.

Ҳолдан кетган Катрина капалаги учиб, Этьенга қаради. Қиз унинг гапини эслади: у маст бўлиб қолса— учинчи рюмкадан кейин кайфи ошарди,— одам ўлдиргиси келаверарди; бу ярамас одат болалигида майхўр ота-онасидан юққан эди. Қиз тўсатдан сакраб унинг олдига келди-да, иккала қўли билан шапалоқ тортиб юборди; ғазабдан бўғилиб, Этьеннинг афтига қараб деди:

— Ярамас! Пасткаш! Ифлос!.. Шунча ярамаслик қилганларинг каммиди? Энди, оёғида зўрға турганида уни ўлдирмоқчи бўляпсан!

У ота-онасига, қолган забастовкачиларга юзланиб деди:

— Ярамас одамларсиз! Евузлар!.. У билан бирга мени ҳам ўлдиринглар! Агар унга теккудек бўлсаларинг, башараларингга чанг соламан! Эҳ, ёвузлар!

Катрина гавдаси билан ошиғини тўсиб оларкан, унинг калтаклашларини, маҳкум этилган аянчли ҳаётини унутганди, қизлигимни шу олгандан кейин, мен уникиман-да, ахир уни шунчалик таҳқирлашларига номус қилмайманми, деган ёлғиз фикр уни шундай қилишга мажбур этганди.

Этьеннинг ранги қув ўчиб кетди: шапалоқлаётган қизни бўғишига сал қолди. Кейин мастлигини тарқатмоқчи бўлгандек юзини силади-да, ҳамма жим бўлиб қолган бир пайтда Шавалга мурожаат қилди:

— Катрина ҳақ, бас. Йўқол, жин урсин!

Шаваль шу ондаёқ қочиб кетди; Катрина ҳам кетидан чопди. Ҳанг-манг бўлиб қолган оломон улар йўл муюлишидан ўтиб, кўздан ғойиб бўлгунларича орқаларидан қараб турди. Фақат Маэнинг хотини:

— Бекорга қўйвординглар-да. У, эҳтимол, бизни қандай сотишни ўйлаётгандир,— деб қўйди.

Лекин забастовкачилар йўлга тушишганди. Соат тўртдан ошган эди, уфқда қизариб ловиллаётган қуёш бепоён текисликка қизғиш шуъла сочмоқда эди. Улар ёнидан ўтаётган ташувчи уларга драгунлар Кручина томондан бу ёққа келишяпти, деб айтди. Шунда забастовкачилар орқага қайтишди.

— Монсуга! Правлениега!.. Нон! Нон! Нон!— еган буйруқ эшитилди.

V

Жаноб Энбо кабинетининг деразаси ёнида хотинини зиёфатга Маршьеннга олиб кетаётган извош кетидан қараб турарди. У извош эшиги ёнида отини йўрғалатиб кетаётган Негрелга нигоҳ ташлади-ю, хотиржамланиб ёзув столига қайтди. Хотини билан жияни уйга жон киритиб турарди, улар йўқ пайтда ҳувиллаб қоларди. Шу куни ҳам шундай бўлди; бойвуччани извошчи олиб кетди; янги оқсоч Розага соат бешгача рухсат беришганди; уйда туфлисини хоналарда тўпиллатиб юрган малай Ипполит билан хонадон соҳиблари кечқурун берадиган зиёфатни тайёрлашга улгуриш учун каллаи саҳарлаб идиш-товоқлар билан ўралашиб ётган ошпаз хотиндан бўлак ҳеч ким қолмади. Шундай қилиб, жаноб Энбо ҳувиллаб қолган сокин уйда кечгача иш билан машғул бўлиши мумкин эди.

Ҳеч кимни қабул қилмаслик ҳақида буйруқ бўлганига қарамай, Ипполит Дансарт муҳим гап билан келганини айтди. Директор кеча ўрмонда йиғин бўлганини Дансартдан билди; ҳисобот ниҳоятда батафсил эди. Энбо Дансартнинг гапларини тингларкан, унинг Пьеррон хоним билан донлашиб юрганини ўйлади; бу шунчалик ошкора эдики, директор ҳар ҳафтада катта штейгернинг саргузаштлари маълум қилинган имзосиз хатларни бир нечалаб оларди. Забастовкачилар ҳақи-

www.ziyouz.com kutubxonasi

даги бу иғво гаплардан ҳам эр-хотин нопоклигининг ҳиди келарди. Афтидан, эр оғзидан гуллаб қўйган. Энбо бу воқеадан фойдаланиб, ҳатто катта штейгерга, ҳамма нарсани биламан, жанжал чиқмаслиги учун эҳтиёт бўлгин, деб маслаҳат ҳам берди. Бу танбеҳдан маърузаси бўлиниб, хижолат чеккан Дансарт, бунақа гап йўқ дея тонди, кечирим сўраб, бир нималар деб ғўлдираган бўлса-да, аммо катта, бирдан қизариб кетган бурни сирни фош қилиб қўйди. Лекин сирасини айтганда, шунчалик осон қутулганидан мамнун бўлиб, ижикилашиб ўтирмади. Одатда баадаб директор дўндиққина ишчиси билан ўйнашиб юрган ходимига нисбатан қаттиққўл эди. Забастовка мавзусидаги гап давом этди; ахир ўрмондаги мажлис бақироқларнинг мақтанчоқликларидан бошқа нарса эмас, жиддий бирор хавф солмайди-ку; ҳар қалай, ҳарбийларнинг эрталабки сайридан чўчиган посёлкаларнинг аҳолиси бир неча кунгача жимгина юради, деб ишонса бўларди-ку.

Елғиз ўзи қолган жаноб Энбо префектга телеграмма юбормоқчи бўлди. Бу билан ўзимнинг ўринсиз ташвишланганимни билдириб қўяманми, деган андиша уни шаштидан қайтарди. У шунчалик бўлишини билолмай қолгани учун ўзини кечира олмасди. Ахир забастовка нари борса икки ҳафта давом этади, деб ҳаммага айтган, ҳатто Правлениега хат ёзиб маълум қилган ўзи-ку. Забастовка эса, уни қарангки, икки ойчадан бери чўзилиб келяпти. Бундан унинг фиғони ошарди, кун сайин обрўси тушиб бораётганини, шарманда бўлаётганини, акционерларнинг марҳаматига яна сазовор бўлиш учун бирор фавқулодда чоралар кўриши зарурлигини пайқарди. Ҳозиргина у аҳвол жиддийлашгундай бўлса, қандай чоралар кўрай, деб сўраганди-ку.

Жавобдан дарак йўқ эди. Энбо кундузги почта билан жавоб келишини кутиб, ўзига ўзи телеграмма беришга улгурарман, дер эди. Бу жаноблар ҳам шу фикрда бўлсалар, у ҳолда Энбо шахтани қўриқлаш учун солдат чақиради. У отишма бўлиши, қон тўкилиши, қурбонлар берилишини тушунарди. У одатдагидек ғайратли бўлганига қарамай, бунақа масъулиятдан чўчирди.

Энбо соат ўн бирларгача хотиржам ишлаб ўтирди. Жимжит уйда иккинчи қаватнинг полини мумли чўтка билан қиртиллатиб артаётган Ипполитнинг тўқ-тўқидан бўлак тиқ этган товуш эшитилмасди. Кейин деярли бир вақтда иккита телеграмма келди: бирида Монсудан келган оломон Жан-Бартни забт этди, дейилганди, иккинчисида пўлат арқонлар кесилгани, ўчоқлар ўчирилгани, хуллас, чинакам вайронгарчилик тафсилотлари баён қилинганди. У ҳеч нима тушунмади. Нима учун забастовкачилар Ширкат шахталарини вайрон қилиш ўрнига Денелен олдига боришдийкин? Ҳа, айтгандай, улар Вандамни бузишган тақдирда ҳам, уларнинг шу шахтани эгаллаш ҳақидаги режаларини тезлатарди-ку. Тушда каттакон ошхонада ёлғиз ўзи овқатланаркан, индамай овқат олиб келган малай туфлисининг тўқиллашини ҳам эшитмади. Елғизлик ташвишига ташвиш қўшиб, юрагини баттар қисди; бирдан югуриб кирган штейгер забастовкачиларнинг Монсуга келишаётганини хабар қилди! Директор кофесини ичиб бўлмасиданоқ Мадлена билан Кручина хавф остида, деган телеграмма келди. Шундан кейин у ҳаддан ташқари гангиб қолди. Почта соат иккида келади. Нима қилиш керак? Дарҳол солдатларни чақирсинми ёки Правлениедан йўл-йўриқ кутсинми? Энбо кеча префектга юбориш учун Негрелга ёздирган хатни кўриб чиқиш мақсадида кабинетига қайтди. Лекин у хатни тополмади. Йигит уни ўз хонасида қолдириб кетган бўлиши керак. У кўпинча кечалари ўз хонасида ишлайди. Фикру зикри шу қоғозда бўлган Энбо бир қарорга келолмай жиянининг хонасини қидириш учун апил-тапил юқорига кўтарилди.

Жаноб Энбо кириши билан ҳанг-манг бўлиб қолди: афтидан, хона йиғиштирилмаганди. Ипполит ё унутган, ё эринган. Шамоллатилмаган ётоқхона ҳавоси илиқ, нам эди; калорифер очиқ бўлгани учун хона бадтар димиқиб кетгандай эди; аллақандай ўткир атирнинг нохуш ҳиди димоққа уриларди: бу энди тосни тўлдириб юборган ҳожатхона сувиники бўлса керак. Хона ҳаддан ташқари тўзиб кетганди — кийимлар ҳар ерда сочилиб ётарди, ҳўл сочиқлар стул суянчиғига ташланганди, ўрин йиғилмаганди, чойшаб сирғалиб гиламга тушганди. Энбо дастлаб буларга пари-

www.ziyouz.com kutubxonasi

шон нигоҳ ташлади-да, йўқолган ҳужжатни қидириб, тўппа-тўғри қоғозлар уюлиб ётган стол ёнига борди. У гарчи ҳар бир қоғозни қайта-қайта кўриб чиққан бўлса-да, ўша қоғозни тополмади. Бу каллаварам, жин ургур Поль, хатни қаёққа тиқдийкин?

Жаноб Энбо керакли нарсасини қидириб, ҳар бир стулга кўз югуртираркан, хонанинг ўртасига келди-ю, қўққисдан очиқ ўринда учқундек ялтираб турган қандайдир нуқтани кўриб қолди. У беихтиёр унга яқинлашиб, қўлини узатди. Ўрин қатида кичкинагина заррин шишача ётган эди. У дарров таниди: ифор мойли бу шишача Энбо хонимники бўлиб, уни асло ёнидан қўймасди. Лекин у бу буюм қандай қилиб Полнинг ўрнига тушиб қолганига тушунолмас эди. Бирдан Энбонинг ранги бўздек оқариб кетди: унинг хотини шу ўринда ётган.

Эшик ортидан Ипполитнинг:

— Кечирасиз, бегим,— деган овози эшитилди,— Сизнинг юқорига кўтарилганингизни кўриб қолдим...

Хона тартибсизлигидан уялиб кетган малай ичкари кирди.

— Вой худойим-ей! Вой-бўй, шунақаям бўладими? Шу уйни йиғиштиришга улгурмовдим-а... Роза менга ҳамма ишни қолдириб, ўзи кетди қолди!

Энбо қўлидаги шишачани худди синдириб юбормоқчи бўлгандек қисди.

— Сизга нима керак?

— Бегим, яна бир одам келди... Кручинадан, хат олиб келибди.

— Яхши, мени ёлғиз қўйинг, кутиб тура турсин.

Унинг хотини шу ўринда ётган! У эшикни ёпиб, илгагини солди-да, бармоқларини ёзиб, шишачага қаради; кафтида шишача ўрни қип-қизил бўлиб қолган эди. У ҳаммасини кўрди, ҳаммасини тушунди. Бу ифлослик мана шу ерда, унинг уйида кўп ойлардан бери юз бериб келяпти. Энбо бир вақтлари шубҳаланганини эслади: ўшанда кечаси жимжит уйда эшик ортидан шитирлаш, яланг оёқнинг шипиллагани эшитилганди. Хотини бу хонага ётиш учун келган экан!

У ўрин қаршисидаги стулга чўкди-да, ўриндан кўзини узмай, ич-ичидан эзилиб, узоқ ўтирди. Шовқин-сурон уни ҳушига келтирди: эшикни очишга уриниб, уни тақиллатишарди. У малайнинг овозини таниди.

— Бегим... Аҳ! Эшигингиз берк-ку...

— Яна нима гап?

— Э, анови ерда тўполон, ишчилар ҳамма нарсани синдириб ташлашяпти. Пастда сизни икки киши кутиб турибди... Телеграммалар ҳам бор.

— Мени ўз ҳолимга қўйинг, деяпман! Ҳозир!

Уйни йиғиштираётганида Ипполитнинг ўзи шишачани топиб олиши мумкин эди-ку, деган фикрдан Энбо муз-муз бўлиб кетди. Нима, бусиз ҳам малай билмас эканми? Ахир малай фаҳшона эркалашлардан ҳали совумаган шу ўринни тузатаётганида, ёстиқда аёл кишининг сочларини, чойшабга теккан жирканч ифлослик изларини кўрган, албатта. Энди бўлса, у атайлаб хиралик қилаётгандир, балки эшик орқасида қулоқ солиб, хўжайинларининг бузуқликларидан ҳузур қилаётгандир.

Жаноб Энбо қимир этмай ўтирар ва ўриндан кўзини узмасди. Унинг кўзи олдидан ғам-ғуссали узоқ йиллар, шу хотинга уйланиши, кейин хотинининг ҳафсаласи пир бўлиб, ўзгаларга кўнгил бериши, у хаёлига келтирмаган ўйнашлар бирин-кетин ўта бошлади: бемор хотиннинг бузуқ нафсига қандай чидашса, у ҳам биттасига ўн йилгача ғинг демасдан келганди. Монсуга кўчиб келгани, хотиним тузалиб қолар, деган бемаъни умидда юрганлари, жимгина ўтган ойлар, худди тушдагидек қувғинда яшаганлари, ниҳоят, хотиним ҳадемай қариб, қуйилиб қолади, дея хомтама бўлганлари кўнглидан ўтди. Кейин Поль, жияни Поль пайдо бўлди. Хотини дарров унга она бўлиб олди-да, завол топиб, абадий кўмилган юраги ҳақида гапириб юрди. У бўлса, беақл эр, ҳеч нимани кўрмади; у шу хотинни, ўз хотинини ардоқлаб юраверди, хотини эса, қанчадан-қанча эркакнинг кўнглини хушлабди-ю, фақат бир ўзи мириқиб роҳат қилолмабди-я! У ор-номусни йиғиштириб қўйиб бутун вужуди билан уни яхши кўрарди, бошқалардан қолган сарқитини тиз чўкиб, тилаб олишга ҳам рози эди! У эса шу сарқитни ҳам манови болага раво кўрди.

Қўнғироқ узоқ чалинди. Энбо сесканди. Бу қўнғироқ ўзининг буйруғига мувофиқ жаранглаб, почтальон келганидан дарак берарди. У ўрнидан тураркан, қаттиқ сўкинди, гўё ана шу дағал сўзларни беихтиёр айтиб, хаста юрагини бўшатгандек бўлди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Э, ҳа, тупурдим мен уларнинг ҳаммасига, хатларигаям, телеграммаларигаям! Жин урсин ўшаларни!

Энбо фиғони фалакка чиқиб, ана шу ифлосгарчиликларнинг ҳаммасини ахлатхонага ағдаргиси, оёқлари билан эзиб ташлагиси келди. Бу хотин шунчаки бир ғар. У хотинига шапалоқ бўлиб тегадиган энг ярамас сўзларни топиб айтарди. Қўққисдан кўз олдига хотинининг тиржайиб, Поль билан Сесиль никоҳини ўтказаётгани келди. Бу ҳол унинг тепа сочини тикка қилиб юборди. Демак, эҳтирос ҳам, рашк ҳам, ҳеч нима йўқ экан-да, фақат ҳайвоний ҳирс бор экан-да. У шилта қўғирчоқдан бошқа нарса эмас, эркаклар унга одатдаги ширинликдек, фақат вақтичоғлик учун керак. Бу ишларга ўша ғарнинг бир ўзи айбдор.— Энбо жиянини деярли оқлади,— унинг иштаҳаси очилиб, йўлда ўғирланган хом мевага тишларини ботиргандек, унга тиш-тирноғи билан ёпишиб олди. У яна кимни бағрига оларкин, уйимиздан текин жой, овқат, аёл топиб, мулозамат қилиб юрган тажрибали жиянларга ўхшаган кишилар топилмаса, қай аҳволга тушаркин?

Эшикни эҳтиёткорлик билан тиқиллатишяпти; Ипполит қулф тешигидан шивирлади:

— Бегим... почта келди... Дансарт жаноблари ҳам; Дансарт у ёқда хунрезлик бўляпти, дейди...

— Кетяпман, жин ургурлар!..

Уларни нима қилади энди? Маршьенндан келишлари биланоқ сассиқ моллардек ҳайдаб юбориш керак, уларни уйига яқинлаштиришга ортиқ тоби йўқ. Қўлга тўқмоқ олсангу қани, бу ердан туёқларингни шиқиллатинглар, ўша кучала еган жойларингга бориб тиришларинг, деб бақирсанг. Уларнинг оҳ-воҳлари, нафаслари аралашиб кетганидан хона ҳавоси намиқиб, дим бўлиб кетган; унинг кўнглини айнитаётган ҳид — хотини баданига сурган мушк-анбар, қўланса исларни кетказиш учун зўр бериб сепилган кучли атирлар эди. У наҳс босган мана шу хонадаги жамики нарсадан — йиғиштириб олинмаган кувачалардан, тўлиб кетган тослардан, сочилиб ётган кийим-кечаклардан, мебеллардан фаҳш ва бевафоликнинг сармаст этувчи ҳиди анқиб турганини сезди. У ғазабдан ҳолсизланиб, ўзини ўрингa отди-да, назарида уларнинг таналари

изи тушиб қолган жойларни муштлайверди; у кўрпани юлқиб олди, чойшабни ғижимлади, бу юмшоқ, мулойим нарсалар ҳам тунги эркалашлардан чарчагандек эди.

Бирдан у яна Ипполит келаётганини эшитгандек бўлди. Уялиб кетди. Энбо ҳамон ҳансираб, юраги дукдук уриб, ўзини босиб олиш учун пешонасини арта бошлади; кейин ойна ёнига келиб, аксига қаради-ю, ўзини танимади, шу қадар ўзгариб кетибди. Энбо сал эс-ҳушини йиғиб, кучи борича ўзини босди-да, пастга тушди.

Пастда Дансартни ҳисобламаганда беш киши уни кутиб турарди. Уларнинг ҳаммаси забастовкачилар шахталарга юриш бошлагани ҳақида муҳим янгиликлар топиб келишганди. Катта штейгер Миру шахтасида нима бўлганини батафсил гапириб берди: у ерда Кандье бобо ўзини мардона тутгани туфайли ҳамма нарса сақлаб қолинган. Энбо тингларкан, бошини сарак-сарак қилар, бироқ ҳеч нимани тушунмас эди; унинг фикру ёди ҳамон ўша хонада, юқорида эди. Ниҳоят у чорасини кўраман, деб ҳаммага жавоб бериб юборди. Ёзув столи ёнида ёлғиз ўзи қолгач, бошини қўлларига қўйди-да, кўзларини юмди, у мудраётганга ўхшарди. Ҳозиргина олинган хатлар стол устида ётарди. У кутилаётган хабар — маъмуриятнинг жавоби йўқмикин, деган умидда қарашга тутинди. Аввалига сатрлар кўз олдидан сакраб ўта бошлади. Бироқ Энбо бир оз муштлашув бўлса, бу жаноблар қарши эмаслигини тушунди. Аҳволни мураккаблаштириб юбориш маслаҳат берилмаган эди, албатта, аммо директорга мабодо тартибсизликлар авж олиб кетса, дарҳол бостирилиб, забастовкага барҳам берилиши шама қилинганди. Энбо шу лаҳзадан бошлаб иккиланишни йиғиштириб, ҳар томонга — Лиллдаги префектга, Дуэдаги ҳарбий қисм командирига, Маршьенн жандармериясига телеграммалар жўнатди. Бу ишдан енгил тортди: мана энди подагра касалим тутиб қолди, деса бу гап бир зумда ҳаммаёққа ёйилишига бутунлай ишониб, кабинетини ичидан қулфлаб олса ҳам бўлади. Тушдан кейин у кабинетига кириб олди-да, ҳеч кимни қабул қилмай, ҳар томондан ёғилиб келаётган хат ва телеграммаларни ўқишга киришди. Шундай

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилиб, у Мадленадан Кручинагача, Кручинадан Ғалаба шахтасигача, у ердан то Гастон-Маригача бўлган жойлардаги забастовкачиларни кузатиши мумкин эди. Иккинчи тарафдан, унга жандармлар билан драгунлар саросимада қолганликлари тўғрисидаги маълумотлар ҳам келарди: шунчаки уларни йўлдан адаштиришарди, шу боисдан улар шахтёрлар ҳужум қилган конлар қолиб, бошқа томонга боришарди. Бари бир эмасми,— майли, ўлдираверишсин, вайрон қилишаверишсин... Энбо яна бошини қўлига қўйиб, бармоқлари билан кўзларини беркитди-да, ғам-ғуссаларига берилди. Ҳувиллаб турган уй жимжит эди; аҳён-аҳёнда кастрюлканинг тарақ-туруқи эшитиларди: ошпаз хотин тушликка овқат пиширяпти; унинг иши бошидан ошиб ётибди.

Хона ичи қоронғилашиб қолди; соат беш эди; қўқисдан кўтарилган шовқин ҳамон тирсакларини қоғозлар устига қўйиб, қотиб ўтирган Энбони дик этиб туриб кетишга мажбур этди. У иккала бузуқ қайтиб келди, деб ўйлади. Лекин шовқин тобора кучайиб, Энбо дераза олдига борганида даҳшатли қичқириқ янгради:

— Нон! Нон! Нон!

Забастовкачилар Монсуга ёпирилиб киришганди. Жандармлар бўлса, улар Ворёга кетишяпти, деб шахтани қўриқлаш учун ўша ёққа от қўйишганди.

Дастлабки уйлардан икки километр нарида, катта тош йўл Вандам йўлини кесиб ўтадиган чорраҳадан салгина узоқроқда Энбо хоним билан ойимқизлар оломон юришини кузатиб туришарди. Маршьенн сафари жуда кўнгилли ўтди: пўлат қуйиш заводи директорининг уйида роҳатланиб нонушта қилишди, тушдан кейин устахоналарга, қўшни шиша заводига бориб, вақтларини хуш ўтказишди. Кечки пайт очиқ ҳавода уйга қайтишаркан, Сесилнинг йўл бўйидаги кичкина фермада бир чашка сут ичгиси келиб қолди. Ҳамма извошдан тушди; Негрель отдан енгилгина сакраб тушди; фермер хотин бундай ажойиб одамлардан истиҳола қилиб, шошиб қолди, дастурхон ёзмоқчи бўлди. Жанна билан Люси сигирни қандай соғишларини томоша қилиш учун ҳатто чашкаларини олиб, оғилхонага жўнашди,— бу ҳол сайл зиёфатига ўхшаб кетарди; иккови ҳам оёқлари хашакка ботиб кетаётганидан хахолаб куларди.

Ҳамиша оналардек меҳрибон Энбо хоним сутдан бир хўплаган эди ҳамки, қўққисдан юрагига ғулғула тушди: кўчадан ғалати шовқин эшитилганди.

— Нима гап?

Молхона кўча четида бўлиб, дарвозаси кенглигидан арава бемалол кираверарди: охур айни вақтда хашак босадиган жой хизматини ҳам ўтарди. Ойимқизлар ажабланганларича бўйинларини чўзиб қарашган эди, шу пайт ногаҳон чап томондан бетартиб оломон шовқин-сурон билан Вандам йўлини тўлдириб, бало-қазодай ёпирилиб келарди!

— Жин урсин!— ғўлдиради Негрель ҳовлидан чиқаркан.— Бу бақироқларимиз роса ғазабланишганга ўхшайди-ку.

— Булар кўмир қазувчилар бўлса керак,— деди фермер хотин.— Улар бу ердан икки марта ўтишди. Бир бало бўлганга ўхшайди; улар жуда бебошлик қилишяпти...

У ҳар бир сўзни қандай таассурот қолдиришини кузатиб, эҳтиёткорлик билан айтарди. У бўлажак учрашувдан ранглари ўчиб кетган чеҳраларни кўриб, шоша-пиша қўшиб қўйди:

— Оббо жулдирвоқилар-ей, қутурмай ўлгур яланг-оёқлар-ей!

Негрель Монсуга қайтишга кечикишганини англаб, кучерга извошни ферма ҳовлисига киритишни ва сарой йўлини тўсиб қўйишни буюрди. Бола юганидан ушлаб турган отини ўзи шийпон тагидаги қозиққа боғлаб қўйди. Негрель қайтиб келиб қараса, холаси билан ойимқизлар капалаклари учиб, фермер хотиннинг уйига бекинмоқчи бўлиб туришибди. Бироқ Негрель молхонада улар тинчроқ бўлади, деб ўйлади: уларни пичан орасидан излаш ҳеч кимнинг эсига келмайди. Лекин дарвоза яхши ёпилмасди, дарвоза тирқишларидан, чириган тахталар орасидан кўчани бемалол кўриш мумкин эди.

— Дадил бўлинглар!— деди у.— Осонгина жон бермаймиз.

Бу ҳазил уларнинг юрагини баттар ёрди. Гарчи ҳеч нима кўринмаса ҳам, шовқин-сурон кучайди; фақат бўм-бўш йўлда довул даракчиси бебош шамол ҳуштак чалаётгандек эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Йўқ, йўқ, уларга қарашни истамайман,— деди Сесиль пичанхона томон кетаркан.

Роҳатини бузганлари учун бу одамлардан ғазабланган Энбо хоним ранги қув учиб, орқароқда турар, ҳаммага нафрат билан кўз қирини ташлар эди. Люси билан Жанна қўрқувдан даҳ-даҳ титрашар, бироқ ғаройиб томошанинг бирон нарсасидан қуруқ қолмаслик учун тирқишдан қарашарди.

Момақалдироқ гумбур-гумбури яқинлашарди, гўё ер ларзага келарди. Энг олдинда диканглаб, карнайини чалиб келаётган Жанлен кўринди.

— Атир шишангиз қани? Одамларнинг тер ҳиди босиб кетди!— шивирлади Негрель.

У республикачиларга тарафдор бўлишига қарамай, хонимлар олдида ишчиларни майна қилишни ёқтирарди. Лекин унинг қочирими беҳуда кетди: муштт ўқталишлар, қичқириқлар бадтар кучайди. Хотин-халаж кўринди, мингга яқин аёл; узоқ йўл босганлари ва шамолдан сочлари тўзиб кетганди; жулдур кийимлари йиртиқларидан яланғоч баданлари — очликка маҳкум этилган қашшоқларни кўтариб юриш ва туғишдан чарчаган яланғоч андомлари кўринарди. Баъзиларининг қўлларида чақалоқлари бор эди, улар болаларини кўтариб, худди ғам-ғусса ва қасос байроғидек силкитишарди, анча ёшроқлари шаддодлик билан кўкракларини кериб, таёқ ўқталишарди, кампирлар бўлса, ялмоғизларга ўхшаб, шундай қаттиқ чинқиришардики, ориқ бўйинларининг томирлари узилиб кетай дерди. Улардан сўнг эркаклар — эс-ҳушини йўқотган икки мингтача киши келарди: ёрдамчи ишчилар, кончилар, ремонтчилар; улар шу қадар ғуж бўлиб, жипслашиб, қисилишиб келишардики, ранглари бир аҳвол қурама оломоннинг на ўнгиб кетган шимларини, на йиртиқ курткаларини ажратиб бўларди. Кўзлари чақнарди, «Марсельеза»ни айтаётган оғизлари кўриниб турарди. Қўшиқ бандлари музлаган ерга урилаётган ёғоч бошмоқларнинг бўғиқ гурс-гурсига қўшилиб йўқолиб кетарди. Одамларнинг бошлари устида, темир болтлар орасида болта ялтиради; ягона ўткир болта ёруғ ҳавода жоди дамига ўхшаб кўринарди.

— Вой-буй, важоҳатлари ёмон-ку!— деди Энбо хоним.

Негрель тишларини ғижирлатиб деди:

— Бу нимаси энди! Бирон тасиниям танимаяпман! Бу газандалар қаердан пайдо бўлдийкин?

Ҳақиқатан ҳам уларни таниб бўлмасди. Ғазаб, очлик, икки ойлик изтироб ва манови шахтама-шахта югуриб юришлардан кўмир қазувчиларнинг осуда чеҳралари бужмайиб, ёноқлари чўккан, жағлари ҳайвонникидек осилиб тушган эди. Қуёш ботаётганидан унинг сўнгги тўққизил нурлари текисликни қондай қизартириб юборганди. Гўё йўлдан қон оқаётгандек эди; югуриб бораётган эркагу аёллар қонга беланган қушхона қассобларига ўхшарди.

— Жуда ажойиб-а!— пичирлашди Люси билан Жанна: уларнинг бадиий дидлари бу даҳшатли манзара гўзаллигидан лол эди.

Бироқ улар қўрқиб извошга суялиб турган Энбо хоним олдига югуриб келишди. Энбо хоним бу одамларнинг биттаси шалағи чиққан дарвоза тирқишидан мўраласа бас, бешаламизни қийма-қийма қилишади, деган фикрдан серрайиб турарди. Негрель ҳам қўрқиб, рангида ранг қолмаганди: у қўрқоқ бўлмаса ҳам, аммо иродасидан ҳам кучлироқ аллақандай даҳшат — номаълум даҳшат яқинлашиб келаётганини ҳис қиларди. Пичан ичига уриб кетган Сесиль қимир этмай ётарди, бошқалар эса тескари қарагилари келаётган бўлса ҳам, лекин кўзларини узолмасдилар.

Бу инқилобнинг қизил арвоҳи эди. Бу арвоҳ аср охирида қондай қизариб турган шу кечки пайтда муқаррар фалокатдек ҳаммани бошлаб келарди. Ҳа! Шундай замонлар келадики, ўз эркини қўлига олган ҳур халқ кўчаларда мана шундай югуриб юради, бойларнинг қонларини тўкади, уларнинг бошларини узиб, сандиқларини дабдала қилади-ю, олтинларини тўкишади. Хотин-халаж мана шундай дод солади, эркаклар эса қашқирдек тишларини тақирлатишади. Кийимлари мана шундай жулдур, ёғоч бошмоқлари мана шундай тўқир-тўқир қиладиган кир-чир баданлар билан вабо нафаси мана шундай даҳшатли қоришадию, ҳаёт-мамот жангида эски дунёни супуриб ташлайди. Енғинлар гуриллайди, шаҳарлардан ном-нишон қолмайди, инсонлар яна ўрмон ёввойилари сингари яшай бошлайдилар: камбағаллар ёпасига бир кечадаёқ

www.ziyouz.com kutubxonasi

барча ертўлалардаги ичимликларни ичиб тугатиб, бойларнинг хотинлари билан айш-ишрат қилиб бўлганларидан сўнг ҳеч нарса — аввалги бойликдан бир чақа, илгариги ҳақ-ҳуқуқдан асар ҳам қолмайди ва бу аҳвол эҳтимол, то янги ер пайдо бўлгунча давом этар. Йўлдан табиат куч-қудратидек, юзга урилаётган шамолдек елиб югураётган шарпа мана шу эди.

— Нон! Нон! Нон!— деган даҳшатли ҳайқириқ «Марсельеза» қўшиғини босиб кетди.

Ҳушдан кетаёзган Люси билан Жанна Энбо хонимнинг пинжига суқулиб олишди. Негрель гўё ўз танаси билан уларни ҳимоя қилмоқчи бўлгандек, уларнинг олдига ўтди. Балки Антик дунё ҳам шунақа оқшомда қулагандир? Кўрган нарсалари уларни бутунлай гангитиб қўйди. Оломон деярли ўтиб бўлганди, охирида орқада қолиб кетганлар ҳали судралиб келишарди, қўққисдан Мукетта кўриниб қолди. У боғ эшиклари ва деразалари олдида турган буржуйларни қидириб, секин келарди: у буржуйларни кўриши билан уларнинг афтларига тупуриш иложини тополмагани учун шундай ерни кўрсатардики, бу ҳар қандай нафратдан ортиқ нарсани ифода этар эди. Мана ҳозир Мукетта аллакимни кўриб қолди, шекилли; у юбкасини кўтарди-да, қуёшнинг сўнгги нурлари ёритиб турган каттакон яланғоч корсонини кўрсатди. Ҳатто бу қилиқда уят ҳам йўқ эди,— бу даҳшатли бўлганидан ҳеч ким кулмади ҳам.

Ҳаммаси ғойиб бўлди, оқим йўлдан, янги бўялган пастак уйлар орасидаги сўқмоқлардан Монсуга қараб кетди. Извошни ҳовлидан олиб чиқишди, лекин кучер агар забастовкачилар йўлни тўлдириб юрадиган бўлишса хонимларни эсон-омон етказишга кафил бўлолмаслигини айтди. Бахтга қарши бошқа иложи йўқ эди.

— Ҳар қалай, кетиш керак, тушлик маҳтал бўлиб қолди,— деди ўлгудек қўрқиб кетган Энбо хоним.— Бу исқирт ишчилар келиб-келиб мен меҳмон чақирган кунни танлашганини қаранг-а! Яхшиликка ёмонлик деб шуни айтадилар-да!

Люси билан Жанна пичан орасидан Сесилни тортиб чиқармоқчи бўлишди; Сесиль эса бу ёввойилар ҳали ўтиб бўлишгани йўқ, ҳеч нимани кўришни истамайман, дея такрорлаб, чиқмасди. Ниҳоят ҳамма извошга чиқиб жойлашди. Негрель отга минди, шундан кейин миясига Рекийяр орқали жинкўчалардан юрсак бўларди, деган фикр келди.

— Секин юраверинг,— деди у кучерга,— у ернинг йўли жуда ёмон. Борди-ю, оломон халақит бергудай бўлса, эски шахта орқасида тўхтайсиз, биз эса яёв юриб, боғнинг эшиги орқали бир амаллаб етиб оламиз. Извош билан отларни бирор равотда қолдирармиз.

Улар йўлга тушишди. Узоқда оломон Монсу томон кетаётганди. Аҳоли жандармлар билан драгунларни икки марта учратишганларидан буён ваҳимага тушиб қолганди: даҳшатли миш-мишлар кўп эди, буржуйларнинг қорнини ёриб ташлаш керак, дея пўписа гаплар ёзилган қўлёзма варақалар ҳақида гапиришарди. Уни ҳеч ким ўқимаган бўлса-да, бу ҳол ундаги гапларни сўзма-сўз айтишга монелик қилмасди. Нотариус ўлгудек қўрқиб кетганди: у имзосиз хат олган бўлиб, унда мабодо халқ фойдасига гапирмасанг, ертўлангга кўмилган бир бочка порох портлатиб юборилади, дея огоҳлантирилганди.

Ана шу хат туфайли Грегуарлар тушликка кечикишаётганди. Улар хатни муҳокама қилишиб, тағин бу битта-яримта ҳазилкашнинг иши бўлмасин, деб ўйлашарди; лекин шу чоғ пайдо бўлган оломон бутун хонадонни ваҳимага солиб қўйди. Грегуарлар ҳамон жилмайишарди. Улар дарпардаларнинг бир бурчагини хиёл кўтариб, бирор фалокат юз беришига ишонмай, ҳаммаси яхшилик билан тугайди, деган андишада қараб туришарди. Соат бешга занг урди: ҳали вақт эрта, улгуришади. Кўча тозаланади. Улар кўчани кесиб ўтишади-да, тўғри Энболарникига тушликка киришади. У ерда Сесиль кутиб турибди. Сесиль қайтиб келган бўлса керак. Бироқ Монсуда ҳеч ким уларнинг беғамликларига эътибор беришмасди; одамлар худди жиннидек елиб-югуришарди, деразалару эшиклар кўз очиб-юмгунча ёпиларди. Грегуарлар кўчанинг нариги бетида Мегра ўз дўконини катта темир болтлар билан тўсаётганини кўриб қолишди: уларнинг ранги сурпдек оқариб, шунчалик титрардики, касалманд хотини гайкаларни ўзи бурашга мажбур бўлди.

Оломон директор уйи олдида тўхтади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Нон! Нон! Нон!— деган қичқириқ янгради.

Ипполит тош билан уриб, ойнани синдиришмасин, дея дераза қопқаларини ёпиш учун кирганида жаноб Энбо дераза олдида турганди. Ипполит пастки қаватдаги қопқаларни ёпиб чиққан эди. Малай тепага кўтарилди: шпингалетларнинг шиқиллаши, ёғоч қопқоқларнинг бирин-кетин туширилиши эшитилди. Бахтга қарши, ертўла қаватидаги ошхонанинг катта ойнасини ёпиб бўлмасди — ўт устида ялтираб турган сихлар билан кастрюлкани кўриш мумкин бўлган бу дераза ташвишга солиб қўйган эди.

Жаноб Энбо кўчага қарамоққа бўлиб, беихтиёр учинчи қаватга, Полнинг хонасига чиқди: бу ердан чап томондаги йўлнинг олис жойларини, Ширкатнинг омборларигача кўриш мумкин эди. У дераза қопқоғи панасига ўтиб, юқоридан оломонга қаради. Хонанинг кўриниши яна уни ҳаяжонлантирди: пардоз столи йиғиштириб қўйилганди, тоза чойшаб совуқ каравотга яхшилаб ёзилганди. Яқингинада фиғони ошгани, ичэтини еб, куйиб-пишганлари энди асар қилиб, тинкасини қуритганди. У ҳам салқин, эрталабки тартибсизликдан сўнг йиғиштирилиб, ораста қилинган, одатдагидек озода кўринаётган шу хонадек, ўзига келиб, қомати ғоз бўлиб қолди. Жанжал кўтаришнинг нима ҳожати бор? Бирор нима ўзгариб қолибдими? Шунчаки хотини яна битта ўйнаш орттирди холос; хотини ўйнашни ўз хонадонидан орттириб, айтарли ёмон иш қилгани йўқ. Балки, бу ҳатто яхшироқ ҳамдир — ўзининг у ёқ-бу ёғига дурустроқ қарайди. У ўлгудек рашк қилиб юрганларини эслади-ю, ўзига раҳми келди. Мана шу ўринни муштлаб юрибди-я, вой аҳмоқ-ей! Бошқасига чидаганди-ку, бунисига ҳам чидайди-да. Нафрати сал ортади, вассалом. Оғзи какрадек тахир бўлиб кетганини сезди. Ҳаммаси — умрбод изтироб чекиб юришлари ҳам, шармандалик ботқоғига ботганида ҳам, индамай, шу хотинни суйгани ва уни кўнгли тилагани учун номус қилишлари ҳам фойдасизлиги равшан эди.

Деразаси тагида яна:

— Нон! Нон! Нон!— деган ҳайқириқ боягисидан баттарроқ янгради.

— Аҳмоқлар!— тишларини ғижирлатиб деди Энбо.

У катта ойлик олиши учун сўкканларини, қорни катта, ишёқмас, ишчилар очдан ўлаётган бир пайтда лаззатли таомларни еб, семираётган ифлос чўчқа, деб атаганларини эшитди.

Хотинлар ошхонани кўриб қолишди. Тустовуқ қовурилаётганини кўришлари ҳамоно қарғишу лаънатлар ёғилиб кетди; ёғлик қовурдоқ ҳиди оч қоринларни қитиқлаб, қийнай бошлаганди. Пасткаш буржуйлар! Қани энди ичларига шампань виноси қуйиб, оғизларига дўлмаларни тиқиб ташласанг-у, ичаклари ёрилиб ўлишса!

— Нон! Нон! Нон!

— Аҳмоқлар!— такрорлади Энбо.— Нима, мен бахтли эканми?

Ҳеч нимани тушунмайдиган бу одамларга нисбатан унинг қаҳру ғазаби жўшди. У ўзининг катта маошини шуларнинг қалин териларига, уларнинг енгил, ғамғуссасиз муҳаббатларига жон деб алмашарди. Нима, у уларни ўз дастурхони ёнига ўтказиб, оғизларига тустовуқ қовурмасини тиқса, ўзи девор орқасига ўтиб, жононларни қучиб-эзса, аввал ишқибозлик қилган йигитлар устидан кулса бўлмайдими?

У лоақал бир кунгина ўз билганларича иш тутиб, қусурларини қондириб юрадиган, хотинларининг юзларига дағаллик билан туширадиган ва қўшни хотинлар билан дон олишадиган энг расво шумтака бўлиш учун ҳаммасидан — ўз тарбиясидан, бойлиги, дабдабаси, директорлик мансабидан воз кечган бўларди. У ҳам очликдан тиришиб ўлишни, оч қорни таталашидан боши айланганини сезишни истарди,— фақат ушалмаган армонини рўёбга чиқара олса бас. Ҳа! Қани энди молдек яшасанг-у, ҳеч ниманг бўлмаса, энг бадбашара, энг ифлос юккаш хотин билан жавдарзорда етаклашиб юрсанг ва шундан қувонсанг!

— Нон! Нон! Нон!

Энбо жаҳли чиқиб, шовқин-суронга жавобан жонжаҳди билан қичқирди:

— Нон эмиш! Ҳамма ган шунда эканми, тўнкалар! Мана, у доимо еб-ичиб юрибди, лекин кам азоб чекибдими? Хотинининг бевафолиги, аламли-армонли ҳаёти — ҳаммаси кўз олдига келди-ю, алами янгиланиб, худди ўлим олдидаги ҳиқичоқ томоғига тиқилди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Нон бўлгани билан ҳамма иш жойида бўлавермайди. Қайси бир телба одамларнинг бахти бойликнинг тўғри тақсимланишида, деб айтяпти? Қуруқ хаёлпараст — революционерларгина жамиятни вайрон этиб, янгисини барпо қилишлари мумкин, бироқ улар ҳар кимга озгина-озгина бойлик улашганлари билан инсониятга заррача ҳам шодлик бахш этолмайдилар, қайғу-ҳасратларини ҳам камайтиролмайдилар. Қайтага улар агар омма ўз инстинктини тинчгина қондиришдан эҳтиросларнинг интиҳосиз хуружига эркинлик бериш даражасига етсалар, оламда бахтсизликни кўпайтирадилар: унда фақат одамлар эмас, итлар ҳам умидсизликдан ўвиллаган бўларди. Йўқ! Ягона бахт туғилмасликдир, модомики туғилдингми,— майли, дарахт бўл, тош бўл, ҳатто ундан ҳам кичкина қум зарраси бўл — ўткинчилар оёғи остида қонга беланиб ётмайсан.

Чидаб бўлмайдиган ғам-ғуссадан Энбонинг кўзлари шишиб кетди, қайноқ ёшлари ёноқларидан оқарди. Йўл қоронғиликда кўринмай қолди. Уй пештоқига тошлар ёғила бошлади. Энди унда бу оч кишиларга нисбатан адоват йўқ эди. У юрак-бағри қонга тўлиб, азоб чекаркан, кўз ёши аралаш ғўлдирарди:

— Тентаклар! Аҳмоқлар!

Бироқ бўш қориндан чиқаётган наъра супуриб, вайрон қилиб ташловчи қуюндек ҳаммасини босиб кетди:

— НОН! НОН! НОН!

VI

Катринанинг тарсакиси Этьенни ҳушига келтирди. У яна забастовкачилар олдига тушиб, бошлаб кетди; у бўғилиб, Монсуга даъват этаркан, бошқа, қалби қаъридан чиққан овоз, ақл-идрок садоси таажжубланиб, ундан: «Бу ишларнинг нима кераги бор?»— дея сўрарди. У бундай бўлиб чиқишини асло истамаганди-ку: бу қандай юз берди ўзи, совуққонлик билан ҳаракат қиламан, тартибсизликларга йўл қўймайман, деган ниятда Жан-Бартга йўл олган бўлса-ю, наҳотки қатор зўравонликлардан сўнг директор уйига ёпирилиб бориш билан кунни кеч қилса-я.

Ахир: «Тўхта!» деб қичқирган ўзи-ку. Лекин ав-

валига у Ширкат омборларини бутунлай вайрон бўлишдан сақлаб қолмоқчи эди холос: энди бўлса, директорнинг данғиллама уйи тошбўрон қилинганди, у бундан ҳам каттароқ фалокатнинг олдини олиш учун оломонни чалғитиш мақсадида қонуний бир қурбонни излаб, беҳуда уринди. Этьен кўча ўртасида ночор атрофга аланглаб турганида «Ўчоқ» қовоқхонаси остонасида турган бир одам уни чақириб қолди; қовоқхона бекаси қопқоқларни апил-тапил ёпиб, эшикни очиқ қолдирганди.

— Ҳа, бу мен.. Менга қара...

Бу Раснёр эди. Деярли ҳаммаси Икки юз зағизғон посёлкасидан бўлган ўттиз чоқли эркак билан хотин яқинлашиб келаётган забастовкачиларни кўришиб, ўзларини ана шу қовоқхонага уришганди: булар эрталаб уйларидан чиқмаган кишилар бўлиб, ҳозир эса томоша қилиш учун келишганди. Столча теграсида Захария хотини Филомена билан, нарироқда, эшикка орқа ўгириб, юзини яшириб, Пьеррон билан унинг хотини ўтирарди. Аслини олганда ҳеч ким ичмаётганди, шунчаки қовоқхонага биқиниб олишганди холос.

Этьен Раснёрни таниб қолиб, нари кетди.

— Менинг борлигим сенга халақит беряптими?— деди қовоқхоначи.— Мен сени огоҳлантирувдим-ку, мана энди ўзларинг фалокатга йўлиқдиларинг. Хўп, майли, нон талаб қилаверинглар, нон эмас, қўрғошин оласизлар.

Шунда Этьен унга юзланиб, жавоб берди:

— Қўрқоқлар, биз жонимизни қурбон қилаётганимизда қўл қовуштириб, бамайлихотир томоша қилаётган қўрқоқлар,— ўшалар менга ҳақиқатан ҳам халақит беришяпти.

— Демак, сен очиқдан-очиқ таламоқчи бўлибсан-да?

— Очимдан ўлсам ҳам охиригача ўртоқларим билан бирга бўламан.

Зардаси қайнаган Этьен ўлимига рози бўлган оломон ичига кириб кетди. Йўлда уч бола дераза-ларга тош отиб борарди; Этьен уларни боплаб тепди-да, ўртоқларига ойна синдириш билан оғирларинг енгил бўлмайди, дея бақирди.

Бебер билан Лидия Жанленга етиб олишиб, ундан

www.ziyouz.com kutubxonasi

сопқон отишни ўргана бошлашди. Улар ким кўп зарар етказишга бас бойлашиб, тош отишарди. Лидия уқувсизлик билан отган тош оломон орасидаги бир котиннинг бошига тегди, буни кўриб болалар ичаклари узилгудек бўлиб қизчадан кулишди. Уларнинг орқаларидаги скамейкада ўтирган Ўлмас бобо билан Мук бобо бу воқеаларни томоша қилишарди. Ўлмас бобо шишиб кетган оёқларини зўр-базўр қўзғатарди, юзига тупроқнинг акси урганди, бир оғиз ҳам гапирмаган вақтларидагидек чурқ этмасди: нима боисдан бир азобда бу ерга судралиб келганини бир худонинг ўзи билади.

Энди Этьеннинг гапига ҳеч ким қулоқ солмасди. Унинг ҳайҳайлашига қарамай, тошлар дўлдек ёғиларди, у эса ўзи гижгижлаган одамларнинг ҳаракатларидан яна ҳайрон бўлиб, гангиб қолган эди, одатда қўзғалишлари оғир бўлган бу одамлар ҳозир қутуриб, дарғазаб бўлиб кетган эди. Фламандларга хос қуюқ ва босиқ қон ойлар мобайнида қайнаб, ўз шафқатсизлигидан маст бўлиб, ақл нидосига қулоқ солмай, жиловсиз эҳтиросларга эрк берган эди. Этьеннинг юртида, жанубда, оломон тез ловиллаб кетса-да, лекин эҳтиёткорлик билан ҳаракат қиларди. У болтани тортиб оламан, деб Левак билан ғижиллашиб қолди, эр-хотин Маэларга ҳатто нима дейишини ҳам билмасди,— улар икки қўллаб тош отишарди. Уни кўпроқ аёллар — Левакнинг хотини, Мукетта ва бошқалар қўрқитарди: улар ўлгудай дарғазаб эди; учраган кишини бўғзидан олишга тайёр турган бу аёллар тишларини иржайтириб, оломон орасидан озғин гавдаси кўриниб бораётган Ашаддий кампир олқишлаётган итлардек акиллашарди.

Бирдан ҳамма жим бўлиб қолди, бир тасодиф оломонни ҳанг-манг қилиб, бир минутча нафасларини ичларига тушириб юборди, Этьен шунча уриниб, бунақа тинчитолмаганди. Маълум бўлишича, эр-хотин Грегуарлар ниҳоят нотариус билан хайрлашиб, рўбарўдаги уйга, директорникига ўтиб кетишаётган экан; улар шунчалик хотиржам бўлиб, ажойиб шахтёрларимиз итоаткорлик билан бутун бир аср давомида оиламизни боқиб келишяпти-ку, энди бир ҳазил қилишгандир-да, дея шунчалик ишончлари комил эдики, ҳайратда қолган оломон худди осмондан тушгандек пайдо бўлиб

қолган хўжайинлари — чолу кампир Грегуарларга тегиб кетмасин, деб деразаларга тош отишни ҳам тўхтатишганди. Уларни боққа ўтказиб юборишди, чолкампир зинадан хотиржам кўтарилишиб, қўнғироқни босишди: ҳар хил нарсалар билан тўсиб ташланган эшикни ҳадеганда очаверишмади. Шу он ғазабланган шахтёрларга жилмайиб қараб, чўри Роза келиб қолди: у монсулик бўлганидан шахтёрларнинг ҳаммасини яхши танирди. Роза узоқ дукиллатиб, Ипполитни эшикни очишга мажбур қилди, эшик айни вақтида очилган экан: Грегуарлар кирар-кирмас яна тошбўрон бошланди. Ўзига келган оломон янада қаттиқроқ қичқирарди:

— Буржуйларга ўлим! Яшасин ижтимоий Республика!

Бу воқеа ёқиб қолгандек, Роза пешайвонда ҳам кулаверди.

— Улар яхши одамлар, мен уларни биламан!— дерди у қўрқиб кетган малайга қараб.

Жаноб Грегуар шляпасини яхшилаб илди, Грегуар хонимга оғир драп пальтосини ечишга кўмаклашаётиб деди:

— Албатта, аслини олганда, улар ёмон одамлар эмас, бақириб-бақириб, уйларига боришади-да, зўр иштаҳа билан овқатланишади.

Бу чоғ жаноб Энбо иккинчи қаватдан тушиб келаётганди. У ҳаммасини кўрганидан меҳмонларни одатдагича вазмин ва мулойимлик билан кутиб олди. Фақат оқариб кетган юзи қаттиқ ҳаяжонланганидан далолат бериб турарди. У ўз туйғуларини босди-да, бурчини бажаришга тайёр турган ишчан амалдорга айланди қолди.

— Биласизми, хонимлар ҳали қайтиб келишганича йўқ,— деди у.

Шунда Грегуарлар илк бор ҳаяжонланиб, ташвишга тушиб қолишди. Сесиль қайтиб келмапти-я! Бу шахтёрларнинг ҳазиллари тугамаса, Сесиль уйга қандай етиб келади?

— Мен уйга соқчилар қўйиш чораларини кўрмоқчийдим,— қўшиб қўйди жаноб Энбо,— лекин мен, афсуски, бу ерда ёлғизман, ҳатто менга тўртта солдат билан битта капрал юборинглар, деб малайни қаёққа

www.ziyouz.com kutubxonasi

юборишни ҳам билмайман,— улар бу ярамаслар тўдасини тезда тарқатиб юборишарди.

Бу гапни эшитиб турган Роза яна ҳайиқиб деди:

— Аҳ, бегим, улар ёмон одамлар эмас-ку, ахир.

Директор бошини сарак-сарак қилди, кўчадаги шовқин-сурон эса баттар авжга чиқиб, девор сувоқларига тошлар гурсиллаб уриларди.

— Мен улардан хафа эмасман, мен ҳатто уларни кечираман: фақат аҳмоқларгина бизни уларга ёмонликни раво кўришади, деб ўйлайдилар. Бироқ мен осойишталик учун жавобгарман... Ахир бир ўйлаб кўринг, айтишларича йўлларни жандармерия қўриқлаётган эмиш, мен бўлсам, эрталабдан бери битта ҳам жандармни тополмайман!

У гапдан тўхтаб, Грегуар хонимни олдинга ўтказиб юборди-да, давом этди:

— Марҳамат, хоним, меҳмонхонага ўтинг, бу ерда қолманг.

Лекин ертўла қаватидан кўтарилган ошпаз хотин уларни даҳлизда бир неча минут ушлаб қолди. У фиғони ошиб, мен тушлик овқатга оид ҳар қандай жавобгарликни зиммамдан соқит қиламан, чунки маршьеннлик қандолатчи соат тўртга буюрилган варақини шу чоққача олиб келмади, афтидан, манави бандитлардан қўрқиб, йўлда адашиб қолган, ё бўлмаса уни йўлда талашган. У қаердадир бута орқасида оломон сомсаларни талашиб, нон талаб қилаётган уч минг бахти қора ана шу сомсаларни паққос тушираганини ўз кўзи билан кўрибди. Ҳарқалай, у хўжайинни огоҳлантириб қўйди — революция туфайли овқатни бузиб қўйгандан кўра, уни оловга ташлаган яхши-да.

— Бир оз сабр қилиш керак,— деди Энбо жаноблари,— дарров ноумидликка тушмаслик керак, балки қандолатчи келиб қолар.

У меҳмонхона эшигини очиб, Грегуар хонимга юзланаркан, даҳлиздаги скамейкада ўтирган одамни кўриб ҳайрон қолди, аввалига қоронғи бўлгани учун уни кўрмаган эди.

— Ие, бу сизмисиз, Мегра? Нима бўлди?

Мегра ўрнидан турди: қоронғида унинг семиз, қўрқувдан оқариб, буришиб кетган юзи кўринди. Бақалоқ Мегранинг одатдаги бепарво қиёфасидан асар ҳам

қолмаган бўлиб, мулойимлик билан директор жаноблари, бу қароқчилар дўконимга ҳужум қилиб қолгудек бўлишса, сиздан ёрдам ва паноҳ истаб келдим, деб тушунтирди.

— Ўзим жонимни ҳовучлаб ўтирганимни ўзингиз ҳам кўриб турибсиз-ку, менда ҳеч ким йўқ,— жавоб берди Энбо.— Ўзингиз уйингизда қолиб, молингизни қўриқласангиз яхши бўларди.

— Э, ҳалиям дўконни темир тамбалар билан маҳкамлаб, бекитиб, уйга хотинимни қўйиб келдим.

Директор нафратини яширмай, шоша-пиша қўл силтади; топган қоровулини қара-ю, калтак еяверіб, даққи бўлиб қолган нимжон бир кампир-да!

— Гапнинг қисқаси, сизга ёрдам беролмайман. Ўзингизни ўзингиз муҳофаза қилинг. Ҳозироқ уйингизга кетишингизни маслаҳат бераман, бўлмаса улар яна нон талаб қилишади... Эшитяпсизми?..

Ҳақиқатан ҳам яна шовқин кўтарилиб, Мегранинг назарида қичқириқлар орасида унинг ҳам номини айтишаётганга ўхшади. Уйга қайтишнинг асло иложи йўқ, дабдала қилиб ташлашлари мумкин... Иккинчи томондан, хонавайрон бўлишини ўйлаб, ақлдан озай дерди. У ойнабанд эшикка пешонасини тираганча қора терга ботиб қалтираб, фалокатни кутиб тураверди: бу орада Грегуарлар ниҳоят меҳмонхонага чиқишга қарор қилишди.

Энбо сохта хотиржамлик билан ўзини меҳмондўст мезбон қилиб кўрсатишга ҳаракат қиларди. Аммо у меҳмонларни ўтиришга таклиф этиб, чакки қилган экан: қулфланган, ҳар хил нарсалар билан тўсилган хона икки лампа билан ёритилган, ташқари ҳали ёруғ бўлишига қарамай, айниқса кўчадан шовқин-сурон эшитилганда киши ўтакаси ёриларди. Юмшоқ мебеллар кўплигидан дим бўлиб кетган бу хонада оломоннинг ғазабли ҳайқириқлари янада қўрқинчлироқ ва даҳшатлироқ бўлиб эшитиларди. Зўрға қовушаётган гап-сўзлар айланиб, доимо ишчиларнинг ақл бовар қилмайдиган қаҳру ғазабига тақаларди. Энбо ҳайрон бўлиб, ўзим ҳечам бунақа бўлишини ўйламагандим, хабарчиларим бўлса, бир пақирга арзимайдиган одамлар экан, дерди,— у Расиёр шахтёрларга ёмон таъсир қиляпти, деб асосан ундан хафа эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳарқалай, жандармлар келишади,— албатта, ахир уни ўз ҳолига ташлаб қўйишмас. Грегуарлар эса фақат ўз қизларини ўйлашарди: ширин қизлари жудаям қўрқоқ-да! Балки, кучер хавф-хатар борлигини кўриб, Маршьеннга буриб кетгандир?.. Чорак соатча кутишди — ҳаммалари кўчадаги шовқин-сурондан, тошларнинг аҳён-аҳёнда ёпиқ қопқоқларга урилиб тарақлашидан асабийлашарди. Аҳвол чидаб бўлмайдиган ҳолга келди, жаноб Энбо извошни кутиб олай, ҳам анави бақироқларни ўзим ҳайдаб юборай, дея энди кўчага чиқмоқчи бўлган эди, бирдан Ипполит кўринди.

— Бегим, бегим! Хоним шу ердалар, хонимни ўлдиришяпти!— деб қичқирди у.

Извош Рекийярнинг тор кўчасидан ўтаолмади, чунки, оломон кўчани босиб кетганди, шунинг учун Негрель Ширкат билан директор уйи орасидаги юз метрча масофани пиёда босиб ўтмоқчи, кейин эса қоровулхона ёнидаги боғ эшикчасини тақиллатсак, боғбонми ё бошқа биров эшитиб, эшикчани очар, деган умидда шу ёққа юрганди. Аввалига ишлар силлиқ кўчди, Энбо хоним билан ойимқизлар эшикчани тақиллата бошлагандиям, бироқ шу чоқ битта-яримта хўжайинлар келишди, дея шивирлаган бўлса керак, хотинлар жинкўчага ёпирилишди. Бу ҳол ишнинг пачавасини чиқарди; эшикчани очишмади. Негрель Энбо хонимни елкасига миндириб, девордан ошириб юборишга чандон уринди — бўлмади. Хотинлар зинага ёпирилишди: инженер ҳамроҳларини оқим олиб кетишидан қўрқиб, ҳамма томондан босиб келаётган забастовкачилар орасидан зинага ўтиб олишар, деган умидда Энбо хоним билан қизларни жон-жаҳди билан итара бошлади. Лекин унинг бу қилиғи катта жанжалга сабаб бўлди: уларни ўтказишмади, одамлар нима гаплигини тушунмай, ҳатто бу ечинган хонимлар қаёқдан келиб қолишдийкин, дея ҳайрон бўлишиб, қийқира-қийқира қувлашга тушишди.

Шу чоқ ҳамма нарса шунчалик аралаш-қуралаш бўлиб кетдики, ҳамма гангиб турган бир пайтда мутлақо тушуниб бўлмайдиган бир воқеа юз берди. Люси билан Жанна зинага чиқиб олишди-ю, оқсочнинг қия очиқ эшигидан лип этиб кириб кетишди, Энбо хоним ҳам улар кетидан бир амаллаб ўтиб олди, улар кетидан Негрель кирди-ю, Сесиль биринчи бўлиб кириб кетди, деган комил ишонч билан эшикни танбалади. Лекин Сесиль йўқ эди — у қўрқиб кетганидан уйининг қарама-қарши томонига югуриб, ўзини хавф-хатарга урган эди.

— Яшасин ижтимоий Республика! Буржуйларга ўлим! Ўлим!..— деган қичқириқ янгради.

Баъзилар тўр парда юзини тўсиб турганидан Сесилни Энбо хоним, деб ўйлашди. Бошқалар бўлса, бу Энбо хонимнинг дугонаси, ишчилар ёмон кўрадиган қўшни фабрикантнинг ёшгина хотини, дейишди. Сирасини олганда бу гапларнинг аҳамияти йўқ эди — забастовкачиларнинг жиғига теккан нарса унинг эгнидаги шоҳи кўйлак, мўйна манто, ҳатто шляпасига қадалган оқ укпар эди. Ундан атир анқирди, соати бор эди, ишламагани учун қўллари оппоқ бўлиб, кўмирга сира тегмаганди.

— Э, шошмай тур!— деб қичқирарди Ашаддий кампир.— Тўрларингни кўрсатиб қўямиз!

— Бу яшамағурлар нимамиз бўлса, ҳаммасини ўғирлашади,— гапни илиб кетди Левакнинг хотини.— Улар мўйнага ўралиб юришади, биз бўлсак совуққа қотиб ўламиз... Қани, келинглар, қип-яланғоч қилиб ечинтирамиз, яшашни ўргансин!

Мукетта Сесилга ташланди.

— Ҳа, ҳа, уни савалаш керак!

Шундан кейин хотинлар бир-биридан ўтиб тушиб, ярашмаган қилиқлар қилишиб, Сесилни ўраб олишди, улар қизга ўз жулдурларини кўрсатишиб, нима қилиб бўлса ҳам, қизнинг жиғига тегишни истар эдилар. Унинг ҳам лойи бизнинг лойимиздан, албатта, бунақалар ёлғиз эмас, юз ясаниб-тусаниб юришсалар ҳам чириб битган ойимчаларни кўрганмиз. Бас, адолатсизлик етар, эллик су бериб юбкасини ювдирадиган бу манжалақиларни ҳам ишчиларга ўхшаб кийинишга мажбур қилиш керак!

Даргазаб бўлган хотинлар қуршовида қолган Сесиль қалт-қалт қалтирарди, оёқлари чалишарди, шу боисдан тилига келиб қолган биргина гапни йигирма марталаб такрорларди:

— Хонимлар, илтимос қиламан, менга тегманглар.

Бирдан у бўғилиб қичқириб юборди: бўйнига алла-

www.ziyouz.com kutubxonasi

кимнинг совуқ панжалари текканини сезди. Уни Ўлмас бобо ушлаб олганди, оқим қизни суриб, унинг олдига келтирганди. Чол, афтидан, очликдан сармаст эди; узоқ давом этиб келаётган очлик унинг ақлини ўтмаслаштириб қўйганди, унда қаёқдандир қаҳр-ғазаб пайдо бўлди-ю, у умрбод итоаткор бўлиб юриш одатини йиғиштириб қўйди. Кон газларидан бўғилиб, ўприлишлар даврида ўз ҳаётини хавф остида қолдириб, неча-неча ўртоқларини ўлимдан сақлаб қолган бу одам ҳозир шу қизни бўғиб ўлдириш васвасасидан ўзини тия олмади: қизнинг оппоқ бўйни нега диққатини жалб этганини Ўлмас бобонинг ўзи ҳам тушунтириб беролмасди. Майиб чол ўша куни бир оғиз ҳам сўз айтмади, у Сесилни томоғидан бўғар экан, ўз хотираларига берилиб кетгандек эди.

— Йўқ, йўқ! — бақиришарди хотинлар. — Лозимини тушириш керак! Корсонини очиш керак!

Уйдагилар кўчада бўлаётган бу синоатни кўрганлари ҳамон Негрель билан Энбо жаноблари шартта эшикни очди-да, Сесилни қутқаргани отилди. Лекин оломон боғ панжарасига ёпирилганидан ташқарига чиқишнинг иложи йўқ эди. Кураш бошланди, қўрқиб кетган Грегуарлар зинага чиқишди.

— Бобо, бу қизни қўйвор! Бу ойимқиз Пиоленадан келган!— қичқирди Маэнинг хотини Ўлмас бобога Сесилни танигач; хотинлардан бири унинг тўр рўмолини юлқиб, йиртиб юборди.

Ёшгина қизга қилинаётган бу хуружни кўриб қаттиқ ҳаяжонланган Этьен оломонни чалғитишга уринди. Қўққисдан миясига бир фикр келди: у Левакдан тортиб олган болтани силкитди-да, қичқирди:

— Меграникига, жин урсин!.. У ерда нон бор! Мегранинг дўконини дабдала қиламиз!

Этьен шундай деди-ю, қулочкашлаб болта билан дўкон эшигини урди. Унинг кетидан ўртоқлар — Левак ва бошқалар ташланишди. Бироқ хотинлар ҳамон тутақиб, Сесилга ёпишишарди: Сесиль Ўлмас бобо қўлидан Ашаддий кампир чангалига тушди, Лидия билан Бебер эса Жанлен раҳнамолигида Сесилнинг юбкаси тагига эмаклаб боришди. Сесилни ҳар тарафдан тортқилайверишди, кийимлари йиртила бошлади, лекин шу топ бир отлиқ пайдо бўлиб, оломон

орасини ёриб кирди-да, вақтида қочиб қололмаганларни савалай кетди.

— Ҳа, ярамаслар, ҳали бизнинг қизларни урадиган бўлиб қолдиларингми?!

Бу тушлик қилиш учун келган Денелен эди. У отдан сакраб тушди-ю, Сесилнинг белидан қучди, иккинчи қўли билан отнинг юганидан тутиб, шундай зўр куч ва чаққонлик билан жонли понадек ёриб борардики, оломон четга чиқиб туришга мажбур бўлди. Панжара ёнидаги кураш давом этарди: бироқ у йўл-йўлакай аллакимни боплаб эзиб, зина олдига ўтиб олди. Бу кутилмаган ёрдам Негрель билан Энбони катта хавфдан қутқарди — уларни ҳақорат қилиб, калтаклашаётганди. Ҳушидан кетган Сесилни кўтариб олган Негрель уйга кираётганида, баланд қомати билан директорни тўсиб турган Денеленга келиб теккан тош елкасини мажақлаб юбораёзди.

— Шунақами ҳали,— қичқирди у,— машиналаримни дабдала қилдиларинг, энди суякларимни синдирмоқчимисанлар!

У лип этиб ичкари кирди-да, эшикни ёпиб олди. Ёғоч қопқоққа тошлар ёғилиб кетди.

— Вой қутурганлар-ей!— давом этди у.— Яна бир лаҳза имилласам, нақ калламни қовоқдек ёриб ташлашарди... Улар билан гаплашиш ҳам бефойда. Улар ҳеч нарсани тушунмайди, уларни фақат калтаклаш керак.

Сесиль секин-аста ўзига кела бошлади, ота-онаси эса унга қараб, кўз ёшларини тўкишарди. Қизнинг ҳеч қаери оғримас, ҳатто бирор ери ҳам тирналмаган эди, фақат тўр рўмолини йиртиб юборишганди холос. Лекин қўрққанидан эси чиқиб кетган ошпаз хотин Мелани забастовкачилар Пиоленани тор-мор қилишганини айтиш учун югуриб келганини кўришганида Грегуарлар бутунлай ўзларини йўқотиб қўйишди. Мелани ҳам уриш-жанжал пайтида ҳеч кимга билдирмай қия очиқ эшикдан қочиб қолипти: унинг айтиб тугатолмаётган ҳикоясига қараганда Жанлен отган ягона тош бор-йўғи дераза ойнасини синдирган бўлса-да, худди деворни дабдала қилган чинакам тўп отишмасига айланган эди. Шундан кейин Грегуарнинг ҳамма ўй-хаёллари остин-устин бўлиб кетди: унинг уйини

www.ziyouz.com kutubxonasi

яксон қилишипти,— демак, шахтёрлар уларнинг меҳнати ҳисобига ҳалол-пок яшагани учун унга қарши бош кўтаришипти-да?

Чўри хотин сочиқ билан атир олиб келди.

— Қизиқ, ахир улар ёмон одамлар эмас-ку,— такрорларди у.

Энбо хоним ранги докадек оқариб ўтирар ва ҳозиргина кўрган-кечирганларидан ўзига келолмас эди. Ҳамма Негрелни табриклаётганда, у унга қараб зўрбазўр жилмайиб қўйди. Ёш инженерга ҳаммадан кўп Сесилнинг ота-онаси ташаккур айтишди,— энди никоҳ масаласи узил-кесил ҳал бўлди. Жаноб Энбо чурқ этмай хотинидан нигоҳини узиб, унинг ўйнашига боқди, шу нобакорни эрталаб ўлдирмоқчи бўлганди-я, кейин қизга тикилди; тез орада мана шу қиз уни рақибидан қутултиради. Энбо шошмасди: у битта нарсадан қўрқарди,— у ҳам бўлса, хотини энди малайни ўйнаш тутиб, янада тубанлашади-да.

— Хўш, нури дийдаларим, сизларга ҳеч нима бўлмадими?— сўради Денелен қизларидан.

Люси билан Жанна ўтакалари ёрилган бўлишса ҳам, ҳаммасини кўрганликларидан хурсанд эдилар. Энди улар кулардилар.

— Жин урсин!— давом этди ота.— Роса ғурбат кун бўлди-да! Агар сизларга сеп керак бўлса, ўзларинг ишлаб топишларингга тўғри келади: шунинг учун ҳозирданоқ қари оталарингни ҳам ғамини енглар.

Денелен ҳазил қиларди, бироқ қизлари қучоғига отилишганда овози титраб, кўзлари жиққа ёшга тўлди...

Энбо жаноблари Денеленнинг хонавайрон бўлдим, деган гапини эшитиш билан чеҳраси ёришиб кетди. Вандам чиндан ҳам Монсу ихтиёрига ўтади ва фалакнинг гардиши билан унинг умиди ҳам рўёбга чиқади: у яна Правление аъзоларининг ҳурмат-эътиборини қозонади. Ҳар сафар бошига фалокат тушганида, у буйруқларни қатъият билан бажарар, темир интизом жорий қилар ва унга даставвал ўзи итоат этар эди,— бу нарса шахсий ҳаётдаги бахтсизлиги учун бир мукофот бўларди.

Секин-аста ҳамма хотиржам бўлди, икки лампанинг майин нури ёритиб турган дим меҳмонхона жимжит бўлиб қолди. Шу топда кўчада нималар бўлаётган экан? Бақироқлар жимиб қолишганди, тош отилмасди, гўё узоқдаги ўрмондан дарахт кесилаётгандек бўғиқ тўқиллаган товушгина эшитиларди. Энбо билан меҳмонлар нима бўлаётганини билгилари келарди: ҳаммалари даҳлизга чиқиб, ойнабанд эшикдан қарай бошлашди. Ҳатто хонимлар билан ойимқизлар ҳам дераза қопқоқлари тирқишидан қарашарди.

— Анави ярамас Раснёрни кўряпсизми, ҳув ана, рўбарўмизда, ўзининг қовоқхонаси эшиги олдида турипти-ку?— деди Энбо Денеленга мурожаат қилиб.— Менинг сезишимча, бу ишларда унинг қўли бор.

Бироқ Мегранинг дўконига болта урган Раснёр эмас, Этьен эди. У, нима, дўкондаги моллар кўмир қазувчиларники эмасми, дея нуқул ўртоқларини чақирарди. Наҳотки Ширкатнинг бир оғиз гапи билан уларни узоқ вақтдан бери эксплуатация қилиб, очликдан силлаларини қуритаётган мана шу ўғридан ўз мол-мулкларини тортиб олишга ҳақлари бўлмаса? Секин-аста ҳамма директор уйини ўз ҳолига ташлаб, қўшни дўконни талашга киришиб кетди. Яна: «Нон! Нон! Нон!» деган хитоблар янгради. Шу эшик орқасида нон кўп! Даҳшатли очликдан уларнинг жазаваси тутганди, гўё ажал йўлда кутиб тургандек, ортиқ кутишга тоқатлари йўқ эди. Улар эшикка шу қадар қаттиқ ёпишишдики, Этьен болта билан битта-яримтасини чопишдан қўрқди.

Бу орада Мегра директорнинг даҳлизидан чиқиб, аввалига ошхонага бекинди: бироқ бу ерда ҳеч нима эшитилмасди. Нуқул назарида дўконини талон-торож қилишаётгандек бўлаверди: шундан кейин у юқорига кўтарилди-да, ҳовлидаги водокачканинг орқасига бекиниб олди. Бу ерда Мегра талончилик қилиб, сўкишиб-қарғашаётганларини аниқ эшитди: ҳақоратлар орасида ўзининг ҳам номи тилга олинаётганди. Демак, бу ёмон туш эмас: гарчи ҳеч нимани кўрмаса ҳам, дўконини яксон қилишаётганини эшитаётганди, шу боисдан қулоқлари шанғиллаб кетди. Болта дўконга эмас, гўё нақ унинг юрагига уриларди. Афтидан, илгак чиқиб кетди, яна беш минутдан кейин дўкон забастовкачилар қўлида бўлади. Унинг хаёлида даҳшатли манзаралар аниқ-таниқ гавдаланди — мана, қа-

www.ziyouz.com kutubxonasi

роқчилар босиб киришяпти, яшикларни бузишяпти, қопларни ёришяпти, ҳамма нарсани еб, ҳамма нарсани ичишяпти, бутун уйни остин-устин қилишяпти... Ҳаммаси таланди, ҳатто суяниб, қишлоқма-қишлоқ тиланчилик қилишга таёқ ҳам қолмади. Йўқ, уларга ҳамма нарсасини талатиб қараб туролмайди, бундан кўра ўлгани яхши. Мегра бу ерга яширинганидан буён уйи орқасидаги деразаларнинг биттасидан нимжон хотинининг ноаниқ қорасини кўриб турарди — унинг ранги оқариб кетган бўлиб, калтакланган итдай эшикни тарақлатиб уришаётганларига қулоқ соларди.

Мегра ҳовлисининг этагида бир сарой бўлиб, унга директорнинг боғидан, дармиён девордан ошиб тушиш мумкин эди: у ердан эса том орқали деразадан кириш осон эди. Мегра шу йўл билан уйимга ўтиб олсам бўлади-ку, деган фикрдан қийналарди,— у уйидан чиқиб кетгани учун ўзини кечира олмасди. Эҳтимол, эшикни мебеллар билан маҳкамлаб олар: у мудофаанинг бошқа қаҳрамонона воситаларини ҳам ўйлаб топганди — тепадан забастовкачилар устига қизиб турган ёғ қуйиш, ёнаётган лампамой сепиш мумкин эди. Қарама-қарши фикрлардан қаттиқ азоб чекаётганди — у мол-давлатни яхши кўрарди, айни чоқда қўрқувдан ўтакаси ёрилай дерди. Айниқса, болтанинг қаттиқ урилишини эшитиб, Мегра бирдан жазм этди. Хасислиги тутиб кетди, лоақал бир думалоқ нондан жудо бўлгунча хотини билан қоплар устида ўлган яхшироқ.

Шу чоқ ҳай-ҳайлаган овозлар эшитилди:

— Анавини қаранглар, қаранглар-а, томда мушук юрипти!.. Ур мушукни!

Оломон сарой томидаги Меграни пайқаб қолганди. Баққол семиз бўлишига қарамай, қизишиб, ғайритабиий бир эпчиллик билан тахталарнинг синишига эътибор бермасдан, деворга тирмашган эди, энди бўлса томга қапишиб, деразага етиб олишга уринарди. Лекин том анча тик бўлганидан қорни халақит берарди, тирноқлари кўчиб кетганди. Бир амаллаб том тепасига чиқиб олай деганда, тошбўрон қилиб ўлдиришади, деган ваҳимадан даф-даф титрай бошлади,— кўзга кўринмаётган оломон пастда:

— Мушукни ур! Ур мушукни... Уни ўлдириш керак!— дея қичқирарди.

Бирдан унинг бармоқлари мадорсизланиб, сув тушадиган трубага ёпишди-ю, коптокдек шувиллаб тушди, дармиён девор тагига, кўчага шалоп этиб йиқилиб, боши супачага тегиб ёрилди. Миясининг қатиғи отилиб кетди. Мегра ўлган эди. Тепадаги хотини ранги оқариб, пешонасини ойнага тираганча, қараб турарди.

Аввалига ҳамма гангиб қолди. Этьен тўхтади, қўлидаги болта тушиб кетди. Маэ, Левак ва бошқалар дўконни унутиб, ингичка қизил оқим сизиб тушаётган девор томон юзландилар. Қий-чув тинди, қоронғи тушаётган паллада ҳаммаёқ сув қуйгандек бўлиб қолди.

Лекин шу он яна шовқин-сурон бошланди. Қонни кўриб жазаваси тутган хотин-халаж олға ташланди.

— Демак, осмонда худо бор экан-да! Ҳа, тўнғиз, мана, кунинг битди-ку!

Улар ҳали совимаган мурдани ўраб олишди, марҳумнинг қонга ботган бошини кўрсатиб, ифлос тумшуқ, дея кулиб, мазах қилишди. Ризқ-рўзидан маҳрум бу шўрпешоналар марҳумнинг бетига юракларидаги қат-қат алам ва гиналарини тўкиб солдилар.

— Мен сендан олтмиш франк қарз эдим, ма, ол, ўғри!— қутуриб қичқирди Маэ хоним.— Энди сен қарз сўрасам, йўқ дея олмайсан... Тўхта! Тўхта ҳали! Сени боқиш керак ҳали!

У иккала қўли билан тупроқни таталаб, марҳумнинг оғзига лой тиқа бошлади.

— Ма, е, еб қол!.. Бизни жуда мужидинг, энди ўзинг е!

Бу қарғишлар ҳавода муаллақ бўлиб қолди, қимирламай чалқанча ётган марҳумнинг катта кўзлари эса тун пардасини ёяётган осмонга тикилганди. Маэ хоним унинг оғзига тиққан лой у бермаган ўша нон эди. Бугундан бошлаб у фақат ана шу нонни ейди. Қашшоқларни очликдан адою тамом қилишлари ҳам унга бахт ато этмади.

Бироқ хотинлар қайта-қайта ўч олишни истардилар. Улар мурда атрофида урғочи қашқирлардек айланишарди. Ҳар бири уни таққирлашга, бирор ножўя қилиқ билан аламдан чиқишга ҳаракат қиларди.

Ашаддий кампирнинг чинқириғи эшитилди:

— Уни худди мушукдек терисини шилиш керак!

— Ҳа, ҳа! Худди мушукдек!.. Мушукдек!.. Бу аблаҳ жуда кўп алам ўтказган бизга!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мукетта унинг шимини еча бошлади, Левакнинг хотини оёгини кўтариб турди. Ашаддий кампир бўлса қоқсуяк қўллари билан мурданинг жонсиз олатига ёпишди ва ориқ белини қирсиллатиб, кучана-кучана уни суғурди. Осилиб қолган олат ҳадеганда узилавермади, кампир икки марта зўр берди, ниҳоят қонга ботган жундор бир бурда гўштни кўтариб, силкитди-да, гердайиб кулиб, деди:

— Мана у, мана у!

Жирканч ўлжани кўрганлар қарғашга тушишди:

— Ҳа, аблаҳ, энди қизларимизни бадном қилиб бўпсан!

— Ҳа, албатта, энди бизларни хўрлай олмайсан, бир бурда нон учун хотинларнинг этагини кўтаролмайсан.

— Ҳей, менга қара, мен сендан олти франк қарз эдим, закалатини олиб қўймайсанми? Борди-ю, ҳалиям қўлингдан келса, мен розиман!

Бу ҳазил аламли хахолашларга сабаб бўлди. Улар қонга беланган бир парча этни худди боши пачоқланган заҳарли илондек бир-бирларига кўрсатишарди, улар гўё шунинг дастидан кўп азоб чекиб, ниҳоят уни эзиб ташлашгандек эди: мана, у қимир этмай ётипти, у уларнинг чангалида. Улар унга тупуришар, тишларини ғижирлатишар, ғазаб-нафрат билан такрорлашар эдилар:

— Энди у ҳеч нима қилолмайди! Ҳеч нима!.. У энди эркак эмас, энди ҳеч нимага ярамайди... Энди кўмиладиган ерида чириб ётсин!

Ашаддий кампир этни таёқ учига қўндириб, худди байроқдек кўтариб олди: у йўлдан югурарди, кетидан эса қий-чув қилиб, тўзиб, бошқа аёллар чопишарди. Гўшт дўконидаги шалвиллаб ётган бир парча этни эслатувчи хунук олатдан қон томиб турарди.

Мегра хоним ҳамон тепадаги дераза ёнида қимир этмай ўтирарди: қуёшнинг сўнгги нурлари тушиб, ловиллаётган ойна унинг қонсиз юзини акс эттирарди,— гўё у кулаётгандай эди. Эри доимо хиёнат қилиб келган муштипар, эртадан-кечгача ҳисоб-китоб дафтаридан бошини кўтармайдиган бу хотин дераза олдидан бир тўда аёллар шаҳватпараст махлуқ олатини таёқ учига илиб ўтишаётганда ҳақиқатан ҳам кулган-

дир. Бу даҳшатли ишни кўрганларнинг аъзойи бадани муз-муз бўлиб кетганди. На Маэ, на Этьен ва на бошқа эркаклар аралашишга улгурди — қутурган хотинларнинг шиддатли ғазаби гўё уларни ўз жойларига михлаб қўйгандек эди. «Ўчоқ» қаҳвахонаси эшигидан ғазабдан ранги оқариб кетган Раснёр ва таажжубланган Захария билан Филоменанинг бошлари кўриниб турарди. Қария Ўлмас бобо билан Мук ҳўмрайганларича бошларини чайқашарди. Фақат тирсаги билан Беберни туртиб, Лидияни бошингни кўтар, дея қистаётган Жанлен ҳиҳилаб куларди. Хотинлар эса энди орқаларига қайтиб, директор уйининг деразалари тагидан чопиб ўтишаётганди. Хонимлар билан ойимқизлар дераза қопқоқларининг тирқишларидан қараб туришарди; улар уй муюлиши орқасида юз берган воқеаларни яхши кўра олмасдилар, бунинг устига қоронғи ҳам тушиб қолганди.

— Таёқлари учидаги нима?— сўради юрак бетлаб Сесиль.

Люси билан Жанна бу қуённинг териси бўлса керак, дейишди.

— Йўқ, йўқ,— пичирлади Энбо хоним,— улар, афтидан, колбаса бўлимини талашибди, шекилли, бу чўчқа гўштига ўхшайди.

Шу ондаёқ у сесканиб, тилини тишлаб қолди. Грегуар хоним уни тиззаси билан туртиб қўйганди. Иккови ҳам ҳайратдан оғизларини очиб, анграйиб қолишганди. Ранглари қув ўчган қизлар қоронғиликда кўзга чалинмай қолган қонли нарса кетидан бақрайиб қарашаркан, бошқа савол беришмади.

Этьен яна болтани кўтарди. Бироқ ҳамма ҳам бўлганича бўлганди. Мурда йўлни тўсиб, дўконни қўриқлаб ётгандай эди. Кўплар тисарилди. Ҳамма гўё ўбдон тўйиб, тинчиб қолгандек эди. Маэнинг қовоғидан қор ёғарди: қўққисдан кимдир унинг қулоғига: «Қоч!» дея шивирлади. У ўгирилиб қаради-да, доимо эркакларнинг эски курткасини кийиб юрадиган Катринани таниди: қизи ҳансирарди, бошдан-оёқ қоп-қора эди. Маэ қизини итариб юборди, унинг гапини эшитгиси келмай, абжағингни чиқариб қўяман, деб пўписа қилди. Шундан кейин Катрина ҳафсаласи пир бўлиб,

www.ziyouz.com kutubxonasi

қўлини силтади, бир лаҳза иккиланиб турди-да, таваккал қилиб, Этьен ёнига югуриб келди.

— Қоч, қоч, жандармлар!— деди унга.

Этьен ҳам сўкиб, уни ҳайдади: Катринанинг тарсакиси эсига тушиши билан ёноқлари қизариб кетди. Лекин Катрина бўш келмади, у Этьенни болтани ташлашга мажбур этиб, ғайритабиий бир куч билан йигитни икки қўллаб судраб кетди.

— Жандармлар шу ерда деяпман сенга!.. Қулоқ сол, агар билгинг келса, айтай, бориб уларни бу ёққа бошлаб келган Шаваль бўлади. Кўзимга балодай кўринди, шу боисдан сенинг олдингга келдим... Қоч, сени қамашларини истамайман.

Тош йўл отларнинг оғир дукур-дукуридан ларзага келаётган бир пайтда Катрина Этьенни судраб кетди. «Жандармлар! Жандармлар!» деган қичқириқлар янгради. Гўё бўрон туриб, кишиларни учириб кетгандай йўл бир неча минут ичида чиннидай тозаланди. Йўлда фақат Мегранинг мурдаси қорайиб турарди. «Ўчоқ» қаҳвахонаси ёнида ёлғиз Раснёр қолди: у бениҳоя енгил тортиб, қуролнинг енгил ғалабасидан шодланарди. Ҳувиллаб қолган Монсунинг битта ҳам чироқ ёқилмаган жимжит, зич ёпилган дераза қопқоқлари орқасида кишилар қўрқувдан қалтирашар, қора терга ботиб, бош чиқаришга ҳам чўчишар эдилар. Текислик қуюқ қоронғиликка чўмганди: баланд домна ва кокс печларигина гўё ёнғиндек, фожиали кўкни ёритарди. Жандармлар отларини йўрттиришиб яқинлашарди, улар зўрға кўринаётган бало-қазодай ғуж бўлишиб посёлкага кириб келишди. Улардан кейин, улар соқчилигида ниҳоят маршьеннлик қандолатчининг извоши ҳам етиб келди. Аравадан тушган пазанда йигит хотиржамлик билан варақиларни олиб қўя бошлади.

ОЛТИНЧИ ҚИСМ

I

Февралнинг биринчи ярми ўтди: қиш борган сари чўзилиб, қаҳратон совуқ камбағалларни қақшатарди. Маъмурлар — Лилль префекти, прокурори, генерали — яна шаҳар атроф йўлларини айланадиган бўлиб қолишди. Жандармлар етишмади шекилли, Монсуга бир полк солдат келди: Боньидан тортиб, то Маршьеннгача ҳамма ерга постлар қўйилди. Қуролланган отрядлар шахтани қўриқлашарди, ҳамма машина ёнида солдат турарди. Директор уйи, Ширкат омборлари ва ҳатто баъзи бадавлат одамларнинг уйлари олдига соқчилар қўйилди. Тош йўлдан фақат патрулларнинг қадам товушлари эшитиларди. Ворёдаги кўмир уюми олдида ўқтин-ўқтин шиддатли совуқ шамол эсиб турадиган бўм-бўш текисликдаги қўриқчига ўхшаб, эртаю кеч соқчи турарди; ҳар икки соатда, гўё ғаним мамлакатидагидек, қоровулларнинг қичқириғи эшитиларди:

— Ким у келаётган?.. Пароль!

Ҳеч қаерда иш бошланмади. Аксинча, забастовка бадтар ёйилиб кетди: Кручинада, Мируда, Мадленада кўмир қазиб чиқариш тўхтатилди, Фетри-Кантелда, Ғалаба шахтасида худди Ворёдагидек ишга чиқувчиларнинг сони кун сайин камайиб борарди: ҳатто шу чоққача ишлар яхши бораётган Сен-Томада ҳам ишчилар етишмаётгани сезила бошлади. Энди бу кўмир қазувчиларнинг иззат-нафсини таҳқирлаган қуролли кучларга нисбатан уларнинг индамай қарши-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лик кўрсатиши эди. Лавлаги экиладиган ерлар ўртасидаги посёлкалар бўм-бўш бўлиб қолгандек туюларди. Ҳеч ким кўринмас, кўчада ёлғиз бораётган ишчини тасодифан учратиб қолиш мумкин: у ҳам бўлса қизил шим солдатлар ёнидан ўтаётганида кўз қирини ташлаб, бошини эгиб оларди. Ана шу ваҳимали сукунатда, қуролга индамай қаршилик кўрсатишда сохта бир итоаткорлик, тутқунликдаги ваҳший ҳайвоннинг мажбурий ва ноилож ювошлиги сезилиб турарди; ўз нигоҳини ўргатувчисидан узмайдиган бу ҳайвон эгаси орқасини ўгириши билан унга ташланиб, бўғизини ғажиб ташлашга тайёр эди. Ширкат Правлениясидагилар иш тўхтаб қолиши оқибатида хонавайрон бўлишдан қўрқишиб, Бельгия чегарасидаги Боринаждан шахтёрлар ёллаш тўғрисида ҳам гапиришди-ю, лекин журъат этолмай туришарди: чунки кураш тўхтаганди, кўмир қазувчилар уйларига бекиниб олишган, бўм-бўш шахталарни эса солдатлар қўриқлашарди.

Ўша даҳшатли куннинг эртасигаёқ бирдан ҳаммаёқ сув қуйгандек бўлди қолди: бу жимлик замирида шундай бир ваҳима яширинган эдики, етказилган шикастлар, шафқатсизликлар ҳақида иложи борича камроқ гапиришга ҳаракат қилишарди. Тергов Мегранинг ўзи йиқилиб тушиб ҳалок бўлганини аниқлади, бироқ мурдани ким бунчалик расво қилганини билиш мумкин бўлмади: бу хусусда ҳар хил ривоятлар тўқилди. Ширкат ўзи кўрган зарарни тан олмади, Грегуарлар ҳам можароли судда қизларининг гувоҳлик бериб, ўзини ўзи бадном қилишини асло исташмасди. Шунга қарамай, тасодифий кишилардан бир нечаси қамоққа олинди: бунақа пайтда бўладиганидек, улар эсанкираб, қўрқиб кетишди, ҳеч нимани билишмасди ҳам. Янглишиб, Пьерронни қамоққа олишди ва қўлларига кишан уришиб, Маршьеннга олиб келишди, ўртоқлари анча вақтдан кейин бу воқеани эслаб, кулиб юришди. Раснёрни ҳам икки жандарм олиб кетишига оз қолди. Маъмурият эса ишдан бўшатилганларнинг рўйхатини тузиш билан кифояланди ва ана шу рўйхатга мувофиқ жуда кўп ҳисоб дафтарчалари тарқатилди: биргина Икки юз зағизғон посёлкасидан Маэ, Левак ва яна ўттиз тўрт киши ишдан бўшатилди. Ҳамма тартибсизликлар куниёқ ғойиб бўлган Этьендан қаттиқ ғазабланарди: ҳар қанча қидиришмасин, бари бир, изига туша олишмади. Шаваль кўролмагани учун уни чаққан эди; у бошқаларнинг номини айтишдан бош тортди: ота-онасини қутқариб қолмоқчи бўлган Катрина сотиб қўйма, деб ялиниб-ёлборганди. Кунлар бирин-кетин ўтарди: ҳали ҳеч нима ниҳоясига етмаганди, шу боисдан одамлар юракларини ҳовучлаб, оқибатини кутишарди.

Шу вақтдан бошлаб монсуликлар ҳар кеча чўчиб уйғонишарди: қулоқларида хаёлий бонг садоси янграрди: ҳатто порох ҳидини сезишаётгандек бўлишарди. Аммо черковнинг янги руҳонийси, аббат Ранвьенинг дуо-ибодатлари уларнинг силласини қуритарди; кўзлари ёниб турадиган ориққина аббат Ранвье аббат Жуарнинг ўрнига келганди. Ҳамма билан тинч-тотув, аҳил яшашдан бошқа нарсани ўйламайдиган бу кўркам ва юмшоқ одамнинг мулойим табассумини кўриш нақадар амри маҳол эди! Ахир бутун округнинг шармандасини чиқармоқчи бўлган ярамас қароқчиларни ўз ҳимоясига олган шу аббат Ранвье эмасми? У забастовкачиларнинг қабиҳ ишларини оқлаб, бутун масъулиятни буржуазияга қўйди-да, унга қаттиқ ҳужум қилди. Ҳаммасига буржуазия айбдор экан: у ўз манфаати йўлида черковни азалий ҳуқуқларидан маҳрум қилиб, дунёни адолатсизлик ва азоб-уқубатларнинг лаънати ўлкасига айлантирибди: ҳамма англашилмовчиликлар шу туфайли келиб чиқаётганмиш; мана шу буржуазия ўзининг имонсизлиги туфайли черков бағрига, илк христианларнинг биродарона одатларига қайтиш ўрнига дунёни даҳшатли ҳалокатга гирифтор қилмоқчи. Аббат ҳатто бойларга дўқ қилишга ҳам журъат этди: агар улар бундан буён ҳам худодан келган ваҳига қулоқ солмайдиган бўлсалар, унда қодир худо ўз қудратини намойиш қилиш учун камбағаллар томонига ўтиб, адашган динсизларнинг мол-мулкини тортиб олса-ю, бу дунёнинг гадоларига бўлиб берса ҳам ажаб эмас. Художўйлар ваҳимага тушиб қолишди, нотариус бу гаплар социализмнинг ғирт ўзи, деб эълон қилди; ҳамманинг назарида бебошлар тўдаси бошида турган бу руҳоний қўлидаги бутни ўйнатиб, бир ҳамла билан 89-йилги буржуазия жамиятини йўқ қилиб юборадигандай эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу гаплардан хабар топган жаноб Энбо елкасини қисиб қўйди-да, деди:

— Агар жиғимизга тегаверадиган бўлса, епископ бизни ундан қутқаради қўяди-да.

Бутун текислик бўйлаб ваҳима тарқалган пайтда Этьен ер остида, Жанленнинг Рекийяр шахтасидаги маконида яшарди. Этьен шу ерга бекинганди. Унинг шунчалик яқинда, ташландиқ шахтанинг эски тормоғида эканлигини ҳеч ким ўйламаганди: бундай жой шу қадар таҳликали эдики, ҳеч ким Этьенни Рекийярдан изламади. Тепадаги миноралариинг лиқиллаб қолган стропилалари орасидан ўсиб чиққан олхўрисимон дарахтлар билан дўлона буталари ўра оғзини бекитиб турарди; пастга тушишга ҳеч кимнинг юраги дов бермасди; тушиш учун ҳадисини олиш керак эди: рябина илдизларига осилиб, дадил пастга тушиш, бузилмай қолган зиналарга етиб олиш лозим эди. Бошқа тўсиқлар ҳам Этьенга қўл келганди: шахта тармоғидаги иссиқдан киши бўғиларди, юракни ҳовучлаб, бир юз йигирма метр пастга тушиш керак, сўнг йўлакнинг сурилган деворлари орасидан роса чорак мил масофани чалқанчасига ўтиш лозим,— шу машаққатлардан кейингина жиноятчининг озиқ-овқат билан тўла инига етиш мумкин эди. Этьен ҳузур қилиб яшарди; у ер остидан қорарча ароғи, бир парча қоқбалиқ ва бошқа емишлар топди. Катта бир қучоқ пичан унга ажойиб тўшак ўрнига ўтарди; ҳавоси ҳаммомдагидек бир меъёрда иссиқ бўлиб, елвизак сезилмасди. Фақат бир нарса — чироқ етишмасди. Унга ташимачи бўлиб олган, жандармларнинг жиғига тегиб роҳат қиладиган Жанлен шумтакадек эҳтиёткорлик ва ҳушёрлик билан унга ҳамма нарсани, ҳатто лаб бўёғигача етказиб берарди-ю, лекин шам тополмаганди.

Бешинчи кундан бошлаб Этьен чироқни фақат овқатланадиган пайтдагина ёқадиган бўлди. Оғзидагини қоронғида ютадиган бўлса, томоғига тиқиларди. Заррача ҳам ёруғлик кўринмайдиган бу бениҳоя тун уни ҳаммасидан ҳам кўпроқ қийнарди. У тинчгина ухларди, уни нон билан таъминлаб туришипти, жойи иссиқ; лекин бу қулайликларга қарамай, қоронғилик ҳеч қачон унинг юрагини бунчалик қаттиқ қисмаганди. Қоронғилик уни жинни қилаёзганди. Бу нима

ўзи? Коммунистик назарияларга эътиқод қўйса-ю, ўзи ўғирланган нарсалар билан кун кўрса-я. Ёшлигиданоқ қон-қонига сингиб кетган инжиқлик яна қўзиб қолди; у қора нонга қаноат қилиб, кунлик емишини камайтирди. Лекин нима қилиш керак? Ахир яшаши керак, ҳали бурчини бажаргани йўқ. У яна совуқ кунда оч қорингa қорарча ароғидан ичиб, кайфи ошгач, пичоқ билан Шавалга ташланганини эсларди-ю, етти номуси ерга кириб, пушаймон бўларди. Шу қилмишидан юраги орқасига тортиб кетарди, шу чоққача асло бундай даҳшатга тушмаганди. Бу энди ирсий иллат бўлиб, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган бадмастлик оқибати эди, бундай пайтда киши бир томчи ичкилик ичса, бас, одам ўлдиришдан ҳам тоймайди. Наҳотки у умрини қотиллик билан тугатса? Этьен хавф-хатарсиз жойга, тинчгина чуқур ер остига тушиб олди-ю, зўравонликлар жонига тегиб, кўз очмай икки кун тошқотиб ухлади; лекин у нафратдан қутула олмади, ҳаммаёғи шол-шол бўлиб, оғзи тахир эди, ўлгудай мастбозликдан кейин уйғонган кишидек боши лўқиллларди. Шу йўсин бир ҳафта ўтди. Унинг аҳволидан хабардор қилинган Маэлар унга шам топиб жўната олишмади; ҳатто овқат пайтида ҳам чироқ ёқмасликка тўғри келди.

Энди Этьен кун бўйи пичан устида чўзилиб ётарди. Илгарилари хаёлига ҳам келтирмаган ноаниқ фикрлар энди Этьенни эзарди. Уни эзаётган нарса ўртоқларидан ўзининг устунлигини англаши, саводлироқ бўлаборган сари ўзидан фахрланиш туйғуси эди. Этьен ҳеч қачон бунчалик кўп фикр-мулоҳаза юритмаганди. У ўзидан: «Нима учун мен шахталарга қилинган шиддатли ҳужумнинг эртасигаёқ ҳамма нарсага бунчалик нафрат билан қарайдиган бўлиб қолдим?» — деб сўрарди-ю, лекин бу саволга жавоб беришга журъат этолмасди: эҳтиросларнинг тубанлиги, инстинктларнинг қўполлиги, текисликда қутурган ялангоёқларнинг сассиқ ҳидлари ҳақидаги хотиралар монелик қиларди. Этьен қоронғиликдан азият чекаётганига қарамай, посёлкага қайтиш пайти келишини ўйлаб, юраги шувиллларди. Шу бадбахт одамларнинг тўп бўлиб, умумий бир тоғора атрофида яшаши нақадар даҳшат! Сиёсат тўғрисида жиддийроқ гаплашишга биттаям одам

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлмаса, молдек яшаса, димоғни ёрадиган пиёздоғ ҳиди аралашган ўша бадбўй ҳаводан нафас олса! Этьен уларнинг дунёқарашини кенгайтирмоқчи, уларни инсонларча яшаш даражасига кўтармоқчи бўлди: буржуазияникидан афзалроқ тарбия беришга, уларни хўжайин қилиб қўйишга интилди; аммо бу ниятларга етиш нақадар қийин! У бўлса, ана шу очарчиликда ғалабага эришиш учун мардлик етишмаётганини ҳис этаётганди. Мен уларнинг раҳнамосиман-ку, деган фикрдан кибрланиш, доимо уларни ўйлаш зарурати бир неча муддатдан бери уни қизиқтирмай қўйганди; шу йўсин унинг миясида ҳам ўзи ўлгудек ёмон кўрадиган буржуйнинг ўйларига ўхшаган фикрлар ўрнашиб қолди.

Бир куни кечқурун Жанлен унга извош шамдонидан ўғирланган қиттайгина шам олиб келиб берди; бу нарса Этьеннинг кўнглини кўтариб юборди. Қоронғилик унинг жонини ҳиқилдоғига келтириб, миясини ғовлатиб юборганида, у гўё ақлдан озаётгандек бўларди-ю, бир лаҳзага шамни ёқарди; сўнг миясини ғовлатган фикрларни ҳайдаб, шамни ўчирарди, чунки у нондек зарур бўлиб қолган бу шамни асрарди. Қулоқларга жимликнинг зинғиллаши ўрнашиб қолганди; у фақат каламушларнинг югур-югурини, эски ходаларнинг қисир-қисирини, оҳиста шитирлашни — ўргимчакнинг ин солишини эшитарди. Этьен кўзларини катта очиб, ана шу зерикарли сукунатга тикиларкан: «Ўртоқларим юқорида нималар қилишяптийкин?» деган фикр миясига қайта-қайта келарди. Курашдан чекинишни унинг назарида бориб турган пасткашлик эди. Гарчи у ҳозир бекиниб юрган бўлса ҳам, озодликда бўлиш, маслаҳатлар бериш ва ҳаракат қилиш учун бекиниб юрибди. Узоқ мушоҳада қилиш унинг шуҳратпарастлигини қитиқлаб қўйгандек бўлди. Энг яхши кунлар умидида у Плюшар ўрнида бўлишни, ишни ташлаб, нуқул сиёсат билан шуғулланишни, аммо ақлий меҳнат кишини бутунлай қамраб олиб, ниҳоятда хотиржам бўлишни талаб этади, деган баҳона билан бир ўзи озода хонада яшашни истар эди.

Иккинчи ҳафтанинг бошида Жанлен Этьенга жандармлар сизни Бельгияда бекиниб юрипти, дея гумон қилишяпти, деб қолди; шундан кейин Этьен қоронғи

тушиши билан инидан чиқишга қарор қилди. У аҳволни кўриб-билиб, саркашлик қилишни давом эттириш керакми, йўқми, шуни аниқламоқчи бўлди. У шахсан ўйинни ютқазиб қўйдик, деб ҳисобларди; у ҳатто забастовкадан олдин ҳам бирор натижага эришишларига ишонмаганди, у шунчаки бошланган воқеаларга ён берганди, энди бўлса, исёнкорликдан маст бўлиб, аввалги шубҳаларига қайтди, Ширкатнинг ён бериши мумкинлигидан бутунлай умид узди. Бироқ бу умидлари пучга чиққанини ҳатто ўзи ҳам ҳали тан олгиси келмасди, енгилиш оқибатида келиб чиқадиган фалокатлар, барча бахтсизлик учун зиммасига тушадиган оғир масъулиятни ўйлаши билан жигар-бағри хун бўлди. Забастовканинг тугаши — унинг роли тамом бўлишини билдирмасмикин, обрўсига путур етказмасмикин, яна ўша шахтанинг нохуш ҳаёти, посёлкадаги жирканч ҳаётга қайтиб бормасмикин? У мутлақо ҳалоллик билан, сохта, қабиҳ ниятларсиз яна йўқотган эътиқодини тиклашга зўр берди, ҳали ҳам қаршилик кўрсатиш мумкин, капитал меҳнатнинг қаҳрамонона фидойилигига тоб бера олмайди ва пировардида қулаб тушади, деган фикрни ўзига исботлашга уринди.

Ҳақиқатан ҳам хонавайронлик узоқ гумбурлаб, бутун округда акс садо берди. Этьен кечаси, инидан чиққан қашқирдек зулмат қўйнидаги қишлоқни кезиб юраркан, бутун текислик бўйлаб хонавайрон бўлганларнинг дод-фарёдларини эшитаётгандек эди. У йўлдан бораркан, йўлнинг икки томонида тўхтатиб қўйилган, ёпилган заводларнигина кўрарди; бинолар кулранг осмон остида чирирди. Ҳаммадан ҳам қанд заводлари кўпроқ азият чекканди: Отон заводи билан Фовелль заводи аввалига ишчилар сонини қисқартирди, сўнг бирин-кетин ёпилиб қолди. Тегирмонларнинг охирги тоши шу ойнинг иккинчи шанбасида тўхтаган эди, конлар учун пўлат арқонлар ишлаб чиқарадиган Блез заводи эса ишсизликдан тамомила хонавайрон бўлганди. Маршьенн атрофларидаги аҳвол ҳам кун сайин ёмонлашиб борарди: Гажбуа шиша заводининг ҳамма ўчоқлари ўчирилганди, Сонневилль машинасозлик устахоналарида ишчиларни қисқартириш тўхтовсиз давом этарди, чўян қуйиш заводидаги учта домна

www.ziyouz.com kutubxonasi

печидан биттасигина ёниб турарди, уфқда кокс печларининг битта ҳам батареяси йилтилламасди. Икки йилдан буён айниқса кучайиб бораётган саноат танглиги туфайли рўй берган Монсу кўмир қазувчиларининг забастовкаси аҳволни янада ёмонлаштириб, ҳалокатни тезлаштирарди холос. Аввалги танглик — Америкадан бўладиган буюртмаларнинг тўхтатилиши, қайта ишлаб чиқариш оқибатида капиталнинг туриб қолиши устига янги кутилмаган қийинчилик туғилди: ҳамон ишлаб турган бир неча буғ қозонлари учун кўмир етишмай қолганди, ҳақиқий ишкаллик шунда эдики, машиналарга емиш етишмасди, шахталар бошқа емиш етказиб бермасди. Ишларнинг умуман ёмонлигидан қўрқиб кетган Ширкат кўмир қазиб чиқаришни камайтириш ва ўз ишчиларини очликка маҳкум қилиш билан ўз оёғига болта урди,— декабрдан бошлаб бир бўлак кўмирга зор бўлди, омборлари бўшаб қолди. Ҳаммаси тўхтаб қолган, фалокат олис жойларгача бориб етган, бахтсизлик кетидан бахтсизлик келаётган эди: саноат корхоналари бир-бирларини босиб-янчиб қулар, шу қадар тезлик билан кетма-кет фалокат юз берардики, уларнинг оқибати Лилль, Дуэ, Валансьенн каби қўшни шаҳарларга таъсир қилмай қолмади; у ерлардаги банкирларнинг қочиб кетиши жуда кўп хонадонларнинг уйини куйдирди.

Этьен йўл муюлишларида дам-бадам тўхтар ва назарида муздек тунда қолган-қутган нарсаларнинг қулаб тушишини эшитаётгандай бўларди. У тун ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олар, вайронгарчиликларни кўриб, қувнар эди; у эски дунё вайроналари устида қуёш нур сочадиган кун келади, деб умид қилар эди; ўшанда бойлар бўлмайди, бўрон қутуриб эсади-ю, ҳамма баробар бўлиб қолади. Лекин ялпи талотўп бўлганда уни асосан Ширкатга қарашли конлар тақдири қизиқтирарди. У яна йўлга тушди, шахтадан-шахтага ўтди, янги вайронгарчиликларни кўрса, қувонди. Шахталар ҳувиллаб қолган сари ўпирилишлар яна ҳам зўр куч билан давом этарди. Миру шахтасининг шимолий йўлаги устидаги тупроқ шу қадар чўккандики, Жуазелга олиб борадиган йўл худди зилзила пайтидагидек юз метрча жойи ўпирилиб тушганди. Ана шу воқеалардан саросимага тушган Ширкат савдолашиб

ўтирмасдан заминдорларга барбод бўлган экинзорлар ҳақини тўлади. Кручина билан Мадленадаги жуда бўш тоғ жинслари кун сайин кўпроқ ўпирилиб тушарди. Ғалаба шахтасида икки штейгер тупроқ тагида қолиб кетипти, Фетри-Кантель шахтасини сув босипти, деган миш-мишлар тарқалди; Сен-Тома йўлагининг бир километрча жойига қайтадан тиргак қўйиш керак эди, чунки чириб қолган устунларнинг ҳаммаси синиб кетаётганди. Шундай қилиб, зиён соат сайин ошиб борарди; бу эса акционерлар оладиган фойдасини очиқ-ойдин совуриш бўлиб конларнинг тезда вайрон бўлишига олиб келарди; пировардида бу ҳол юз йил мобайнида юз марта кўпайган машҳур Монсу акцияларини ўз комига тортмай қолмасди.

Кетма-кет юз бераётган фалокатлар Этьенда яна умид туғдирди, у уч ойдан бери давом этаётган қаршилик ахири бу махлуқни, ўзининг сирли макони қаърида арзанда бўлиб ётган бу ҳайвонни ҳалок этишига ишона бошлади. Этьен Монсудаги тартибсизликлар Париж матбуотида кўп шов-шувларга сабаб бўлганини биларди. Официоз* ва оппозицион газеталар орасида шиддатли мунозара авж олиб, асосан интернационалга қарши қаратилган ваҳимали мақолалар эълон қилинди; гарчи ҳукумат аввалига Интернационални қўллаб-қувватлаган бўлса ҳам, эндиликда бу ташкилот ҳукуматга жиддий ташвишлар туғдираётганди. Ширкат Правлениеси бундан буёғига кар-соқов бўлиб ўтира олмасди; ниҳоят Правление аъзоларидан икки киши тафтиш ўтказиш учун қадам ранжида этдилар. Лекин улар бу ишга аралашганларига пушмондек эдилар, улар гўё забастовка оқибатларидан ғам емагандай, умуман иш билан заррача қизиқмагандай кўринардилар; улар уч кундан кейин, ишлар кўнгилдагидан ҳам яхши боряпти, деб қайтиб кетишди. Шунга қарамай Этьенга чекка-чеккадан бу жаноблар ташриф буюрган чоғларида узлуксиз мажлис ўтказганликларини, ишга кўмилиб, астойдил тафтиш олиб боришганини, аммо уларнинг биттасиям бу ҳақда чурқ этиб оғиз очмаганларини етказишганди. Этьен уларни ишончи шунчаки ниқоб қилиб олибди,

* Хукумат фикрини баён этувчи газета *(тарж. изоҳи)*.

www.ziyouz.com kutubxonasi

деб айблади-ю, кетиб қолишлари эса бемаъни қочишдан бошқа нарса эмас, деган хулосага келди; энди, бу қўрқинчли кишилар ҳамма нарсани қўлларидан чиқариб юборганларидан кейин у ғалабага ишонди.

Бироқ эртасига кечаси Этьен яна умидсизликка тушди. Ширкатнинг умуртқаси ниҳоятда бақувват бўлиб, уни синдириш осон эмасди: Ширкат миллион-миллион франклардан жудо бўлса ҳам кейинчалик ишчилар маошини қисқартириб, улар ҳисобига икки ҳисса қилиб қайтариб олиши мумкин эди. Шу кеча у Жан-Барт шахтасига борди-ю, ҳақиқатни билиб олди: бир назоратчи унга, миш-мишларга кўра Вандам шахтасини Монсуга сотишармиш, деб қолди. Айтишларича, гўё Денеленлар ниҳоятда қашшоқ бўлиб қолишганмиш, Денелен камбағаллашган бойларнинг аҳволига тушибди-ю, иложсизлигидан куйиб, касал бўлиб қолибди, мол-дунё ташвишида қариб кетипти; қизлари бўлса, ўзларининг охирги кўйлакларидан айрилиб қолмасликлари учун мижозлари билан талашиб-тортишаётганмиш. Фақат сув ичиб, кун кўраётганларини бегона кўздан яширишга зўр бериб уринишадиган бу буржуй хонадонидагилар оч яшаётган посёлкаларнинг аҳолисидан кўпроқ азоб чекишарди. Жан-Бартда ишлар қайта бошланмаганди, Гастон-Марида эса янги насос қўйиш керак эди; бунинг устига ҳамма чоралар кўрилганига қарамай, сув тошиб, катта зиён келтираётганди. Денелен ниҳоят Грегуарлардан юз минг франк қарз сўрашга қарор қилди; улар пул беришмади,— очиғини айтганда Денелен шундай бўлишини биларди, — бу эса Денелен учун қақшатқич зарба эди. Грегуарлар қарз беришни рад этарканлар, сизга раҳмимиз келаётганидан шундай қиляпмиз, сизни кучингиз етмайдиган курашдан тиймоқчимиз, дейишиб, шахтани сотишни маслаҳат беришди. Денелен ҳамон зўр бериб қаршилик қиларди. У ҳали забастовка етказган зиёнларни тўлаши керак эди, бу эса унинг жонини ҳалқумига келтираётганди, у сакта касалга дучор бўлиб, ажалидан олдин ўлишига ишонарди. Лекин на чора? Конни сотиш ҳақида музокара олиб боришга тўғри келди. Ҳар хил йўллар билан унинг жонига тегиб, бутунлай янгитдан ремонт қилиниб, яхши ускуналанган, пул етишмагани учун ишлатилмай турган ажойиб шахтанинг баҳосини жуда тушириб юборишди. Қарз берганларни бир амаллаб рози қилса ҳам жон дерди-я. У Монсуга келган Правление аъзолари билан икки кун олишди; Денелен танг аҳволга тушиб қолишидан уларнинг хотиржамлик билан фойдаланаётганини кўриб, фиғони фалакка чиқар ва «Асло бўлмайди!» дея бақирар эди. Ҳозирча иш юришмади: улар Парижга қайтиб кетишди-да, жимгина унинг оёғи куйган товуқдай югуриб қолишини кутишди. Этьен ақл югуртириб, бировларнинг бахтсизлиги бировларга фойда келтиришини фаҳмлади-ю, курашда ниҳоят кучли бўлган йирик капиталнинг енгилмас қудратини ўйлаб, наҳотки улар ялпи вайронгарчилик вақтида ҳам ўз оёқлари остида ҳалок бўлган заиф бечораларнинг мурдаларини ғажиб, гуркираб кетаверсалар, дея яна ғамга botди.

Унинг бахтига, эртасига Жанлен қувончли хабар олиб келди. Ворё шахтасининг тиргаклари бутунлай қулаб тушай деб турганмиш; ҳаммаёқдан сув чиқиб кетибди; уни ремонт қилиш учун шошилинч равишда дурадгорларнинг бутун бир артелини ишга солиш лозим эди.

Ҳозирча Этьен Ворёдан четлаб юрарди; у кўмир уюми ёнида қорайиб турган соқчидан ташвишланарди, уюм устидан эса бутун текисликни кузатса бўларди. Соқчини четлаб ўтиб бўлмасди; у ҳавода ҳилпираётган полк байроғидек ўрта ерда қўққайиб турарди. Эрталаб соат учларда осмон қоронғилашиши билан Этьен шахтага жўнади; у ерда ўртоқлари шахта девори қопламасининг путури кетиб қолганини айтишди: уларнинг фикрича, қопламани бутунлай янгилаш керак, бу эса иш бошлашни камида уч ойга кечиктириб юборарди. Этьен дурадгорлар шахтада болға уриб, тўқиллатишларига қулоқ солиб, анча санқиб юрди. Бу тўқиллаган товушлардан унинг кўнгли яйрарди: жароҳатни даволашга тўғри келган эди.

Этьен саҳарда, тонг ёришар-ёришмас шу томонларга қайтиб келяркан, кўмир уюми ёнидаги соқчини яна кўрди. Бу сафар солдат уни кўриб қолди шекилли. Этьен йўлида давом этаркан, халқдан олиниб, халққа қарши қуроллантирилиб қўйилган солдатларни ўйларди. Армия революция томонига ўтганда, ғалаба қилиш нақадар осон бўларди-я! Бунинг учун казар-

www.ziyouz.com kutubxonasi

малардаги ишчилар билан деҳқонлар ўзларининг ким эканликларини эслашлари кифоя эди. Бу катта хавф, улкан даҳшат эди: буржуазия қўшинларнинг бузилишини ўйлаганида титраб-қақшаб кетарди. Икки соат ўтар-ўтмас бу ҳаромхўр буржуйлар қувончу маразлари билан бутунлай қирилиб, супуриб ташланарди. Бутун-бутун полклар социализм ғоялари билан заҳарланган, деган гаплар тарқалганди. Шу тўғримикин? Буржуазия ўзи тарқатган ўқларга жавобан адолатли онларга етишадиган кун ҳам ниҳоят келармикин? Йигит қалбида: шахтани қўриқлаб турган полк забастовкачилар томонига ўтиб, бутун Ширкатни битта қўймай отиб ташлайди-ю, конларни кўмир қазувчилар қўлига топширади, деган янги умид туғилди.

Шу чоғ Этьен уюм устига кўтарилиб бораётганини сезиб қолди. Мияси ҳар хил ўйлардан ғувилларди. Солдат билан суҳбатлашса, нима қиларкин, а? Унинг фикрларини билиб оларди. Этьен гўё ахлат ичидан ёқиш учун ўтинбоп калта-култа ёғоч-тахта қидириб юрган киши бўлиб бораверди.

Соқчи қимир этмай турарди.

— Салом, оғайни! Ҳавонинг авзойи мунча бузуқ-а! — гап қотди Этьен.— Ҳадемай қор ҳам ёғса керак.

Солдат ниҳолдек нозик, сочлари сарғиш, мулойим юзини сепкил босиб кетганди. Эгнида шинель бўлиб, янги аскарликка олинган йигитлар сингари шалвиллаб турарди.

— Худди шундай, ҳамма нарса юз бериши мумкин,— ғўлдиради у.

Йигитча шундай деди-ю, бошини кўтариб, оқиш осмонга, тутунсимон тонг шафағига, текисликнинг олис этаги тепасида осилиб турган кўлранг булутларга қаради.

— Бу қанақа аҳмоқлик-а! Одамни қаққайиб туришга мажбур қилишади-я, совуқ суяк-суякдан ўтиб кетяпти-ку!— давом этди Этьен.— Худди душманни кутишаётгандек-а!.. Бу ернинг шамоли ҳамиша шунақа бўлади!

Солдат бола титрар, лекин шикоят қилмас эди.

Тўғри, сал нарида кечалари ҳаво айниса Ўлмас бобо бориб паноҳ топадиган ертўла бор эди; аммо уюм тепасида туришга буйруқ берилган эди, шу боисдан

солдат қўллари совуқ қотиб, ушлаб турган милтиқни сезмай қолган бўлса ҳам, қимирламай турарди. У Ворёни қўриқлаётган олтмиш соқчининг бири бўлиб, бу ерга қоровулликка тез-тез келиб тургани учун ҳатто бир сафар оёғини совуққа олдириб қўяй деди. Бироқ хизмат бурчи шуни талаб қиларди, шу боисдан у кўркўрона итоат этиш шартига мувофиқ бўйсунишга мажбур эди; у Этьеннинг саволларига худди уйқу элитаётган ёш боладек, бир нималар деб ғўлдирарди.

Этьен роса чорак соат у билан сиёсат ҳақида гаплашишга беҳуда уринди. Солдат нуқул: «худди шундай», «асло ундай эмас», деб жавоб берарди, лекин ҳеч нимани тушунмаслиги кўриниб турарди, ўртоқлари унга буларнинг капитани республикачи, ўзи эса, ҳеч нимани тушунмайди, унга бари бир, «От!» дейишса, отади, бўлмаса, жазолашади, дейишганди.

Ишчи йигит унинг гапларини тингларкан, ғазаби — халқнинг армияга нисбатан, қизил шим кийдирилиб, юраклари ўзгартирилган ўз биродарларига нисбатан қаҳру ғазаби қайнаб кетди.

— Отингиз нима, йигит?

— Жюль.

— Қаерликсиз?

— Анави ёқдан, Плогофдан.

У қўли билан қаёққадир, узоққа ишора қилди. У юрти Бретанидалигини биларди холос. Унинг қонсиз, сўник чеҳраси ёришиб, ўзи тетиклашди-да, кула бошлади.

— У ёқда онам, опам бор. Йўлимга кўзлари тўрт бўлса керак. Эҳ, ҳали жуда узоқ-да... Жўнаётганимда, икковлари нақ Пон-л' Аббегача кузатиб чиқишганди. Биз Лепальмековларнинг отини олувдик, от боёқиш Одьерна қирғоғида оёғини синдириб олай деди. Божамиз Шарль бизни кутиб, иссиққина колбаса пиширib турган экан, лекин хотинлар шундай ҳўнграб йиғлашдики, томоғимдан ҳам ўтмади! Э, худойим-ей, худойим-ей! Юртимиз жудаям узоқда!

Йигитчанинг кўзларида ёш кўринди, лекин у кулишини қўймасди. Плогоф далалари, доимо довул бўлиб турадиган асов Раз буруни унинг кўзларига қуёш нурларига ғарқ бўлган, гуллаган супурги гулидан пушти товланаётган жой бўлиб кўринди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Сиз нима дейсиз,— сўради у,— икки йилдан сўнг, жазо олмасам, мени юртимни кўриб келгани бир ойга юборишармикин?

Шундан кейин Этьен болалигида олиб кетилган юрти Прованс ҳақида гапириб берди. Тонг ёришди. Хира, кулранг осмондан паға-паға қор ёға бошлади. Этьен бирдан буталар орасига ўтиб кетган Жанленни кўриб қолди-да, ташвишга тушди; болакай уни уюм тепасида кўриб, ҳайрон бўлди-ю, имлаб Этьенни чақирди. Нима гап ўзи, Этьен солдатлар билан биродарлашиб, оғиз-бурун ўпишмоқчими? Бунга йиллаб вақт керак-ку. Этьен гўё ишлари юришиб кетишидан умидвор бўлгандек, режасини амалга ошира олмаганидан нафаси ичига тушиб кетди. Лекин бирдан у Жанлен нима демоқчи бўлганини фаҳмлади: ҳозир қоровул алмашади. Шунинг учун Этьен жўнаб қолди; у ўзининг Рекийярдаги маконига яшириниб олишга ошиқди. Ҳаммасини бой бердик-а, деган фикр миясига келиши билан унинг юраги қисиларди. Болакай ёнида диканглаб югуриб бораркан, ҳойнаҳой, бизни отиш учун қоровулни чақирган бўлса керак, дея ярамас солдатни сўкар эди.

Жюль бўлса, ёғаётган қорга тикилиб, уюм тепасида ҳамон қақкайиб турар эди. Сержант унинг ўрнига қоровулни бошлаб яқинлашиб келарди. Одатдаги гап эшитилди.

— Ким у келаётган?.. Пароль!

Узоқлашиб кетаётганларнинг қадам товушлари эшитилди, бу товушлар гўё бўйсундирилган мамлакатдан келаётгандек эди. Кун ёйилиб кетган бўлса-да, ишчилар посёлкасидаги ҳаёт бошланмаганди; ҳарбийлар этиги остида эзилиб ётган ғазабнок кўмир қазувчилар ўжарлик билан сукут сақлашарди.

II

Икки кундан бери ёғаётган қор учинчи кун эрталабга бориб тинди. Кўз илғамас текисликда қаттиқ совуқ изилларди; кўмир чангидан йўллари, уйлари ва дарахтлари қоп-қорайиб кетган бу нохуш ўлка оппоқ, ниҳоятда оппоқ бўлиб, бепоёндек кўринарди. Қор босган Икки юз зағизғон посёлкаси гўё ғойиб

бўлган эди. Биронта ҳам мўркондан дуд чиқмасди, уйларнинг томларидаги қалин черепицалар илимай, йўл бўйидаги тошдек совуқ эди. Посёлка оппоқ тош конига ўхшарди; у қор босган текисликда оқ кафанга ўралган кимсасиз қишлоқни эслатарди. Фақат кўчалардан ўтиб бораётган патруллар қорда ифлос из қолдиришарди.

Кеча Маэлар охирги кўмирларини ёқишди; ҳозир ҳатто чумчуқлар ҳам хас-чўп тополмайдиган шундай совуқ ҳавода уюмга бориб, бир бўлак кўмир олиб келиш ҳақида ўйлашнинг ҳам ҳожати йўқ эди. Кўмир қидириб, қорни титкилайверган Альзира касал бўлиб қолиб, ҳозир ўлим тўшагида ётарди. Онаси уни эски адёл парчаларига ўраб-чирмаб қўйиб, доктор Вандерхагенни кутаётганди; боёқиш она докторнинг уйига икки марта бориб келганди-ю, лекин ўзини учрата олмаганди; хизматкор хотин доктор жаноблари қоронғи тушгунча, албатта, посёлкага бирров бориб келадилар, деб ваъда қилганди. Она дераза ёнида докторга кўзи тўрт бўлиб турарди; кичкина бемор ўрнидан турмоқчи бўлди, аммо эти увушиб, титраб-қақшади-да, ҳарқалай, бу ер иссиқроқ бўлса керак деган умидда, ўчиб қолган печка ёнидаги стулга ўтирди. Унинг рўбарўсида оёқлари яна оғриб қолган Ўлмас бобо мудрарди. На Ленора, на Анри уйга қайтиб келганди; улар Жанлен билан кўчама-кўча санқиб, тиланчилик қилишарди. Шипшийдам хонада ёлғиз Маэгина у ёқдан-бу ёққа юрар ва гангиб, ўз қафасини танимаётган ҳайвондек ҳар сафар деворга урилар эди. Бор керосин тугаганди; бироқ қор шундай оппоқ бўлиб ярақлардики, қоронғи тушганига қарамай, аксидан хона ёришиб турарди.

Еғоч пойабзалнинг тўқиллагани эшитилиб, бир минутдан сўнг Левакнинг хотини шиддат билан эшикни очди; у жони ҳиқилдоғига келиб, остонаданоқ Маэнинг хотинига ўшқириб деди:

— Ҳа, билдим, ижарачиси билан ётгани учун кунига йигирма су олади, деб айтган сен экан-да!

Маэ хоним елкасини қисди.

— Э, қўйсанг-чи, ҳеч нима деганим йўқ... Аввало айт-чи, бу гапни сенга ким айтди ўзи?

— Менга сени айтди, дейишди, ким гапиргани би-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лан ишинг бўлмасин... Ахир сен, кўп ярамас ишларини девор орқасидан эшитдим, жуда гуноҳга ботиб кетишди, ўзи эртадан-кечгача наҳс босиб ётади, деб ҳатто қасам ичибсан-ку... Хўш, қани, шу гапларни айтмадим дегин-чи, қани айт!

Хотинларнинг тўхтовсиз лақиллашлари туфайли айниқса ёнма-ён яшовчи қўшни хонадонлар ўртасида тез-тез даҳанаки жанглар бўлиб турарди; деярли ҳар соатда уришиб ярашишарди. Бироқ ҳеч қачон бунчалик катта жанжал чиқмаганди. Забастовка бошланганидан буён очлик одамларнинг дард-аламини бадтар кучайтириб, улар аламларини бир-бирларидан олиш пайига тушиб қолишганди. Икки қўшнининг ади-бадиси эрларининг муштлашуви билан тугарди.

Левак айни вақтида етиб келган экан: у Бутлуни судраб келганди.

— Мана у, янгажон, хотиним билан ётиш учун йигирма су тўлаяптими-йўқми, ўзи айтсин.

Ижарачи хижолат бўлиб мийиғида кулди-ю, тихирлик қилиб турди, сўнг тутилиб деди:

— Йўқ, бунақа бўлгани йўқ... Асло бунақа иш бўлган эмас!

Левак шу заҳоти ўдағайлашга тушиб, муштини Маэнинг тумшуғига олиб келди.

— Биласанми, мен бу ишни шундай қолдирмайман! Уриб хотинингнинг қобирғаларини синдириш керак... Демак, сен унинг гапларига ишонар экансан-да, а?

— Вой, иблис-ей! — қичқирди эзилиб, ғазабига чидай олмаган Маэ.— Бу қанақа иғво яна? Бахтсизликларинг етмайдими ўзи? Тур, йўқол, бўлмаса пачағингни чиқараман!.. Аввало, ким тарқатди бу иғвони, наҳотки менинг хотиним бўлса?

— Ким?.. Пьеррон хоним, билдингми, ана ўша!

Маэ хоним истеҳзо билан кулди-да, Левакнинг хотинига қараб деди:

— Э-ҳа, Пьеррон хоним дегин!.. Бўпти! У менга нима деганини сенга айтиб беришим мумкин. Ҳа! У менга айтдики, сен гўё иккалови билан бирга ётаркансан, биттаси остингда ётармиш, биттаси устингга чиқармиш!

Шундан кейин ҳеч кимга гап уқтириб бўлмай қолди. Ҳаммалари қутуриб кетишгандек эди. Леваклар Пьеррон хоним Маэлар ҳақида нима деган бўлса, ҳаммасини оқизмай-томизмай айтиб беришди гўё улар Катринани сотишганмиш, Этьен «Вулқон»дан орттириб келган касал ҳаммаларига, кичкинтойларгача юққанмиш.

— Шундоқ дедими, ҳали шундоқ дедими? — ўшқириб деди Маэ.— Хўп, майли! Ҳозироқ олдига бораману агар шу гапим рост, айтувдим, деса, дабдала қиламан.

У кўчага отилди: Леваклар унинг кетидан гувоҳ бўлгани югуришди. Бунақа жанжалларни ёқтирмайдиган Бутлу секин жўнаб қолди. Ҳалиги гап-сўзлардан жиғибийрон бўлган Маэ хоним ҳам бормоқчи эди-ю, лекин Альзиранинг инграшини эшитиб тўхтади У титраётган маъсуманинг устига адёл тортиб қўйди-да, яна дераза олдига келиб, узоқларга тикилди.

Доктордан ҳамон дарак йўқ!

Маэ билан Леваклар Пьерронлар эшиги олдида корда депсинаётган Лидияни кўриб қолишди. Уй қулф эди: дераза қопқоғи тирқишидан узун нур тушиб турарди. Аввалига қизча уларнинг сўраб-суриштиришларига уялинқираб жавоб берди: йўқ, отаси уйда йўқ, Ашаддий кампирнинг кир тугилган бўғчасини кўтаришиб, кирхонага кетган. Шундан кейин у тутилиб, онаси нима иш қилаётганини айтгиси келмади. Ниҳоят у заҳархандалик билан жилмайиб, ҳамма гапни айтди: уйда жаноб Дансарт бор экан, онаси гапимизга халал берасан, деб уни кўчага ҳайдабди. Дансарт каллаи саҳарлаб икки жандарм ҳамроҳлигида посёлкани айланиб юрарди; у ишчиларни ёллади, унчамунча заифларга тазйиқ ўтказди, ҳаммаёқни изғиб, кўмир қазувчилар душанбадан Ворёда ишга чиқишмаса, Ширкат бельгияликларни ёллайди, деб эълон қилди. Қоронғи тушгач, Пьерроннинг хотини ёлғиз қолганини кўрган Дансарт жандармларни жўнатиб юборди-да, ўзи иссиққина камин ёнида бир стакан арча арағидан ичгани уникига кирди.

— Тс! Секин, уларни кузатиш керак, — шивирлади Левак ҳаваси келиб илжаяркан... — Мана энди гаплашсак бўлади... Ҳа, ярамас, бор, жўна!

Лидия бир неча қадам нари кетди, Левак эса қоп-

www.ziyouz.com kutubxonasi

қоқ тирқишига ёпишди. Кулгидан бўғилиб, аъзойи бадани титраб, энгашди. Ўз навбатида Левакнинг хотини ҳам қаради: лекин у худди қорни оғриётгандек букчайиб, бунақа ишларни мен ёмон кўраман, деди: Маэ ҳам қарагиси келиб уни итариб юборди: у бунақа томоша қимматга тушади, деди. Улар худди томоша кўраётгандек яна навбатма-навбат тешикдан қарашди. Ер томса ялагудек озода хонани каминдаги олов ёлқини ёритиб турарди; стол устида печенье, шиша ва стаканлар турарди — хуллас, чинакам базми жамшид эди. Хона ичида кўрганлари эркакларнинг ҳирсини қўзғатиб юборди; бошқа вақт бўлганда бу ишни ярим йилгача гапириб, кулиб юришарди. Жувоннинг юбкасини кўтариб ётишини, эркакнинг эса уннашини томоша қилиш мароқли эди. Вой, жин ургурлар-ей! Ўртоқлари бир тишлам нон-у, бир бўлак кўмирга зор бўлиб юрганда, булар иссиққина уйда еб-ичиб, манавинақа иш қилиб ўтирса, бу ҳайвонлик эмасми ахир?

— Ана, дадам ҳам келиб қолди!— хитоб қилди Лидия қочиб кетаркан.

Кирлар тугилган бўғчани орқалаб олган Пьеррон бамайлихотир қайтиб келарди. Шу ондаёқ Маэ уни сўроққа тутди:

— Менга қара, одамларнинг гапига қараганда, хотининг Маэлар Катринани сотган, уйидагиларнинг ҳаммаси ярамас касалга чалинган деганмиш... Хўш, қани айт-чи, ҳозир хотинингни мижиғлаб ётган жаноб унга неча пул тўлайди?

Пьеррон ҳеч нимага тушунмай қоққан қозиқдек қотиб қолди. Бу орада ташқаридан келаётган шовқин-сурондан ўтакаси ёрилган Пьеррон хоним, нима гаплигини билиш учун эшикни очиб қаради. У қип-қизариб кетган, кўкрак тугмалари қадалмаган, юбкаси бўлса ҳамон кўтарилиб, белига қистириб қўйилганди, хона тўридаги Дансарт эса апил-тапил шимини киярди. Бош штейгер бу гап директорнинг қулоғига етишидан хавфсираб, жуфтакни ростлаб қолди. Катта жанжал кўтарилди, хахолаб кулишлар, пиқиллаб масхара қилишлар, сўкиш-қарғашлар эшитилди.

— Сен ҳамиша бошқалар ифлос туришади, деб вайсайсан!— қичқирди Левак хоним Пьерроннинг хотинига қараб.— Сенинг поклигингга ажабланмаса ҳам

бўлади, ахир сен бошлиқлар билан дон олишиб юрасан-да.

— Э, нимасини айтасан!— гапни илиб кетди Левак.— Яна бу манжалақи тортинмай Левакнинг хотини эри билан ҳам, ижарачиси билан ҳам туради, деганини айтмайсанми, гўё хотиним биттамизни тагига босармиш-у, биттамизни устига чиқарармиш... Ҳа, ҳа, менга айтишди, сен шундоқ деганмишсан.

Бироқ Пьеррон хоним ўзини босиб олиб, ҳақоратларга дадил жавоб қайтараверди; у ўзининг посёлкадагиларнинг ҳаммасидан гўзалроқ ва бойроқ эканлигини яхши билганидан, ҳаммага нафрат билан қарарди.

— Нима дегим келса, ўшани айтганман... Мени тинч қўйинглар! Мен билан нима ишларинг бор сенларни, ҳасадгўйлар! Омонат кассага пул қўйганимизга жонларинг чиқяпти-да! Йўқолинглар! Йўқол ҳамманг. Оғзиларингга келганини айтаверларинг. Жаноб Дансарт нима иш билан келганини эрим жўда яхши билади.

Пьеррон ҳақиқатан ҳам фиғони чиқиб, хотинининг ёнини ола бошлади. Жанжал бошқа ёққа айланиб кетди: уни сотқин, жосус, Ширкатнинг занжирбанд ити, дейишди, уйингни ичидан бекитиб олиб, хоинлигинг учун бошлиқлар ташлаб турадиган лаззатли луқмаларни еб, семириб ётибсан, дея айблашди. Пьеррон эътироз билдириб, бир-бирига чалишган иккита суяк устига ханжар сурати солинган хатни остонамга ташлаб кетгансан, деб Маэга ёпишди. Ҳар сафар бўлганидек, хотинлар бошлаган жанжал эркаклар муштлашуви билан тугади, очлик ҳатто энг беозор кишиларни ҳам тажанг қилиб қўйганди. Маэ билан Левак Пьерронни муштлай кетишди; уларни ажратиб қўйишга тўғри келди.

Ашаддий кампир кирхонадан келганда куёвининг бурнидан қон шариллаб оқарди. Нималигини тушунгач:

— Бу ҳайвон мени шарманда қиляпти-да,— деб қўйди.

Кўча бўшаб қолди; оппоқ қорда битта ҳам сол кўринмайди; очлик ва совуқдан азоб чекаётган қишлоқ яна жимжит бўлиб қолди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Доктор келдими?— сўради Маэ кириб, эшикни ёпаркан.

— Келгани йўқ,— жавоб берди хотини ҳамон дераза олдида тураркан.

— Болалар қайтишдими?

— Йўқ, қайтишгани йўқ.

Маэ яна худди қўрадаги ҳўкиздек вазмин қадам босиб, у бурчакдан-бу бурчакка юра бошлади. Столда қотиб ўтирган Ўлмас бобо ҳатто бошини ҳам кўтармади. Альзира ҳам чурқ этмади, фақат ота-онасини ранжитмаслик учун титрамасликка ҳаракат қиларди. Қизалоқ тишини-тишига қўйиб дардга чидаётган бўлса ҳам, ўқтин-ўқтин шу қадар қаттиқ титрардики, боёқишнинг ориқ букри гавдаси кўрпа ичида кўтарилиб-тушарди. Катта-катта очилган кўзлари боғни босган оппоқ қорнинг заиф акси тушиб, худди ой нуридек ёритиб турган хона шифтига тикилганди.

Охират яқинлашиб қолганди,— уй шипшийдам бўлиб, қўлга илинадиган нарса қолмаганди. Тўшакларнинг сурп авраси ҳам жуни кетидан эскичининг қўлига ўтиб кетганди; кейин чойшаб, ички кийимларга гал келди, қисқаси нимани сотиш мумкин бўлса, ҳаммаси сотилди. Бир куни кечқурун бобонинг дастрўмолини икки суга сотишди. Оч хонадонда жудо бўлинган ҳар бир нарса учун юм-юм йиғлашарди; Маэ хоним бир куни эри совға қилган пуштиранг картон қутичани юбкасига ўраб, элтиб бериб келганини эслаб, ҳозир ҳам кўз ёши қиларди. У худди боласидан жудо бўлгандек, ўша қутичага кўп қайғурарди. Маэлар бор нарсаларини сотиб бўлишганди; фақат энди ўзларининг таналари қолганди, лекин бу баданлар сўлиб, қуришиб-буришиб қолганидан унга ҳеч ким қора чақа ҳам бермасди. Улар бу азобдан қутулишнинг бирор йўлини топишга ҳам ҳаракат қилишмасди; улар ҳеч вақо қолмаганини, кунлари битганини билишарди; энди бирон нимадан умид қилишнинг ўрни йўқ эди, энди уйда на шам, на кўмир, на картошка бўлади. Улар ўлимларини кутишарди, фақат болаларига ачинишарди; улар ўринсиз шафқатсизликдан хафа эдилар: ўладиган бўлгандан кейин бола бечорани шу қадар касал қилиб қийнашнинг нима кераги бор эди.

— Э, худога шукур-е,— деб юборди Маэ хоним.

Дераза олдидан биров ўтди. Эшик очилди. Бироқ бу умуман доктор Вандерхаген эмасди; кирган киши янги руҳоний аббат Раввье экан. У афтидан, чироқсиз, оловсиз, нонсиз, ҳувиллаб ётган бу уйга кириб қолганига ҳайрон бўлмади шекилли; у бу ерга келгунича қўшни уйларнинг учтасига кириб чиққанди. Аббат ҳам жандармларни олиб, уйма-уй кириб, кўнгиллилар йиғаётган Дансарт каби ўзига мурид тўпларди: у уйга кира солиб, жонсараклик билан мутаассибларга хос товуш билан гапира бошлади:

— Ие, умматларим, нега ибодатга бормадиларинг? Бу ишларинг яхши эмас; сизларни фақат черков асраб қолади... Келаси якшанбадан ибодатга борамиз, деб ваъда беринглар, чироқларим.

Маэ унга бир қараб қўйди-да, бир оғиз ҳам гапирмай, яна оғир қадамлар босиб, уйни ўлчашда давом этди. Унинг ўрнига хотини жавоб берди:

— Черковга бориб нима қиламиз, жаноб аббат? Худонинг ўзи уриб қўйгани етмайдими? Мана қаранг, шу титраб-қақшаётган қизалоғимнинг нима гуноҳи бор? Шундоқ ҳам чекаётган ғам-ғуссамиз камми? Келиб-келиб боёқишнинг оғриган вақтини қаранг, лоақал ичишига бирон иссиқ нарса топиб беролмайман.

Шунда руҳоний тик турганича ваъз-насиҳат қила кетди. У нутқида забастовкадан, нажотсиз очарчилик сабаб бўлган даҳшатли офатдан фойдаланди; у ёввойи халқларга ўз динини тарғиб қилаётган миссионерга ўхшаб эҳтирос билан сўзларди. У черков камбағалларни ҳимоя этади, бир кун эмас, бир кун адолат тантана қилади ва бойлар худонинг ғазабига учрайди, деди. Ҳадемай шундай кун келади, чунки бойлар ўзларини худо билиб кеккайиб кетишди; улар ғиромлик билан ҳокимиятни қўлларига олиб, энди худонинг амрисиз ўзлари бошқармоқчи бўлишяпти. Борди-ю, ишчилар ер юзидаги неъматларнинг адолатли бўлинишини истасалар, гадолар билан қавмлар Исо алайҳиссалом вафотидан сўнг ҳаворийлар атрофига бирлашганларидек, улар ҳам руҳонийларга эътимод қилишлари лозим. Ҳисобсиз заҳматкашлар оломони бўйсунганида борми, папа билан руҳонийлар қанчалик зўр куч-қудратга эга бўлган бўлур эдилар! Жаҳон бир ҳафтадаёқ золимлардан тозаланарди-ю, нолойиқ

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳукмдорлар ҳайдалиб, ниҳоят оллоҳнинг амр-фармонлари мустаҳкам бўларди; ҳар ким ўз хизматига яраша ҳақ оларди, меҳнат қонуни ҳаммани бахтли этарди.

Маэ хоним аббатнинг гапларини тингларкан, унга гўё Этьен сўзлаётгандек бўларди: чунки у ҳам куз кечалари ҳадемай ҳамма бахтсизликларимизга чек қўйилади, деб каромат қиларди. Бироқ Маэ хоним ҳамиша аббатларга ишонмасди.

— Бизга айтган гапларингизнинг ҳаммаси жуда яхши, жаноб аббат,— деди у,— лекин сиз буржуйлар билан чиқишолмаганингизга шундай деяпсиз, бу рост... Аввалги руҳонийларимизнинг ҳаммаси директорларникида овқатланишарди-да, биз нон сўрайдиган бўлсак, дўзахга тушасанлар, деб қўрқитишарди.

Аббат яна гапга тушиб, бу сафар черков билан халқ ўртасидаги келишмовчиликлар тўғрисида гапирди. Энди у мужмал иборалар билан шаҳар руҳонийларига, епископларга, юқори дин пешволарига ёпишди. Булар ҳузур-ҳаловатда яшаб, амал иштиёқида ёнаркану либерал буржуазия билан тил бириктиришаркан, кўзларини шира босгани учун жаҳонга ҳокимлик қилишдан уларни ана шу буржуазия маҳрум этаётганини кўрмас эканлар. Озодликка қишлоқ руҳонийлари — пастирлар олиб чиқадилар, ҳамма оёққа туради ва камбағаллар ёрдамида Исо алайҳиссалом салтанатини тиклайдилар. Аббат ўзини инжилпараст революционерлар раҳнамоси сифатида қавм бошида тургандек ҳис қиларди: қоқсуяк қоматини кўтарди, кўзлари шундай чақнадики, гўё коронғи хонани ёритиб юборгандек бўлди. У қизишиб, ваъзга берилиб кетганидан шундай пойинтар-сойинтар гапира бошладики, бечора тингловчилар анчадан бери унинг гапларига тушунмай қолишганди.

— Шунча гапнинг нима ҳожати бор,— тўсатдан тўнғиллади Маэ,— сиз аввал бизга нон олиб келганингизда яхши бўларди.

— Якшанба куни ибодатга боринглар!— хитоб қилди руҳоний,— ҳаммасини худо етказади!

Аббат чиқиб кетди, Левакларни ҳам йўлга солмоқ учун уларникига жўнади. У пировардида черковнинг тантана қилиши тўғрисидаги юксак фикр миясига қаттиқ ўрнашиб қолганидан воқеликка шунчалик нафрат билан қарардики, қавмларникига қуруқ кириб, ўзи гадо бўлса ҳам ҳеч нима тиламасди, бу балолардан қутулишнинг чораси изтироб чекишда, деб биларди.

Маэ нари-бери бориб келарди; унинг қадами ерга ётқизилган ғиштларга тегиб гурсилларди. Занглаган темирнинг ғижирлашига ўхшаш товуш эшитилди: Ўлмас бобо ўчиб қолган каминга туфлаганди. Кейин Маэ яна юра бошлади. Безгакдан азоб чекаётган, мудраётган Альзира пичирлаб алаҳсирашга тушди; у гўё ҳозир ёз фасли-ю, офтобда ўйнаётгандек қиқирлаб куларди.

— Пешонамиз шунақа шўр экан!— деди Маэ хоним қўлини қизалоқнинг ёноқларига қўйиб.— Энди ўтда ёняпти боёқиш... Энди анави ҳайвондан умидимни ҳам уздим. Қароқчилар, ўшалар докторни бизникига келишга қўйишмаган-да!

У доктор билан Правление ҳақида гапирарди. Шунга қарамай, эшик яна очилганини кўргач, қувониб, қичқириб юборди. Бироқ шу ондаёқ қўллари бўшашиб тушди; у қаддини ростлаб турарди, чеҳраси қайғули эди.

— Ассалом алайкум,— деди Этьен паст товушда, эшикни зич ёпаркан.

Этьен кўпинча уларникига қоронғи тушгандан кейин келарди. Маэлар эртасигаёқ унинг қаерга яширинганини билишганди-ю, лекин сир сақлашганди; йигитнинг нима бўлганини посёлкадагилардан бирортаси ҳам аниқ билмасди. Этьен ҳақида ҳар хил афсоналар тўқилди. Унга ҳамон ишонишарди, у ҳақда сирли миш-мишлар тарқалиб, яқинда бутун бир армия, олтин тўла сандиқлар билан келади, дейишарди. Бу зориқиб кутишаётган мўъжиза, орзу-умидларнинг рўёбга чиқиши, адолат салтанатининг тўсатдан ҳужуми деган гап эди, Этьен уларга ана шуни ваъда этганди. Бировлар Этьенни уч жаноб билан извошда Маршьенн йўлида кетаётганини кўрдик, дейишарди; бошқалар эса у икки кунга Англияга кетди, дейишарди. Лекин вақт ўтиши билан шубҳалар пайдо бўлди, ҳазилкашлар эса у ертўлада, Мукеттанинг иссиққина қўйнида ётипти, деб ишонтирардилар,— Этьеннинг у билан алоқаси ошкор бўлиб, бу ҳол кўмир қазувчилар назарида

www.ziyouz.com kutubxonasi

обрўсига путур етказганди. Унинг шуҳрати кенг ёйилганига қарамай, ишчиларнинг ихлоси ундан қайтган, мағлуб бўлишгач, аламлари ичларида қолганларнинг норозилиги зимдан ошиб бормоқда эди; уларнинг сони тобора ортиб борарди.

— Ҳавоям ўлгудай расво-да,— деб қўшиб қўйди у.— Сизларда ҳеч қандай янгилик йўқми, борган сари ёмонлашяптими?.. Менга айтишларича, Негрель ишчилар ёллаш учун Бельгияга жўнаганмиш. Жин урсин! Агар шу гап рост бўлса, тамом бўлдик!

Этьен бу совуқ, коронғи уйга кираркан, сесканиб кетди; унинг кўзлари бу бахтсизларни тузукроқ кўриш учун уларнинг борлигини тахмин қилиб, аранг ажратиб бўладиган қоронғиликка кўникиши лозим эди. У ўз синфидан ажралиб қолган ишчи сифатида, худбинлик ич-этини кемираётган, маълумотлилиги туфайли унча-мунча нозиклашиб қолган одам сифатида эти жимирлашиб кетди. Қашшоқликни қарангу ҳавосини қаранг! Одамлар ўликдек ухлашяпти! У ачиниб, бўғилиб кетди. Уларнинг шу алпозда ўлиб кетишлари уни шунчалик ҳанг-манг қилиб қўйдики, Этьен бўйсунишни маслаҳат бермоқчи бўлиб, муносиб гап қидира бошлади. Бироқ Маэ олдига келиб тўхтади-да, ғазаб билан қичқирди:

— Бельгияликлар эмиш! Улар бунақа қилишолмайди, муттаҳамлар! Қани, бельгияликларни ёллаб кўришсин-чи, нақ шахталарни бузиб ташлармиз!

Этьен ийманиб, ҳатто қўзғалиб ҳам бўлмайди, чунки шахталарни қўриқлаб турган солдатлар бельгиялик ишчиларни ҳимоя қилишади, деб тушунтира бошлади. Маэ муштларини тугди; ҳаммадан ҳам ана шу лаънати найзаларнинг тиккайиб туриши унинг жиғига кўпроқ тегарди. Демак, кўмир қазувчилар энди ўз юртларига хўжайин эмас эканлар-да? Улар худди маҳбусларга муомала қилишгандай муомала қилишиб, ишга милтиқ билан ҳайдашаркан-да! Маэ ўз шахтасини яхши кўрарди, икки ойдан буён унга тушмагани учун эзилиб кетаётганди. Шунинг учун у аллақандай келгиндиларни шахтага туширишиб, буларни хўрлашларини ўйлаганида жони ҳиқилдоғига келарди. Кейин у ҳисоб-китоб дафтарчасини қайтиб беришгани эсига тушиб, юраги баттар қисилди.

— Нега бунчалик жаҳлим чиқаётганини ўзим ҳам билмайман,— деди у ғўлдираб.— Ахир мен энди уларнинг корхонасида ишламайман-ку. Мени бу ердан ҳайдаб чиқаришса, катта йўл ўртасида тиришиб ўлишдан бошқа иложим қолмайди.

— Қўй-е!— деди Этьен.— Агар хоҳласанг, улар эртагаёқ сени ишга олишади. Яхши ишчиларни бўшатишмайди.

У тутилиб қолди-да, Альзиранинг алаҳсираб, оҳистагина кулишига қулоқ солди. У шу чоққача Ўлмас бобонинг қимирламай турган гавдасини пайқаганди холос, шунинг учун бетоб қизалоқнинг қувноқ товушидан чўчиб тушди. Болаларки ўлар ҳолга келибдими, демак, пичоқ бориб устихонига тақалипти-да. У кучини тўплаб, қалтироқ товуш билан деди:

— Менга қара, бундан буён шундай яшаб бўлмайди, қирилиб кетамиз... Таслим бўлиш керак.

Шу чоққача қимирламай, чурқ этмай турган Маэ хоним бирдан лов этиб кетди-ю, шундоқ Этьеннинг бетига қараб, сенсираб, эркакчасига сўкиниб деди:

— Нима деяпсан ўзинг?.. Шу гапларни сен айтяпсанми ҳали, жин ургур!

Этьен эътироз билдирмоқчи бўлди-ю, лекин Маэ хоним уни оғиз очгани қўймади.

— Бу гапингни қайтиб оғзингга олма, жин ургур! Ҳа, бахтингга, эркак эмасман-да, нақ шапалоқ қўйиб юборардим... Икки ойдан бери очдан ўлай деб келяпмиз, бор бисотимни сотдим, болаларим касал бўлди — шулар ҳаммаси яна адолатсизлик бошланиши учун бўлган экан-да, а? Шуларни ўйласам, аъзойи баданим муз-муз бўлиб кетади! Йўқ, йўқ! Энди ҳаммасига ўт қўяман, ҳаммасини йўқ қиламан, лекин таслим бўлмайман!

У дағдаға билан қўлини чўзиб, қоронғида Маэни кўрсатди.

— Ҳой, билиб қўй, борди-ю, эрим шахтага қайтадиган бўлса, уни йўлда кутиб тураману юзига тупуриб, аблаҳсан, дейман!

Этьен уни кўрмаса ҳам, унинг худди ваҳший ҳайвонникидек иссиқ нафасини сезди: шунинг учун Этьен ўзининг таъсирида аёлнинг шу кўйга тушганини сезди-ю, хонимнинг тутақиб кетганига ҳанг-манг бўлиб,

www.ziyouz.com kutubxonasi

беихтиёр тисарилди. Маэ хоним шу қадар ўзгариб кетгандики, Этьен уни танимай қолди; илгарилари бу хотин шундай андишали эдики, ҳатто Этьенга сизда раҳм деган нарса йўқ, деб таъна қиларди, ҳеч кимга ўлим тиламанг, дерди; ҳозир эса ҳеч нимани эшитишни истамасди, ҳаммани ва ҳамма нарсани кунпаякун қилишга тайёр эди. Энди сиёсат ҳақида Этьен эмас, балки шу хотин гапиряпти, бир ҳамла билан ҳамма буржуйларни йўқ қилмоқчи бўляпти, камбағаллар меҳнати ҳисобига битиб кетган ана шу бадавлат қароқчилардан ерни тозалаш учун Республика билан жоди талаб қиляпти.

— Ҳа, мен мана шу қўлларим билан уларнинг жонини олардим! Бизни эзганлари етар! Энди навбат бизники, бу гапни ўзинг айтгансан... Отам, бобом, бобокалонларим ҳам ҳозир биз кўраётган кулфатларга чидаб келишганини, ўғилларимиз, набираларимиз ҳам биздек азоб чекишларини ўйласам, ақлдан озиб, пичоққа ёпишаман... Биз ўшанда деярли ҳеч нима қилмадик. Биз Монсуни битта тошини ҳам қолдирмай, кулини кўкка совуришимиз керак эди. Биласанми, мен энди бир нарсага ачиняпман: ўша куни чолни пиоленалик қизни бўғиб ўлдиришга қўймабман-а... Ахир болаларимни очдан ўлишга мажбур қилаётган ўшалар-ку.

Унинг сўзлари қоронғида болтанинг зарбига ўхшаб эшитиларди. Уфқ бурканди-ю, қайтиб очилмади; қон кўпириб, ғовлаб кетган миядаги ушалмас орзу-умидлар энди заҳарга айланганди.

— Сиз гапимни яхши тушунмабсиз,— деди ниҳоят Этьен; энди у тақдирга тан бергандай эди.— Ширкат билан муросага келиш керакмиди; билишимча, шахталар қаттиқ шикастланган, шу боисдан, шубҳасиз, Ширкат ён беради.

— Йўқ, бир қадам ҳам чекиниш йўқ!— чинқириб деди хоним.

Шу пайт Ленора билан Анри келиб қолди; иккови ҳам қўлини бурнига тиқиб келганди. Тўғри, бир жаноб уларга икки су пул берганди; бироқ опаси кела келгунча укасини тепиб-уриб келгани учун пул қорга тушиб кетди; улар пулни Жанлен билан бирга қидиришди-ю, лекин топиша олишмади.

— Хўш, Жанлен қани?

— У қочиб кетди, ойи, ишларим бор, деди.

Этьен бу гапларга қулоқ соларкан, юраги қисилди. Бир куни она бечора уларга қараб, агар садақа сўраб қўл чўзадиган бўлсаларинг, ўлдираман, дея дўқ урганди. Энди бўлса, ўзи уларни кўчага юбораётганди; бу ҳам етмагандек, у ҳаммамиз, Монсудаги ўн минг кўмир қазувчининг ҳаммаси бўйнига тўрваю хуржун осиб, гадойлардек бу аянчли ўлкани кезиб чиқади, деди.

Қоронғи хонада юраклар баттар сиқила бошлади. Болалар очқаб қайтишди, улар бирон нарса егилари келарди-ю, лекин нега овқат беришмаётганига ҳайрон эдилар. Улар ҳиқиллашиб, хонада у ёқдан-бу ёққа юришди-юришди-да, охири ўлар ҳолатда ётган опаларининг оёғини босиб олишди, касал чинқириб юборди. Жони ҳалқумига келган она қоронғида қўлига илинган нарса билан уларни савалай кетди. Улар нон сўраб, баттарроқ бақириб увиллашгач, бечора она ерга ўтирди-да, уларга қўшиб бемор қизалоқни ҳам қучоқлаб, юм-юм йиғлади. Она узоқ йиғлаб, кўнгли бир оз бўшагандан кейин руҳан эзилиб, ўлим тиларкан, бир гапни йигирма мартача такрорлади:

— Э худоё худовандо, нега омонатингни олмайсан? Э худо, бизга раҳминг келсин, жонимизни олақол!

Бобо ёмғир ва шамолда ўсган йўғон қари дарахтдек қимир этмасди, Маэ эса бошини бурмай камин билан буфет орасида бориб-келарди.

Эшик очилди-да, бу сафар уйга доктор Вандерхаген кирди.

— Жин урсин,— деди у,— шам ёқсаларинг, кўр бўлиб қолмассизлар ахир... Тезроқ, шошиляпман.

Иши бошидан ошиб ётган доктор одатига кўра тўнғиларди. Уларнинг бахтига докторнинг гугурти бор экан. Доктор бемор қизни кўриб бўлгунча Маэ бирин-кетин олтита гугуртни ёндириб турди. Қизчанинг устини очишди, адёлсиз қизчанинг аъзойи бадани титрарди; қизча милтиллаб турган гугурт ёруғида қорда совқотган нимжон қушчага ўхшарди; боёқиш шу қадар озиб кетган эдики, букири дўппайиб манаман деб турарди. Бироқ қизалоқ кўзларини катта очиб, ўлим талвасасида жилмаярди, чиллакдек қўл-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лари билан ичига ботиб кетган кўксини таталарди. Она энтикиб, уй-рўзғор ишларимга кўмаклашадиган шу яккаю ягона қизгинам, шу ақлли, қобилгинам, наҳотки мендан олдин ўлиб кетса, шу адолатданми, дея сўраганида, доктор жаҳли чиқиб деди:

— Бас қилинг-е! Тамом бўляпти... Бахти қора қизинг очликдан ўлди. Тўғрисини айтганда, у ёлғиз эмас, шу ёнгинангда яна битта шунақасини кўрдим... Ҳаммаларинг мени чақирасанлар, мен бўлсам, ҳеч нима қила олмайман. Сизларни оёққа турғизиш учун гўшт керак.

Маэ қўлини куйдириб олиб, гугуртни тушириб юборди. Қоронғилик кичкинагина, ҳали совимаган мурдани чулғаб олди. Доктор шошиб чиқиб кетди. Қоронғи хонада онанинг ҳўнграшигина эшитиларди; у тўхтовсиз ўзига ўлим тиларди. Этьен тўхтовсиз қилинаётган шу аламли ноладан бошқа нарсани эшитмасди:

— Э худойим, э парвардигор, энди навбат меники, мени ҳам ол!.. Худойим эримни ол, ҳаммамизни ол, ўзингнинг раҳминг келсин, ҳаммамизни олақолсангчи!

III

Ўша якшанба куни кечқурун, соат саккизларда «Авантаж» қовоқхонаси залида ёлғиз Суварин қолди,— у ўзининг одатдаги жойида бошини деворга суяганча ўтирарди. Кўмир қазувчиларнинг биттасида ҳам бир кружка пиво олиш учун ақалли икки су ҳам пул йўқ эди, ҳеч қачон савдо бунчалик юришмай қолмаганди. Раснёр хоним пештахтанинг нарёғида қовоқ-тумшуғини осилтириб, қимирламай жимгина ўтирарди; Раснёр эса чўян камин қаршисида қаққайиб турганича биқсиб ёнаётган кўмирнинг қизғиш тутунини кузатарди.

Яхшигина иситилган хона сув қуйгандек жимжит эди; қўққисдан дераза ойнаси қисқа-қисқа уч марта тиқиллади. Суварин ўгирилиб қаради-да, ўрнидан турди — бу шартли белги эди: Этьен қуруқ стол ёнида папирос чекиб ўтирган Суваринни деразадан кўриб, бир неча бор шу хилда чақирганди. Лекин машинист

эшикка етиб келмасданоқ Раснёр уни ланг очди; у кўчада, деразадан тушаётган ёруғликда турган кишини таниди-ю, унга мурожаат қилиб деди:

— Мени сотиб қўяди, деб қўрқяпсанми? Кўчадан кўра бу ерда гаплашганларинг дуруст.

Этьен ичкари кирди. Раснёр хоним мулойимлик билан унга бир кружка пиво таклиф этди; лекин Этьен қўли билан уни нари суриб қўйди. Қовоқхоначи қўшиб қўйди:

— Сенинг қаерга бекиниб юрганингни аллақачон фаҳмлаганман. Агар дўстларинг айтганларидек, мен жосус бўлганимда, бир ҳафта бурунроқ жандармларга шипшитиб қўйган бўлардим.

— Ўзингни оқламасанг ҳам бўлади,— эътироз билдирди йигит.— Унақалардан эмаслигингни биламан... Фикр бир хил бўлмаса ҳам, бир-бирини ҳурмат қилиш мумкин-ку.

Яна орага сукунат чўкди. Суварин стулга ўтириб, деворга суянди-да, папирос тутунини кузата бошлади; лекин унинг бармоқлари қаттиқ қалтирарди, у шу кечқурун кўринмаётган Польшанинг иссиқ жунини излаётгандек, тиззаларини силади; у қандайдир ўнғайсизланаётганини шуурсизлик билан ҳис этар, нимадир етишмаётгандек бўларди-ю, нималигини ўзи ҳам билмас эди.

Столнинг нариги чеккасида ўтирган Этьен гап қотди:

— Эртага Ворёда ишлар бошланади. Негрель бельгияликларни олиб келипти.

— Ҳа, уларни қош қорайганда бу ёққа олиб келишганди, — деди Раснёр, — ишқилиб яна жанжал чиқмасин-да.

Кейин овозини баландлатиб, қўшиб қўйди:

— Йўқ, биласанми, мен асло баҳсимизни давом эттирмоқчи эмасман, лекин бундан буён ҳам қайсарлик қилаверсаларинг, оқибати ёмон бўлади. Биласанми, сизларнинг бу ишларинг худди сенинг Интернационал тузмоқчи бўлиб юрганингга ўхшайди. Уч кун бурун бир иш билан Лиллга борувдим, у ерда Плюшарни учратиб қолдим. Афтидан, унинг машинаси ботиб қолганга ўхшайди.

У баъзи бир тафсилотларни айтиб берди. Буржуа-

www.ziyouz.com kutubxonasi

зияни ҳамон ларзага соладиган жўшқин тарғиботлар билан бутун жаҳон ишчиларини ўз атрофига уюштириб олган Ўртоқлик жамоаси инқирозга юз тутибди; шуҳратпарастлик ва ичқоралик оқибатида юзага келган ички курашлар алангасида емирилаётган бу ташкилот кун сайин бузилиб бораркан. Аввалги эволюционерларни ҳайдаб юборган анархистлар ҳукмрон бўлиб олишгач, ҳаммаси қулаб тушибди. Дастлабки мақсад — ёлланма меҳнат системасини ўзгартириш — партиявий ихтилофлар ичида йўқ бўлиб кетибди; интизом душманлари билимдон раҳбарлар сафига раҳна солди. Мана энди бу оммавий ҳаракатнинг барҳам ейиши аниқ бўлиб қолди, ваҳоланки бу ҳаракат бир вақтлар ўз шиддати билан эски, чириган дунёни ағдариб ташлаш хавфини туғдирган эди.

— Бу ишлардан Плюшар ҳатто касал бўлиб қолибди,— давом этди Раснёр,— бундан ташқари, гарчи у йиғинларда нутқ сўзласа ҳам, овози хиппа бўғилиб қолган. У Парижга жўнамоқчи... У менга, забастовкамиз барбод бўлди, деб уч марта айтди.

Этьен кўзларини ерга тикиб, Раснёр дилидагини айтсин, деб унинг гапини бўлмади. Кеча Этьен ўртоқлари билан суҳбатлашганида, уларнинг ишонқирамай, адоватли муносабатда бўлганларини сезганди; бу ҳамманинг ихлоси қайтганини кўрсатувчи дастлабки нишоналар бўлиб, ҳалокатдан дарак берарди. Этьеннинг қовоғидан қор ёғарди; у оломон орзу-умидлари пучга чиққани учун ўч олишга тушган куни мазах қилиб, шармандангни чиқаради, дея каромат қилган одам олдида мағлубиятга учраганини тан олгиси келмасди.

— Албатта, забастовка барбод бўлди, буни Плюшардан ҳам яхши биламан,— жавоб берди Этьен.— Лекин бу олдиндан ҳам маълум эди. Биз забастовкани иродамизга зид бўлса ҳам қилдик, аммо шу йўл билан Ширкатни яксон этмоқчи эмасдик, асло... Ҳамма фожиа шундаки, одамларнинг бошлари айланиб, нимадандир умидвор бўла бошлайди, шундай бўлиши мумкинлигини унутадилар; шунда улар худди бу бахтсизликлар осмондан тушгандек нолиб, дод-фарёд қиладилар.

— Хўп, модомики ўйин бой берилганини билар

экансан,— сўради Раснёр,— нега унда ўртоқларингни тўғри йўлга солмайсан?

Йигит унинг юзига диққат билан разм солди.

— Биласанми, бу гапларни қўй!.. Сенинг ўз фикрларинг бор, менинг ҳам. Мана, ҳеч нимага қарамай олдингга кирдим, бу азбаройи сени ҳурмат қилганимдан. Лекин мен ҳали ҳам борди-ю, курашда ҳалок бўлсак, сенинг оқилона сиёсатингга қараганда бизнинг суякларимиз халқ ишига кўпроқ фойда келтиради, деган фикрдаман... Эҳ, қани энди бирор аблаҳ солдат шартта кўкрагимдан отса эди,— бундай ўлим мен учун нақадар шарафли бўларди!

Унинг кўзларига ёш келди. Ногаҳон унинг оғзидан чиққан бу гапдан мағлуб бўлиб, бирон хилват жой топишга, ўша ерда азоб-уқубатлардан қутулиб, абадий тинчгина ётишга уринган кишининг эзгу орзуси билиниб турарди.

— Яхши айтдингиз!— деди Раснёр хоним эрига бир қараб, унинг бу нигоҳида ҳақиқий радикалга хос бутун нафрати ифода этилганди.

Суварин кўзларини бўшлиққа тикканча, асабийлик билан пайпасланар, гўё ҳеч нимани эшитмас эди. Унинг бурни ингичка, майда тишлари ўткир бўлиб, қизларникига ўхшаган оппоқ юзи борган сари қаҳрли тус оларди: унинг аралаш-қуралаш бўлиб кетган ўйхаёлидан қонли манзаралар ўтди. У дилидагини очиқ айта бошлади; шунча суҳбатдан унинг миясига Раснёрнинг Интернационал ҳақидаги фикригина ўрнашиб қолганди, энди шунга жавоб берди.

— Уларнинг ҳаммаси қўрқоқ, биттагина одам уларнинг машинасидан даҳшатли вайронгарчилик қуроли ясай оларди. Бироқ бунинг учун ирода керак, лекин ирода ҳеч кимда йўқ, шунинг учун ҳам революция яна бир марта мағлубиятга учрамоқда.

У нафратли овозда кишиларнинг аҳмоқликларидан нолийверди. Иккала суҳбатдош адашиб-улоқиб, йўлини топмай юрган кишининг алаҳсираб алжирашига хижолат тортиб қулоқ солишарди. Россияда ҳеч нарса қовушмасди; у олаётган маълумотлар таъбини хира қиларди. Унинг Европани ларзага солган аввалги ўртоқлари — бу поповичлар, разночинецлар, савдогар-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лар — сиёсатдонлар, машҳур нигилистларга айланиб, ўз халқларини озод қилишдан нарига ўтмадилар. Улар битта золимни ўлдирсак, бутун жаҳон озод бўлади, деб билдилар. Лекин уларга худди пишиб етилган ғаллани ўргандек, эски инсониятни қириб ташлаш кераклиги ҳақида гап очсанг, болалар каби «республика» сўзини тилга олсанг, улар дарров хафа бўлишиб, бизни тушунишмади, биздан шубҳаланишяпти, бизни ўз синфидан ажралиб қолган дейишиб, революцион космополитизмнинг омадсиз бошлиқлари сирасига киритишяпти, деб юришади. Шунга қарамай, унинг қалби, ватанпарварнинг қалби каби гупиллаб тепарди, шу боисдан у аччиқ алам билан севимли сўзини такрорлади:

— Сафсата!.. Буларнинг ҳаммаси қуруқ сафсата, улар ҳеч нима қила олишмайди!

Кейин Суварин овозини пастлатиб, алам билан ўзининг эски орзуси — умумий биродарлик ҳақида гапира бошлади. У мартаба ва бойликдан воз кечди, коллектив меҳнатига асосланган янги дунёни кўрай, деган ягона ният билан ишчилар сафига кирди. Суварин ўзининг майда-чуйда нарсаларини аллақачон посёлка болаларига улашиб берганди; у кўмир қазувчиларга биродарона меҳр билан қарарди, улар гапига ишонишмаганда кулиб қўярди; унинг содда, сипо ишчига хос хотиржам кўриниши, камсуқумлиги ҳаммани ўзига ром қила бошлади. Лекин ҳеч ким унга яқинлашмасди. Ҳар қандай алоқадан нафратланадиган, иродали, на шуҳратпарастликни, на роҳат-фароғатни биладиган Суварин ҳар қалай уларга мутлақо бегона эди. Айниқса, эрталабки газеталарда ўқиган мақола жон-понини чиқариб юборди.

Унинг овози ўзгарди, кўзлари чақнади, у Этьенга тикилди-да, унга тўғри мурожаат этди:

— Сен эшитдингми-йўқми? Марсель шапкадўзлари лотереядан бош совринни ютишипти, юз минг франк; улар дарҳол рента сотиб олишипти-ю, бугундан бошлаб ҳеч қандай иш қилмай яшаймиз, дея эълон қилишипти! Ҳа, сизларнинг, ҳамма француз ишчиларининг орзуларингиз шу — бирон ердан хазина топиб олиб, бирор хилват жойда учига чиққан худбинлардай ишламасдан еб ётишни ўйлайсизлар. Сизлар бойларга қарши беҳуда исён кўтарасизлар, худо ато этган пулларни камбағалларга беришга ўзларингнинг юракларинг дов бермайди-ку... То мол-мулкка ёпишишларингни қўймасанглар, то ўзларинг буржуа бўлиб олиш учунгина буржуазиядан нафратланиб юришларингни ташламагунларингча бахт нима эканлигини билмайсизлар.

Раснёр хахолаб кулди: марселлик икки киши катта ютуқдан воз кечса бўларди, деган фикр унга бемаънилик бўлиб туюлди. Лекин Суварин мурдадек оқариб кетди: башараси қийшайиб, даҳшатли қиёфага кирди. Бу ўз жоҳиллиги билан халқларни қириб юборадиган оташин ғазаб эди. У қичқириб деди:

— Ҳаммангиз супуриб ташланасиз, ағдариласиз, ахлатхонага улоқтириласиз. Шундай бир кун келадики, сиз қўрқоқлар ва саёқлар зотини қириб ташлайдиган азамат чиқиб қолади. Эшитиб қўйинглар! Мана менинг қўлларим; агар кучим етганда, ерни олардиму уни эзғилаб, кукунга айлантирардим, устларингга тортиб, умрбод кўмиб ташлардим!

— Яхши айтдингиз!— қайтарди бояги гапини Раснёр хоним одатдагидек мулойимлик ва ишонч билан.

Яна жимлик чўкди. Этьен яна Боринаждан келган ишчилар ҳақида гап очди, Сувариндан Ворёда қандай қарор қабул қилингани ҳақида сўради. Бироқ машинист одатдагидек хаёлга чўмиб, зўрға жавоб берарди. У конларни қўриқлаётган солдатларга ҳақиқий ўқлар беришга қарор қилинганини биларди холос. У тоқатсизлик билан тиззаларини уқаларкан, қўққисдан унга нима етишмаётганини билиб қолди,— бу жунлари ипакдек мулойим ўргатилган қуён экан.

— Польша қани?— сўради у.

Қовоқхоначи кулиб, хотинига қаради. У бир оз ийманиб, жавоб берди:

— Польшами? Печкада.

Жанлен шумлиги туфайли жароҳатланган қуён энди ўлик бола туғадиган бўлиб қолганди. Ортиқча дахмазадан қутулиш учун ўша куниёқ уни сўйиб, картошка билан қовуриб ейишга қарор қилишганди.

— Ҳа, айтганча, шу бугун кечқурун унинг оёғини единг-ку... Эсингда йўқми? Роса маза қилдим, дединг-ку!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Суварин аввалига ҳеч нима тушунмади. Кейин ранги қув ўчиб кетиб, жирканганидан ияги титради, зўр бериб ўзини босишига қарамай, кўзларида иккита йирик томчи кўринди.

Бироқ унинг ҳаяжонланганини ҳеч ким сезмади: эшик қаттиқ очилиб, олдидаги Катринани итариб-туртаётган Шаваль кўринди. Монсунинг ҳамма қовоқхонасига кирган, пиво ичаверганидан маст бўлиб, ўз жасоратлари билан мақтанган Шаваль илгариги дўстларимга ҳеч нимадан қўрқмаслигимни бир кўрсатиб қўяй, деб «Авантаж»га ҳам кирган эди. У залга кираркан, маъшуқасига деди:

— Жин ургур! Сен ҳам бир кружка пиво ичсанг-чи. Хотиринг жам бўлсин, менга ола қараганнинг кекирдагини узиб ташлайман!

Катрина Этьенни кўрди-ю, хижолат бўлиб, ранги оқариб кетди. Шавалнинг кўзи Этьенга тушгач, заҳархандалик билан кулиб деди:

— Қани, Раснёр хоним, икки кружка қуйинг-чи! Ишлар бошланишини ювайлик.

Раснёр хоним индамай пиво қуйди; у пиво деган кишининг раъйини қайтармасди. Сукунат чўкди; қовоқхоначи ҳам, бошқалар ҳам жойларидан жилишмади.

— Баъзи бировлар мени жосус деганини эшитиб қолдим,— деди Шаваль ўчакишиб.— Мен ўшалар шу гапни ўзимга айтишса дегандим, бир гаплашиб олардик.

Ҳеч ким жавоб бермади; эркаклар ўгирилиб, деворга қарашди.

— Бировлар ялла қилиб юришади, бошқалар эса ялла қилиб юришни исташмайди,— давом этди у янада шанғиллаб.— Мен ниманиям яширардим: Денеленнинг ифлос кавагини тарк этдим, эртагаёқ ўн икки бельгиялик билан бирга Ворёга жўнайман, уларни бошлаб боришни менга топширишди, чунки бошлиқлар мени ҳурмат қилишади-да. Мабодо бу иш бировга ёқмаса, очиқ айтсин, гаплашиб оламиз.

У чиранишларига яна ҳеч ким чурқ этмай нафратланиб турганини кўргач, заҳрини Катринага сочди.

— Ичсанг ичақолмайсанми энди, жин ургур!.. Ишлашдан бош тортаётган мишиқиларнинг ўлиши учун уриштирамиз.

Катрина уриштираркан, қўллари қалтираётгани учун стаканларнинг жаранги эшитилиб турарди. Шаваль чўнтагидан бир қисим кумуш танга олиб, мастларга хос кибр ва мақтаниш билан стол устига, рўбарўсига териб қўйди-да, бу ўн суни қора терга ботиб топганини, уларни ишёқмасларга кўрсатишдан қўрқмаслигини писанда қилди. Ўртоқларининг муносабати баттар жонини чиқарди, шу боисдан у аламига чидолмай, уларни ҳақоратлашга ўтди.

— Ҳм! Демак, кўрсичқонлар кечаси чиқадиган бўлипти-да? Ҳа, қароқчиларки кўчада пайдо бўптими, демак, жандармлар уйқуга тушибди-да, а?

Этьен ўрнидан турди, у вазмин бўлса ҳам важоҳатли эди.

— Ҳей, менга қара, жудаям жонимга тегдинг-ку... Ҳа, сен жосуссан, пулларингдан хиёнат ҳиди келади, шу боисдан сен ўлаксага қўл тегизишга ҳам жирканаман. Лекин на чора, сен айтганча бўлақолсин! Сен билан куч синашишга тайёрман. Бу дунёда иккимиздан биттамиз қолишимиз керак, мен анчадан бери шу фикрга келганман.

Шаваль муштини тугди

— Аҳа! Сен пасткашнинг жиғингга тегиб, жонингни чиқараман, деб ўлиб бўлдим-ку... Сен ўзингсан, майли, мени расвойи жаҳон қилишди, ана шу аблаҳликлар учун мана энди ўзинг жавоб берасан!

Катрина ялиниб қўлларини кўтарди-да, уларнинг орасига ташланди; бироқ улар қизни итариб юбормади, уларнинг муштлашиши аниқлигини Катринанинг ўзи тушуниб, секин ўзини бир четга олди. У деворга суялганча қўрқувдан тахта бўлди-ю, ҳатто титрамай ҳам қўйди, фақат ўзи туфайли муштлашмоқчи бўлган иккала йигитга бақрайиб қараб турди.

Раснёр хоним синдириб қўйишларидан қўрқиб, пештахта устидаги кружкаларни хотиржам йиғиштириб олди. Сўнг у скамейкага ўтирди-да, бепарволик билан кузатди. Шундай бўлса ҳам эски ўртоқларнинг ёқалашишларига йўл қўймаслик керак эди; Раснёр аралашмоқчи бўлди; Суварин унинг елкасидан ушлади-да, стол ёнига олиб бориб деди:

— Буни сенга алоқаси йўқ... Уларнинг биттаси ортиқча, қайси бири кучли бўлса, ўшаниси тирик қолади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шаваль рақибининг ҳужум қилишини кутиб ўтирмай, муштини ишга солди. У новча бўлса ҳам, аммо уқувсиз эди. У гўё икки қилич билан чопаётгандек, Этьеннинг башарасини нишонга олиб, гоҳ у, гоҳ бу қўли билан туширарди. Айни пайтда Шаваль худди томошабинлар олдида ўзини кўрсатмоқчи бўлгандек, тинмай жаврар, сўкинар ва шу йўл билан ўзини тезлар эди.

— Ҳа, лаънати шўртумшуқ, шошмай тур ҳали, бурнингни пачақлаб қўяман! Анчадан бери бурнингни ерга ишқалаб қўймоқчи бўлиб юрувдим ўзим ҳам... Қани, тумшуғингни тут-чи — мен ундан чўчқаларга ем қиламан; иннайкейин кўрамиз, бузуқ хотинларимиз яна кетингдан юришадими-йўқми?

Этьен ўзини йиғиштириб, тишларини қисди-да, иккала қўли билан кўкраги ва юзини тўсиб, индамай уришиш санъати қоидаларига мувофиқ олишаверди; кейин қулай пайт пойлаб, шартта қўлини чўзарди-да, солиб қоларди.

Аввалига улар бир-бирларига жиддий шикаст етказишмади. Бирининг шанғиллаб, қизишиб кетиши, иккинчисининг эса совуққонлиги, вазминлиги туфайли кураш чўзилиб кетди. Стул ағдарилди. Ерга ётқизилган ғишт устига сепилган оқ қум қўпол бошмоқлар тагида ғижирларди. Ниҳоят улар ҳарсиллаб қолишди; оғир-оғир нафас олишларигина эшитиларди; қип-қизариб кетган юзлари ичларида ўт ёнаётгандек ловилларди; алангаси эса қисиқ кўзларида чақнаётганга ўхшарди.

— Бўпти,— бўкирди Шаваль.— Энди эҳтиёт бўл! Ҳақиқатан ҳам у ганимининг елкасига худди қамчин билан ургандек қулочкашлаб мушт туширди. Этьен оғриқдан бақириб юборай деди-ю, ўзини тутди; мускулларга тушаётган зарбанинг бўғиқ гурс-гурсигина эшитиларди. Этьен унинг кўкрагини мўлжаллаб бир туширди, агар Шаваль эчкидек сакраб, чап бермаганида ағдарилиб тушиши турган гап эди. Шунга қарамай, мушт Шавалнинг чап биқинига шу қадар қаттиқ тегдики, у нафас ололмай, гандираклаб кетди. Оғриқдан қўллари мадорсизланди; бундан баттар жаҳли чиқди-ю, Этьенга ваҳший ҳайвондек ташланди, пошнаси билан унинг қорнига тепмоқчи бўлди.

— Шошмай тур,— ғўлдиради у энтикиб,— ичакларингни бошингга салла қилиб қўяман!

Этьен унинг зарбасини қайтарди, лекин ҳалол жанг қоидаси бузилганидан шунчалик дарғазаб бўлдики, ниҳоят гап қотди:

— Ўчир овозингни, ҳайвон! Оёғингни ишга солакўрма, жин ургур! Йўқса стулни оламану бошингга тушираман!

Муштлашув кучайди. Ғазабланган Раснёр яна аралашмоқчи бўлувди, лекин хотини ўқрайганини кўриб, шаштидан қайтди: нима, икки мижоз қовоқхонамизда бир-биридан аламини олишга ҳақлари йўқми? Шундан кейин Раснёр улардан бири оловга йиқилиб тушмасин, деб камин олдига келиб тураверди. Одатдагидек хотиржам ўтирган Суварин папирос ўради-ю, аммо чекишни унутиб қўйди. Катрина деворга суялиб, қимир этмай турарди; у қўлларини беихтиёр кўтариб-туширар, бир маромда титраб, кўйлагини йиртар эди. У зўр бериб, қичқириб юбормасликка ҳаракат қиларди; у улардан бирининг, ортиқ кўрилиб, оти тилга олинган кишининг ўлишидан қўрқарди, шу боисдан шунчалик гангиб қолдики, қай бири қадрлироқ эканини ўзи ҳам билмасди.

Кўп ўтмай Шаваль чарчаб қолди, қора терга ботиб, таваккалига ура бошлади. Этьен бўлса жаҳли чиқиб кетганига қарамасдан, ҳамма зарбаларни қайтариб, ҳимояланди; лекин баъзи зарбалар анча сезиларли эди. Қулоғи юлинганди, кўкариб кетган бўйнида тирноқ излари кўринарди, териси шилинганди; буларнинг ҳаммаси шунчалик ачишиб оғрирдики, Этьен ҳам ўз навбатида сўкиниб, дуч келган жойга қаттиқ-қаттиқ тушира бошлади. Шаваль яна чап бериб, кўкрагига мушт тушишидан ўзини сақлади. Лекин у эгашган эди, шу заҳоти бир мушт юзига тегди-да, бурнини пачақлаб, бир кўзини чиқарди. Шу ондаёқ бурнидан қон тирқираб чиқди, кўзи шишиб, кўкариб кетди. Қон оқишидан кўролмай қолган, зарбдан ҳушини йўқотаёзган аблаҳ қўлларини ҳавода тартибсиз силкитарди; шу чоғ нақ кўкрагига тушган мушт уни ағдариб юборди. Суяклари қирсиллаб кетди, Шаваль аравадан тушиб кетган бир қоп гипсдек гурс этиб, ерга юзтубан йиқилди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Этьен уришдан тўхтаб, кутиб турди.

— Қани тур! Яна хоҳласанг, жангни давом эттирамиз.

Гангиб қолган Шаваль бир неча лаҳзагача жавоб бермади; у қимирлаб, керишди, бир азобда туриб чўккалади-да, шу алпозда, бирпас улкан тошдек ўтирди; у билдирмасдан тимирскилаб, шими чўнтагидан нимanидир излади. У оёққа тургач, яна олға ташланди; жон ҳолатдаги чинқириш уни бўғзидан олгандек бўлди. Лекин Катрина унинг қўлидаги нарсани кўриб қолиб, беихтиёр даҳшатли қичқириб юборганди, бундай қилганига ўзи ҳам ҳайрон эди,— бу билан Катрина икковидан қай бирини афзал кўришини очиқ-ойдин тан олгандек эди:

— Эҳтиёт бўл! Қўлида пичоқ бор!

Этьен биринчи зарбни қўли билан қайтаришга улгурди. Шамшод дастага мис ҳалқалар билан маҳкамланган пичоқнинг кенг тиғи Этьеннинг мовут курткасини тилиб юборди. У Шавалнинг қўлини ушлаб олгач, иккови жон-жаҳди билан олишиб кетди. Этьен борди-ю, Шавалнинг қўлини қўйиб юборса, ўлиши аниқ эканлигини биларди, Шаваль бўлса, қўлини бўшатиб, пичоқ уришга ҳаракат қиларди. Қурол секин-аста пастлаб борарди, мухолифлар кучанаверганларидан чарчагандилар. Этьен баданига совуқ пўлат икки марта текканини сезди; ниҳоят у бор кучини тўплаб, Шавалнинг қўлини шундай қаттиқ сиқдики, унинг бармоқлари ёзилиб, пичоқ тушиб кетди. Иккови ерда юмалашиб кетишди; Этьен бир амаллаб пичоқни олди, энди у пичоқни ўқтала бошлади. Этьен Шавални тиззаси билан босиб олиб, унга бўғизлаб ташлайман, дея таҳдид қиларди.

— Аҳ, лаънати сотқин, энди жонингни оламан!

Аллақандай жирканч ички овоз гангитиб қўйганди, чеккалари болға билан ураётгандек лўқилларди, бирдан унинг одам ўлдиргиси, қон тўккиси келиб қолди. Лекин у маст эмасди. У ана шу ирсий иллат билан олишарди; иштиёқи шу қадар жўш урган эдики, бир фалокатни бошлашига оз қолди. Этьен ўзини босиб, пичоқни отиб юборди-да, овози хириллаб, деди:

— Тур ўрнингдан, йўқол!

Бу сафар Раснёр улар томон отилди-ю, лекин бит-

таси беҳосдан пичоқ уриб юбормасин, деб унча яқин келмади. Раснёр уйида қотиллик рўй беришига йўл қўймади; унинг шунчалик жаҳли чиқиб кетдики, хотини пештахта олдида туриб, нега элдан бурун қичқирасан, дея дакки берди. Оёғига пичоқ тегиб кетай деган Суварин, ниҳоят папиросни ёндиришга жазм қилди.

Демак, ҳаммаси тугадими, а? Катрина ҳанг-манг бўлиб, эркакларга қараб турарди; ҳайрият, икковиям омон қолди.

— Йўқол,— такрорлади Этьен,— йўқол, ўлдириб қўяқоламан!

Жағи қонга беланиб, кўзи чиққан Шаваль ўрнидан турди, бурнидан оқаётган қонни қўли билан артди-да, иши ўнгидан келмаганига жони чиқиб, оёғини судраганича нари кетди. Катрина беихтиёр унга эргашди. Шунда Шаваль қаддини ростлаб, аламини бўралаб сўкишдан олди.

— Э йўқ! Йўқ-йўқ! Модомики ўшани хоҳласанг, ўша билан яшайвер, ифлос! Агар жонинг керак бўлса, меникига қадам қўйма.

У зарда билан эшикни қарсиллатиб ёпди. Энди фақат каминдаги кўмирнинг енгил чирсиллаши эшитилаётган иссиқ хонага чуқур жимлик чўкди. Ерда ағанаб ётган стул билан ҳалқоб бўлиб қолган қон кўрипарди; ғишт устига сепилган қум қонни томчиматомчи шимарди.

IV

Этьен билан Катрина Раснёрларникидан чиқиб, ёнма-ён боришарди: улар анчагача жим кетишди. Эрувгарчилик, совуқ, изиллатувчи эрувгарчилик бошланганди; қор қорайганди, лекин эримаганди. Кучли шамол қутуриб ҳайдаб юрган қора булут парчалари орқасига яширинган тўлин ой хира осмонда зўрға кўриниб қоларди. Ерда эса ҳамма нарса сукутда эди, фақат томдан тушаётган томчиларнинг бир маромда чиқиллаши-ю, эриган қор думалоқларининг шўлп этиб тушишигина эшитиларди.

Ўзини бағишлаган хотин билан ёнма-ён бораётган Этьен уялиб, ҳеч нима дея олмасди; у ғалати аҳволга тушиб қолганди. Унинг хаёлига Катринани олсаму, Ре-

www.ziyouz.com kutubxonasi

кийярга яширинсаммикин, деган фикр келди-ю, лекин бу иши ўзига бемаъниликдай туюлди. У қизни посёлкага, ота-онаси олдига олиб бормоқчи бўлувди, Катрина капалаги учиб, бу таклифни рад этди: йўқ, йўқ, нима бўлса бўлсину, лекин уларни шарманда қилиб, ташлаб кетганидан кейин яна бориб, дардисар бўлмайди! Шундан сўнг икковиям жим кетди; пилч-пилч лойга айланган йўлдан бошлари оққан томонга кетаверишди. Аввалига Ворёга қараб кетган пастликка тушишди, кейин ўнгга бурилиб, канал бўйлаб юришди.

— Ҳар қалай бирор жойда тунашинг керак-ку,— деди ниҳоят Этьен.— Хонам бўлганида, сени жон деб бирга олиб кетган бўлардим...

Лекин аллақандай ғалати бир тортинчоқлик дилидагини айтишига монелик қилди. У ўтмишни эслади, эҳтирос билан бир-бирларига интилишганини, уят ва андишагина қовушишларига тўсқинлик қилганини эслади. Наҳотки у ҳамон Этьеннинг қалбини жизиллатаётган бўлса? Нима учун юраги така-пука бўлиб боряпти, у билан бирга бўлиш истаги қалбида яна жўш ураётгани учун эмасмикан? Гастон-Марида Катринадан еган тарсакиси эсига тушди-ю, жаҳлини чиқариш ўрнига ҳирсини қўзитиб юборди. Нима бўлаётганини Этьеннинг ўзи ҳам билмасди; уни Рекийярга бирга олиб кетиш тамомила табиий ва осонгина амалга оширса бўладигандек туюлди унга.

— Менга қара, бирор қарорга келишимиз керак-ку, ахир. Сени қаёққа олиб бориб қўйсам экан?.. Наҳотки мен шунчалик ёмонки, мен билан кетишни истамасанг?

Катрина ундан кейинда қолмасликка тиришиб, секин юрарди, чунки оёғидаги ёғоч бошмоғи қўпол бўлиб, йўлнинг чўнқир жойлари келганда тойиб кетаверарди; у бошини кўтармай деди:

— Вой худойим-ей, ўз ғамим ўзимга етадиям-ортадиям, баттар қийнаб нима қиласан мени. Сен айтган гапнинг энди бизга нима кераги бор? Ахир мени хушторим бор, қолаверса, ўзинг ҳам бошқа хотин билан ўйнашиб юрибсан-ку.

Катрина Мукетта ҳақида гапираётган эди. Катрина Этьен ҳамон Мукетта билан алоқа қилади, деб ўйларди, бу ҳақда уч ҳафтадан бери миш-миш гап юрарди.

Этьен қасам ичиб, бу гапларнинг ёлғонлигига уни ишонтирмоқчи бўлди, лекин Катрина бошини чайқаб қўя қолди: ҳув ўша оқшом, икковларингни учратиб, ўпишиб турганларингни кўрганим-чи?

— Э, шуям иш бўпти-ю, гапиришгаям арзимайди!— Этьен тўхтаб овозини пастлатиб, эътироз билдирди.— Икковимиз жуда тил топишиб кетардик-да!

Катрина хиёл титраб, жавоб берди:

— Афсусланмасанг ҳам бўлади, мени хотин қилиб барака топмайсан. Адою тамом бўлганимни билсанг эди! Баданим икки сулик мойдан ҳам баттар, бунинг устига қоматим ҳам қинғир-қийшиқ, эҳтимол, ҳеч қачон рисоладаги хотин бўлолмасам керак.

Шундан кейин Катрина шу вақтгача ҳам балоғатга етмагани учун ўзини айблаб, очиқ-ойдин гапираверди. Эркак билан бирга турганига қарамай, бу ҳол уни камситиб, қиз болалар қаторига киритиб қўярди. Жилла қурса битта бола туққанида ҳам майли эди, юзи ёруғ бўларди.

— Ҳа, шўрликкинам-а!— дея пичирлади қаттиқ ачинган Этьен. Улар уюлган бир талай кўмир олдига келиб, унинг соясида туришарди. Ой қора булутлар орқасига бекингач, улар ҳатто бир-бирининг юзини ажратолмай қолишди; нафаслари қўшилиб, шунча ойлардан бери қийналиб, қўмсаб қолган лаблари бўса олиш учун бир-бирини қидирди. Лекин бирдан ой мўралади-ю, улар юқорида сутдек ёришган уюм тепасида Ворёни кузатиш учун қўйилган соқчининг қақ-қайиб турганини кўриб қолишди. Шу боисдан улар ўпиша олишмади: уларга уятчанлик, қаҳру ғазаб, иложи йўқлигини сал-пал англаш, қалин дўстлик туйғулари аралаш-қуралаш бўлиб кетган эски уятчанлик халақит берди. Улар тўпиқларигача лойга ботиб, бир азобда нари кетишди.

— Хўш, демак, бормайдиган бўлдингми?— сўради Этьен.

— Йўқ,— жавоб берди Катрина.— Аввал Шаваль, кейин сен, кейин сендан сўнг яна биттаси биланми?.. Керак эмас, ёмон кўраман, буни ҳеч ҳузур-ҳаловати йўқ, бу ишни нима кераги бор?

Улар жим бўлишди, бир оғиз ҳам гапирмай юз қадамча юришди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Лоақал қаерга боришингни ўзинг биласанми ё билмайсанми?— сўради Этьен.— Шундай қоронғида бир ўзингни йўлда қолдириб кетолмайман-ку.

Катрина бамайлихотир жавоб берди:

— Уйга бораман. Шаваль бари бир менга эрдек одам, уникидан бошқа қаёққа ҳам борардим.

— Ахир у сени уриб ўлдириб қўяди-ку!

Яна сукунат чўкди. Катрина тақдирга тан бергандек елкасини қисди. Ҳа, албатта, аввалига роса дўппислайди, чарчагандан кейин ўз ҳолига қўяди, фоҳишалардек кўчаларда санқиб юргандан кўра шу ҳам яхши-да, ҳар қалай. Сирасини айтганда, у калтакка ўрганиб қолганди; Катрина ўнта қиздан саккизтасининг қисмати бундан ҳам баттар-ку, дея ўзини-ўзи овутарди, жазмани бир кун эмас, бир кун унга уйланса, унга қилган муруввати шу-да.

Этьен билан Катрина беихтиёр Монсуга олиб борадиган йўлдан кетаверишди; улар мўлжалга яқинлашганлари сари кам гапиришарди. Улар гўё бир-биридан ажраб кетгандек эди. Катринанинг яна Шавалникига кетаётганига юраги туздай ачишаётган Этьен қандай қилиб уни бу йўлдан қайтаришини билмас эди. Юраги торс ёрилай дерди: аммо унинг эвазига нимани ҳам таклиф қила оларди? Ўзи оч-наҳор, доимо яшириниб юрган бўлса, бунинг устига битта-яримта солдат қоронғи кечада пақиллатиб бошидан отиб қўйса, нима бўлади? Ҳақиқатан ҳам, балки оғир қисматига тан бериб, бечора қизни янги-янги изтиробларга дучор қилмагани маъқулдир? Шундан кейин Этьен бошини қуйи солиб, қизни жазманиникига бошлаб кетди, қиз тош устида «Пикетт» қаҳвахонасидан йигирма метрча беридаги омборлар муюлиши ёнида тўхтаб:

— Буёғига борма. Мабодо у сени кўриб қолгудек бўлса, менга ёмон бўлади,— деганида ҳам бирон нима деб эътироз билдирмади.

Қўнғироқхонадаги соат ўн бирга занг урди; қаҳвахона ёпиқ эди, лекин дераза қопқоқлари тирқишидан ёруғлик тушиб турарди.

Хайр,— пичирлаб деди Этьен.

Катрина унга қўл узатди; Этьен уни қўйвормай турди, қиз ундан ажраб кетиш учун сал тортиб, қўлини бўшатиб олди. У орқасига қарамасдан эшик ёнига келиб, зулфинни сурди-да, ичкари кирди. Бироқ Этьен кетмади; у ўша жойида уйдан кўз узмай тураверди ва ташвишланиб, ичкарида нималар содир бўлишини кўз олдига келтирди. У диққат билан қулоқ солди ва мана ҳозир калтакланаётган хотиннинг қичқириғи эшитилиб қолади, деган фикр хаёлига келиши билан аъзойи бадани титраб кетди. Лекин уй жимжит, қоронғи эди; у иккинчи қаватдаги бир дераза ёришганини кўрди; кейин шу дераза очилди-да, кимдир бошини чиқариб, кўчага қарай бошлади. Этьен қизнинг нозик вужудини таниди-да, яқинлашди.

Катрина секингина шивирлади:

— У ҳали қайтиб келмапти, мен ётяпман... Ўтиниб сўрайман сендан, кет!

Этьен кетди. Эрувгарчилик тобора кучайиб борарди, томлардан жала қуйгандек сув оқарди, деворлар ивиб кетди, фабрика биноларининг хира тарҳи қоронғиликда кўринмасди. Аввалига Этьен Рекийярга жўнади. У чарчоқ ва ҳаяжондан ўзини шол-шол ҳис этарди; ҳозир ер остига тушиб, ўзини ўлдиришдан бошқа нарсани истамасди. Бироқ кейин у Ворёни эслади, эртага шахтага тушишлари керак бўлган бельгияликларни, посёлкадаги солдатлар қўйилганидан ғазабланиб, ажнабийларни ўз шахталарига қўймасликка қатъий жазм этган ўртоқларини ўйлади. У дамбадам эриган қор кўлмакларига тушиб, канал бўйлаб кетди.

Этьен кўмир уюми олдига келганида ой кўриниб, ёп-ёруғ бўлиб кетди. Этьен бошини кўтариб, осмонга қаради. Юқорида, осмонда қутуриб эсаётган шамол ҳайдаётган булутлар тез сузарди; улар оқ тусга кирди, юпқалашди, парчаланиб, ой юзидан билинар-билинмас ҳовурдек сузиб ўтарди; улар шу қадар тез сузишардики, ой ҳар лаҳзада бекиниб, яна чарақлаб кўринарди.

Этьен сутдек ойдинга мириқиб боқди-да, бошини туширди; лекин шу ондаёқ уюм устида содир бўлаётган бир ҳодиса эътиборини тортди. Совуқдан музлаган соқчи у ёқдан-бу ёққа бориб-келарди — Маршьенн томонга йигирма беш қадам борар, кейин Монсу томонга қайтарди. Ойдинда солдатнинг қора гавдаси аниқ кўринарди; елкасидаги милтиқ найзаси ой ну-

www.ziyouz.com kutubxonasi

рида ялтирарди. Лекин Этьеннинг эътиборини тортган нарса бу эмасди: тунлар тўс-тўполон бўлганда Ўлмас бобо яшириниб юрган кулба орқасида худди ўлжаси томон эмаклаб бораётган ваҳший ҳайвондек аллакимнинг қораси кўрингандек бўлди. Этьен шу заҳотиёқ Жанленни таниб қолди; унинг узун, чайир гавдаси сувсарга ўхшарди. Соқчи уни кўра олмасди; калла-кесар боланинг нияти бузуқлиги аниқ эди: у солдатларни ўлгудек ёмон кўрар, уззукун одамларни отиш учун қуроли билан олиб келинган бу қотиллардан кўмир қазувчилар қачон қутуларкин, дея сўрар эди.

Этьен бирор ножўя иш қилиб қўймасин, деб болани чақирмоқчи ҳам бўлди-ю, лекин иккиланди. Ой яширинди; Этьен Жанленнинг худди сакрамоқчи бўлгандек чўнқайганини кўрди; бироқ ой яна кўринди, бола эса ҳамон чўнқайиб ўтирарди. Соқчи ҳар сафар кулбага жуда яқин келар, кейин бурилиб, яна орқасига юрарди. Яна булут ой юзини тўсди, ерни қоронғилик босди; шу он Жанлен қўққисдан худди ёввойи мушукдек солдатнинг елкасига сапчиди-ю, тирноқлари билан маҳкам ёпишиб, бўғзига пичоқ санчди. Жунли ёқа дарров кесилмади, шу боисдан бола иккала қўли билан пичоқ дастасидан босиб, бутун оғирлигини солдат устига ташлади. У фермалардан олиб кетган жўжаларни бир неча марта сўйганди. Бу иш шу қадар тез бўлдики, тун сукунатида бўғиқ қичқириқ билан ерга тушган милтиқнинг тўқиллагани эшитилди холос. Яна ой чарақлади.

Этьен турган ерида қотиб қолди; у даҳшатли бу томошадан кўзини узмасди. У қичқирмоқчи бўлар, лекин кўкрагини бир нарса босиб тургандек овози чиқмасди. Уюм усти бўшаб қолди; тез сузаётган булутлар орасидан мўралаётган ой ёруғида ҳеч қандай қора кўринмасди. Ниҳоят, Этьен ўзига келди-ю, тезлик билан юқорига югурди; Жанлен қулочини ёзиб чалқанча ётган мурда ёнида эмаклаб турарди. Сутдек ойдинда қор устидаги қизил шим билан кулранг шинель кўзга яққол ташланарди. Бир томчи ҳам қон кўринмасди: дастасигача солдат бўғзига санчилган пичоқ ҳамон қимирлаб турарди.

Ғазабига чидолмаган Этьен бир мушт солиб, болани мурданинг ёнид[illegible] ағдарди.

— Нега бунақа қилдинг? — пичирлаб сўради Этьен ўзини зўр-базўр босиб.

Жанлен сал кўтарилди-да, ориқ белини мушукдек букчайтириб эмаклади; унинг шалпанг қулоқлари, ваҳшиёна жағлари титрарди, кўк кўзлари ялтирар эди — ўзи қилиб қўйган ёвузликдан шунчалик ларзага келган эди.

— Жин ургур, нега бундай қилдинг?

— Билмадим, шунақа қилгим келди-да.

Унинг қилган жавоби шу бўлди. Солдатни ўлдириш фикри уч кундан бери Жанленнинг бошини қотирарди. Бу фикр унга тинчлик бермасди; бу фикрга шунчалик берилиб кетдики, мияси ғовлаб, боши лўқиллаб оғрий бошлади. Кўмир қазувчиларни ўз юртларида таъқиб қилувчи бу чўчқаларга раҳм қилиб ўтирадими! Ўрмондаги эҳтиросли баҳслардан, шахталарда янграган вайрон қилиш, ўлдириш ҳақидаги қичқириқлардан Жанленнинг миясига беш-олтита сўз ўрнашиб қолғанди; у мана шу сўзларни худди революция ўйини ўйнаётган боладек такрорларди. Ҳақиқатан ҳам бундан ортиқ нарса билмасди; уни ҳеч ким шундай ишга гижгижламаганди, бу истак худди жўяклардан пиёз ўғирлаш орзусидек ўз-ўзидан туғилди.

Этьен жиноят қилиш бу нодон боланинг миясида қанчалик чуқур ўрнашиб қолганини ўйлаб, даҳшатга тушди; у беақл ҳайвонни тепгандек Жанленни яна бир туртди. Этьен Ворёдаги соқчи солдатнинг бўғиқ қичқириғини эшитиб қолган бўлса-я, деган фикр хаёлига келиши билан титраб кетар ва ҳар сафар ой булутлар орасидан кўриниши билан Ворё томонга қарар эди. Лекин ҳаммаёқ жимжит эди; шундан кейин Этьен энгашиб, совиб бораётган қўлларни ушлаб кўрди, уришдан тўхтаган юракка қулоқ солди. Пичоқнинг суяк дастасигина чиқиб турарди; дастага қора ҳарфлар билан эзгу сўз — бор-йўғи битта сўз: «Муҳаббат» ўйиб ёзилганди.

Сўнг Этьен ўлдирилган йигитнинг юзига қаради. У бирдан солдатни таниб қолди: бу Этьен бир кун эрталаб гаплашган ўша ёш Жюль, солдатликка янги олинган йигит эди. Этьен унинг малла сочлари ўраб турган сепкилдор маъсум чеҳрасига тикиларкан, ичичидан ачинди. Катта очилган кўм-кўк кўзлари ос-

www.ziyouz.com kutubxonasi

монга тикилаётгандек эди. Унинг қимирламаётган кўзлари уфқ ортидан ўз юртини, Этьен суҳбатлашган вақтда айтган юртини излаётгандек эди. Унинг хотираси қуёш нурларига чўмган Плогоф деган жой қаердайкин? Узоқда, олисда. Шу нотинч тунда у ерларда денгиз ҳайқираётган бўлса ажаб эмас. Осмонда булутларни ҳайдаётган шамол балки унинг жонажон далалари устидан ҳам ғувиллаб эсаётгандир. У ерда икки хотин — онаси билан опаси турибди; улар шамол юлқиб кетмасин, деб чепчикларини қўллари билан ушлаб олишган, улар ҳам ораларида бир неча миля масофа бўлишига қарамай, жигарбандимиз нималар қилаётганини кўрармиканмиз, дея узоқларга тикилишган. Бугундан бошлаб улар йигитни абадий кутишади. Жуда расво иш-да! Бойларнинг марҳамати туфайли камбағаллар бир-бирларини ўлдиришса-я!

Бироқ мурдани йўқотиш керак эди; аввалига Этьен уни каналга ташлаб юбормоқчи бўлди, лекин у ердан топиб олишлари мумкин, деган хаёлга бориб, бу фикридан қайтди. Этьен қаттиқ ташвишга тушди: минутлар ўтиб борарди, нима қилиш керак, нима қилиш лозим? Бирдан миясига: мурдани Рекийяргача олиб боролганимда, ўша ерда умрбод кўмилган бўларди-я, деган фикр келди.

— Бу ёққа кел,— деди у Жанленга мурожаат қилиб.

Бола унга ишонқирамай қаради.

— Бормайман, мени ўлгудек калтакламоқчисан-да. Бунинг устига ишим бор. Хайр.

Ҳақиқатан ҳам у Ворё омборидаги хода, тахталар орасидаги бир хилват жойда Лидия ва Бебер билан учрашишга ваъдалашиб қўйганди. Улар шахтага тушишаётган бельгияликларни одамлар қандай тошбўрон қилишларини кўриш учун уйда ётмасликка аҳд этишганди.

— Менга қара,— такрорлади Этьен,— ҳозироқ олдимга кел, бўлмаса солдатларни чақираман, нақ каллангни узиб ташлашади.

Ниҳоят Жанлен юрак бетлаб келганида Этьен дастрўмолини чийратиб, у билан солдатнинг бўйнини танғиб боғлади, жароҳатдан қон чиқмасин, деб пичоқни суғуриб олмади. Қор эриб борарди; ерда бирортаям қизил доғ, умуман бу ерда қотиллик юз берганидан далолат берувчи ҳеч қандай из йўқ эди.

— Оёғидан кўтар!

Жанлен ўликни оёғидан кўтарди, ҳар эҳтимолга қарши милтиқни елкасига ташлаб олган Этьен эса мурданинг елкасидан олди; улар шу алпозда уюм тепасидан секин тушишди, пастга думалаб кетмасин, дея тошларга тегиб кетмасликка ҳаракат қилишди. Уларнинг бахтига ой юзини яна булутлар қоплаб олди. Бироқ улар канал бўйлаб юришаётганларида ой яна чарақлаб чиқди; нариги соқчи уларни сезиб қолмагани бир мўъжиза эди. Этьен билан Жанлен чурқ этмай, жуда шошилиб боришарди, бироқ қўлларидаги мурда тебраниб, юришга халақит берарди; деярли ҳар юз метрда мурдани ерга қўйиб, нафасларини ростлашга тўғри келарди. Рекийярга буриладиган жойда шовқин-суронни эшитишиб, қўрқувдан аъзойи баданлари музлаб кетди: улар тўсиқ орқасига ўтиб яширинишга улгуришмасидан патруль ўтиб қолди. Салгина нарида улар бир маст кишига дуч келишди, лекин у кайфи тарақ бўлганидан ёнларидан сўкиниб ўтиб кетди. Ниҳоят улар эски шахтага етиб келишди; иккаласи шунчалик ҳаяжонланган эдики, тишлари тишларига тегмасди.

Этьен солдатни шахта чоҳига тушириш осон эмаслигини биларди. Бу тинкани қуритадиган иш эди. Жанлен тепада қолиб, мурдани тушира бошлади; Этьен илдизларга осилиб-осилиб, уни пастга тушираверди; улар поялари синиб кетган дастлабки икки нарвондан тушишгунча шундай қилишди. Кейин ҳар бир нарвондан тушишда шундай қилишга тўғри келди: Этьен олдинда мурдани ушлаб тушарди. Этьен шу алпозда мурда устимга қулаб тушмаса гўрга эди, дея хавотирланиб, ўттиз нарвондан ўтди, яъни икки юз ўн метр пастга олиб тушди. Милтиқ елкасини шилиб юборди. Этьен Жанленнинг олдинга ўтиб, шамни олишини хоҳламасди, у бу шамни жуда эҳтиёт қиларди. Нега шундай? Шам бу тор йўлакда уларнинг юрагини сиқади холос. Бироқ улар юк ортадиган жойга етишганда, Этьен болани шамни олиб келишга юборди. Ўзи бўлса қоронғида мурданинг олдида қолиб, кута бошлади; юраги қинидан чиқиб кетай дерди.

Жанлен шамни олиб қайтганда Этьен у билан маслаҳатлашишга қарор қилди: бола бу эски штоль-

www.ziyouz.com kutubxonasi

няларнинг кириб-чиқиладиган ҳамма йўлларини биларди, унга шундай тешиклар маълум эдики, бундай тешиклардан катта кишиларнинг ўтиши гумон эди. Улар яна ўликни судраб йўлга тушишди, ярим хароба йўлаклардаги қинғир-қийшиқ йўллардан бир километрча юришди. Ниҳоят улар йўлакнинг жинслар оғирлигидан тиргакларининг ярми ағанаб тушган ва шифти қийшайиб қолган жойига етишди; бундан буёғига фақат эмаклаб бориш мумкин эди: бу ер узун яшикка ўхшарди. Улар солдатни худди тобутга солишгандек шу ерга жойлашди, ёнига милтиғини қўйишди-да, кейин ўзлари ҳам кўмилиб қолишлари мумкинлигига қарамай, қолган тиргакларни ҳам тепиб қулатишди. Шу ондаёқ тепадан улкан бир бўлак қатлам қулаб тушди, иккови тирсак ва тиззаларини ишга солиб, аранг чиқиб олишди. Этьен кейин нима бўларкин, дея қизиқиб орқасига қараган эди, шифт бутун оғирлиги билан мурда устига секин босиб тушди. Кўп ўтмай ҳаммаёқни босган тупроқдан бошқа нарса кўринмай қолди.

Жанлен қароқчиларникига ўхшаган ғорига қайтиб келгач, ўзини пичан устига отди-да, қаттиқ чарчагани учун зўрға ғўлдираб деди:

— Уф! Бир соатгина мизғиб олай! Кичкинтойлар кутиб туришар.

Этьен шамни пуфлади,— шундоқ ҳам ёниб бўлай деганди. У ҳам ўлгудек чарчаганди, лекин ухлай олмади: хаёлидан изтиробли, даҳшатли фикрлар ўтарди; чаккалари болға билан ураётгандек лўқиларди. Кўп ўтмай бу фикрлар ўрнига бошқа бир фикр келди. Бу фикр уни эзиб, тинчлик бермас эди, нимага пичоқ дамига келиб қолган Шавални бўғизлаб ташламадинг, деган бир савол олдида кўндаланг туриб, уни қийнарди, у эса бу саволга жавоб топа олмасди. Нима учун манави тирмизак номини ҳам билмаган бир солдатни сўйиб ташлади? Буларнинг ҳаммаси Этьеннинг инқилобий эътиқодини, унинг ўлдириш иштиёқини, ўлдиришга ҳақи борлиги тўғрисидаги тушунчасини остин-устин қилиб юборганди. Наҳотки у қўрқоқ бўлса? Бола пичан устида ухлаб, хуррак ота бошлаганди; бу маст кишининг хурраги бўлиб, афтидан, Жанлен қотиллик кайфини сураётган эди. Хуноби

ошган Этьен нафратланиб, Жанленнинг қандай ёвузлик қилганини билгани учун унинг ёнида бўлиш малол кела бошлади. Бирдан аъзойи бадани жимирлаб кетди: уни ваҳм босди. Ер қаъридан енгил шитирлаш, аллакимнинг инграгани эшитилгандек бўлди. Этьеннинг вужуди музлаб бошидаги сочлари тиккайиб кетди: кўз олдига анави ерда, пастда, қулаган қатлам остида милтиғи билан қолиб кетган ёш солдатнинг қиёфаси келди. Бу бемаънилик эди. Бутун шахтани шовқин босиб кетганга ўхшайди. Яна шамни ёқишга тўғри келди: Этьен шамнинг хира ёруғида қараб, йўлакнинг бўм- бўшлигига ишонч ҳосил қилгач, тинчланди.

У ички курашдан азоб чекиб, пилигининг ўзигина қолган шамга тикилганча яна чорак соатча хаёл суриб ўтирди. Ногаҳон енгилгина «чирс» этган товуш эшитилиб, пилик ўчди-ю, ҳаммаёқни қоронғилик босди. Этьен яна мудрай бошлади, бунчалик қаттиқ хуррак отма, деб Жанленни урмоқчи ҳам бўлди. Боланинг шу ердалигидан тоқати тоқ бўлиб, тоза ҳавога чиқишга юраги тўкилиб турарди; шундан кейин у худди кетидан арвоҳ қувлаётгандек йўлаклардан югуриб, шахта чоҳидан юқорига кўтарилди.

Юқорига чиқиб олган Этьен Рекийяр харобалари орасида ниҳоят кўкрагини тўлдириб нафас олди. Модомики ўлдира олмас экан, ўзи ўлиши керак; илгари ҳам хаёлига бир келган ўлим ҳақидаги бу фикр яна пайдо бўлди-ю, сўнгги умид каби миясига қаттиқ ўрнашиб қолди. Мардларча ўлиш, революция учун ўлиш қандай яхши, шу билан ҳаммаси тугарди,— бу яхшими-ёмонми умрга якун бўларди; бошқа нарсани ўйлашнинг ҳам ҳожати йўқ эди. Борди-ю, ўртоқлари бельгияликларга ҳужум қилгудек бўлишса, Этьен улар билан бирга бўлади, биринчи сафларда боради, ана ўшанда дайди ўққа учади-ю, муродига етади. Шуларни ўйлаган Этьен шахдам қадамлар ташлаб, орқасига қайтди-да, Ворё атрофида айланиб юрди. Соат иккига занг урди: шахтани қўриқлаётган солдатлар учун қоровулхонага айлантирилган штейгерлар бўлмасидан қаттиқ-қаттиқ гаплашаётган кишилар товуши эшитиларди. Соқчининг ғойиб бўлиши бутун отрядни саросимага солиб қўйганди; капитанни уйғотиб келишга одам юборишди, у қўриқлаётган жойни синчиклаб тек-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ширишди-да, ниҳоят соқчи қочган, деган хулосага келишди. Хилват жойга биқиниб олган Этьен ёш солдат гапириб берган капитаннинг республикачиларга тарафдорлиги ҳақида ўйлади. Ким билсин, балки уни халқ томонга ўтишга кўндириш мумкин бўлар? Борди-ю, қўшинлар отишдан бош тортсалар, бу — буржуазияни калтаклашга сигнал бўлур эди. Янги орзу Этьенни қизиқтириб қолди; у энди ўлиш ҳақида ўйламай, лойга ботгунча елкаларини ивитиб юборган майда ёмғирда бир неча соат туриб қолди; у назарида амалга ошириш мумкин бўлган ғалабага йшонч алангасида ёнарди.

Этьен соат бешгача бельгияликлар келишини кутди. Кейин у Ширкатнинг маккорона режасини пайқаб қолди: бельгияликларга ухлаш учун шу ернинг ўзида, Ворёда жой қилиб берилганди. Шахтага тушиш бошланганди; Икки юз заҳизғон посёлкаси забастовкачиларидан бир неча киши пойлаб туришган бўлиб, бу хабарни ўртоқларга етказиш керакми-йўқми, билишмасди. Шунда Этьеннинг ўзи Ширкатнинг қандай устомонлик қилганини тушунтириб берганди, улар чопиб кетишди. Этьен уюм орқасида, канал бўйидаги ёлғизоёқ йўлда қолиб, кута бошлади. Соат олтига занг урди, қорайиб турган осмон оқариб, қизғиш шафақ пайдо бўлди. Шу пайт Этьен йўл муюлишида ридосини тиззасигача қўтариб олган аббат Раннье келаётганини кўриб қолди. Раннье ҳар душанба куни шахтанинг нарёғидаги монастирь бутхонасида эрталабки ибодатни ўтказиш учун борарди.

— Ассалому алайкум, бўтам!— деди у кўзлари ёниб, йигитга разм соларкан шанғиллаб.

Этьен жавоб бермади. Узоқда, Ворё кўприкчаси остидаги йўлда аёл кўринди, шу боисдан Этьен ташвишланиб, ўша томонга югуриб кетди: унинг Катрина эканлигига ишончи комил эди.

Катрина ярим кечадан бери қорлар эриб, пилчпилч лой бўлган йўлларда санқиб юрарди. Уйига қайтиб, Катринани ўрнида учратган Шаваль бир шапалоқ уриб, уни оёққа турғизди. Шаваль, ҳозироқ туёғингни шиқиллат, деб бақирди, агар деразадан улоқтириб юборишимни истамасанг, эшикка қараб юр, дея тепкилай бошлади; боёқиш кийиниб олишга ҳам улгурмай чиқиб кетишга мажбур бўлди, бунинг устига хайр-маъзур ўрнига яхшигина калтак ҳам еб олди. Бундай қўпол муомаладан унинг хўрлиги келди. Катрина йўл четидаги супачага ўтирди ва Шаваль, чақириб олар, деган умидда уй томонга қарай бошлади; эҳтимол Шаваль уни кузатиб тургандир, ҳозир юқорига чиқ, деб қолар, совуқ еяётганини, ғариблигини кўриб турибди-ку, ахир унинг бошпана берадиган бирор кишиси йўқ-ку, уни шу аҳволда ташлаб қўйиши мумкин эмас-ку.

Икки соат ўтди; Катрина ҳамон уйдан ҳайдалган итдек қимир этмай ўтирарди. Катрина совуқ еяётганини сезиб, кетишга қарор қилди. У Монсҳдан чиқди, кейин қайтиб келди, кўчадан Шавални чақиришга ҳам, эшикни тақиллатишга ҳам журъат этмади. Ниҳоят у катта тош йўлдан, мана шу кенг, тўғри йўлдан кетаверди: хаёлига посёлкага, ота-онасиникига қайтиш фикри келди. Лекин уйига етганида шундай ҳаё босдики, ҳамма эшик-дераза ларни така-так қилиб, маст уйқуда ётган бўлса ҳам, биров таниб қолишидан қўрқиб, ура орқасига қочди. Туннинг қолган қисмини Катрина атрофни кезиб ўтказди, тиқ этган товушдан юраги шувилларди, мени фоҳиша деб тутишиб, Маршьеннга, исловатхонага юборишмаса гўрга эди, деган фикр хаёлига келиши билан титраб кетарди, ахир бу фикр даҳшатли тушга ўхшаб, бир неча ойдан бери миясидан чиқмасди. У икки марта Ворёга қайтиб келди, лекин ҳар гал соқчининг қўпол ўшқиришидан қўрқиб, кетимдан қувиб келишмаяптими, дея нафаси тиқилиб, орқасига қарай-қарай қочиб кетди. Рекийяр йўлида ҳамиша маст кишиларни учратиш мумкин эди, лекин шундай бўлса ҳам Катрина бир неча соат бурун рад этган кишисини учратиш умидида ўша томонга борди.

Ўша куни эрталаб Шаваль ишга чиқиши керак эди. Катрина буни биларди, шу боисдан, гарчи учрашувдан фойда чиқмаслигига ақли етса ҳам шахта томон юрди; ораларидаги ҳамма нарса барбод бўлганди. Жан-Барт шахтасида энди ҳеч ким ишламасди, борди-ю, Катрина Ворёда ёлланиб ишлайдиган бўлса, Шаваль уни бўғиб ўлдираман, деб қасам ичганди; у қизнинг бирга бўлиши ишимга халал беради, дея қўр-

www.ziyouz.com kutubxonasi

қарди. Энди у нима қилса экан? Бошқа жойга бориб, ҳар учраган эркакнинг қўполлигига, очликка чидаб юрсинми? Шу боисдан у арава изларига қоқилиб-суқулиб, йўлда тентираб юрди; дармони қуриганидан оёқлари чалишиб кетарди, белигача лой сачраганди. Эрувгарчилик йўлни пилчиллатиб, суюқ лойга айлантириб юборганди, оёқлар ботиб қоларди, лекин Катрина йўл четидаги тошга ўтиришга юраги бетламай кетаверди.

Тонг ота бошлади. Катрина узоқдан Шавални орқасидан кўриб қолди. Шаваль хода ва тахталар орасидаги инларига писиб олиб, ўткинчиларни кузатиб туришган Лидия ва Беберни пайқаб, уюм ёнидан оҳиста бораради. Улар шу ерда кечаси билан қоровуллик қилиб чиқишганди, Жанлен мени кутинглар, деб буйруқ бергани учун уйга кетишга журъат қилишмаганди. Жанлен қотиллик кайфини суриб, Рекийярда ухлаб ётганида, боёқиш болалар иссиқроқ бўлсин, дея қучоқлашиб ўтиришарди. Шамол каштан ва эман ходалари орасида ҳуштак чалиб изғирди; болакай билан қизалоқ ўтинчининг ташландиқ кулбасидагидек совуқ еб, жунжикиб қолишди. Лидия худди ўз хотинидек тарсаки тортиб юборадиган Жанлендан нолишга чўчирди, Бебер ҳам атаманнинг дўппослашларидан шикоят қилишга ботинмасди. Бироқ, афтидан, Жанлен ҳаддан ташқари зуғумини ўтказар ва улар ҳаётини хавф остида қолдириб, энг қалтис ишларга боришга мажбур этар, не ҳасратда топиб келган ўлжаларини тортиб олар эди; шу боисдан унга тобелар ичларида нафратланишиб, Жанлен тақиқлаганига қарамай, бир пайтлари муштини дўлайтириб, пўписа қилган, аммо ҳозир ўзи йўқ кишидан шапалоқ ейишларидан қўрқмай, ўпиша бошлашди. Вақт ўтар, ҳеч ким уларга тегмас эди, шунинг учун ҳам улар бошқа ҳеч нимани ўйламай, чурқ этмасдан ўпишавердилар, уларнинг бу эркалашларида узоқ вақтлардан бери босишга ҳаракат қилиб келган эҳтиросларн, чеккан азоб-уқубатлари, назокатлари намоён бўлаётганди. Улар кечаси бир-бирларини шу алпозда иситишди, улар бекинган жойларида шунчалик мириқиб ҳузур қилишдики, умрларида бундай яхши кунни эслай олмасдилар,— ҳатто кулча ейишиб, вино ичадиган авлиё Варвара байрами ҳам бу кунга ўхшамасди.

Қўққисдан сигнал карнайининг садолари янграб қолди. Катрина титраб кетди. У қаддини ростлаб, Ворёни қўриқлаб турган солдатлар милтиқларига ёпишганликларини кўрди. Этьен шахта эшигига қараб чопиб кетди. Бебер билан Лидия бир сакраб, бекиниб турган жойларидан чиқди. Кун ёришиб кетганди, узоқда, посёлка томондан бир тўп эркагу хотин жон ҳолатда қўлларини силкитиб, югуриб келарди.

V

Ворёга кирадиган ҳамма йўллар берк эди. Олтмиш солдат милтиғини оёғи ёнига қўйиб, очиқ турган ягона эшик олдини тўсиб турарди,— эшикдан тор зинага ўтиб, қабулхонага кириларди, у ердан эса штейгерлар хонаси билан баракка ўтиш мумкин эди. Капитан орқа томондан бўладиган ҳужумдан эҳтиёт қилиб, солдатларни ғишт девор тагида икки қатор саф тортганди.

Посёлкадан йиғилган кўмир қазувчилар аввалига анча нарида туришди. Улар кўпи билан ўттиз киши бўлиб, ўқтин-ўқтин ғазаб билан гап отишарди.

Маэ хоним биринчи бўлиб келди. Унинг сочлари тўзиган бўлиб, рўмолини бошига ўрашга зўрға улгурганди; қўлидаги Эстелла ухлаётганди.

— У ёққа кирманглар, ҳеч кимни чиқарманглар ҳам! — такрорларди у титраб-қақшаб. — Уларнинг ҳаммасини ўша ерда, шахтанинг ичида тутиб олиш керак!

Маэ хотинининг маслаҳатини маъқуллади. Шу пайт Рекийярдан Мук бобо келиб қолди. Уни ўтказмасликка уринишди, аммо бобо оломон орасини ёриб ўтиб, отлар емсиз қолишмасин, уларнинг революциянг билан нима иши бор, деди. Бундан ташқари шахтада битта от ҳаром ўлипти, уни олиб чиқишга ёрдам бериши керак экан. Этьен кекса отбоқарни қўйиб юборди, солдатлар эса уни шахтага ўтказишди. Чорак соат ўтгач, секин-аста забастовкачилар кўпайишиб, авзойилари бузилиб турганда, пастдаги катта дарвоза очилиб, ишчилар аравада ўлган отни олиб чиқишди. Бу аянчли манзара эди: арқонлар билан чандилган отни эриган қордан ҳосил бўлган кўлмакка шалоп этиб ташлашди. Бу шу қадар қаттиқ таассурот қолдирдики, ҳеч

www.ziyouz.com kutubxonasi

ким жойидан жилмади; ишчилар қайтиб кириб, дарвозани ичидан бекитиб олишга улгуришди. Ўлган отни қайилиб қолган бошидан танишди. Шивир-шивир бошланди:

— Ие, бу Карнай-ку, тўғрими? Бу ўша, Карнай.

Ҳақиқатан ҳам бу ўша Карнай эди. Бия шахтага туширилган кунидан бошлаб унга кўника олмади. Бия зерикарди, истар-истамас ишларди, доимо кундузги ёруғликни қўмсарди. Шахтадаги отларнинг энг кексаси — Ўктам ўн йил мобайнида ўзи кўникиб кетган шу ҳаётга чидамай иложимиз қанча, дегандек уни овутмоқчи бўлиб, ёнига келиб ишқаланишлари ҳам, бўйниларини ялашлари ҳам фойда бермади. Бу ялаб-юлқашлар Карнайнинг ғам-ғуссасини оширарди холос, шунинг учун ҳам қоронғида қариган биянинг бадани тегиши биланоқ бутун вужуди титраб кетарди. Ҳар сафар отлар учрашиб, бир-бирларини ҳидлашганда, гўё қариси ҳеч нарсани эслай олмайман, деса, ёшроғи ҳеч нарсани унута олмайман, дея ҳасратлашаётгандек бўлишарди. Улар отхонада бир охурдан ем ейишарди. Иккови бошини эгиб турар, нафаслари қўшилиб кетар эди; гўё улар ёруғ жаҳон, ям-яшил майсалар, оппоқ йўллар, бепоён далалар ва қуёшнинг заррин нурлари ҳақидаги мангу орзуларини айтиб дардлашардилар. Карнай пичан устида жон талвасасида ётаркан, Ўктам қайғуриб, уни ҳидлар, худди ҳиқиллаб йиғлаётгандек билинар-билинмас пишқирар эди. Ўктам Карнайнинг бадани совуётганини сезди; шахта унинг сўнгги шодлигидан, у ёқдан, муаттар ҳидларга тўлган, очиқ ҳавода ўтказган ёшлигини эслатувчи жойдан келган дўстидан жудо этганди. Карнайнинг қимирламай қолганини сезган Ўктам жон ҳолатда кишнади-да, боғлаб қўйилган жиловни узди.

Мук бобо бир ҳафта олдин бош штейгерга отнинг касаллигини айтган эди; лекин ҳеч ким бияга ғамхўрлик қилмади,— қўллари тегмасди! Бу жаноблар отларни алмаштиришни унча хуш кўришмасди. Энди бўлса чор-ночор уни юқорига жўнатишга тўғри келди. Кеча отбоқар икки ишчи ёрдамида роса икки соат уриниб, Карнайни арқонлар билан боғлади. Кейин Ўктамни қўшиб, унинг жасадини кўтарма машина олдига судратиб келишди. Кекса от ўртоғининг ўлигини секин судраб келди; йўлак ниҳоятда тор бўлиб, баъзи жойларидан ўтаётганида терисини шилиб кетиши ҳеч гап эмасди. От жасадини тери шилинадиган хонага олиб кетишаётганларида Карнайнинг жасади деворга тегиб сидирилаётганини эшитиб қийналаётган Ўктам бошини силкитиб-силкитиб қўярди. Уни юк ортиш хонасида абзалидан бўшатишгач, жонивор юкни жўнатишга қандай тайёргарлик кўраётганларига маъюс қараб турди: жасадни шахта чоҳи оғзига терилган ходалар устидан олиб ўтишиб, кўтарма машина тагидаги арқон тўрга яхшилаб жойлашди. Ниҳоят юкчилар «пўшт, гўшт кетяпти», деб огоҳлантириб қўнғироқ чалишди. Ўктам бошини кўтариб, Карнайнинг юқорига чиқиб кетаётганини кўрди: у аввалига жойидан секин қўзғалди, кейин бирдан қоронғиликда ғойиб бўлиб, бу зулмат зиндонни мангу тарк этди. Ўктам аввалгидек бўйнини чўзиб тураверди; эҳтимол, шу он жониворнинг хаёлида ер юзида бўлиб ўтган воқеалар сал-пал жонланиб кетгандир. Лекин унинг ўртоғи учун ҳамма нарса тамом, у бечора юқорида ҳеч нимани кўра олмайди; ҳа, уни ҳам мана шундай арқонлар билан чандиб боғлаб, арзимас нарсадек юқорига тортиб оладиган кун келади. Ўктамнинг оёқлари титрарди, у узоқ далалардан келаётган ҳавони сезди, сўнг мастдек оғир-оғир қадам ташлаб, отхонага қайтиб кетди.

Ҳовлидаги кўмир қазувчилар маъюс хаёлга чўмиб, Карнайнинг ўлигига қараб туришарди. Қўққисдан бир хотин паст овоз билан деди:

— Яна биттасини шахтага туширишди! Худди жаннатга тушаётгандек-а!

Шу он посёлка томондан яна бир гуруҳ оломон югуриб келаётганди: олдинда Левак, кетидан хотини билан Бутлу.

— Бельгияликларга ўлим!— қичқирарди Левак.— Бегоналар йўқолсин! Ўлим! Ўлим!

Ҳамма олга ташланди. Этьен уларни тўхтатишга мажбур бўлди. У капитан олдига келди; бу баланд бўйли, қотмадан келган, йигирма саккиз ёшлардаги йигит бўлиб, башарасидан чўрткесарлиги сезилиб турарди. Этьен ишчилар манфаатини кўзлаб, унга аҳволини ётиғи билан тушунтирди, сўнг сўзларим қан-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дай таъсир этдийкин, деган маънода кутиб турди. Ишни бемаъни хунрезликкача олиб боришнинг нима кераги бор? Ахир ҳақиқат шахтёрлар томонида-ку, шундай эмасми? Одамларнинг ҳаммаси бир-бирига ака-ука. Капитан «Республика» сўзини эшитиб, бир ижирғаниб қўйди. Лекин у ўзини ҳарбийларга хос тутиб турди-ю, бирдан қичқириб қолди:

— Орқага! Куч ишлатишга мени мажбур қилманглар!

Этьен у билан тил топишга уч марта уриниб кўрди. Орқа томонда, ўртоқлари орасида шивир-шивир бошланди. Жаноб Энбо шахтада эмиш, деган гап оғиздан-оғизга ўта бошлади. Унинг ўзини бошини пастга қилиб туширайлик-чи, кўрамиз, кўмирини ўзи қандай қазиб оларкин, деб ҳам гапиришди. Бироқ бу мишмиш ёлғон бўлиб чиқди: у ерда Негрель билан Дансарт бор эди холос; иккови қабулхона деразасидан бирров кўринганди. Бош штейгер ўзини орқароқда тутишга уринарди,— у Пьерроннинг хотини билан донлашиб юргани ошкор бўлганидан юзи анча шувут бўлиб қолганди; инженер бўлса, ишшайиб, ўйноқи кўзлари билан оломонга дадил боқарди; унинг бу тиржайиши одамларга ва бўлаётган воқеаларга нафрат билан қарашидан далолат берарди, Қий-чув кўтарилди, икқаласи ғойиб бўлди. Энди деразадан Суваринниинг малла сочигина кўриниб турарди. Бугун у навбатчилик қилаётганди. Забастовка бошлангандан бери у бир кун ҳам машинасини тарк этмади; у бирон нима ҳақида чурқ этолмасди, афтидан, у миясига маҳкам ўрнашиб қолган бир фикрга бутунлай берилиб кетгандай, бу фикр кўм-кўк кўзлари қаърида пўлатдек ялтираб тургандай эди.

— Орқага!— баланд товуш билан такрорлади капитан.— Ҳеч нарсани эшитмайман. Менга шахтани қўриқлаш топширилган, шуни қўриқлайман, вассалом... Одамларимнинг жиғига тегаверманглар, бўлмаса, сизларни чекинишга мажбур этиш қўлимдан келади.

Капитан овози кескин янграшига қарамай, қаттиқ ташвишга тушиб қолганди; у шахтёрлар тобора кўпайиб бораётганини кўриб, ранги оқариб кетди. Тушда ўрнига бошқа киши келиши керак эди, лекин у ўшангача дош бера олмаслигидан қўрқарди, шунинг учун ҳам дарров шахтадаги ёрдамчи ишчилардан бирини мадад кучлар юборилишини сўраб, Монсуга жўнатди.

Унинг сўзларига жавобан қаттиқ хитоблар янгради:

— Бегоналарга ўлим! Бельгияликларга ўлим!.. Биз ўз юртимизга ўзимиз хўжайин бўлмоқчимиз!

Этьен ҳафсаласи пир бўлиб, чеккага чиқди. Ҳаммаси тамом бўлганди,— курашиш ва ўлишдан бошқа чора қолмади. У энди ўртоқларини қайтариб ўтирмади: оломон солдатларнинг кичик отрядига тақалиб келди. Шахтёрлар тўрт юзтача эди; қўшни посёлкалар бўшаб қолди, ҳаммаёқдан ишчилар югуриб келишарди. Ҳамма бир гапни айтиб қичқирарди. Маэ билан Левак солдатларга қараб, ғазаб билан қичқиришарди:

— Кетинглар! Биз сизларга ҳеч қандай ёмонлик қилмоқчи эмасмиз! Кетақолинглар!

— Бу ишнинг сизларга заррача алоқаси йўқ!— гапни илиб кетди Маэ хоним.— Бизга халақит бермаглар, ўз ишимизни ўзимиз тўғрилаймиз.

Ундан сўнг Левакнинг хотини янада кескинроқ қилиб қўшиб қўйди:

— Нима, сизлар билан уришамизми энди, бизни ўтказмадиларинг деб? Сизларни ҳурмат қилиб, яхшиликча бу ердан жўнаб қолинглар, деяпмиз!

Ҳатто Бебер билан оломон орасига суқулиб кириб олган Лидиянинг чинқироқ товуши ҳам эшитилди:

— Гарнизон чўчқалари!

Салгина нарида турган Катрина ҳеч нимага тушунмай, гапларга қулоқ соларкан, одамлар қаҳру ғазаби бошқатдан алангаланганини кўриб, гангиб қолган эди, у пешонаси шўрлиги туфайли шу ишларнинг гувоҳи бўлиб қолганди. Ахир у шусиз ҳам озмунча азоб чекяптими? У қайси гуноҳи учун шундай маломатларга қоляпти-ю, тиниб-тинчиб кетолмаяпти? Кечагина у нима сабабдан забастовкачиларнинг бунчалик ғазабланишаётганини билолмасди. У калтакланган одам яна калтак ейиш учун баҳона қидириб юрмаса ҳам бўлади, деб ўйларди; лекин Катрина ҳозир ич-ичидан нафрати қўзиб бораётганини сезди-ю, Этьен бир вақтлари кечқурунлари айтган гапларнинг ҳаммасини эслади ва шу топда солдатларга айтаётган гапларига

www.ziyouz.com kutubxonasi

қулоқ солди. Этьен солдатларни ўртоқлар, деб атар, уларга ўзлари ҳам халқдан чиққанликларини эслатиб, камбағалларни эзувчиларга қарши халқ билан бирга боришлари зарурлигини уқтирарди.

Оломон ичида ғовур-ғовур кўтарилди; бир кампир олдинга ташланди. Бу қўллари қуруқ, бўйни ялангоч, ўлгудек орик Ашаддий кампир эди; у уйидан шундай шошилиб югуриб келган эдики, тўзиган оппоқ сочлари кўзларига тушиб, кўришга халал берарди.

— Ҳа, жин ургур, мана, бир амаллаб келдим!— дерди у энтикиб.— Бу сотқин Пьеррон мени ертўлага қамаб қўйди.

Кампир оғзидан боди кириб, шоди чиқиб, шу ондаёқ солдатларга ташланди:

— Аблаҳлар! Ишёқмаслар! Бошлиқларинг этигини ялашдан бошқа нарсани билмайсанлар. Иш бориб камбағалларга тақалса, жуда ботир бўлиб кетасанлар!

Ҳамма унга қўшилди-да, ҳақоратлар ёғилиб кетди. Баъзилар ҳамон: «Яшасин солдатлар! Офицерларни шахтага ташлаш керак!» деб бақиришарди. Лекин кўп ўтмай, бу бақириқлар бошқаларига қўшилиб кетди-ю, ҳаммалари: «Эй, қизил иштонлар! Бу ердан жўнанглар!»— деб қичқира бошлашди. Солдатлар биродарлик ва дўстликка даъват этган гапларни, дўстона насиҳатларни юзлари тошдек қотиб, индамай, қанчалик лоқайдлик билан тинглаган бўлсалар, энди бу ҳақоратларга ҳам қулоқларини кар қилиб, бепарво тураверишди. Орқароқда турган капитан қиличини ялангочлади. Халойиқ тобора ёпирилиб, солдатларни деворга баттар қисиб келаверди; шунда капитан милтиқларни қўлга олиш ҳақида команда берди. Солдатлар буйруққа бўйсундилар, ишчилар икки қатор ялтираётган пўлат тиғларнинг ўзларига қарши ўқталиб турганини кўришди.

— Ҳа, муттаҳамлар,— қичқирди Ашаддий кампир чекиниб.

Бироқ шу он ҳамма ўлимни ҳам писанд қилмай олға ташланди.

Биринчи бўлиб хотинлар олға ташланишди, Маэнинг хотини, Левакнинг хотини қичқиришди:

— Ўлдиринглар бизни! Ўлдиринглар! Биз ўз ҳақ-ҳуқуқимизни талаб қиляпмиз!

Левак найзага дучор бўлишидан қўрқмай, икки қўллаб бирданига учта милтиқни ушлади, уларни солдатлардан тортиб олиш учун силтай бошлади; азбаройи ғазабланганидан бир кучига ўн куч қўшилиб, найзаларни букди. Ўртоқларга эргашиб чакки қилдим-да, дея пушаймон еяётган Бутлу бир чеккада хотиржамлик билан Левакка қараб турарди.

— Хўш, қани, отиб кўринглар-чи,—такрорларди Маэ,— чинакам одам бўлсаларинг, қани отинглар!

Маэ блузасининг тугмаларини ечиб, кўйлагини йиртди-да, моматалоқ бўлиб кетган жундор кўкрагини очди. Чол кўкрагини найзага тутиб борарди, унинг довюраклиги, мислсиз жасорати солдатларни бир неча қадам чекинишга мажбур қилди. Кимнингдир найзаси унинг кўксига тиралди. Маэ худди майли, найза баданимга санчилиб, қобирғаларимни қисирлатиб юборсин, дегандек қутуриб, олдинга юраверди.

— Қўрқоқлар, ҳаддиларинг йўқ!.. Бизнинг орқамизда ўн минглаб одам бор! Ҳа, ҳа, бизни ўлдиришларинг мумкин, бироқ яна ўн минг кишини ҳам ўлдиришга тўғри келади!

Солдатларнинг аҳволи танг бўлиб қолди: уларга ниҳоятда ноилож бўлгандагина қурол ишлатиш ҳақида буйруқ берилганди. Бироқ ўзларини найзага ураётган бу қутурган одамларни қандай қилиб тўхтатиб бўлади? Бунинг устига халойиқ билан солдатлар орасидаги масофа тобора камайиб борарди, солдатлар деворга қисиб қўйилди, энди чекинишнинг иложи қолмади. Ҳар қалай кичкинагина отряд, бир гуруҳ киши тобора кўпайиб бораётган шахтёрлар тазйиқига сабот билан бардош бериб, капитаннинг узуқ-юлуқ командаларига совуққонлик билан қулоқ солди. Капитан лабларини тишлаганча ўткир кўзлари билан бўлаётган ҳодисаларни кузатиб турар ва фақат улар ҳадеб сўкиб-қарғаб, солдатларнинг жиғига тегаверсалар, солдатларнинг сабри тугаб, бир нарса қилиб қўйишадими, деб хавотирланарди. У баланд бўйли, озғин, мўйловлари буралган ёш бир сержантнинг бесаранжом бўлиб, кўзларини пириллатаётганини пайқаган эди. Унинг ёнида нашивкали, бир неча походда қатнашгани кўриниб турган солдат турарди; у милтиғининг найзасини худди хасдек эгишаётганларини кўргач, ран-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ги оқариб кетди. Бошқаси,— афтидан, яқиндагина омочини ташлаб, аскарликка келган йигит ҳар гафар муттаҳам, ишёқмаслар, деб сўкишганда қизариб кетарди. Ҳақоратларнинг кети узилмасди; дўлайган муштлар кўриниб қоларди; кўмир қазувчилар бўралаб сўкишарди; дўлдек ёғилаётган таъна ва дўқлар худди юзга тушаётган тарсакидек эди. Солдатларни ҳарбий интизом доирасида тутиб туриш ва уларни кеккайиб, хўмрайиб, қимир этмай туришга мажбур этиш учун бошлиқнинг иродаси ниҳоятда метин бўлиши керак эди.

Тўқнашув муқаррар бўлиб қолди: лекин шу чоғ солдатлар орқасидан сочлари оппоқ, қари жандармларга ўхшаган штейгер Ришоммнинг нуроний чеҳраси кўринди: у афтидан қаттиқ ҳаяжонланган эди.

— Жин урсин!— деди у овозининг борича.— Ахир у бориб турган аҳмоқлик-ку! Бунақа бемаъни ишларни қилманглар-да.

Мўйсафид шундай деди-ю, ўзини ишчилар билан найзалар орасига отди.

— Ўртоқлар, менга қулоқ солинглар... Кекса ишчи эканлигимниям, ҳамиша сизлардан айилмай келаётганимниям ўзларинг биласизлар. Шундоқ экан, қўйинглар, жин урсин! Сизларга ваъда бериб айтаманки, мабодо сизларга адолатсизлик қилгудек бўлишса, биринчи бўлиб ўзим бошлиқларнинг башараларига бор гапни айтаман... Аммо ҳозир шу ҳам етар! Сизлар бу азаматларни боплаб сўкяпсизлар, қоринларингни ёриб ташлашларини хоҳлаяпсизлар; бундан ҳеч қанақа наф йўқ.

Унинг гапларига қулоқ сола бошлашди; одамлар ичида саросималик рўй берди. Бахтга қарши тепада яна ёш Негрелнинг чўзинчоқ юзи кўриниб қолди. Афтидан, у ўзи келолмай, штейгерни воситачи қилиб юборипти, дея таъна қилишларидан чўчиган бўлса керак; ниҳоят унинг ўзи ишчилар билан гаплашиб кўрмоқчи бўлди. Лекин унинг сўзларини шовқин-сурон босиб кетиб, у елкаларини қисиб, яна дераза олдидан узоқлашишдан бошқа илож топмади. Ришомм ишчиларни ўз номидан кўндиришга чандон ўринмасин, бу ишни тинчлик йўли билан, ўртоқларча ҳал қилиш керак, деб қайта-қайта такрорламасин, бари бир энди

унга ортиқ қулоқ солишни истамасдилар, чунки у ишончини йўқотиб қўйганди.

— Жин урсин! Майли, сизлар билан менинг ҳам бошимни олишсин, лекин то сизлар бемаъниликларингни қўймас экансизлар, ёнларингдан кетмайман!

Кўмир қазувчиларни инсофга келтиришимда менга ёрдам бергин, деб Этьенга ялинди, лекин у мен ҳам ҳеч нима қила олмайман, дегандек, қўл силтаб қўяқолди. Энди фурсат ўтган эди ҳисоби, кўмир қазувчилардан камида беш юзга яқин киши йиғилганди. Ҳаммасиям қутурган, ҳаммасиям бельгияликларни қувиб юборамиз, деб келишганди; шунчаки томоша қилиш учун келганлар ҳам, шу уришдан завқланиш учун келган масхарабозлар ҳам бор эди. Анчагина нарида бир гуруҳ кишилар турган бўлиб, улар ичида Захария билан Филомена ҳам бор эди; улар гўё томошага келишгандек, шундай хотиржам эдиларки, ҳатто болалари — Ахилла билан Дезирани олиб келишган эди. Рекийяр томондан эса яна бир тўп одам келди; улар орасида Муке билан Мукетта ҳам бор эди. Муке шу заҳотиёқ ошнаси Захария олдига борди-да, илжайиб елкасига қоқди, ниҳоятда ҳаяжонланиб кетган Мукетта эса энг довюраклар турган олдинги қаторга отилди.

Бу орада капитан дам-бадам Монсу йўлига қарарди. У сўраган мадад кучлар ҳадеганда етиб келавермасди, у бўлса олтмиш кишилик отряди билан ортиқ бардош бера олмасди. Ниҳоят, капитан халойиқни чўчитиш учун ҳамманинг кўзи олдида милтиқларни ўқлашга буюрди. Солдатлар дарҳол буйруқни бажаришди, бироқ ғала-ғовур босилмади; мақтов, мазах гаплар эшитилди:

— Мановларни қаранглар! Қаранглар-а! Вой бекорчилар-ей! Улар нақ нишонга отишмоқчи шекилли!— Ашаддий кампир, Левак хоним ва бошқа хотинлар мазах қилишарди.

Маэ хонимнинг қўлидаги Эстелла уйғониб, йиғлай бошлади. Она солдатлар ёнига шундай яқин келдики, сержант, чақалоғинг билан қаёққа борасан, деб сўрашга мажбур бўлди.

— Сенинг нима ишинг бор?— жавоб берди хотин.— Ўзинг мард бўлсанг, отақол шу болани.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Эркаклар нафратланиб, бошларини сарак-сарак қилишди. Ишчиларни отиш мумкинлигига ҳеч ким ишонмасди.

— Уларнинг ўқдонларида ўқ нима қилсин,— деди Левак.

— Нима, биз душманмидик?— қичқирди Маэ.— Французларни отиш мумкин эмас-ку, жин ургурлар!

Бошқалар бўлса, Қрим урушида қатнашганлар ўқдан қўрқишмайди, деб такрорлашарди. Ҳамма солдатларни қисиб келаверди. Агар шу чоғ милтиқлар бирданига отилганида халойиқ тутдек тўкиларди.

Биринчи қаторларда бораётган Мукетта жазавага тушиб бақирарди: унинг назарида солдатлар хотинларга найза санчаётгандек бўлаётганди. У ўзи билган ҳамма қарғишларни айтиб бақирарди; лекин бу ҳам камдек туюларди; у яна солдатларни қанақасига камситишни ўйларди; унда ҳали яна бир ҳақорат усули — уларга орқасини кўрсатиш қолувди. Шу боисдан Мукетта иккала қўли билан юбкасини кўтариб, энгашди-да, семиз отнинг сағиридек дўппайиб турган кетини очди.

— Мана, қараларинг, мана сизларга! Сен гўрсўхта ифлосларга нисбатан бу жуда тоза!

Мукетта уларнинг ҳар бирига тегишли улушини инъом қилаётгандек, бирортасига тегмай қолмасин дегандек, тобора энгашиб, орқасини ҳамма томонга кўрсатарди ва ҳар сафар хитоб қиларди:

— Манави офицерга! Манави сержантга! Манави солдатларга!

Кучли қаҳқаҳа кўтарилди; Лидия билан Бебер қоринларини ушлаб кулишарди; ҳатто қовоғи солиқ Этьен ҳам бундай ҳақоратни кўриб, завқланди. Ҳамма — ҳангоматалабларгина эмас, балки дарғазаблар ҳам гўё кўзлари олдида солдатлар устига ифлос нарса сепиб юборилгандек, масхара қила бошладилар. Анча нарида, эски ходалар уюлиб ётган жойда турган ёлғиз Катрина чурқ этмасди, у бутунлай гангиб қолганга ўхшарди; халойиқ нафратини кўрганида унинг ҳам ичи тошиб кетди, бу нафратнинг иссиқ нафаси унга ҳам урилаётган эди.

Лекин шу он яна ғавғо кўтарилди. Ўз одамларини тинчитиш учун капитан кўмир қазувчилардан бир неча кишини қамоққа олмоқчи бўлди. Мукетта бир

сақраб, улар қўлидан чиқди-да, ўртоқларининг оёқлари орасидан лип этиб ўтиб кетди. Энг ашаддий исёнчилардан уч киши—Левак билан яна икки ишчи ушланди: соқчилар уларни штейгерлар хонасига олиб киришди. Негрель билан Дансарт тепадан туриб, капитанга бу ёққа чиқ, бу ер тинчроқ, дея бақиришарди. Капитан бу таклифни рад этди, чунки у эшиги ёпилмайдиган бинони ишчилар дарров ишғол қилиб олишларини биларди; унда уни шармандасини чиқариб, қуролсизлантиришади; шундоқ кичкинагина отрядининг ҳам тоқати тоқ бўла бошлаганди, ёғоч бошмоқ кийган бир тўда аянчли кишилардан қўрқиб чекиниб бўлмайди-ку. Шу боисдан милтиқларини ўқлаган олтмиш солдат девор ёнида халойиқ билан юзма-юз тураверди.

Аввалига кўмир қазувчилар тисланишди. Орага чуқур сукунат чўкди. Қамоққа олиш забастовкачиларни анча ўйлантириб қўйганди. Бироқ шу заҳоти яна қичқира бошлашди: қамоққа олинганларни дарҳол бўшатишни талаб қилишарди. Кимдир уларни ўша жойда ўлдиришмоқчи, дея бақириб қолди. Кейин ҳаммалари маслаҳатлашмасдан ҳам бирдай жўшиб, интиқом ўтида ёнишди-ю, нарироқда уюлиб ётган ғиштга қараб югуришди; бу ғиштлар кон территориясида кўп бўлган мергелей лойидан қуйилиб, шу ернинг ўзида пиширилардилар. Болалар биттадан ташиб туришди, хотинлар эса этакларига сиққанча олиб келишди. Тез орада кўмир қазувчиларнинг ҳар бири олдида уюм-уюм ғишт йиғилиб қолди, сўнг жанг бошланди.

Жангни Ашаддий кампир бошлаб берди. У ғиштни қоқсуяк тиззасига уриб синдирарди-да, иккала яримтани иргитарди: бирини ўнг қўли билан, иккинчисини чап қўли билан отарди. Левакнинг хотини оз бўлмаса елкасини майиб қилиб олай деди; у шундай семиз, пўк эдики, жуда яқин келиб отишга мажбур эди, бўлмаса нишонга уролмасди. Бутлу унга сен қўй, дея беҳуда ялинар ва уни орқага тортишга уринар эди: у аёлни олиб кетишга ишонарди, чунки унинг эрини ишончли жойга тиқиб қўйишганди. Хотинларнинг жазаваси тутди. Ғиштни семиз тиззасига уриб синдириб, қўлларини қоқатиш жонига теккан Мукетта ғиштни бутун-бутун ота бошлади. Ҳатто болалар ҳам жанг қилаётганларга

www.ziyouz.com kutubxonasi

қўшилиб кетишди. Бебер Лидияга ғишт яхши учиши учун қандай отишни ўргатди. Бу чинакам жала эди, катта-катта ғиштлар гурсиллаб тушарди. Бирдан ана шу баджаҳл аёллар орасида Катрина пайдо бўлиб қолди; у икки қўлига бир парчадан ғиштни олиб, уларни баланд кўтарди-да, кичик қўлларининг кучи етганича итқитди. У нима учун бундай қилганини ўзи ҳам билмасди; лекин у бўғилиб, одам ўлдириш иштиёқида ёнарди. Наҳотки шу лаънати, аянчли ҳаётнинг ниҳояси бўлмаса? Жонидан тўйиб кетди-ку, хушгори дўппослаб, уйдан ҳайдаб юборди; дайди ит каби лойларга ботиб, йўлларда санқиб юрди, ҳатто отасидан ҳам бир ликопча шўрва сўраб ололмади, чунки отасининг ҳам ейишга ҳеч вақоси йўқ. Ҳеч қачон яхши бўлмайди; аксинча, эсини танибдики, кундан-кун баттар бўлиб боряпти; шу боисдан Катрина ғиштларни синдириб, ҳаммаси яксон бўлсин, деган ягона ният билан отаверди. Унинг кўзи шунчалик қонга тўлдики, ҳатто ғишт кимга тегаётганини ҳам кўрмасди.

Этьен ҳамон солдатлар олдида турарди; бир ғишт тушиб, бошини ёришига оз қолди. Қулоғи шишиб кетди, ўгирилиб қаради-ю, бу ғиштни Катрина отганини тушуниб, титраб кетди: Катрина алаҳсираётгандек эди. Этьенни ўлдириб қўйишлари мумкин эди, лекин у шундай бўлса ҳам жойидан жилмай, Катринага қараб тураверди. Бошқалар ҳам муштларини тугиб, қимир этмай диққат билан курашнинг боришини кузатишарди. Муке гўё свайка* ўйинидагидек, ҳар бир отилган ғишт, тошни қиёслар ва э-ҳе, буниси нақ мўлжалга урди-да, ановиники хато кетди, деб баҳо берар эди! У шўхлиги тутиб, Захарияни туртар, у эса Филомена билан тортишиб, Ахилла билан Дезиранинг орқасига урарди, уларни кўтариб, ҳангомани кўрсатишни истамасди. Анча нарида, йўлда ҳам бир тўда томошабин кўринарди; тепаликнинг энг юқорисида, қишлоқ бошланадиган жойда эса Ўлмас бобо кўринди. У таёғига тираниб, қимир этмай ғоз турарди; қизғиш осмон фонида унинг қомати кўзга яққол ташланиб турарди.

* Катта михни отиб, ўртадаги ҳалқага санчиш

Ғиштлар отила бошлаган заҳоти штейгер Ришомм яна солдатлар билан шахтёрлар орасига туриб олди. У бировларга ялинар, бошқаларни лаънатлар, фиғони шу қадар ошгандики, кўзларидан йирик ёш томчилари чиқиб кетди. У, афтидан хавф-хатарни ҳам унутганди. Бироқ унинг сўзлари шовқин-суронда эшитилмай, фақат узун, оппоқ мўйлаблари титраётганигина кўринарди.

Эркаклар хотинлардан ибрат олишди-ю, ғиштлар янада кўпроқ ёғила бошлади.

Маэ ўгирилиб қараса, эри орқасида қовоғидан қор ёғиб, қаққайиб турарди.

— Ҳой, нима бўлди сенга?— қичқирди хотини.— Нима, қўрқаяпсанми? Наҳотки ўртоқларингни туртмага қамасалару сен индамай тураверсанг?.. Агар қўлимда болам бўлмаганида-ку, ўзинг кўрардинг-а!

Эстелла чинқириб йиғлар, онасининг бўйнига тармашиб, унинг Ашаддий кампир ва бошқа хотинларга қўшилишига халақит берар эди. Маэ хотинининг гапини эшитмади шекилли, хотини бир неча ғиштни оёғи билан у томон сурди.

— Жин ургур! Манови ғиштларни оласанми-йўқми? Е ҳамманинг кўзи олдида афтингга тупурайми? Балки ўшанда дадилроқ бўларсан?

Маэ қип-қизариб кетди, ғиштларни олиб, синдириб ота бошлади. Хотини орқасига ўтиб олиб, қулоқни қоматга келтириб қарғар, эрини гижгижлар, иккала қўли билан Эстеллани бағрига маҳкам босиб, бўғиб қўяй дерди. Маэ тобора солдатларга яқинлашиб, ниҳоят милтиқларнинг олдига бориб қолди.

Тошбўронда солдатларнинг кичкина отряди деярли кўринмасди. Тўғри, ғиштлар анча баландга бориб тегарди; деворнинг ҳаммаёғи ўйдим-чуқур бўлиб кетганди. Нима қилиш керак? Капитан балки чекиниб, ўзимизни орқага олсакмикин, деган фикр хаёлига келди-ю, оппоқ юзи бир лаҳзада қип-қизариб кетди; лекин у эс-ҳушини йигиштириб олди,— бундай қилишнинг бари бир иложи йўқ, хиёлгина ножоиз ҳаракат қилишса бас, оломон шу заҳоти янчиб ташлайди. Ҳозиргина бир ғишт капитан шапкасининг айвончасини қийшайтириб юборди, пешонаси қонади. Отряднинг бир неча кишиси яраланди: капитан солдатларнинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

жаҳли чиққанини, одамларда бошлиққа бўйсунмай, беихтиёр ўзларини муҳофаза қилиш туйғуси уйғонганлигини сезди. Сержант сўкинди: бир ғишт чап елкасига худди киртаёқдек гурсиллаб тегиб, суягини чиқариб юборишига оз қолди. Еш солдатга иккала ғишт тегди; биттаси бошмалдоғини пачақлади, иккинчиси ўнг тиззасини яралади, шу боисдан тиззаси худди ўтда ёнаётгандек ловилларди. Нима гап ўзи, бу таҳқирларга қачонгача чидаш мумкин? Бир тош деворга тегиб қайтиб, кекса солдатнинг қорнига текканида, у кўкариб кетди, қоқсуяк қўллари билан маҳкам ушлаб турган милтиғи эса худди ўзи олдинга интилгандек титраб кетди. Капитан уч марта ўт очишга буйруқ бермоқчи ҳам бўлди, лекин ҳар сафар ҳаяжонланиб, нафаси бўғзига тиқилиб қоларди; қаттиқ ички кураш унинг фикрлари, бурчини, инсон ва солдат сифатидаги эътиқодини аралаш-қуралаш қилиб юборди. Бу орада тошбўрон янада кучайди. Капитан оғиз очиб, бақириб: «От!» дея команда беришга улгурмасиданоқ милтиқлар ўз-ўзидан отилаверди: аввалига уч ўқ отилди, кейин бешта, сўнг ҳамма милтиқ бир йўла отилди, анчадан кейин эса, орага тушган чуқур сукунатни бузиб бир ўқ отилди.

Ҳамма тахта бўлиб қолди. Солдатлар отишяпти! Ҳайратдан лол қолган халойиқ бўлаётган воқеага ишонмагандек, қимир этмай турарди. Лекин шу пайт қулоқни қоматга келтирувчи қичқириқлар эшитилди, горнчи эса отишни тўхтатиш сигналини чалди. Шунда одамларни даҳшатли ваҳима босди-ю, ҳамма бошини эгиб, худди ўқ ёмғирига дуч келиб қолган подадек, лойга ботиб қочаверди.

Дастлабки уч ўқ отилганда Бебер билан Лидия бир-бирининг устига йиқилиб тушди; ўқ қизалоқнинг юзига, боланинг эса чап қўлтиғига текканди. Қиз тил тортмай ўлган бўлиб, қимир этмай ётарди. Лекин Бебер бор кучини йиғиб, жон талвасасида худди ўша ерда, ходалар орасидаги қоронғи жойларида ўтказган сўнгги кечадагидек икки қўли билан қучоқлаб олмоқчи бўларди. Шу чоқ ниҳоят Жанлен пайдо бўлди; ҳали уйқуси ўчмаган Жанлен Рекийярдан югуриб келди, порох тутуни орасидан оқсоқланиб ўтди. Бебер унинг кичкина дугонасини қучоқлаганча, кўзи олдида жон берди.

Ундан кейин отилган беш ўқ Ашаддий кампир билан Ришоммни қулатди; Ришомм ўртоқларига эс-ҳушларингни йиғиб олинглар, дея ялиниб турган пайтида ўқ орқасига текканди. У тиз чўкиб қолди, кейин бир ёнбошига йиқилди, хириллаб, ғужанак бўлиб ерга ётиб қолди; кўзлари ёшга тўлди. Кампирнинг бўғзига ўқ текканди; у қуриган дарахтдек ерга гурс этиб тушди; сўнгги марта ғўлдираб қарғанди: бўғзига қон тўлиб кетганди.

Лекин шу чоғ бутун отряд бараварига ўт очди-да, шахта олдини бутунлай очиб қўйди; ўқлар юз қадамча нарида тиржайиб, жангни кузатаётган ҳангоматалабларни ҳам қулатди. Битта ўқ Мукенинг оғзига тегди-да, у Захария билан Филоменанинг оёқлари остига чалқанча тушди. У шу заҳоти жон берди, қонлари болаларга сачраб кетди. Шу онда Мукеттанинг қорнига ҳам иккита ўқ тегди. У солдатлар нишонга олаётганларини кўриб, ҳой, эҳтиёт бўл, дегандек қичқириб, жонҳолатда олға — Катрина томон югурди, бироқ қаттиқ инграб, гандираклади-да, кучли зарбадан чалқанча ағдарилди. Югуриб келган Этьен уни кўтариб олиб кетмоқчи бўлди, лекин Мукетта фойдаси йўқ, тамом бўлдим, дегандек ишора қилди. Жон таслим қилаётган Мукеттани ҳиқичоқ тутаётган бўлса ҳам ниҳоят бу жуфт энди, мен оламдан ўтганимдан кейин бирга бўлишади, дея гўё қувонаётгандек Этьен билан Катринага қараб жилмайиб ётарди.

Ҳамма нарса тамом бўлгандек эди; ўқларнинг варанглаши узоқ-узоқларга, ҳатто посёлкадаги уйларгача бориб етди; бироқ қўққисдан яна кечикиб отилган бир ўқ овози янгради: нақ юрагидан ўқ еган Маэ турган жойида ўгирилди-ю, кўмирдан қорайиб кетган кўлмакка чалқанча шалоп этиб тушди.

Хотини тепасига келди-да, ҳеч нимага тушунмагандек:

— Эй чол, тур! Жароҳатланмадингми ишқилиб, ўқ тегмадими?— деди.

Қўллари Эстелла билан банд бўлганидан эрининг бошини кўтариш учун қизалоқни қўлтиғига тиқди.

— Қани, айт-чи, қаеринг оғрияпти?

Эрининг кўзларида нур сўнганди, лабларида қон кўпиги кўринди. Хотин эрининг ўлганини англади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

У боласини худди бўхчадек қўлтиғига қисиб, шуурсизлик билан эрига тикилганча лойда ўтириб қолди.

Шахта тозаланди. Капитан боя тош тегиб, айвони қийшайиб қолган шапкасини шартта бошидан олди-ю, яна кийди; ранги қув ўчиб кетган капитан энди тамом бўлдим, дегандек қимир этмай турарди. Унинг солдатлари эса ғуж бўлишиб, чурқ этмай милтиқларини қайтадан ўқлашарди. Қабулхона деразасидан қўрқиб кетган Негрель билан Дансартнинг афтлари кўринди. Уларнинг орқасида Суварин турарди; унинг пешонасини чуқур ажин кесиб ўтган бўлиб, гўё ана шу ажинлар миясига ўрнашиб қолган фикрларини акс эттирарди. Уфқнинг қарама-қарши томонида, тепа четида бир қўли билан таёғига суянган, иккинчи қўлини эса пастда яқин кишиларни қандай ўлдиришаётганликларини яхшироқ кўриш учун пешонасига қўйган Ўлмас бобо қоққан қозиқдек турарди. Жароҳатланганлар инграр, ўликларнинг баданлари совий бошлаганди, улар суюқ лойда ёки кўмир билан тўла қопқора чуқурларда ётишарди. Шу ерда, умр бўйи муҳтожликдан бошлари чиқмаган, ниҳоятда ориқ бўлиб кўринган бу одамларнинг муштдекгина мурдалари ичида Карнай деган отнинг хунук ва аянчли улкан гавдаси ҳам ётарди.

Этьен ўлмай қолди. У дармонсизлик ва қўрқувдан йиқилиб қолган Катрина ёнида ҳамон ниманидир кутиб турарди; бироқ шу он аллакимнинг баланд овози эшитилиб, Этьенни титратиб юборди. Бу аббат Ранвьенинг овози эди. У ибодатдан қайтиб келаётганди. Аббат қўлларини силкитиб, пайғамбарона важоҳат билан қотиллар худонинг ғазабига дучор бўлишсин, дея қарғаб келарди. У адолат салтанати ҳукмрон бўлади, буржуазия ёвузликларини ҳаддан ошириб, бу олам-даги бева-бечора меҳнаткашларни ўлдиргани учун жаҳаннам оташида куйиб кул бўлади, дея каромат қиларди.

ЕТТИНЧИ ҚИСМ

I

Монсудаги момақалдироқларнинг даҳшатли акс садолари Парижгача етиб борди. Оппозициячи газеталар тўрт кун мобайнида биринчи саҳифаларини даҳшатли хабарлар билан тўлдириб, ғазаб билан ёзиб туришди: йигирма беш киши яродор бўлган, ўн тўрт киши ўлган, шулардан иккитаси бола, учтаси хотин. Бундан ташқари қамоққа олинганлар ҳам бор. Левак чинакам қаҳрамонга айланиб кетди: терговчисига айтган гапларидан улуғвор антик давр нафаси эсармиш. Бу зарбалар қоқ пешонасига теккан империя ўз қудратини писанда қилгандек, воқеаларга ниҳоятда совуққонлик билан муносабатда бўлди; лекин империянинг ўзи олган жароҳатининг қанчалик оғирлигини ҳали тушуниб етмаганди. Буларнинг ҳаммаси гўё шунчаки оддий, аянчли ҳодиса, бир қора мамлакатда юз берган воқеадек туюларди; гарчи бу маълум даражада зарар етказса-да, жамоатчилик фикрини шакллантирадиган Париж кўчаларидан жуда узоқда эди. Бу ҳодиса тезда унутилади: Ширкат бу ишни бостибости қилиб юбориш ва чўзилиб, ижтимоий хавфга айланаётган забастовкани тезроқ бартараф этиш ҳақида расмий фармойиш олганди.

Чоршанба куни эрталаб Монсуга уч амалдор етиб келди. Шу чоққача юз берган қирғин туфайли шодлигини изҳор этишга ботина олмаган, нохуш воқеалардан кўнгли ғаш бўлиб турган шаҳарча енгил нафас олиб, ўзини балодан қутулгандек сезди. Ҳаво ҳам жўнашиб кетди; ҳамиша февраль бошида бўладигандек,

www.ziyouz.com kutubxonasi

кунлар очиқ, илиқ эди; қуёш тафтидан сирень бута-ларидаги куртаклар бўртиб қолганди. Ширкат уйидаги дераза қопқоқлари очилди, кенг бино қайтадан жон-ланди. Ўша ёқдан энди анча ёқимли миш-мишлар кела бошлади: гўё ҳалокатли воқеалардан ниҳоятда қўрқиб кетган Правление аъзолари бу ерга оталарча қучоқ очгани ва посёлкадаги ишчилар орасидаги адаш-ган кўмир қазувчиларни бағриларига босгани келган-мишлар. Энди, зарба берилиб, бу зарба улар кутгандан ҳам кучлироқ бўлиб чиққандан кейин улар ўзларини халоскорлар қилиб кўрсатишга уриниб қолишди. Улар жуда ажойиб, лекин кечиккан фармойишлар чиқа-ришди. Ҳаммадан аввал бельгияликларнинг жавобини беришди, буни ҳам ишчиларга жуда ён босгандек, ҳар томонлама писанда қилишди. Кейин шахталардан ҳар-бий соқчиларни олишди, чунки бостирилган забастов-качилар энди уларга ҳеч қандай хавф сололмасдилар. Ворёда йўқолган соқчи масаласини ҳам қўшиб, ишни бости-бости қилишди: ҳаммаёқни қидиришиб, ҳеч қа-ердан на милтиқни, на жасадни топа олишди; гарчи бунинг замирида бир жиноят яшириниб ётибди, деб шубҳаланган бўлсалар-да, солдат қочган бўлса керак, деган хулосага келишди. Улар эртанги кундан қўр-қиб, титраб, шалағи чиққан эски дунё биносига ёпи-рилган дарғазаб халойиқнинг енгилмаслигини тан олиш хавфли, деб ўйлаб, иложи бор ҳамма нарсани хаспўшлашга уринардилар. Аслини олганда, яраштир-рув тадбирлари уларнинг нуқул маъмурий ишлар би-лан шуғулланишларига халақит бермасди. Шаҳарда-гилар Денеленнинг яна Правлениега қатнаётганини, у ерда жаноб Энбо билан учрашаётганини билишарди. Вандам шахтасини сотиб олиш тўғрисидаги музока-ралар давом этарди; миш-мишларга қараганда, Дене-лен парижлик жанобларнинг шартларини қабул қи-лишга рози бўлган.

Бироқ маъмурлар деворларга ёпиштириб ташлаш-ган катта-катта сариқ хитобномалар бутун атрофда ҳаммани ҳаяжонлантириб қўйганди. Уларда йирик ҳарфлар билан ёзилган қуйидаги сатрларни ўқиш мумкин эди:

«Монсу ишчилари! Биз, кейинги кунларда ўзла-рингиз кўрган қайғули воқеаларга сабаб бўлган ада-

шувлар софдил ва яхши ниятли ишчиларни тирикчи-лик воситаларидан маҳрум қилишини истамаймиз. Ду-шанба куни эрталаб биз ҳамма шахталарни очиб қўя-миз, ишлар яна бошланиб кетгач, сизларнинг аҳво-ларингизга оид масалаларни синчиклаб, диққат би-лан қараб чиқамиз, мушкулларингизнинг баъзиларини ҳал қилиш мумкин бўлар. Биз адолатли ва амалга ошириш мумкин бўлган ҳамма талабларингизни ба-жариш учун қўлимиздан келганини қиламиз».

Шу куни эрталабнинг ўзидаёқ ўн минг кўмир қа-зувчининг ҳаммаси хитобномалар ёнидан ўтди. Ҳеч ким бир оғиз ҳам гапирмади, кўплар бошларини са-рак-сарак қилишарди, бошқалари бўшашиб қадам таш-лаб нари кетарди, лекин уларнинг эҳтироссиз чеҳра-лари қимир этмасди.

Шу чоққача Икки юз зағизғон посёлкаси саркаш-лик билан қаттиқ турганди. Шахталар лойини бўяган ўртоқлар қони у ёққа бошқаларнинг йўлини тўсиб қўйгандек эди. Пьеррон ва унга ўхшаган мунофиқ-лардан ўнга яқин одам ишга тушди. Уларнинг боришлари ва қайтишларига кўмир қазувчилар хўмрайиб қараб туришди-ю, лекин ҳеч қандай таҳдид қилиш-мади. Черков деворига ёпиштирилган хитобномага ҳеч ким ишонмади. Унда ҳисоб-китоб дафтарчаси ҳақида ҳеч нима дейилмаган: нима, Ширкат уларни қайтиб олишга йўқ деяптими? Таъқиблардан қўрқиш, обрўси анча-мунча тўкилган кишиларни ишдан ҳайдашга қар-ши биродарона ҳамкорлик ғояси барча кўмир қазув-чиларни аввалгидек маҳкам туришга мажбур этарди. Буларнинг ҳаммаси шубҳали эди, сабр қилиб туриш **керак**, Правлениедан келган жаноблар ниятларини **рўйирост айтганларидан** кейин ҳам шахтага қайтиш **мумкин-ку**. Посёлканинг пастак биноларидан садо чиқ-мас, **ҳатто очлиқ ҳам** қўрқинчли бўлмай қолганди. Монсу томлари устидан ўлим қанот қоқиб ўтдими, демак, омон қолганлар ҳам қурбон бўлишлари мум-кин-да.

Бироқ Маэларнинг азали уйи бутун посёлкадаги уйлар ичидаги энг қайғули, энг жимжит эди. Эрини қабристонга қўйиб келган Маэ хоним қайтиб тиши-нинг оқини кўрсатмади. У қирғиндан сўнг чалажон, лойга беланган Катринани уйига кўтариб олиб келган

www.ziyouz.com kutubxonasi

Этьендан хафа бўлмади. Она қизини ўринга ётқизиш учун йигитнинг кўзи олдида ечинтираркан, аввалига Катринанинг қорнига ўқ тегипти-да, деб ўйлади, чунки унинг кўйлаги қон эди. Лекин у гап нимадалигини кейин тушунди; бу шу даҳшатли кундан эси чиқиб кетиши натижасида кечикиб келган ҳайз эди. Ҳа, нима ҳам дерди, бу жароҳат айни муддао, чинакам мукофот — бола кўриши мумкин, кейин жандармлар унинг фарзандларини ўлдиришади! У Катринага ҳам, Этьенга ҳам бир оғиз гапирмади. Этьен қамоққа олиниши мумкинлигини билса ҳам, таваккал қилиб, Жанлен билан бирга ухлади. Рекийяр зиндонига қайтиш ҳақидаги фикр миясига келиши биланоқ юраги безиллаб, турмани афзал кўрди. Унинг аъзойи бадани жимирлашиб, бу қотилликларни чулғаб олган қоронғиликдан юраги орқасига тортиб кетарди. У ерда, пастда, тошлар тагида босилиб ётган солдатдан негадир қўрқарди. Бунинг устига Этьен турмани бошпанадек орзу қиларди,— мағлубият алами уни шу қадар эзиб қўйганди. Бироқ уни ҳеч ким ҳатто безовта ҳам қилмади, шу боисдан Этьен лоақал жисман чарчаш учун нима билан шуғулланишини билмай, кунларни бир азобда ўтказарди. Маэ хоним, ҳар қалай, вақт-вақти билан менинг уйимда нима бор сенларга деб сўраётгандек, унга ҳам, Катринага ҳам ўқрайиб қararди.

Яна ҳаммалари ғуж бўлиб ётишарди. Ўлмас бобо шу чоққача икки гўдакка қарашли ўринни эгаллаганди; энди улар Катрина билан бирга ётишарди, чунки бахтсиз Альзира энди букриси билан опасининг бақинига туртиб, халақит бермасди. Она айниқса ётганида ўрин бўшлигини ҳаммадан кўра кўпроқ ҳис этарди: энди ўрин ниҳоятда совуқ ва кенг бўлиб қолгандек туюларди. У ана шу бўшлиқни тўлдириш учун Эстеллани олиб ётиб, чакки қилипти, қизалоқ эрининг ўрнини боса олмасди. Шунда бева соатлаб овозини чиқармай йиғларди. Кейин кунлар аввалгисидек ўтаверди: яна аввалгидек нон ҳам, умид ҳам, ўлишнинг ҳам иложи йўқ эди. Қаерлардандир нималарнидир топиб келишарди, бироқ бу нарсалар шўрпешоналарга кулфат келтириб, уларнинг азоб-уқубат чекиб юришларини чўзарди холос. Уларнинг ҳаётида ҳеч нима ўзгармади; Маэ етишмасди холос.

Бева Маэнинг индамай юришини кўриб тўйиб кетган Этьен бешинчи куни тушдан сўнг уйдан чиқди-да, посёлканинг тош ётқизилган кўчасидан секин одимлаб кетди. Бекорчиликдан юраги сиқилиб кетган Этьен қўлларини шалвиратиб, бошини қуйи солганича, фақат бир нарсани ўйлаб, эзилиб, шу хилда айланиб юрарди. Ярим соатдан бери санқиб юрган Этьен бирдан алланечук бўлиб кетаётганини сезди: ўртоқлари уйларидан чиқишиб, уни кузатиб туришарди. Этьеннинг қолган-қутган обрўси ҳам солдатларнинг отишлари билан бирга кетиб бўлганди; энди у ҳар қадамда ёниб турган кўзларни учратмай иложи йўқ эди. У бошини кўтариб, эркакларнинг важоҳатли юзларини, дераза пардаларини кўтариб қараётган хотинларни кўрди. У мана шу озгина айбдан, ўқрайиб қарашлардан, очлик ва ёш тўкишдан кенгайиб кетган кўзлардан ўзини ноқулай сезди-ю, оёқлари каловланиб, юролмай қолди. Унинг орқасидан одамлар ичларида борган сари кўпроқ таъна, маломат қиларди. Этьеннинг назарида бутун посёлка кўчага чиқиб, ўзларининг бахтсизликларини унинг юзига солиб қичқирадигандек эди; у ана шундан қўрқди-да, бадани жимирлаб, орқасига қайтди.

Лекин у Маэлар уйига келиб кўрган воқеа таъбини жуда хира қилиб юборди. Ўлмас бобо қирғин куни икки қўшниси уни боши эгри ҳассаси майда-майда бўлиб ётган жойдан топиб олиб, уйига келтириб қўйганидан бери худди стулга сирачлаб қўйгандек, совуқ печь олдида ўтирарди: у яшин урган қари дарахтдек ётарди. Ленора билан Анри очликни сал босиш учун кеча карам қайнатилган эски кастрюлкани тарақлатиб қиртишлашарди, бева Маэ эса Эстеллани столга ўтқазиб қўйиб, Катринага мушт ўқталиб дўқ урарди:

— Қани, ўша гапингни яна бир қайтар, адо бўлгур! Ҳозир нима дединг, қайтар!

Катрина яна Ворёга бормоқчи эканлигини айтди. Ойлик олмай, онамга ортиқча юк бўлиб, бекорга жойни банд қилиб, кўзли кесакдек ўтираманми, деган фикр кундан-кунга ич-этини баттарроқ кемирарди. Агар Шавалнинг калтаклашидан қўрқмаганида-ку душанба куниёқ кетиб қоларди-я. Катрина ғўлдираб жавоб берди:

— Нима дейсиз? Ҳеч иш қилмасдан ўтириб бўлмайди-ку, ахир. Жилла қурса нон бўлади-ку.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Она унинг гапини бўлди:

— Менга қара, ҳой! Қайси биттанг биринчи бўлиб ишга борсанг, ўшани бўғиб ўлдираман... Йўқ, бу бориб турган гўсхўрлик-ку!.. Отасини ўлдирсин-да, болаларини ишлатсин! Йўқ, шу ҳам етар! Бундан кўра ҳаммангни ўша марҳумларга ўхшаб нариги дунёга жўнатишганинг яхши-да.

Узоқ вақт чурқ этмай келган хотиннинг дард-алами бугун шиддат билан отилиб чиқа бошлаганди. Катрина унга яхши маош олиб келармиш-а, гапини қаранглар-а! Ўттиз суга етар-етмас, агар бошлиқлар манави бандит Жанленга ҳам бирор иш топиб беришса, яна йигирма су. Эллик су, ахир етти жонни боқиш керак! Болалар фақат ейишни билишади. Бобо бўлса, боёқиш йиқилганида боши лат еганми,— худди меровларга ўхшайди; балки солдатлар ўртоқларини отаётганини кўриб, бутунлай жинни бўлиб қолгандир.

— Сизнинг ҳам тагингизга етишдими дейман, ота? Қўлларингиз бақувват бўлгани билан нима фойдаси бор; энди тамом бўлдим деяверинг.

Ўлмас бобо сўниқ кўзларини пирпиратиб, келинига қараб турарди. У соатлаб бир нуқтага тикилганча ўтираверарди, фақат полни ифлос қилмаслиги учун олдига қўйилган кулли тоғорага тупуришга ярарди холос.

— Ҳалигача унинг пенсиясини тасдиқлашмади,— давом этди Маэ хоним,— мен ишонаманки, улар рад этишади, ҳаммаси ўз билармонлигимиздан... Бас, тўйиб кетдим, бу одамлар бошимизга кўп кулфат солишди!

— Ахир улар эълонларида ваъда қилишяпти-ку...— эътироз билдирмоқчи бўлди Катрина.

— Уларнинг эълонларини мунча кўп пеш қиласан менга?.. Бу бир тузоқ — бизни илинтириб, тириклай ейишмоқчи улар. Бизни илма-тешик қилгандан кейин, албатта жилпанглашади-да...

— Хўш, унда қайга борамиз, ойи? Ахир улар бизни посёлкада қолдиришмайди-ку.

Маэнинг беваси ночор қўлларини ёзди. Қаерга ҳам боришарди? Унинг ўзи ҳам билмасди, ўйлашга ҳаракат ҳам қилмасди — бу фикрлар уни жинни қилиб қўяй дерди. Бирор бошқа жойга боришади-да. Кастрюлканинг тарақ-туруқи баттар жонини чиқарарди. Маэ аламини Ленора билан Анридан олди — уларга ташланиб, савалай кетди. Сирғалиб тушиб эмаклаган Эстелла ариллашни бошлади,— бу шовқинни янада кучайтирди. Она бир тарсаки уриб, уни тинчитди; уларнинг бахтига шу ҳам ўла қолса бўларди! У Альзирани эслади-ю, бошқа болаларига ҳам унинг қисматини тилади. Кейин деворга суяниб, кутилмаганда ҳўнграб юборди.

Этьен овутишга журъат этмади. Бу хонадонда унинг бир пуллик ҳам қадри йўқ эди: ҳатто болалар ҳам ундан шубҳаланиб, ўзларини олиб қочишарди. Лекин бахти қора беванинг кўз ёшлари унинг дилини вайрон қилиб юборгач, ғўлдираб деди:

— Келинг, қўйинг, қўйинг, руҳингизни туширманг! Бир иложини топармиз!

Бева Этьеннинг гапини эшитмади шекилли, саннайверди:

— Қашшоқлик! Ҳеч ақл бовар қилмайди! Манави даҳшатли қирғин юз бергунича бир амаллаб кунимизни кўриб юрувдик-ку. Қотган нон есак ҳам, ҳар қалай бирга эдик-да... Нима бўлди ўзи, худойим? Қайси гуноҳимиз учун бошимизга бунчалик кулфат солдинг? Бировимиз нариги дунёда, қолганларимиз у ёққа жўнашни орзу қиламиз... Албатта, отни аравага қўшгандек, бизни ҳам ишга боғлаб қўйишганди, нафсиламрини айтганда, бошимиз таёқдан чиқмади, бойлар уззукун сармояларини кўпайтириш билан овора дейиш ҳам инсофдан эмас, биз бўлсак, энди турмушимизнинг яхшиланишидан умидимизни ҳам узиб қўйдик. Умид бўлмаса, яшагинг ҳам келмас экан. Ҳа, ҳа, албатта, шундай давом этавермаслиги, бир оз нафасни ростлаб олиш ҳам керак эди-да... Нима бўлишимизни олдиндан билганимиздами! Фақат адолат талаб қилганинг учун шундай даҳшатли ғам-ғуссага дучор бўлсанг, сира ақлга сиғмайди!

Йиғи бўғзига тиқилиб, қаттиқ ғам-ғуссадан овози бўлиниб-бўлиниб чиқа бошлади.

— Қаёқдаги қаланғи-қасанғилар гирдикапалак бўлиб, бир оз сабр қилсанглар, ҳаммаси яхши бўлиб кетади, деб ваъда беришади... Лекин бошимизни айлантириб юборишди: кўрган-боққанимиз азоб-уқубат,

www.ziyouz.com kutubxonasi

беихтиёр йўқ нарсаларни кўнглимиз тусайди. Мен бўлсам орзуга айб йўқ, замона тинчлик бўлади, турмушимиз яхшиланади, деб ўйлаб юрибман; тўғри, бу сўзлар, худо билсин, осмонга учиб кетдими! Мана энди, белимиз сингани қолди, яна ўша қашшоқликка тушдик... Ҳаммаси ёлғон экан, ҳаммаси хаёлий нарсалар экан. Лекин кўрган-боққанимиз — қашшоқлик бўлди! Хоҳласанг мана шу, шу қашшоқликдан тил тортмай ўлавер, бунинг устига яна сийловиям бор: милтиқлардан варанглатиб отишади!

Этьен унинг ноласини тингларкан, ҳар бир томчи ёши юрагига таъна тошидек ботарди. Этьен орзу-умидлари чилпарчин бўлгач, ҳаддан ташқари ҳафсаласи пир бўлган бевани қандай овутишни билмасди. Она яна хона ўртасига чиқиб, Этьенга тикилди-да, ғазаби қайнаб кетганидан «сен»лаб гапира бошлади:

— Хўш, сен, сен ҳам ҳаммамизни лақиллатиб, энди шахтага тушмоқчимисан?.. Мен сенга ҳеч қандай таъна қилаётганим йўқ. Лекин сенинг ўрнингда мен бўлганимда, ўртоқларим бошига шунча кулфат солганим учун хафаликдан тарс ёрилиб ўлган бўлардим.

Этьен жавоб бермоқчи бўлди-ю, лекин диққати ошганидан елкасини қисиб қўя қолди: юрагинг туздай ачишаётганини ҳеч ким тушунмагандан кейин, баҳслашиб ўтиришнинг нима ҳожати бор? Этьен қаттиқ изтироб чекиб, яна айлангани чиқиб кетди.

Назарида унинг келишини посёлка аввалгидек кутаётгандай эди; эркаклар остонада, хотинлар — дераза олдида туришарди. Этьен кўчага чиқиши билан шовур-шувур эшитилиб, халойиқ тўплана бошлади. Тўрт кундан бери ҳамманинг юрагида йиғилиб қолган фисқу фасод гаплар энди юзага отилиб чиқай деб турганди. Этьенга мушт ўқталиб дўқ қилишарди, оналар жаҳл билан болаларига уни кўрсатишарди, чоллар дуч келиб қолишса, тупуришарди. Унга бўлган муносабат кескин ўзгарди,— Этьен мағлубиятнинг эртасигаёқ халқ орасида топган обрўси бутунлай кетганини, бемақсад узоқ чекилган азоб-уқубатлар туфайли туғилган қаҳру ғазабни кўрди. Очлик учун, ўртоқларининг ўлими учун Этьен жавобгардек эди.

Филомена билан бирга қайтаётган Захария остонада Этьенни туртиб, заҳархандалик билан деди:

— Э-ҳе, семириб кетибсан-ку! Бировларнинг ризқи ҳисобига семириш яхши бўларкан шекилли!

Левакнинг хотини остонага Бутлу билан бирга чиқиб турганди. У ўққа учиб ўлган ўғли Бебер ҳақида гап очиб, қичқирарди:

— Ҳа, ҳатто болаларни ҳам ўлдирадиган аблаҳлар бор экан. Ернинг тагидан бўлса ҳам топиб берсин боламни!

У турмада ўтирган эри ҳақида гапирмади: оилада унинг ўрнини Бутлу олганди. Айтгандай, у Левакни ҳам эслаб, қичқирди:

— Ҳа, ҳа! Бемалол сайр қилиб юрган разиллар ҳам бор, тўғри одамлар бўлса, ким билсин, қаерларда ўтирибди!

Ундан қутулмоқчи бўлган Этьен боғнинг нариги бошидан чопиб келаётган Пьерронга дуч келди. Бу жувон учун онанинг ўлими чинакам озодликка чиқиш бўлди, чунки эр-хотин бу баджаҳл кампирдан қандай қутулишларини билишмасди; қизлари, шу суюқ оёқ Лидияга ҳам аза тутиб ўтиришмади, қайта ундан қутулишгани ҳам соз бўлди. Аммо Пьеррон хоним қўшнилари билан ярашмоқчи бўлиб, улар билан бирга ҳаракат қилишга жазм этди:

— Менинг ойим-чи? Қизим-чи? Уларнинг орқасига биқиниб олганингни кўришибди, сенинг ўрнингга улар ўқ ебди!

Нима қилиш керак? Пьеррон хонимни ва бошқаларни бўғиб ўлдирсинми, бутун посёлка билан уришиб чиқсинми? Этьеннинг кўнглига бирров шундай гап келди. Унинг боши лўқилларди, энди у ўртоқларини ҳайвонга ўхшатди; улар шунчалик тўнка, гўл эканки, воқеаларнинг мантиқий ривожланишига ҳам уни айбдор қилиб кўрсатишлари мумкин эди, бу эса Этьенни хит қиларди. Қандай бемаънилик! Бу одамларни инсофга келтириш иложи йўқлигидан қийналиб кетган Этьен ҳақоратларга қулоқ солмасликка ҳаракат қилиб, қадамини тезлатди. Кўп ўтмай у қочишга тушди. У қайси уйнинг рўпарасига келса, одамлар қийқириб, мазах қилишар, уни қувлашар, овозларининг борича бақириб лаънатлашарди, чунки халқнинг нафрати шу қадар қайнаб тошганди. Уни эксплуататор, қотил, ҳамма бахтсизликларнинг ягона айбдори деб қоралашди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ранги бўздек оқарган, таъби хира бўлиб кетган Этьен оёғини қўлига олиб, посёлкадан қочди, орқасидан бир тўп одам келарди. Ниҳоят тош кўчага чиқишганида кўплари қолиб кетди. Бироқ баъзи бировлар зўр бериб уни таъқиб этарди, пастда, тепа тагида, «Авантаж»нинг рўпарасида эса уларга Ворёдан чиққан яна бир гуруҳ қўшилди.

Булар орасида Мук бобо билан Шаваль ҳам бор эди. Чол қизи Мукетта билан ўғли Мук вафотидан кейин ҳам отбоқарлигини қилаверди, чурқ этиб нолимади ҳам, бир оғиз шикоят ҳам қилмади. Этьенни кўргандан кейин эса тўсатдан ғазаби қайнаб, кўзларига ёш келди. Доимо тамаки чайнагани учун қорайиб кетган оғзини тўлдириб бўралаб сўка бошлади:

— Ярамас! Чўчқа! Шўр тумшуқ!.. Бахти қора болаларим хунини тўлайсан энди. Йўқ, башарангни дабдала қилишим керак!

Чол ердан битта ғиштни олди-да, иккига бўлиб, кетма-кет отди.

— Ҳа, ҳа! Ана унинг ҳолини кўринглар!— деб қичқирди Шаваль ҳовликиб тиржаяркан, бу интиқомдан хурсанд бўлиб.— Ҳар кимнинг ҳам навбати келади... Ҳа, ярамас, сичқоннинг ини минг танга бўлиб қолдими!

У ҳам ғишт-тош отиб, Этьенга ташланди. Атрофда ақл бовар қилмайдиган тўполон кўтарилди, ҳамма ғиштга ёпишди, уларни синдириб, худди солдатларни ўлдириш учун қандай тошбўрон қилган бўлсалар, Этьенни ҳам шундай майиб қилиш ниятида эдилар. Гангиб қолган Этьен энди қочиб кетишга уринмай, уларни гап билан тинчитиш мақсадида рўпараларида тураверди. Аввалги нутқлари, илгари ҳаммани ҳайратга солган гаплари ёдига келди. У илгари измидан чиқмаган итоаткор одамларни маст этган гапларни такрорлади. Бироқ Этьен обрўсининг таъсири кетиб қолгани учун ҳозир унга жавобан ғишт ғизиллаб келарди. Ғиштлардан биттаси унинг чап қўлини яралади; у ўзини катта хавф остида қолдириб, тисарила бошлади-да, «Авантаж» олдига келиб қолди. Раснёр анчадан бери остонада турарди.

— Кир,— деди у оддийгина қилиб.

Этьен тараддудланди: бу ерга бекинишнинг иложи йўқдек эди.

— Кира қолсанг-чи, улар билан ўзим гаплашаман!

Этьен маслаҳатга кўниб, хонага кириб яширинди, қовоқхоначи эса йўғон гавдаси билан бутун эшикни тўсиб олди.

— Тўхтанглар, дўстларим, эс-ҳушларингни йиғиб олинглар... Ўзларингиз жуда яхши биласизларки, мен ҳеч қачон сизларни алдаган эмасман. Мен ҳамиша тинчлик бўлсин дейман, агар гапимга кирганларингда, албатта, ҳозирги аҳволга тушмасдиларинг.

Раснёр бир маромда тебраниб, узундан-узоқ нутқини бошлади; чучмал илиқ сувга ўхшаган, одамлар онгига етиб борадиган гапларни қалаштириб ташлади. Унинг аввалги омади яна жуда юришиб кетди; у заррача ҳам қийналмай, мутлақо табиий ҳолда яна шуҳратини тиклаб олди, гўё бир ой илгари ҳеч ким унга бақирмаган, аблаҳ дея ҳақорат қилмагандай эди. «Тўғри! Қўшиламиз! Мана шундай гапириш керак!»— деган маъқулловчи овозлар эшитилди. Гулдурос қарсаклар янгради.

Этьен эшик орқасидан қулоқ солиб турарди; сўнгги умидлари ҳам чил-чил бўлиб, хўрлиги келди. У Раснёрнинг ўша ўрмонда бу халойиқ асло миннатдор бўлмайди, деб айтган дўқларини эслади. Бу қанақа ҳайвонлик? Бу қандай кўрнамаклик,— наҳотки у халққа сира хизмат қилмаган бўлса! Одамларнинг ичэтини кемираётган аллақандай бир бемаъни куч уларни гижгижлаётганди. Қутурган ва ўзларига ҳам зарарли ишлар қилаётган кишидан ғазабланиш ёнига ўзининг шармандаи шармисор бўлганини, шуҳратпарастлик орзуларининг фожиали бир ҳолга олиб келганини англаб, умидсизликка тушиш ҳам қўшилди. Нима қилиш керак? Наҳотки ҳаммаси тамом бўлган бўлса? Этьен ўша ерда, шамшодлар тагида ўз қалби билан уч минг кишининг қалби ҳамоҳанг тепганини эшитганини эслади. Ўша куни обрўси баланд, халойиқ измида эди, халойиқ уни ўз йўлбошчиси деб биларди. Ўшанда Этьен орзулардан маст эди: Монсу оёқлари остида эди, эрта-индин Париж ҳам тиз чўкади, ўшанда у депутат бўлиб, нутқлари билан буржуйларнинг расвосини чиқаради. У ишчининг парламент минбаридан сўзлаган дастлабки нутқини орзу қилади. Энди ҳаммаси барҳам топди! У ўзини бахти қора ҳис қил-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ди, ҳамманинг нафратига учради; ўша одамлар энди қўлларига тош олиб, уни қувлаб юришарди!

Шу пайт Раснёрнинг товуши янада баландроқ эшитилди:

— Зўрлик ҳеч қачон яхши натижа бермаган, дунёни бир кунда ўзгартира олмайсан. Сизларга ҳамма нарсани бирданига ўзгартириб бераман, деб ваъда қилганлар,— ё бачкана, ё бўлмаса муттаҳам одамлардир!

— Қойил! Яшанг!— қичқирарди халойиқ.

Хўш, айб кимда ўзи? Этьен ҳамон қийнаётган ўша саволни ўзига берарди. Ҳақиқатан ҳам ҳамма нарсага — ўзи ҳам қон ютаётган мана шу бахтсизликка, бировларнинг қашшоқлигига, бошқаларнинг ўлимига — нонсиз, қуруқ суяги қолган хотин-халаж ва болаларнинг оғир қисматига Этьен айбдорми? Бу даҳшатли манзара бир куни кечқурун, қирғиндан аввал бутун даҳшати билан кўз олдида намоён бўлганди. Лекин ўшанда ўртоқлари билан бирга уни ҳам аллақандай куч қўзғатиб қўйганди! Бунинг устига у ҳеч қачон уларга раҳбарлик қилмаганди, уларнинг ўзлари унинг кетидан эргашгандилар,— агар туғёнга келган халойиқ уни қисиб келмаганида, ўзи ҳеч қачон бундай ишни қилмаган бўларди. Ҳар бир зўравонлик ҳодисаси уни эзар, чунки уларнинг бирортасини ҳам у тасаввур эта олмасди, уларни хоҳламасди ҳам. Ахир, масалан, бир кун келиб, посёлкадаги мухлислари тош олиб, уни қувиб юришини ўйлабди дейсизми? Бу қутурганлар сен бизга тўқлик ва бекорчилик ваъда қилгансан, дея айблашиб, ёлғон гапиришарди. Виждон азобини босиш учун ўйлаб топган бу баҳона ва далиллар билан дилидаги ташвиш — шундай вазиятда ўзимни кўрсата олмадим-да, деган фикр ҳам қўшилиб кетди-ю, ҳар қандай типирчилаб қолган чаласавод каби Этьен ҳам шубҳага тушиб қолди. Ахир у сўнгги чорагача борди-ку, у ҳатто ўртоқларининг фикрига қўшилмади, улардан қўрқди, ҳар қандай қоида ва назарияни писанд қилмай, йўлидаги барча нарсани супуриб, яксон қилиб бораётган ана шу улкан оммадан, кўр ва енгиб бўлмас халқ оммасидан қўрқиб кетди. Бу нафрат секин-аста уни ўртоқларидан узоқлаштирди; уларни хушламай қўйди, унинг дидлари нозиклашиб, бутун вужуди билан юқорироқ турган синфга интилди.

Шу он Раснёрнинг товушини ҳаяжонли қичқириқлар босиб кетди:

— Яшасин Раснёр! Ҳақиқат бу ёқда экан, фақат унга қулоқ солиш керак! Яша! Қойил!

Қовоқхоначи эшикни ёпди, оломон тарқалди. Раснёр билан Этьен индамай бир-бирига қаради. Иккови ҳам елкасини қисиб қўйди-да, охири бир кружкадан пиво ичди.

Худди шу куни Пиоленада Негрель билан Сесилнинг унаштирилиши шарафига тантанали зиёфат берилаётганди. Бир кун аввал Грегуарлар ошхонанинг полини артиб, меҳмонхонадаги мебелларни тартибга келтириб қўйишни буюришганди. Мелани ошхонасида куйманар, иссиқ овқатлардан кўз-қулоқ бўлиб, хушбўй ҳидлари чордоққача чиқаётган қайлалар тайёрлар эди. Извошчи Франсис дастурхон тузашда Онорина кўмаклашади, боғбоннинг хотини идиш-товоқ ювади, боғбоннинг ўзи эса кичик эшикни очиб туради. Эски урф-одатлар билан яшайдиган бу бадавлат хонадон ҳеч қачон бунчалик дабдабани кўрмаганди.

Ҳаммаси кутилганидан ҳам яхши бўлди. Энбо хоним Сесилга жуда ийиб кетиб, монсулик нотариус бўлажак келин-куёвнинг бахти учун ичишни таклиф қилганида, хоним Негрелга қараб жилмайиб қўйди. Жаноб Энбо ҳам ниҳоятда сертакаллуф эди. Унинг қувноқ чеҳраси меҳмонларни ҳайратда қолдирди. мишмишларга қараганда, у забастовкани бостиришдаги ғайрати туфайли яна Правлениенинг ишончини қозониб, яқин орада Фахрий легион орденига тақдим этилармиш. Кейинги воқеалар ҳақида гапирмасликка ҳаракат қилишса ҳам, ҳамманинг қувончи бу кишиларнинг тантана қилаётганини фош этар, зиёфат эса расмий ғалаба шодиёнасига айланганди. Ниҳоят улар қутулишди, яна бемалол еб-ичишлари, бехавотир ухлашлари мумкин! Кимдир қонлари ҳали Ворё лойига сингиб кетмаган мурдаларга шама қилиб қўйди; бу сабоқ қайғули зарурат эди; Грегуарлар, энди ҳар бир кишининг бурчи посёлкаларга етказилган шикастларни даволашдан иборат, деб қўшиб қўйишлари биланоқ ҳамма тўлқинланиб кетди. Грегуарларнинг ўзлари эса яна аввалгидек хотиржам, саховатли кўринишарди; улар шахталарнинг тубида ювошликнинг асрий наму-

www.ziyouz.com kutubxonasi

наларини кўрсатаётган софдил шахтёрларнинг гуноҳларидан ўтишди. Энди ҳеч нарсадан қўрқмайдиган Монсунинг номдор гражданлари ёлланма меҳнат муаммосини ниҳоятда эҳтиёткорлик билан ўрганиш керак, деган фикрга келишди. Иссиқ овқат тортилиши билан ғалаба нашидаси авжга чиқди: жаноб Энбо епископнинг аббат Ранвье ишдан олингани ҳақидаги мактубини ўқиди. Маҳаллий буржуйлар солдатларни қотиллар, деб атаган руҳонийнинг кирдикорларини эҳтирос билан муҳокама қилишга тушди. Ширинлик тортилганда, нотариус ғоят кескин равишда мен ҳур фикрли кишиман, деб қолди.

Денелен иккала қизи билан келганди. У бу шоду хуррамликда хонавайрон бўлгани учун қайғураётганини яширишга тиришарди. Денелен бугун эрталаб Вандам концессиясини Монсу Ширкатига сотгани ҳақидаги ҳужжатга имзо чеккан эди. Ноилож қолган Денелен маъмурларнинг талабларига бўйсунишга мажбур бўлди; анчадан бери эҳтиёт қилиб келаётган бу ўлжани топшириб, қарзларини тўлашга етадиган пулни аранг топди. У пировардида ўзи учун манфаатли таклифни қабул қилди: бутун бойлигини сарфлаган ўша шахтанинг ўзида оддий хизматчи бўлиб, кузатиб юриш учун округ инженери бўлиб қолишга розилик берди. Майда корхоналар синадиган пайт келди, тўймас капитал бирин-кетин ямлаб-ютаётган айрим хўжайинлар йирик акционерлик жамиятларининг қудратли оқими остида қолиб, яқин ўртада саҳнадан тушиб кетишлари керак эди. Забастовка келтирган зарарларни Денеленнинг ёлғиз ўзи тўлаётганди, шунинг учун ҳам у жаноб Энбонинг ордени шарафига қадаҳ кўтараётганларни менинг инқирозим учун ҳам ичишяпти, деб ўйларди. Люси билан Жаннанинг ниҳоятда назокат билан муомала қилишлари унинг кўнглини бир оз кўтарарди; қайта тикилган кўйлаклар уларга жуда ярашиб турарди; пулни ёмон кўрадиган кўҳлик ва шўх қизлар дадалари хонавайрон бўлишига қарамай, хушчақчақлик билан кулишарди.

Меҳмонхонага қаҳва ичгани чиқишганда жаноб Грегуар холаваччасини четга тортиб, дадил иш тутгани билан уни табриклади.

— Нима ҳам қилардинг? Сенинг хатонг Монсудаги акцияларинг учун олган бир миллион франкингни тавакқал қилиб Вандамга сарфлаганингда. Сен ўзингга-ўзинг бениҳоя катта зарар етказдинг, бу бемаъни иш сени бутунлай хонавайрон қилди. Менинг акцияларим бўлса, қимирламай сандиқда ётди, ҳеч нима қилмасам ҳам, мени боқди, қолаверса, болаларим, набираларимни ҳам боқади.

II

Якшанба куни қоронғи тушиши билан Этьен ҳеч кимга сездирмай посёлкадан чиқиб кетди. Юлдузлар чарақлаган мусаффо осмон ерни кўкиш ёритарди. Этьен канал томон юрди-да, канал бўйлаб Маршьеннга қараб секин жўнади. Ўт босган сўқмоқдан юришни Этьен жуда севарди, бу йўл икки лье масофагача ўқдай тўғри кетган канал ёқалаб ўтарди, каналдаги сув эса эритилган кумуш лентадек олисларга чўзилиб кетарди.

У бу ерда ҳеч қачон жон зотини учратмаганди. Лекин бу сафар нафаси ичига тушиб кетди: рўбарўдан бир одам келарди. Юлдузларнинг хира ёғдусида иккала йўловчи юзма-юз бўлгандагина бир-бирини таниди.

— Э, сенмидинг!— ғўлдиради Этьен.

Суварин ҳеч нима демасдан бошини силкиб қўйди. Улар бир неча минут қимир этмай туришди-да, сўнг Маршьенн томон ёнма-ён кетишди. Ҳар бири ўз фикрлари билан банддек кўринар, гўё иккала йўловчи бир-биридан жудаям узоқда эди.

— Сен газеталарни ўқидингми, Плюшар Парижда ишларни дўндиряптимикан?— сўради ниҳоят Этьен.— Бельвил йигилишдан чиққанида, уни кўчада гулдурос қарсаклар билан кутиб олишибди. О, тумов бўлишига қарамасдан яна юқори кўтарилади-да энди! Энди у хоҳлаган нарсасига эришади!

Машинист елкасини қисиб қўйди. У вайсақиларни, хусусан сиёсат йўлига гўё адвокатлик соҳасида киргандек кириб, иш бошловчиларни ўлгудек ёмон кўрарди,— гап сотишдан уларнинг ягона мақсади — мўмайгина даромадли бўлиб олиш эди.

Этьен энди Дарвин таълимотини ўргана бошлаганди, у олимнинг беш сулик китобчасига йиғилган ва

www.ziyouz.com kutubxonasi

оммабоп қилиб баён этилган асарларидан парчалар ўқиганди. У ўқиб, яхши тушунмаган бу асарлардан яшаш учун курашнинг революцион ғояларини билиб олишга ҳаракат қилди; бу курашда ориқлар семизларни комига тортиб, қудратли халқ оммаси нимжон буржуазияни эзиб ташларди. Лекин Суварин жаҳли чиқиб, тенгсизлик илмий назариясининг алломаси Дарвин таълимотини, унинг аристократ-файласуфларгагина қўл келадиган машъум танланиш қонунини дастур қилиб олган ақли калта социалистларга ёпишиб кетди. Ўртоғи ўз фикрида қаттиқ турди-да, баҳслашиб, қуйидагича гипотезадан шубҳаланишини билдирди: айтайлик, эски жамият энди йўқ, унинг заррасини ҳам қолдирмай ювиб ташлашди дейлик; ахир ўшанда янги жамият куртак ёзиб, шу адолатсизликлар туфайли секин-аста чирий бошламасмикин? Бировлар хаста, бошқалар соғлом бўлади, эпчилроқ, ақллироқлари эса ҳамма нарсадан фойда чиқариб, бойиб кетаверади, бошқалар тўмтоқ ва ишёқмаслар эса яна қул бўлиб қолаверишади-да. Шундан кейин машинист абадий қашшоқлик манзарасини кўз олдига келтирди-да, жон-жаҳди билан қичқириб, агар инсон адолатли кунга ета олмаса, унда бутун инсоният чириб йўқ бўлиб кетсин, деди. Модомики, у ёки бу ижтимоий тузум ўзини оқламас экан, демак, бундай тузумни тугатиб, бironта ҳам тирик жонни қолдирмаслик керак. Шу гаплардан кейин улар яна жим бўлиб қолишди.

Суварин бошини эгиб, ўт устида узоқ юрди, у ўз хаёлларига шу қадар берилиб кетдики, у худди сомнамбулизмга* йўлиққан кишидек шундоққина қирғоқ лабидан жуда хотиржам юрарди. Кейин у худди арвоҳни кўргандек қўққисдан титраб кетди. У бошини кўтарди, ранги оппоқ эди, шундан кейин у ўртоғига қараб, секингина деди:

— Унинг қандай ўлганини сенга айтганмидим-айтмаганмидим?

— Кимни?

— Хотинимни, у ёқда, Россияда.

Суваринниng овози титрашидан, бундай эҳтиросиз жоҳилнинг бирдан шу қадар ғайритабиий ҳолга

* Уйқусираш касали.

тушиб, очиқ-ойдин гапирмоқчи бўлаётганидан тааж-жубланган Этьен мужмал ишора қилди. У Суварин маъшуқасини хотиним, деб юришини, унинг Москвада дорга осилганини биларди холос.

— Ишимиз барбод бўлди,— ҳикоясини бошлади Суварин кўкиш кўринаётган қатор дарахтлар орасида кумушдек товланаётган канал сувига бесаранжом кўзларини тикиб...— Биз ер тагида икки ҳафта ўтириб, темир йўл кўтармасини миналаштирдик, лекин подшоҳ тушган поезд эмас, пассажирлар поезди портлабди... Ўшанда Аннушкани қамоққа олишди. У ҳар оқшом деҳқон аёл кийимини кийиб, бизга овқат олиб келарди. Мина пилигини ҳам Анна ёққанди, чунки эркакни дарров пайқашлари мумкин эди... Мен одамлар орасига яшириниб, судда бошдан-охиригача қатнашдим; суд роса олти кун давом этди...

Унинг гапи бўлинди, йўтали тутиб, энтика бошлади.

— Икки марта қичқириб, одамлар устидан унга ўзимни отай дедим... Бироқ нима фойдаси бор? Бир одам камаярди, демак, бир курашчи йўқ бўларди холос. Ўзим ҳам унинг «йўқ» деяётганини шаҳло кўзларини менга тикканидаёқ сезгандим.

У яна йўталди.

— Энг сўнгги куни ҳам майдонда эдим... Шарилаб ёмғир ёққани учун одамлар ўнғайсизланишиб, эс-ҳушларини йўқотиб қўйишгандек эди... Аннушкага навбат келгунча тўрт кишини осиш учун роса йигирма минут овора бўлишди; улар тўртинчи кишини сира осишолмади, арқон узилиб кетаверди... Аннушка шундоқ ёнларида навбат кутиб турарди. У кўролмагани учун кўзларинқ жавдиратиб, одамлар ичидан мени изларди. Супачага чиққанимдан кейин у мени пайқади, шу лаҳзадан бошлаб бир-биримиздан кўз узмадик. Боёқиш ўлганидан кейин ҳам менга тикилишини қўймади... Мен шляпамни силкитиб қўйдим-да, кетдим.

Яна жимлик чўкди. Каналнинг оппоқ лентаси олисларга чўзилиб кетганди, икковиям секин одимлаб борарди; улар яна ўз ўйларига ғарқ бўлгандек эди. Оқариб кўринаётган сув нақ уфқда осмонни ёриб кирган нур чизиғига ўхшарди.

— Бу бизга жазо,— давом этди кескин, шиддатли товуш билан Суварин.— Биз бир-биримизни севмас-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лигимиз керак эди... Ҳа, бир ҳисобда унинг ўлгани ҳам яхши бўлди; унинг қонидан қаҳрамонлар бунёдга келади, менда эса қўрқувдан асар ҳам бўлмайди... Ҳеч кимимиз бўлмайди — на қариндошлар, на хотин, на дўст! Бир кун келиб, бировнинг жонини олиш ёки ўзингни қурбон қилиш керак бўлиб қолса, ҳеч нарсадан сесканмай, дадил ҳаракат қиласан!

Этьен тун салқинлигидан титраб, тўхтади. У баҳслашиб ўтирмай, шунчаки деди:

— Биз жуда узоқлашиб кетдик; қайта қолайликмикин-а?

У аввалгидек орқага, Ворё томонга секин юрди ва бир неча қадам босгач, қўшиб қўйди:

— Сен янги хитобномани кўрдингми?

У ўша куни эрталаб Ширкат томонидан ёпиштирилган катта сариқ плакатларни назарда тутган эди. Бу хитобномаларда муросасизлик яққолроқ сезиларди: эртагаёқ ишга тушган ҳамма шахтёрларга ҳисоб-китоб дафтарчаси қайтиб берилиши ваъда қилинганди. Ҳаммаси унутилади, ҳатто бошлиқлар ҳам афв этадилар.

— Ҳа, кўрдим,— жавоб берди машинист.

— Хўш, сен нима дейсан бунга?

— Менимча, ҳаммаси тамом... Пода яна шахтага тушаверади-да. Ҳаммаларинг қўрқоқсанлар.

Этьен жўшиб ўртоқларини оқлашга тушди: битта одам жасур бўлиши мумкин, аммо очликдан ўлай деяётган оломонда куч қаёқда. Улар битта-битта қадам босиб, Ворёга етиб келишди, қорайиб турган шахта олдида Этьен ҳамон ўзим конга асло тушмайман, аммо ишга борган ўртоқларимни кечиришга тайёрман, дея қасам ичарди. Кейин одамларнинг дурадгорлар шахта қопламасини тузатиб улгуришмади, деганларини эшитди-да, пастки қатламлардаги тупроқнинг тахталарни босиб тушиши ниҳоятда кучайиб, ишчиларни кон тубига олиб тушадиган кажава қопламага беш метрдан кўпроқ жойда тегиб ўтаётганлиги ростми-йўқми, шуни билгиси келди. Яна қовоғини солиб олган Суварин қисқа-қисқа жавоб қайтарарди. У кеча ишлаганида ҳақиқатан ҳам кажава тегиб ўтаётганди, ўша жойдан ўтиш учун машинистлар тезликни оширишлари керак эди. Бироқ бошлиқларнинг ҳаммаси жаҳл билан бит-

тагина гапни такрорлашарди: кўмир қазиб чиқариш керак, кейин тузатишади.

— Ўзинг ўйла ахир, зўрға турипти-ку!— пичирлаб деди Этьен.— Бир фалокат бўлмаса гўрга эди!

Суварин қоронғиликда хира кўринаётган шахтага тикилиб, хотиржамлик билан гапининг охирида деди:

— Тиргаклар бардош беролмаса, буни ўртоқларинг билиб олишади, ахир ўзинг ишга тушинглар, деб маслаҳат беряпсан-ку.

Монсу қўнғироқхонасида соат тўққизга занг урилди. Этьен бориб ухлайман, дегани учун Суварин ҳатто қўлини ҳам узатмай қўшиб қўйди:

— Хўп, хайр! Мен кетаман.

— Нега кетасан?

— Ҳа, кетяпман, ҳисоб-китоб дафтаримни олдим. Бошқа ёққа кетаман.

Этьен ҳайрон бўлиб, ҳаяжонланиб, унга қаради. Икки соат айланиб юрганларидан кейин Суварин бу гапни шунчалик хотиржамлик билан айтдики, Этьен тўсатдан жудо бўлиб қолиш хабаридан юраги қисилиб кетди. Улар иноқлашиб қолишиб, биргаликда озмунча изтироб чекишмаганди; қайта учрашмайдиган бўлиб жудо бўлсанг, ҳамиша оғир бўлади.

— Кетаман дегин... Қаёққа?

— Ўша ёққа. Ўзим ҳам билмайман.

— Ҳали кўришсак керак?

— Йўқ, кўришмасмиз!

Улар жимиб, бир-бирига нима дейишини билмай, бир неча дақиқа юзма-юз туриб қолишди.

— Ундоқ бўлса хайр!

— Хайр!

Этьен қишлоққа кўтарила бошлади, Суварин эса тескари бурилди-да, яна канал бўйлаб кета бошлади. Бир ўзи қолган Суварин бошини қуйи солганича тобора зулмат қўйнига кириб борарди; у тебранувчи тунги сояларнинг бирига ўхшарди. Вақт-вақти билан тўхтаб, узоқда чалинган соат зангини ҳисобларди. Ўн икки марта занг урилгач, Суварин канал бўйидан тушиб, Ворёга жўнади.

Бу вақтда шахта бўм-бўш бўлиб, Суварин уйқуси-раган ёлғиз штейгерни учратди. Иш бошланиши олдидан, соат иккида ўт ёқиларди. У аввал курткамни шкафда қолдириб кетибман, деган баҳона билан юқо-

www.ziyouz.com kutubxonasi

рига кўтарилди. Курткага асбоблардан қўлпарма, калта бўлсаям жуда бақувват арра, болға ва қайчи ўралганди. Сўнг у яна йўлга тушди. Бироқ у барак орқали юриш ўрнига зинага олиб чиқадиган тор йўлакка бурилди. У курткасини қўлтиғига қисганича лампасини ҳам олмай, секин пастга тушаркан, зинапояларни санаб, шахтанинг чуқурлигини ўлчаб борарди. У кажава уч юз етмиш тўрт метр чуқурликдаги қора тирсакка тегиб ўтаётганини биларди. У эллик тўрт нарвонни санаб, деворни пайпаслай бошлади, чиқиб турган ёғоч парчаларни сезди. Кажава тегадиган жой шу ер.

Сўнг Суварин ўз касбини яхши билган тадбиркор ишчидек чаққонлик ва уддабуронлик билан ишга киришди. У дарҳол қўшни бинога йўл очиш учун йўлакни тўсиб турган тахтани арралай бошлади. У тез ёниб ўчаётган гугурт ёруғида қопламанинг аҳволини, қанчалик тузатилганлигини билиб оларди.

Кале билан Валансьен оралиғида шахта қазилаётганида мислсиз қийинчиликларга дуч келинганди, айниқса водийнинг энг паст жойи билан баробар бўлган жуда кенг ерга ёйилиб кетган сизот сув чиқавериб роса қийнаган эди. Фақат тахта қопламанинг ўзи — худди бочка тахталарига ўхшатиб жипс қоқилган қоплама сув оқимини тўхтатиб, шахтани катта, қора тўлқинлари тўсиққа урилаётган шу кўллардан ажратиб турарди. Ворё шахтасини кавлаганларида иккита қоплама қилишга тўғри келганди; биринчи қоплама юқорига — худди булутдек сувни тортиб, шишиб, ёрилиб кетган бўр қатламлари атрофини ўраб олган майда қум билан оқ тупроққа қоқилган эди, иккинчиси эса, унинг пастига тўғридан-тўғри суюқлик сингари тўхтовсиз тўкилиб турган ундек майин сариқ қумга, тошкўмир қатлами устига қилинганди. Шимолий шахталарнинг офати «Оқим» ҳам — ер ости денгизи, ер сатҳидан уч юз метр чуқурликда қора тўлқинлари жавлон уриб, қутуриб ётган бўронли ва довулли, асов, беандоза денгиз шу жойда эди. Одатда босим ниҳоятда зўр бўлса ҳам қоплама дош бериб маҳкам турарди. Бу қопламаларга фақат яқин атрофдаги тоғ жинсларининг тўпланиб қолиши хавф соларди; улар эски йўлакларни узоқ вақт эксплуатация қилавериш натижасида қулаб тушиб, уюлиб кетарди. Бу кўчкилар

баъзан ҳатто ёриқлар ҳосил қилиб, секин-аста тиргаклар тагига етиб борарди-да, уларни оз-оздан қўзғатиб, шахта ичига суриб қўярди. Ҳамма хавф шундан эди — жинслар ўпирилиб тушиб, сув босиб кетиши, бутун шахта тупроқ ва сув остида қолиши мумкин эди.

Суварин ўзи тешиб ўтказган тахтага ўтириб олиб, қопламанинг тўртинчи тўсини жиддий шикастланганини аниқлади. Тахталар ромдан чиқиб кетган, баъзилари ҳатто жудаям лиқиллаб қолганди. Шахтёрлар паз деб атайдиган жуда кўп ёриқлар қоплама ёғочлари орасига тиқилган қорамойли латталар орқасидан кўриниб турарди. Дурадгорлар ишни тезроқ тугатишга ошиқиб, темир мустаҳкамлагичларни фақат бурчакларга қўйишганди, аммо бу ишни шунчалик эътиборсизлик билан қилишгандики, ҳатто айрим винтларни бурамагандилар ҳам. Орқада, ер ости денгизи билан туташган қумда бир кор-ҳол бўлаётгани аниқ эди.

Шунда Суварин қўлпарма билан темир маҳкамлагичларни сув шалоплаб урилиши билан чиқиб кетадиган қилиб бўшатиб қўйди. Бу ўтакетган ақлсизлик бўлиб, у иш пайтида бир неча марта тойиб, турган жойидан чоҳ тубига, бир юз саксон метр пастга учиб кетай деди. Кажава сирғалиб ўтадиган эман тахтасини ушлаб туришга тўғри келди. Суварин чоҳда осилиб, маълум масофада бирлаштирилган тўсинлардан сирпаниб борарди. У ўлимни ҳам писанд қилмай ўтирар, сирғанар, гоҳ тирсаги, гоҳ тиззасини тираб, энгашар эди. Хиёл ножўя ҳаракат қилса, учиб кетиши турган гап эди. У учиб кетмаслик учун уч марта тўсинни ушлаб қолди-ю, лекин заррача ҳам қўрқмади. У аввал қўли билан ёғочни пайпаслаб кўрар, ёпишқоқ ходалар орасида йўналишни йўқотиб қўядиган бўлса, гугурт ёқиб, иш бошларди. Суварин винтларни бўшатиб бўлиб, тахталарга ўтди, янада хавфлироқ бўлиб қолди. У бошқа тўсинлар маҳкамлаб қўйилган жойни изларди, ниҳоят уни топгач, жон-жаҳди билан унга ёпишди-да, қаршиликни камайтириш учун уни ёришга, арралашга, қиришга тушди. Тешик ва тирқишлардан сув ингичка бўлиб тизилиб отилиб, кўзини очирмай, ҳаммаёғини музлатиб юборганди. Икки гугурт донаси ўчиб қолди, бошқалари нам тортиб кетди; ҳаммаёқ қоп-қоронғи бўлиб қолди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Энди у бениҳоя тутақиб кетганди. Жала уриб турган мана шу кавакдаги кўринмас, қора даҳшат нафаси уни сармаст этганди; гўё ичига кириб олган иблис васваса қилиб, уни бузишга ундаётгандек эди. У қўлига илинган нарсага ташланарди-да, гўё уни бузиб, бошига ағдариш учун парма ва арра билан урарди. Суварин ўз ишини шунчалик жон-жаҳди билан қилардики, у жирканч махлуқ баданига пичоқ санчиб ўйнаётганга ўхшарди. Унинг нияти битта — жағини катта очиб, қанчадан-қанча одамнинг ёстиғини қуритган Ворёдаги ёвуз махлуқни ўлдириш эди. Суварин қўнғироқхона стропиллари орасида учиб юрувчи тунги қушдек чўзилар, эмаклар, пастга тушар, юқорига чиқар эди; фақат асбобларининг шарақ-шуруғи эшитиларди холос.

Суварин ишни тугатди-ю, аммо ичи чиқмади. Шунча ишни хотиржамлик билан қилса бўлмасмиди? У шошмасдан нарвонга қайтди, тахталари арраланган қопқоқни яна жойига қўйиб, тешикни беркитди. Шунинг ўзи кифоя эди: катта жой бузилса, ҳамманинг эътиборини жалб этади-ю, дарров уни тузатишга киришишади, у буни истамасди. Ёвуз махлуқ қорнидан яраланди, эрталабгача яшай оладими-йўқми, худо билади! Суварин ўз белгисини қўйди; даҳшатга тушган дунё бу шахта ўз ажали билан ўлмаганини билиб олади. У асбобларини хотиржамлик билан курткасига ўради-да, секин нарвондан кўтарила бошлади. У шахтадан киши билмас чиққандан кейин ҳатто кийимини ўзгартириши зарурлигиниям ўйламади. Соат учга занг урди. Суварин ниманидир кутиб, йўл ўртасида тўхтаб қолди.

Худди шу топда Этьен — у ҳали ухламаганди — хонанинг қуюқ қоронғилигида хиёл шитирлаган товушдан ташвишга тушди. У болаларнинг секин нафас олишларини, Ўлмас бобо билан бева Маэнинг хуррагини ажратди; ёнида ётган Жанлен чўзиб, найдек ҳуштак чаларди. Назарида шундай бўлди шекилли, у яна ётди. Лекин шитир-шитир яна бошланди. Тураётган киши ҳар қанча эҳтиёткорлик қилмасин, бари бир ичига похол солинган тўшак шитир-шитир қилди. Шундагина Этьеннинг миясига Катринанинг тоби йўқ шекилли, деган фикр келди.

— Сенмисан? Нима бўлди сенга?— шивирлаб сўради у.

Ҳеч ким жавоб бермади, ҳамма хуррак отарди. Беш минутча ҳеч ким қимир этмади. Кейин яна шитирлади. Бу сафар Этьен янглишмади; у рўбарўсидаги каравотни топиш учун қоронғида пайпасланиб, хонанинг у бошидан-бу бошига келди. У қизнинг уйғониб, ўрнида тин олмай ўтирганини пайқади-ю, ҳанг-манг бўлиб қолди.

— Хўш, нега жавоб бермаяпсан? Нима қиляпсан?

Ниҳоят қиз жавоб берди:

— Туряпман.

— Шу пайтда турасанми?

— Ҳа, ишлагани шахтага бораман.

Ҳаяжонланган Этьен матрацнинг четига ўтирди, Катрина эса унга ўз мулоҳазаларини айта бошлади. Мана шундай ишсиз, доим таънали боқишларга чидаб, бекор юравериш жонига тегиб кетибди; яхшиси ўша ёққа бориб, Шавалнинг тепкиларини егани маъқул. Олиб келган пулини онаси олмайдиган бўлса, нима ҳам қиларди, ўз кунини ўзи кўрадиган бўлиб қолди.

— Бор энди, мен кийинаман. Менга яхшилик қиламан десанг, ҳеч кимга айтма.

Бироқ у кетмади, белидан қучиб, шу билан ўз қайғуси ва раҳм-шафқатини изҳор қилди. Улар ичкўйлакда бир-бирининг пинжига кириб, ҳали тунги уйқу тафти кетмаган тўшак четида ўтиришаркан, ялангоч баданларнинг ҳароратини ҳис қилдилар. Ниҳоят қиз биринчи бўлиб, ўзини бўшатишга ҳаракат қилди ва Этьенни бўйнидан қучоқлаб олди-да, уни қўйиб юбормай, жон-жаҳди билан бағрига босиб, оҳиста йиғлай бошлади. Улар ўзларининг бахтсиз, қониқмаган севгиларини ўйлаб, бошқа ҳеч нимани истамай шу алпозда ўтиришарди. Наҳотки ҳамма нарса умрбод тугаган бўлса? Наҳотки бошлари очиқ бўлишига қарамай, улар ҳеч қачон бир-бирларини сева олишмаса? Уларга ҳали ўзлари ҳам тушуниб етмаган ҳар хил фикрлар туфайли қовушишга халақит бериб келаётган шарм-ҳаёни йиғиштириб қўйиш учун жиддаккина бахт кифоя эди.

— Бор, жойингга бориб ёт,— шивирлади Катри-

www.ziyouz.com kutubxonasi

на.— Мен чироқ ёқмоқчи эмасман, бўлмаса ойимни уйғотиб юборамиз... Вақт бўлди, мени қўйвор.

Этьен қулоқ солмай, эсини йўқотиб қўйган кишидек қизни қучоқлаб ўтираверди. Юраги ғам-ғуссага тўлганди. Тинчгина яшаш, енгиб бўлмайдиган бахт истаги бутун вужудини қамраб олганди. У ўзини уйланган, кичкина, озода уйда яшаётгандек тасаввур этди; унинг ягона орзуси ўша уйда Катрина билан бирга яшаш, бирга ўлиш эди. Улар ёлғиз нонга қаноат қилиб яшашади, борди-ю, ўша нон ҳам фақат бир кишига етарли бўлса, унда ўз тегишини унга беради. Бундан ортиқ нима ҳам керак уларга? Бундан ҳам катта бахт борми?

Шундай бўлса ҳам Катрина яланғоч қўлларини бўшатиб олишга уринарди.

— Сендан илтимос, мени қўйиб юбор!

Шунда қалб амрига қулоқ солган Этьен унинг қулоғига деди:

— Тўхтаб тур, мен ҳам сен билан бораман!

Этьен айтган гапига ўзи ҳайрон қолди. У шахтага тушмасликка қасам ичганди-ку. Тўсатдан оғзидан чиқиб кетган бу гап миясига қаёқдан келиб қолди? Ахир бу гапни сира ҳам ўйламаганди-ку. Энди у ўзини тамомила хотиржам, барча шубҳалардан бутунлай қутулгандай ҳис этиб, ниҳоят уқубатли аҳволдан қутулиш йўлини топиб, тасодифан омон қолган кишидек ўжарлиги тутиб кетди. Шунинг учун ҳам Катрина бу ишни фақат мен учун қиляпти, деб ўйлаб, борди-ю, Этьен шахтага борса, оқибати яхши бўлмаслигидан қўрқиб, хавотирланиб гапираётганида, унинг гапига қулоқ солмади. Бўлганча бўлар энди: хитобномаларда ахир ҳаммани афв этамиз дейилган-ку — шунинг ўзи кифоя-да.

— Мен ишлашни хоҳлайман, шунга қарор қилдим... Кел, кийинайлик, фақат товуш чиқарма.

Улар апил-тапил, ниҳоятда эҳтиётқорлик билан кийинишди. Катрина кечаёқ коржомаларини тайёрлаб қўйганди. Этьен ҳам шкафдан курткаси билан шимини олди. Тоғорани тарақлатиб юбормаслик учун ювиниб ўтиришмади. Ҳамма уйқуда, лекин она ётган торгина жойдан ўтишлари керак эди. Улар юришганда ишлари ўнгидан келмади — стулга қоқилиб кетишди. Она уйғониб кетиб, уйқу аралаш сўради:

— Э, ким у?

Катрина титраб, Этьеннинг қўлини маҳкам қисиб тўхтади.

— Бу мен, хавотирланманг,— жавоб берди Этьен.— Димиқиб кетяпман, очиқ ҳавога чиқиб келай.

— Майли.

Бева Маэ яна уйқуга кетди. Қўрқиб кетган Катрина қимир этмасди. Ниҳоят у пастдаги хонага тушди-да, Монсудаги бир хонимдан олиб, асраб қўйган бир бурда нонни иккига бўлди. Сўнг улар эшикни оҳиста ёпиб, чиқиб кетишди.

Суварин ҳамон йўл муюлишидаги «Авантаж» олдида турарди. У ярим соатдан бери кўмир қазувчиларнинг ишга кетаётганликларини кузатарди. Қоронғида уларнинг юзларини кўра олмаса ҳам, худди пода келаётгандек, бўғиқ тап-туп қилиб кетаётганларини эшитарди. Кушхона олдида туриб ҳўкизларни санаган қассобдек Суварин ҳам ишчиларни ҳисобларди. Уларнинг сони Суваринни ҳайратга солди; у кайфияти тушкунлигига қарамасдан, қўрқоқлар шунчалик кўп эканлигини ўйламаганди. Одамлар турнақатор бўлиб келишарди, Суварин эса қоққан қозиқдек ғоз туриб, тишларини қисиб, уларга тиниқ кўзларини тикарди.

Бироқ қўққисдан у титраб кетди. Юзларини яхши ажратолмай турган кишилар орасида биттасини юришидан таниб қолди. У олдинга юрди-да, уни тўхтатди:

— Қаёққа кетяпсан?

Этьен ўзини йўқотиб қўйиб, жавоб бериш ўрнига ғўлдиради:

— Ие, ҳалиям шу ерда экансан-да!

Бироқ шунга қарамай Этьен шахтага кетаётганига иқрор бўлди. Албатта, Этьен шахтага қайтмайман, деб қасам ичган, лекин шу аҳволда, юз йилдаям келмайдиган яхши кунларни кутиб, қўл қовуштириб ўтираверии мумкин эмас-ку. Бундан ташқари бошқа сабаблари ҳам бор-да.

Суварин унинг гапларини тингларкан, дағ-дағ титрарди. У Этьенни елкасидан олди-да, посёлка томон итариб:

— Уйингга қайт, мен шуни хоҳлайман, эшитдингми?!— деди.

Лекин шу пайт Катрина келиб қолди; Суварин уни

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳам таниди. Этьен менинг ишимга бировнинг аралашишига йўл қўймайман, дея унга эътироз билдирди. Машинист кўзларини ўйнатиб дам қизга, дам ўртоғига қаради, кейин қўлини силтаб тисарилди. Эркак киши аёлга кўнгил бердими, бўлди, уни тамом бўлди деявер, у жон фидо қилишга ҳам тайёр бўлади. Шу чоғ унинг кўзи олдидан Москвада осиб ўлдирилган маъшуқасининг сиймоси ўтмадимикин! Бу нарса унинг маъшуқаси билан кечган сўнгги лаззатли онлар хотирасини ҳам суриб чиқариб, ўзиникидек бўлиб қолган бировнинг ҳаёти учун жавобгарликдан озод қилди. Шу боисдан Суварин қисқа қилиб:

— Кетавер,— деди.

Этьен ўзини ноқулай ҳис этиб, хайрлашув чоғида бирор илиқ сўз айтишга ҳаракат қилди.

— Демак, кетасанми?

— Ҳа.

— Ундай бўлса, қўлингни бер, қария! Яхши бор, хафа бўлма!

Суварин совуқ қўлини узатди. Дўст ҳам, хотин ҳам керак эмас.

— Хайр, энди умрбод хайр.

— Хўп, хайр.

Суварин қоронғиликда қимир этмай, Ворёга тушиб кетаётган Этьен билан Катринани кузатиб қолди.

III

Соат тўртда конга тушиш бошланди. Дансарт энди лампахонада табелчи столида ўтириб, ишга келган ҳар бир шахтёрни дафтарга ёзиб, биттадан лампочка берарди. У ишга келганларнинг ҳаммасини қабул қилар, хитобномада ваъда қилинганича ҳеч кимга дашном бермасди. Шунга қарамай деразачадан Этьен билан Катринага кўзи тушган заҳоти титраб кетди ва рўйхатга олмайман демоқчи бўлиб оғзини очди-ю, лекин заҳархандалик билан чекланиб қўя қолди: э-ҳа, энг зўрлари ҳам бош эгиб келибди-да, а? Демак, Монсунинг энг зўр курашчиси нон сўраб ишга қайтган бўлса, Ширкатимиз бақувват экан-да? Этьен чурқ этмай лампочкани олди-да, Катрина билан бирга шахтага кетди.

Катрина қабулхонада ўртоқлари ёмон кутиб олишидан қўрққан эди. Аксига олиб у кираверишда кажава бўшашини кутаётган бошқа шахтёрлар орасида турган Шавални кўриб қолди. Одамлар йигирма чоқли эди. Шаваль хўмрайиб, унга томон юрди, лекин Этьенни кўриб тўхтади. Кейин у елкаларини қисиб, писанда билан кулиб қўйди. Майли! Ҳали совимаган ўрнини биров эгаллаган бўлса, унга нима! Садқаи сар, жуда соз! Бировларнинг сарқитидан ор қилмасангиз, бу сизнинг ишингиз, жаноб. Бироқ Шавалнинг заҳархандаси замирида рашк яширинганидан кўзлари чақнаб турарди. Бунинг устига ўртоқларидан ҳеч ким қимир этмади. Улар индамай ерга қараб, янги келганларга кўз қирларини ташлардилар, сўнг қўлларидаги лампочкаларни қисиб, катта бино ичида жавлон ураётган елвизакдан қалтираб, шахта чоҳига лоқайд қарашарди; эгниларида юпқа полотно курткаларидан совуқ ўтиб кетаётганди.

Ниҳоят кажава темир тормозларда тўхтади. Шундан кейин ишчиларга, кажавага чиқишларинг мумкин деб бақиришди. Катрина билан Этьен Пьеррон ва икки кончи чиқиб олган вагонеткага тушишди. Қўшни вагонеткадаги Шаваль шанғиллаб, Мук бобога Правление шахтани аблаҳлардан тозалаш учун қулай фурсатдан фойдаланади, деб гапирар эди. Бироқ кекса отбоқар ит кунини кўришга кўникиб қолганидан икки боласи ўлдирилганига ортиқ куймас эди. у фақат тақдирига тан бериб, қўл силтаб қўя қоларди.

Кажава қўзғалиб, қоронғиликка кириб кетди. Ҳеч ким чурқ этмасди. Қўққисдан, масофанинг учдан икки қисми ўтилгач, даҳшатли ғижирлаган овоз эшитилди. Темир ғажур-ғужур қилиб, қаттиқ силкинишдан одамлар бир-бирларига урилди.

— Жин урсин,— ғўлдираб деди Этьен,— нима бало, бизни гўшт қилишмоқчими улар? Мана шу касофат қопламани деб ҳаммамизни зиндон тубида чиритишмоқчи шекилли. Яна уни тузатиб қўйганмиз дейишади!

Кажава ҳар қалай тўсиқдан эсон-омон ўтиб олди. Кажава энди шариллаб турган сувга тушиб борарди; жала шу қадар кучли эдики, ишчилар сув шовқинига хавотирланиб қулоқ сола бошладилар. Демак, қопламанинг кўпгина жойи тешилган экан-да.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Нима гап, дея Пьеррондан сўрашди. Лекин бир неча кундан бери ишлаётган Пьеррон мени яна Ширкатга ёпишяпти, деб ўйлашмасин, дея чўчиб, ташвишини очиқ айтмай, шунчаки жавоб берди:

— Йўқ, ҳеч қанақа хавф йўқ. Ҳамиша шунақа ўзи. Албатта, ҳамма тешикларини бекитишга улгуришганича йўқ ҳали.

Сув шундоққина тепаларида билқилларди, ниҳоят улар шалаббо бўлиб, чоҳ тубига етишди. Штейгерларнинг биттаси ҳам нарвондан чиқиб, нима гаплигини билишни хаёлига ҳам келтирмади. Насос билан бир амаллашар, эртага кечаси мустаҳкамловчилар ҳамма қисқичларни қараб чиқишар, дейишди. Йўлакдаги қайта тиклашга оид ишлар ҳеч қандай фойда бермади. Инженер кончиларни янги йўлларга жўнатишдан олдин уларни беш кунгача мустаҳкамлашга доир зарур ишларга қўйишга қарор қилганди. Ҳамма жой босиб тушаётгандек эди; штольнялар шу қадар ишдан чиққандики, бир неча юз метр жойдаги тиргакларни тузатиш зарур эди. Шунинг учун ҳам пастда ўн кишилик командалар тузилди, уларнинг ҳар бирига биттадан штейгерни бошлиқ қилиб тайинлашиб, командаларни энг хавфли жойларга юборишди. Пастга тушиш тугагандан кейин ҳисоблаб кўришса, ҳаммаси бўлиб уч юз йигирма икки шахтёр, яъни шахта тўла эксплуатация қилинаётган пайтда ишлайдиган кишиларнинг тахминан ярми ишга келибди.

Шаваль энг охирида Катрина билан Этьен тушган командага кирди. Бу тасодиф эмасди; у ўртоқлари орасига яшириниб турди-да, кейин штейгерга атайлаб қорасини кўрсатди. Бу командани тахминан уч километр наридаги шимолий йўлакнинг охирини тозалашга юборишди; у ерда, юз берган ўпирилиш штольняларнинг биридаги ўн саккиз футли тармоқ йўлини тўсиб қўйганди. Қулаб тушган тоғ жинсларини чўкичлар билан майдалаб, белкураклар билан сидириб олишарди. Этьен ва Шаваль бошқа беш шахтёр билан йўл очишар, Катрина билан икки ёрдамчи ишчи эса тош, кесакларни қия штрекка қараб курашарди. Штейгер доимо ёнларида бўлганидан ишчилар деярли гаплашишмасди. Шунга қарамасдан Катринага ўралишиб юрган иккала йигит исталган лаҳзада бир-бирининг башарасига тушириб қолиши мумкин эди. Эски жазман менга бунақа фоҳиша керак эмас, дея Катринага тинчлик бермай, хўмрайиб турар эди. шу боисдан Этьен ниҳоят, жим бўлмасанг, жиғингни эзиб қўяман, деб Шавалга дўқ уришга мажбур бўлди. Улар бир-бирига қараганида ғазабдан кўзлари чақнарди; уларни ажратиб қўйишга тўғри келарди.

Соат саккизларга яқин Дансарт ишдан хабар олиш учун шахтани айлана бошлади. Афтидан, кайфияти жудаям ёмон бўлса керак, штейгерга заҳрини сочди: ҳеч нима қовушмаяпти, ёғоч қисмларнинг ҳаммасини тузатиш керак, бунақа иш ҳеч нимага ярамайди! У инженер билан бирга қайтиб келаман, деганча кетди. Дансарт Негрелни эрталабдан бери кутар, инженер нима учун келмаётганлигига тушунмас эди.

Яна бир соат ўтди. Штейгер тозалашни тўхтатиб, равоқни тузатишга буюрди. Ҳатто юккаш аёллар билан ёрдамчи ишчилар ҳам тахта тайёрлаб бериб туришлари керак эди. Команда бу ерда, йўлак тагида шахтанинг энг чеккасидаги, бошқа йўллар билан ҳеч қандай алоқага эга бўлмаган илғор бир отрядга ўхшаб қолганди. Узоқдан икки ёки уч марта шитоб билан ташланиб келаётган қадамни эслатувчи ғалати шовқин эшитилди; бу шовқин ишчиларни ҳушёр тортишга мажбур этди; нима гап экан ўзи? Гўё штольня бўшаб қолгану ўртоқлар тепага чиқиб олиш учун чопиб кетишяпти. деб ўйлаш мумкин эди. Бироқ шовқин жимжитликда тиниб қолди, шу боисдан ишчилар яна қулоқларини қоматга келтириб, болға билан дўқ-дўқ уриб, тахта қоқишга киришиб кетишди. Ниҳоят яна йўлни тозалашга тушишди; юккаш аёллар вагонеткаларни яна ғилдиратиб кетишди.

Бу сафар Катрина капалаги учиб қайтиб келдида, қия штрекда жон зоти йўқлигини хабар қилди.

— Мен чақирсам, ҳеч ким жавоб бермади. Ҳамма қочиб кетипти.

Бу хабар уларни шундай типирчилатиб қўйдики, ўн кишининг ҳаммаси асбобларини ташлаб қочишга тушди. Улар кўтарма машинадан жуда олисда, шахта тубида ташлаб қўйилганликларини ўйлаб, жинни бўлаёздилар. Улар: эркаклар, ўсмирлар, Катрина ва доим бақириб-чақириб юрган, энди эса узундан-узоқ

www.ziyouz.com kutubxonasi

йўлаклар жимжитлигидан ўлгудек қўрқиб, эси чиқиб кетган штейгер қўлларида лампочкалари билан турнақатор бўлиб чопишарди. Нима бўлди ўзи, нега ҳеч ким кўринмайди? Ҳамма ўртоқларни қочиб кетишга мажбур қилган нарса нима экан? Улар гарчи хавф таҳдид қилаётганини сезиб туришса-да, аниқ билмаганликлари учун баттар ваҳимага тушишарди.

Ниҳоят улар кўтарма машинага яқинлашганларида оёқлари остида сув шариллаб оқа бошлади. Энди улар чопишолмай, оёқларини зўрға-зўрға босишарди; бой берилган ҳар бир минут ўлим билан баробар, деган фикр ҳаммани эзарди.

— Э, жин ургур! Қоплама қулаб тушибди-ку!— қичқирди Этьен.— Шу ерда ҳалок бўламиз, деган-дим-а, сизларга.

Чоҳга тушаётган вақтидан бери ташвишлана бошлаган Пьеррон сув тобора кўпайиб бораётганини кўрди. Бошқа икки шахтёр билан вагонеткаларга кўмир ортаётган Пьеррон бошини кўтарди: юзига катта-катта томчилар тушди, қулоғи қаттиқ шанғилларди; бироқ у оёқлари остидаги чуқурлиги ўн метр келадиган ўра секин-аста сувга тўлиб бораётганини кўрганида титроғи янада кучайди. Сув чўян зиналарни кўмиб, пол тахталари орасидан чиқа бошлади. Бу нарса шундай оқим пайтида насос керагидан камроқ сувни тортаётганидан далолат берарди. Пьеррон машинанинг ҳансираётганини, ҳорғинликдан инқиллаётганини эшитгандек бўлди. Шундан кейин у Дансартни огоҳлантирди, Дансарт эса, жаҳл билан сўкиниб, инженерни кутиш керак, деди. Пьеррон гапиришга икки марта оғиз жуфтлади-ю, лекин шу Дансартдан маънили бир гап чиқармиди, деган андиша билан елкасини учириб қўйди холос. Хўп, нима бўпти! Сув кўтарилаётган бўлса, у нима қилсин ахир?

Мук бобо пайдо бўлиб қолди, у Ўктамни ишга етаклаб кетаётганди; у иккала қўли билан отнинг юганидан маҳкам ушлаб олганди, чунки қари уйқучи от бирдан икки олдинги оёғини осмонга кўтарди-да, бошини чоҳдан чиқиш томонга буриб, жонҳолатда кишнаб юборди.

— Сенга нима бўлди, доно жонивор? Нимадан бунча ташвишланасан?.. Э, сув оқаётганига дегин! Юр, юр, жонивор, буни сенга алоқаси йўқ.

Бироқ от титраб, безовталанаверди, чол уни зўрлаб чиғир ёнига олиб боришга мажбур бўлди.

Мук бобо билан от йўлак ичида кўздан ғойиб бўлган ҳамон ҳавода тарс этиб кетган товуш янграб, ўпирилишнинг чўзиқ шовқини эшитилди. Қопламанинг бир қисми қулаб тушганди; у бир юз саксон метр баландликдан ағанаб тушаётиб, ёнлама деворга илиниб қолганди. Пьеррон билан бошқа юкловчилар қочиб қолишди, эман тахта бўш вагонеткага гурсиллаб тушди. Шу ондаёқ бузилган тўғондан ошиб ўтаётгандек сув шариллаб оқа бошлади. Дансарт кўтарилиб, қарамоқчи эди, лекин гапини тугатмаёқ иккинчи тахта ағанаб тушди. Ҳалокат муқаррарлигини кўрган Дансарт кўтарилишга буйруқ берди, кўмир қазувчиларни огоҳлантириш учун штейгерларни ўнгирларга жўнатди.

Шундан кейин мисли кўрилмаган тўс-тўполон бошланди. Ҳамма йўлаклардан ишчилар турнақатор бўлиб югуриб келишарди, ҳамма имилламасдан кажавага чиқиб олиш учун бир-бирини босиб-янчиб, ўлар-тирилларига қарамай чопарди. Баъзиларнинг хаёлига ўзларини нарвонга уриш фикри келди, бироқ йўлак кўмилиб қолибди, дея бақириб қайтиб келишди. Кажава ҳар сафар юқорига кўтарилганда ҳамма юрагини ҳовучлаб турарди. Бу-ку ўтди-я, лекин кейингиси ўта олармикин, йўлни бекитиб турган тўсиқлар орасида қолиб кетмасмикин? Тепада бўлса, вайронгарчилик давом этар, бўғиқ гумбур-гумбур, ёғочларнинг қарсқурси, жаланинг тобора кучайиб бораётган шовқини эшитилиб турарди. Кўп ўтмай кажаваларнинг бири ишдан чиқди, чунки кўтарманинг ён ёғочлари синган бўлса керак, кажава сирғала олмай қолди. Иккинчиси шундай ишқаланиб кўтарилардики, пўлат арқонларнинг узилиб кетиши ҳеч гап эмасди. Пастда эса яна юзга яқин одам қолган бўлиб, ҳаммаси оғир нафас олар, сув ичида қолиб, қонли қўллари билан кажавага ёпишишар эди. Икки киши ағдарилиб тушган тахта остида қолиб ҳалок бўлди. Кажавага ёпишган учинчиси эса эллик метрча баландликдан йиқилиб, чоҳ ичида ғойиб бўлди.

Дансарт бир амаллаб тартиб ўрнатишга уринарди. У чўкични қўлига олиб, кимки гапимга кирмаса, шу

www.ziyouz.com kutubxonasi

билан бошига тушираман, дея дўқ урарди. У ҳаммани бир қатор қилмоқчи бўлди-да, юкчилар ҳамма ўртоқларни кажавага чиқаргандан кейин ўзлари кетишади, деб бақирди. Унга ҳеч ким қулоқ солмади, шунинг учун у биринчи бўлиб қочиб қолишга уринган, қўрқиб, ранги қув учиб кетган Пьерронни итариб юборди. Ҳар сафар кажава жўнатилганда Дансарт Пьерронга яхшигина мушт тушириб турди. Лекин катта штейгернинг тиши такирларди; бир минут ортиқча ҳаялласа — ўзи ҳам ҳалок бўлиши аниқ: тепадаги бор нарса ўпирилиб, тахталар ёппасига ажал ёмғиридек тўп-тўп тушаётганди. Ҳали бир неча ишчи кўтарма машина томон югуриб келаётган бўлса ҳам, Дансарт қўрқувдан эси оғиб, вагонеткага сакради, орқасидан Пьеррон чиққанида унга ҳам индамади. Кажава кўтарилди.

Шу лаҳза кўтарма машина томон Этьен билан Шаваллнинг командаси чопиб етиб келди. Улар кажаванинг ғойиб бўлаётганини кўришди-да, олдинга ташланишди, бироқ орқага қайтишга тўғри келди, чунки қоплама тамоман қулаб тушди: шахта босиб тушганди, кажава энди қайтиб келолмасди. Катрина дод солиб йиғлади, Шаваль ғазабдан бўғилди. Улар йигирма чоқли эди. Наҳотки бу ҳайвонлар уларни шу ерда қолдириб кетаверсалар? Ўктамни секин етаклаб келган Мук бобо отни юганидан ушлаб турарди. Иккови — чол ҳам, от ҳам — тиззадан юқорига чиқиб қолган сувнинг ниҳоятда тез кўтарилаётганидан ҳайрон эди. Этьен миқ этмай, тишини қисиб, Катринанинг қўлидан тутди. Йигирма чоқли кўмир қазувчининг ҳаммаси бошларини кўтариб, додлашарди, сув қуйилаётган, ҳеч қандай ёрдам кутиш мумкин бўлмаган шахта чоҳига, бекилиб қолган тешикка зўр бериб тикилишарди.

Дансарт тепага чиқиши билан югуриб келаётган Негрелни кўриб қолди. Аксига олиб Энбо хоним уни эрталаб ушлаб қолганди; тўй сарполари олмоқчи бўлган хоним сарпо баҳолари рўйхатини қараб чиқишга уни мажбур этганди. Соат ўн бўлиб қолувди.

— Хўш? Нима бўлди?— бақирди у узоқдан.

— Шахта тамом бўлди,— жавоб берди бош штейгер.

У тутилиб-тутилиб, ҳалокат ҳақида сўзлай кетди;

инженер унинг гапларига ишонмай елкасини учирди: э, қўйсангиз-чи, қоплама бир лаҳзада вайрон бўлиб кетарканми? У муболаға қиляпти; ўзим бориб кўришим керак.

— Пастда, албатта, ҳеч ким қолмаган бўлса керак, а?

Дансарт хижолат бўлди. Йўқ, ҳеч ким! Ҳар қалай ҳеч ким қолмаган бўлса керак; баъзилар кечикиб қолишган бўлишса ҳам эҳтимол.

— Хўп, ундай бўлса, ўзингиз нега кўтарилдингиз, жин ургур!— бақириб берди Негрель.— Одамларни ташлаб келиш мумкинми, ахир?

У ҳозироқ лампочкаларни санаб чиқишни буюрди. Эрталаб уч юз йигирма иккита лампочка тарқатилганди, ҳозир эса нақди — икки юз эллик бешта. Тўғри, баъзи ишчилар тўс-тўполон ва ваҳима пайтида лампочкаларимиз қўлимиздан тушиб кетди, дейишди. Йўқлама қилиб ҳам кўришди, бари бир одамларнинг сонини аниқлаш мумкин бўлмади; шахтёрларнинг баъзилари қочиб қолишган, айримлари эшитишмаганди. Ҳар ким йўқ ўртоқлар сони ҳақида ўз тахминини айтди. Йигирматами, балки — қирқтами одам етишмасди. Инженер фақат битта нарсага амин; шахтада, шубҳасиз, одамлар қолган; сувнинг шариллаши ва тахталарнинг тақ-туқига қарамай у одамлар фарёдини эшитди,— бунинг учун шахта чоҳи оғзига қулоқ солиш кифоя эди.

Негрелнинг биринчи қилган иши — жаноб Энбога одам юбориш ва шахтани ёпиш бўлди, лекин кечикканди; кўмир қазувчилар гўё ўпирилиш гулдураси таъқиб этганда Икки юз зағизғон посёлкасига югуриб бориб, у ердаги барча хонадонларни тўс-тўполонга солдилар. Хотин-халаж, қари-ю ёш осмонни доду фарёдга тўлдириб, турнақатор бўлиб югуриб келди. Уларни тўхтатиш, шахтани назоратчилар билан қуршаб олиш керак эди, акс ҳолда оломон зарур чоралар кўришга тўсқинлик қиларди. Шахтадан чиққан ишчиларнинг кўпчилиги ҳатто кийимларини ўзгартиришни ҳам ўйламай шу ерда қаққайиб туришарди. Энди, улар ўзлари ҳам сал бўлмаса қолиб кетай деган даҳшатли чоҳни кўришгач, юраклари орқасига тортиб кетди. Уларнинг атрофида уймалашаётган хотинлар

www.ziyouz.com kutubxonasi

ялиниб-ёлворишар, қолганларнинг исмларини билмоқчи бўлиб сўраб-суриштиришар эди. У-чи? Анавичи? Бу-чи? Ҳеч ким ҳеч нимани билмасди, ҳамма бир нималар деб ғўлдирарди, кўмир қазувчилар титраб-қақшар, бемаъни хатти-ҳаракатлари билан хира, даҳшатли арвоҳни ҳайдагандек бўлардилар. Бирпасда ҳаммаёқни одам босиб, йўлларни доду фарёд тутиб кетди. Тепада, уюм устида, Ўлмас бобонинг қоровулхонасида бир киши ерда ўтирарди. Бу Суварин эди; у кетмаганди, бўлаётган воқеаларни томоша қилиб ўтирарди.

— Отларини айтинглар! Отларини!— дея бақиришарди хотинлар кўз ёшларидан бўғилиб.

Негрель бирров кўриниб, қичқирди:

— Исмларини билишимиз биланоқ эълон қиламиз. Ҳали ҳеч нима бўлгани йўқ, ҳаммаси қутқазилади... Мана, ўзим тушаман.

Одамлар ҳаяжондан қотиб, жим бўлиб қолди. Ҳақиқатан ҳам, инженер дадиллик, хотиржамлик билан пастга тушишга тайёрланди. У кажавани ажратиб олишни, унинг ўрнига пўлат арқоннинг учига кўтарма бадьени бойлашни буюрди; сув лампочкани ҳўл қилиб юборишидан қўрқиб, бадьенинг тагига иккинчи лампочка илдирди.

Қўрқувдан ранглари ўчиб, дағ-дағ титраётган штейгерлар тайёргарлик ишларига кўмаклашардилар.

— Сиз мен билан бирга тушасиз, Дансарт,— деди шартта Негрель.

Сўнг у ҳаммаси қўрқаётганини, катта штейгернинг қўрқувдан маст кишидек қалт-қалт титраётганини кўриб, нафрат билан уни итариб юборди.

— Йўқ, сиз менга халақит берасиз... Яхшиси бир ўзим тушганим маъқул!

У арқон учига бойланиб, тебраниб турган тўргина бадьега чиқиб олди ва бир қўлига лампочка олиб, иккинчи қўли билан сигнал чизимчасини қисиб, машинистга қичқирди:

— Секинроқ тушир!

Машина ҳаракатга келди, ғалтаклар айланди, шундан кейин Негрель ҳамон бахтсизлар фарёди келиб турган чоҳ ичига тушиб ғойиб бўлди.

Шахтанинг юқори қисмида ҳеч нима шикастланмаганди. Негрель бу ернинг қопламаси яхши турганлигига ишонч ҳосил қилди. У кажавада тебрана-тебрана тирсакларни ёритиб кўрди; бу ердаги маҳкамлагичлар орасидан сизиб чиқаётган сув шунчалик кам эдики, унинг лампочкаси бемалол ёниб турарди. Бироқ у уч юз метр пастга тушиб, қуйи қопламага етганида, тахмин қилганидек лампочкаси ўчиб қолди. Энди у олдига осилиб, қоп-қоронғи шахтага тушиб бораётган лампочкадангина фойдаланиши мумкин эди. У довюраклигига қарамай, даҳшатли ҳалокатга рўбарў келгач, титраб, ранглари оқариб кетди. Бор-йўғи бир неча тахта жойида қолган, бошқалари эса ромлари билан ағанаб тушганди; катта-катта тешиклар пайдо бўлиб, улардан майда сариқ қум шувиллаб тўкиларди. Ер ости денгизининг суви эса бениҳоя ҳайқириб, тўлқинланиб, очиқ шлюз ёндорига интилгандек келиб уриларди. У тобора улканлашиб бораётган бўшлиқда йўқ бўлиб, гирдобсимон оқимлар ичида айланиб, яна ҳам пастроққа тушиб борарди. Остида ликиллаб бораётган қизил лампочка йўлни шунчалик ёмон ёритардики, Негрелнинг назарида пастда, лип-лип этиб ўтаётган соялар ичида кўрганлари кўча-ю, чорраҳалари билан бузилиб кетган шаҳарга ўхшарди. Бу ерда инсон зоти бирор иш қилиши мумкин эмасди. Унинг бирдан-бир умиди ҳалок бўлаётганларни қутқариш эди. У пастга тушган сари одамларниинг доду фарёди баландроқ эшитилаверди, бироқ шу пайт ўтиб бўлмайдиган тўсиқларга дуч келиб, тўхтаб қолди: парча-парча бўлиб кетган йўлак тўсиқлари, тахта, тўсинлар дабдала бўлган насос қолдиқларига қўшилиб, йўлни тўсиб қўйганди. У пастга қаради-ю, юраги қисилиб кетди; қўққисдан доду фарёд тўхтади,— афтидан бечоралар агар сув остида қолиб кетмаган бўлсалар, йўлакда тез кўтарилаётган сувдан жон сақлаган бўлсалар керак.

Негрель мени тортиб олинглар, деб сигнал арқонини тортишга мажбур бўлди. Кейин у тортиб олишни тўхтатиб туринглар, деб буюрди. Негрель сабабини била олмаган бу ҳалокат оқибатида пайдо бўлган ваҳимадан қутула олмасди. У ҳодисанинг сабабини аниқлаш мақсадида қопламанинг ҳамон маҳкам турган қисмларини кўздан кечира бошлади. Ёғочларнинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

бир-биридан маълум масофада арралангани, эговлангани уни ҳайратга солди. Ивиб кетган лампочка деярли ёритмасди, аммо Негрель тахталарни пайпаслаб кўриб, бу даҳшатли вайронгарчиликка қўлпарма билан арра ёрдам берганига аниқ ишонч ҳосил қилди. Кимдир шундай бўлишини хоҳлаб қолибди-да. Лол бўлиб қолган инженер жойидан қўзғалмади, лекин шу он яна тахталар қирсиллаб, ромлар пастга қулаб тушди, Негрелни ҳам илаштириб кетишига оз қолди. Негрелнинг ботирлигидан асар ҳам қолмади; бу қабоҳатни қилган одамни ўйлаши билан тепа сочи тикка бўлиб кетди. У бу ёвузликни кўрди-ю, шундай ақл бовар қилмайдиган ишнинг гуноҳкори гўё ҳозир ҳам қоронғиликда яшириниб, шу ерда юрибди, деб ўйлади-да, юраги орқасига тортиб, аъзойи бадани музлаб кетди. У қичқириб, жонҳолатда сигнал арқонини тортди; дарҳақиқат шошилиш керак эди, чунки юқорида, юз метрча баландда боши тепасида қоплама ёрилаётганини кўриб қолди: маҳкамлагичлар айланиб, ёриқлардан сув оқа бошлади. Энди бу ёғи бир неча соатда ҳал бўлади,— тиргаксиз қолган бутун шахта албатта босиб тушади.

Тепада Энбо сабрсизлик билан Негрелни кутарди.

— Хўш, нима гап?— сўради у.

Бироқ инженер гапира олмади, гандираклаб кетди.

— Бу бўлиши мумкин эмас, бунақа иш ҳеч қачон бўлмаганди... Ўзинг кўрдингми?

Негрель шубҳаланиб, атрофга алангларкан, ҳа, дегандай бошини иргади. У сўзларига қулоқ солиб турган штейгерлар олдида гапиришни истамай, жаноб Энбони ўн қадамча нарига олиб борди. Бироқ бу ҳам унга камлик қилди шекилли, уни янада узоқроққа бошлаб борди-да, ниҳоят унинг қулоғига суиқасд қилинганини, тахталарнинг тешилгани, арралангани, оқибатда шахта бўғизланиб, хириллаб ётганини гапириб берди. Директор ҳам ранги қув ўчиб, бундай жиноят ҳақида индамаслик лозимлигини сезиб овозини пасайтирди. Лекин Монсунинг ўн минг ишчиси олдида қўрқоқлигини ошкор қилмаслиги ҳам керак эди: унисини унда кўришади; шунинг учун ҳам иккови чоҳ ичида осилиб, ўз ҳаётини хавф остида қолдирган, шундай даҳшатли ишни қилишга юраги бетлаган азамат топилганидан ҳайратланиб, шивирлашишга тушди. Улар кимдир шахтани бузишга шунчалик қизиқиб қолганига сира тушуна олмасдилар; улар қилинган иш шундоқ кўриниб турган бўлса-да, ер юзидан ўттиз метр баландликдаги деразадан чиқиб, ғойиб бўлган жиноятчиларнинг жасоратига ишонишмагандек, бу ишга ҳам сира ишонгилари келмасди.

Жаноб Энбо штейгерлар ёнига келганида асаби қўзиганидан юзлари учиб турарди. Энбо жаҳл билан ишора қилиб, бинони дарров бўшатиб қўйишларини буюрди. Шахтадан одамларнинг чиқиб кетиши қайғули кўмиш маросимини эслатарди; ҳамма бўшаб, ҳамон қўққайиб турган, лекин ҳалокатга маҳкум бўлган улкан корпусларга қайрилиб қараб, индамай қадам босарди.

Директор билан инженер ҳаммадан сўнг қабулхонадан чиқишганда, халойиқ уларни яккаш ҳайқириб кутиб олди:

— Номлари! Номларини айтинглар! Отларини айтинглар!

Энди бу ердаги хотин-халаж орасида Маэнинг беваси ҳам бор эди. У кечаси шитирлаган овозни эшитганини эслаб, қизим билан хонанишин бирга кетишган, ҳозир албатта, шахтада бўлишса керак, деб ўйлади. Маэ хоним бу ерга югуриб келди-ю, ажаб бўлибди, қилмишларига яраша-да; тошбағир, қўрқоқларнинг жазоси шу, деди; шундай деса ҳам Маэ хоним титраб-қақшаб, биринчи қаторда турарди. Сирасини айтганда, энди шубҳаланмаса ҳам бўлади, атрофда бўлаётган гаплардан нима гаплигини билди. Ҳа, ҳа, Катрина ўша ерда қолган, Этьен ҳам,— ўртоқлардан биттаси уларнинг иккаловини кўрибди. Бироқ бошқалар тўғрисидаги фикрлар ҳар хил эди: йўқ, у эмас, аксинча, анави, балки Шавалдир? Ундоқ деса, ёрдамчи ишчилардан бири мен билан бирга кўтарилди, дея қасам ичди-ку. Левак билан Пьерроннинг хотинлари ҳам гарчи уларнинг яқинларидан ҳеч ким хавфли жойда бўлмаса-да, бошқалардан қолишмай додвой қилишарди. Биринчилар қаторида чиқиб олган Захария, гарчи кўриниши кулгили бўлса ҳам, кўз ёши қилиб, хотини билан онасини қучоқларди. Маэ хонимнинг ёнида турган Захария онаси каби қалти-

www.ziyouz.com kutubxonasi

рарди. У ҳам онаси сингари синглисига беҳосдан меҳри товланиб, то бошлиқлар бу нарсани тасдиқламагунларича Катринанинг ер тубида қолиб кетганига ишонишни истамас эди.

— Номлари! Отлари! Худо ҳаққи, отларини айтинглар!

Хуноб бўлиб кетган Негрель назоратчиларга ўшқирди:

— Уларни жим қилсаларинг-чи! Шу ҳам иш бўлдими. Ҳали ўзимиз ҳам билмаймиз-ку.

Икки соат ўтди. Аввалига бу тўс-тўполонда ҳеч ким бошқа шахталар, Рекийярдаги эски шахта ҳақида ўйламаганди. Жаноб Энбо одамларни Рекийяр шахтаси томонидан қутқаришга ҳаракат қилиб кўрамиз, деганди, шу ондаёқ шовқин кўтарилди: сув тошқинидан эски, ташландиқ қудуқдаги чириб кетган нарвонлардан бир амаллаб чиқиб, қутулиб қолган беш ишчи пайдо бўлди. Қутулиб қолганлар орасида Мук бобо ҳам бор, дейишганда, ҳамма: воажаб, деб ёқасини ушлади, чунки унинг шахтадалигини ҳеч ким хаёлига ҳам келтирмаганди. Қутулиб чиққан беш кишининг гаплари йиғи-сиғини кучайтирди холос. Ўн беш ўртоғимиз ўпирилишлар орасида адашиб қолишиб, кетимиздан кела олишмади, энди уларни қутқаришнинг иложи йўқ, чунки Рекийярни босган сув ўн метрдан юқори чиқди, дейишди. Энди ҳамманинг исми маълум бўлганди, куйиб-пишаётганларнинг дод-фарёди осмонни тутиб кетди.

— Уларга жим бўлинглар, десаларинг-чи! — деб такрорлади Негрель жаҳл билан.— Нарироққа боришсин! Ҳа, ҳа, юз қадамча нарига! Бу ер хавфли. Уларни ҳайданг, ҳайдаб юборинг бу ердан!

Бахти қоралар билан муштлашишга тўғри келди. Улар эса ҳалок бўлганларнинг исмларини яшириш учун бизни ҳайдашяпти, деб тушунишди. Штейгерлар ҳамма шахтёрлар хавф остида туришибди, деб эълон қилишгандан кейин одамлар ҳайратга тушиб, жим бўлишди-да, ниҳоят бир-бир босиб, узоқлаша бошладилар. Лекин уларни тутиб турувчи соқчиларни икки ҳисса кўпайтиришга мажбур бўлишди, чунки ҳамма ўйламай-нетмай, шахта томон ёпирилиб келарди. Йўлда мингга яқин киши тўпланди, одамлар ҳамма посёлкалардан, ҳатто Монсудан югуриб келишаётганди. Уюм тепасидаги киши, оқ-сариқдан келган, юзи қизларникига ўхшаган киши эса вақтни тез ўтказиш мақсадида кетма-кет папирос чекар, тийрак кўзларини шахтадан узмас эди.

Энди кута бошлашди. Пешин бўлиб қолганига қарамай ҳеч ким туз тотмаганди, ҳеч ким уйга кетишни ўйламасди. Қорамтир-кулранг осмонда қизғиш булутлар секин-аста сузарди. Раснёрнинг ҳовлиси тўсиғи ортидаги каттакон ит одамларнинг пишиллашидан безовталаниб, тинмай вовилларди. Одамлар эса секин-аста шахтани ҳалкадек қуршаб. қўшни участкаларни ҳам эгаллади. Доира марказида радиуси юз метр келадиган Ворё юксалиб турарди. Бу ерда гўё ҳамма нарса ўлиб битгандек эди,— жон зоти йўқ, тиқ этган товуш эшитилмасди. Эшик ва деразаларнинг очиқлиги Ворёни янада ҳувиллатиб юборганди. Елғиз қолиб, зериккан тарғил мушук лип этиб нарвонга чиқди-да, ғойиб бўлди. Генераторларнинг ўчоқлари афтидан ўчган бўлса керак, чунки қора булутлар остидаги баланд ғиштин мўрқондан аҳён-аҳёнда ҳалқа-ҳалқа тутун чиқарди, минора тепасидаги флюгер эса шамолда хиёл ғижирлаб, ғуссали товуши билан улкан биноларнинг ҳалокатга маҳкум этилганидан дарак берарди.

Соат иккиларгачаям ҳеч нарса ўзгармади. Жаноб Энбо, Негрель ва бу ерга югуриб келган бошқа инженерлар оломон олдида сюртук ва қора шляпа кийган бир гуруҳни ташкил этгандилар. Гарчи мадорлари қуриганидан оёқлари чалишиб кетаётган бўлсада, улар ҳам ҳеч қаёққа кетишмасди. Шундай ҳалокат олдида ожизликларини сезиб, аъзойи баданлари жимирлашиб кетарди. Улар ўсал ётган бемор тепасидаги одамлар каби кам гапиришарди. Чамаси юқори қоплама ҳам бутунлай ағдарилиб тушди, чунки узоқ жимлик орасида ўқтин-ўқтин жуда баланддан тушаётган нарсанинг бўғиқ гумбурлаши эшитилиб қоларди. Шахтага етказилган шикаст тобора катталашиб борарди; пастда бошланган вайронгарчиликлар энди ер бетига етиб келаётганди. Негрель тоқати тоқ бўлиб, нима бўлаётганини кўриш учун ўзи даҳшатли чоҳ тубига тушмоқчи бўлди; лекин шу он унинг елкасидан тутишиб: буни нима кераги бор, дейишди. У энди ҳеч ни-

www.ziyouz.com kutubxonasi

мага ёрдам бера олмасди. Ҳар қалай, шахтёрлардан бири соқчиларнинг кўзини шамғалат қилиб, баракка югуриб кетди; бироқ шу заҳоти қайтиб бамайлихотир чиқди: у ёғоч бошмоғини олиб келиш учун борганди.

Соат учга занг урди. Ҳамма нарса аввалгидек эди. Жала ёға бошлади, лекин оломон жойидан жилмади. Раснёрнинг ити яна вовиллай бошлади. Соат учдан йигирма минут ўтгандагина ер биринчи турткидан силкиниб кетди. Ворё титради-ю, лекин мустаҳкам бинолар қуламади. Шу ондаёқ ер иккинчи марта силкинди, шу боисдан ҳамма бирдан бақириб юборди. Қорайиб турган саралаш корпуси икки марта тебранди-ю, даҳшатли гумбурлаб ағанаб тушди. Оғир юк остида қолган тахталар синиб, кучли зарбадан парчапарча бўлиб учиб кетди. Шу лаҳзадан бошлаб ер тўхтовсиз титраб, кетма-кет силкинаверди; худди вулқон отилаётгандагидек, ер остидан гулдураган товушлар эшитиларди. Узоқдаги ит энди ҳурмас, балки худди зилзиладан дарак бераётгандек, аянчли ғингширди. Хотинлар, болалар — йиғилганларнинг ҳаммаси юз бераётган ҳодисага қарар ва ҳар сафар кесак-ёғочлар тепага отилганида ўзларини тутолмай, қичқириб юборишарди. Ўн минутга ҳам қолмай миноранинг шифер томи қулаб тушди, қабулхона билан машина корпуси катта-катта дарз кетди. Кейин шовқин тинди, вайронгарчиликлар тўхтади-да, яна сукунат чўкди.

Бир соат ичида Ворё худди ваҳшийлар армияси томонидан яксон қилингандек, ярим вайрона ҳолга келди. Энди ҳеч ким қичқирмасди, нари бориб, давра олиб турган томошабинлар анграйиб қараб туришарди холос. Саралаш хонаси вайронаси остида синган дастакларни, қайилиб, ёрилиб кетган тарновларни кўриш мумкин эди. Қабулхона тепаликка айланганди: ҳаммаёқда ғиштлар қалашиб ётарди, деворлар бўлак-бўлак бўлиб қулаб тушганди. Темир стропиллар эгилиб, тарнемиссия ўқи ярмисигача шахтага кириб кетганди; кажаваларнинг бири осилиб қолганди, унинг ёнида узилган пўлат арқоннинг учи ликиллаб турарди; вагонеткалар, чўян плита ва нарвонлар айқаш-уйқаш бўлиб ётарди. Фақат лампахонагина тасодифан омон қолипти: чап томонга териб қўйилган лампочкалар ялтирарди. Бино ичкарисининг бўлинган

жойида тош пойдеворга маҳкам ўрнатилган машина кўринарди: унинг мисдан ишланган қисмлари ярақларди, энли пўлат қисмлари бақувват мушакларга ўхшарди, осмонга кўтарилиб қолган каттакон дастак ўз кучини намойиш қилиб ётган баҳайбат махлуқнинг кучли тиззасини эслатарди.

Яна бир соат ўтди. Жаноб Энбо яна умид пайдо бўлаётганини сезди. Ер силкиниши тўхтаган бўлиши керак, машина билан қолган биноларни қутқариб қолишга уринса бўлади. Шунга қарамай яна ярим соат кутиш мақсадида шахтага яқинлашишни ман этди. Кута-кута тоқати тоқ бўлди, умидлари ташвишларини баттар кучайтирди, юраги дукиллаб ураверди. Уфқдан кўтарилган қора булутлар қоронғи тушишини тезлаштирди; қайғули кун, ер ости бўрони туфайли юз берган вайронгарчилик куни тугади. Одамлар бу ерда овқат емай, қимир этмай етти соат туришди.

Инженерлар эҳтиёткорлик билан олдинга юрган ҳам эдиларки, қўққисдан яна ер силкиниб, уларни тумтарақай қочишга мажбур этди. Ер ости гумбурлашлари нопокларни ўққа тутаётган даҳшатли замбарак наърасидек эшитиларди. Ер юзидаги сўнгги иморатлар бир-бирларини қулатиб ағанайверди. Силкиниш аввал саралаш хонаси билан қабулхона қолдиқларини улоқтириб юборди. Кейин қозонхона учиб кетди. Сўнг насос ҳарсиллаб турган тўртбурчакли минорага навбат келди,— минора ўққа учган кишидек гумбурлаб қулади. Шунда йиғилганларнинг кўзлари даҳшатли манзарага тушди: гўё мустаҳкам пойдевор устида узала тушиб ётган машина ажал билан олишиб, мушакларни таранг қилди; машина ўрнидан қўзғалди, қаддини кўтараётган улкан махлуқ тиззасига ўхшаган дастагини ростлади; лекин бу жон талвасаси эди. Машина дабдала бўлиб, чоҳ тубига тушиб кетди. Фақат ўттиз метрлик труба бўрон вақтидаги мачтадек чайқалиб турарди. У ҳам майда-майда бўлиб учиб кетади, деб кутиб туришди; бироқ у қўққисдан эриб битган улкан шамдек бутунлай ер қаърига кириб гойиб бўлди, ўрнида ҳеч нима қолмади; ҳатто яшин қайтаргичи ҳам кўринмасди. Бу жойга бекиниб олган, шунча одамларнинг ёстиғини қуритган ваҳший ҳайвоннинг ҳам куни битди; унинг чуқур, оғир нафас

www.ziyouz.com kutubxonasi

олиши тўхтади. Ворё бутунлай чоҳда ғойиб бўлди.

Оломон дод-фарёд қилиб тарқалди. Хотинлар кўзларини юмиб қочишарди. Ваҳима худди хазонни тўзитган қуюндек одамларни ҳар томонга тарқатиб юборганди. Ҳеч ким қичқиришни истамаса ҳам, ҳар қалай ҳамма оғзи кенг очилиб турган ўрани кўриб, даҳшатга тушиб, қўлларини силкитар, кекирдакларини йиртиб бақиришар эди. Сўнган вулқон кратерининг чуқурлиги ўн беш метр бўлиб, диаметри қирқ метрга бориб қолган канал ўзанига етган эди. Бинолардан сўнг бутун тўртбурчакли шахта — улкан кўприклар, тўла вагонеткалар поезди, вагон, ғамлаб қўйилган ўтин — ҳаммаси ўпирилиб тушганди; ер қари дарахтларнинг узун таналарини ҳам худди хасдек ютганди. Ҳалокатдан кейин бу чуқур тубида айқаш-уйқаш бўлиб ётган хода, ғишт, темир, оҳак, қўрқинчли, қийшайиб-бураліб, булғаниб кетган парча-пурча нарсалардан бошқа ҳеч нимани ажратиб бўлмасди. Ўра оғзи думалоқ бўлиб, ундан ҳар томонга дарз кетиб, далаларгача бориб етганди. Кичкина дарзларнинг бири Раснёр уйигача бориб етди, уйнинг олд томони ёрилиб кетди. Посёлканинг ўзини ҳам ер ютмасмикин? Кулранг булутлар ўз оғирлиги билан бутун оламни босиб эзмоқчи бўлиб турган шу даҳшатли кун охирида хавотирсиз бўлиш учун қаергача қочиб бориш керак?

Бироқ тўсатдан эси чиқиб кетган Негрель бақириб юборди. Ҳамма қатори чекинган жаноб Энбо ҳўнграб йиғлади. Ҳалокат ҳали тугамаганди; канал қирғоғи дарз кетиб, сув шовиллаганича шахта тармоқларидан бирига югурди: бутун канал суви жарга тушган шалоладек ўша ёққа кетадигандек эди. Шахта канал сувини ичмоқчи эди; шу боисдан унинг йўлакларини узоқ йиллар сув босиб ётади. Кўп ўтмай бутун кратер сув билан тўлди, бир вақтлар Ворё қад кўтариб турган ер тубида бадбахт шаҳарлар ётган кўлларга ўхшаган ифлос кўл пайдо бўлди. Даҳшатли сукунат чўкди, ер қаърида сувнинг билқиллаши эшитиларди холос.

Шунда Суварин сирғанчиқ уюм тепасидан турди. У бева Маэ билан Захарияни таниб қолди. Улар пастда қийналиб ўлишга маҳкум этилган бечоралар бошига бутун оғирлиги билан тушган фалокат туфайли

ҳўнграб йиғлашарди. Суварин сўнгги папиросини ташлади-да, орқасига қарамай, бошланган тун қоронғисида одим отиб кетди. Унинг қора гавдаси секин-аста кичрайиб, охири қоронғиликда кўринмай қолди. Унинг қаерга бориши номаълум эди, одатдагидек хотиржам борарди, у ҳали динамити бор жойга — шаҳарларни портлатиб, одамларини қирса бўладиган жойга қараб кетаётганди. Жон талвасасида тўлғонаётган буржуазия Суваринниинг ҳар қадамида кўча тошлари осмонга учганини эшитганида, бу вайронгарчиликлар унинг иши эканини билиб олади.

IV

Жаноб Энбо Ворёда ўпирилиш рўй берган куннинг эртасига тундаёқ ҳалокат ҳақидаги хабарлар газеталарда пайдо бўлмасидан олдин маъмурларни шахсан огоҳлантириш ниятида Парижга жўнади. Бир кун ўтгач, мутлақо хотиржам қайтиб келди-да, яна одатдаги совуқ, амалдорларга хос муомаласини қилаверди. Ҳақиқатан ҳам у бир амаллаб гарданидан масъулиятни соқит қилди, афтидан, Правлениенинг ҳам ихлоси заррача қайтмаганга ўхшайди. Аксинча, эртасигаёқ уни Фахрий легион ордени билан мукофотлаш ҳақидаги қарорга имзо чекилди.

Гарчи директор осонгина қутулган бўлса-да, Ширкатнинг ўзи бу даҳшатли зарбадан қаттиқ довдираб қолди. Гап бир неча миллион франкка борадиган зарарда эмасди,— йўқ, бу яллиғланиб турган жароҳат бўлиб, эртанги кундан қўрқиш, келажакка ишонмаслик эди, ахир бутун бошли бир шахта ер юзидан ғойиб бўлди-да. Ширкат ларзага келганди, аммо у бу воқеа атрофида шов-шув бўлмаслиги зарурлигини янада қаттиқроқ ҳис қилди. Бундай даҳшатли воқеаларни кавлаштиришдан не фойда? Борди-ю, ана, бадкирдорни топишганда ҳам, уни жафокаш фидойига айлантиришнинг нима ҳожати бор? Бунақаларнинг қаҳрамонлиги бошқаларнинг бошини айлантириб, ўт қўювчи каззоблар билан қотиллар тўдасини пайдо қилади, бунинг устига Ширкат ҳақиқий айбдор бир киши эканлигини хаёлига ҳам келтирмаганди, балки бу қабоҳатни жуда кўп одам тил бириктириб қилган, деб

www.ziyouz.com kutubxonasi

тахмин қиларди: битта одамнинг юрак бетлаб, шу ишни қилишга кучи етишига ақл бовар этмасди. Ширкат асосан шундай тахмин қилиб, шахта атрофида катта хавф туғилиб боряпти, деган фикрга ёпишиб олди. Директор жосусларни кўпайтириш, сўнг жиноятга дахлдор барча хавфли унсурларни зимдан, битта-битталаб йўқ қилиш ҳақида буйруқ олди. Юқори даражадаги сиёсий эҳтиёткорлик нуқтаи назаридан шундай тозалаш ўтказиш билан кифояланишга тўғри келди.

Фақат бир киши — катта штейгер Дансарт ишдан дарҳол бўшатилди. Пьерроннинг хотини билан бўлган жанжалдан бери Дансарт шахтада ёмон кўриниб қолганди. Шунинг учун ҳам уни ҳалокат пайтида ўзини жуда ёмон тутди, энг разил қўрқоқлардек ўртоқларини ташлаб қочди, дея айблашди. Иккинчи томондан, бу — уни ёмон кўрувчи шахтёрларга пинҳона ён босиш ҳам эди.

Бироқ халқ орасида нохуш миш-мишлар тарқалди, шунинг учун ҳам Правление гўё забастовкачилар бир бочкача порох билан шахтани портлатишипти, деган хабарга раддия ёзиб, матбуотга юборишга мажбур бўлди. Давлат инженери юзаки сўроқ ўтказиб, ёзган докладида — қоплама табиий равишда чириб, тупроқ босими натижасида қулаб тушди, деган хулосага келди. Ширкат эса яхши қаралмаган, деган айбни бўйнига олиб, индамасликни маъқул кўрди. Ҳалокатнинг учинчи куни Париж газеталарининг ҳодисалар ҳақидаги устунлари анча кўпайганди; ҳамма гап шахта тубида қолиб ўлган ишчилар ҳақида борарди, ҳар куни эрталаб телеграммаларни ташналик билан ўқишарди. Ворё номини эшитишлари билан монсуликлар ҳам даҳшатга тушиб, тилдан қолишарди. Бу ҳодиса ҳақида афсоналар тўқилди, ҳатто энг дадил кишилар ҳам уни овозлари титраб, бир-бирларининг қулоқларига айтишарди. Бутун округ ҳалокат қурбонларига буюк ҳамдардлик изҳор қилиб, вайрон бўлган шахта ёнига зиёратга келишарди; оила-оила бўлиб, тирик кўмилганлар устидан вазмин қадам ташлаб айланиб юришарди.

Эндигина округ инженери қилиб тайинланган Денелен худди ҳалокат юз берган вақтда ўз вазифасини

бажаришга киришганди. Унинг биринчи ташвиши канални аввалги ўзанидан оқизиш бўлди, чунки сув оқими соат сайин кўпайиб, хавф-хатарни кучайтирарди. Катта иш қилиш лозим эди, шу боисдан шу заҳоти Денелен тўғон қуриш учун юз ишчини юборди. Сув дастлабки тўсиқларни икки марта бузиб кетди. Насослар қўйишди; бу шиддатли жанг бўлиб, сув остида қолиб кетган ер қадам-бақадам қайтадан қўлга киритилаётган эди.

Бироқ кўмилиб қолган шахтёрларни қутқариш ишлари янада кўпроқ ташвишлантирарди. Негрелга бу иш учун ҳамма куч-ғайратни сарфлаш вазифаси топширилганди; бу ишга ишчи кучи етишмайди, деб бўлмасди; биродарлик туйғулари жўш уриб турган кўмир қазувчилар унинг олдига бориб хизматга шайлигини билдирдилар. Улар забастовкани унутишди, ҳатто маошни ҳам суриштиришмади; уларга ҳақ тўлашмаса ҳам бўларди, улар ўртоқлари ўлим хавфи остида қолганлари учун ихтиёрий равишда жонларидан кечаётгандилар. Ҳамма қўлига асбоб-ускунасини олиб, қазийдиган жойни кўрсатишларини ҳаяжонланиб кутиб турарди. Ҳалокатдан сўнг қўрқиб касалга чалинган, узлуксиз даҳшатлардан асаблари бузилиб, тутқаноқ бўлиб қолган кўп кишилар совуқ терга ботиб, ер билан жанг қилгани, гўё ундан нима учундир ўч олгани шахтага оқиб борарди. Лекин бахтга қарши уларнинг ҳаммаси: «Нима қилган фойдалироқ?» деган саволга жавоб тополмай гангиб қолдилар. Нима қилиш керак? Пастга қандай тушиш мумкин? Улкан тошларни қай томондан тешиш керак?

Негрель ҳам бу бечораларнинг биттаси ҳам тирик қолмайди, деган фикрда эди; шубҳасиз, ўн бешови ҳам ё чўкиб ўлган, ё бўғилиб ҳалок бўлган. Бироқ шахталарда ҳалокат рўй берса, ичида кўмилиб қолганларни тирик, дея гумон қилиш одати бор. Шунинг учун Негрель ҳам шу тахминга кўра ҳаракат қилди. У ўз олдига аввало улар яширинишлари мумкин бўлган жойни аниқлаш вазифасини қўйди. У маслаҳатлашган штейгерлар билан кекса шахтёрларнинг фикри бир жойдан чиқди: ер силкиниши бошлангунча кўмир қазувчилар, албатта, мумкин қадар юқорироққа, энг тепароқдаги қатламларга чиқиб олишга ури-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ниб, йўлакдан-йўлакка кўтарилишган, шунинг учун ҳам улар ер юзасига яқинроқ штольнялардан бирининг охирига келиб қолишган. Бу тахмин Мук бобонинг узуқ-юлуқ гапларига мос келарди, яъни жон аччиғида қочиш оқибатида бошқа ишчилар майда-майда гуруҳларга бўлиниб, йўл-йўлакай ҳамма қабатларга тарқалиб кетишган. Лекин бундан кейинги тахминларга келганда штейгерларнинг фикри айри чиқди: улар қутқариш имкониятлари ҳақида турлича ўйлашарди. Чунки энг юқоридаги штольня бир юз эллик метр чуқурликда бўлгани учун қудуқ ковлаб тушиш тўғрисида ўйлашнинг ҳам ҳожати йўқ эди. Тушиш мумкин бўлган ягона жой Рекийяр эди, — фақат ўша ердангина ўпирилиш юз берган ерга яқинлашиш мумкин эди. Ҳаммадан ёмони — эски конни ҳам сув босган бўлиб, Ворё билан боғланадиган йўллари қолмаганди. У ерда биринчи кўтармалардан бошланган йўлакнинг бир қисмигина сув сатҳидан баландда эди. Сувни чиқариб ташлаш учун бир неча йил керак бўлгани учун энг тўғри йўл жафокашлар охирида жон сақлаб тургани эҳтимол тутилган шу йўлакларни яхшилаб қараб, улар сув босган штольняларга туташми-йўқми, шуни аниқлаш эди; мантиққа мувофиқ шу фикрга келингунча жуда кўп баҳслашишга, бажарилиши мумкин бўлмаган кўплаб лойиҳаларни рад этишга тўғри келди.

Шундан кейин Негрель архив чангларини ютиб, иккала шахтанинг эски планини топди, уни ўрганди ва қидирув ишлари олиб бориш лозим бўлган нуқталарни белгилади. Секин-аста у ишга бутунлай берилиб кетди, гарчи у одатда одамларга, шарт-шароитларга лоқайд қараб, заҳархандалик билан муносабатда бўлиб келишига қарамасдан ишга ниҳоятда сидқидилдан киришиб кетди. Рекийярга тушаверишдаёқ дастлабки қийинчиликларга дуч келинди: шахтага кирадиган жойни буталар ва дўланалардан тозалашга тўғри келди; бундан ташқари нарвонларни тузатиш керак эди. Кейин тусмоллаб излашлар бошланди. Ўн ишчи билан шахтага тушган инженер уларга ўзи кўрсатган тармоқларни темир чивиқлар билан уриб-уриб кўришни буюрди. Сўнг ҳаммалари нафасларини ичларига ютишиб, зора узоқдан жавоб товуши эшитилиб

қолса, деган умидда қулоқларини тошкўмир қатламига тутишди. Бироқ уларнинг тушиш мумкин бўлган ҳамма йўлакларни айланиб чиқишлари зое кетди, — тиқ этган жавоб бўлмади. Янада катта қийинчиликлар туғилди: қатламнинг қаеридан ковлаш керак? У ерда, эҳтимол, ҳеч ким бўлмаса, кимнинг ҳам олдига боришади? Бироқ ташвишлари ортиб бораётганига қарамай ҳамма зўр бериб излайверди.

Бева Маэ ҳар куни эрталаб Рекийярга келарди. У шахта олдидаги кундага ўтирарди-да, қоронғи тушгунча кетмасди. Ичкаридан биров чиқиб қолгудек бўлса, у ўрнидан туриб, кўзларини жавдиратарди-да: «Нима гап? Ҳеч нима йўқми?» — дея сўрарди. У яна жойига ўтирарди-да, юзлари тошдек қотиб, индамай кутаверарди. Инига бостириб киришаётганини кўрган Жанлен ҳам ўғирлик нарсаларини ов ити билан топиб олишларидан ҳадиксираб, бўридек шу ўртада айланиб юрарди. У бу қидиришлар оромини бузишидан қўрқиб, кўмилган солдатни ўйларди; лекин шахтанинг бу қисмини сув босгани учун улар чап томонни, ғарбий йўлак томонни қидириб кетишди. Аввалига Филомена ҳам кўмир қазувчилар командасида ишлаётган Захария билан келиб юрди. Бироқ кейин келишга ҳожат йўқлигини, бирор манфаат чиқмаслигини кўриб, бекорга шамоллаб нима қиламан, деб қатнамай қўйди. Бу касалманд аёл посёлкада қолиб, кунларини бекорчилик билан ўтказар, эртадан-кечгача йўталар эди. Аксинча, Захария бўлса, синглисини қидириб топишдан бошқа нарсани ўйламасди; у ерни ғажиб, ютиб юборишга ҳам тайёр эди. Кечалари алаҳсираб, бақириб чиқар, синглисининг овозини эшитгандек, очликдан силласи қуриган, бефойда ёрдам сўраверіб, томоқлари қирилиб кетган бечора қизни кўраётгандек бўлар эди. Захария кўрсатмага риоя қилмай, улар худди шу ерда, юрагим сезиб турипти, дея икки марта ўзи мўлжаллаган ерни қазиди. Инженер гарчи пастга тушишни тақиқлаган бўлса-да, Захария ҳайдаб юборишларига қарамай, шахтадан кетмади. У ҳатто онасининг олдида ҳам ўтира олмасди, доимо ғимирлагиси келиб, саланглаб у ёқдан бу ёққа бориб келарди.

Учинчи куни ҳафсаласи пир бўлган Негрель кечқурун қидирув ишларининг барини тўхтатишга қарор

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилди. Туш пайтида, у кўмир қазувчилар билан овқатланиб, ишга қайтиб келганида шахтадан қип-қизариб, қўлларини силкитиб чиқаётган Захарияни кўрди-ю, ёқасини ушлаб қолди:

— У шу ерда! У менга жавоб берди! Юринглар, юрсанглар-чи!

Захария нарвонга отилди, қоровул олдидан лип этиб ўтди-да, Гийом тармоғидаги биринчи штольнядан тақиллаган товушни эшитдим деб қасам ичди.

— Лекин у ердан, сиз айтаётган жойдан икки марта ўтдик-ку,— ишонқирамай деди Негрель.— Хўп, майли, бориб кўрайлик-чи!

Бева Маэ ҳам ўрнидан турди; уни шахтага тушишга қўйишмади, лекин у чексиз қоронғиликка тикилиб, шундоққина чоҳ лабида турарди.

Негрель пастга тушгач, ўзи уч марта уриб кўрди, ҳар урганида орадан анча вақт ўтарди, сўнг у ишчиларга нафасларини ҳам чиқармасликни буюриб, қатламга қулоғини тутди. Ҳеч қандай товуш эшитилмагач, у бошини сарак-сарак қилди; бола бечорага шундай туюлган, албатта. Захария ҳовлиқиб яна ўзи тақиллатди; у яна тўқиллаган овозни эшитгандек бўлди, кўзлари чақнаб, суюнганидан аъзойи бадани дағдағ титрарди. Шундан кейин ишчиларнинг ҳаммаси навбатма-навбат тақиллатиб, қулоқ сола бошлашди: ҳамма жонланиб қолди, чунки узоқдан жавоб товушлари келаётгандек эди. Инженер ғоят ҳайрон бўлиб, яна қулоғини тутди-да, ниҳоят тошнинг бир маромда тўқиллашига ўхшаган заиф товуш аранг келаётганини пайқади, бу — кўмир қазувчиларнинг ташвишли сигнали эди. Кўмир конида тиқ этган товуш жуда узоқ масофада ҳам аниқ эшитилади. Яқинроқ турган штейгерлардан бири, биз билан ўртоқлар орасидаги масофа камида эллик метр келади, деди. Лекин назарларида уларга қўл узатсанг, етадигандек эди. Ҳамма хурсанд бўлиб кетди. Негрель ҳозирнинг ўзидаёқ йўлак қазиб тушишга буйруқ бериши лозим эди.

Захария тепага чиқиб, онасини кўриши билан улар бир-бирини қаттиқ қучоқлаб олишди.

— Кўп ўзларингдан кетаверманглар,— деди жеркиб айлангани келган Пьеррон хоним.— Борди-ю, Катрина у ерда бўлмаса, бундан баттар бўласизлар.

Дарҳақиқат, Катрина бошқа жойда бўлиши ҳам мумкин эди.

— Йўқол бу ердан, алвасти!— ғижиниб қичқирди Захария.— Мен биламан, Катрина шу ерда.

Бева Маэ яна ерга ўтирди-да, миқ этмай, қимирламай, кута бошлади.

Бу хушхабар Монсу посёлкасига тарқалиши билан яна бир талай одам югуриб келди. Ҳеч нарсани кўриб бўлмаса ҳам, ҳеч ким кетмасди, ҳангоматалабларни нарироқда тутиб туришга тўғри келди. Пастдагилар кундузи ҳам, кечаси ҳам ишлашди. Олдинда бирор тўсиқ чиқиб қолишидан қўрққан инженер бир йўла учта йўлакни қазишни буюрди, бу уч йўлак ўпирилган шахта остида қолган шахтёрлар бор, деб гумон қилинган нуқтада учрашиши керак эди. Йўлак тор бўлгани учун қатламни битта кончи қазирди, ишчилар ҳар икки соатда алмашинарди, саватларга солинган кўмирни эса қўлма-қўл узатишарди, қатлам қазилган сари одамлар қатори ҳам узайиб борарди. Аввалига иш жуда тез кетди, биринчи куни олти метр қазилди.

Захария бир амаллаб бу иш учун саралаб олинган кончиларга қўшилиб олди. Бу шарафли иш бўлиб, буни ҳамма талашарди. Белгиланган икки соатдан сўнг уни алмаштиришмоқчи бўлишганда Захария хафа бўлди. У навбати келмаса ҳам қазимоқчи бўлиб, қўлидан чўкични қўймасди. Тезда унинг йўлаги бошқаларникидан ўзиб кетди, у жон-жаҳди билан йўл очарди, шу боисдан гўё у ерда бутун бир темирчилик устахонаси ишлаётгандек, йўлакдан унинг ҳарсиллаши эшитилиб турарди. У чангдан қорайиб чарчаганидан гандираклаб ўнгирдан чиқди-ю, гурс этиб ўзини ерга ташлади, шу сабабдан устига адёл ёпиб қўйишга тўғри келди. Кейин, у ҳамон гандираклаб яна ўнгирга кириб кетди, яна кураш бошланди, яна бўғиқ гурс-гурслар, вазмин иҳрашлар, жон-жаҳди билан бузиш товушлари эшитилди. Ҳаммадан ёмони шу эдики, кўмир тобора қаттиқлашиб бораётганди. Захария икки марта чўкичини синдириб қўйди, тезроқ силжишнинг иложи йўқлигидан хунаби ошди. У қадам-бақадам чидаб бўлмаётган иссиқдан ҳам қийналаётганди, чунки бундай тор тешикка сира ҳаво кирмасди. Вентилятор ишлаб турганига қарамасдан кўнгли озиб, бўғи-

www.ziyouz.com kutubxonasi

либ ўлиб қолай деган кончиларни уч марта ташқарига олиб чиқишди...

Негрель шахтадан чиқмай, ўша ерда ишчилар билан ётиб қоларди. Овқатини ўша ерга олиб бориб беришарди, баъзан ўша ернинг ўзида похол устида плашига ўралиб, икки соатгина мизғиб оларди. Бечора кўмир қазувчиларнинг жавобан тўқиллатишлари ҳаммани тетиклаштирарди; бу товушлар аниқроқ эшитилиб, ишловчиларни шоширарди. Энди овоз жуда тиниқ, гўё биров гармошканинг металл пластинкаларини чалаётгандек деярли мусиқий эшитила бошлади. Шу овоз туфайли кавлаш ишларини адашмай олиб бориш мумкин эди. Бу тиниқ овоз кончиларни лашкарлар ҳужумини йўналтириб турган тўплар садосидек йўналтириб турарди. Ҳар сафар, кончилар алмашишганларида Негрелнинг ўзи йўлакка тушиб, тақиллатиб, қулоқ соларди. Тўғри боришаётганларига ҳеч қандай шубҳа йўқ эди,— ҳар гал жавоб тезроқ келарди. Лекин иш жуда секин борарди! Дастлабки икки кун ичида ўн метр йўлак қазишди, учинчи куни — беш метр, тўртинчи куни — уч метр. Бу ердаги тошкўмир шу қадар қаттиқ эдики, кунига икки метрдан зиёд кавлаб бўлмасди. Тўққизинчи кунга келиб қазилган чоҳнинг умумий чуқурлиги ўттиз икки метрга борди. Ҳали бундан ташқари яна йигирма метрга яқин кавлаш керак эди. Тутқинлар учун ўн иккинчи кун бошланди, ўн икки кундан бери туз тотмай муздек қоронғи зиндонда яшаш осонми! Ана шу фикр хаёлга келиши билан кўзлардан тирқираб ёш чиқиб кетар, қўллар янги куч-ғайрат билан ишга тутинарди. Одамлар шу аҳволда тирик юрганига ақл бовар қилмасди; кейинги икки кун ичида узоқдан келаётган садолар заифлашиб қолди, бу садолар бутунлай узилиб қолса-я, деб одамларни титроқ босарди.

Бева Маэ ҳар куни эрталаб албатта келарди-да, шахтага кириладиган жойга ўтирарди. У кун бўйи уйда ёлғиз қолдириш мумкин бўлмагани учун Эстелланни олиб келарди. У соат сайин ишни кузатарди, кўмир қазувчиларнинг қувонч-шодликларига, ғаму андуҳларига шерик эди. Рекийяр атрофида, ундан ҳам узоқларда, то Монсугача бўлган жойларда турганлар нима бўларкин, дея сабрсизлик билан кутишаркан,

чакаклари тинмай гапиришарди. Гўё округдаги барча одамларнинг юраги у ерда, пастда тепаётгандек эди.

Тўққизинчи куни, нонуштага яқинлашиб қолганда, Захарияни алмаштириш учун чақиришган эди, у ҳеч қандай жавоб бермади. Кейинги вақтларда у ниҳоятда қўрс бўлиб, салга ҳам сўкинаверарди. Негрель уни гапга киргиза олмагани учун вақтинча нарироққа кетди. Шахтада фақат битта штейгер билан учта ишчи қолганди. Захариянинг кўзи ҳеч нимани кўрмай қолди шекилли; шу сабабли иш судралаётганидан фиғони ошган Захария эҳтимол, эҳтиётқорликни ҳам йиғиштириб қўйиб, гарчи жиддий огоҳлантирилганига қарамай, лампочкани очиб юборган бўлса керак. Тор йўлакда ҳеч қандай вентиляция бўлмаганидан кон гази жуда кўп тўпланиб қолганди. Қўққисдан қаттиқ гумбурлаган овоз эшитилди-ю, штольня тешигидан йирик питра билан ўқланган замбарак оғзидан чиққандек аланга отилиб чиқди. Ҳаммаёқ ловиллаб ёнарди, чунки бутун йўлакдаги ҳаво порохга ўхшарди. Аланга штейгер билан учала ишчини итқитиб юборди-да, шахта қудуғидан кўтарилиб, қоя парчалари, ходаларни ҳар томонга сочиб юборган вулқондай ташқарига отилиб чиқди. Ҳангоматалаблар тумтарақай қочиб қолишди, бева Маэ бўлса, қўрқиб кетган Эстеллани бағрига босиб, ўрнидан турди.

Негрель билан ишчилар қайтиб, аҳволни кўришди-ю, жонлари ҳиқилдоқларига келди. Улар жазаваси тутиб, болаларни ураётган бераҳм ўгай онага ўхшаб, ерни тепкилай бошлашди. Улар ўртоқларига ёрдам бериш учун жонларини жабборга бериб ишласа-ю, бу камлик қилгандай жонларидан жудо бўлишса-я! Уч соат овора бўлиб, ҳаётларини хатарга қўйиб, ниҳоят йўлакка киришди. Қурбонларни тупроқ орасидан тортиб олиш ҳаммаларининг юракларини эзиб юборди. Штейгер ҳам, ишчилар ҳам ҳали тирик бўлишса-да, лекин ҳаммаёқлари куйиб, улардан жизғанак бўлган гўшт ҳиди келарди. Улар ўт ютганлари учун бўғизлари куйиб кетганди, улар тинимсиз инграб, бизни ўлдириб қўя қолинглар, дея илтижо қилишарди. Уч шахтёрнинг бири забастовка пайтида Гастон-Маридаги насосни чўкич билан охирги марта уриб дабдала қилган одам эди. Бошқа икки ишчининг солдатларга ғишт

www.ziyouz.com kutubxonasi

отавериб шилиниб кетган қўллари ҳали тузалмаганди. Уларни кўтариб келишаётганда ранги қув ўчган халойиқ титраб-қақшаб, йўл берди.

Бева Маэ кутиб турганди. Ниҳоят Захариянинг жасади кўринди. Унинг кийимлари куйган, аъзойи бадани қоп-қора кўмирга айланганди; бу куюк нарса одамга ўхшамасди. Боши йўқ, портлаш чоғида узилиб кетганди. Бу даҳшатли мурдаларни замбилларда кўтариб келишаркан, бева Маэ беихтиёр улар кетидан юрди: унинг қовоқлари шишиб кетганди, бироқ кўзларидан бир томчи ҳам ёш чиқмасди. Қўлида овуниб қолган Эстелла бўлиб, сочлари шамолда тўзғиб борарди. Бошига тушган кулфатлар акси юзига урганди. Посёлкада қолган Филомена ақлу ҳушини йўқотиб, кўз ёши тўкди-ю, лекин яна шу заҳоти босилиб қолди. Она эса яна ўша алпозда Рекийярга қайтиб кетаётганди; у ўғлини кузатиб қўйиб, энди қизини қутқариб олишларини кутиш учун қайтиб бораётганди.

Яна уч кун ўтди. Қутқариш ишлари қулоқ эшитмайдиган қийинчиликлар билан давом этди. Уларнинг бахтига, портлаш пайтида йўл-йўлкалар кўмилиб қолмаганди. Лекин ҳавоси жуда иссиқ ва оғир бўлгани учун янги вентиляторлар ўрнатишга тўғри келди. Энди кончилар ҳар йигирма минутда алмаштирилиб турди. Тобора олға силжишарди. Энди уларни ўртоқларидан ажратиб турган масофа икки метрдан ошмасди. Бироқ улар қандайдир ўч олиш туйғуси туфайли жуда ҳафсаласизлик билан ишлашарди. Жавобан тақиллатишлар тўхтаганди, бир маромда жангиллатишлар ҳам йўқ эди, чақириқ сигнали сираям эшитилмасди. Иш бошланганига ўн икки кун, ҳалокатга — ўн беш кун бўлганди. Шу куни қатламнинг нариги томонидан тиқ этган товуш эшитилмай қолди.

Янги бахтсиз ҳодиса монсуликларнинг қизиқишини кучайтирди. Буржуйлар қизиқиб, экскурсияга келиб туришди, шунинг учун Грегуарлар ҳам бошқалардан қолмасликка аҳд қилишди. Сайр куни белгиланди, Ворёга ўз извошларида боришга келишиб қўйишди, Энбо хоним эса ўз аравасида Люси билан Жаннани олиб борадиган бўлди. Денелен уларга ўз шахтасини кўрсатди-да, кейин улар Рекийярга ўтишиб, шахсан Негрелнинг ўзидан қутқариш ишлари қай даражада

бораётганини, уларни қутқаришга умид қилса бўладими-йўқми, суриштириб билишади. Ниҳоят кечқурун ҳаммалари бирга овқатланишади.

Соат учларга яқин Грегуарлар билан уларнинг қизлари Сесиль вайрон бўлган шахта ёнига келиб, извошларидан тушганларида, у ерда турган Энбо хонимни кўришди. Энбо хоним эгнида очиқ зангори кўйлак бўлиб, февраль қуёшининг заиф нурларидан сақланиш учун соябонини очди. Тиниқ ҳаво баҳорга ўхшарди. Жаноб Энбо билан Денелен ҳам ўша ерда эдилар. Энбо хоним Денеленнинг канални тўсиш нақадар қийин бўлгани ҳақидаги гапларини паришонхотирлик билан тингларди. Альбомини қўлидан қўймайдиган Жанна даҳшатли манзарадан илҳомланиб, сурат чизишга тушиб кетди, Люси бўлса, унинг ёнига, вагонетка парчасига ўтириб олиб, «вой, жуда зўр-ку», дея ҳайратланиб қичқирарди. Тўғон ҳали битмаган бўлиб, кўпикланаётган сув ундан ошиб, қулаган коннинг катта ўпқонига тушиб турарди; шунга қарамай кратер секин-аста тозалана борди, сув ерга шимилиб, даҳшатли туби кўриниб қолди: бу жой шундай мовий, майин ҳавода лойга кўмилиб кетган шаҳарнинг ифлос харобасига ўхшарди.

— Шуни кўриш учун ташвиш тортиб юрганимизни-я!— ҳафсаласи пир бўлиб хитоб қилди жаноб Грегуар.

Соғлом, гулдай яшнаб турган Сесиль шундай тоза ҳаводан нафас олиш имконияти туғилганидан қувониб, очилиб кетди-да, ҳазиллаша бошлади. Энбо хоним эса, башарасини бужмайтириб ғўлдиради:

— Буни нимаси чиройли экан!

Иккала инженер хахолаб юборишди. Улар сайрчиларни қизиқтириш учун насос билан поя қоқадиган механик асбобнинг қандай ишлашини ҳикоя қилишга тушиб кетишди. Бироқ хонимларнинг кўнглига чироқ ёқса ёримасди. Шахта тикланиб, ундаги сув тамоман чиқариб ташлангунча насослар йиллаб,— олти, балки, етти йил,— ишлаши кераклигини билиб, титраб кетишди. Йўқ, яхшиси бошқа нарсалар ҳақида ўйлаш керак, бўлмаса бу даҳшатлар тушингга ҳам киради.

— Қани, кетдик,— деди Энбо хоним извош томон юраркан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Жанна билан Люси қаршилик қилишди. Дарров-а? Ҳали сурат битмади-ку! Улар кечқурун оталари билан овқатга етиб боришни ваъда қилиб, қолишмоқчи бўлишди. Жаноб Энбо аравага хотини билан ўтирди, у Негрелдан ишларнинг боришини сўраб билмоқчи эди.

— Майли, сизлар бора қолинглар,— деди жаноб Грегуар.— Биз ҳам кетларингдан етиб борамиз, фақат беш минутгина посёлкага кириб чиқишимиз керак... Бора қолинглар, бора қолинглар, биз Рекийярга сизлардан олдиноқ етиб борамиз.

У Грегуар хоним билан Сесилнинг орқасига ўтирди. Биринчи извош канал қирғоғидан кетди, иккинчиси эса секин тепаликка кўтарила бошлади.

Экскурсия хайру саховат билан тугаши керак эди. Захариянинг ўлимидан сўнг Грегуарлар бутун округ гапираётган Маэлар хонадонининг фожиали тақдирига ачина бошлагандилар. Улар отага, бу қароқчига, солдатларнинг қотилига ачинмасдилар; уни қашқирни отгандек отишга тўғри келди. Уларнинг раҳмларини келтираётган она эди — бечора аёл эрининг ўлимидан кейин ўғлидан ажралди, энди ер тагидан қизининг ўлигини топсаям ажаб эмас, бу кулфатлар,— қайнотасининг чўлоқлиги, ўғлининг кўчкида қолиб, оқсаб юриши, шунингдек забастовка пайтида қизалоғининг очдан ўлганлигини ҳисобга олмаганда ҳам,— унинг бошига тушди: Албатта, бу хонадон ниятлари бузуқлиги учун ҳам шу фалокатларга учради, бироқ Грегуарлар даргоҳлари кенглигини, ҳамма нарсани унутишга, ҳаммани кечирмоқчи бўлганликларини кўрсатишга қарор қилдилар, агар хайр-садақани ўзлари элтиб берсалар, бу сахийликнинг энг яхши ифодаси бўлади. Извош ўриндиқларидан бирининг тагида ҳафсала билан ўралган иккита тугун бор эди.

Бир кампир кучерга иккинчи маҳалладаги ўн олтинчи ҳовлини, Маэлар уйини кўрсатиб қўйди. Пакетларни кўтариб олишган Грегуарлар извошдан тушишди; лекин улар эшикни беҳуда тақиллатишди; кейин тоқатлари тоқ бўлиб, муштлари билан дўқиллатишди, бари бир ҳеч ким жавоб бермади. Гўё ўлим бу уйни шипшийдам қилиб кетгандай, анчадан бери унда ҳеч ким турмайдигандек бефайз, хунук эди.

— Ҳеч ким йўқ,— деди ҳафсаласи пир бўлган Сесиль.— Жуда хунук бўлди-да. Энди нима қиламиз бу дардисарларни?

Қўққисдан қўшни уйнинг эшиги очилди-да, Левакнинг хотини кўринди.

— Э, келинглар, яхшилар, мени кечиринг, ойимқиз!.. Қўшнимни кўрмоқчимидингиз? У йўқ, Рекийярда.

Хотин тинмай шақиллаб, бўлган воқеаларни қайта-қайта гапирар, бир-бирига ёрдам бериш керак, дер эди; оналари бориб, шахта тагида қолганлар ёнига йўл очишларини кутиб ўтириши учун унинг болалари — Ленора билан Анрини олиб қолибди. Унинг кўзи пакетларга тушди-ю, бева қолган бахтсиз қизи, ўзининг қашшоқлиги ҳақида гапира кетди; ҳасаддан кўзлари ёна бошлади. Сўнг у истар-истамас ғўлдиради:

— Калит менда. Балки жаноблар кириб ўтамиз, дейишса... Уйда ёлғиз бобо қолган.

Грегуарлар ҳайратланиб, бир-бирларига қараб олишди. Бобо бор, қандай қилиб? Ахир ҳеч ким жавоб бермаганди-ку. Демак, у ухлаётган бўлса керакда? Левакнинг хотини эшикни очганда уларнинг кўзларига ташланган манзара лол қолдириб, остонада тўхташга мажбур қилди.

Ўлмас бобо бақрайганча бир нуқтага тикилиб, совуқ камин олдидаги стулда қимир этмай ўтирарди. Яланғоч деворлар хонани катта кўрсатарди; хонада каккули соат ҳам, илгарилари хонага файз бериб турган, локланган қарағай мебеллар ҳам йўқ эди. Намдан кўкариб кетган деворларда ақиқдай лаблари сиполик билан жилмайиб турган император ва маликанинг суратлари қолган эди холос. Ақли заифлашган чол қимир этмади, ҳатто эшик очилиб, хонага ёруғлик тушганида ҳам кипригини қоқмади, афтидан, кирганларни сезмади шекилли. Оёғи остида мушукларга қўйиладиган тоғорага ўхшаш бир тоғора кул турарди.

— Эътибор қилмай қўя қолинглар, иззат-ҳурматни билмайди,— эҳтиром билан деди Левакнинг хотини.— Миясига бир бало бўлган. Икки ҳафтадан бери аҳволи шу.

Лекин шу пайт Ўлмас бобонинг аъзойи бадани титраб, худди қорнидан чиқаётгандек, хириллагани эши-

www.ziyouz.com kutubxonasi

тилди. Чол кулга қора балғам туфлади: бу унинг шахтада ютган кўмир тарди эди. Кейин у яна қимир этмай ўтираверди, вақти-вақти билан туфлаш учун қимирлаб қўярди холос.

Таъблари хира бўлган Грегуарлар ўз нафратларини босиб, жилла қурса бир неча оғиз дўстона ва кўнгилни кўтарадиган сўз айтишга ҳаракат қилишди.

— Нима бўлди, бобо,— деди жаноб Грегуар,— бу дейман, шамоллаб қолипсиз-да?

Деворга тикилиб ўтирган чол қайрилиб ҳам қарамади. Яна оғир жимлик чўкди.

— Унга сутчой берилса бўлармиди,— деб қўшиб қўйди Грегуар хоним.

Чол индамай ўтираверди.

— Дада, биласизми, — бидирлаб деди Сесиль, — ахир бу майиб одам ҳақида гапиришганди-ку бизга, кейин эсимиздан мутлақо чиқиб кетибди-да...

Сесиль хижолат бўлиб, жимиб қолди. У стол устига шўрва билан икки шиша винони қўйди-да, бошқа тугунни оча бошлади, ундан бир жуфт катта бошмоқни олди. Бу совға бобога аталганди. Қиз ҳар қўлига биттадан бошмоқни олиб, бечора чолнинг шишиб кетган катта оёқларига разм солди, чолнинг бу оёқлари энди ҳеч қачон боса олмасди.

— Ҳа! Бу бошмоқ бир оз кечикиб келди-да, а отахон?— деб гап бошлади яна Грегуар нохуш вазиятни юмшатиш учун.— Ҳечқиси йўқ, керак бўлиб қолади.

Ўлмас бобо ҳеч нимани эшитмай, жавоб ҳам бермай, совуқ, бездек башарасини бужмайтириб ўтираверди.

Шунда Сесиль секингина бошмоқни девор ёнига қўйди; лекин эҳтиёт қилганига қарамай, бари бир унинг михлари тақиллаб кетди; бошмоқлар бу хонада тамоман ортиқчадай эди.

— Мана, ҳали кўрарсиз, у раҳмат ҳам демайди!— хитоб қилди Левакнинг хотини бошмоққа ҳасад билан тикиларкан,— у ёғини сўрасангиз, маймунга кўзойнак совға қилгандай гап бу.

Левак хоним зора уйимга олиб кириб ийдирсам, деган умидда зўр бериб Грегуарларни уйига таклиф қилаверди. Ниҳоят у баҳона топди: у Анри билан Ленорани мақтаб, жуда ширин, ақлли бола бўлишганда, бирор савол бериб қолгудек бўлсангиз, худди катталардек жавоб беришади, улуғлар нимани исташса, ҳаммасини айтиб беришади, деди.

— Бир минутгагина кириб чиқамизми, қизим?— сўради ота бу ердан кетиш имкони топилганидан қувониб.

— Яхши, мен ҳозир кетларингдан чиқаман.

Сесиль Ўлмас бобо билан қолди. У титрарди, лекин нимадир унинг қўл-оёғини боғлаб қўйганди, шу боисдан Сесиль жойидан жилолмай қолди! Назарида чолни таниётгандек эди; лекин катта, қорайиброқ қолган бу оқиш юзни қаерда кўрган экан? Бирдан у ҳаммасини эслади: шовқин солаётган оломон ўртасида биров совуқ қўллари билан бўйнидан бўғгани кўз олдига келди. Бу ўша эди, Сесиль бу одамни таниди-ю, унинг тиззасига ташланган қўлларига қаради,— бу ишчи ёши анчага бориб қолган бўлса ҳам, қўллари қаттиқ сиққан эди. Энди Ўлмас бобо уйғониб, Сесилни кўргандек бўлди. У хира кўзлари билан Сесилга разм солди; чолнинг ёноқлари қизарди, лаблари асабий учиб, оғзидан қоп-қора сўлак оқди. Улар бир-бирига тикиларди: қиз гул-гул очилганди, у бутун авлодлари сингари узоқ вақт ишга қўл урмагани ва давлатидан тўлишиб, тирсиллаб турарди, чол эса истиқсо касалидан шишиб, асрий меҳнат ва очликдан азоб чеккан аждодлар насли.

Ўн минутлардан кейин Сесиль мунча ҳаяллашиб қолдийкин, дея ажабланиб, Маэникига қайтиб келган Грегуарлар чинқириб юборишди: уларнинг бўғиб ўлдирилган, юзи кўкариб кетган қизлари ерда чўзилиб ётарди; унинг бўйнида улкан бармоқларнинг қип-қизил излари кўриниб турарди. Шол оёқларида ўзини тутиб туролмаган Ўлмас бобо қизнинг ёнига ағдарилиб тушиб, қайтиб ўрнидан туролмаганди. Панжалари ҳамон ёзилмаган қария кўзларини бақрайтириб, ҳаммага шуурсизлик билан қарарди. У йиқилаётганида тоғорани синдириб, кулни тўккан, ҳаммаёқни ифлос қилган эди. Бошмоқлар эса қандай қўйилган бўлса, девор тагида шундай турарди.

Бу воқеа қандай содир бўлганини аниқ билиб бўлмасди. Нима учун Сесиль чолга бунчалик яқин келдийкин? Ўз стулидан қимирлай олмайдиган Ўлмас

www.ziyouz.com kutubxonasi

бобо қандай қилиб қизнинг томоғидан тутдийкин? Афтидан, чол уни бўғаётганида шунчалик қутуриб, қизни шунчалик қаттиқ бўғанки, овози ҳам чиқмай қолган, қиз сўнгги бор хириллаётганида у билан бирга ағдарилиб тушган. Ўрта девор юпқа бўлса ҳам қўшни уйга тиқ этган товуш ҳам, фарёд ҳам эшитилмаганди. Чол қизнинг оппоқ бўйнини кўрганў телбалиги қўзиб, одам ўлдиргиси келиб қолгандир, деб тахмин қилишга тўғри келарди. Ўлай-ўлай деб турган чолнинг шу қадар ваҳшиёна иш қилиши ҳаммани ҳайратга солди: ахир у софдиллик билан ҳаёт кечириб келди, молдек қобил эди, янги ғояларга қаршилик қиларди холос. Унинг бутун вужудини секин-аста заҳарлаб келиб, бирдан ғазабини бундай ловиллатиб юборган нарса нима экан? Қўрқув бу жиноятни онгсиз равишда қилинган деб ҳисоблашга мажбур этарди. Бу, телбанинг жинояти эди.

Грегуарлар тиз чўкиб, ғам ўтида куйиб-ёниб, доду фарёд қилишарди. Кута-кута не ҳасратда кўришган, ҳаддан ташқари талтайиб ўсган, ухлаб ётганида тепасига келишиб, нафасларини ичларига ютганларича томоша қилишадиган севимли қизлари ўлиб ётса-я! Уларнинг фикрича, бўёқиш тузукроқ еб-ичмадиям, ҳамиша озиб-тўзиб юрарди! Уларнинг ҳаётида маза-матра қолмади; қизлари бирга бўлмагандан кейин яшашнинг нима кераги бор энди?

Левакнинг хотини бўлса, эс-ҳушини йўқотиб қичқирарди:

— Аҳ, ярамас чол! Қилган ишини-я! Бу ярамас шундай қилади, деб ким ўйлабди... Маэ бўлса кечқурун келади! Югуриб бориб чақириб келсаммикин?

Ота билан она ҳеч қандай жавоб бермади.

— Хўш, қалай? Чақириб келсам, чакки бўлмайди... Кетдим!

Лекин кампир чиқиб кета туриб, бошмоқни олмоқчи бўлди; бутун посёлка ғулғулага тушганди, анча-мунча одам тўпланганди,— бари бир бошмоқни ўғирлаб кетишади. Бунинг устига Маэлар хонадонида бу бошмоқни киядиган эркак ҳам қолмади-ку, шу боисдан у бошмоқни олиб кетди. Бошмоқ Бутлуга лойиқ келиши керак.

Эр-хотин Энболар Рекийярга етиб келишиб, у ерда

Негрель билан учрашишди-да, Грегуарларни узоқ кутишди.

Шахтадан чиқиб келган инженер уларга қидирув ишларининг боришини муфассал гапириб берди, тахминича, кечқурунга бориб, тутқинлар турган жойга етишса керак, фақат мурдаларнигина олиб чиқишар, чунки шахта аввалгидек жимжит экан. Негрелнинг орқасида ўтирган Маэ хоним бу гапларни эшитиб, оппоқ оқариб кетди; бирдан Левакнинг хотини югуриб келди-ю, унга бўлган воқеани гапириб берди.

Маэ жаҳл билан қўлини силтаб қўйди-ю, лекин ҳар қалай унинг кетидан кетди.

Энбо хоним ҳушидан кетди. Қандай даҳшат-а! Бечора Сесиль! Эрталаб ҳам шундай хушчақчақ эди, бир соат бурун ҳам ўйнаб-кулиб юрувди! Жаноб Энбо хотинини Мук бобонинг ярим хароба уйига олиб борди. У қовушмаган қўллари билан хотинининг кўйлаги тугмаларни ечаркан, корсажидан анқиб турган мушканбардан кўнгли кетарди. Кўзлари жиққа ёшга тўлган Энбо хоним тўйни пучга чиқарган ногаҳоний ўлимни эшитиб, ҳангу манг бўлиб қолган Негрелни маҳкам қучоқлаб олганди; эр бўлса безовта қилаётган азобдан қутулганини сезиб, икковига тикилиб турарди; бу бахтсиз ҳодиса айни муддао бўлганди. У жияни ўрнига кучернинг айланиб қолишидан қўрқиб, ёнида Негрелни олиб қолишга жазм этди.

V

Шахта тагида қолдириб кетилган шўрпешоналар қўрқувдан дод-фарёд қилардилар. Энди сув уларнинг белига чиққанди. Сув шовқини уларнинг қулоқларини битириб, қолган-қутган қопламанинг ағдарилиб тушиши эса қиёмат қойимга ўхшарди. Булар етмагандек, отхонага қамаб қўйилган отларнинг худди бўғизланган жониворнинг даҳшатли жон талвасасида хириллашига ўхшаш бетоқат кишнашлари уларни ақлдан оздирарди.

Мук Ўктамни қўйиб юборди. Қари от титрар, кўзлари қинидан чиқиб, сувга қарар эди; сув тобора кўтарилиб борарди. Ана-мана дегунча юк ортиш хонаси сувга тўлганидан кўкимтир сувда ҳамон шифтда ёниб турган учта қизил фонарнинг акси кўринди. Қўққис-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дан баданига муздек совуқ тегиб сесканиб кетган от тўрт оёқлаб депсинди-да, жонҳолатда чопиб кетди ва қоронғи йўллардан бирига кириб, кўздан ғойиб бўлди.

Шундан кейин одамлар нима қилиб бўлса ҳам қочиб қутулиш фикрига келиб, от кетидан югура бошлашди.

— Бу ерда нима ҳам қилардик!— деб қичқирди Мук.— Рекийяр орқали чиқиб олишга уриниш керак.

Энди уларга агар ўпирилиш бўлиб, йўлларни тўсиб қўймаган бўлса, эски кон орқали чиқиб олармиз, деган фикр қанот бағишлади. Йигирма кишининг ҳаммаси турнақатор бўлиб, сув ўчириб қўймаслиги учун лампочкаларини баланд кўтарганларича югуришди. Уларнинг бахтига йўлак нишаб экан; одамлар икки юз метрча оқимга қарши юришди, энди сув кўтарила олмасди. Уларнинг жонсарак дилларида кўмилиб ётган хурофий фикрлар уйғонди; улар ерга сиғина бошлашди, чунки ер шубҳасиз, қон томирларини кесганлари учун шу жойларидан қон сачратиб, қасос олаётган эди. Бир чол шахтадаги инсу жинсларнинг раҳм қилиши учун бармоқларини букиб, пичирлаб унутилган дуоларни ўқирди.

Биринчи чорраҳадаёқ уларнинг фикрлари айри чиқди. Отбоқар сўл томонга юрмоқчи бўлди, бошқалар эса ўнг томондан яқин, деб ишонтиришарди. Тортишиб, бир минут вақтни бой беришди.

— Э, менга деса ўлиб кетмайсанларми! Менга нима!— тўнғиллаб хитоб қилди Шаваль.— Мен бу ёқдан кетаман!

У ўнгга бурилди; ўртоқлардан икки киши унга эргашди. Бошқалар эса бутун умрини Рекийяр қаърида ўтказган Мук бобо кетидан югуриб кетаверишди. Шунга қарамай Мукнинг ўзи ҳам қаёққа бурилишни билмай иккиланиб қолганди. Ҳамма эс-ҳушини йўқотиб қўйганди, ҳатто кекса шахтёрлар ҳам штольняларни танимай қолишганди. Улар ҳар бир йўл айрилишида тўхташиб, қаердан юрган маъқул, дея ўйланишарди.

Этьен ҳаммадан кейинда югурарди,— уни Катрина алаҳситарди,— қиз қўрқув, ҳорғинликдан оёқларини боса олмасди. Этьен ҳам Шаваль тўғри йўлни танлади, деб ўнгга бурилмоқчи бўлди-ю, бироқ ғанимнинг орқасидан югургандан кўра, шахта тагида қолиб кетишни афзал кўрди. Бунинг устига одамлар тобора камайиб борарди, ўртоқлардан бир нечаси яна қаёққадир бурилди, энди Мук кетидан борувчилар еттитагина қолди.

— Бўйнимга ёпишиб ол, сени кўтариб кетаман,— деди Этьен бутунлай юролмай қолган Катринага.

— Йўқ, мени ўз ҳолимга қўй,— минғиллаб деди қиз,— ортиқ юролмайман, бундан кўра ўлиб қўя қолган яхши.

Улар бошқалардан эллик метрча қолиб кетишди; Этьен уни қаршилик қилишига қарамай қўлига кўтариб олган ҳам эдики, бирдан йўлак босиб тушди-ю, улкан тупроқ уюми уларни ўртоқларидан ажратиб қўйди. Тошқин жинсларни ялаб, ҳаммаёқ ўпирилиб тушаётганди. Орқага қайтишга тўғри келди. Энди улар томонларни бутунлай аниқлай олмай қолишди. Ҳаммаси тамом: Рекийяр томондан чиқиб олиш фикридан қайтишди. Энди уларнинг ягона умидлари штольняларнинг юқори қаватига чиқиб олиш эди, сув камайса, эҳтимол, уларни қутқариб олишар.

Ниҳоят Этьен Гийом тармоғини таниди.

— Шунисига ҳам шукур! Жин урсин, энди лоақал қаердалигимизни биламан-ку! Биз тўғри йўлдан юрган эканмиз, лекин энди тамом бўлдик!.. Менга қара, тўғрига юрамиз-да, шахтанинг асосий йўлидан юқорига чиқиб оламиз.

Сув уларнинг кўкракларигача чиқди, Катрина билан Этьен жуда секин юришарди. Чироқлари борида унчалик диққат бўлишмаганди. Этьен мойни тежаб, кейин уни бошқасига қуйиш мақсадида чироқларнинг бирини ўчирди. Улар асосий йўлга етишганда, шовқинни эшитиб, орқаларига қайрилиб қарашди. Нима бу? Наҳотки ташқарига чиқишга муваффақ бўла олмаган ўртоқлари қайтиб келишган бўлишса? Узоқдан хириллаган товуш эшитиларди, лекин улар ифлос кўпикларни ўз томонларига ҳайдаётган бу қандай бўрон эканлигига тушуна олмасдилар. Катрина қоронғиликдан улар томон учиб келиб, тахталар орасида илиниб қолган қандайдир улкан оқиш нарсани кўриб, қичқириб юборди.

Бу Ўктам эди. От кўтарма машина олдидан чопиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

келиб ҳамма йўлакларда елиб юрарди. От худди ўзи ўн бир йил яшаган бу ерости шаҳрида йўлни яхши биладигандай эди, унинг кўзлари бу абадий зулматда ҳам яхши кўрарди. От бошини чўзиб, оёқларини узоққа ташлаб, тор йўлаклардан чопар эди, баъзи жойларга улкан гавдаси базўр сиғарди... Йўлак кетидан йўлак келар, чорраҳалар, шох йўллар учрар, лекин от иккиланмасдан чопар эди. От қаёққа чопяпти ўзи? Балки ўша ёшлигида кўрган жойларига, ўзи туғилиб ўсган Скарп дарёси бўйидаги тегирмон олдига, осмонда улкан ёритқичдек ёниб турган, сал-пал эсида қолган қуёшга интилаётгандир. Жонивор яшашни истарди, ёшликда кўрганлари эсига тушиб, яна ўша текислик ҳавосидан нафас олгиси келарди, бу эса отни бирон ердан бирон тирқиш топиб, иссиқ ҳавога, ёруғликка чиқиш учун олға бошларди. От аввалгидек тақдирига тан бериб қараб турмай, типирчилаб қолганди: уни кўр қилиб қўйган шахта энди ҳалок қилмоқчи эди. Изма-из қувиб келаётган сув сағрисига томчилар сачратиб, биқинларига урилаётганди. Бироқ от ичкари кириб борган сари йўлаклар торайиб, шифтлари пастлашиб, деворлари силжирди. Шунга қарамай от чопарди, терисини шилдириб, қопламада парча-парча этларини қолдирарди. Назарида шахта ҳаммаёғидан қисиб келаётгандек эди.

Ўктам Этьен билан Катрина ёнигача чопиб келди; улар жониворнинг улкан тошлар орасида қисилиб, ҳансираётганини кўришди. От қоқилиб, олдинги оёқларини синдириб олди. От бор кучини тўплаб, яна бир неча метр судралиб борди, лекин танаси тор жойдан ўтмади. Ўктам қонга беланган бошини кўтариб, чиқиб кетиш йўлини изларди. Сув тез кўтарилаётганди, шу боисдан жонивор отхонада ўлган отларга ўхшаб, хириллаб кишнади. У жон талвасасида уринарди. Қари, мажруҳ жонивор ўрнидан қўзғалолмай, ерқаърида, чуқур жойда ўзини у ёқдан-бу ёққа урарди. Азобланаётган отнинг жонҳолатда кишнаши тинмасди, сув энди ёлини ҳам кўмганди, от эса оғзини ёпмай кишнарди. Худди тўлдирилган бочка товушига ўхшаш хириллаш эшитилди-ю, кейин ҳаммаёқ жимжит бўлиб қолди.

— Э, худойим-ей! Мени олиб кет!— деди Катрина

ҳўнграб.— Э, худо! Мен қўрқаман! Ўлишни хоҳламайман!.. Мени олиб кет! Олиб кет!

Катрина ўлимни кўрганди. Қопламанинг вайрон бўлиши, шахтани сув босиши — ҳеч нарса Ўктамнинг ўлими олдидан кишнашидек ўтакасини ёрмаган эди. Қиз бу товушни ҳамон эшитар, қулоқлари шанғиллар, аъзойи бадани қалтирар эди.

— Олиб кет мени! Олиб кет!

Этьен уни қўлига кўтариб олди-да, олиб кетди. Бу ишни жудаям вақтида қилган экан. Улар елкаларигача ҳўл бўлиб, қувурга кириб олишди. Этьен доимо қизни ушлаб бориши керак эди, чунки тўсинларни ушлашга Катринанинг кучи етмасди. Катрина уч марта Этьеннинг қўлидан чиқиб, пастга, денгиз тубига, оёқлари остида қутуриб чайқалаётган сувга тушиб кетай деди. Биринчи йўлакка етганларида бир неча минут дам олишди: йўлакни ҳали сув босмаганди. Лекин сув яқинлашаётгани учун яна баландроққа чиқишга тўғри келди. Улар бир неча соат йўлакдан йўлакка ўтиб, юқорига кўтарилишди. Улар олтинчи йўлакка етганларида қандайдир умид туғилди: назарларида сув маълум даражада юқори кўтарилиб, тўхтаб қолгандек эди; бироқ кўп ўтмай сув янада тез кўтарила бошлади. Улар еттинчи йўлакка, кейин саккизинчи йўлакка кўтарилишди. Яна биттагина йўлак қолди, унга етишганларидан сўнг хавотирланиб, сувнинг сантиметрма-сантиметр кўтарилишини кузата бошлашди: борди-ю, сув тинмай кўтарилаверса, улар ҳам тепадан тошу тупроқ босиб, сув ичида қолиб ўлган от каби ўлишлари керак эди.

Ҳар минутда бирон ердан ўпирилиш шовқини эшитиларди. Бутун шахта дабдала бўлиб, унинг заиф ички тиргаклари бемисл оқим босимига дош беролмай қулаб тушаётганди. Йўлак охирида тўпланиб қолган сиқиқ ҳаво жинсларни парчалаб, тош-тупроқларни ағдар-тўнтар қилиб, даҳшатли портларди. Ерости ҳалокати қадим замонларда тоғ ва водийлар қиёфасини ўзгартириб юборган асов тошқинлар каби даҳшатли гулдурарди.

Катрина бу тўхтовсиз вайронгарчиликларни кўриши билан эс-ҳушидан айрилиб, илтижо билан қўлларини кўксига қўйди-да, шу сўзларни такрорлайверди:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Мен ўлишни истамайман!.. Мен ўлишни истамайман!

Этьен уни юпатиш учун, сув камая бошлади, деб ишонтиришга ҳаракат қилди. Улар камида шахтада олти соат адашиб юришди, албатта, уларга ёрдам бериш учун одамлар ошиқишаётгандилар. Этьен тахминан олти соат дерди, чунки улар вақт тўғрисида аниқ тасаввурга эга эмасдилар. Ҳақиқатда эса улар Гийом тармоғида кун бўйи бўлишганди.

Улар шалаббо бўлиб, совуқдан даг-даг титраб, ерга ўтиришди. Катрина уялмай кўйлагини ечиб, сиқди; кейин устимда қурисин, деб яна кийиб олди. У оёқяланг бўлгани учун Этьен бошмоғини ечиб унга кийгизди. Энди улар кутишлари мумкин эди, шунинг учун лампа пилигини пасайтириб, милтиллатиб қўйишди. Шундагина иккови ҳам очлик ичларини таталаётганини сезишди,— бунгача улар ўзларини ҳам унутиб қўйгандилар. Ҳалокат пайтида улар нонушта қилиб ололмагандилар, фақат ҳозиргина сувда бўкиб, деярли бўтқа бўлиб қолган бир бурда нонлари борлигини эсладилар. Катрина Этьенга ўз улушини зўрлаб едирди. Катрина нонни еб бўлгач, шундоқ совуқ ернинг ўзига чўзилиб, уйқуга кетди. Этьен эса, уйқусизликдан қийналиб, унинг ёнида қўллари билан бошини қисиб, бир нуқтага тикилганча ўтирарди.

Этьен шу кўйи қанча вақт ўтирганини айта олмасди. Мана, у рўбарўсидаги чоҳда қорамтир оқим билқиллаб чиқаётганини яна пайқаб қолди. Аввалига сув йўлак бўйлаб ингичка камардек бўлиб, илондек ўрмалаб келди, кейин қайнаётган кўпик кўринди, кўп ўтмай сув улар ўтирган жойга кўтарилди: ухлаб ётган қизнинг оёқлари сув ичида қолди. Лекин Этьен уни уйғотишга журъат этмади, тошдек қотиб ухлаб, дам олаётган кишини уйғотиш шафқатсизлик бўлади: балки Катрина шу топда қуёшни туш кўраётгандир. Қаёққа ҳам қочишарди? Этьен ўйлаб-ўйлаб, охири тармоқнинг шу қисмидаги қия штрек юқори юк ортиш хонасига туташишини эслади. Бу қутулиш йўли эди. Этьен Катрина кўпроқ ухлаб олиши керак, деган қарорга келиб, уларни бу ердан ҳам ҳайдайдиган сувнинг кўтарилишини кузатди. Ниҳоят у Катринани оҳистагина кўтариб олди, қиз чўчиб тушди:

— Э, худойим-ей! Ростми!.. Яна бошланяпти!

Қиз қаердалигини пайқади-да, ажали яқинлашиб қолганидан қўрқиб қичқириб юборди.

— Ўзингни бос,— пичирлаб деди Этьен.— Мен чиқиб олишимизга ишонаман.

Қия штрекка етиб олиш учун энгашиб, елкагача сувга ботиб боришга тўғри келди. Яна кўтарилиш бошланди, янада хавфлироқ, ҳаммаёғига тахта қопланган узунлиги юз метр келадиган торгина йўлакдан бориш керак эди. Аввалига улар пастдаги аравани маҳкам боғлаб қўйиш учун арқон тортмоқчи бўлишди: чунки кўтарилаётганларида бошқа арава тушиб келса, мажақлаб юбориши мумкин эди. Лекин қандайдир тўсиқ механизмни ҳаракатга келтиришларига халақит берарди. Улар халақит бераётган арқондан фойдаланишга журъат этолмай, тирноқлари кўчиб кетса ҳам таваккал қилиб силлиқ тахталарга тармашишди. Этьен Катринанинг кетидан, унинг қонаб кетган қўллари сирганганда боши билан маҳкам тутиб қолиб, олға силжиди. Бирдан улар тушиладиган йўлни тўсиб қўйган синган ходаларга дуч келиб қолишди. Бу ерга тупроқ сурилиб тушиб, ундан у ёғига боришга қўймасди. Хайриятки бу ерда эшик бор экан: улар шу эшикдан қўшни штольняга ўтишди.

Тўсатдан қаршиларида лампочка нури ялт этиб кетди: улар ҳанг-манг бўлиб қолишди. Аллаким жонҳолатда уларга бақирарди:

— Демак, менга ўхшаган аҳмоқлар ҳам бор экан-да!

Улар Шавални танишди. У қия штрек ўпирилганда бу ёққа қочиб келганди. Унинг кетидан югурган икки ўртоғи бошларини мажақлаб олиб йўлда ўлишганди. Тирсагигина лат еган Шаваль эса юрак бетлаб мурдалар ёнига эмаклаб борган, уларни тимирскилаб лампочкалари билан нонларини олган эди. Шаваль қайтиб қочиб келаётганида орқасида йўлак ўпирилиб, босиб тушди. У шу ондаёқ ер остидан чиқиб қолган бу одамларни нонимга шерик қилмайман, деб жиддий аҳд қилди. Яхшиси уларни ўлдиради. Буларнинг кимликларини билган Шаваль ғазабидан тушди-ю, заҳархандалик билан кула бошлади:

— Э, бу сенмидинг, Катрина! Яна нима бўлди? Яна олдимга келдингми? Майли! Майли! Начора, бирга ўладиган бўлибмиз-да!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шаваль ўзини Этьенни сезмаганликка солди. Этьен эса, учрашувдан таъби хира бўлиб, пинжига тиқилиб турган қизни ҳимоя қилиш мақсадида қимирлаб қўйди. Бироқ тақдирга тан беришга тўғри келди. Шу боисдан Этьен бир соат бурун яхшилик билан ажралишиб кетган, энди учрашган кишидек шунчаки сўради:

— Чоҳ тубини яхшилаб кўрдингми? Штольнялар орқали ўтсак бўлармикин?

Шаваль мазах қилишда давом этди:

— Э, бўлмасам-чи! Штольнялар эмиш! Уларнинг ҳаммаси ўпирилган, биз энди қопқонга тушганмиз... Лекин сен шўнғишга уста бўлсанг, қия йўлакдан чиқиб олишинг мумкин.

Ҳақиқатан ҳам сув кўтарилиб борарди. Орқага қайтишга йўл йўқ эди. Шаваль қопқонга тушганмиз, деб тўғри айтган экан: йўлакнинг охири икки томонидан босиб тушганди. Чиқиб оладиган битта ҳам йўл қолмаганди; учалови тирик кўмилганди.

— Демак, қоласанми?— мазах қилиб сўради Шаваль.— Билсанг, шундай қилганинг дуруст. Менга тирғилмасанг, ҳатто сен билан гаплашмайман ҳам. Бу ердаги жой иккимизга ҳам етади, агар келиб қутқариб олишмаса, бунга ақл бовар қилмайди, қай биримиз аввал ўлишимизни ўшанда кўрамиз.

— Лекин, борди-ю, тақиллатсак, балки эшитишар?— эътироз билдирди Этьен.

— Э, тақиллатавериб чарчадим... Энди сен уриниб кўр, манави тош билан тақиллат!

Этьен Шаваль тақиллатаверганидан ейилиб кетган бир бўлак қумтошни олди-да, тармоқ деворига уриб, шахтёрларнинг чақирув сигналини бера бошлади. Кейин у қулоғини тутиб, эшита бошлади. У ўжарлиги тутиб, бу ишни йигирма мартача такрорлади. Жавоб бўлмади.

Шу чоқ Шаваль сохта совуққонлик билан борини кўз-кўз қила бошлади. У учала лампочкасини девор тагига қўйди — биттаси ёниб турар, бошқалари эҳтиёти шарт, деб ўчириб қўйилганди. Кейин у бир парча тахта устига икки бурда нон қўйди: бу унинг бор егулиги эди; агар у ақл билан иш тутса, икки кунга етади. У ўгирилиб сўз қотди:

— Менга қара, Катрина, жуда оч қоладиган бўлсанг, сенга ярмисини беришим мумкин.

Қиз индамади. Бошига тушган бу кўргиликлар етмаганидек, яна шу икки одам орасига тушиб қолди.

Вақт бир азобда ўтарди. Бир-бирларидан бир неча қадам нарида ўтирган Шаваль билан Этьен чурқ этиб оғиз очмасди. Шавалнинг гапига мувофиқ Этьен лампочкасини ўчириб қўйди; бу ортиқча дабдаба эди. Сўнг улар яна жим бўлишди. Катрина Этьеннинг ёнига чўзилди; аввалги жазманининг ҳадеб қарайвериши қизни ташвишлантирарди. Шу алпозда бир неча соат ўтди; сув оҳиста билқиллаб, тўхтовсиз кўтариларди; вақт-вақти билан бўлиб турган силкинишлардан йўлак ларзага келарди; шахтанинг батамом вайрон бўлганлигидан далолат бериб, олисдан гумбурлаган овозлар эшитиларди. Лампочка ёниб бўлиб, иккинчисини ёқиш лозим бўлганда, улар аввалига бу ерда кон гази бўлиши мумкин-ку, деб қўрқиб кетишди. Бироқ улар қоронғиликда ўтиргандан кўра, портлаб ўлишни афзал билишди. Газ йўқ экан; улар яна ётишди, вақт аввалгидек ўтаверди.

Этьен билан Катрина аллақандай шовқинни эшитиб, бошларини кўтаришди. Шаваль тамадди қилишга тушди: у ярим бурда нон кесиб олди-да, қизиқиб кетиб, ҳаммасини бирдан ютиб юбормаслик учун секин чайнай бошлади. Улар очликдан қийналиб, мўлтиллаб кузатишарди.

— Шундай қилиб, емайман, дегин?— деди Шаваль Катринага ўчакишгандек.— Чакки қиляпсан!

Катрина, қани бер, деб юбормаслик учун ерга қаради: ичи таталаб кетаётганидан кўзларига ёш келди. Бироқ у Шавалнинг мақсади нималигини биларди; эрталабоқ унинг иссиқ нафаси бўйнига урилганини сезган эди: Катринани бошқа билан кўрган Шавалнинг юраги яна аввалгидек гумуриб кетганди. Шавалнинг қизга боққан кўзлари чақнаб турарди: Шаваль рашк ўтида ёниб, онангнинг хонанишини билан ўйнашиб юрибсан, дея айблаб, мушт туширганида унинг кўзлари ана шундай чақнаган эди. Катрина ташвишланиб, мени деб бу икки йигит ҳаммамиз ажалимизни кутиб ётган шу тор кавакда бир-бирига ташланиб қолмасайди, деб ўйларди. Э, худойим! Наҳотки

www.ziyouz.com kutubxonasi

бу оламни уриш-жанжалсиз тарк этиш мумкин бўлмаса!

Этьен Шавалдан бир бурда нон сўрагандан кўра очликдан силласи қуриб ўлишни афзал кўрарди. Орага оғир сукунат чўкди; лаҳзалар шу қадар секин ўтардики, ҳар сония йилдай туюларди. Бир хилда ўтаётган минутлар уларга ҳеч қандай умид бахш этмасди. Улар кун бўйи бирга ўтиришди. Иккинчи лампочка ўчди, учинчисини ёқишга тўғри келди.

Шаваль ноннинг иккинчи бурдасини олди-да, тўнғиллаб деди:

— Кел, деяпман, тентак!

Катрина титраб кетди. Этьен уни ўз эркига қўйиб, тескари қаради. Катрина қимир этмагани учун Этьен унинг қулоғига шивирлаб деди:

— Бора қол, оппоқ қиз!

Шундан кейин қизнинг зўр-базўр тутиб турган кўз ёшлари дув-дув оқа бошлади. Катрина туришга мажоли келмай, ҳатто оч-тўқлигини ҳам билмай, узоқ йиғлади. Унинг аъзойи бадани зирқирарди. Этьен эса ўрнидан туриб, у ёқдан, бу ёққа бориб келар, фойдаси бўлмаса ҳам шахтёрлар сигналини тақиллатар, қолган умрини ўлгудек ёмон кўрган рақиби билан ўтказаётганидан фиғони фалакка чиқарди. Жон таслим қилишдан олдин сал нари бориш учун бу ерда жой ҳам йўқ эди! Ўн қадам босар-босмас яна қайтиб келиши ёки анави одамга қоқилиб кетиши турган гап эди. Улар ер юзида талашиб юришган анави ғамгин қиз эса кўпроқ яшаганники бўлади, борди-ю, Этьен олдин ўлиб қолса, қизни ундан анави одам тортиб олади. Вақт ўтиб борарди, унинг чеки йўқдек туюларди. Мажбуран бирга туришлари тобора чидаб бўлмас даражага етаётганди. Ҳожатларини шу ернинг ўзида чиқараётганларидан ҳаммаёқ сасиб, нафас олиш оғирлашаётганди. Этьен мушти билан қатламни қўпормоқчи бўлиб, тошкўмир жинслари устига ўзини икки марта отди.

Яна бутун бир кун ўтди. Шаваль ниҳоят Катрина ёнига келиб ўтирди-да, сўнгги ярим бурда нонини у билан баҳам кўрди. Қиз зўр-базўр нонни чайнар ва ҳар тишлам нон учун уни эркалаши керак эди. Шавалнинг рашки қўзиб кетди: манави бегона йигит олдида қизни бағрига тортиб, муродини ҳосил қилмагунча ўлишни хоҳламай қолди. Ҳолдан тойган қиз қаршилик

кўрсатмади. Шаваль ниятини амалга оширмоқчи бўлганида қиз инграб:

— Қўйвор, суякларимни синдириб юборасан,— деди.

Этьен титраб, ҳеч нимани кўрмаслик учун пешонасини тахтага тиради. Лекин шу ондаёқ у бир сакраб икковининг ёнига бориб қолди.

— Қўйвор уни, даюс!

— Сенинг ишинг нима?— деди Шаваль.— Ҳар қалай у менинг хотиним-ку!

У яна қизни ушлаб, маҳкам қучоқлади, лабларига сариқ мўйловини босаркан, деди:

— Бизни тинч қўй. Икковимиз бир роҳат қилайлик!

Бироқ Этьеннинг лаблари гезариб, қичқирди:

— Агар уни қўйвормасанг, бўғиб ўлдираман!

Шаваль дик этиб ўрнидан турди: у Этьеннинг овози хириллашидан ҳақиқатан ҳам бўғиб ўлдиришини тушунди. Ажал ҳам жуда имиллаяпти-да, шунинг учун улар биттамиз қолишимиз керак, деган қарорга келишди. Бу ерда, ёнма-ён абадий уйқуга кетиш насиб этган шу чоҳ тубида эски адоватлари қўзиб қолди. Жой ниҳоятда тор бўлганидан улар бир-бирларига хезланиб муштлари шилиниб кетди.

— Эҳтиёт бўл,— ўшқирди Шаваль,— энди мендан қутулиб бўпсан!

Этьен қутуриб кетди. Кўзлари қонга тўлди, жони ҳалқумига келди. У энди одам ўлдирмаса, тинчимас эди. Бу истак Этьенда беихтиёр пайдо бўлди: йигитнинг наслий иллати қўзиган эди. У девордан оғир, катта бир бўлак шиферни кўчириб олди-да, иккала қўли билан ушлаб, жон-жаҳди билан Шавалнинг калласига солди.

Шаваль орқасига қочолмай қолди. У йиқилиб тушди: юзи дабдала бўлиб, боши пачақланган эди. Миясининг қатиғи йўлак шифтига сачради, жароҳатидан қип-қизил қон сизиб чиқа бошлади. Шу заҳоти ҳалқоб ҳосил бўлиб, унда тутаб ёнаётган лампочка чўғи акс этди. Сағанани қоронғилик босди. Ерда ётган жасад уюлиб турган қоп-қора кўмир чиқиндисига ўхшарди.

Этьен энгашиб, кўзларини катта очиб унга тикилди. Ниҳоят, муроди ҳосил бўлди, у одам ўлдирди! Хаёлидан аввалги кураш—мушакларида мудраётган заҳарга, бутун аждоди секин-аста йиғиб келган ичкилик

www.ziyouz.com kutubxonasi

балосига қарши беҳуда кураш лавҳалари бирров лип этиб ўтди. Бироқ унинг ҳозирги мастлиги ичкиликдан бўлмай, очликдан эди,—демак, узоқ ўтмишдаги бувабувакалонларининг кайфу сафоси етарли экан. Этьен даҳшатли қотилликни қилиб қўйди-ю, тепа сочи тикка бўлиб кетди, ўз кирдикоридан виждони азоб чека бошлади; шундай бўлса ҳам ниҳоят муродига етганидан шодланган Этьеннинг ҳайвоний қалби бир маромда ура бошлади. Кейин ўзидан янада кўпроқ фахрланди. Унинг кўзи олдига бўғзига пичоқ санчилган ўспирин солдат қиёфаси келди. Уни ёш бола ўлдирганди, мана энди у, Этьен ҳам одам ўлдирди.

Лекин Катрина қичқириб, ўрнидан туриб кетди:

— Э, худо! У ўлиб қолди!

— Ҳа, раҳминг келяптими? — ғижиниб сўради Этьен.

Қаддини зўрға кўтариб турган Катрина бир нима деб ғўлдиради: кейин каловлаб бориб, Этьеннинг кўксига ўзини ташлади.

— Аҳ, мени ҳам ўлдир, иккаламиз ҳам ўлайлик!

Катрина унинг бўйнига осилди, иккови бир-бирини қаттиқ қучоқлаб, ажаллари етаётганини ўйлашди. Бироқ ажалдан дарак йўқ эди, шу боисдан қўлларини туширишди. Кейин Катрина орқасини ўгириб олди, Этьен эса ўзи билан Катринанинг яшаши учун жой бўшатиш мақсадида мурдани судраб, сувга итариб юборди. Ўлик шундоқ ёнларида, оёқлари тагида ётганида сира чидаб бўлмасди-да! Улар сувнинг шалоплашини эшитиб, юзларига кўпик сачраганда титраб кетишди: демак, кавак сувга тўлипти; сувнинг йўлакдан кўтарилаётгани кўриниб турарди.

Улар яна жонларини қутқаришга тушишди. Этьен сўнгги лампочкани ёқди: унинг нури энди бир маромда тўхтовсиз кўтарилаётган сувни ёритиб турарди; мана, сув тўпиққа чиқиб, тиззага кўтариляпти. Сув кўтарилаверди, улар штольнянинг энг охирига, тепасига чиқиб олишди; бу ҳол яна бир неча соат жон сақлашларига имкон берди. Бироқ сув бу ерга ҳам етиб бориб, белларига чиқди. Улар тошкўмир қатламига суяниб ёнма-ён туришаркан, сувнинг кўпайиб боришини кузатишарди; сув оғизларига етганда масалалари ҳал бўлади. Осиб қўйилган лампочка нури жимирлаб, сувни сарғиш ёритарди. Лекин лампочка ёруғи тобора хиралашиб, сув кўпайган сари торая бошлаган кичик ярим доиранигина ажратиш мумкин эди холос. Бирдан ҳаммаёқ қоп-қоронғи бўлиб кетди: сўнгги томчи мойи тугаган лампочка ўчди. Зиёсиз тун — зиндон туни бошланди; улар қайтиб ёруғ жаҳонни кўрмаслик учун шу ерда мангу уйқуга кетишлари керак эди.

— Иблис!— бўғилиб сўкинди Этьен.

Қоронғилик ютиб юбораётгандек, Катрина Этьенга маҳкам ёпишиб олди. У пичирлаб шахтёрларнинг афсунини такрорлади:

— Ажал пуфлаб лампочкани ўчиряпти!

Шунга қарамай, жон ширинлик қилиб уларни яқинлашиб келаётган хавфга қарши курашишга мажбур этди. Этьен зўр бериб лампочка дастаси билан шиферни ўя бошлади. Катрина унга тирноқлари билан кўмаклашди. Улар баланд супага ўхшаш жой қилишиб, устига чиқишди-да, шифт паст бўлганидан энгашиб, оёқларини осилтириб, ёнма-ён ўтиришди. Муздек сув энди товонларига тегарди холос, бироқ кўп ўтмай, сув тўпиқларидан ошиб, болдирларига, кейин тиззаларига етди, — сув тўхтовсиз кўтарилиб, нафас ростлагани қўймасди. Ноқулай супа ўбдан ивиди, улар сирғаниб пастга тушиб кетмаслик учун ўзларини аранг тутиб ўтирардилар. Умрлари тугаб борарди,— лекин улар қимир этсалар, жонларидан айрилишлари мумкин бўлган, аъзойи баданлари қақшаётган, оч-наҳор, нонсиз, чироқсиз ўтирган бу токчада яна қанча яшашлари мумкин? Айниқса қоронғилик қийнаб юбораётганди: қоронғилик ажалнинг яқинлашаётганини кўришга халақит берарди. Ҳаммаёқ жимжит эди, сув билан тўлган шахтада тиқ этган товуш эшитилмасди. Улар энди тагларидаги денгизнигина ҳис қилишарди; денгиз эса тўхтовсиз кўтарилиб, оҳиста уларга уриларди.

Яна бир хилдаги қайғули дамлар ўтаверди. Бутунлай ҳисобдан янглишган Этьен билан Катрина вақт ҳақида ҳеч қандай тасаввурга эга эмасди. Улар азоб чекиб, вақтнинг қанчалик тез ўтаётганини ҳам сезишмасди. Этьен билан Катрина назарида ер остига тушганларидан буён икки куну бир кеча ўтгандек эди, ҳақиқатда эса учинчи кун ҳам тамом бўлай деб қолаётганди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қутулишга бўлган ҳар қандай умид сўнди, уларнинг бу ердаликларини ҳеч ким билмас, ҳеч ким улар ёнига туша олмас эди; тошқин уларга шафқат қилганида ҳам, бари бир очдан ўлишади. Сўнгги бор уларнинг миясига яна тақиллатиб, сигнал берсакмикин, деган фикр келди, лекин тош сув остида қолиб кетганди, бари бир уларнинг сигналларини ким ҳам эшитарди!

Тақдирига тан берган Катрина хум бўлиб кетган бошини қатламга қўйди-ю, бирдан сесканиб, қоматини ростлади-да:

— Қулоқ сол!— деди.

Этьен аввалига Катрина кўтарилаётган сувнинг оҳиста шилпиллашини эшитган бўлса керак, деб ўйлади-ю, уни юпатиш учун ёлғон гапирди:

— Йўқ, мен оёғимни қимирлатдим.

— Йўқ, йўқ, унақа эмас... Бу у ёқдан келяпти, эшит!

Катрина яна қатламга қулоғини тутди. Этьен буни тушуниб, у ҳам қулоғини тутди. Бир неча минутлик кутиш уларни ҳолдан тойдирди. Кейин жуда олисдан уч марта тўқиллаган заиф товуш эшитилди, бу тўқиллатишлар орасида анча вақт ўтди. Лекин улар ҳамон шубҳаланишарди: балки қулоқларига шунақа эшитилгандир? Балки қатлам дарз кетаётгандир? Улар нима билан тўқиллатиб жавоб беришни билишмасди.

Ниҳоят Этьеннинг ақлига келди:

— Оёғингда ёғоч бошмоқ бор-а. Ечгин-да, пошнаси билан тўқиллат.

Катрина тўқиллатиб, шахтёрлар сигналини бера бошлади; улар яна қулоқ тутишди, яна узоқдан ке-

марта тақиллатишди, йигирма марта жавоб товуши эшитишди. Улар йиғлаб, мувозанатни йўқотиб, йиқилиб тушишларидан ҳам қўрқмай қучоқлашиб олишди. Ниҳоят ўртоқлари яқинда, улар биз томон келишяпти, деб хурсанд бўлишди. Уларнинг шодлик ва севгилари ошиб-тошиб кетди, узоқ, бефойда сигнал бераверибб, хит бўлганлари, жавоб кута-кута чеккан изтироблари ҳам унутилди. Уларнинг назарида халоскорлар бармоқларини шундоққина қояга суқсалар бас, улар озод бўладигандек эдилар.

— Хўш, қалай!— қувониб қичқирди қиз.— Яхшиямки қулоғимни тутган эканман!

— Ҳа!.. Жуда сезгир экансан! — жавоб берди йигит.— Мен бўлганимда ҳеч нимани эшитмасдим.

Шу ондан бошлаб улар навбатма-навбат қулоқ сола бошлашди. Уларнинг бири доим қулоқ тутиб, заррача товушга ҳам жавоб қайтаришга шай бўлиб турди. Кўп ўтмай улар чўкичларнинг гупиллашини эшита бошлашди: янги йўлакни қазишга киришишганди. Улар ҳар қандай товушга қулоқ солишарди. Бироқ уларнинг қувончи узоққа чўзилмади. Улар қанча кулишмасин, қанчалик ўзларини алдашга уринишмасин, бари бир, секин-аста умидсизликка туша бошлашди. Аввалига улар бу товуш Рекийяр томондан келяпти, йўлак қатлам ичига чуқур тушган бўлса керак, балки бир йўла бир неча йўлакни қазиб келишаётгандир, чунки уч кончининг ишлаётгани аниқ-ку, деб ўйлашди. Кейин улар кам гапиришадиган бўлиб қолишди, охири бизни ўртоқлардан ажратиб турган қатлам чуқурлиги анча бўлса керак деган мулоҳазага бориб, бутунлай гаплашмай қўйишди. Лекин Катрина билан Этьен гаплашишмаса ҳам, хаёл сурганлари-сурган эди. Улар бундай қалинликдаги жойни неча кунда қазиб тушиш мумкинлигини ҳисоблаб чиқишди. Иккови ҳали кунлари битмай туриб, уларнинг бу ергача қазиб келишларига ақли бовар қилмасди. Унгача иккови ўлиб бўлади-ку. Шу боисдан улар ғам-ғуссага ботиб, индамай, чақириқ сигналларига ёғоч бошмоқ билан дўқиллатиб жавоб қайтаришарди. Улар энди ҳеч нимадан умид қилмай қўйишганди, фақат беихтиёр тўқиллатиб, тирикликларини бошқаларга маълум қилишарди.

Шу алпозда бир кун, икки кун ўтди. Катрина билан Этьен олти кундан бери ер остида эди. Сув уларнинг тиззасигача чиқди-ю, ундан юқорига кўтарилмади, пастга ҳам тушмади. Муздек сувда оёқлари аввалгидек қотиб қолганди. Улар бирор соатча оёқларини сувдан чиқариб туришарди-ю, аммо шундай ноқулай аҳволга тушишардики, қаттиқ оғриққа чидолмай, яна сувга тиқишга мажбур бўлишарди. Улар силлиқ тошдан сирғалиб пастга тушиб кетаётганлари учун ҳар ўн минутда тирмашиб юқорига чиқишларига тўғри

www.ziyouz.com kutubxonasi

келарди. Ғадир-будир қатлам гарданларига ботиб қаттиқ оғритарди. Бунинг устига тобора дим бўлиб кетаётганди; сув босими ҳайдаб келган ҳаво ҳеч қаёқдан чиқиб кетолмасди, чунки улар қамалиб қолган жой енгчага ўхшаб қолганди. Уларнинг овози бўғиқ эшитилиб, худди узоқдан келаётгандек эди. Худди зўр бериб бонг урилгандек, жала билан дўлдан қочиб кетаётган поданинг тўпир-тўпири эшитилаётгандек қулоқлари шанғилларди.

Катрина аввалига очликдан жуда қаттиқ қийналди. У худди қорни буришиб-тортишаётгандек энтикиб, чўзиб аянчли инграркан, хунук, қоқсуяк қўлларини оғзига олиб борди. Худди шундай азоб тортаётган Этьен қоронғиликда жонсараклик билан тимирскиланган эди, бармоқлари чирий бошлаган бир парча қопламага тегиб кетди. Этьен тирноқлари билан тахтани майдалай бошлади. Унинг бир бўлагини Катринага тутган эди, у дарҳол ютиб юборди. Икки кунгача улар қурт еб, илма-тешик қилиб ташлаган чирик ёғоч билан тирикчилик қилишди. Улар чирик тахтани еб тугатишди, бу ҳам тамом бўлгач, улар умидсизликка тушиб, ҳали қаттиқ, ушалмайдиган бошқа калта-култа ёғочларни ғажий бошлашди. Азобга тоқат қилиб бўлмай қолди: уларга ўз кийимларини чайнаб ютолмасликлари алам қиларди. Чарм камаргина уларнинг жонларига бир оз ора кирди. Этьен тишлари билан узиб, уни майда-майда қилди-да, Катринага тутди, у эса, чайнаб наридан-бери ютди. Жағлари қимирлаб тургани учун назарларида қоринлари тўйгандек эди. Камарни еб бўлишгач, улар яна кийимларига ёпишиб, бир соатча сўриб ўтиришди.

Бироқ кўп ўтмай очликдан ичларининг қаттиқ таталаши тўхтади-ю, симиллаб, секин-аста кучайиб бораётган оғриқ бошланди, бу оғриқ уларнинг тинкасини бутунлай қуритди. Улар, албатта, сув бунчалик мўл бўлмаганда шу қадар узоқ чидаб тура олишмасди: ҳовучларини тўлдириб олиш учун энгашсалар кифоя эди. Улар ичларига ўт тушгандек шунчалик кўп энгашардиларки, гўё бутун шахтани босган сув ҳам уларнинг ташналигини босишга озлик қиларди.

Еттинчи куни сув олиш учун энгашган Катринанинг қўли сув юзида сузиб юрган аллақандай юмшоқ нарсага тегиб кетди.

— Бу ёққа қарагин-чи... Бу нима экан?

Этьен қоронғиликда тимирскилана бошлади.

— Билолмадим. Вентиляциянинг қопламасига ўхшайди.

Катрина сув ича бошлади, лекин қўлини иккинчи марта узатганида жасадга тегиб кетди. У юраги ёрилиб, қичқириб юборди:

— Вой худо, бу ўша!

— Ким?

— Ўша, ўзинг биласан-ку!.. Мўйловига қўлим тегиб кетди.

Бу Шавалнинг жасади бўлиб, сув уни оқизиб келганди. Этьен қўлини узатиб, у ҳам Шавалнинг мўйлови билан пачақланган бурнини пайпаслаб кўрди. Юраги орқасига тортган Этьен жирканиб, аъзойи бадани титраб кетди. Кўнгли қаттиқ айнаётган Катрина оғзига олган сувни туфлади. Назарида қон ичаётгандек, ўлдирилган кимсанинг қони сувга сингиб кетгандек эди.

— Тўхтаб тур,— деди Этьен,— уни итариб юбораман.

У оёғи билан мурдани итарди, ўлик узоқлашди. Лекин кўп ўтмай улар жасад яна оёқлари тагига келиб қолганини сезишди.

— Ҳе, жин ургур! Йўқолсанг-чи бу ердан!

Учинчи сафар Этьен мурдани ўз ҳолига қўйди. Афтидан, аллақандай оқим уни яна ҳайдаб келаверарди. Шаваль кетишни хоҳламасди, улар билан бирга бўлишни, улар орасида туришни истарди! Бу ваҳимали ҳамроҳ ҳавони бутунлай заҳарлади. Улар ташналикдан ўлишни афзал билиб, бир кунгача сув ичишмади, фақат эртасига чанқоқлик азоби уларни бўйсунишга мажбур этди: улар ҳар сафар сув олаётганларида ўликни итариб юбориб, ҳар қалай сув ичардилар. Рашк яна ҳайдаб келгандан кейин уни ўлдирмаса ҳам бўларкан. Икковининг қовушишига йўл қўймаслик учун Шавалнинг ўлиги ҳам охиригача улар билан бирга бўлади чоғи.

Яна бир кун, икки кун ўтди. Сув ҳар чўлпиллаганида Этьен ўзи ўлдирган киши гўё мен ҳам борман,

www.ziyouz.com kutubxonasi

дея тирсаги билан туртаётган қўшнидек оҳиста урилаётганини сезарди. Шу боисдан ҳар сафар у сесканиб кетарди. Шишиб кетган, кўкарган, сариқ мўйловли, башараси дабдала бўлган мурда доимо унинг кўзи олдида турарди. Этьен шундан бошқа нарсани эслай олмасди,—у Этьенни ўлдиргани йўқ, мурда сузиб келиб, уни тишлаб олмоқчи. Узоқ, кўп титраб-қақшаб йиғлаган Катрина эса меровланиб қолди. Пировардида бошини уйқудан кўтаролмай қолди. Этьен уни уйғотар, қиз бўлса бир нималар дея ғўлдирарди-да, ҳатто кўзини ҳам очмай, шу заҳоти уйқуга кетарди. У йиқилиб тушмасин, дея хавотирланган Этьен қизнинг белидан қучиб олди. Энди тақиллашга Этьен жавоб берарди. Чўкичларнинг тарақ-туруқи тобора яқинлашарди, энди бу товушларни у жуда яқиндан, деярли орқасидан эшитаётган эди. Энди унинг ҳам мадори тугаб, тақиллатишгаям ҳоли келмай қолди. Ахир у ёқдагилар буларнинг бу ердалигини билишади-ку, беҳуда уриниб нима қилади? Одамлар келиб олиб кетишлари энди уни қизиқтирмай қўйди. Кута-кута кўзлари тешилган Этьен соатлаб кимни кутаётганини ҳам унутиб қўярди.

Бироқ кўп ўтмай уларнинг аҳволи анча енгиллашди. Сув пасайиб, Шавалнинг жасади оқиб кетди. Уларни озод қилиш учун тўққиз кундан бери меҳнат қилишарди. Улар биринчи марта штольняда бир неча қадам босишган ҳам эдиларки, кучли силкиниш юз бериб, икковини ерга улоқтирди. Улар бир-бирини пайпаслаб, ҳеч нимага тушунмай, ҳушлари учиб, қучоқлашиб ётишар ва яна ҳалокат юз берди шекилли, деб ўйлашарди. Яна ҳаммаёқ жим бўлиб, чўкичларнинг гурсиллашлари ҳам тинди.

Улар бурчакда бир-бирининг пинжига тиқилиб ўтиришарди, бирдан Катрина кулиб юборди:

— Тепа жуда яхши-да!.. Юр, бу ердан чиқамиз.

Аввалига Этьен қизнинг ҳушини жойига келтиришга ҳаракат қилди. Бироқ ўзи ҳам эс-ҳуши ҳали жойида бўлса ҳам, ақлдан оза бошлаганини сезиб қолди. У юз бераётган воқеаларни сезмаётганди. Бу ҳол Катринада айниқса яққол кўриниб турарди; у безгак тутгандек қалтирар, энди тинмай гапиргиси, ҳаракат қилгиси келар эди. Қулоғи шу қадар шанғиллардики, бу шовқин унга гоҳ сувнинг шалдирашидай, гоҳ қушлар

навосидай туюларди. Катрина босилган ўт-ўланлар ҳидини сезиб, кўзлари олдида сариқ доғлар пайдо бўлаётганини равшан кўриб турарди; назарида у эркинликка чиққандек, буғдойзор бошоқлари орасида, канал бўйларида юргандек, атрофида кун чарақлаб тургандек эди.

— Мунча иссиқ!.. Мени қўйнингга олсанг-чи, доимо бирга бўламиз, ҳамиша!

Этьен уни қучоқлаб олди, у йигитга эркаланаркан, очилиб-сочилиб гапираверди:

— Шунча узоқ кутиб, аҳмоқ эканмиз-да ўзимиз ҳам! Мен-ку дарровгина сеники бўлишга рози эдим-а, аммо ўзинг димоғ-фироқ қилиб, тушунмадинг-да... Кейин уйда кечалари ухламай, бир-биримизнинг нафас олишимизни эшитиб ётардик, эсингдами, бир-биримизга юрагимиз тўкилиб турарди ўшанда?..

Катринанинг қувноқлиги Этьенга ҳам юқди: у ҳам ҳазил-ҳузул қилди, ўша индамай қилинган назокатларни эслади.

— Ахир сен мени урувдинг-да. Ҳа, ҳа, иккала юзимга тарсаки урувдинг!

— Сени севганимдан шундоқ қилувдим-да,— пичирлаб деди Катрина.— Биласанми, сени ўйламасликка ҳаракат қилардим, ҳаммаси тамом бўлди, дердим... Лекин ичимда бир кун эмас, бир кун топишиб олишимизга кўзим етарди... Фақат бир баҳона-ю, сабаб керак эди, тўғрими?

Этьеннинг аъзойи бадани жимирлаб жунжикиб кетди, у бир силкиниб, бу тушдан қутулмоқчи бўлди-да, салмоқлаб деди:

— Ҳеч нима бутунлай йўқ бўлиб кетмайди. Ҳаммасини қайтадан бошлаш учун бахт сал кулиб боқса бас.

— Демак, бундан буён мен сен билан умрбод бирга бўламан-да, а?

Катрина дармони қуриб, пастга сирғалиб туша бошлади; овози заифлашиб қолди. Қўрқиб кетган Этьен уни кўксига босди.

— Мазанг қочяптими?

Катрина ҳайрон бўлиб, қаддини ростлади.

— Йўқ, йўқ... Нега энди?..

Лекин бу савол қизнинг хаёлларини бўлиб қўйди. У гангиб, қоронғиликка боқди-да, бармоқларини қарсиллатиб, яна ҳўнграшга тушди:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Э, худойим-ей! Худойим-ей! Мунча қоронғи-я! Энди далалар ҳам, ўт-гиёҳларнинг ҳидлари ҳам, сўфитўрғайларнинг сайраши ҳам, улкан сарғиш қуёш ҳам йўқ эди. Энди сув босган, қулаган шахта, зимзиё тун, улар шунча кундан бери қийналаётган ертўланинг сассиқ, қўланса ҳидидан бошқа нарса йўқ эди. Катрина ақлининг заифлашиб қолиши уларнинг аҳволини баттар оғирлаштирди. Болалигида кўрганлари: ўша қора одам — ўлган қари шахтёр,— у саёқ қизларнинг бўйнини узмоқчи бўлиб, шахта ичидан чиқиб келаётгани яна Катринанинг кўз олдидан кетмай қолди.

— Эшит! Эшитяпсанми?

— Йўқ, ҳеч нимани эшитмаяпман.

— Йўқ, биласанми, бу ўша киши... Ана у... Қон томирлари кесилган ер одамлардан ўч олиш учун томирларидаги қоннинг ҳаммасини чиқариб юборди. Шу боисдан бу ерга келибди. Уни кўряпсанми? Қара! У тундан ҳам қора... Қўрқиб кетяпман.

Дир-дир титраётган Катрина жим бўлиб қолди. Сўнг у шивирлаб, гапида давом этди:

— Йўқ, буниси бошқа.

— Ким бошқа?

— Биз билан бирга тургани-да! Ўша, энди у йўқ!

Шавалнинг қиёфаси унинг кўзи олдидан кетмасди, қиз хижолат бўлиб, у ҳақда гапира бошлади. У Шаваль билан турганида ит кунини кўргани ҳақида гапириб берди. Шаваль бир марта Жан-Бартда яхши муомалада бўлибди, қолган кунлари ғиди-биди, шапалоқдан бошқа нарсани кўрмабди, Шаваль уни роса дўппислаб, яна эркалаб азоб бераркан.

— Мен сенга айтяпман-ку, у бизни ажратмоқчи деб! У яна рашк қиляпти... Ҳайдаб юбор уни!.. Мени ол, бутунлай ол, тамоман сеникиман!

Катрина Этьеннинг бўйнига осилди-да, унинг лабларини топиб, лабларини босди. Қоронғилик яна ёришди, қиз яна қуёшни кўрди-да, бахтиёр маъшуқадек шарақлаб кулди. Этьен эса унинг қарийб яланғочлигини, эгнидаги шахтёрлар кийими дабдала бўлиб кетганини сезиб, титраб кетди, бирдан ҳирси қўзиб, маҳкам қучоқлаб олди. Ниҳоят улар қовушадиган тун,— мана шу чуқур қабрда, шу ифлос ерда қовушадиган тун

бошланди. Жилла қурса ўлиш олдидан бахтиёр бўлиш истаги, яшаш, сўнгги марта ҳаёт лаззатидан баҳраманд бўлиш иштиёқи ғолиб келди. Улар яқинлашиб келаётган ўлимни ҳам ўйламай, бир-бири билан чирмашиб кетишди.

Шу билан ҳаммаси тамом бўлди. Этьен ҳамон ўша бурчакда, ерда ўтирар, Катрина бўлса қимир этмай унинг тиззасида ётарди. Орадан бир неча соат ўтди. Этьен у ухлаётган бўлса керак, деб ўйлади, лекин уни қимирлатиб кўрди-ю, музлаб қолганини сезди — Катрина ўлган эди. Шундай бўлса ҳам уни уйғотиб юборишдан ҳайиқиб, қимирламади. Катрина балоғатга етгандан кейин биринчи бўлиб мен у билан алоқада бўлдим, мендан ҳомиладор бўлиши мумкин, деган фикрдан Этьеннинг меҳри товланиб кетди. Аҳён-аҳёнда у билан бирга кетгиси келар, келажакда биргаликда қиладиган ишларини ўйлаб, қувонар эди; лекин буларнинг ҳаммаси жуда хира, айқаш-уйқаш бўлиб хаёлига бирров келарди-ю, бир лаҳзали тушдек лип этиб ўтиб кетарди. Силласи қуриб боради, шу боисдан у музлаб, гўдакдек ухлаб ётган Катринанинг шу ердалигига ишонч ҳосил қилиш учун бармоқларини хиёл қимирлата оларди холос. Кўз олди жимирлашиб, тун баттар қоронғилашди. У қай вақтлигини ҳам, қаердалигини ҳам билмасди. Шундоқ қулоғи остида қандайдир гурсиллаган овозлар янграб, тобора қаттиқ эшитилаётганди. Аввалига Этьен бу тўқ-тўқларга жавоб беришга эринди: сира ҳам дармони қолмаганди; энди унинг миясига бир фикр ўрнашиб қолганди: назарида Катрина олдинда кетяпти-ю, у кетидан юриб, қизнинг ёғоч бошмоқлари оҳиста тўқиллаётганини эшитяпти. Шу алпозда икки кун ўтди, қиз бирор марта ҳам қимир этмади, Этьен эса, қизнинг тинчгина ётганига ишонч ҳосил қилмоқчи бўлгандай беихтиёр унинг баданини сийпаларди.

Этьен ер силкинганини сезди. Овозлар бўғиқ эшитилиб, жинс парчалари оёқлари олдигача думалаб келди. У лампочкани кўриб, йиғлаб юборди. Унинг жовдираган кўзлари нурни кузатарди-ю, лекин тополмасди. У қоронғиликда зўрға кўринаётган қизил нуқтадан ҳушини йўқотиб қўйди. Лекин бу чоғ ўртоқлари уни кўтариб олишганди. Унинг юмилган тишларини

www.ziyouz.com kutubxonasi

йириб, оғзига бир неча қошиқ қайнатма шўрва қуйишди. У фақат Рекийяр йўлакларининг бирига етганда олдида турган инженер Негрелни таниди. Шу он бир-бирини ўлгудек ёмон кўрадиган бу икки киши — исёнкор ишчи билан ҳамма нарсага шубҳа билан қаровчи бошлиқ — ҳўнграб бир-бирининг қучоғига отилди. Икковининг ҳам баданида бор бўлган инсоний туйғулар туғёнга келганди. Бу авлоддан-авлодга ўтиб келаётган чексиз қайғу-ғам, изтироб, турмуш машаққатлари туфайли йиғилган алам, азоб ҳуружи эди.

Тепада, жонсиз Катрина ёнида ялпайиб ётган бева Маэ чўзиб, тинмай уни тортарди. Олиб чиқилган бир неча мурда — Шаваль, бир ёрдамчи ишчи, икки кончи мурдаси — ерга қатор ётқизиб қўйилганди. Шавални ҳам анави икки кончи каби кўчки тагида қолиб, мажақланиб ўлган, деб ўйлашди. Унинг миясида қатиғи қолмаган, ичи бўлса сувга тўла эди. Халойиқ орасидаги хотинлар эс-ҳушларини йўқотиб, кийимларини йиртишар, тирноқлари билан юзларини юлишарди. Лампа нурига кўникиб, бир оз дармонга кирган Этьен ҳам текшада кўринди: озиб-тўзиб, сочлари оппоқ оқариб кетибди. Ҳамма унга йўл берди: бу чол энди қўрқинчли эди. Бева Маэ йиғидан тўхтади-да, кўзларини бақрайтириб, унга тикилиб қолди.

VI

Эрталаб соат тўрт эди. Мусаффо апрель туни илиб, тонг бўзариб қолганди. Еп-ёруғ осмонда юлдузлар милтирар, шарқ томон эса тонг шафағидан қизара бошлаганди. Қорайиб турган текислик ҳам уйқуда эди, лекин у ер ҳам одатда тонг отар пайтдагидек жонланиб, ноаниқ гувиллаш эшитиларди.

Этьен катта-катта қадам ташлаб, Вандам йўлидан борарди. У Монсудаги касалхонада олти ҳафта ётди. Унинг юзи сарғайиб, ўзи жуда озиб кетди; салгина куч-қувватга кириши билан касалхонадан чиқди-да, йўлга тушди. Ширкат ҳамон шахталаридан ҳавотирланиб, ишчилар сафини номатлуб унсурлардан тозалаётганди; Этьенга сизни ишда қолдиролмаймиз, деб айтишди. Шундай бўлса-да, Ширкат унга юз франк нафақа таклиф қилиб, шахтадаги ишни ташласанг ҳам

бўлади, бари бир кучинг етмайди, дея оталарча маслаҳат ҳам берди. Лекин Этьен бу юз франкдан воз кечди. У Плюшардан жавоб олганди. Плюшар уни Парижга таклиф қилиб, йўл учун пул юборганди. Шундай қилиб, унинг бир вақтлардаги нияти амалга ошганди. Касалхонадан чиққач, Этьен жўнашидан бир кун аввал «Қувноқ» мусофирхонасида, бева Дезирникида тунаб қолди. У эрталаб барвақт турди; соат саккизда кетадиган поездга илиниб, Маршьеннга жўнаш олдидан ўртоқлари билан хайрлашмоқчи бўлди.

Этьен эрталабки қизғиш нурдан ёришиб турган йўлда бир лаҳза тўхтади. Эрта баҳорнинг мусаффо ҳавосидан тўйиб нафас олиши қандай яхши! Тонг кунниинг жуда яхши бўлишидан далолат берарди. Тонг аста-секин ёришарди, қуёш билан бирга ердаги ҳаёт ҳам уйғонаётганди. Этьен қўлидаги қизил бутасидан қилинган ҳассани дўқиллатганича сийраклашган тунги туман ичидан кўринаётган текисликнинг олис ерларига тикилиб йўлида давом этди. У ҳали ҳеч кимни кўрмаганди; Маэ хоним бир марта касалхонага бориб, уни кўриб келганди: афтидан, бева бошқа бора олмади шекилли. Лекин у Икки юз зағизғон посёлкасининг ҳаммаси энди Жан-Барт шахтасида. Маэ хонимнинг ўзи ҳам ўша ерда ишлаётганлигини биларди.

Секин-аста кимсасиз йўлларда кўмир қазувчилар кўрина бошлади; ранглари бўздек оқ бу одамлар Этьеннинг ёнидан индамай ўтиб кетишарди. Одамларнинг гапига қараганда, Ширкат ғалабаси туфайли эришиши мумкин бўлган ҳамма нарсага эришибди. Очлик туфайли таслим бўлган ишчилар икки ярим ойлик забастовкадан кейин шахтага қайтишди, ана шунда уларни ҳақ тўлашнинг янги тарифини қабул қилишга мажбур этишди; янги тарифга мувофиқ тиргак ўрнатилганлик учун алоҳида ҳақ тўланадиган бўлди; бу маошни пинҳона камайтириш бўлиб, шахтёрлар учун ўртоқларининг қони тўкила бошлагандан бери беш баттар нафратли бўлиб қолганди. Улар ортиқча бир соатлик иш ҳақларини уриб қолишар, уларни онтларига хиёнат қилишга мажбур этишарди, ҳаммасидан ёмони шу эди. Ҳамма жойда — Мируда, Мадленада, Кручинада, Ғалаба шахталарида иш қайта бошланганди. Ҳамма ерда эрталабки туманда, йўллар ҳали қоронғи бўлган

www.ziyouz.com kutubxonasi

пайтда тапир-тупир эшитиларди: булар худди кушхонага ҳайдаб кетилаётган подадек бошларини эгиб, турнақатор бўлиб бораётган кўмир қазувчилар эди. Улар юпқа бўз блузкада дийдираб, қўлларини кўксиларига чирмаштирганча лапанглаб боришарди, кўйлаклари билан блузкалари орасидаги нонуштага олган бир парча нонлари орқаларида дўппайиб турарди. Бироқ атрофларидаги нарсаларни кўрмай, яна қовоқларини солиб, тизилишиб индамай ишга бораётган бу қора соялларга қараб туриб, уларнинг ғазабдан тишларини қисганларини, юракларида нафрат тўлиб-тошиб турганини, фақат очликка чидаш зарурлигини пайқаш мумкин эди.

Этьен шахтага яқинлашган сари йўлда кўмир қазувчиларни кўпроқ учратарди. Қарийб ҳаммаси яккаякка боришарди, ҳатто тўпланиб қолишган маҳаллаларида бошқалардан ҳам, ўзларидан ҳам безор бўлгандек, дарров бир сафга тизилишиб олишарди, Этьен юзидан қони қочган бир чолни кўриб қолди,— кўзлари кўмир чўғидек чақнаб турарди; кейин бошқа бир ёшгина ишчини учратди, у қаттиқ ҳансирарди. Кўплари ёғоч бошмоқларини қўлларига олиб олишганди; дағал жун пайпоқ кийилган оёқларнинг ерга тегиб, майин шипиллаши зўрға эшитиларди. Бу тинимсиз оқим бутунлай тор-мор этилган, дабдала бўлган армиянинг чекинганидан далолат берарди; унинг солдатлари бошларини қуйи солиб, судралиб боришаркан, ҳар бирининг қалбида яна жангларни бошлаш, қасос олиш ҳақидаги ягона фикр жўш урарди.

Этьен ниҳоят Жан-Барт шахтасига етиб келганида унинг иморатлари эндигина қоронғиликда кўрина бошлаганди; тонг ёришиб қолганига қарамасдан ёғочларга илинган фонарлар ҳамон ёниб турарди. Қорайиб кўринаётган иморатлар устидан кўтарилаётган оппоқ ҳовур тонгги шафақдан қизғиш кўринарди. Этьен қабулхонага ўтиш учун зинадан саралаш хонасига кўтарилди.

Шахтага тушиш бошланганди, ишчилар бараклардан чиқиб келишаётганди. Этьен бу ғала-ғовурда бир неча дақиқа қаққайиб туриб қолди. Чўян полдан вагонеткалар гулдураб юрар, барабанлар айланиб, пўлат арқонларни ўраб-бўшатар, карнайдан айтилаётган буйруқлар янграр, сигнал аппаратларига урилаётган болғаларнинг гум-гуми, қўнғироқлар эшитилар эди. Этьен одатдагидек, одамларни ямламай ютаётган бесўнақай махлуқни яна кўрганди. Кўтарма машина кажавалари дам ўтмай пайдо бўлар, шахта улкан махлуқдек осонгина ютиб турган тирик юкни олиб, ғойиб бўлар эди. Ҳалокатдан кейин Этьен шахтани ўлгудек ёмон кўриб қолганди. У кажаваларнинг пастга тушиб кетаётганини кўрди-ю, кўнгли ағдарилиб кетди. Тескари қарашга тўғри келди. Шахта унга балодай кўринаётганди.

Бироқ Этьен ёниб битай деяётган фонарларнинг хира нури зўрға ёритаётган нимқоронғи кенг бинода бирорта чеҳраси очиқ кишини учратмади. Қўлларига лампочкаларини ушлаб олишган оёқяланг кўмир қазувчилар ўз навбатларини кутиб туришарди; улар кўзларини ўйнатиб, ташвиш билан унга қарардилар-да, сўнг бошларини қуйи солиб, худди хижолат бўлгандек нари кетардилар. Уларнинг ҳаммаси, албатта, Этьенни танишарди. Унга қаҳру ғазаб билан қараш у ёқда турсин, ундан қўрқишарди шекилли, бизни қўрқоқсанлар, деб таъна қилиши мумкин, деган фикр хаёлларига келиб, қизариб кетишарди. Бу ҳол Этьенга наша қилди; у мана шу шўрпешоналар ўзини тошбўрон қилишганини унутганди; Этьен яна уларни қаҳрамонларга айлантириш, халққа раҳбарлик қилиш, ўзинии ўзи хароб қилаётган бу табиий кучни тўғри йўлга солиб юбориш тўғрисида ўйлади.

Яна одам билан лиқ тўла кажава пастга тушиб кетди; бошқа одамлар бирин-сирин келишганда Этьен ниҳоят забастовка пайтидаги собиқ сафдошларидан бирини таниди; бу довюрак киши бўлиб, ишга чиққанимдан кўра ўлганим яхши, деб қасам ичган эди.

— Сен ҳам ўша ёққами,— алам билан деди Этьен.

У кишининг ранглари оқариб кетди, лаблари титради; сўнг худди кечирим сўрагандек қўлини силтаб деди:

— Нима ҳам қилардим, ахир хотиним бор-ку.

Баракдан бир тўп ишчилар тушишди; Этьен уларнинг баринн таниди.

— Сен ҳам! Сен ҳам! Сен ҳам!

Ҳаммаси титраб, бу таънага жавобан сўниқ товуш билан ғўлдираб дерди:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Онам бор... Болаларим бор... Ейиш-ичиш керак-ку...

Кажава ҳадеганда келавермади. Ишлари ўнгидан келмаган кўмир қазувчилар қовоқларини солиб, навбат кутиб туришарди; улар ҳатто унга қарамасликка ҳаракат қилиб, шахта чоҳидан кўз узмасдилар.

— Бева Маэ-чи?— сўради Этьен.

Ҳеч ким жавоб бермади. Кимдир келади, деб имо-ишора қилди. Қолганлар ачинганларидан титраётган қўлларини кўтаришди: бечора хотин! Мунчаям бахти қаро бўлмаса-я! Сукунатни ҳеч ким бузмади. Этьен хайрлашиш учун уларга қўлини узатганда, ҳаммалари гўё охирги марта қўл бераётиб, ўз мағлубиятлари учун ичларидаги ғазабларини изҳор этаётгандек, қасос олиш иштиёқида ёнаётганларини ифодалаётгандек, қаттиқ қўл қисишарди. Кажава кўринди. Улар кажавага чиқиб, пастга тушишди,— тубсиз чоҳ уларни комига тортди.

Пьеррон пайдо бўлиб қолди; унинг чарм шапкасига штейгерларники сингари сим тўр тутилмаган лампочка илинганди. У бир ҳафтадан бери юк ортиш хонасида бошлиқ бўлиб ишларди; ишчилар ўзларини ундан олиб қочишарди, чунки Пьеррон амалга мингач калондимоғ бўлиб кетганди. Этьенни кўришга Пьерроннинг ҳуши бўлмаса ҳам, ҳар қалай унинг олдига келди, йигит жўнаб кетаётганини айтганида эса умуман хотиржам бўлди. Улар гаплашиб қолишди. Пьерроннинг хотини энди «Прогресс» қаҳвахонасига бекалик қиларкан. Бу мартабага хўжайинларнинг кўнглини топгани учун эришибди. Лекин Пьеррон гапини тугатмади, сен юқорига чиқариб юбориш учун белгиланган вақтда отлар гўнгини тўдаламабсан, деб жаҳл билан кекса Мукка ёпишиб кетди. Чол букчайиб, койишни эшитди. Мук бобо ҳам пастга тушиб кетишдан олдин Этьен билан қўл қисишиб хайрлашди. Еган даккисидан Мук бобонинг аъзойи бадани ловилларди; Этьен чолнинг узоқ қўл қисишидан бошқалар сингари у ҳам ичидаги ғазабини босиб турганини, бўлажак исёнлардан ҳаяжонланаётганини сезди. Ўз қўлида титраётган бу тарашадек қўл, иккала боласи ҳалок бўлса ҳам уни кечирган бу чол Этьеннинг кўнглини шунчалик бузиб юбордики, у то Мук бобо пастга тушиб кетмагунча бир оғиз ҳам гапиролмади.

— Маэ бугун келмайдими?— сўради у бир неча дақиқадан сўнг Пьеррондан.

Пьеррон аввалига ўзини саволни тушунмаганликка солди,— унинг ёмон одати бор эди: қачон шу хотиннинг отини эшитса, бир корҳол бўларди. Кейин баъзи бир фармойишларни бериш баҳонаси билан кетаркан, ниҳоят деди:

— Маэми?.. Ана ўзи.

Ҳақиқатан ҳам шим, блузка, чепчик кийиб, лампочка ушлаб олган бева Маэ баракдан тушиб келаётганди. Маэ хонимга илтифот қилганди: мислсиз оғир зарбага дучор бўлган бу аёлнинг қисмати маъмурият раҳмини шунчалик келтиргандики, гарчи аёл қирқ ёшда бўлса ҳам, уни шахтада олиб қолишганди; лекин уни юккашлик вазифасига қабул қилишни ноқулай билиб, кичикроқ бир вентиляторга қараб туришни топширишганди. Бу вентилятор Тартаре ёнидаги дўзахдай жойга, шимолий йўлакка эндигина ўрнатилганди; бу ерда бошқа вентилятор йўқ эди. Маэ тириклай кабоб бўладиган қирқ даража жазирамада бели қақшаб, сурункасига ўн соат ғилдиракни айлантириши керак эди. У кунига ўттиз су ишларди.

Маэ эркаклар кийимида Этьенга ниҳоятда ғариб кўринди: қорни билан кўкраклари ўнгирдаги намгарчиликдан шишиб кетгандек эди. Алланечук бўлиб кетган Этьен жўнаб кетаётганини, хайрлашишга келганини қандай айтишни билмай қолди-да, кейин ғўлдираб бир неча оғиз сўз айтди.

У Этьенга қаради-ю, аммо гапига қулоқ солмади, ниҳоят уни сенсираб гапира бошлади:

— Бу ердалигимдан ҳайрон бўляпсанми?.. Тўғри, мен биринчи бўлиб ишга чиққан ўртоқни бўғиб ўлдираман дегандим. Мана энди ўзим ҳам ишга келяпман... Нима, ўзимни ўзим бўғиб ўлдиришим керакмиди, а?.. Шундоқ ҳам қилардиму қўлимга қараб турган чол билан болаларим бор-да.

Маэ оҳиста, ҳорғин гапирарди. У ўзини асло оқламади, шунчаки бўлган воқеаларни айтиб берди: уларнинг ҳаммаси очдан ўла бошлаганди, уларни посёлкадан ҳайдаб чиқаришлари мумкин эди, шунинг учун ҳам у ишга кирди-да.

— Чолнинг аҳволи қалай?— сўради Этьен.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Жудаям хотиржам, покиза, аммо мияси жойида эмас... Ўшанда уни суд қилиб, кесиб юборишмади... Хабаринг бордир-а? Уни жиннихонага жойлаб қўйиш керак, дейишувди, мен кўнмадим; уни ўша ерда заҳарлаб ўлдириб қўйишарди... Ҳар қалай у қилган иш бизга жуда қимматга тушди-да, энди у ҳеч қачон нафақа ололмайди, Правление хўжайинлари унга нафақа бериш одобдан бўлмайди, дейишди.

— Жанлен-чи, ишлаяптими?

— Ҳа, уни кунбай ишга ўтказишди. Йигирма су олади... Э, мен нолимайман, бошлиқлар менга жуда яхши муносабатда, буни уларнинг ўзлари ҳам айтишди... Жанленнинг йигирмаси-ю, менинг ўттизим — ҳаммаси эллик су бўлади. Агар олти киши бўлмаганимизда, ҳаммамиз кекириб юрардик. Ахир энди Эстелла ҳам бор-да — ортиқча нонхўр, ҳаммадан ёмони — Анри билан Ленораниинг шахтага ишга киришига ҳали тўрт-беш йил бор.

Этьен чидолмай қичқириб юборди:

— Улар ҳамми!

Маэнинг қонсиз ёноқларига қизиллик югуриб, кўзлари чақнаб кетди. Лекин у шу ондаёқ тақдир жабру жафолари остида эзилгандай, елкалари шалвиллаб тушди.

— Нима ҳам қилардик! Кейин уларнинг ҳам навбати келади-да... Ҳамма ҳам шундай оғир кунларни кўрган, уларга ҳам гал келади-да.

Маэ жим бўлиб қолди: вагонеткаларни ғилдиратиб кетаётганлар уларга халақит беришди. Катта, чанг босган деразалардан хира ёруғлик тушиб турарди, шу боисдан фонарлар янада хирароқ ёнарди, ҳар уч минутда машина ҳаракатга келиб, арқонлар чуваларди, ҳар бир кажава одамларни олиб ғойиб бўларди.

— Эй, дангасалар, чаққонроқ қимирласаларингчи!— қичқирди Пьеррон.— Ўтиринглар кажавага, бўлмаса бугун кун бўйи ҳам тугатолмаймиз!

У Маэга қаради, лекин бева жойидан жилмади. У учинчи кажавага ҳам тушмади; кейин худди уйғониб кетган кишидек суҳбатнинг бошини эслади-да, Этьенга мурожаат этди:

— Шундай қилиб, жўнайдиган бўлдингми?

— Ҳа, бугун эрта билан.

— Сен ҳақсан. Иложи бўлса, бошқа жойга кетган яхши. Сени кўрганимга хурсандман; сендан асло хафа эмаслигимни жилла қурса ўзинг ҳам биларсан. Бир вақтлар, ўша қирғиндан кейин сени ўлдирмоқчи ҳам бўлдим. Лекин мундоқ ўйлаб қарасанг, ҳеч ким айбдор эмаслигини кўраркансан... Йўқ, йўқ, бунга сен айбдор эмассан, ҳамма айбдор.

Маэ ўлганлар: эри, Захария, Катрина ҳақида хотиржам гапирди, фақат Альзирага келганда кўзларида ёш кўринди. У яна одатича хотиржам бўлиб қолди, ўз ишлари тўғрисида тадбирли аёллардек, пишиқ-пухта гапирди. Буржуйлар бекордан-бекорга шунча камбағалнинг ёстиғини қуритди, — бу яхшиликка олиб келмайди. Албатта, бир кун келиб, улар товон тўлайдилар, чунки бу ёруғ оламдагиларнинг ҳаммаси жазоланади! Ушанда аралашишнинг ҳам ҳожати йўқ,— бутун дўконлар ўз-ўзидан осмонга отилади, солдатлар ишчиларга қандай ўқ узган бўлишса, хўжайинларни ҳам шундай отишади. Асрий итоаткорликка, Маэни яна қайтадан қаддини дол қилиб, ишлашга мажбур этган наслий одатга, ҳар қалай, адолатсизлик умрбод давом этиши мумкин эмас, агар худо бўлмаса, кимдир келиб, бахтсизлар учун қасос олади, деган ишонч ҳам қўшилганди.

Бева Маэ атрофга аланглаб, паст товуш билан гапирарди. Яқин орада Пьеррон кўриниши билан овозини баландлатиб деди:

— Хўп майли, кетадиган бўлсанг, майда-чуйдаларингни ҳам олиб ол... Уйимизда иккита кўйлагинг, учта дастрўмолинг билан эски шиминг турипти.

Этьен қўлини силкиб қўя қолди: энди бу латта-путталарни нима ҳам қиларди? Бари бир эски-тускичига топшириш керак.

— Раҳмат, менга керак эмас, болаларингизга қолсин... Парижда топиб оларман.

Яна иккита кажава пастга тушиб кетди. Пьеррон ниҳоят бева Маэга қараб мурожаат қилишга мажбур бўлди:

— Менга қаранг, пастдагилар кутиб қолишди-ку! Гапингиз тамом бўладими ўзи?

Лекин бева унга орқасини ўгириб олди. Бу ярамас сотқин мунча куйиб-пишади-а? Ишчиларни пастга ту-

www.ziyouz.com kutubxonasi

шириш унинг иши эмас-ку. Уни бу ердагилар шундоқ ҳам ёмон кўришади-ку. Шу боисдан Маэ хоним лампочкасини ушлаганча Этьен билан тураверди; ёз бўлишига қарамай, у елвизакда совуқ еди.

Яна нима ҳақда гапиришни на у, на Этьен биларди. Улар рўбарўма-рўбарў туришар, юраклари шунчалик тўлиб кетган эдики, албатта бир-бирига яна бир нима дегиси келар эди.

Ниҳоят индамай туравермаслик учунгина Маэ шундай деди:

— Левакнинг хотини иккиқат, эри ҳамон турмада; Бутлу вақтинча унинг йўқлигини сездирмай турипти.

— Э, ҳа, анави Бутлу-да!

— Ҳа, айтгандай... Филомена кетиб қолди. Сенга айтмаганмидим?

— Нима, кетиб қолди?

— Ҳа, па-де-калелик битта шахтёр билан кетиб қолди. Иккита боласини менга ташлаб кетадими, деб қўрқувдим. Йўқ, ҳайтовур, уларни ўзи билан олиб кетди... Қара-я? Ўзи қон туфлаб юрган, ранги мурданикидан баттар бўлса-ю, қилган ишини қара-я!

У бир лаҳза жим бўлиб қолди-да, кейин секин гапини давом эттирди:

— Менинг ҳақимда ҳам ҳар хил бўлмағур гапларни айтишди!.. Эсингдами, мени ҳам сен билан дон олишиб юради, дейишганди. Вой худойим-ей! Эрим ўлгандан кейин шунақа бўлиши осон эди, ёшроқ бўлганимда, тўғрими? Бироқ энди шу иш бўлмаганига хурсандман, кейин ўзимиз ҳам пушаймон қилиб юрардик.

— Ҳа, кейин пушаймон қилиб юрардик,— такрорлади Этьен шунчаки.

Шу билан гаплари тамом бўлди, бошқа ҳеч нима дейишмади. Маэни кажава кутарди, жарима тўлайсан, деб дағдаға қилиб чақиришарди. Шундан кейин бева ниҳоят хайрлашишга жазм қилиб, унинг қўлини қисди. Этьен қаттиқ ҳаяжонланиб, унинг орқасидан қараб қолди: жуда ҳорғин, шалвиллаб қолган эди, юзида қондан асар ҳам йўқ, ўнгиб кетган кўк чепчиги остидан сочлари чиқиб турарди, серпушт аёлнинг бўла гавдаси бўз шим билан блузкада хунук кўринарди. Аёл сўнгги бор қўл қисиб хайрлашаркан, Этьен унинг бир ўртоқдек қаттиқ, узоқ индамай қўл сиқиб хайр-

лашганини сезди; аёл гўё кураш янгитдан бошланадиган кунгача хайрлашгандек эди. Этьен ҳаммасини тушунди; беванинг кўзлари комил ишонч билан ёниб турарди. Тезроқ дийдор кўришайлик, хайр! Лекин эндиги жангимиз ҳал қилувчи жанг бўлади.

— Ўлгудай дангаса хотин экан-да, жин урсин! — деб қичқирди Пьеррон.

Маэни ҳар томондан итариб, қисиб қўйишди; у бошқа тўрт ишчи билан вагонеткага чиқиб олганди. Сигнал арқонини тортиб: «Пўшт, мол гўшти кетяпти!» деб маълум қилишди. Кажава қўзғалиб, қоронғиликка тушиб кетди, тез айланаётган пўлат арқонгина қолди.

Шундан кейин Этьен шахтани тарк этди. У пастда, саралаш шийпондаги уюлиб ётган кўмир олдида оёқларини узатиб ўтирган бировни кўриб қолди. Бу Жанлен бўлиб, катта-катта кўмирларни «тозалаш» вазифасини бажарарди. У кўмирни оёқлари орасига олиб, болға билан ундаги сланец бўлакларини ажратарди. Унинг юзини кўмир гарди шунчалик босгандики, агар шалпангқулоқ, кичик кўзлари, кўкиш тумшуғи маймунникига ўхшаган бу бола бошини кўтармаганида, Этьен уни сира ҳам танимас эди. Бола ғалати тиржайди ва сўнгги бор уриб, тошкўмирни майдалади-да, қора чанг булути ичида кўринмай кетди.

Этьен бинодан чиққач, бир минутча чуқур хаёлларга берилганча йўлдан кетаверди. Хаёлига ҳар хил фикрлар келиб кетарди. Аммо ҳаво тоза бўлиб, осмон мусаффо эди — у кўкрагини тўлдириб нафас олди. Қуёш уфқ узра салобат билан кўтариларди. Ҳамма ерда қувноқ ҳаёт уйғонаётган эди. Кўз илғамас текислик бўйлаб шарқдан ғарбга томон заррин тўлқин ошиқди. Ҳаммаёққа яна оромбахш ҳарорат таралди; бу ернинг нафас олиши, қушлар навоси, шалолаларнинг шалдираши, ўрмонларнинг шовиллаши эшитилиб турган ёшлик мавжи эди. Ҳар қалай ҳаёт яхши-да, бу кўҳна дунё яна бир баҳор яшашни истарди.

Шу умидда юрган Этьен қадамини секинлатди; у баҳор жилвасидан роҳатланиб, йўлнинг у ён-бу ёнига қararди. У ўзини ўйларди, ўзини бардам сезарди, — шахтадаги ҳаёт унинг учун қаттиқ синов бўлди, шундан кейин у камолга етди. Унинг шогирдлик даври тугади; Этьен энди ўзи билиб олган, ўзи лаънат-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лаган жамиятга қарши уруш эълон қилган революциянинг онгли жангчисидек мукаммал қуролланган ҳолда борарди. Плюшар билан учрашиши, Плюшардек таниқли раҳнамо бўлиши уни қувонтирарди, уни ҳозир хаёлан ирод этаётган нутқларга илҳомлантирарди. У ўз программасини кенгайтиришни ўйларди. Этьенни ўз синфидан юқори қўйган буржуа зукколиги унинг буржуазияга бўлган нафратини кучайтирарди холос. Ишчиларнинг қашшоқликда яшаши уни хижолат қиларди; Этьен уларни шон-шуҳрат шоҳсупасига кўтаргиси келарди: буюк ва ҳаққоний одамлар фақат шулар эканини, ягона нуфузли табақа, инсониятни ўзгартира оладиган ягона куч фақат шулар эканини Этьен кўрсатиб беради ҳали. У ўзини халқ шодиёнаси куни минбарда тургандек ҳис этди,— ишқилиб халқ ютиб юбормаса бўлгани.

Юқоридан эшитилаётган тўрғай навоси Этьенни осмонга қарашга мажбур этди. Тиниқ осмондаги қизғиш булутлар — тунги туман қолдиқлари тарқалаётганди; кўз олдидан Суварин билан Раснёрнинг хира қиёфалари ўтди. Ҳа, кимки ҳокимиятни ўз қўлимга оламан, деб уринса, ҳаммаси барбод бўлади. Жилла қурса, манави машҳур Интернационални олинг, жаҳонни янгилаши керак бўлган бу ташкилот ҳам энди заифлашиб қолди, мадори кетиб, ҳалокатга юз тутди, унинг шундай катта армияси ички низолар туфайли пароканда бўлиб тўзиб кетди. Демак, Дарвин: олам жанг майдонидан бошқа нарса эмас, унда бир турнинг такомиллашуви ва давом этиши учун зўрлар ожизларни емириб, ютиб юборади, деб тўғри айтган экан-да? Гарчи Этьен ўз билимларидан қаноатланган киши сифатида буни ҳал этиб қўйган бўлса-да, бу савол уни хижолат қиларди. Лекин бир фикр унинг шубҳаларини тарқатиб, уни ғурурлантириб юборди; у биринчи нутқидаёқ ана шу назария борасидаги эски тушунчаларини ривожлантиришни ният қилиб қўйди. Агар бир синф ер юзидан супурилиб ташланиши зарур бўлса, демак, навқирон, кучга тўлган халқ ёшини яшаб, ошини ошаган буржуазияни йўқотиб юборади,— бошқача бўлиши мумкинми, ахир? Янги қон янги жамият барпо этади. У мункиллаб қолган миллатини оёққа турғизиши лозим бўлган ваҳшийлар ҳужумини кутаркан, унда яна яқинда инқилоб, чинакам, меҳнаткашлар инқилоби бўлади, деган қатъий ишонч туғилди. Бу инқилоб шуъласи аср сўнггини чиқиб келаётган қуёшнинг қирмизи рангига бўяйди, Этьен бу қирмизи нурни осмонда кўриб турарди.

Шу хаёллар билан банд бўлган Этьен қўлидаги қизил ёғочдан қилинган ҳассаси билан йўл тошларини уриб, дўқиллатиб, қадам ташларди. У атрофга кўз ташларкан, таниш жойларни кўрди. Мана, Ҳўкиз мўғиз деган жой: у халойиқни худди шу ердан шахталарни вайрон қилишга бошлаганди. Мана энди яна молдек ишлатиб, тинкангни қуритадиган, кам ҳақ тўланадиган иш бошланди. У назарида ер тагида, етти юз метр чуқурликда бир маромда, тўхтовсиз бўғиқ гурсиллаётган товушларни эшитаётгандек бўлди: булар унинг яна ишга чиққан ўртоқлари, унинг қорайиб кетган ўртоқлари индамай жон-жаҳдлари билан тоғ жинсларини кўчиришяпти. Тўғри, улар мағлуб бўлишди, улар пулларидан айрилишди, у ерда ўликларини қолдиришди; лекин Париж Ворёдаги отишларни унутмайди, Империянинг қони ҳам мана шу тузалмас жароҳатдан оқади. Борди-ю, кризис тамом бўлиб, заводлар бирин-кетин очилаверса ҳам, бари бир уруш эълон қилинади, чунки бундан буён ярашув бўлиши мумкин эмас. Шахтёрлар ўз кучларини ўлчаб, синаб кўришди ва ўзларининг адолатга даъватлари билан бутун Франция меҳнаткашларини ларзага солдилар. Шунинг учун ҳам уларнинг мағлубияти ҳеч кимни хотиржамликка солмади; Монсу буржуйлари ғолиб келган бўлишларига қарамай, аслида забастовка хоҳлаган кунда такрорланиши мумкинлигини ҳис қилишар, бу чуқур сукут замирида нима бор экан, кунимиз битмаганмикин?— дея сўраётгандек, ҳайиқиб атрофга аланглашар эдилар. Улар ҳар куни, масалан, эртага исён бошланиши мумкин, ана ўшанда ўзаро ёрдам кассалари бўлган ишчиларнинг умумий забастовкаси бошланади, шу касса туфайли бир ойгача қуруқ нон чайнаб, забастовка қилаверишлари мумкин бўлади. Бу галги забастовка чириган жамиятни бир силкиб қўйди холос; бу жамият оёғи остидаги замин қимирлаб турганини ҳис қилди; аммо кейин эски, нураб қолган бино Ворё шахтасидек қулаб, жаҳаннамга ағдарилмагунча силкинаверади, силкинаверади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Этьен ўнгга, Жуазель йўлига бурилди. У худди мана шу ерда Гастон-Марини дабдала қилишга отланган халойиқни йўлдан қайтарган эди. Узоқдан чарақлаган қуёш ёритаётган кон шахталарининг миноралари кўриниб турарди,— ўнг томонда Миру, кейин ёнма-ён жойлашган Мадлена билан Кручина шахталари. Ҳамма ерда иш қайнарди. Этьен назарида ер қаъридан чўкичларнинг гурсиллашини эшитгандек бўлди; бу гурсиллаган товушлар бутун текислик бўйлаб, у бурчидан бу бурчигача эшитиларди. Гурс, гурс, кейин яна қуёш нурида ястаниб ётган далалар, йўллар, қишлоқлар ости гурсиллади: ҳамма жойда, катта, қалин қатламлар босиб ётган ер остида машаққатли иш қайнарди: ер остидан келаётган қайғули хўрсинишларни эшитиш учун ўзинг пастга тушишинг керак. Энди Этьен зўравонлик ҳақиқатан ҳам ишни тезлата олмаса керак, деб ўйлади. Пўлат арқонлар кесилди, темир излар бузилди, лампалар чил-чил қилинди — булардан нима фойда чиқди? Яксон қилиш иштиёқида ёнган халойиқ мана шунинг учун уч миля масофага ҳаллослаб келган экан-да! У қонуният тикланадиган кун бундан ҳам даҳшатли бўлишини сал-пал биларди. Унинг ақли тўлишиб, тийраклашди, йиғилиб қолган кек-адоватини юрагидан чиқариб ташлади. Маэ хоним бу бизнинг сўнгги жангимиз бўлади, деб жуда тўғри айтган экан: ҳамма ҳотиржамлик билан уюшиши, бир-бирини яхшироқ билиши, агар қонун йўл қўйса, союзларга бирлашиши керак; ана ундан кейин, улар куч-қувватга тўлганликларини ҳис қилиб, миллион-миллион меҳнаткаш бир неча минг ишёқмас билан юзма-юз келиб қолган пайтда, ҳокимиятни қўлга олиб, хўжайин бўлиб қолиши керак. Ана ўшанда ҳақиқат ва адолат нурлари балқийди! Ана ўшанда ер остидаги муқаддас, олис маконда биқиниб бахти қора кишиларни еб, семириб, чўзилиб ётган кушанда, ёвуз махлуқ ниҳоят ўлади.

Этьен Вандам йўлидан бурилиб, катта тош йўлга чиқди. Ўнг томонда, тепа ёнбағрида чўзилиб, бора-бора уфқ ортида ғойиб бўлган Монсу кўриниб турарди; у Ворё харобаларига келиб қолди — мана шу лаънати ўрадан учта насос билан кечаси-ю, кундузи тинмай сувни чиқариб ташлашаётганди. Нарида, уфқда Ғалаба, Сен-Тома, Фетри-Кантель шахталари, ундан нарида, шимолроқда эса, баланд-баланд домна печлари ва кокс печлари батареялари кўзга чалинарди; уларнинг тепасида мусаффо тонг палласида тутун бурқсиб турарди. Агар Этьен эрталаб соат саккиздаги поездга кечикмай деса, шошилиши керак, чунки яна олти километр юриши лозим эди.

Унинг оёқлари остидан ҳамон зўр бериб урилаётган чўкичларнинг гурс-гурси эшитиларди. Унинг ҳамма ўртоқлари ўша ерда эди. Этьеннинг назарида улар ҳар бир қадамини кузатишаётгандек эди. Лавлаги экиладиган далалар остида ишлаётган бева Маэ эмасмикан? У қаддини дол қилиб ишлаяпти, хириллаб нафас олганда, нафаси ҳуштак чалиб чиқади, вентиляторнинг шовқини унга жўр бўлади. Этьен сўлда, ўнгда, узоқда — ҳаммаёқда ишлаётган ўртоқларини танияпти; улар экинзорлар, кўм-кўк иҳоталар, ёш ниҳоллар остида ишлаяпти. Кўк гумбазида апрель қуёши чарақлаб, момо ерга иссиқ нур сочарди. Ернинг меҳрибон бағрида ҳаёт чашмаси жўш урарди; куртаклар ям-яшил баргларга айланганди, далалар бетини қоплаган майсалар мавжланиб турарди. Ҳаммаёқда уруғлар ниш уриб, ўсимликлар ер бетига ёриб чиқар, иссиқлик ва нурга ташналик билан интилар эди. Шира-шарбатлар гўё шивирлаган овозлардек сизиб оқарди, пояларнинг шитирлашлари қўшилиб, сўриб бўса олишга ўхшаб кетарди. Ишчи чўкичининг садоси борган сари юқорига яқинлашаётгандек, аниқ ва тиниқ эшитиларди. Қуёш ҳароратли нурларини сочиб турган тонг палласида ердан ана шундай садолар эшитиларди. Пайкалларда экинлар аста-секин бўй чўзарди, бўлажак ҳосилнинг даҳшатли, қора лашкарлари ўсиб, етишиб келаётганди, ана шу уруғлар тез орада ер бағрини ёриб чиқиши керак.

1885.

www.ziyouz.com kutubxonasi

МУНДАРИЖА

Биринчи қисм 5
Иккинчи қисм 75
Учинчи қисм 136
Тўртинчи қисм 200
Бешинчи қисм 303
Олтинчи қисм 381
Еттинчи қисм 449

www.ziyouz.com kutubxonasi